

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

---

**Д. ТОЖИБОЕВА**

# ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

**Иккинчи китоб**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлараро илмий-услубий  
бирлашмалар фаолиятларини мувофиқлаштирувчи Кенгаш  
томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун қўлланма  
сифатида тавсия этилган.*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2003

Қўлланма Тошкент Молия институти ва “Очиқ жамият” институти — кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳомийлигида чоп етилди.

**Академик М. ШАРИФХЎЖАЕВ**  
**илмий таҳрири остида**

**Т а қ р и з ч и л а р :**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг “Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш назарияси ва амалиёти кафедраси» ўқитувчилари: **А. Абдуганиев** — иқтисод фанлари доктори, профессор; **Т. Шодиев** — иқтисод фанлари доктори, профессор; **Т. Жумақулов** — иқтисод фанлари доктори, профессор; **Ш. Шодмонов** — иқтисод фанлари доктори, профессор; **Т. Маликов** — иқтисод фанлари доктори, профессор; **М. Юлдашев** — иқтисод фанлари доктори, профессор; **Э. Набиев** — иқтисод фанлари доктори, профессор.

Т-60

**Тожибоева Д.**

Иқтисодиёт назарияси: Иккинчи китоб: Олий ўқув юрглари талабалари учун ўқув қўлланма / М. Шарифхўжаев илмий таҳрири остида. — Т.: «Шарқ», 2003. — 416 б.

Сарлавҳада: ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент молия институти.

**ББК 65.5я73**

Қўлланма талабаларни иқтисодиёт назариясини чуқурроқ ўрганишларига ёрдам бериш мақсадида ёзилган. Китоб макроиқтисодиёт ва жаҳон иқтисодиётини назарий жиҳатдан ўрганишга бағишланган. Унда иқтисодиётдаги муаммолар жаҳон тажрибасини назарда тутган ҳолда иқтисодий мактаблар, уларнинг концепциялари, турли мактаб намояндаларининг фикрларига диққат қаратилган ҳолда баён қилинган.

Қўлланмада Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланган иқтисодиёт назарияси фанидан ўқув дастурида кўрсатилган барча мавзу ва асосий саволлар ёритилган.

Қўлланма олий ўқув юрти бакалаврлари, магистрантлари, аспирантлари ва иқтисодиёт назариясини ўрганишга қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

© “Очиқ жамият” институти—кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2003 йил.

## МУАЛЛИФДАН

Иқтисодиёт назарияси ўзининг фундаментал характерига эга эканлигига қарамай, тавсиялари амалиётда қўлланиладиган фан ҳамдир. Бу фанни ўрганмай туриб, иқтисодиётнинг турли: микро, мезо, макро, мега даражасида оптимал қарор қабул қилиш, иқтисодиётни бошқариш, макроиқтисодиётда мувозанатга эришиш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва бошқа муаммоларни ҳал қилишнинг энг рационал йўлларини топишни амалга ошириб бўлмайди.

Ҳеч қандай назария, ҳеч қандай концепция иқтисодиётнинг барча муаммоларини тўла ечиш, иқтисодиётдаги барча саволларга аниқ жавоб, тавсия беришга қодир эмас.

Лекин тўғри йўл топиш учун аллақачон бошқалар кечирган, улар босиб ўтган йўлни ўрганиш катта аҳамиятга эга, чунки иқтисодий қонунлар ҳам табиат қонунларига ўхшаш объектив характерга эга. Унинг амал қилиши барча учун баробар.

Шунинг учун ҳам биз бозор иқтисодиёти шароитида амал қиладиган қонунлар, иқтисодий фаолият таҳлили муаммоларни ечишдаги муқобил вариантлар, уларни танлаш ва қарор қабул қилишда чет эллик иқтисодчиларнинг тадқиқотларини ўрганиб, тажриба тўплашимиз мумкин.

Маълумки жаҳон тажрибасида ҳозирги пайтда иқтисодиётни қисқа муддатли ва узоқ муддатли давр нуқтаи назаридан ўрганилиб, мувофиқ равишда амалий тавсиялар бериш, турли муқобил вариантларни таққослаш асосида танлаш ва қарор қабул қилишга алоҳида аҳамият берилади.

Ундан ташқари жаҳон иқтисодиёт фанида, жумладан иқтисодиёт назариясида ҳозирги пайтда амалий математикадан кенг фойдаланилмоқда.

Муаллиф мавзуларни ана шу жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ёритишга ҳаракат қилди.

Мазкур китоб “Иқтисодиёт назарияси”нинг иккинчи қисми ҳисобланади. Иқтисодиётнинг умумий асослари ва микроиқтисодиёт назарияси масалаларига бағишланган биринчи қисми 2002 йили “Ўқитувчи” нашриёти томонидан чоп этилган.

Иккинчи китоб, ўзига хос тармоқ — аграр сектор муносабатлари ва муаммоларини ўрганишдан бошланади.

Учинчи бўлим — макроиқтисодиёт, тўртинчи бўлим — жаҳон иқтисодиёти назарияси масалаларига бағишланган.

Кўлланмада муаллиф ҳозирги замон жаҳон иқтисодчи олимлари алоҳида диққат қаратаётган; ялпи талаб ва ялпи таклиф, уларнинг мувозанати, иқтисодий ўсиш ва унинг цикли характери, иқтисодий ўсиш моделлари, истеъмол, жамғарма, инвестиция, миллий иқтисодиётнинг таркиби, уни ислоҳ қилиш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш моделлари, ишсизлик муаммолари, молия, пул муомаласи, пул-кредит сиёсати иқтисодиётни тартиблаш муаммолари халқаро муносабатлар, қиёсий устунлик назарияларини атрофлича ёритишга ҳаракат қилди.

Кўлланманинг XXII боби и.ф.н. У. Юлдашева билан ҳамкорликда ёзилган.

Муаллиф мазкур китобни ёзишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатган, қимматли маслаҳатлар берган академик М. Шарифхўжаевга ва барча тақризчиларга ҳамда ишни холисона баҳолаб, уни қўллаб-қувватлаган “Очиқ жамият” институти қўмак жамғармасига, (Sogos фонди) шахсан унинг ижрочи директори А. Илҳомовга, Таълим дастурлари директори Ш. Ашрафхоновга, «Олий таълим» дастури мувофиқлаштирувчиси З. Турсунова ва бошқаларга чин дилдан миннатдорчилик билдиради.

---

## ХП Б О Б

### АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА АГРОБИЗНЕС

Ҳар қандай мамлакатда хўжалик юриштининг шундай тизимлари мавжудки, улар миллий иқтисодиётда алоҳида ўрин тутади ва ажралиб туради. Булар микро ва макроиқтисодиёт ўртасида бўлиб, улар фаолиятини иқтисодиёт назариясининг мезоиқтисод (юнон. mesos — оралик) бўлими ўрғанади. Мезоиқтисодиёт таркибига қишлоқ хўжалиги, ҳарбий-саноат комплекси, ёнилғи-энергетика комплекси, олий ва махсус таълим тизими ва ҳоказолар киради. Шунингдек ҳудуд (регион), тармоқлар доирасидаги иқтисодий муаммоларни ўрганиш ҳам мезоиқтисодиёт таркибига кириб, алоҳида ўрин тутади.

Барча тармоқлар ўртасида қишлоқ хўжалиги иқтисодий муносабатларда бошқалардан фарқ қилувчи хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун иқтисодиёт назариясида бу тармоқдаги иқтисодий муносабатлар алоҳида ўрганилади.

Бизнинг республикаимиз иқтисодиётида аграр сектор муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30% дан кўп. Иқтисодий фаол аҳолининг 41% дан ортиги аграр секторда банд. Кўришиб турибдики, аграр секторга хос муаммоларни ўрганиш айниқса бизнинг республикаимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур боб аграр секторнинг ўзига хос хусусиятлари ва у билан боғлиқ муаммоларни, агробизнес ва унинг таркиби, аграр секторни қўллаб-қувватлаш масалаларини ўрганишга қаратилган.

#### 1-§. АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА АГРАР СЕКТОР ХУСУСИЯТЛАРИ

Бизнинг ҳаётимизда қишлоқ хўжалиги қандай ўрин тутишини яхши биламиз. Чунки ҳар биримизнинг ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз тўкинлиги айнан зироатчилик билан боғлиқ. Аҳолининг кундалик истеъмол қиладиган маҳсулотининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар ташкил қилади.

Инсоннинг ҳаёти ва фаолияти учун табиат томонидан берилган энг буюк инъомлардан бири — Ер. Она ерсиз ҳаёт бўли-

ши мумкин эмас. Ҳар қандай ишлаб чиқариш албатта бевосита ёки билвосита ер билан боғлиқ.

Турли тармоқларда ер турлича функцияларни бажаради. Ундирма саноатда табиий бойликлар қазиб олинадиган хазина, қайта ишлаш саноатида корхоналар жойлашган асос ва ҳоказо.

Лекин фақат қишлоқ хўжалигидагина ердан бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилади.

Ер таклифи ноэластик, қадр-қиммати баланд чекланган ресурс сифатида мулк монополияси мавжуд. Чунки эгасиз ер йўқ. Ер эгаси ўз мулки бўлган ерни текинга фойдаланиш учун бермайди. У яратилган маҳсулотдан шу омилнинг ҳиссасига кўра улуш олиши керак.

Ундан ташқари ер **хўжалик юритиш объекти**. Унда хўжалик юритувчилар томонидан фаолият юритилади, маҳсулот ишлаб чиқарилади. Хўжалик юритаётган ер участкалари эса турли жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Аграр секторда иқтисодий фаолият жараёнида юз берадиган барча муносабатлар энг асосий омил бўлган ер билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида аграр муносабатлар алоҳида ўрин тутди. **Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хусусиятларига кўра таркиб топган иқтисодий муносабатлар аграр муносабатлар дейилади.**

Бу муносабатлар объекти ер. Субъекти эса ер эгалари, хўжалик юритувчи ва меҳнат қилувчилар ҳисобланади.

Ер махсус ресурс. У бошқа омиллардан тубдан фарқ қилади:

**Ернинг миқдори ўзгармас.** Ер шари 510 млн. кв. км.ни ташкил этса, ундан 13%и ишлов бериладиган ерлардан иборат. Меҳнат ва капитал таклифи ерга ўхшаб чекланмаган. Ердан бошқа ресурсларнинг таклифини кўпайтириш мумкин. Бунда нарх асосий рол ўйнайди. Лекин ер ҳақида бундай дея олмаймиз. Тўғри, турли йўллар билан, айтайлик, ўрмонни кесиб, ботқоқни қурииб, суғориш тармоқларини қуриб, экин экадиган ерларни кўпайтиришимиз мумкин. Лекин бунда ердан фойдаланиш таркибини ўзгартирамиз холос.

Ернинг яна бир **муҳим хусусияти** унинг **кўчмаслигидир**. Ер участкаларини бозорга, истеъмолчиларга ёки сув манбаларига яқин бўлишини қанчалик хоҳламайлик уни кўчира олмаймиз.

Ернинг унумдорлиги ҳар хил бўлиб, таркиби жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, республикамизда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 17546,8 минг гектарни ташкил қилиб, ундан 4221,0 минг га ҳайдаладиган ерлар, 146,7 минг га ўтлоқлар, 14138,6 минг га яйловлардан иборат. Суғориладиган ерлар 3450 минг га ни ташкил этади. Унумдорликни ошириш учун ерга кўшимча капитал ва маблағ талаб этилади. Қисқа муддатли даврда кўшимча қўйилган капитал эвазига олинадиган меъёрий унумдорлик эса пасайиб боради. Ҳосилдорликни ошириш мақсадида ерга қанча кўп кўшимча капитал қўймайлик,

унинг унумдорлигини истаганча ошира олмаймиз, чунки кўп ўғит солишимиз, сугоришимиз, чопишимиз билан агротехника қоидаларини бузилиши туфайли ҳосил пасайиб кетиши мумкин. Худди меъерий нафлиликка ўхшаб, фойда ўрнига зарар кўришимиз мумкин. Қисқа муддатли давр нуқтаи назаридан қарасак меъерий унумдорлик (ҳосилдорлик)нинг пасайиш қонуни амал қилади.

Маълум чегарадан сўнг эса ҳеч қандай қўшимча ҳосил ола олмаймиз. Бу ҳол узоқ муддатли давр нуқтаи назаридан агротехника, уруғчилик ва бошқа соҳаларда янгилик яратилгунча давом этади.

Ер ўрнини ҳеч бир ресурс боса олмайди.

Бошқа ресурслар эса бир-бирини ўрнини боса олади. Масалан, инсон меҳнاتини машина ёки аксинча. Ерни муқобил ишлатишнинг вариантлари ниҳоятда кўп.

Аграр сектор ерга меҳнат ва капитал сарфлашнинг (қўйишнинг) ўзига хос алоҳида хусусиятга эга сфераси бўлиб, иқтисодий жараённинг табиий-биологик жараён билан чирмашиб кўшилиб кетишида ҳам намоён бўлади.

**Аграр ишлаб чиқаришнинг биринчи ва асосий хусусияти шундаки, қишлоқ хўжалигида меҳнат, саноатдан фарқ қилиб тўпланган энергияни сарф қилиш эмас, балки уни тўплашга қаратилган.** Аграр меҳнатни энергияни тўплаш хусусиятига дастлаб физиократлар диққат қаратишган. Улар фақат қишлоқ хўжалигидаги меҳнатни унумли меҳнат деб тан олишган.

Инсоният маълум бир пайтдан объектив зарурат туфайли табиатдаги тайёр неъматларни ўзлаштирувчидан ишлаб чиқарувчига айланди. Шу пайтдан бошлаб унинг меҳнати сифат жиҳатдан янги ҳолатга кўтарилди. Меҳнат иқтисодий жараёнга айланди.

Аграр ишлаб чиқаришнинг иккинчи хусусияти, қишлоқ хўжалигида меҳнат, бутун диққат-эътибор экилган экиннинг нормал ўсиши, яхши ҳосил бериши учун шароит яратишга қаратилган. Чорвачилик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш тирик организм билан боғлиқ.

Агар саноатда тараққиётнинг бош двигатели меҳнат қуроллари бўлса, аграр секторда табиий омиллар етакчи рол ўйнайди.

Аграр секторнинг ўзига хос хусусиятлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нархни шаклланишида ҳам ўз ифодасини топади.

## 2-§. ЕР РЕНТАСИ, УНИНГ ТУРЛАРИ. РЕНТА КАТЕГОРИЯСИГА КЛАССИК ВА НЕОКЛАССИК ЁНДАШУВ

Ер ва ундаги мавжуд табиий бойликлар ишлаб чиқариш омилларида бири бўлиб, ўз эгасига даромад келтиради. Бу даромаднинг номи рента. Рента сўзи лотинча *redit* сўзидан олинган бўлиб, қайтарилган, тўланган деган маънони билдиради. Бунда рента ер омилининг эгасига ундан фойдаланганлик учун ҳақ сифатида тўланиши назарда тутилади.

Рента муносабатлари аграр муносабатларда асосий ўрин тутади. Чунки у ерга мулкчилик муносабатлари билан боғлиқ.

Рента муносабатлари айрим иқтисодчиларнинг фикрича ерга мулкчилик билан ерни ишлатиш, ердан фойдаланиш ажралган шароитда келиб чиқади. Бошқалари рента вужудга келиши учун эгалик қилиш билан фойдаланишни ажралиши шарт эмас. Асосийси ерга бўлган мулкчиликни мавжудлигидир дейишади. Шундай қилиб ердан фойдаланганлик учун унинг эгасига тўланган ҳақ рента деб аталади.

Ҳамма иқтисодчилар томонидан ернинг чекланганлиги, унумдорлигидаги фарқлар эътироф қилинади. Лекин бошқа масалаларда уларнинг концептуал ёндашишлари фарқ қилади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий фойда бошқа тармоқларга қараганда узоқ муддат амал қилади.

Маълумки, мукамал рақобат шароитида бундай бўлмайди.

Иқтисодий (соф) фойда бу тармоққа қўшимча ишлаб чиқарувчиларни жалб қилади. Таклиф кўпаяди, натижада иқтисодий фойда йўқолади.

Қишлоқ хўжалигида бундай бўлмайди. Унуми юқори ерлар чекланган. Уларни табиат қанча яратган бўлса, шунчани ташкил қилади. Саноат корхоналарига ўхшаб кўпайтириш мумкин эмас.

Ўз сифатига кўра “меъёрий” деб аталадиган чегарадан юқори бўлган барча ерлардан олинадиган иқтисодий фойда дифференциал рента деб аталади.

Узоқ муддатли давр нуқтаи назаридан “меъёрий” (ёмон) деб аталадиган ер участкалари маълум талаб ва таклиф нисбатида ишлаб чиқаришни амалга ошириш мумкин бўлган ер участкалари ҳисобланади. Уларга нисбатан ёмонроқ ер участкаларида узоқ муддатли давр нуқтаи назаридан қараганда ишлаб чиқарилган маҳсулот уни етиштириш учун қилинган сарф-харажатларни қоплай олмагани туфайли у ерларда маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтатилади.

Ер участкалари унумдорлигидаги фарқ натижасида вужудга келадиган рента дифференциал рента деб аталади. Л. Смит, Д. Рикардоларнинг фикрича рента ернинг унумдорлиги, камёблиги натижасидир.

Дифференциал (лотинча сўздан олинган бўлиб, табақалашган, фарқ деган маънони англатади) рента ўрта ва яхши ер



участкаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга сарфланган харажатлар билан, ёмон ер участкаларида етиштирилган маҳсулот учун қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида намоён бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоси ана шу унумдорлиги паст ерларда етказилган маҳсулотларга қилинган харажатлар асосида шаклланади.

Сабаби, унумдор ерлар чекланган. Аҳолининг талабини қондириш учун яхши ва ўрта ерлардан олинган ҳосил етмайди, натижада ёмон ер участкаларидан ҳам фойдаланишга тўғри келади. Аҳоли сонининг ошиб бориши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабнинг орғиб бориши қишлоқ хўжалигида тобора кўп харажат талаб қиладиган “ёмон” ерлардан ҳам фойдаланишга мажбур қилади.

Ер рентасини қандай ҳосил бўлишини тушунтиришда икки хил: классик ва неоклассик (маржинал) ёндашув мавжуд. Классик ёндашувда ер рентасини қандай ҳосил бўлишини тушунтиришда рента манбаига диққат қаратилади. Классиклар нуқтаи назаридан дифференциал рента ҳосил бўлишини тушунтириш осон бўлиши учун қуйидаги жадвал рақамларидан фойдаланишимиз мумкин.

### *Дифференциал рентанинг ҳосил бўлиши*

Ер сифати	Ер миқдори, га	Олинган ялпи ҳосил, ц	Жами харажатлар, минг сўм	1 ц маҳсулотга ўртача харажатлар, минг сўм	Бир ц маҳсулотнинг бозор нархи, минг сўм	Ҳамма маҳсулотнинг бозор нархи, минг сўм	1 га ердан олинган диф. рента, минг сўм	1 ц учун ҳисобланган диф. рента минг сўм
1 ёмон	1,0	10	14000	1400	1400	14000	0	0
2 ўртача	1,0	14	14000	1000	1400	19600	5600	400
3 яхши	1,0	16	14000	875	1400	22400	8400	525

Фараз қилайлик, унумдорлиги жиҳатидан фарқ қилувчи 1 га дан учта ер участкаси бор. Бир хилда харажат қилиб, ёмон ер участкасидан 10 ц, ўртача ер участкасидан 14 ц, яхши ер участкасидан 16 ц дан ҳосил олинган бўлсин. У ҳолда етиштирилган 1 ц маҳсулотга сарфланган ўртача харажатлар бир-биридан фарқ қилади. Бозорда эса бир хил ёмон ер участкасида етказилган маҳсулотга сарфланган харажатларни қоплайдиган даражада ўрнатилган нарх билан сотилади. Бўлмаса ёмон ерларга экин экилмайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ёмон ерларда ҳам деҳқончилик қилиш имкониятини беради.

Иккинчидан, харидор учун сотиб олаётган маҳсулотини қандай ерда етиштирилганининг фарқи йўқ. У аввало маҳсулотнинг нархи ва сифатига қарайди.

Сотувчи эса етиштирилган маҳсулотга сарфланган харажати паст бўлса ҳам бозор баҳосида сотади. Албатта бир кг. маҳсулотини 140 сўмдан сотса, шу нархда харидор сотиб олиб турса, у ўз маҳсулотини кам харажат сарфлангани учун 100 сўмдан сотмайди. Ёмон ерларга нисбатан ҳосилдорлиги юқори ер участкаларида маҳсулот етиштириш харажатлари пастроқ бўлиши туфайли, бу участкаларда қўшимча даромад ҳосил бўлади. Ана шу ёмон ерда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар билан унумдорроқ ерда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ, яъни устама даромад дифференциал рентани ташкил қилади. Бизнинг мисолимизда ўртача ер участкаларидан олинган дифференциал ер рентаси 5600 минг сўм, яхши ер участкаларидан олинган рента эса 8400 минг сўмни ташкил этади. Дифференциал рента фақат ер участкаларининг унумдорлигини турличалиги туфайлигина эмас, балки уларнинг истеъмолчиларга узоқ-яқин жойлашиши туфайли ҳам келиб чиқади. Ёмон ерлардан дифференциал рента олинмайди.

Ёрнинг табиий унумдорлиги ва истеъмолчиларга нисбатан жойланишига кўра фарқ натижасида ҳосил бўлган дифференциал рентани, дифференциал рента I деб аталади.


Ёрнинг табиий унумдорлигидан ташқари иқтисодий унумдорлик ҳам мавжуд.

Тадбиркор ёрнинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ерга капитал қўяди. Қўйилган капитал эса турли участкаларда турлича натижа беради. Ерга кетма-кет қўшимча капитал сарфлаш туфайли ҳосил бўлган иқтисодий унумдорлик ҳам фарқ қилиши мумкин. Натижада даромадларда ҳам фарқ бўлади. Ерга қўшимча капитал сарфлаб олинган даромаддаги фарқни дифференциал рента II деб аталади.

Дифференциал рента I ни вужудга келиш механизми бўлиб, харажатлардаги фарқ бўлишига фақат табиий омил сабаб бўлса, узоқ муддатли даврда дифференциал рента II да табиий омил билан капитал омил натижаси чирмашиб кетади. *Масалан*, Голландияда ерларнинг табиий унумдорлиги унча юқори бўлмагани ҳолда қўшимча капитал сарфлаб, интенсив хўжалик юритиши натижасида ҳозирги пайтда дон ҳосилдорлиги бўйича жаҳон лидерига айланди.

**Неоклассик, маржинал йўналиш** эса ер рентасини тушунтиришга тамомила бошқача ёндашади. Уларнинг концепцияси меъёрий харажатлардан келиб чиқади.

Ёр рентасини ер омил эгасининг даромади сифатида меъёрий маҳсулотни ўзгариши асосида қуйидагича тушунтирилади. Айнан меъёрий маҳсулот ҳар бир омилнинг, улушига мувофиқ равишда унинг даромаддаги улушини аниқлайди. Аввал биз фирма, корхона томонидан маҳсулот яратишда асосан икки омил—меҳнат ва капиталга аҳамият берганмиз, энди қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нархни шаклланишда ер ва меҳнатни оламмиз.




Фойдаланадиган еримиз доимий миқдор, ўзгарувчи эса фақат меҳнат бўлади.

Дастлаб ер эгасининг ўзи хўжалик юритувчи-фермер бўлган ҳолатни кўриб чиқамиз. Маълумки, ер участкаси эгаси (фермер) қўшимча иш кучини улар яратган меъёрий маҳсулот иш ҳақи билан тенглашгунча ёллайди. Графикда бу  $L_1$  миқдорда иш кучи, маҳсулот ва иш ҳақининг  $W_1$  даражасига тўғри келади.

Ҳамма ёлланган ишчиларнинг иш ҳақи  $OW_1EL_1$  майдонини ташкил этади.

Умумий олинган даромад талаб (эгри чизиги)га боғлиқ. Мисолимизда умумий даромад  $OEDL$  майдонни ташкил қилади. Ундан ҳамма ёлланган ишчиларнинг иш ҳақини айириб ташласак ер рентаси қолади. У  $W_1DE$  майдонга тенг. Таниқли иқтисодчи Самуэлсон рента “қолдиқ методи” билан аниқланади, яъни умумий яратилган маҳсулот қийматидан иш ҳақини айириб ташлаб аниқланади деган хулоса чиқаради. Бу иқтисодий фойда (рента) мулк эгаси (мисолимизда фермер)га тегишли.

Энди рентани фермер мулкдор бўлмаганда, у ерни фақат ижарага олган ҳолатини кўриб чиқамиз. Неоклассиклар ҳар қандай омилнинг баҳо-



си: иш ҳақи, процент ёки рента миқдори шундай даражада ўрнатиладики, унда талаб билан таклиф тенглашади, деган принципдан келиб чиқиб, таҳлил қилишади. Уни қуйидаги график асосида тушунтиришади.

Графикда  $Q_1$  ижарага берилган ер таклифи,  $D$ -ерга талаб,  $E$  нуқтаси талаб ва таклиф


мувозанатидаги рента даражаси. Ернинг таклифи қатъий ноэластик бўлгани учун  $SQ_1$  таклиф эгри чизиги вертикалдир. Ерга талаб  $D_n$  ва таклиф  $SQ$  бўлиб  $R_n$  рента даражасида талаб ва таклиф  $E_n$  нуқтасида мувозанатда бўлсин. Ер рентаси  $R_n E_n$  даражасига кўтарилди дейлик. У ҳолда ерни ижарага олиш талаби қисқаради. Ер эгаларининг, ерни ижарага бериши қийинлашади. У рентиани пасайтиришга мажбур бўлади.

Агарда ер рентаси  $R_w E_w$  даражасига тушса, ерни ижарага олиш учун талаб кўпаяди. Натижада ер эгалари рента даражасини кўтардилар. Демак  $R_n E_n$  даражасида талаб ва таклиф мувозанатга келади. Яна шуни ҳам ёддан чиқармаслик керак-ки, ерга бўлган талаб, бу ҳосилга талабдир. Чунки у ерга экиладиган экинга боғлиқ. Агар буғдойнинг нархи пасайса, у ҳолда буғдой экиладиган ерга талаб пасаяди, рента ҳам. Шу фикрларни ердан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳақида ҳам айтиш мумкин. Агар алоҳида ер эгаси ўз еридан турли мақсадларда фойдаланиши мумкин бўлса, айтилик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, меҳмонхона қуриш, ёки магазин қуриш, истироҳат боғи қилиш ва бошқалар, у ҳолда ер эгаси бой берилган имкониятлар ёки муқобил қиймат муаммоси билан тўқнашади. Ер эгаси танлаши керак. Бунинг учун у ердан турли мақсадда фойдаланганда оладиган даромадларини таққослайди. Агар ижара ҳақи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, масалан картошка етиштиришга қараганда, машиналар учун гараж қуришга юқори бўлса, ер гараж учун фойдаланилади.

Ер мулк бўлгани учун ундан эгасининг розилигисиз фойдаланиб бўлмайди. Ундан маълум муддат фойдаланиш учун унинг эгасига ҳақ тўлаш керак. Бу ижара ҳақи бўлиб, у ўз ичига ер рентаси ва шу ер участкасида мавжуд бўлган асосий капитал (бино, иншоат кабилар) дан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни ҳам ўз ичига олади.

Иқтисодчилар ер рентасига турлича ёндашишларидан қатъи назар ер участкалари унумдорлиги ҳар хиллигини бирдай эътироф этишади. Неоклассик йўналишдаги иқтисодчилар дифференциал рентиани ўртача ва меъёрий харажатлар эгри чизиги орқали тушунтиришади. Қишлоқ хўжалиги мукамал рақобат кураши шароитида фаолият юритади десак, ҳар қандай фермернинг маҳсулотига талаб (нарх) горизонтал бўлади. Айтилик, уч хил ер участкаси мавжуд бўлиб, уларнинг унумдорлиги ҳар хил. Биринчи участка энг унумдор бўлса, 3-участканинг эса унуми паст.

Биламизки, меъёрий харажатлар  $MC$  билан нарх тенглашгунга қадар қўшимча харажат қилиб, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилади, бошқача айтганимизда энг оптимал ҳажми аниқланади. Графигимиз бўйича у  $E$  нуқтаси, мувофиқ равишда 2000 ц. Графикдан кўриниб турибдики, биринчи ер участкаси унумдор бўлгани учун ҳосилдорлик юқори натижада 2000 ц маҳсулот учун ҳамма омилларга (ер, капитал, меҳнат) қилин-



ган ўртача харажатлар АС паст. Меъёрий харажатлар билан ўртача харажатлар кесишган F нуқтаси кўрсатилган. Бу участкадан штрихланган майдонга тенг миқдорда дифференциал рента олади. Иккинчи ер участкасидаги ўртача харажатлар унга қараганда юқори, шунинг учун у биринчи участкага қараганда камроқ миқдорда дифференциал рента олади. У штрихланган тўртбурчак майдонига тенг. Учинчи участкада фақат харажатлар қопланади. Ўртача харажатлар билан меъёрий харажатлар кесишган F нуқта, меъёрий харажатлар билан нарх кесишган E нуқта уст-уст тушади. Дифференциал рента 0. Агар маҳсулот нархи 20 дан тушиб кетса унда ишлаб чиқаришдан кетишига тўғри келади, сабаби ўзининг харажатларини қоплай олмайди.

Ерларнинг унумдорлиги ҳар хил, унуми юқори ерларни хоҳлаганча кўпайтириб бўлмайди. Унумдорликни ошириш учун катта капитал маблағ талаб қилинади. Шунинг учун ҳам дифференциал рента мавжуд. Шунингдек ер участкаларини истеъмолчиларга узоқ, яқинлиги туфайли келиб чиқадиган дифференциал ренти ҳам график орқали тушунтириш мумкин. Унда харажатлар ер участкаларини жойлашишига кўра аниқланади. Кўшимча сарфланган капиталнинг натижасидаги фарқ туфайли вужудга келган дифференциал ренти ҳам шу усул билан тушунтириб бериш мумкин.

Маълумки, “ҳеч кимники” бўлмаган ер йўқ. Ижарага берилган ёмон ерлардан ҳам ер эгаси ердан фойдаланганлик учун ҳақ талаб қилади.

Ёмон ерларни ижарага олган ижарачилар ўз харажатларини қоплабгина қолмай, даромад олишлари ҳам керак. Бу даромаддан ижара ҳақи, бюджетта тўловлар тўлаши ҳамда нормал фойда олишлари керак.

Бу муаммо назарий жиҳатдан ҳамма ерлардан олинadиган рента ёрдамида ечилади. Бу ренти классиклар, хусусан К.Маркс абсолют рента деб атайдилар. Айрим неоклассиклар “соф” рента тарзида талқин қилишса, бошқалари “абсолют” рента атамасидан фойдаланишади.

Абсолют рента ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўланadиган ҳақ. Табиий ресурсларни чекланганлиги туфайли у аввалдан **миқдоран қайд этилгани** билан иш ҳақи, фоиз, дивиденд, фойдадан ажралиб туради. Бунинг натижасида

ижарачи ўз харажатларини қоплаш учун ўз маҳсулотига юқори нарх белгилашга мажбур бўлади.

К.Маркснинг ер рентаси концепцияси ҳар қандай даромаднинг манбаи қўшимча маҳсулот(қиймат) деган нуқтаи назардан илгари сурилади. Унинг фикрича рента ҳам фойда, процентга ўхшаб қўшимча қийматнинг ўзгарган шакли. Қўшимча қийматнинг манбаи эса ёлланма меҳнат. Унинг фикрича ер рентасининг икки: дифференциал ва абсолют тури мавжудлигига сабаб ерга бўлган икки турдаги монополия: ерга хўжалик юртиш объекти сифатида ва хусусий мулк объекти сифатидаги монополиянинг мавжудлиги сабаб. Ана шу икки турдаги монополиянинг мавжудлиги қўшимча қийматни дифференциал ва абсолют рента сифатида намоён бўлишига олиб келади.

Унинг фикрича хўжалик объекти сифатидаги монополиянинг мавжудлиги дифференциал рентани вужудга келишига сабаб бўлади. Чунки ер участкалари унумдорлиги жиҳатидан фарқ қилади. Ерга хусусий мулк объекти сифатидаги монополия абсолют рентани вужудга келишига сабаб бўлади. Хамма ер участкаларидан, у қандай бўлишидан қатъи назар олинadиган ер рентаси тўланади, чунки ёмон ернинг эгаси ҳам ўз ерини фойдаланиш учун бировга бекорга бермайди. Абсолют рента қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати билан ишлаб чиқариш баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида ҳосил бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматини ишлаб чиқариш баҳосидан юқори бўлишига сабаб, ерга бўлган хусусий мулкни мавжудлигидир. Маркс фикрича хусусий мулкчилик капитални бошқа тармоқлардан эркин оқиб ўтишига йўл қўймайди. Натижада капиталнинг узвий тузилиши (капиталнинг меҳнат омилига нисбати) қишлоқ хўжалигида пастлиги туфайли фойда нормаси юқори. Ерга бўлган хусусий мулкчилик қишлоқ хўжалигида яратилган қўшимча маҳсулот (фойда)ни бошқа тармоқларга оқиб ўтишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш баҳоси билан сотилишига, яъни унинг баҳосини туширишга йўл қўймайди. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоси абсолют ер рентаси миқдорига қиммат сотилади. Абсолют ер рентаси жамият аъзолари зиммасига юкланади. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ёлланма ишчилар икки томонлама ер эгалари ва капиталистлар томонидан эксплуатация қилинади. Эксплуатациядан холи бўлиш ва бутун жамият зиммасига юкланган қўшимча солиқ — абсолют ер рентасидан қутилишнинг ягона йўли ерни миллийлаштиришдир деган хулоса чиқаради.

Маркснинг абсолют ер рентасини вужудга келишини назарий жиҳатдан тушунтириши XX асрга келиб, кўп саволларга жавоб бера олмай қолди. Энг асосийси, абсолют рентани вужудга келиш механизми қишлоқ хўжалигида капиталнинг узвий тузилишини пастлиги билан асослаб бериш мумкин бўлмай қолди. Сабаби, фан-техника тараққиёти туфайли қишлоқ хўжа-

лигида капитал билан қуролланиш даражаси ҳаддан ташқари тез ўсди. **Қишлоқ хўжалиги меҳнат сиғими юқори тармоқдан капитал сиғими юқори тармоққа айланди. Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда фан сиғими юқори тармоққа айланмоқда.**

Демак абсолют ер рентасини Маркс нуқтаи назари бўйича тушунтириб бўлмайди. Бу жиҳатдан абсолют ер рентасини вужудга келиш механизмини маржинал нуқтаи назардан қараш диққатга сазовор.

Уларнинг фикрича абсолют ер рентасининг мавжуд бўлишига сабаб, ер таклифининг хусусияти, яъни ер таклифининг абсолют ноэластиклигидир. Иккинчидан, эгасиз ернинг йўқлигидир. Абсолют рента миқдори бозорда ерга бўлган талаб ва таклиф миқдори билан аниқланади. У ўз навбатида пировард маҳсулот талабига боғлиқ. Агар бугдойга талаб камайса уни етиштириладиган ерга талаб камаяди. Демак рента (ижара ҳақи) ҳам тушади ёки аксинча бўлади.

Меъёрий чегарадаги (ёмон) ерлардан фақат абсолют рента олинади. Унумдор ерлардан абсолют рентадан ташқари дифференциал рента ҳам олинади.

Ижарачи учун абсолют ер рентаси харажат бўлгани учун у иложи борича уни минималлаштиришга ҳаракат қилади, яъни ер участкаларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Аксинча уни йўқлиги хўжасизликни кучайтиради. Бунга собиқ социализм давридаги колхозлар ва совхозлар фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Абсолют (соф) рента мутлақ чекланган ресурс—ердан оқилона фойдаланишни таъминловчи иқтисодий механизм тарзида юзага чиқади.

Шундай қилиб, неоклассикларни рента ким томонидан яратилгани эмас, балки рента қандай қилиб вужудга келиши қизиқтиради.

Бундан ташқари алоҳида табиий иқлим шароитига эга бўлган, ўта ноёб маҳсулотлар етиштириладиган ерлардан (доривор ўсимликлар, ноёб ёғоч каби) **монопол рента** олинади.

**Дифференциал рента** фақат қишлоқ хўжалигидагина эмас, балки ишлаб чиқаришда ердаги бошқа табиий ресурсларнинг табиий хусусияти билан боғлиқ соҳаларда ҳам вужудга келади. Масалан: ундирувчи саноат, қурилиш, энергетика ва бошқалар. Бу рента табиий шароитни сифат жиҳатидан фарқланиши туфайли келиб чиқади.

**Ундирма саноатда** рента ер қаъридаги қазилма бойликларнинг сифати, қазиб олишдаги харажатлардаги фарқ туфайли келиб чиқади.

*Масалан:* Кувайтда нефть ўртача 500 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, бир баррел (тахминан 142 литрга тенг) нефть қазиб олишга кетадиган харажатлар 1 \$ атрофида.

Қурилиш участкалари учун рента эса ернинг жойлашган ўрни

билан боғлиқ. У шаҳар маркази ёки ундан қанча узоқ жойлашгани, экологик шароит, коммуникация тармоқлари билан таъминланишидаги фарқлар натижасида келиб чиқади.

Рента турларидан қатъи назар тўловчилар учун харажат бўлса, уни олувчилар учун даромад бўлади. У доимий харажатларни шакллантиради, шу билан бирга қатъий белгиланган даромадни ҳам ташкил қилади.

Ер рентаси аграр ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида рента турига кўра тақсимланади. Дифференциал рента I ва абсолют рента ер эгаси томонидан ўзлаштирилади. Ижара ҳақи абсолют ва дифференциал рента I ни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. *Масалан*, республикамизда тупроқнинг унумдорлигини ҳисобга олиб, бонитет баллари 0—100 гача белгиланган. Қорақалпоғистон республикаси ва барча вилоятлар учун сугориладиган ерлар (1 тоифа), лалмикор ерлар, пичанзор ва яйловлар учун ягона ер солигининг базавий ставкалари белгиланган. Сугориладиган ерлар учун 0—10 баллгача, энг паст базавий ставка Қорақалпоғистон учун белгиланган бўлиб, гектарига 742,7 сўмни ташкил қилади. Энг юқори ставка Тошкент вилояти учун 1185,5 сўм, Тошкент шаҳри учун эса 2913,0 сўм миқдориди белгиланган. Бу базавий ставкалар ўз навбатида туманлар ўртасида табақалаштирилган. Энг паст ставка Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот тумани учун 668,0 сўмдан, энг юқори Самарқанд вилоятининг Ургут тумани учун 2191,8 сўм белгиланган. Бонитет балларининг 11 дан 100 гача ўзгаришига кўра базавий ставкалар учун коэффициентлар ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар бир 10 балл учун 1,50 дан бошлаб, 17,50 (91—100 балл учун) гача етади<sup>1</sup>.

Амалиётда абсолют рентанинг маълум бир қисмини ижарачи ҳам олиши мумкин. Чунки улар ер эгаси, яъни рентани оладиганлар билан рентани тўлайдиган, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олувчилар ўртасида туриб, ҳар қандай ўртачи сифатида ўз хизматлари учун даромад олишлари мумкин. Бу ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш баҳосига боғлиқ.

Дифференциал рента II ижарачига тегади. Чунки ерга кўшимча капитал сарфлаш эвазига ҳосилдорликни ошириб оладиган даромади ижара шартномасида ҳисобга олинмаган.

### **Рента ва ижара ҳақи**

Рентанинг тақсимланишини кўриб чиққач, ижара ҳақи ва рента ўртасидаги фарқни кўрсатиш мумкин. Ижара ҳақи бу ер эгасига еридан фойдаланиш ҳуқуқини бергани учун тўланадиган ҳақ.

Мулдан ҳақ тўлаш шартин билан маълум муддат фойдаланиш юзасидан келиб чиқадиган муносабатлар **ижара муносабатлари** деб аталади. Бу муносабатлар ижара битими орқали қабул қилинган қонун асосида расмийлаштирилади.

<sup>1</sup> Солиқ тўловчининг журнали, 3-сон, 2002 йил, 58-63 бетлар.



Ижара ҳақининг иқтисодий асоси бу ер рентаси. Шу билан бирга миқдоран рентадан фарқ қилади. Биринчидан, барча рента ижара ҳақига кирмаслиги мумкин. *Масалан*, дифференциал рента II. Иккинчидан, ижара ҳақи рента бўлмаган тўловларни, *масалан*, ер участкасидаги мавжуд омбор, иншоот ва бошқалар учун ҳақни ҳам ўз ичига олади.

Ижара ҳақи ердан фойдаланиш ҳуқуқини олишнинг бозор баҳоси бўлиб, ерга талаб ва таклифга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётда яна шунисига ҳам аҳамият бериш керакки, ердан муқобил фойдаланиш ҳақида хусусийликдан умумийликка ўтганимизда хатоликка йўл қўймаслигимиз керак.

Жамият миқёсида ердан фойдаланишда муқобил қиймат йўқ. Шунинг учун жамият миқёсида рента — бу ортиқча харажатлар эмас. Ерда хўжалик юритувчи субъектлар нуқтаи назаридан тўлаган ренталари харажатлар бўлади. Бу тўловлар ердан муқобил фойдаланиш мақсадида ва уни танлаш учун зарур.

Иқтисодий адабиётларда **иқтисодий рента** тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, бу тушунчани изоҳлашда ҳам ягона фикр йўқ. Биринчи гуруҳ иқтисодчилар классикларнинг фикрини маъқуллаб, рента — бу ер ва бошқа миқдори (захираси) қатъий чекланган табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўланадиган (баҳо) ҳақ дейишади. Айнан ернинг ва ерда жойлашган табиий ресурсларнинг ноёблиги уларнинг ўзгармаслиги рента тўловларини иш ҳақи, процент ва фойдадан ажратади дейишади. Айрим ноёб талант эгалари бўлган (рассом, созанда, хонанда, спортчи ва ҳоказолар) кишилар, меҳнат омили эгаларининг вакиллари миқдори ниҳоятда чекланган. Шунинг учун уларнинг таланти, моҳирлигига кўра талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланадиган маош, даромади бошқалардан катта фарқ қилади. Лекин у рента бўла олмайди.

Иккинчи гуруҳ иқтисодчиларининг фикрича ҳар қандай ноёблик, таклиф миқдорининг ўзгармаслиги, жумладан меҳнат омили эгаларининг ҳам рента олишида ифодаланади. Шунинг учун уларнинг ўртача иш ҳақидан ортиқча даромадлари рента бўлади. *Масалан*, уста бейсболчи, боксчи ва ҳоказо йиллик даромадлари бир неча млн. доллар бўлиши мумкин.

**Ернинг баҳоси.** Бозор иқтисодиёти шароитида ер фақат ижарага берилмай сотилади ва сотиб олинади. Ерга харидор уни ер келтирадиган даромад учун сотиб олади. Яъни ноаниқ узоқ вақт давомида доимо барқарор равишда даромад олишга бўлган ҳуқуқ сотиб олинади.

Сотиладиган ер участкасининг баҳоси бевосита у келтирадиган ижара ҳақи билан боғлиқ. Ер эгаси ерини сотар экан, келажакда олиши мумкин бўлган ижара ҳақини олишни ис- тайди.

Маблағ эгаси ўз пулини ер сотиб олишга эмас, балки банк-

ка қўйиб, барқарор процент олиши мумкин. Ана шунинг учун ссуда проценти ернинг баҳосини аниқлашда фойдаланилади. Ернинг баҳоси бу дисконтланган қийматдир.

Ернинг баҳоси бир томондан шу ер участкасидан олинди-ган ижара ҳақи (рента)га боғлиқ. Бу ерда ижара ҳақи (рента) ер эгасига 1,2,...,10 йил эмас, балки ноаниқ вақт давомида тўланади. Иккинчидан, ссуда процентига боғлиқ.

$$P_n = \frac{R}{r} 100\% \quad \begin{array}{l} P_n \text{ — ернинг баҳоси;} \\ R \text{ — йиллик ижара ҳақи (рента ҳажми);} \\ r \text{ — фоиз ставкаси;} \end{array}$$

Агар рента шаклида йиллик даромад 20000 долл. процент ставкаси 5% бўлса, у ҳолда ернинг баҳоси  $20000:5 \times 100 = 400000$  долл. Кўриниб турибдики, процент ставкаси кўтарилса, ернинг нархи тушади, пасайса аксинча кўтарилади. Ернинг шундай баҳоланиши назарий жиҳатдан, деб қарасак, амалиётда эса ер баҳоси талаб, таклифни шакллантирадиган жуда кўп омилларга боғлиқ.

80-йилларда процент ставкаси ўсиб 18—21 % гача етди. Ернинг баҳоси эса тушиб кетди.

Лекин умуман олганда ернинг нархи узлуксиз ўсиб боради, сабаби ерга талаб ўсиб боради. Таклиф эса ўзгармайди. Ернинг баҳосини аниқлаш масаласида барча мактаб вакилларининг фикри бир-бирига яқин.

### 3-§. АГРАР СЕКТОР МУАММОЛАРИ

Аграр секторнинг ўзига хос хусусиятлари мувофиқ равишда аграр секторга хос муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Бу муаммоларни намоён бўлишига кўра: қисқа муддатли ва узоқ муддатга хос муаммоларга ажратилади.

**Қисқа муддатли муаммолар:** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ва таклифнинг ноэластиклиги, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариб туриши, турли омилларнинг таъсирида ички талабнинг тебраниши туфайли келиб чиқади.

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб даромадга нисбатан ҳам, нархга нисбатан ҳам ноэластик. Фарб иқтисодчиларининг ҳисоб-китобларига қараганда, талаб эластиклиги коэффициенти 0,20 дан 0,25 гача холос. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб 2% ортиши учун аҳоли даромадлари 10 фоизга кўпайиши керак экан. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни 10 фоизга ортиши учун нархлар 40—50 фоизга тушиши керак экан. Истеъмолчилар одатда даромадлари кўпайганда, кўшимча қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қараганда бош-

қа товарларни кўпроқ сотиб олишади. Чунки нарх пасайгани ёки даромадлар кўпайгани туфайли одамлар 3—4 марта ўрнига, 7-8 марта овқатланишмайди. Буни меъёрий нафлилик нуқтаи назаридан ҳам тушунтириш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида **таклиф ҳам ноэластик**. Қишлоқ хўжалигида ер таклифигина ноэластик бўлмай, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таклифи ҳам ноэластикдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таклифида вақт омили асосий рол ўйнайди. Бошқа товарлар таклифини талабнинг ўзгаришига қараб, ўзгартириш: ишлаб чиқаришни кўпайтириш ёки тўхтатиш мумкин. Қишлоқ хўжалигида эса бундай имконият чекланган. У ёки бу турдаги маҳсулотга талаб ортиши ёки камайишидан қатъи назар таклиф деярли ўзгармайди. Чунки маълум миқдордаги ерга экилган экиндан олинган ҳосил, талабнинг қандай ўзгаришидан қатъи назар, таклифни ташкил этади. Чорва маҳсулотлари ҳам худди шундай. Талабни таклифга мослаштириш учун вақт зарур. Бу вақт эса табиат қонунлари билан боғлиқ.

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ноэластик талаб шароитида **ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгариши уларнинг нархлари ва даромадини анчагина ўзгаришига** олиб келади. Қишлоқ хўжалиги табиий шароит билан чамбарчас боғлиқ. Сел, қурғоқчилик, кутилмаган аёз ва бошқа фалокатлар ҳам ҳосилни йўқотишга сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга яхши об-ҳаво ҳосилдорликни ортишига олиб келади. Мўл ҳосил деҳқонларни катта даромад олиш ҳақидаги мўлжалларини пучга чиқаради. Сабаби, талаб ноэластиклиги натижасида нархларнинг тушиб кетиши туфайли кўзлаган даромадларини олишолмайди.

Ундан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори эркин, мукамал рақобатга асосланган. Бозорда ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда, нархларни назорат қила оладиган хўжалик юридувчилар йўқ. Ишлаб чиқарувчилар миқдори кўп ва бутун мамлакат бўйлаб ёйилган. Мустақил ишлаб чиқарувчилар тасолифан бир хилдаги экин экиш ёки экмаслиги туфайли айрим маҳсулотлар ҳаддан ташқари кўп ёки кам бўлиши мумкин. Гоҳ пиёз, гоҳ сабзи кўп ва ...


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпини узоқ муддат сақлаб бўлмайди, уларни қайта ишлаш ёки сақлаш учун махсус шароит яратиш зарур. Айрим маҳсулотларни фақат қайта ишлаб истеъмол қилинади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг беқарорлиги ва талабнинг ноэластиклиги бу тармоқда баҳо ва даромадларни беқарорлигини келтириб чиқаради.

3. Ички талабнинг тебраниши қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Талабнинг унча катта бўлмаган ўзгариши қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир ҳажмдаги нарх ва даромадларини анчагина ўзгаришига олиб келади. Уни қуйидаги график орқали

тушунтириш мумкин. Талаб  $D$ , эгри чизигида бўлсин,  $Q_0$  ҳажмидаги маҳсулотга  $P$ , даражадаги нарх тўғри келади.



Агар талаб эгри чизиги  $D_1$  дан  $D_2$  га силжиса,  $Q_0$  ҳажмидаги маҳсулот нархи  $P_1$  га кўчади. Талабни унча катта бўлмаган  $D_1$  дан  $D_2$  кўчиши ишлаб чиқарувчилар даромадини  $OP_1a$   $Q_0$  дан  $OP_2b$   $Q_0$  га туширади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг камайиши нархларнинг кескин пасайишига олиб келади ва натижада жуда кўплаб ишлаб чиқарувчилар зарар кўришади.

Қишлоқ хўжалиги яна шуниси билан ажралиб турадики, нархларнинг тушиши ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаришига кам таъсир қилади. Сабаби деҳқонларнинг ишлаб чиқариш харажатларида доимий харажатларнинг ҳиссаси ўзгарувчи харажатларга нисбатан юқори. Рента тўловлари, солиқлар, кредитга процент, бино, иншоот, техника, қишлоқ хўжалик машиналари, ускуналари амортизацияси уларнинг асосий харажатларидан иборат. Ундан ташқари фермер ва оила аъзолари меҳнати таклифини ҳам доимий дейиш мумкин. Чунки, у ўзини ёки оила аъзоларини нарх пастлиги учун ишдан бўшатмайди. Хўжалик юритишнинг бошқа шакллари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Ўзгарувчи харажатлар: уруғлик, минерал ўғит, ёқилги унча кўп бўлмаган ёрдамчиларнинг иш ҳақи. Доимий харажатлар, биз биламиз, маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг ҳажмига боғлиқ эмас. Шу туфайли деҳқонлар умумий харажатларни пасайтириш мақсадида иложи борича кўпроқ маҳсулот етказишга ҳаракат қиладилар.

**Ностабил чет эл талаби.** Айрим мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги жаҳон бозорларидаги талабнинг ўзгаришига боғлиқлиги, кўпинча қишлоқ хўжалигидан олинадиган даромаднинг беқарорлигини келтириб чиқаради. Жаҳон хўжаликлари бири бири билан боғлиқ экан, бир мамлакатда юз берган табиий офат ёки ҳосилдорликнинг ўзгариши иккинчи мамлакатда талабнинг ўзгаришига олиб келади. Япония, Хитой, Ҳиндистонда қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар Ўзбекистондаги талабни ўзгаришига олиб келади. Айтايлик Хитойда пахта кам етиштирилади. Бу Ўзбекистоннинг паختасига талабни оширади. Худди шундай тарзда иқтисодий сиёсатни ўзгаришига ҳам таъсир қилади. Агар давлат қишлоқ хўжалигини ҳимоя қилса, четдан келадиган маҳсулотларни чеклайди. Мамлакатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни ўзгаришига ҳам таъсир қилади. Халқаро миқёсда доллар курсининг ўзгариши ҳам муҳим рол ўйнайди. 70-йилларда доллар курсининг тушиши Америка қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабнинг ўсишига

олиб келди. 80-йиллардан бошлаб доллар курсининг кўтарилиши халқаро талабни пасайтирди. Бундай ўзгаришлар албатта Ўзбекистон деҳқонлари маҳсулотига бўлган талабда ҳам ўз аксини топади.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ УЗОҚ МУДДАТЛИ МУАММОЛАР

Қишлоқ хўжалиги бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асоси ва бошланиши бўлишига қарамай кишилиқ жамияти тараққий қилгани сари унинг жамият миқёсида яратилган маҳсулотдаги улуши камайиб бормоқда. Нима сабабдан уни **қисқарувчи тармоқ** сифатида таърифлашимизни қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабнинг ноэластиклиги билан бир қаторда қуйидаги хусусиятлари билан изоҳлашимиз мумкин.

1. Фан-техника тараққиёти билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таклифининг кескин кўпайиши, банд бўлганлар сонининг қисқаришига олиб келади. Фан-техника тараққиёти натижасида қишлоқ хўжалиги машиналари, механизмлар ёрдамида ерга ишлов бериш, янги технологияни жорий қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш усуллари, янги агротехника қоидаларини ишлаб чиқиш, янги навлар, чорва ҳайвонларининг янги зотларини яратиш, минерал ўғит ишлаб чиқиш ва бошқалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кескин кўпайишига олиб келди. Айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнг қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги бошқа тармоқларга қараганда кўпроқ ошди. Айниқса жуда кўп мамлакатларда давлатнинг қўллаб-қувватлаши натижасида, хусусан қишлоқ хўжалиги учун илмий-тадқиқот, конструкторлик ишларини, таълим дастурларини молиялаштириш катта рол ўйнади. Агар АҚШни мисол қилсак, 1820 йили қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир киши 4 одамни боқиш ва кийинтиришни уддасидан чиққан бўлса, 1947 йилга келиб 14 киши, 1994 йилдан бошлаб 125 кишини таъминлаш даражасига етди. Албатта ҳали 1 кишининг меҳнати атиги 2 кишини боқишга етадиган кам тараққий қилган Африкада қатор мамлакатлар бор. Лекин шунга қарамай, умумжаҳон миқёсида қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши қисқариши тенденцияси амал қилади.

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб нисбатан секин ўсади. Сабаби қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб фақат нархга нисбатан эмас, балки даромадга нисбатан ҳам ноэластик. Жамият тараққий қилган сари инсонлар даромадларининг кўп қисмини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эмас, балки бошқа нарсаларга кўпроқ сарфлашади. Албатта, аҳоли бор даромадини энг биринчи кундалик эҳтиёжларга, асосий қисмини озиқ-овқатга сарфловчи кам тараққий этган мамлакатлар мавжуд. Ундан ташқари кам тараққий этган мамлакатларда аҳолининг ўсиш суръати юқори. Лекин бу умумий

натижага катта таъсир кўрсата олмайди, шунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабнинг қисқариши тенденцияси амал қилади.

3. Барча мамлакатларда аграр секторда банд бўлганлар даромади, бошқа тармоқларда банд бўлганлар даромадининг 60—80 % ини, гоҳида ундан ҳам кам қисмини ташкил этади. Жумладан, республикамизда 58% атрофида бўлиб, олинадиган даромад ностабилдир.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги энг юқори бўлган АҚШда ҳам 73 % фермер, йилига 100 минг долларгача маҳсулот ишлаб чиқаради. 48% атрофидаги фермер хўжаликлари, 5 минг долларгача маҳсулот ишлаб чиқариб, умумий ишлаб чиқариш ҳажмини атиги 3,6% ини ташкил этган. АҚШда оиланинг ўртача даромади 30, 31 минг доллар бўлса, фермерлар шунча даромадни топиши учун 100 минг доллар атрофида маҳсулот ишлаб чиқариши зарур. Ана шундай фермалар 13% атрофида. Улар бутун вақтини фермасига сарфлагани ҳолда олган даромадлари бир оиллага тўғри келадиган даромаддан икки баробар кам. Натижада қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар бошқа тармоқларга кўчадилар.

4. Қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммолардан яна бири баҳо паритети.

Баҳо паритети қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг ўзгаришини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун, ишлаб чиқариш воситалари ва хизматлари нархининг ўзгариши билан таққосланиб ҳисобланади.

$$\text{Паритет индекси} = \frac{\text{Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи}}{\text{Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган саноат товарлари нархи}}$$

АҚШ да кейинги 10—14 йил ичида қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган саноат товарлари ва хизматлари нархи 14 марта, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи эса 7 марта ўсди.

Республикамизда 1 кг суперфосфат ўғити олиш учун, 1990 йили 5 кг пахта зарур бўлган бўлса, 1995 йилга келиб 294 кг пахта зарур бўлди. Ёки 1990 йили битта пахта териш машинаси учун 8 т пахта хом ашёси талаб қилинса, 1995 йилга келиб 150 тонна талаб қилинди. Бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, тракторлар нархи ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Ҳозирга келиб бу фарқ янада катталашди. Булардан ташқари яна қатор муаммолар борки улар ҳам аграр секторни бошқа тармоқлардан алоҳида ажралиб туришини кўрсатади.

Бу муаммолар айниқса бизнинг республикамиз учун долзарб, чунки, кўрсатиб ўтганимиздек, ЯИМда аграр секторнинг улуши 30%дан юқори, меҳнатга яроқли аҳолининг 41%дан ортиғи банд.

Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда рентабеллик даражаси жуда паст. Айниқса, боғдорчилик, чорвачиликка нисбатан ҳам деҳқончиликда бу яққол кўзга ташланади. 2001 йили қишлоқ хўжалик корхоналарида чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришда рентабеллик 4,4%ни ташкил қилган бўлса, деҳқончилик –9,4% зарар билан якунланди. Деҳқончиликда асосий тармоқ пахтачилик фақат Андижон вилоятда рентабелли бўлиб, унинг даражаси 3,2%ни ташкил қилган бўлса, бошқа барча вилоятлар зарар билан якунлади. Сирдарё, Жиззах вилоятларида рентабеллик –64,9%ни ташкил этди. Бошқача айтганимизда бу вилоятларда пахтачиликка сарфлаган ҳар бир сўммимиз 64 тийин зарар олиб келган. Бунга қатор объектив ва субъектив сабабларни кўрсатиш мумкин. Албатта таъкидлаб ўтганимиздек, қишлоқ хўжалиги табиат билан чамбарчас боғлиқ. Табиат қийинчиликлари шубҳасиз таъсир кўрсатади. Лекин бизнинг вазифамиз табиат билан боғлиқ бўлмаган иқтисодий сабабларни ўрганиш. Улардан энг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Маълумки, республикамизда стратегик хом ашё сифатида пахта толаси ва дон давлат томонидан белгиланган харид нархлари бўйича сотиб олинади. Қонун бўйича ҳукумат тайёрланадиган пахтанинг 30%ига нарх белгилайди. Қолганини хўжаликлар Ўзпахтасаноат ассоциацияси билан шартнома нархлари асосида сотишади. Бу нархлар жаҳон нархларининг 85%и даражасида.

Хўжаликлардан етиштирилган буғдойнинг ярми давлат харид нархлари бўйича сотиб олинади. Қолган ярми шартнома нархлари (давлат харид нархларидан 20% баланд) бўйича сотиб олинади. Давлатга шоли сотиш улуши 1998 йилдаги 72%дан 2000 йили 45%га туширилди. Бу нархлар бозор нархларидан паст. Лекин бизнинг ҳисоб-китобларимиз шуни кўрсатадики, нархларни жаҳон нархлари даражасига кўтарганимизда ҳам кутилган натижага эришилмайди.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида пахтачилик асосий ўринни эгаллаши ҳамда пахта нархининг қай даражада бўлиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, Президентимиз 2002 йил 20 августда “Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида”ги фармонга имзо чекди. Фармонда пахта экадиган хўжаликларнинг ички ва ташқи бозорларда барқарор харидоргир юқори сифатли рақобатбардош пахта етиштиришни кўпайтиришдан иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш, нарх белгилашнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, жаҳон амалиётида қабул қилинган меъёр ва тамойилларини жорий этиш мақсадида, пахта толасига ички харид нархлари ҳамда экспортга ва республика истеъмолчиларига етказиб берилаётган пахта толасининг улгуржи нархлари жаҳон бозорида шаклланаётган пахта нархи конъюнктурасига мувофиқ белгилаш, бу нархлар ишлаб чиқариш харажатларини камайти-

риш, уни қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш харажатларини қоплашни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарурлиги кўрсатилади.\*

Аграр секторнинг кўпгина соҳаларида зарар кўришнинг асосий сабаби, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг пастлигидир. Меҳнат унумини ошириш ниҳоятда катта муаммоларни ечишни талаб қилади:

Биринчидан, аграр секторнинг капитал (техника, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғит, ёнилғи ва ҳоказо) омили билан таъминлашни яхшилаш учун катта миқдорда инвестиция жалб қилиш зарур.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг меҳнат унумини ошириб, агар ярмини қисқартирганимизда ҳам деярли 1 млн. киши учун янги иш жойларини ташкил этиш керак.

Иккинчидан, ҳосилдорликнинг пастлиги. Республикамизда дон етиштиришда эришилган ютуқларга қарамай, ечимини кутаетган масалалар талайгина. Бир томондан, олинган ҳосил жаҳон миқёсидан анча паст. Иккинчи томондан, доннинг асосий қисми суғориладиган майдонларда етказилгани учун сарфлаган харажатларимиз анча кўп.

Кейинги йилларда ернинг унумдорлигини пасайиши тенденцияси кузатишмоқда. 1991 йили гектаридан 30,7 ц пахта ҳосили олинган бўлса, 1997 йилга келиб 28,8 центнерга тушди. 2001 йили республикада пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 23 ц ни ташкил этди. “2001 йил якунига кўра республика бўйича 120 минг 500 гектар ерда пахта ҳосилдорлиги ўртача 10 центнердан, 104 минг 500 гектар ердан эса 15 центнердан ошмади<sup>1</sup>.”

Учинчидан, сув ресурсларидан фойдаланишдаги камчиликлар<sup>2</sup>. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда бир гектар ерга ўртача 14000 кубометр сув сарфланади. Бу ўзининг ирригацияси самарадорлиги билан унча танилмаган Ҳиндистон, Покистон, Миср мамлакатларидан ҳам юқори. Бу мамлакатларда гектарига ўртача 9000—10000 кубометр сув сарфлашади. Исроил давлати эса 6000 куб м/га сув сарфлайди. Ўзбекистонда 50% сув далага етиб бормай йўқолади<sup>3</sup>.

Ҳаддан ташқари сувни кўп ишлатилиши ва дренаж тизимини лойиҳалаш, қуриш ва хизмат кўрсатишдаги камчиликлар туфайли 55 %дан кўп суғориладиган ерлар шўрланган (32,1 % енгил, 18,4 % ўртача, 5 % и қаттиқ). 20 минг га атрофида ер ҳар йили қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқарилади. Ўз-ўзидан маълум, бунинг натижасида ҳосилдорлик пасаяди, шўрни ювиш учун қўшимча харажатлар талаб қилинади.

\* (Халқ сўзи, 2002 йил, 21 август, 173-сон.)

<sup>1</sup> Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. Халқ сўзи, 15 феврал 2002 й.

<sup>2</sup> Шу нутқда.

<sup>3</sup> Republik of Uzbekiston Irrigation and Drainage Sektor Study vol. (Tashkent, World Bank, 2000.)



Ана шунинг учун ҳам ҳукумат қишлоқ хўжалиги ва сув ресурслари вазирлиги илмий тадқиқот институтлари олдига 2001—2005 йилларга мўлжалланган Мелиорация дастурини ишлаб чиқишни топширди (Вазирлар Маҳкамасининг 89-қарори. 21 феврал 2001 й.).

Тўртинчидан, республикамиз Президенти ҳам қайта-қайта таъкидлаганидек, ҳали эскича хўжалик юритиш қолипидан ба-тамом қутулингани йўқ.

Бешинчидан, алмашлаб экиш тизим сифатида тўла амалга оширилгани йўқ. Олимларнинг ҳисобига кўра ердан агротехника қондаларига риоя қилган ҳолда фойдаланишимиз учун умумий экинларнинг 30%ини беда ташкил этиши керак экан.

Олтинчидан, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, самарали хўжалик юритиш шакли бу фермер ва деҳқон хўжаликлари экан. Республикамизда бу борада катта ишлар қилинаётганига қарамай ҳали камчиликлар кўп.

Жаҳон банкининг қўллаб-қувватлаши асосида ўтказилган тадқиқотларга кўра кўпчилик пудрат асосида ишлаётганлар дастлабки капитали йўқлиги, рўйхатдан ўтиш қийинлиги, кредит ресурслари, бошқариш тажрибаси йўқлиги туфайли фермер хўжалиги ташкил қила олмаётганларини аниқлашган<sup>1</sup>.

Фермер, деҳқон ва бошқа хўжаликларнинг турли маслаҳатлар олиш, бизнес режа тузиш, юридик хизмат кўрсатиш, зарур ахборотларга эҳтиёжлари катта. Лекин ҳали бу турдаги хизматлар кўрсатишни рисоладагидек ташкил этиш вақт, маблағ ва мутахассисларни талаб этади.

**Аграр сектор ва  
уни давлат  
томонидан  
қўллаб-қувватлаш**

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари, табиий шароит билан боғлиқлиги, қисқа ва узоқ муддатли муаммолар аграр секторни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни зарур қилиб қўяди.

Умуман олганда бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигига давлатнинг ёрдам кўрсатишига иқтисодчилар икки хил қарашади. Бир гуруҳ иқтисодчилар қишлоқ хўжалигига ҳаддан ташқари имтиёзлар бериш деҳқон ва фермерларда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни пасайтириш ҳаракатини сусайтиради, улар ёрдамга ўрганиб қолишади. Қўйилган капиталлар кумга сингган сувдек, самарасиз сарфланиши мумкин, деган фикрни илгари суришади. Иккинчи гуруҳ иқтисодчилар эса қишлоқ хўжалиги саноатдан фарқли ўлароқ табиатга боғлиқлиги, бу соҳада банд бўлганларнинг даромади паст ва беқарорлиги туфайли тармоқни албатта давлат қўллаб-қувватлаши зарур деб таъкидлашади.

<sup>1</sup> Сельское хозяйство в Узбекистане: частные, дехканские и ширкатные хозяйства в пилотируемых районах проекта по поддержке сельских предприятий. Отчет Проекта под руководством М. Ландела ECSSD.

Ҳозирги даврда барча мамлакатларда қишлоқ хўжалиги давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Ер ҳақи, ер солиғи ёки ижара ҳақи тарзида ер участкасининг сифатига, қаерда жойлашганлигига ва сув билан таъминланганлигига қараб, унинг кадастр баҳосини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган ҳажмда ундирилади.

Давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ички бозорини ҳимоя қилиш ва экспортни рағбатлантиришга чора-тадбирлар белгилайди, имтиёзли кредитлар ажратади ва бошқалар.

Республикамызда барча ирригация ва мелиорация ишларини бажарилишини давлат ўз зиммасига олган.

Деҳқон хўжалиги рўйхатга олинган пайтдан бошлаб дастлабки икки йил давомида, ундан ер солиғи олинмайди. Олий Мажлис ер ҳақини ундиришда бошқа имтиёзлар ҳам белгилаши мумкин.

Республикамызда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилмай туриб самарали хўжалик юритиб бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда давлат аграр секторда ислоҳот ўтказиш, аграр муносабатларни ривожлантиришга бош-қош бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда **саноатни маҳаллийлаштириш**, яъни маҳаллий хом ашёлардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам аграр сектор муаммоларини ечишга катта ёрдам беради.

#### **4-§. ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА АГРОБИЗНЕС**

Мамлакатимизда аграр сектор ишлаб чиқаришда ҳам, долзарб муаммоларни ечиш зарурияти бўйича ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

*“... ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодийтимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш — хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади”.*

Шунинг учун ҳам иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига аҳамият берилди<sup>1</sup>.

*“Бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласи, негизи ерга мулкчилик масаласидир. Ер — ўлкамизнинг энг асосий бойлиги. Ўзбекистон халқининг келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай ташкил этилишига боғлиқ бўлади”<sup>2</sup>.*

<sup>1</sup> Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи. Т. Ўзбекистон, 1994, 3-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон, 1994, 3-бет.

Чунки аввалги мавзуларда (IV бобда) ҳам кўриб ўтдик. Мулк ҳақиқий эгасини топгандагина ундан яхши фойдаланилади.

Маълумки жаҳон тажрибасида ва ундан келиб чиқиб бизнинг мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигида ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган ерларга ажратилади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер унга эгалик қилиш нуқтаи назаридан қарасак, жаҳонда эркин тарзда олди-сотди қилишдан тортиб, тўла давлат мулкчилиги сақланган (Исроил, Янги Зеландия) мамлакатлар мавжуд. Голландия, Дания, Австралия, Белгия каби ривожланган мамлакатларда ерга бўлган мулкчиликда давлат муҳим улушга эга. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган кўпгина мамлакатларда ерга бўлган хусусий мулк етарли даражада қонун билан қаттиқ чекланган ҳамда давлат томонидан тартибга солинади. Чунончи, ерни махсус маълумоти, қишлоқ хўжалигида иш тажрибаси бўлмаганларга соғиш ман қилинади ва ҳоказо.

Бизнинг мамлакатимиз ўзига хос хусусиятлари ерга бўлган мулкчилик муносабатларини шакллантиришда ҳам катта рол ўйнайди.

а) *Биринчидан*, деҳқончилик суғориладиган ерларда олиб борилади. Ҳайдаладиган ерларнинг 3/4 қисмидан кўпроги суғориладиган ерлар. Бу ерларда қудратли ирригация тармоғи хизмат қилади.

б) Катта миқдордаги ерларимиз шўрланишга мойил. Бу ер участкаларида мелиорация ишларини узлуксиз олиб бориш керак. Мелиоратив тармоқларни қуриш, эскирганларини таъмирлаш зарур. Бу ирригация ва мелиорация тармоқлари кимники бўлиши керак деган масалани қўяди.

*Иккинчидан*, ислом қоидаларига кўра ер Аллоҳнинг бандаларига инъоми, у ҳеч кимники эмас. Ислому қоидаларидан келиб чиқиб, ердан фойдаланиш ҳуқуқи амал қилган. Унга кўра ерга албатта ишлов бериш, суғориш иншоотларини доимо яроқли ҳолда сақлаш талаб қилинган. Ерга, сув таъминоти тармоқларига хусусий мулкчилик деярли йўқ бўлган, улар давлат қўлида бўлган. Агар Европа, Америкада мулкни идора қилиш нуқтаи назари билан солиштирадиган бўлсак, Ўрта Осиёда ерга тўлақонли хусусий мулкчилик бўлмаган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Қўқон, Бухоро, Хива хонликларида 70 %гача ер давлат мулки бўлган.

Ер деҳқонларга бемуддат фойдаланишга берилган бўлиб, улар ерни гаровга қўйиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини сотиш имконига эга бўлган. Ижара ҳақи ҳосилнинг 1/5 дан ярмигача етган.

*Учинчидан*, жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибдики, ерга давлат мулки ҳиссаси устун бўлган мамлакатларда ижара механизмининг тўғри йўлга қўйилиши катта имкониятлар яратди. Фарбда ижарага давлат ерлари ҳам, хусусий ерлар ҳам берила-

ди. Ижара асосида эркин тадбиркорликни бемалол ривожлантириш мумкин.

*Тўртинчидан*, республикамизда ерга талаб таклифга қараганда жуда юқори. Ҳозирги пайтда зироатчиликда банд бўлганларга ўртача 1,7 га, қишлоқда яшаётганларнинг ҳар бирига эса ўртача 0,21 га ҳайдаладиган ер тўғри келади. Суғориладиган ердан ҳам кам.

Агарда ҳозирги пайтда ерга давлат мулки ўрнига хусусий мулкчилик ўрнатилса:

А) аҳолининг табақаланишини кучайтиради;

Б) социал конфликтларни келтириб чиқариши мумкин. Республикамизнинг ана шу ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ерни хусусий мулкка айлантирмай деҳқонларда хўжайинлик ҳиссини тарбиялашга қаратилган. Хўжайинлик ҳиссини ҳосил қилиш ким ерда маҳсулот етиштириш ҳуқуқига эга бўлса, у маҳсулот эгаси бўлишини таъминлаш орқали амалга ошириш кўзда тутилади.

Асосий қонунимиз — Конституцияда ерни хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки узоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги қайд этилади.

Қишлоқ хўжалигида муносабатларни ташкил этиш, ердан фойдаланиш, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлиги **Ер кодекси** асосида тартибга солинади. Қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилишни амалга оширишда қабул қилинган “Ер тўғрисида”, “Ижара ҳақида”, “Қишлоқ хўжалиги ширкати тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ва бошқа қонунлар алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳон деҳқончилик тараққиёти шуни кўрсатадики, ёлланма меҳнат қишлоқ хўжалигида хусусан деҳқончиликда саноат тармоқларига қараганда кам самара беради. Аграр ишлаб чиқаришнинг барқарор муҳим хусусияти шундаки, у меҳнат натижасини беғоналашувига принципиал жиҳатдан мос келмайди. Барча жамиятда ҳар қандай тизимда деҳқонлар ишлаб чиқарган маҳсулотининг бир қисми натурал пул ренти шаклида, солиқ тарзида тўланган. Деҳқонда, ҳатто крепостной деҳқонда ҳам хўжалик юритишда мустақиллик сақланган. Деҳқон ўзининг хўжайинлик (ер эгаси бўлмаган тақдирда ҳам) ҳиссини йўқотмагандагина ердан самарали фойдаланиш мумкин.

Бу жиҳатдан энг маъқул хўжалик юритиш шакли сифатида фермер хўжаликлари ҳисобланади.

Фермер хўжалигида меҳнат ва мулк бевосита қўшилади, у ўзи учун ишлайди, мустақил хўжалик юритади. Фермер учун ферма даромад топиш манбаигина эмас, балки унинг фахри, оиласи билан истиқомат қиладиган жойи. У ўз хўжалигини ўта қадрлайди, чунки у қилаётган ишидан моддий жиҳатдан рағбатланиб қолмай, унга маънавий, руҳий жиҳатдан ҳам озуқа

беради. Тадбиркорлик меҳнат фаолияти билан узвий қўшилиб кетади. Меҳнатсеварлик билан иқтисодий манфаат ва масъулият бир бутун бўлиб қўшилиб кетади.

Айнан ана шу томонлар фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини узлуксиз ўсишига олиб келади. Бу эса фермер хўжалигининг энг катта ютуғидир.

Шунинг учун ҳам республикамизда фермер хўжалиklarини шакллантиришга ва ривожлантиришга аҳамият берилмоқда. Хусусий фермер хўжалиklари давлатдан 50 йилгача ижарага ер олишлари мумкин. 2000 йили республикамизда 43,8 минг атрофида фермер хўжалиklари мавжуд бўлса, 2001 йилга келиб 55,5 мингга етди. Уларга бириктирилган ер майдони 2000 йили 889,7 минг га бўлса, 2001 йили 1054,7 минг гектарга етди. Ҳар бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони 2001 йили 19 гани ташкил қилди. Ҳозирги пайтда фермер хўжалиklари ҳайдаладиган ерларнинг 20 % дан ортиқ қисмини эгаллаган. Уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш унумдорлиги бошқа хўжалик юритиш шакллариغا нисбатан юқори.

Ундан ташқари республикамизнинг шароитидан келиб чиққан ҳолда, йирик товар ишлаб чиқаришни амалга оширадиган хўжалик юритишнинг шакли сифатида аввалги колхоз ва совхозлар асосида **ширкатлар** ташкил этилди. 2001 йилда ширкатлар сони 1907 та бўлиб уларнинг кўпчилиги 2000 йили ташкил этилган. Уларнинг ҳар бирига ўртача 1000 га ҳайдаладиган ер тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг бозор иқтисодиёти талабига жавоб берадиган шакли **оилавий пудрат**. Оилавий пудрат қишлоқ аҳолисини ишлаб чиқаришга самарали қатнашиши жамоа манфаатлари билан шахсий манфаатларни уйғунлаштиришга ёрдам беради.

Оилавий пудратда оила бошлиғи билан ширкат ўртасида тузилган йиллик контракт асосида иш олиб борилади ва чек дафтарчаси орқали зарур ресурслар таъминоти амалга оширилади. Ҳосил йиғиб олинган, ширкат билан ҳисоб-китоб қилинади. Пудратчиларнинг 89%и пахта, 93% и бугдой етиштириш билан шуғулланади.

Ҳозирги пайтда ҳақиқий оила пудрати асосида иш юритаётган хўжалиklar қўшимча харажатларсиз меҳнат унумдорлигини оширишга, харажатларни пасайишига, банд бўлганлар даромадини ортишига эришмоқда.

Пудрат бошқа муносабатлар шаклидан шуниси билан фарқ қиладики, бу ерда пудратчи ижарачилар ўз моҳияти билан вақтинча ижара муддати мобайнида ернинг эгасига айланадилар ҳамда ўзлари етиштирган маҳсулотнинг тўлақонли эгаси бўладилар.

Ҳозирги пайтда самарали хўжалик юритиш шаклларида бири сифатида **деҳқон хўжалиklарига** катта эътибор қаратилмоқда. Деҳқон хўжалиklари четдан ишчи кучи ёлламай фақат

ўзлари оила аъзолари билан хўжалик юритишлари жиҳатидан фермер хўжаликларидан фарқ қилади. Улар ширкат ва туман ҳокимлиги рухсати билан 50 йилгача ижарага ер олиши мумкин. Ҳозирги пайтда 1798 мингдан ортиқ деҳқон хўжаликлари ташкил этилган бўлиб, ундан 1524 мингдан ортиқроғи рўйхатдан ўтган. Деҳқон хўжаликлари ҳайдаладиган ерларнинг 15% ини банд қилишган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон хўжаликлари етакчи ўринда туради. Уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши талайгина. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфлаган харажатларининг пастлиги билан ҳам ажралиб туради.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда аграр секторда хўжалик юритишнинг янги шакллари қарор топмоқда. Булар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йирик ишлаб чиқарувчилари бўлган ширкатлар, қишлоқ хўжалик кооперативлари, самарали хўжалик юритувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, ҳамда хўжалик ичида хўжайинлик кайфиятини, ҳиссини тарбияловчи оилавий пудратдир.

Республикамызда ерга мулкчилик қишлоқ аҳолиси табиати-га мос хўжалик юритиш шаклларини қарор топтириш билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли барча турлари бўйича эркин (шартнома) нархларига ўтилди. Давлат буюртмаси пахта, дон, пилла маҳсулотларининг бир қисмига сақла-ниб қолган ҳолос.

Республикамызда қишлоқ хўжалигидаги муносабатларни тубдан ўзгартириш ва аграр ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш, уларни ҳаётга тадбиқ этилишини маъмурий назорат қилиш орқалигина эмас, аграр секторни бошқа турли чора-тадбирлар орқали ҳам қўллаб-қувватламоқда. Агар 90-йилларнинг бошларида республикамызда озиқ-овқат маҳсулотларининг 74%и импорт қилинган бўлса, ҳозирга келиб 15% атрофида четдан сотиб олинмоқда ҳолос.

**Агросаноат  
интеграцияси ва  
агробизнес**

Аграр ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги унинг эволюцион ривожланиш хусусиятларида ҳам ўз ифодасини топади. Қишлоқ хўжалигида табиий, иқтисодий, маънавий, урф-одат, биологик, техник ва экологик жараёнлар ўзаро бир-бирига боғлиқ ва бир-бирига таъсир кўрсатган ҳолда юз беради.

Жамият тараққиёти қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнатни машиналар ёрдамида бажариладиган босқичга кўтарилишига, саноатнинг бошқа тармоқларини ҳам қишлоқ хўжалигига кириб келишига, аграр секторни миллий иқтисодиётнинг турли тармоқлари билан алоқасини кучайишига олиб келди. Ижтимоий меҳнат тақсимотини чуқурлашуви сабабли аграр ишлаб чиқариш саноат билан чамбарчас боғланиб кетди.

Тармоқлараро интеграция, ишлаб чиқариш кооперацияси ривожланди. Қишлоқ хўжалиги ва саноатни ташкилий ва тижорий бирлашуви, қўшилиши юз берди. Қишлоқ хўжалиги ва унга туташ тармоқларнинг узвий бирикиши жараёни агросаноат интеграциясида намоён бўлади. Натижада турли тармоқларнинг ўзаро ҳамкорлиги оқибати сифатида агросаноат мажмуи (комплекси) юзага келди.

Агросаноат мажмуаси (агросаноат комплекси)ни шаклланишида агросаноат интеграцияси асосий рол ўйнайди. Агросаноат интеграциясининг ўзи фан-техника тараққиёти, ижтимоий меҳнат тақсмоти ва ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини чуқурлашуви туфайли юз берди.

**Агросаноат мажмуаси** — бу иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалигини зарур ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уни сақлаш, қайта ишлаш, истеъмолчига етказиш билан шуғулланувчи тармоқлари мажмуидан иборат.

Бу мажмуа қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарини ишлаб чиқариш ва тижорат алоқалари билан барқарор ва чамбарчас боғланган, мулкчилик ва шартнома муносабатларига асосланган ягона тизими сифатида юзага чиқади.

Тадбиркорлик фаолиятини ягона тизим — агросаноат мажмуаси шаклида ташкил этилиши Фарбда агробизнес деб юритилади. Бизда ҳам бу атамадан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда.

Агробизнес назариясининг асосчилари бўлиб, Жон Девис ва Рей Голберг ҳисобланади. Уларнинг 1958 йили “Агробизнес концепцияси” номи китоби нашрдан чиққач, агробизнес сўзини ишлатиш кенг расм бўлди. Уларнинг фикрича агробизнес бу — даромадни максималлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигини ресурслар билан таъминлаш, фермаларда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш ва ундан олинган истеъмол молларини реализация қилиш, сақлаш операцияларининг мажмуидир.

Агробизнес қишлоқ хўжалигини зарур ресурслар билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишни ташкил этишни ўзига хос координациялаш (ташкил этиш ва тартибга солиш) тизимидир.

Агробизнес (агросаноат комплекси) ўз ичига тўрт соҳани олади.

**I соҳа** — қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш ва техник хизмат кўрсатувчи саноат тармоқлари;

**II соҳа** — қишлоқ хўжалигининг ўзи;

**III соҳа** — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчига етказувчи соҳалар (тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш);

#### **IV соҳа** – қишлоқ хўжалиги инфраструктураси.

Қишлоқ хўжалиги инфраструктураси ҳар уч соҳага хос, ҳамда социал инфраструктурани ўз ичига олади. У ҳамма соҳаларни бир бутун қилиб боғлайди.

Узоқ вақт давомида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш аграр меҳнатнинг функцияси бўлса, энди у саноатнинг ҳам функциясига айланди. Ҳозирги пайтда истеъмолчиларга сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, унга сарфланган харажатларда АҚШ, Франция, Скандинавия мамлакатларида 70—75%, бошқа кўпгина мамлакатларда 60—65%и саноат харажатларига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тахминан 1/4 қисмигина тўғридан-тўғри аҳоли истеъмолига тушса 3/4 қисми техник қайта ишланиб тушади.

Қишлоқ хўжалиги устун даражада истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқарувчидан саноат учун хом ашё етказиб берувчи тармоққа айланади. Агробизнес ўз ичига олган соҳаларга катта капитал кириб келди, фан-техника ютуқлари жадал жорий қилина бошланди.

Ривожланган мамлакатларда агросаноат мажмуида яратилган маҳсулот таркибида учинчи соҳанинг улуши энг кўп 60% атрофида. Агробизнеснинг асосий ташкилий шакли етакчи йирик фирмалар, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари бўлиб, ҳар бирида 10 мингдан 100 минггача ишчилар ишлайди. 5 млн.дан 20 млн.гача маҳсулот реализация қилади. Улар озиқ-овқат саноатидаги энг йирик 50 та фирма АҚШда тармоқнинг 75% пировард маҳсулотини назорат қилади. Шу билан бирга фан-техника тараққиётини ишлаб чиқаришга жорий қилишда етакчи рол ўйнайдиган кичик ва ўрта фирмалар ҳам муҳим ўрин тутади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигида маълум ютуқларга эришилган. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги пахта комплекси учун машина ва механизмлар ишлаб чиқаради. Бундай машиналар АҚШда ва бизнинг республикамизда ишлаб чиқарилади ҳолос. Ҳозирги пайтда маҳаллий хом ашёларни қайта ишлаш учун технологик асбоб-ускуналар, фермерлар учун минитракторлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқаларни ишлаб чиқармоқда.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик корхоналарининг талабини қондира олади.

Республикамизда учинчи соҳа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш нисбатан оқсоқ соҳа ҳисобланади. Республикамизда атиги 18% мева, 35% сабзавот, 67% узум саноат асосида қайта ишланади, қуритилади ва сақланади. Мавжуд консерва ишлаб чиқариш корхоналарининг қувватини 40% и, қандолат маҳсулотлари 26%, сут маҳсулотлари 35%, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари қуввати 25% фойдаланилмоқда.



Ўзбекистонда аҳоли учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларини 90% гача ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Пахтадан пировард маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ҳали кўнгилдагидек эмас. Ҳозирги пайтда 28—30% толани ўзимизда тайёр маҳсулот қилиб ишлаб чиқариш мақсад қилиб қўйилган. Уни амалга ошиши натижасида кўшимча иш жойлари яратилади. Республика экспортида арзон хом ашёнинг улуши камаяди.

**Шундай қилиб**, инсоннинг ҳаёти ва фаолияти бевосита ер билан боғлиқ. Ер турли тармоқларда турлича функцияларни бажаради. Лекин қишлоқ хўжалигидагина ердан маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилади. Ерга эгалик қилиш ва ундан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фойдаланиш жараёнида келиб чиқадиган муносабатлар аграр муносабатлар деб аталади.

Аграр сектордаги ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишдаги ўзига хос хусусиятлар ер рентаси мавжудлигининг асосидир.

Рента бу тақлифи мутлақ ноэластик бўлган ресурс ердан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ.

Рента категориясига иқтисодчилар томонидан ёндошишни иккига бўлиш мумкин. Классик ёндошувда рентанинг келиб чиқиш манбаига эътибор қаратилади. Неоклассик ёндошувда эса асосий диққат рентанинг миқдори нималарга боғлиқлигига аҳамият берилади.

Ҳар икки йўналиш вакиллари ҳам ернинг унумдорлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни табиий шарт-шароит билан боғлиқлигини бирдай эътироф этади. Лекин дифференциал рентанинг келиб чиқишини тушунтиришда фикрлари ажралиб кетади. Классик йўналишда дифференциал рента индивидуал меҳнат харажатлари билан ишлаб чиқариш харажатлари ўрта-сидаги фарқ сифатида тушунтирилса, неоклассик йўналишда эса ўртача ва меъерий харажатлар эгри чизиги орқали тушунтирилади.

Ер ва унинг қаъридаги бойликларни ўзлаштиришни ҳам ҳисобга олганда рентанинг қуйидаги турлари: дифференциал рента I, дифференциал рента II, абсолют рента, монепол рента, ундирма саноатда рента, қурилиш участкасида рента кабилар мавжуд.

Дифференциал рента ерни муқобил ишлатиш вариантини танлаш имконини беради.

Ернинг баҳоси дисконтлашган рента, у йиллик ер рентаси ҳажмига тўғри, процент ставкасига тескари пропорционал.

Ер тақлифи чекланган, мутлоқ ноэластик ер кўчмас ва унумдорлиги ҳар хил. Аграр секторда ишлаб чиқариш табиий шарт-шароитлар билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли аграр секторнинг ўзига хос хусусиятлари вужудга келади. Бу хусуси-

ятлар аграр сектордаги мавжуд муаммоларда ҳам ўз ифодасини топади.

Улар: а) қисқа муддатли муаммолар: қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабнинг ноэластиклиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши турли омиллар таъсирида талабнинг тебраниши натижасида аграр секторда баҳо ва даромадларнинг беқарорлигини; б) узоқ муддатли муаммолар: фан техника тараққиёти билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига таклифнинг кескин кўпайиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талабнинг секин ўсиши, аграр соҳада банд бўлганлар даромадининг пастлиги, ностабиллиги, қишлоқ хўжалигида банд бўлганларни бошқа тармоққа кўчишига, умуман ишлаб чиқаришда унинг улушини қисқаришига олиб келади.

Аграр ишлаб чиқаришда фан-техника тараққиёти, ижтимоий меҳнат тақсимотини чуқурлашуви агросаноат комплексини шаклланишига олиб келди. Унинг таркиби қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи ҳамда шу маҳсулотларни қайта ишловчи сақлаш, реализация қилиш соҳаларидан, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасидан иборат.

Ўзбекистонда аграр сектор ўзига хос хусусиятларга эга. У хусусиятлар ўз навбатида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар муносабатларида ҳам намоён бўлади.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда аграр сектор давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

### Асосий таянч тушунчалар

Аграр муносабатлар	Ер рентаси
Ерга эгалик қилиш	Дифференциал рента I
Қисқа муддатли муаммолар	Дифференциал рента II
Узоқ муддатли муаммолар	Абсолют рента
Ер таклифи	Монопол рента
Талаб тебраниши	Ундирма саноатда рента
Қисқарувчи тармоқ	Қурилиш участкаларидан рента
Нарх паритети	Ернинг баҳоси
Паритет индекси	Агросаноат комплекси ва унинг таркиби
	Фермер хўжалиги
	Оилавий пудрат ширкатлар
	Деҳқон хўжалиги

### Такрорлаш учун саволлар

1. Аграр муносабатлар деганда қандай муносабатларни тушунамиз?
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига таклиф ва талаб шундай-ки, унча кўп бўлмаган талаб ўзгариши баҳоларда катта ўзгаришга олиб келади. Аммо қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳажмига деярли таъсир қилмайди. Буни изоҳланг.

3. Дифференциал рента I қандай вужудга келади? Дифференциал рента II чи?

4. Рента билан ижара ҳақининг фарқи борми?

5. Қуйидаги омилларнинг қайси бири қишлоқ хўжалигида келиб чиқадиган муаммоларда қандай рол ўйнайди, кўрсатинг.

а) қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ноэластик талаб;

б) ернинг мутлақ ноэластик таклифи;

в) қишлоқ хўжалигига фан-техника тараққиётининг кириб келиши;

г) қишлоқ хўжалик маҳсулотларига узоқ муддатли талабнинг ўсиши;

д) қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлиги;

6. Рентага ёндошувда классик мактаб билан неоклассик мактаб вакиллари-нинг асосий фарқларини кўрсатинг

7. Сизнингча аграр секторни давлат қўллаб-қувватлаши керакми? Фикрингизни исботланг.

8. Ўзбекистонда сизнингча хўжалик юритишнинг қандай шакллари афзал. Нима сабабдан?

9. Республикамизда аграр соҳада қандай муаммолар мавжуд? Сизнингча уларни қандай йўллар билан ечиш мумкин?

10. Аграр сектор нима сабабдан қисқарувчи тармоқ ҳисобланади?

### 3-бўлим

## Макроиқтисодиёт назарияси

---

### ХШ б о б

## **МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ЎЛЧАМЛАРИ. ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ, ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ВА УНИНГ ҲАРАКАТ ШАКЛЛАРИ**

Иқтисодиёт назариясининг учинчи бўлими миллий иқтисодиётнинг мақсади ва ривожланиш натижаларини ўрганишга бағишланади.

Иқтисодий вазиятни корхона, фирма — микромиқёс даражасидагина эмас, мамлакат миқёсида ҳам ўрганиш зарур. Чунки ҳозирги тараққиёт босқичида мамлакат миқёсидаги иқтисодий вазиятни кўрсатувчи маълумотларсиз бугунги кун якуни ҳақида хулоса чиқариб, эрганги куннинг вазифаларини белгилаб бўлмайди.

Бу мақсад макроиқтисодий (юнон. Makros—катта) кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади.

Мамлакат бошқача айтганимизда макроиқтисодиёт миқёсида хўжалик ҳаётини ўрганиш, тадқиқ қилиш натижасида хулосалар чиқариш ва улар асосида иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадини, йўналишларини ишлаб чиқиш мумкин.

Ишлаб чиқариш ресурсларига ижтимоий мулкчиликнинг ўзига хос шакли давлат мулки монополияси ҳукмрон бўлган даврда макроиқтисодиётга нисбатан халқ хўжалиги атамаси кўпроқ қўлланилган. Бу билан мамлакатдаги ишлаб чиқариш воситаларига халқ эгаллик қилиши таъкидланган.

Мулкчиликнинг турли-туман шаклларида асосланган бозор иқтисодиёти шароитида макроиқтисодиётга нисбатан кўпроқ миллий иқтисодиёт атамаси қўлланилади.

Миллий иқтисодиёт мамлакат миқёсида мулкчиликнинг турли шаклларида асосланган, меҳнат тақсимоти орқали ўзаро боғлиқ бўғинлар, тармоқлардан ташкил топган мураккаб хўжалик тузилишини ифодалайди.

Мамлакат миқёсида иқтисодий вазиятга баҳо бериш, хулоса чиқариш учун микро миқёсга хос иқтисодий кўрсаткичлар,

моделларни ишлатиб бўлмайди. Макро иқтисодиётда агрегатлашган кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Мазкур бобда айнан мамлакат миқёсида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини нима сабабдан ўлчаш зарурлиги ва уни ўлчаш усуллари ўрганилади.

## 1-§. МАКРОИҚТИСОДИЁТ КЎРСАТКИЧЛАРИ. МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ

Кишилик жамияти яшар экан, ўз эҳтиёжларини узлуксиз қондириб туриши керак. Бунинг учун эса узлуксиз тарзда зарур неъматларни ишлаб чиқариш даркор. Неъматлар гоҳ кўп, гоҳ камроқ бўлиши мумкин. Лекин узоқ даврни олсак, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши, тараққиётнинг барқарорлиги намоен бўлади. Ишлаб чиқаришни узлуксиз такрорланиши, янгидан бошланиши жараёни такрор ишлаб чиқариш дейилади.

Бунинг учун ишлаб чиқариш омиллари нақд мавжуд ва маълум нисбатда бўлиши керак.

Такрор ишлаб чиқаришга турли нуқтаи назардан ёндашиш мумкин. Агарда ишлаб чиқарилган неъматлар ва кўрсатилган хизматларни **ҳажми жиҳатидан ёндошсак**, маълум бир вақт оралиғида такрор ишлаб чиқаришни: оддий ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга бўлиш мумкин. **Миқёси жиҳатидан ёндошсак**, микромиқёс (фирма, корхона, уй хўжалиги каби), мезомиқёс (соҳалар, тармоқлар), макромиқёс (мамлакат), мегамиқёс (жаҳон мамлакатлари)даги такрор ишлаб чиқаришга ажратиш мумкин.

Агар неъматларни **қандай эҳтиёжларни қондиришига қараб таркибини таҳлил этсак**, улар ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондирадиган товарлар ва хизматлар, бошқача айтганда инвестицион товарлар ва хизматлардан ҳамда аҳоли эҳтиёжларини қондирадиган товарлар ва хизматлардан иборат.

Такрор ишлаб чиқаришга қай жиҳатдан ёндошишдан қатъий назар, охир-оқибат уни баҳолаш учун яратилган неъматлар ҳажмини ўлчаш зарур.

Қадимдан ана шу мақсадни амалга ошириш учун ҳаракат қилинган. Бунда иқтисодчилар томонидан турли усуллар таклиф этилган. Неъматларни ҳисоблаш такомиллашиб, охир-оқибат ҳозирги замон ҳисоб тизими шаклланган.

Иқтисодчиларнинг эътироф этишича, миллий ҳисоб тизими куртақларини вужудга келиши қадим замонларга тўғри келади. Дастлабки назарий чизмалар эса Ф. Кенэ ва А. Смитга тегишлидир.

Миллий ҳисобчилик услубининг асосчиси сифатида француз иқтисодчиси, физиократ Ф. Кенэни кўрсатиш мумкин. У биринчи марта ижтимоий такрор ишлаб чиқаришни натурал ва

маҳсулот қиймати ўртасида баланс, пропорциялар ўрнатиш нуқтаи назаридан таҳлил қилган.

Миллий ҳисобчиликнинг назарий асосини Ж. Кейнс, А. Боули, Ж. Кларк, С. Кузнец, Р. Стоун ва бошқалар яратишган. Айниқса, Халқаро Нобель мукофоти совриндори, америкалик иқтисодчи Саймен Кузнец, англиялик иқтисодчи Ричард Стоун катта ҳисса қўшишган. Ҳозирги пайтда улар тавсия этган услубдан 100 дан ортиқ мамлакатлар фойдаланади.

Биринчи ҳисоб тизими 1936 йили Фаластин учун тузилган. МХТ ини вужудга келтириш учун дастлабки уринишлар Буюк Британия, АҚШда 1946—1947 йилларга тўғри келади. МХТ ни шакллантириш учун Франция, Англияда катта ишлар қилинди.

Миллий ҳисоб тизимини ривожлантиришда асосий босқич иккинчи жаҳон урушидан кейинги пайтга тўғри келади. Чунки урушда вайрон бўлган хўжаликни тиклаш зарур бўлиб, бунинг учун катта инвестициялар ҳамда давлатнинг аралашуви зарур эди.

Миллий ҳисоб тизими шаклланишида илмий текширишларнинг ташаббускори бўлиб чиққан Р. Фриш муҳим рол ўйнаган. 1940 йили унинг чоп этилмаган кўлэмаларида “Миллий бюджет” тушунчаси ишлатилган ва бу тушунча Норвегия ҳукумати томонидан тавсия этилган иқтисодий дастурда ўз ифодасини топиб, 1945—1946 йилларга мўлжалланган давлат бюджетига илова сифатида кирган.

1947 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг статистика бюроси “Миллий даромадни ўлчаш ва Миллий ҳисоботни ташкил этиш” тўғрисидаги докладыни эълон (нашр) қилди.

Кейинчалик Р. Стоун раҳбарлигида бир гуруҳ мутахассислар ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Миллий ҳисоб тизимини ишлаб чиқди.

Бу тизим бир неча марта кўриб чиқилди. Харажатлар ва ишлаб чиқариш жадвали, молиявий ҳисобот, бозор ва нобозор секторлари ажратиб кўрсатиладиган бўлди.

Миллий ҳисоб тизими асосида иқтисодиётда ялпи ишлаб чиқаришни ўлчашнинг нима аҳамияти бор? деган савол туғилади. Бунинг зарурлигини оддийгина қилиб айтсак уй хўжалигида қанча даромад олишимизни уни нималарга сарфлашимизни, қай даражада билиш зарур бўлса, мамлакат миқёсидаги ҳисоб-китобимиз ҳам шундай аҳамиятга эга. Ёки тадбиркор, корхона раҳбари корхонада ишлар қандай бораётганини билишдан қандай манфаатдор бўлса шундай аҳамиятга эга.

Бунда асосий ролни бухгалтерия ҳисоби ўйнайди. Олинган ахборот асосида қарор қабул қиламиз. Бунда корхона, фирма, уй хўжалиги миқёсида тўғри йўл танлаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Худди ана шу мақсад мамлакат миқёсида макроиқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади.

Миллий ҳисоб тизими мамлакат иқтисодиётининг томир уришини аниқлашга ёрдам беради. Бунда турли кўрсаткичлар ёрдамида ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши унинг сабабларини аниқлаб, ана шу ахборотлар асосида иқтисодиётни ривожлантириш учун давлат ўз иқтисодий сиёсати йўналишларини белгилайди.

Таниқли америкалик иқтисодчи Пол Самуэлсон, 30-йилларда буюк депрессия пайтида ҳар ой хўжалик аҳволи ҳақида тахмин қилишга мажбур эдик дейди. Сабаби, АҚШ ҳукумати миллий даромад ҳақида ҳеч қандай статистик маълумотлар йиғмас эди.

Алоҳида шахслар, ташкилотлар, хусусан иқтисодий тадқиқотлар Миллий Бюроси (ўз фаолиятини нотижорат тамойиллар асосида олиб борадиган) уринишлари натижасида ҳукумат ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад тўғрисида статистик ахборотнинг нақадар муҳимлиги, зарурлигини тан олди.

Ҳозирги пайтда деярли барча мамлакатларда ахборот тўпланади. БМТ ҳам ҳамма мамлакатларни ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича маълумот тўплашга ундайди ва ҳаракат қилади.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини ифодалайдиган асосий кўрсаткичлар қуйидагилар ҳисобланади:

— ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, соф маҳсулот, миллий даромад;

— аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад;

— давлат бюджети тақчиллиги, инфляциянинг ўсиш даражаси, нархлар индекси, ялпи ички инвестиция;

— ялпи миллий маҳсулот ўсиш суръати, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш ўсиш суръати;

— ишсизлик даражаси, ишсизлар сони, аҳолининг иш билан бандлиги даражаси;

— аҳолининг турли неъматлар ва хизматлар истеъмоли, ҳажми, иш ҳақининг минимал миқдори;

— тўлов баланси ҳолати, импорт, экспорт, савдо обороти.

— миллий бойлик ва бошқалар.

Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти даражаси, аҳоли фаровонлигини ифодаловчи кўрсаткичлар орасида ҳаммабоп оддий, иқтисодиётнинг ҳақиқий индикатори йил давомида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар ҳажми, бошқача айтганда ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулотдир.

Ҳар **икки маҳсулот** ҳам пировард маҳсулот (товар ва хизматлар) нинг **бозор нархларида** ифодаланади. **Пировард маҳсулот** деганда **сотиш ёки қайта ишлов бериш учун эмас**, балки **пиро-**

**вард истеъмол қилиш** учун сотиб олинган маҳсулот (товарлар ва хизматлар) тушунилади.

**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** деб, ресурслар манбаидан қатъи назар мамлакат ҳудудида йил давомида яратилган пировард маҳсулотга айтилади. Масалан, ЎзДЭУнинг республикамиз ҳудудида ишлаб чиқарган барча маҳсулоти, жумладан Жанубий Корея қўйган капиталга тегишли маҳсулот ҳам Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотига киради.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)дан бирмунча фарқ қилади.

**ЯММ мамлакатнинг ресурслари (ер, иш кучи, канитал, тадбиркорлик)** қаерда жойлаштирилишидан қатъи назар, улар эвазига яратилган нировард маҳсулот (олинган даромад)дан иборат.

Мамлакатнинг ресурсларини чет элда жойлаштиришдан олинган даромад билан чет эллик инвесторларнинг омилларига олган даромадлари ўртасидаги фарқни қўшсак ЯММни оламиз. Масалан, Ўзбекистонда ЯИМ ни ҳисоблагач, Ўзбекистонни бошқа мамлакатларга қўйган айтайлик, Россия, Қирғизистон, Қозоғистонга қўйган, омилларидан олинган даромадни қўшамиз. Бошқа мамлакатларни Италия, АҚШ, Германия, Чехия кабиларни бизнинг мамлакатимизга қўйган капиталларига даромадларини чегириб ташлаймиз. Умуман олганда, ЯММ билан ЯИМ унча катта фарқ қилмайди. Кўп мамлакатларда унинг фарқи  $\pm 1\%$  ни ташкил этади. Республикамизда эса  $1\%$  га ҳам етмайди.

**ЯИМ билан ЯММнинг фарқи** мамлакат ҳудудида чет эл ишлаб чиқариш омиллари эвазига яратилган соф даромад (маҳсулот)ни кўрсатади. У манфий ёки мусбат бўлиши мумкин. Масалан, 1994 йили у АҚШда мусбат 12 млрд. долл. бўлган. Демак, чет эл ресурслари билан АҚШда яратилган маҳсулот (даромад), американинг ресурслари билан чет элларда яратилган маҳсулот (даромад)дан кўп.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўлчаш билан мамлакатда йил давомида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар ҳажмини ўлчашга ҳаракат қилинади.

Буни оддий мисол билан кўрсатиш мумкин. Кўз ўнгимизга келтирайлик мамлакатда биринчи йили 10 кг буғдой ва 5 кг шоли (гуруч) ишлаб чиқарилди. Иккинчи йили эса 5 кг буғдой ва 10 кг шоли ишлаб чиқарилган. Агар буғдойнинг нархи 100 сўм, шоленики эса 150 сўм бўлса, у ҳолда биринчи йили  $10 \times 100 + 5 \times 150 = 1750$  сўм, иккинчи йили  $5 \times 100 + 10 \times 150 = 2000$  сўмлик маҳсулот яратилди.

Иккинчи йили ишлаб чиқариш ҳажми биринчи йилга қараганда кўп деб хулоса чиқаришимиз мумкин. Сабаби, жамият иккинчи йили ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини биринчи йилдагидан юқори баҳолаётти. Жамият иккинчи йили



товарларга биринчи йилдагига қараганда кўпроқ пул тўлашга тайёр.

Ялпи ички ва миллий маҳсулот унинг барча босқичлардаги ҳаракати бўйича маълумот миллий ҳисоб тизими орқали олинади. Миллий ҳисоб стандарти тизими БМТ статистика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган. У 1953-йилдан бошлаб қўлланади.

Илгари собиқ Иттифоқ, жумладан, Ўзбекистонда ҳам узоқ йиллар давомида халқ ҳўжалиги баланси ҳисобланган. Ҳозирги пайтда статистик ҳисобот ва ахборотни бутун дунё тажрибаси ва бошқаришнинг ҳозирги кун эҳтиёжларига мослаштириш мақсадида қабул қилинган Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) га ўтиш амалга ошириляпти.

Халқ ҳўжалиги баланси ҳамда МХТ қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади.

1. Халқ ҳўжалиги балансида маҳсулот ва миллий даромад **фақат моддий ишлаб чиқариш** соҳаларида яратилади деб олинса, МХТда эса нафақат **ишлаб чиқариш**да, балки **турли хизматлар** соҳасида ҳам яратилади деган тушунчага амал қилинади.

2. Халқ ҳўжалиги балансида қийматни, ўз навбатида **фойданинг манбаи фақат меҳнат** деб қаралса, МХТ да **фойда** товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда, **ҳамма ишлаб чиқариш омиллари** (меҳнат, ер, капитал, тадбиркорлик) **эвазига олинади** деган қоидага асосланади.

Миллий ҳисоб тизими иқтисодий баланслар жадвали тўплами бўлиб, бир томондан, ҳўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг харажатлари, иккинчи томондан, уларни ҳўжалик фаолияти натижалари, даромадларини ифодалайди.

1993 йилда БМТ миллий ҳисоб тизимини такомиллашган янги стандартини тасдиқлади. У 1968 йилда киритилган МХТ ни алмаштирди. Унда иқтисодиёт секторларининг, стандарт ҳисоблар ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг номланиши сезиларли ўзгартирилди. Миллий ҳисоблар тизимининг марказий кўрсаткичи — ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) бўлиб, ялпи миллий маҳсулот унинг иккинчи макроиқтисодий кўрсаткичидир. Иккинчи томондан, ялпи ички маҳсулот ялпи миллий маҳсулотнинг маълум модификациясидир.

Умуман олганда, МХТ асосида иқтисодий ривожланиш даражаси аниқланади. Иқтисодий моделлар (андазалар) ишлаб чиқилади, стратегик мақсадлар белгиланади ва лойиҳалаштирилади. Келажак истиқболлари, эришиш мумкин бўлган тахминий кўрсаткичлар ишлаб чиқилади.

## 2- §. ЯИМ ВА ЯММНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

### Реал (ЯИМ) ялпи ички маҳсулот, (ЯММ) ялпи миллий маҳсулот

Муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири — ялпи ички маҳсулотдир.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) шундай кўрсаткички, у энг катта аниқлик билан мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасини ифодалайди.

Маълумки дастлаб БМТ тавсиясига биноан ялпи миллий маҳсулот ҳисобланган.

Йил давомида яратилган ялпи миллий маҳсулотни ўлчашда дастлаб икки хил ёндошиш мавжуд бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг бош мақсадидан келиб чиқади.

БМТ ЯИМ ни миллий ҳисоб тизимида асосий кўрсаткич сифатида фойдаланишни тавсия этгач, (АҚШ ва Японияда кўпроқ ЯММ кўрсаткичидан фойдаланилади. Умуман олганда, АҚШ статистикаси бошқаларга қараганда мукамал ҳисобланади. Мамлакат савдо вазирлиги иқтисодий таҳлил бюроси ЯММ, ЯИМ ва миллий даромаддан ташқари, маҳсулот ва капитал қўйилмалари тармоқлараро баланси, молиявий баланс, миллий бойлик, меҳнат ресурслари ва бошқа балансларни тузиш, таҳлил қилиш билан шуғулланади) устун даражада ЯИМни ҳисоблашга ўтилди.

ЯИМ ни ҳисоблаш ЯММ ни ҳисоблашдан катта фарқ қилмайди.

Истеъмол қилиш учун бир томондан, турли неъматларни сотиб олиш керак, иккинчи томондан, уларни сотиб олиш учун маблағ, яъни даромадга эга бўлиш керак.

Шунга кўра ЯИМ ни ҳам икки усул: йил давомида ҳамма яратилган неъматларни сотиб олиш учун барча харажатларни қўшиш ёки йил давомида неъматлар яратиш натижасида олинган барча даромадларни қўшиш орқали ҳисобланади. Буни АҚШнинг ялпи ички ҳамда миллий маҳсулотини ҳисоблаш бўйича (“Экономикс”) да келтирилган мисол асосида кўришимиз мумкин.

#### ЯИМНИ ҲИСОБЛАШГА ИККИ ХИЛ ЁНДОШИШ (1994 йил АҚШ савдо вазирлиги маълумотлари асосида)

Тушум. Харажатлар услуги	Млрд. Доллар.	Тақсимлаш. Даромадлар услуги	Млрд. Доллар
Шахсий истеъмол харажатлари (С)	4627	Иш ҳақи Рента Фоизлар	4005 28 407

Ялпи хусусий ички инвестициялар (Jg)	1038	Мулкдан даромад	473
Давлат харажатлари (G)	1174	Корпорациялар фойдасига солиқ	203
Соф экспорт (Xп)	-102	Дивидендлар	205
		Корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси	135
		<b>Миллий даромад</b>	<b>5456</b>
		Бизнесга эгри солиқлар	553
		Асосий капитал истеъмоли (амортизация)	716
		<b>Ялпи миллий маҳсулот</b>	<b>6725</b>
		плюс АҚШда чет эл ишлаб чиқариш омиллари эвазига яратилган соф даромад	12
Ялпи ички маҳсулот	6737	Ялпи ички маҳсулот	6737

Агар уни оддий тенглик тарзида ифодаласак қуйидаги кўринишда бўлади:

Жорий йилда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун қилинган харажатлар миқдори (ҳажми)

= Жорий йилда неъматлар ишлаб чиқаришдан олинган пул даромадлари миқдори

Бу оддий тенглама эмас, балки ҳар икки ёндошишнинг айнан ўхшаш ва бир хил эканлигининг ифодасидир.

Харажат қилиш, яъни сотиб олишнинг ўзи моҳияти билан бир битимнинг икки томонини ифодалайди. Неъматларни яратиш ва уларни реализация қилиш учун сарфланган харажатлар, шу омиллarning эгалари учун даромад бўлади.

Агар пировард маҳсулотни кимлар олишини қисқача изоҳласак: улар мамлакат доирасида уй хўжалиги, давлат, бизнес (фирма, корхона) ҳамда чет давлатлардаги истеъмолчилар харажатлари сифатида кўриш мумкин.

**Уй хўжалиги истеъмол харажатлари** бошқача айтганда шахсий истеъмол харажатлари (С) ўз ичига кундалик эҳтиёж (озик-овқат, кийим-кечак кабилар) харажатлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар (автомобил, холодилик, видеомагнитофон, телевизор кабилар) учун харажатлар, ҳамда турли хизматлар учун (юристлар, врачлар, сартарошлар ва ҳоказо) харажатлардан иборат.

### Ялпи хусусий ички инвестициялар (I).

Инвестицион харажатлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) тадбиркорлар томонидан сотиб олинган машина, асбоб-ускуна, станок ва шунга ўхшашлар;

б) ҳамма қурилиш (бунга уй-жой қурилиши ҳам кирази);

в) захираларнинг кўпайиши. Захираларни инвестицияга киритилишига сабаб, улар ҳақиқатдан ҳам истеъмол қилинмаган маҳсулот, демак инвестиция таркибига киритса бўлади.

### Давлатнинг товар ва хизматлар учун харажатлари (G).

Бу гуруҳ харажатлар давлатнинг ҳамма харажатларини ўз ичига олади. Фақат трансферт<sup>1</sup> тўловлари бунга кирмайди.

### Соф экспорт (Xп).

Маълумки, мамлакатдан четга товарлар чиқарилади, хизматлар кўрсатилади, яъни экспорт қилинади. Бу товарларга чет элликлар харажат қиладилар. Шу билан бирга четдан товарлар импорт қилинади. Экспорт билан импорт ўртасидаги фарқни, яъни соф экспортни аниқлаймиз. Айтайлик экспорт 35 млрд. долл. бўлсин, импорт эса 15 млрд. долларни ташкил этсин. У ҳолда соф экспорт  $35 - 15 = 20$  млрд. долларни ташкил этади. Агарда экспорт кам, импорт кўп бўлса, соф экспорт минуслик миқдорни ташкил этади. 1994 йили чет элликлар АҚШ товарларига сарфлаган харажатларига қараганда АҚШликлар чет эл товарларига 102 млрд. доллар кўп сарфлашган.

Шу билан бирга ЯИМ ҳисоблаганда йил давомида сарфланган қатор **унумсиз харажатларни** аниқлаб **чегириб** ташланади. Унумсиз харажатлар асосан икки хилда бўлиб:

1. Соф молиявий битимлар;
  2. Ишлатилган товарларни сотишни ўз ичига олади.
- Соф молиявий битимларнинг ўзи 3 турга бўлинади.

а) давлат трансферт тўловлари:

булар социал суғурта тўловлари, ишсизлик нафақалари, пенсия кабилар бўлиб, давлат алоҳида оила, шахсларга тўлайди. Уларни олувчилар ишлаб чиқаришда қатнашиб, бирон-бир товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга ўз ҳиссаларини кўшмайдилар. Шунинг учун уларни ЯИМ га кўшиш, унинг ҳажмини асоссиз равишда кўпайтиришга олиб келади;

б) хусусий трансферт тўловлари:

бунга бир шахснинг иккинчисига берган ёрдамлари, совғалари кирази. *Масалан*, талабаларни ҳар ойда уйдан оладиган ёрдамлари (субсидия) ёки бой қариндошларнинг совға-саломлари кабилар кирази. Булар ҳам ишлаб чиқариш натижаси эмас. Маблағ фақат бир кишидан иккинчисига ўтади холос;

в) қимматбаҳо қоғозлар билан битимлар, яъни акция, облигациялар олди-соттиси ҳам ЯИМ га киритилмайди, чунки бу қоғоз активларни алмаштириш холос, у жорий ишлаб чиқаришни ўсишини билдирмайди.

<sup>1</sup> Трансферт (*лотинча ўтказмоқ*) тўловлари: пенсия, нафақа каби социал тўловлар бўлиб, асосий манбаси социал суғурта (республикамизда иш ҳақиға нисбатан ҳисоб-китоб қилинади) ҳисобланади.

2. Ишлатилган товарларни сотиб, олинган даромад ҳам ЯИМ таркибига киритилмайди. Сабаби, улар бир марта ҳисобдан ўтган. У жорий ишлаб чиқаришни ҳажмини кўпайтирмайди. *Масалан* “Нексия” автомобиллини сотдингиз. Бу шу йилги ЯИМ га кирмайди, чунки у бир марта, сотиб олинганда ҳисобдан ўтган.

**ЯИМни даромадлар асосида ҳисоблаш** турли неъматлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларнинг эгаларига тўланадиган иш ҳақи, рента, фоиз, фойда шаклидаги даромадлар йиғиндиси тарзида ҳисобланади. Лекин унда даромад тарзида тўлаш билан боғлиқ бўлмаган капитал истеъмолига ажратмалар, бошқача айтганда амортизация харажатлари ва бизнесга эгри солиқлар мавжуд.

**Иш ҳақи** даромадларнинг энг катта қисмини ташкил этади. Иш ҳақи тадбиркорлик сектори ва давлат томонидан меҳнат ресурслари (омиллари) эгаларига тўланади. Унга иш ҳақидан ташқари корхоналарнинг социал суғурта бадаллари, турли-туман хусусий нафақа таъминоти, тиббиёт хизмати, ишчиларга ёрдам қабилар ҳам шунга киради. Буларнинг барчаси иш кучини ёллаш билан боғлиқ харажатлар бўлгани учун умумий тарзда иш ҳақи тарзида ифодаланади.

**Рента тўловлари.** Мулк бўлган табиий ресурслар билан иқтисодий таъминлаш туфайли олинадиган даромадлар ифодаланади. *Масалан*, ижарага берилган ердан олинадиган даромад. Соф рента даромади ялпи рента (ижара ҳақидан) амортизация тўловини айириб топилади.

**Процент.** Пул капитали эгалари хусусий бизнесга қўйган пуллари учун оладиган пул даромадларидан иборат. *Масалан*, уй хўжалиги банкка қўйган жамғармалари, сертификат қабиларга тўланган фоизлар.

**Мулкдан олинадиган даромадлар.** У икки қисмга бўлинади. Бир қисми нокорпоратив тадбиркорлик сектори даромадларидан иборат. Унга индивидуал хусусий фирмалар олган соф даромад киради. Иккинчи қисми эса корпорацияларга тегишли фойдадан иборат. Корпорациялар фойдаси мураккаб, у бир неча йўналишда тақсимланиши мумкин.

Биринчидан, корпорация фойдасининг бир қисми корпорация фойдасига **солиқ** тарзида давлатга тўланади. Иккинчидан, корпорациянинг акцияларини сотиб олган акционерларга **дивиденд** шаклида тўланади. Учинчидан, фойдадан солиқ, дивиденд тўлагандан қолган фойда корпорациянинг **тақсимланмаган фойдаси** деб айтилади. Бу қисми асосан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланади.

**Бизнесга эгри солиқлар:** даромад тарзида тўланмайдиган ажратмалар бўлиб, у сотишга умумий солиқлар (қўшилган қиймат солиғи), акцизлар, божхона тўловларини ўз ичига олади. Давлат томонидан белгиланган билвосита (эгри) солиқлар тўғри-тўғри нархга қўшилади, ҳамда биринчи навбатда тўланади.

Айтайлик, бу солиқлар ҳаммаси 30% ни ташкил этади дейлик. У ҳолда 1 сўмлик товарга 30 тийин қўшилиб 1 сўм 30 тийиндан сотилади ва 30 тийин биринчи навбатда давлатга тўланади. Бу даромад ишлаб топилмаган. Унинг учун ишлаб чиқарувчи ҳеч қандай ҳисса қўшмаган. Ҳар йили яратилган даромаднинг умумий ҳажми ҳисобланганда бизнесга эгри солиқларни даромадга қўшилмайди.

**Истеъмол қилинган асосий капитал, яъни амортизация** бошқа харажатлардан шуниси билан фарқ қиладики, у ҳеч кимни даромадига қўшилмайди. Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашган, истеъмол қилинган капитални тиклаш учун сарфланади. Яратилган ЯИМнинг ҳаммасини жамият даромади сифатида истеъмол қилиш мумкин эмас, чунки ишлаб чиқариш қуввати, имкони пасайиб кетади.

Шундай қилиб, иш ҳақи, рента, фоиз, мулкдан даромад, корпорациянинг фойдасига солиқ, дивидендлар, корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси, бизнесга эгри солиқлар ва асосий капитал истеъмоли чет эл ишлаб чиқариш омиллари эвазига олинган соф даромадни қўшиб ЯИМ кўрсаткичига эга бўламиз.

Ҳозирги пайтда ЯИМни ҳисоблашда ишлаб чиқариш бошқача айтганда қўшилган қиймат услубидан кенг фойдаланилмоқда.

Учинчи услуб бўйича ЯИМ ни ҳисоблаш уни яратишда маълум тармоқларнинг ўзаро муносабати ва унинг аҳамиятини аниқлаш имконини беради. Шунинг учун тармоқлар соҳалар бўйича қўшилган қиймат асосида ҳисоблашга кўпроқ аҳамият берилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ҳажмини тўғри ҳисоблаш учун улар фақат бир мартагина ҳисобга олиниши керак, чунки жуда кўп маҳсулотлар бир неча марта сотилади ва сотиб олинади. Қайта-қайта сотилиши сабабли уларнинг қиймати бир неча марта кўпайиб кетади. Бунни қуйидаги мисолда кўрсатиш мумкин.

Хўжалик, пахтасини 100 сўмга пахта заводига сотди дейлик. У олган 100 сўмини амортизация, иш ҳақи, рента тўлови, процент, фойдага тақсимлади. Завод эса унинг чигитини олиб, толага айлантириб 450 сўмга тўқимачилик корхонасига сотди.

Тўқимачилик корхонаси уни йигириб, тўқиб, гул босиб, тикувчилик фирмасига 750 сўмга сотди. 450 сўмини пахта заводига беради, қолган 300 сўми амортизация, иш ҳақи харажатларини қоплаш учун ишлатилади, маълум миқдорда фойда олади. Тикувчилик фирмаси ундан қўйлак тикиб, улгуржисига 1050 сўмдан сотди. Унинг 750 сўмини тўқимачилик корхонасига беради, қолган 300 сўм юқоридагидек тақсимланади. Уни савдо фирмаси чакана сотувчига 1800 сўмга сотди. У қўйлакни 2200 сўмга истеъмолчига сотди.

Кўришиб турибдики, пахтадан қўйлак тайёр бўлиб, истеъмолчига етиб келганда 2200 сўм бўлди. Шу билан бирга ун

маълум бир қисми бир неча бор қайтадан ҳисобланади. Уни аниқроқ тасаввур етиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланамиз.

*Олти босқичли ишлаб чиқариш жараёнида қўшилган қиймат*

№	Ишлаб чиқариш босқичлари	Сотилган маҳсулотнинг нархи (сўм)	Қўшилган Қиймат
1.	Фермер хўжалиги А, пахта етиштирувчи	100	100(=100-0)
2.	Пахта заводи Б, дастлабки қайта ишловчи	450	350(=450-100)
3.	Тўқимачилик корхонаси В, қайта ишловчи	750	300(=750-450)
4.	Фирма Г, кўйлак тикувчи	1050	300(=1050-750)
5.	Фирма Д, кийимлар билан улгуржи савдо қилувчи	1800	750(=1800-1050)
6.	Фирма Е, чакана сотувчи	2200	400(=2200-1800)
	Сотилган маҳсулотнинг умумий қиймати	6350	
	Қўшилган қиймат (умумий даромад)		<b>2200</b>

Ҳамма гап шундаки, ЯИМ ни, бизнинг мисолимизда кўйлакни қайси қиймати асосида ҳисоблаш керак?

Кўйлак тайёр бўлгунча қайта ишлаш ва сотиш натижасида маҳсулот қиймати 6350 сўмни ташкил қилади. Пировард маҳсулот: кўйлак 2200 сўмга тенг. ЯИМ пировард маҳсулот ва хизматларни, яъни қайта ишланмайдиган ва сотилмайдиган, бир сўз билан айтганда пировард истеъмол қилинадиган маҳсулот қиймати билан ўлчанади. Мисолимизда пировард маҳсулот, кўйлак 2200 сўм. Демак, жавоб битта **2200 сўм**.

Барча босқичлар бўйича оралиқ маҳсулотларни ҳам ҳисобга олган ҳолда ифодаланадиган маҳсулот **жами ижтимоий маҳсулот ЖИМ** бўлиб, собиқ Иттифокда у асосий иқтисодий кўрсаткичлардан бири сифатида фойдаланилган. ЖИМ пировард натижани билдирмайди, чунки унинг таркибида қайта ишланадиган оралиқ маҳсулот мавжуд бўлади. Оралиқ маҳсулотларни ҳисобга олсак, пировард маҳсулот қиймати асоссиз равишда бир неча баробар, бизнинг мисолимизда деярли 3 мартагача кўпайиб кетган бўларди. ЖИМ дан қайта-қайта ҳисобланадиган қийматни чегириб ташласак ЯИМ қолади. Бошқача айтганда ҳар бир корхона, фирма томонидан яратилган **қўшилган қиймат** ҳажми қолади. **Қўшилган қиймат бу ҳар бир корхона, фирма томонидан яратилган маҳсулотнинг бозор нархида ифодаланган ҳажми бўлиб, ундан сотиб олиб ишлатилган хом ашё, материаллар чегириб ташланади.**

Жадвалдан кўриниб турибдики, пировард маҳсулотимиз қиймати ҳар бир корхона, фирма томонидан яратилган қўшилган қийматнинг ҳажмига 2200 сўмга тенг. Шу тарзда умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бозор қийматини, яъни **ЯИМ нинг ҳажмини аниқлаш мумкин.**

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлилда қўшилган қиймат (ҚК) тушунчаси пайдо бўлди. Қўшилган қиймат ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жараёнида яратилган қиймат. У аниқ маҳсулот яратиш, хизмат кўрсатиш учун кетган корхона, фирманинг реал улушини ўз ичига олади. У шу корхона, фирманинг иш ҳақи, амортизация ва фойдаси кабиларни ўз ичига олади.

Миллий ҳисоб тизимида қўшилган қиймат (ҚК) га қуйидагилар киради:

**Амортизация, иш ҳақи, корпорациялар ва нокорпоратив корхоналар фойдалари, улар томонидан олинган рента, ссуда капитал проценти, ҳамда тадбиркорлик (бизнес) га оид билвосита (эгри) солиқлар.**

Демак, ЯИМ ни жадвалда кўрганимиздек қўшилган қиймат ҳисоб-китоби тарзида ифодалашимиз мумкин. Бу иккала ёндошиш ҳам пировард маҳсулот ҳамда қўшилган қиймат — бир муаммога икки нуқтаи назардан қарашни билдириб, ҳар иккиси ҳам охир-оқибат бир натижани беради. Чунки, ҳақиқатдан ҳам, 2200 сўмга кўйлак сотиб олиш учун қилинган харажат, иккинчи томондан уни ишлаб чиқарганларнинг даромади. Кўйлакни сотиб олинган тушум 2200, улар (А, Б, В, Г, Д, Е) ўртасида мувофиқ равишда (100, 350, 300, 300, 750, 400 сўм) тақсимланади. Унинг йиғиндиси ҳам 2200 сўмга тенг бўлади. Бу ерда баланслайдиган элемент фойда бўлади. Фойда ишлаб чиқарувчининг иш ҳақи, рента тўловлари ва процентга кетган харажатларини айириб ташлаганимиздан қолган даромадни ифодалайди. Агар умумий иш ҳақи, рента, процент тўловлари 2200 дан кам бўлса фойда қолади, агарда кўпайиб кетса зарар бўлади.

Агар АҚШда 1994 йили яратилган ЯИМни қўшилган қиймат бўйича ҳисобласак у қуйидагича бўлади:

Тармоқларнинг қўшилган қиймати	млрд. долл.
Қишлоқ хўжалиги	135
Саноат	1819
Хизматлар	4783
Ялпи ички маҳсулот	6737 <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан “Знания на службе развития. Отчет о мировом развитии 1998/99”. Всемирный банк. М. Вес мир 1999, 315—325-бетлардаги маълумотлар асосида ҳисобланган.



Республикамызда ЯИМ 1987 йилдан бошлаб ҳисоблана бошлади. Ҳозирги пайтда БМТ тавсиясига биноан МҲТ бўйича ЯИМ қийматини ҳисоблашга ўтилган.

Республикамызда ЯИМ ишлаб чиқариш ҳамда харажатлар услуби бўйича ҳисобланади.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИ ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ  
ВА ХАРАЖАТЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБЛАНГАН ТАРКИБИ, 2000 й.<sup>2</sup>**

Харажатлар услуби	Млрд. сўм	Қўшилган қиймат (ишлаб чиқариш) услуби	Млрд. сўм
Шахсий истеъмол харажатлари	2015,4	Тармоқларнинг қўшилган қиймати	2842,0
Ялпи ички инвестициялар	637,2	Саноат	451,0
Давлат харажатлари	607,3	Қурилиш	198,0
Соф экспорт	— 5,3	Қишлоқ хўжалиги	988,0
		Хизматлар соҳаси	1205,1
		Соф солиқлар (ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар айирмаси)	413,5
Ялпи ички маҳсулот	3255,6	Ялпи ички маҳсулот	3255,6

**Биринчиси,** ЯИМга ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олиш учун зарур бўлган ҳамма харажатлар йиғиндиси сифатида қараш мумкин. Уни **ЯИМ** ни **харажатлар асосида** ҳисоблаш дейилади.

**Иккинчиси,** йил давомида неъматлар яратиш учун сарфланган омилар эгаларининг **даромадлари тарзида** ҳисоблаш мумкин. Уни ЯИМ ни даромадлар асосида ҳисоблаш дейилади.

**Учинчи,** йил давомида миллий иқтисодиётнинг барча жабҳаларида **яратилган қўшилган қиймат** асосида ҳисобланади. Уни ЯИМ ни ишлаб чиқариш ёки тармоқлар бўйича ҳисоблаш дейилади.

ЯИМ бозор нархларида ифодалангани учун унинг ҳажмига нарх ўзгариши таъсир қилади. Маҳсулот миқдори ўзгармай туриб, нархи ошса ортади. Шунинг учун номинал ва реал ЯИМ ни фарқлаш зарур бўлиб қолади.

Мавжуд нархлар бўйича ҳисобланган ЯИМ номинал ЯИМ деб юритилади.

Истеъмол учун маҳсулот ва хизматнинг ўзи керак. Уларнинг неча пул туриши эмас, унинг миқдори ва сифатига қараб истеъмол юз беради. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажмини реал ЯИМ белгилайди. Нарх ўзгаришини назарда тутган ҳолда ҳисобланган ялпи ички маҳсулот реал ЯИМ бўлади. Реал ЯИМни ҳисоблашда нархнинг ўзгариши эътиборга олинади, шунга қараб, номинал маҳсулот ҳажми ортган шароитда реал маҳсулот камайиши ҳам мумкин. Ҳамма гап номинал маҳсулот ҳажми би-

лан нархлар ўзгариши ўртасидаги нисбатда. Реал маҳсулот ҳисобланганда нархлар индекси қўлланилади.

Реал ЯИМ = Номинал ялпи ички маҳсулот / Нарх индекси

Масалан, 2001 йил Ўзбекистонда 4868,4 млрд. сўмлик ЯММ маҳсулот ишлаб чиқарилди, 2000 йилда эса бу кўрсаткич 3255 млрд. сўмни ташкил этган. Агарда нархлар индекси 1,43 га тенг бўлса, реал ЯИМ = 3401,5 млрд. сўм.

(Нарх индекси маълум бир вақт мобайнида нархларнинг ўзгариши: ортиши ёки камайишини ифодаловчи кўрсаткич. Масалан, 1 дона нон 100 сўм. Ўтган йили 75 сўм эди. Нарх индекси 1,33 (100:75) тенг.)

Шундай қилиб, 2001 йили 2000 йилга нисбатан ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми деярли 1,5 марта эмас, балки 4,5 фоиз ошган. Худди шундай тарзда реал ЯММ ни ҳам ҳисобланади.

ЯИМ, ЯММ миллий иқтисодиёт тараққиёт даражаси, ҳолатини кўрсатувчи аниқ ва асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Одатда, у ёки бу мамлакат куч-қудрати ҳақида тўхталар эканмиз, унга баҳо беришда аввало яратилган ЯИМ, ЯММ ҳажмига унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорига қаралади.

Дунё мамлакатларининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ га қараб гуруҳланиши қуйидагича

- |                               |                                |
|-------------------------------|--------------------------------|
| 1. Кам даромадли мамлакатлар  | 755 доллар ва ундан кам        |
| 2. Ўрта даромадли мамлакатлар | 756 доллардан 9265 долларгача  |
| а) қуйи ўрта даромадлилар     | 756 доллардан 2995 долларгача  |
| б) юқори ўрта даромадлилар    | 2996 доллардан 9265 долларгача |
| 3. Юқори даромадлилар         | 9266 доллар ва ундан юқори.    |

Бу гуруҳларга кирган мамлакатлар ҳам аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот даражаси бўйича фарқланади. Жаҳон миқёсида аҳоли жон бошига 9656 доллардан кўп ЯММ ишлаб чиқарган 54 мамлакатда, жумладан ОЭСР мамлакатларида аҳоли фаровонлиги юқори даражада бўлган. 65 га яқин аҳоли жон бошига 785 доллардан кам ЯММ яратилган мамлакатларда эса аҳолининг асосий қисми қашшоқликда кун кўради. Республикамизда аҳоли жон бошига яратилган ялпи миллий маҳсулот минг долларга яқин бўлиб, дунёда 70 ўринда турамиз. Бу 211 мамлакат ичида ва ёш мустақил давлат эканлигимизни ҳисобга олсак, республика-мизни дунё мамлакатлари ичида ўз ўрни, имконияти борлигидан далолат беради.

**АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ЯММ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**  
(жаҳоннинг ўрта мамлакати бўйича, 1999 й).

№	Энг бой мамлакатлар	Доллар	Энг камбағаллар	Доллар
1.	Швейцария	38350	Руанда	250
2.	Норвегия	32880	Мали	240
3.	Япония	32230	Мозамбик	230
4.	Дания	32030	Непал	220
5.	АҚШ	30600	Чад	200
6.	Сингапур	29610	Эритрея	200
7.	Австрия	25970	Малави	190
8.	Германия	25350	Нигер	190
9.	Швеция	25040	Серра-Леоне	130
10.	Белгия	24510	Бурунди	120
			Эфиопия	100

Жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондирилиши, фаровонлиги яратилган ЯИМ (ЯММ) ҳажмига, ўсиш суръатига боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир мамлакатда ЯИМ (ЯММ) ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳаракат қилинади.

ЯИМ ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ниҳоятда кўп омиллар таъсир этади. Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Меҳнат унумдорлиги.
2. Ишловчиларнинг сони.

Меҳнат унумдорлиги меҳнатнинг натижаси, унинг самарадорлигини англатади. (Меҳнат унумдорлиги вақт бирлигида яратилган маҳсулот ва хизматлар миқдори ёки уларни яратиш учун сарфланган иш вақтидир.)

Меҳнат унумдорлигини ошириш ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондира боришнинг иқтисодий жиҳатдан қулай йўли ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигига ҳам жуда кўп омиллар таъсир этади. Уларни асосан қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

1. Жамиятда эришилган техника-технология даражаси, бошқача айтганда иш қуроллари нақадар мукамаллиги.
2. Ишловчиларнинг билим савияси, меҳнат малакаси ва маҳорати, яъни иш кучининг сифати.
3. Ишлаб чиқаришнинг табиий-иқлимий шароити. Табиий ресурсларни ишлатишнинг нақадар қулайлиги.
4. Ресурсларни чекланганлиги шароитида уларни қандай ишлатишни танлаш ва қарор қабул қилиш.
5. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, инфраструктуранинг ташкил этиш ва бошқалар.

Иш унумининг ортиши, иш вақтининг тежалиши ва бўш вақтни кўпайишига олиб келади. Жамият тараққиёти натижасида борган сари иш вақти тежалиб бўш вақтни кўпайишига олиб

Отчет о мировом развитии 1998/99. Всемирный банк. М. Весь мир. 1999. стр 269—320.  
Доклад о мировом развитии 2000/2001 года. Всемирный банк. М. Вес мир, стр 316—327.

келади. *Масалан*, кўпгина ривожланган мамлакатларда иш ҳафтаси асримиз бошларида 53 соат ва ундан ортиқ эди. 50-йилларга келиб у 40 соатни ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда 35 соатга тўғри келади.

Унумдорлик ошиб, бўш вақтнинг кўпайиб бориши **вақтнинг тежалиш қонунига** амал қилишидан далолат беради. Бу қонунга кўра ҳар қандай тежаш **вақтнинг тежалиши** демакдир.

Бўш вақтнинг кўпайиши, ўз навбатида, аҳоли фаровонлигига таъсир этади. Бу жиҳатларни ЯММ ҳажми орқали ифода-лаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам иқтисодчилар ана шу томонларни ҳам ҳисобга олиш йўлларини топишга уринмоқда.

ЯИМ ва унинг ўсиши ўз навбатида у билан бирга “номаъкул” ялпи миллий маҳсулот”ни ҳам ўсишига олиб келади.

Ўз-ўзидан маълумки, атроф-муҳитни ифлосланиши аҳолининг турмуш даражасига, иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади. Экологик аҳволни ёмонлаштирувчи ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳозирги пайтда ялпи ишлаб чиқариш ҳажмидан чегириб ташланмайди. Бу ўз навбатида ЯИМ, ЯММ ҳажмини асосиз равишда кўпайишига олиб келади.

Айрим ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирги пайтда йирик шаҳарларда ҳар бир кишига кунига ўртача 1,5 кг чиқинди тўғри келар экан. *Масалан*, агар Тошкентда аҳоли сони 2 млн. киши десак, кунига 3000 тонна чиқинди чиқар экан. Бир кўзга кўринган иқтисодчи “иқтисодий ҳаётнинг пировард маҳсулоти чиқиндидир” деган экан. Маҳсулот қанча кўп бўлса чиқинди ҳам шунча кўп бўлади.

Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири экологик муаммодир.

Ҳозирги пайтда ЯИМ ҳисоб-китобида ишлаб чиқарувчи атроф-муҳитни булгар экан, давлат уни тозалаш учун маблағ ажратади. Сарфланган маблағлар ЯИМ ҳажмига қўшилади ва ҳоланки ифлослантирганлик олиб келадиган зарар (қиймати) ЯИМ дан чегириб ташланмайди. Келажакда иқтисодчилар бу масалага диққат-эътиборларини қаратишлари керак.

Ялпи ички маҳсулот, ЯММ ҳажмини ҳисоблаганда, асосан уй хўжалигида бажарилган ҳамма ишлар ҳисобга олинмайди. Айтайлик, уй йиғиштириш, овқат пишириш, консервалар тайёрлаш, тикиш, репититорлик қилиш, касалларга қараш ва бошқа шунга ўхшашлар. Бу, албатта, ЯИМ ҳажмини ҳақиқатдагига қараганда кам кўрсатилишига олиб келади. Айниқса, бизнинг республикамизда уй хўжалигида бундай ишларнинг ҳажми каттагина.

Ундан ташқари, ЯИМ ҳажмига яширин, соявий иқтисодий сектор фаолияти (рекэт, нолегал ўйинлар (қимор), порнобизнес нолегал ишлаб чиқариш қабилар) ҳам қўшилмайди.

Айрим маълумотларга кўра бу иқтисодиётнинг ЯММ даги ҳиссаси Италияда 20—34%, АҚШ да 10%, Англияда 8,5% ни ташкил этади.

### 3-§. СОФ МАҲСУЛОТ, МИЛЛИЙ ДАРОМАД ВА ШАХС ИХТИЁРИДАГИ ДАРОМАД

Бир йиллик ялпи ишлаб чиқариш ўлчови сифатида ЯИМ ҳам, ЯИММ ҳам бир муҳим нуқсонга эга. Улар ишлаб чиқариш ҳажмини истеъмол қилинган асосий капитал (амортизация ажратмалар) ва билвосита (эгри) солиқлар қиймати эвазига кўпайтириб юборади.

Амортизация ажратмалари асосий капитални эскирган қисмини қоплашга сарфланади. ЯИМни амортизация ажратмалари миқдорига камайтирсак, яна бир макроиқтисодий кўрсаткич — соф миллий маҳсулотга эга бўламиз. Ўз моҳияти билан ҳам ишлаб чиқаришнинг соф ҳажми ялпи ҳажмига қараганда мукамал кўрсаткичдир. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ва уни истеъмол қилиш ва жамғаришнинг (капитал сифатида) ҳақиқий миқдори ва ўзгаришини кўрсатади.

Соф маҳсулот ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳам халқаро Нобел мукофоти лауреати С. Кузнец таклиф этган ғоялар асосида ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган.

Соф ички маҳсулот йил давомида янгидан яратилган маҳсулот бўлиб, у ЯИМ дан шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ишлатилиб эскирган, асосий капитални алмаштириш, зарур бўлган қисмини, яъни амортизация ажратмаларини айириб ташлаган қисмига тенг. СИМ = ЯИМ — Амортизация. Мисол тариқасида мамлакатимизда яратилган соф ички маҳсулот ва бошқа кўрсаткичларни **шартли** рақамлар ёрдамида таҳлил қилишимиз мумкин. 2000 йили республикамизда ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми 3255,6 млрд. сўмга тенг. Агар истеъмол қилинган асосий капитал харажатлари 358,6 млрд. сўм десак, СИМ қуйидагича бўлади:

ЯИМ	— 3255,6
Истеъмол қилинган (ишлатилган) асосий капитал харажатлари (амортизация)	— 358,6
Соф ички маҳсулот СИМ	— 2897 млрд. сўм.

Бу кўрсаткич ёрдамида ишлаб чиқариш йиллик ҳажми ўлчанади. Келгуси йилларда ишлаб чиқариш имкониятини пасайтирмаган ҳолда қанча маҳсулот истеъмол қилиш мумкинлиги аниқланади.

**Соф ички маҳсулотдан кейинги яна бир кўрсаткич — Миллий даромад.**

**Миллий даромад** — бу йил давомида жамиятнинг соф “ишлаб олинган даромади” дир.

Миллий даромадни турли йўналишдаги иқтисодчилар тадқиқ қилишган.

*Масалан, У Петти XVII асрда Англия аҳолисининг даро-*

мадлари ва харажатлари балансини тузиб чиққан, МД ҳажми-ни аҳоли томонидан олинган ҳамма даромадлар (ер, уй, капитал, меҳнат қилиш эвазига олинган ҳақ) асосида ҳисоблаган, А. Смит ва Д. Рикардо маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш воситалари қийматини айириб ташлаш йўли билан МД ҳажми-ни аниқлашган.

Миллий даромадга икки нуқтаи назардан қараш мумкин.

1. Корхона, фирмалар, яъни шу ресурсларни истеъмолчилари нуқтаи назаридан, ишлаб чиқариш ресурслари (омиллари) нархини, яъни шу ресурсларни сотиб олиш харажатларини ифодаловчи кўрсаткич сифатида қараш мумкин.

2. Ресурсларнинг эгалари нуқтаи назардан: жорий даврда ўз ресурслари билан омил эгаси сифатида ишлаб чиқаришда қатнашганлари учун олган даромадларининг миқдорини мувофиқ равишда ўлчови (кўрсаткичи) сифатида кўриш мумкин.

1. Миллий даромад ҳажмини ҳисоблаш учун соф ички маҳсулотдан:

а) Мамлакат ҳудудида чет элликларга қарашли ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб яратилган соф даромадни чегириб ташлашимиз керак. Чунки биз ўзимизнинг ресурсларимиз эвазига яратилган даромадни ҳисобламоқчимиз.

б) Бизнесга билвосита солиқларни ҳам айириб ташлаймиз. Чунки СИМ ресурс эгаларининг (иш кучи, капитал, ер, тадбиркорлик қобилияти учун) ўз ресурслари билан қўшган ҳиссалари эвазига яратилган маҳсулот. Билвосита солиқлар эса иқтисодий ресурсларнинг СМИдаги ҳақиқий улушини акс эттирмайди. Ундан ташқари тадбиркорлар томонидан тўланган билвосита солиқлар ишлаб чиқариш учун иқтисодий ресурсларга ишлатилмайди.

*(Рақамлар шартли)*

	Млрд. сўм.
Соф ички маҳсулот	2897
Ўзбекистонда чет эл ишлаб чиқариш омиллари эвазига яратилган соф даромад	—9
Бизнесга эгри солиқлар	—610
<b>Миллий даромад</b>	<b>2278</b>

II. Миллий даромадни даромадлар усули бўйича оддийгина даромадларни кўриш орқали ҳисобаш мумкин. У ҳолда миллий даромад иш ҳақи, рента, фоиз, мулкдан даромад, корпоратив фойдадан иборат бўлади.

**Иқтисодий назарияси тажрибасида яратилган ва истеъмол қилинган миллий даромад фарқланади.**

Истеъмол қилинган миллий даромад бу кишиларнинг моддий ва маданий ва бошқа эҳтиёжларини (мудофаа, бошқариш

ва ҳ.к.) қондириш учун ишлатилган даромаднинг бир қисми. Ундан ташқари бунга табиий офатлар натижасида ва бошқа йўқотишлар ҳам киритилади. Қолган қисми эса жамғарилади, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарфланади.

МДХ даги қатор иқтисодчилар МД да полиция, ҳарбий, юридик, ахборот ва ҳоказо идоралар жамоаларининг фаолиятларини ҳисобга олиш нотўғри. Унинг ижтимоий такрор ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри алоқаси йўқ. Бунинг натижасида МД 20—30% сунъий равишда кўпаяди дейдилар. Бу фикрда жон бор.

Миллий даромаднинг асосий қисмини шахсий даромад ташкил қилади. Шахсий даромад бу шахсга тегишли даромад, яъни фаолият юритиб топилган даромад. Уни миллий даромаддан социал тўловлар, фойдадан солиқ, тақсимланмаган фойдани айириб топамиз. Шу билан бирга хўжалик фаолияти натижаси бўлмагани ҳолда трансферт тўловлари уларни (шахсий) даромадларига кўшилади. Чунки, пенсия, нафақа каби тўловлар аҳолининг даромади. (Шахсий даромаддан бошқа кўрсаткичлар шартли)

МД (ишлаб, фаолият юритиб топилган даромад)	2278 млрд. сўм
Социал суғурга тўловлари	– 261
Корхона, фирмалар фойдасига солиқ	– 84,7
Корхона, фирмаларнинг тақсимланмаган фойдаси	– 56,3
Трансферт тўловлари	+ 497
Шахсий даромад	2373 млрд. сўм

Шахсий даромаднинг, яъни аҳолига тегишли даромаднинг ҳаммаси ҳам унинг қўлига келиб тушмайди. Унинг миқдори индивидуал солиқлар даражасига боғлиқ.

Аҳоли ихтиёридаги даромад шахсий даромаддан индивидуал (жисмоний шахсларга) солиқларни айириб ташлаганимиздан сўнг қолган даромад бўлади (даромад солиғи, мулк солиғи, меросга солиқ кабилар).

Шахсий даромад (солиқ тўлагунча)	2373 млрд. сўм <sup>1</sup>
Индивидуал солиқлар (жисмоний шахсларга солиқлар)	–355
Шахс ихтиёридаги даромад (солиқ тўлагач, уни аҳоли истеъмол қилади, жамғаради)	2018 млрд. сўм

ЯИМ ва ЯММ ва бошқа кўрсаткичларнинг (пулдаги ифода-си) мамлакатда 1 йил давомидаги ишлаб чиқариш ҳажмини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги. Статистика Давлатдепартаменти. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилда ижтимоий ривожланиши кўрсаткичлари. Тошкент, 2001 й. 10-бет.

ўлчаш, унинг қанча қисми аҳоли кўлига тегишини аниқлаш имкониятини беради. Шу билан бирга у аҳолини реал турмуш даражасини тўлиқ кўрсата олмайди.

Бошқа омилларни ҳам аҳоли турмуш даражасига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий назарияга америкалик иқтисодчилар В. Нордхаус ва Ж. Тобин жамиятнинг “Соф иқтисодий фаровонлик даражаси” деган кўрсаткич тушунчасини кiritишди. Бу кўрсатки куйидагича ҳисобланади.

СИФД (соф иқтисодий фаровонлик даражаси) = ЯММ – турмуш даражасига таъсир кўрсатувчи манфий омиллар + нобозор фаолияти (пул ҳисобида) + бўш вақтнинг пулдаги ифодаси.

Лекин бу кўрсаткични мамлакат миқёсида амалда ҳисоблаш жуда қийин.

Яратилган ЯИМ бир томондан **ялпи талаб**, иккинчи томондан **ялпи таклиф** тарзида намоён бўлади.

ЯИМ, ЯММ ва унинг ҳаракати натижасида ҳосил бўлган, юқорида кўриб ўтилган кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, билиб олиш, бозор иқтисодиёти шароитида яратилган неъматларни тақсимланиши, қайта тақсимланиши, истеъмол қилиниши ва унинг муаммоларини чуқурроқ англашга, давлатнинг молия, социал сиёсатини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

### Асосий таянч тушунчалар

Такрор ишлаб чиқариш	Унумсиз харажатлар
МХТ — миллий ҳисоб тизими	Соф молиявий битимлар
Ялпи миллий маҳсулот	Давлат трансферт тўловлари
Ялпи ички маҳсулот	Пировард маҳсулот
Пировард маҳсулот	Номинал ЯММ
Номинал ЯММ	Реал ЯММ
Реал ЯММ	Номинал ЯИМ
Номинал ЯИМ. Реал ЯИМ	Хусусий трансферт тўловлари
Шахсий истеъмол харажатлари	Жами ижтимоий маҳсулот ЖИМ
Давлат харажатлари	Қўшилган қиймат
Ялпи ички инвестиция харажатлари	Соф миллий маҳсулот
Бизнесга эгри солиқлар	Миллий даромад
Корхоналарнинг тақсимланмаган фойдаси	Шахсий даромад
Соф экспорт	Шахсий ихтиёрдаги даромад
	Соявий, пинҳоний иқтисодиёт

### Такрорлаш учун саволлар

1. Миллий иқтисодиёт деганда қандай иқтисодиётни тушунамиз?
2. Нима сабабдан макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш зарур?
3. Макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқишда сизнингча қайси олимларнинг хизмати катта?



4. Ялпи ички маҳсулот ЯИМ, нима сабабдан пировард маҳсулот асосида ҳисобланади? Жами ижтимоий маҳсулот билан ЯИМ нинг нима фарқи бор?

5. ЯИМ, ЯММ ни ҳисоблашнинг қандай усуллари бор? Уларнинг фарқи нимада?

6. Нима сабабдан ЯИМ ҳажмини ҳисоблаганда унумсиз харажатлар чегириб ташланади? Унумсиз харажатларга қандай харажатлар киради?

7. Миллий даромад нима, у қандай ҳисобланади? Нима сабабдан билвосита (эгри) солиқлар чегириб ташланади?

8. ЯИМ билан ЯММ ни қандай фарқи бор? Ҳисоблашда нималарга эътибор қаратилади?

9. ЯИМ ҳажмини кўпайтиришга қандай омиллар таъсир қилади? Республикамизда ЯИМ, ЯММни кўпайтириш учун сизнингча нималар қилиш керак?

10. Вақтни тежаш қонуни қандай қонун, изоҳланг.

## XIV б о б

### ЯЛПИ ТАЛАБ ВА ЯЛПИ ТАКЛИФ

Талаб ва таклиф ҳақида тўхталганимизда алоҳида товар ва хизматларга бўлган бозор талаби ва таклифи, уларнинг ўзгариши, эластиклиги муаммоларига батафсил тўхтаган, қандай тарзда бозорда мувозанат нархи ва ҳажмининг ўрнатилишини кўрган эдик.

Талаб ва таклифнинг оддий модели асосида, уларни ўзгаришига таъсир этадиган омиллар, ҳамда нима сабабдан бир товарнинг мувозанат нархи юқори, иккинчисиники паст бўлиши сабабини аниқладик.

Индивидуал товар ва хизматларга талаб ва таклифни ўрганиш иқтисодиётда қатор ўзгаришларни, муаммоларни тушинишга ёрдам берсада, қатор муҳим саволларга жавоб топишга кўмаклашмайди. *Масалан*, умуман нима сабабдан нархлар кўтарилади ёки тушади? Нима сабабдан маълум вақт мобойнида нисбатан нархларнинг умумий даражаси деярли ўзгармагани ҳолда айрим товарлар нархи кескин кўтарилиб, бошқалариники тушиб кетади.

Нима сабабдан баъзи пайтларда ЯИМ, ЯММ реал ҳажми камайиб кетади, айрим пайтларда аксинча ўсади? Ички бозорда товарларнинг мувозанати миқдорини, яъни миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини нима белгилайди? Бу саволларга жавоб топиш, умуман олганда мамлакат миқёсида реал иқтисодий ҳолатни тушуниши учун мамлакатдаги минглаб бозорларни ягона бозор тарзида, ундаги минг-минглаб турдаги товар ва хизматларни ягона маҳсулот сифатида яъни ЯИМ ёки ЯММ тарзида таҳлил қилишимизга тўғри келади. Демак турли нархларни ҳам ягона умумий нарх даражасига келиштиришимиз керак бўлади. Ана шу турли нархларни бир нарх тарзида ижтимоий, товар ва хизматларни ЯИМ тарзида ифодалашга агрегатлаш (қўшиш, йириклаштириш, умумий кўрсаткичга келтириш) дейилади.

Ана шу агрегатлашган кўрсаткичлар: турли-туман товар ва хизматларни жам қилувчи миллий ишлаб чиқаришни реал ҳажми, яъни реал ЯИМ, нархлар (хилма хил товар ва хизматларнинг агрегат нархлари) даражасини координаталар ўқиға жойлаштирсак ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг динамикасини график орқали тасвирлаш мумкин.

ЯИМ нинг ўзи жамият томонидан яратилган турли туман неъматлар бўлиб, у **жамиятнинг таклифи** — яъни, **ялпи таклиф** сифатида намоён бўлади. Иккинчи томондан эса жамият эришган даромадларидан иборат бўлиб, **жамиятнинг талаби** — яъни, **ялпи талаб** сифатида юзага чиқади.

Мазкур бобда биз мувозанатлашган ЯИМ, нархлар даражаси ва хусусиятининг макроиқтисодий сиёсати ҳақидаги билимларимизни чуқурлаштиришга, юқоридаги қўйилган саволларига жавоб топишга, макроиқтисодий мувозанатга эришиш йўллари ҳақидаги иқтисодий назарияларни ўрганамиз.

Бунинг учун янги иқтисодий тушунчалар — **ялпи талаб** ва **ялпи таклиф** тушунчаларидан фойдаланамиз.

## 1-§. ЯЛПИ ТАЛАБ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

**Ялпи талаб** (*aggregate demand*) бу миллий хўжалик миқёсида маълум нархлар даражасида истеъмолчилар сотиб олишга тайёр товар ва хизматлар ҳажмидир.

Ялпи талаб  $AD$  миқдорини ўлчашда икки хил ёндошув мавжуд.


1. Ялпи талабни жамият миқёсидаги барча харажатлар суммаси сифатида қараш.

Ялпи талаб иқтисодиётдаги тўрт сектор: уй хўжалигининг истеъмол товарлар, хизматларга талаби ( $C$ ), корхона, фирмаларнинг инвестицион товарларга талаби ( $I$ ), давлатнинг ( $G$ ) ҳамда чет мамлакатларнинг ( $X_n$ ) талаби тарзида намоён бўлади.  $AD=C+J+G+X_n$  ёки маълум нархлар даражаси ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмига тенг, яъни  $AD = C+J+G+X_n = PY$

2. Ялпи талаб муомаладаги пул миқдори билан ўлчанади. Бу миқдор  $MV$  га, яъни пул миқдори ва унинг айланиши тезлигига  $AD = MV$  тенг. Кўриниб турибдики, ҳар икки ёндошув ҳам бир хил маънога эга бўлиб, уни қуйидагича ифодалаш  $MV=PY$  мумкин.

Ялпи талаб ва унинг ҳажмини ўзгаришига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Бошқа омиллар ўзгармагани ҳолда, нархлар индекси даражаси қанча паст бўлса, ялпи талаб шунга кўра кўп бўлади. Товар ва хизматларга фақат ички бозорда эмас, хориждан ҳам харидорлар кўпаяди. Нархнинг ўсиши талабни камайишига олиб келади. Нарх даражаси билан миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми тарзида ифодаланган талаб ўртасида боғланиш тескари пропорционал боғланиш бўлади.

Ялпи талаб эгри чизиги алоҳида товарга бўлган талаб чизигига ўхшаб кетади. Лекин фарқи бор. Бунда абсцисса ўқида ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми (реал ЯИМ) бўлса, ордината ўқида нархларнинг абсолют миқдори (масалан 50 сўм) эмас балки нархлар даражаси ёки дефлятор (нарх индекси) кўрсатилади.



Реал ЯИМни формуласини билган ҳолда ялпи талабнинг ҳар қандай нуқтасида номинал ялпи миллий маҳсулотни аниқлаш мумкин.

Ялпи талаб эгри чизиғи ҳам худди талаб эгри чизиғига ўхшаш, яъни пастга (абсцисса ўқиға) ҳамда ўнға қайрилган, манфий йўналишга эға. Нима сабабдан? Маълумки талаб эгри чизиғини бундай шаклда бўлишиға даромад ва ўрин босиш эффекти сабаб бўлади. Нарх тушса кўпроқ товарлар сотиб олинади ҳамда қиммат товарлар ўрниға улар ўрнини босиши мумкин бўлган арзонроқ товарлар кўпроқ сотиб олинади.

Ялпи талаб эгри чизиғини эса даромад ва ўрин босиш эффекти билан тушунтириб бўлмайди.

Графикдан кўриш мумкин-ки, ялпи талабнинг ўсиши, умумий нарх даражасининг пасайишини кўрсатапти. Уни ўрин босиши эффекти билан асослай олмаймиз. Иккинчидан, индивидуал талабда даромад ўзгармайди. Чунки миллий иқтисодиёт миқёсида товар ва хизматларнинг нархи ортса даромаднинг доиравий айланишиға кўра тушум ортади. Тушумнинг ортиши эса ресурс эгаларининг даромади — иш ҳақи, проценти, фойда, рентанинг ортишиға олиб келади. Шунинг учун нархларнинг ўсиши албатта мамлакатда умумий номинал даромаднинг камайишини кўрсатмайди.

У ҳолда бунинг сабабини қандай тушунтириш мумкин? Иқтисодчилар уни қуйидаги уч омил таъсири билан изоҳлашади.

**1. Бойлик эффекти.** Ялпи талаб миқдорига бойлик эффекти ёки реал нақд маблағлар эффекти таъсир қилади. Уй хўжалигида оилалар бойлигининг анчагина қисмини молиявий активлар: облигация, акция, маълум муддатга қўйилган ҳисоб рақамидаги пуллар ташкил қилади. Нархнинг ўсиши уларни қадрини туширади. Нарх икки марта ўсса икки, уч марта ўсса уч мартағача ана шу активларға тўғри келадиган реал бойлик миқдори камаяди. Айтайлик оила 190 минг сўмға уй жиҳозлари (мебель) олмоқчи бўлиб пул йиққан эди. Улар-

нинг нархи 250 мингга кўтарилди. Энди оила яна шунча пул йиғилгунча мебель олишини орқага суриши мумкин. Аҳоли кўлидаги активларнинг харид қувватининг пасайиши аҳолини нисбатан камбағаллаштиради натижада улар харажатларни иқтисод қилишга тушади. Аксинча нархларнинг пасайиши ана шу активларнинг харид қувватини оширади, аҳоли илгарига нисбатан бойийди ва ўз навбатида харажатларини кўпайтиради.

**2. Процент (фоиз) ставкаси эффекти.** Агарда мамлакатда нарх кўп кўтарилса, пул массаси ўзгармаса процент ставкаси кўтарилади. Процент ставкаси қанча юқори бўлса инвестицияга талаб шунча паст бўлади. Чунки товар ишлаб чиқарувчилар 14% фойда олишни мўлжалласалар, кредитни 10% ставка билан олишлари мумкин. Агарда процент ставкаси 14% ва ундан ошиб кетадиган бўлса, ҳеч қандай фойда олиб бўлмайди. Процент ставкаси истеъмол талабига ҳам таъсир қилади, Одатда жуда кўп узоқ муддатга фойдаланиладиган товарлар телевизор, музлатгич ва ҳоказолар ҳам кредитга олинади. Кредитнинг қимматлашуви истеъмол харажатларини ҳам қисқаришига олиб келади. У ўз навбатида ишлаб чиқаришни ҳам қисқаришига олиб келади. Шундай қилиб юқори даражадаги нархларга нисбатан кам миқдорда ялпи талаб, мувофиқ равишда реал ишлаб чиқариш ҳажми тўғри келади. Юқори даражадаги нархлар пулга талабни кўтаради ва процент ставкасини орттиришга олиб келиб, миллий маҳсулотнинг реал ҳажмига талабни қисқаришига олиб келади.

**3. Импорт эффекти.** ЯИМ ҳажмини ҳисоблаганда кўрдик, товар ва хизматлар экспорти билан импорти ялпи харажатларда муҳим ўрин тутар экан. Импорт ва экспорт ҳажми эса энг аввало ана шу товарларга мамлакат ичида ва четдаги нарх даражаси ва уларнинг нисбатига боғлиқ. Четдан келадиган товарларнинг нархи ўзимизда ишлаб чиқарилган шундай товарларнинг нархидан паст бўлса, чет эл товарларини кўплаб сотиб олинади. Бу аҳолини ўзимизда ишлаб чиқарилган товарларга ялпи талабини қисқаришига, у ўз навбатида ишлаб чиқаришининг реал ҳажмини қисқаришига олиб келади. Ялпи талаб миқдорида импорт ҳажмининг ортиши туфайли соф экспорт ҳажми камаяди. Аксинча бўлганда эса соф экспортнинг ялпи талаб ҳажмидаги миқдори ортади.


Ҳар учала омил ҳам миллий маҳсулотга талаб миқдорини ўзгаришига таъсир қилади. Агарда, айтишлик ялпи талаб дастлаб  $A$  нуктада, бўлса унга мувофиқ равишда нарх даражаси  $P_0$ , ишлаб чиқариш ҳажми  $Y_0$  миқдорида бўлсин. Нарх даражасининг  $P_1$  га кўтарилиши ишлаб чиқаришнинг  $Y_1$  гача қисқаришига олиб келади, нархнинг  $P_2$  тушиши эса ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини  $Y_2$  гача ўсишига олиб келади.

**Ялпи талаб  
детерминантлари**

Нархларнинг ўзгариши мамлакатдаги истеъмолчилар: аҳоли, фирма, ҳукуматнинг, шу билан бирга хориж истеъмолчиларининг ҳам харажатларига таъ-

сир қилади ва реал ЯИМни қандай ўзгаришини тахмин қилиш имконини беради.

Истеъмолчилар нарх даражасидан қатъи назар қилган харидлари орқали ялпи талаб характерини ўзгартиришлари мумкин. Агарда хариддорлар нарх даражаси ўзгармагани ҳолда камроқ ёки кўпроқ харид қилсалар ялпи талаб эгри чизиги чапга ёки ўнгга силжийди. Бунда нархга боғлиқ бўлмаган бир ёки бир



неча омил таъсир қилиши мумкин. Ана шу омиллар ялпи талаб детерминантлари деб аталади. Улар қуйидагилардан иборат. Ялпи талаб эгри чизигининг силжишига олиб келувчи омиллар:

1. Истеъмол харажатларининг ўзгариши;

а) солиқлар;

б) истеъмолчиларнинг фаровонлиги даражаси;

в) истеъмолчиларнинг келажакдаги бўладиган ўзгаришларни кутиши;

г) истеъмолчиларнинг қарзи бор йўқлиги.

2. Инвестицион харажатларининг ўзгариши:

а) процент ставкаси;

б) инвестициядан кутилган фойда;

в) бизнесга солиқлар яъни фирма, корхоналар тўлайдиган солиқлар;

г) янги технология;

д) корхонада ортиқча қувват мавжудлиги (яъни тўла қувват билан ишламаслиги).

3. Давлат харажатларидаги ўзгаришлар;

а) қурилишга давлат харажатларининг қисқариши (кўпайиши);

б) бюджетдан қилинадиган иш ҳақининг ўсиши (қисқариши);

в) атроф муҳитни муҳофаза қилиш харажатларининг ўсиши (қисқариши);

4. Соф экспорт харажатларининг ўзгариши:

а) чет мамлакатларининг миллий даромади;

б) валюта курси;

Ана шу омиллардан баъзи бирларини изоҳлашимиз мумкин.

*Масалан*, агар кишилар келажакда реал даромадлари ўсишига ишонсалар, жорий яъни ҳозирги кунда харажатларни кўпайтиради, жамғариш камаяди. Ялпи талаб эгри чизиги ўнгга  $AD_2$  га силжийди. Даромад солиқлари камайтирилса, ялпи талаб кўпаяди. Ялпи талаб эгри чизиги ўнга силжийди ёки айтайлик инвестицион харажатлар камайдди. У ҳолда ялпи талаб камаяди. Ялпи талаб эгри чизиги чапга  $AD_1$  га силжийди. Истеъмолчининг кредитга олган товарлари кўп. Қарзни узиш учун харажатларни камайтиради. Ялпи талаб камаяди. Эгри чизик чапга силжийди.

Шундай қилиб санаб ўтилган омиллар талабга ижобий таъсир қилиб, уни кўпайишига олиб келса, ялпи талаб эгри чизиги ўнгга, аксинча бўлса чапга силжийди.

## 2-§. ЯЛПИ ТАКЛИФ ВА УНИНГ ҲАЖМИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

**Ялпи таклиф (*aggrtgate supply*) бу мамлакатда нархларнинг турли даражасидаги ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмидир.** Ялпи таклиф эгри чизиги —  $AS$  иқтисодиётда нархнинг турли даражасида ишлаб чиқарувчилар томонидан қай ҳажмда маҳсулот таклиф этилиши мумкинлигини кўрсатади.

Нисбатан юқори нарх маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиради, аксинча нисбатан паст баҳолар ишлаб чиқаришни қисқаришга олиб келади, яъни нархлар даражаси билан миллий ишлаб чиқариш ўртасида тўғри боғланиш мавжуд. Шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан ишсизлик қисқаради, ишлаб чиқариш тушкунлиги даврида ишсизлик ўсади.

Ишлаб чиқарувчилар сотмоқчи бўлган маълум миқдордаги маҳсулот нархи харажатларга боғлиқ. Шунинг учун ялпи таклиф  $AS$  маҳсулот бирлигига сарфланган харажатларга ҳамда баҳоларга боғлиқ. Чунки баҳолар харажатларни қоплаш ва фойда олиш имконини бериши керак.


Ялпи таклиф эгри чизиги энг аввало иқтисодчилар томонидан узоқ муддатли ва қисқа муддатли давр учун алоҳида ўрганилади.

Ялпи таклиф эгри чизиги узоқ муддатли даврда вертикал чизик тарзида гавдаланади. Бу чизик мамлакат томонидан шу муддатда мавжуд ишлаб чиқариш технологиясидан фойдаланган ҳолда барча ишлаб чиқариш ресурсларини иложи борица сама-

рали ишлатган ишлаб чиқариш ҳажмини кўрсатади. Янги ишлаб чиқариш ресурсларини жалб қилиш орқали ялпи таклиф чизигини ўннга силжишига олиб келади. Лекин чизиқ вертикалликча қолади. Сабаби, узоқ муддатли даврда омиллар бозорига тушадиган барча ресурслар ишга солинади. Чунки фундаментал иқтисодий муаммо ресурсларнинг чекланганлиги, кишиларни иқтисодиётда ишлаб чиқариш мумкин бўлганидан кўра кўпроқ товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга интилишини ифодалайди. Қисқа муддатли даврда баъзи ресурслар нархи улардан тўла фойдаланишга йўл бермайди ёки умуман фойдаланилмайди.

Узоқ муддатли даврда эса бу ресурсларнинг эгалари уларни реал мувозанат нархини аниқлашлари ва уларни ишга солишда шу нархларга кўникишлари учун вақт етарли бўлади.

LRAS — узоқ муддатли даврда ялпи таклиф;



SRAS — қисқа муддатли даврда ялпи таклиф;

Узоқ муддатли даврдаги ялпи таклиф эгри чизиги ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигига ўхшаб кетади. Маълумки, ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги мавжуд (чекланган) ресурслар шароитида маълум турдаги товарни максимал ҳажмини кўрсатарди. Агарда ишлаб чиқариш имконияти

кенгайса, яъни эгри чизиқ ўннга силжиса иқтисодий ўсиш рўй беради.

LRAS — узоқ муддатли даврда ялпи таклиф ҳам янги ресурслар, технология ишлаб чиқариш жалб этилса ўннга силжийди.

Реал ҳаётда SRAS — қисқа муддатли даврда ялпи таклиф, LRAS — узоқ муддатли даврда ялпи таклифга қараганда муҳимроқ, чунки қисқа муддатда ресурсларни нисбатан интенсивроқ ишлатилади. Масалан ишчилар нисбатан кўпроқ вақт ишлаши, айтилик суткада 15 соат ёки ускуналарни кўпроқ масалан 3 сменада эксплуатация қилиши мумкин. Лекин бундай тарзда узоқ ишлаб бўлмайди. Охир оқибат ишлаб чиқаришнинг мувозанат даражаси бузилади.

Қисқа муддатли давр учун ялпи таклиф эгри чизиги иқтисодчилар томонидан уч бўлакка бўлинади: горизонтал, оралик ҳамда вертикал.

1. Ялпи таклиф эгри чизигининг горизонтал бўлаги ёки Кейнс бўлаги. Унда иқтисодиёт турғунлик фазосида бўлиб, ишсизлик мавжуд. Шунингдек бошқа ресурслар ҳам тўла ишлатилмайди. Бундай шароитда маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатлар



ва нархлар ўзгармагани ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш мумкин. Сабаби ишлатилмаётган ускуна ва ишсиз иш кучи жалб этилади. Шунинг учун Кейнс мактаби фикрига кўра эгри чизик горизонтал тарзда бўлади. Бу даврда нарх ўзгармагани ҳолда миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини кўпайтириш мумкин.

2. Оралиқ бўлак, ялпи таклиф эгри чизигининг юқорига йўналган кўтарилиб бораётган бўлаги. Қисқа муддатли даврда ялпи таклиф эгри чизигининг оралиқ бўлагиди баъзи бир асосий ресурслар тўла фойдаланиши амалга оша бошлайди. Иқтисодиёт ўзининг тўла имконият даражасига яқинлашиб боради. Аммо иш билан бандлик барча тармоқларда бир вақтда содир бўлмайди. Бир тармоқда тез, иккинчи тармоқда секин-роқ юз бериш мумкин. *Масалан, Масалан,* компютер саноатида ихтисослашган кадрлар етишмаслиги кузатилади. Машинасозликда эса унча кўп бўлмаган ишсизлик ишлаб чиқариш қувватини бир қисмини ишлатилмаслигига олиб келади. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун самараси паст ускуна ва малакаси паст ишчилар ҳам ишлаб чиқаришга жалб этила бошлайди. Ресурсларнинг тўла бандлигига яқинлиги иш ҳақи ва нархларга босим кўрсата бошлайди. Натижада бу бўлақда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, нархлар ўсиши билан биргаликда юз беради. Бу бўлак ҳақида ягона қараш йўқ. Ҳар бир мактаб ўзича таҳлил қилади.

3. Вертикал бўлак, ялпи таклиф эгри чизигининг классик бўлаги. Бунда иқтисодиёт мавжуд ресурсларнинг тўла бандлиги билан характерланади. Талаб ва нархларнинг ўсишидан қатъий назар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб бўлмайди, сабаби бўш ресурслар йўқ. Айрим фирмалар маҳсулот ишлаб чиқаришни бошқа фирмаларга қараганда шу ресурсларни қимматроққа сотиб олиш эвазига кўпайтиришлари мумкин. Бу фақат мавжуд ресурсларни нархларнинг ортиши ҳисобига қайта тақсимлашга олиб келади. Реал ишлаб чиқаришнинг ҳажми ўзгармайди.


Вертикал бўлакни классик бўлак дейилишига сабаб, классик мактаб вакиллари фикрига кўра иш ҳақи ва нархларнинг мослашувчанлиги натижасида тўла бандлик таъминланади. Ишлаш-ни хоҳлаган албатта иш топади.

Шундай қилиб AS ялпи таклиф эгри чизигини иқтисодиётда мумкин бўлган уч хил вазиятда бошқа омиллар ўзгармаганда нарх даражаси билан миллий ишлаб чиқариш реал ҳажми ўртасида боғланиши қандай намоён бўлишини кўрсатади. AS эгри чизигининг ҳар бир нуқтаси ялпи таклиф ҳажмининг ўзгаришини ифодалайди.

### **Ялпи таклиф детерминантлари**

Ялпи таклифга ҳам ялпи талабга ўхшаб, таъсир қилиб **таклиф** эгри чизигини силжишига олиб келувчи омиллар — детерминантлар мавжуд. Бу детерминантлар умумий бир хусусиятга эга: **улар ўзгарганда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ишлаб**

**чиқариш харажатлари ўзгаради.** Агарда таклиф эгри чизиғи ўннга  $AS_1$  силжиса ялпи таклифни кўпайганини, ҳар қандай нарх даражасида ишлаб чиқариш ўсганини кўрсатади. Чапга  $AS_2$  силжиса ялпи таклиф қисқарганини, илгарига нисбатан нархлар юқори, ишлаб чиқариш ҳажми кам бўлганини кўрсатади.



Ялпи таклиф детерминантлари қуйидагилардан иборат:

1. Ресурслар нархининг ўзгариши;
  - а) ички ресурсларнинг мавжудлиги: ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобилияти;
  - б) импорт қилинадиган ресурслар нархи;
  - в) бозорда ҳукмронлик қилиш (монополиялар мавжудлиги ёки йўқлиги).
1. Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши.
2. Ҳуқуқий нормаларнинг ўзгариши.
  - а) корхона, фирмаларга солиқ ва субсидиялар ажратиш;
  - б) давлатнинг тартибга солиши даражаси.

Агар мамлакатда ички ресурслар кўп меҳнат унумдорлиги юқори, нисбатан солиқлар паст бўлса, буларнинг ҳаммаси маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатларнинг пасайишига ва таклиф эгри чизиғининг ўннга силжишига, аксинча бўлса чапга силжишига олиб келади. Масалан, ресурслар нархи кўтарилди, у ҳолда ишлаб чиқариш харажатлари кўпаяди, ялпи таклифнинг камайишига олиб келади. Ялпи таклиф эгри чизиғи чапга силжийди ёки корхона, фирмалар тўлайдиган солиқлар кўпайтирилса, у ҳам харажатларнинг ортишига олиб келади. Ялпи таклиф чизиғи чапга силжийди. Ишлаб чиқаришда янги техника ишга туширилди. Меҳнат унумдорлиги ортади. Таклиф кўпаяди. Таклиф эгри чизиғи ўннга силжийди.



### 3-§. ЯЛПИ ТАЛАБ ВА ЯЛПИ ТАКЛИФ МУВОЗАНАТИ, AD —AS МОДЕЛИ

Ялпи талаб билан ялпи таклиф эгри чизиқлари кесишган нуқта умуқиқтисодий мувозанатни ифодалайди.

Макроқиқтисодий мувозанатга эришиш ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг марказий муаммосидир. Жамият яшар экан албатта ялпи талаб ҳамда ялпи таклиф ўзгариб туради. Омилларнинг (нардан ташқари) ўзгариши натижасида ялпи талаб ва ялпи таклиф эгри чизиги силжийди, натижада янги мувозанат ўрнатилади.


Ялпи талаб (AD) билан ялпи таклиф (AS) модели шуни кўрсатадики, ялпи талабнинг ўсиши миллий иқтисодиётда ялпи таклиф эгри чизигининг қайси қисмида юз бериши билан боғлиқ.

1. Ялпи талабнинг горизонтал бўлақда ўсиши миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини ўсишига олиб келади. Баҳо-лар ўзгармайди.



Айтайлик, истеъмолчилар иқтисодий вазиятни оптимистик кайфиятда баҳолашди, чунки мамлакатда янги технологик ютуқларга эришилгани эълон қилинди. У ишлаб чиқарилаётган товарларни ички ҳамда ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширади. Бу ўз навбатида аҳолини келажакда реал даромадларини ортишига олиб келади. Шунинг учун улар кўпроқ харид қилишади. Фирмалар ишлаб чиқаришни кенгайтириб, келажакда кўпроқ фойда олишни кўзлаб асбоб-ускуналар сотиб олиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун инвестицион харажатларини оширадилар. Миллий иқтисодиёт ҳолати горизонтал бўлақда экан, у ҳолда ресурслар тўла банд эмас. Бунда ялпи талабнинг ўсиши, ялпи та-

лаб эгри чизигини  $AD_1$  дан  $AD_2$  га кўчишига, ишлаб чиқариш ҳажми  $AS$  ни ( $Q_1$  дан  $Q_2$  га) ва бандликни баҳолар ўзгармаган ҳолда ўсишига олиб келади. Одатда бунда иқтисодий турғунлик ҳолатида бўлади. Ана шу ҳолатдан чиқиш учун ишлатилмаётган ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш, нархлар ўсмагани ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга олиб келади (а расм).



в) расм.


2. Агар мамлакат иқтисодиёти вертикал бўлак даражасида бўлса, **нархнинг ўсишига** олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми эришилган потенциал даражадан ўтолмайди. Чунки иқтисодиёт барча ресурсларни тўла ишлатилишига эришган. Бунда ялпи талабнинг ўсиши ( $AD_1$ дан  $AD_2$ га) нархни  $P_1$  дан  $P_2$  кўтарилишига олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳажми эса  $Q_s$  даражасида қолади.

3. Агарда мамлакат иқтисодиёти **оралиқ бўлакда** бўлса, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан бирга **нархлар ҳам ўсади**.

Ялпи талаб  $AD_1$  дан  $AD_2$  га силжийди. Ишлаб чиқариш  $Q_1$  дан  $Q_2$  га, нарх  $P_1$  дан  $P_2$  га ўзгаради. Бунда ишлаб чиқариш учун кўшимча ресурслар жалб этилади, лекин уларнинг нархи аввалгисига қараганда юқори бўлади.

Горизонтал бўлакда ишлаб чиқаришда мультипликатор тўла қувват билан ишлайди. Оралиқ ва вертикал бўлакда қисман ёки тўла инфляция туфайли (ютилади) йўққа чиқади. Буни чизмадан (*г расм*) ҳам кўриш мумкин. Агар иқтисодиёт горизонтал бўлакда бўлса ишлаб чиқариш ҳажми  $YIM_1$ дан  $YIM_2$  га ча ўсади.

Агар иқтисодиётдаги вазият оралиқ ёки вертикал бўлак даражасига тўғри келса, ялпи талабнинг ҳар қандай ўзгириши ижтимоий ишлаб чиқариш реал ҳажмини горизонтал бўлак даражасидагига ўхшаб кўпайтириш имконини бермайди. Уни




чизмадан ҳам кўриш мумкин. Сабаби инфляция эришилган натижани қисман ёки тамомила йўққа чиқаради. ЯИМ аввалигича ўсганда ЯИМ<sub>3</sub> гача бориши керак эди, лекин у ЯИМ гача ўсади. Бундан шундай хулосага келиш мумкин. Ялпи талабнинг ўсиши тўфайли нархлар қанча юқори бўлса реал ЯИМ шунча кам ўсади.

ди. Ялпи талабнинг ўсиши қандай натижага олиб келишини кўрдик. Бордию ялпи талаб камайса нима бўлади?

**Инерцион эффект (ratchet effect – “храповик”<sup>1</sup> эффекти)**

Моделимиз бўйича қарайдиган бўлсак, горизонтал бўлакда реал ЯИМ ҳажми камайди, баҳо ўзгармай қолади. Вертикал бўлакда нарх тушади, реал ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми тўла бандлик даражасида қолади. Оралиқ бўлакда ЯИМнинг реал ҳажми ва нарх камайди. Лекин реал ҳаётда ялпи талабнинг камайиши олдинги мувозанатни тиклаши жуда қийин. Олдинги мувозанатни тиклашга тўсқинлик қиладиган бош сабаб, нарх кўтарилгандан сўнг, уни тушиши қийинлигидир.



Агар талаб  $AD_1$  дан  $AD_2$  га қисқарса, аввалги мувозанатга ҳеч бўлмаганда, маълум бир муддатгача келмайди. Сабаби нархлар тушишига келганда мослашувчанликни йўқотади. Иқтисодчилар бу ҳодисани **инерцион эффект** (“храповик” эффекти) деб юритишади. Моделимиз бўйича ялпи талабни  $AD_1$  дан  $AD_2$  га қисқариши реал ЯИМ ҳажмини  $Q_1$  дан  $Q_2$  га қисқаришига, нархларни  $P_1$  дан  $P_2$  га тушишига олиб келиши керак эди, аввалги мувозанат тикланганда, яъни мувозанат нуқтаси  $b$  дан  $a$  га кўчиши керак эди. Лекин нарх **аввалги даража  $P_1$**  да қолади. Шу

аввалги мувозанат тикланганда, яъни мувозанат нуқтаси  $b$  дан  $a$  га кўчиши керак эди. Лекин нарх **аввалги даража  $P_1$**  да қолади. Шу

<sup>1</sup> Храповик — гилдиракни фақат олдинга айлантурувчи механизм.

даражадаги нархга ЯИМ нинг реал ҳажми  $Q_3$  га тўғри келади. Мувофиқ равишда мувозанат нуқтаси  $c$  га кўчади, яъни реал ЯИМ ҳажми  $Q_2$  гача эмас, балки кўпроқ  $Q_3$  гача қисқаради.

Бунга қатор сабаблар бор:

1. Иш ҳақи бўйича тузилган шартномалар.
2. Инвестиция ва кадрлар тайёрлаш.
3. Минимал иш ҳақи.
4. Монополиялар ҳукмронлиги ва ҳоказолар.

Бу фикрга қарши, яъни инерцион эффектнинг амал қилишини тан олмайдиган иқтисодчилар фикрига кўра, ялпи талабнинг камайиши ўз навбатида нархнинг ҳам тушишига олиб келади. Нарх маълум қисқа муддатда тушмаслиги мумкин. Лекин барибир талаб қисқаргач, охир-оқибат нарх ҳам тушади дейишади.

Товар бозорида мувозанат ялпи талаб билан ялпи таклиф мос келганда юз беради. Лекин реал ҳаётда у доимо бузилиб туради.

**Биринчи ҳолат.** Ялпи талаб ялпи таклифга нисбатан кўп бўлиши мумкин.  $AD > AS$ .

Уларни мувозанатга келтиришнинг икки варианты мавжуд:

- ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартирмай нархни кўтариш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

Агарда фирмалар иккинчи вариантни танласа, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди. Ялпи ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ўсади. Мувозанат ишлаб чиқариш ҳажмини илгарига қараганда ортган нуқтасига кўчади. Ялпи миллий даромад ўсади.

**Иккинчи ҳолат.** Ялпи талаб ялпи таклифдан кам  $AD < AS$ .

Бу ерда ҳам икки вариант мавжуд:

- ишлаб чиқаришни қисқартириш;
- ишлаб чиқаришни ўзгартирмай нархни тушириш.

Тадбиркорлар дастлаб ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириб, аввалги нархда товарларни сотишга ҳаракат қилишади. Агар бундай чора билан муродга етилмаса унда нарх тушади. Бу ишчиларни ишдан бўшатилишига олиб келади. Ялпи миллий даромад пасаяди.


Ялпи талаб билан ялпи таклиф мувозанати иқтисодий ўсиш туфайли ялпи таклиф  $AS$  нинг кўпайиши ёки ялпи талаб  $AD$ нинг қисқариши туфайли юз берар экан уларни мувозанатга келтириш мамлакат учун бош вазифага айланади.

Ялпи талаб билан ялпи таклифни мувозанатга келтиришга икки нуқтаи назардан ёндашув мавжуд: классик (неоклассик) ва кейнсчилик.

Классик назария қуйидагилардан келиб чиқади.

1. Иқтисодиёт ишлаб чиқариш омилларини тўла бандлиги шароитида амал қилади. Демак, ишлаб чиқариш ҳажми потенциал ҳажмга тенг.

2. Баҳо, процент ставкаси ва номинал иш ҳақи мослашувчан. Уларнинг ўзгариши бозорда мувозанатни сақлаб туради.




Тўла бандлик  $C$  нуқтада таъминланади. Бу нуқтаи назарга кўра иқтисодиётга давлат аралашуви минимал бўлиши керак. Иқтисодиёт ўзини ўзи тартибга солади.

**Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг кейнсча модели**

Кейнсчилик назарияси куйидагилардан келиб чиқади:

1. Баҳо, номинал иш ҳақи ва бошқа номинал миқдорлар нисбатан ўзгармас, бозор тебранишларига жуда секинлик билан мослашади.
2. Реал миқдорлар (ишлаб чиқариш ҳажми, бандлик, реал иш ҳақи каби) аксинча тез мослашувчан, бозор тебранишларига нисбатан тез жавоб беради,  $AS$  горизонтал. Номинал кўрсаткичларнинг нисбатан ўзгаришининг қийматига қисқа ва ўрта муддатли даврда меҳнат шартномалари, давлат томонидан белгиланган минимал иш ҳақи, давлат томонидан айрим баҳоларни тартибга солиниши, касба уюшмаларининг фаолияти ва ҳоказолар таъсир кўрсатади.



Моделимиз бўйича макроиқтисодий мувозанат  $E$  нуқтасида. Унга  $P$  баҳо,  $A$  миқдоридagi миллий ишлаб чиқариш ҳажми тўғри келади. Потенциал даражага эришиш учун давлат ёрдамида ялпи талабни кўпайтириш керак. Ялпи талабни кўпайтириш учун давлат субсидия, дотацияларни кўпайтириши керак. Процент ставкасини тушириш, пул таклифини ва айланишини кўпайтириш, солиқларни камайтириши керак. Ялпи талабни  $AD_2$  миқдоригача ошириш ўша даражадаги нарх бўйича миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига олиб келади.

3. Ишлаб чиқариш омиллари секин ўзгаради. Шунинг учун  $AS$  вертикал. Ялпи таклиф тўла бандлик шароитида реал ишлаб чиқариш ҳажмини белгилайди. Ялпи талаб эса нарх даражасини. Ялпи талаб одатда барқарор, агарда у тушса нарх ҳам тушади, натижада вақтинчалик ялпи талабни ялпи таклифдан ортиқчалиги  $AD > AS$  бартараф қилинади.

Иш билан бандлик потенциал даражасига етгач ялпи таклиф эгри чизиғи вертикал чизиққа (расмда штрих чизиқ) айланади.

Кейнс ва унинг тарафдорлари фикрича давлат миллий ишлаб чиқариш ҳажмини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди.

**Макроиқтисодий мувозанатнинг Вальрас модели**

Макроиқтисодий мувозанатга эришиш муаммоси иқтисодчиларни уни математик жиҳатдан асослашга ҳам ундаган. Чунки реал ҳаётда кишилар иқтисодий фаолиятларини иқтисодий

кўрсаткичлар, миқдорлар орқали ифодалар, ҳисоб-китоб қилар эканлар, демак мувозанатга эришишни ҳам ана шу реал кўрсаткичлар, миқдорлар орқали ифодалаш муҳим аҳамиятга эга. Энг аввало ҳар биримиз мувозанат деганда маълум бир миқдорлар тенглигини тушунамиз.

Дастлабки фундаментал макроиқтисодий мувозанатнинг иқтисодий-математик моделлари XIX асрнинг охирига келиб яратилди.

Мувозанатга эришишнинг йўлларини кўрсатиш ва уни иқтисодий-математик моделларини яратишда швейцариялик иқтисодчи Леон Вальраснинг (1834—1910 й.й) хизмати катта. У Маркснинг ижтимоий капитални такрор ишлаб чиқариш схемасини танқид қилиб, турли-туман омилларни бир омил капитал ёки буюмлашган меҳнат тарзида ифодалаш тўғри эмас. Чунки ҳар бир омил ўз қадрига эга. Унинг қадри эса нафлилиги ва камёблиги билан ўлчанади деб кўрсатади.

Вальрас фикрича меъёрий нафлилик (фойдалилик) тўланаётган нархга тўғри пропорционал. Ҳар бир товар бўйича мувозанат нархи унинг максимал нафлилигига тўғри келади.

Уларни математик тенгламалар орқали ифодалаш, пировард истеъмолга кўра даромадларни қандай сарфлаш, нималарни таклиф қилиш мумкинлигини математик нуқтаи назардан ифодалаш мумкин.

Вальрас иқтисодиётда алоҳида бозорларни ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи тенгламалар системасини ишлаб чиқди.

XX асрнинг 50—60-йилларида Вальрас модели чизиқли программалаштириш (дастурлаш) ёрдамида бир мунча ўзгартирилиб қуйидаги кўринишга эга бўлди.

$$\sum_i P_i \cdot X_i = \sum_j V_j \cdot Y_j$$

Бунда:

$P_i$  — ишлаб чиқарилган неъматларнинг баҳоси

$X_i$  — ишлаб чиқарилган неъматлар миқдори

$V_j$  — сотилган неъматлар баҳоси

$Y_j$  — берилган ва сотилган неъматлар миқдори



Кўриниб турибдики, тенгламанинг чап томонидан ялпи таклиф ҳажми, ўнг томонида эса ялпи талаб ифодаланган. Ялпи талабнинг манбаи ишлаб чиқариш омиллари ва хизматларини сотишдан олинган даромад бўлади.

Вальрас моделининг марказида товар бозоридаги ва ишлаб чиқариш омиллари бозоридаги мувозанат нархлари туради.

Формуляни қуйидагича ўқиш мумкин:

Пулда ифодаланган пировард маҳсулотларнинг умумий таклифи уларга бўлган талабни барча ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромадлари суммасида ифодаланган қийматига тенг.

Ҳозирги замон умумий мувозанат моделлари ичида иқтисодчилар томонидан тармоқлараро баланс модели алоҳида ажратилиб кўрсатилади. Фарбада уни «харажатлар — маҳсулот»нинг шахмат жадвали деб аталади.

Унинг асосчиларидан В. Леонтьев тармоқлараро баланс иқтисодий жараёнларни илмий тахмин қилиш (прогнозлаш)да катта имкониятларга эга деб кўрсатади (XVI боб, 4–8 га қаранг).

Шундай қилиб, жамият томонидан яратилган ЯИМ бир томондан ялпи таклиф, иккинчи томондан, жамият аъзолари даромадларидан иборат ялпи талаб сифатида юзага чиқади. Улар қатор омиллар таъсирида шаклланади ва мувозанатга келади.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Талаб эгри чизигининг юқоридан пастга қараб йўналишига даромад ва ўрин боши проекти сабаб деб кўрсатган эдик, ялпи талаб эгри чизигининг шундай шаклда бўлишигачи? Нима сабаб?
2. Ялпи таклиф эгри чизигининг уч бўлакдан иборат ғалати кўринишга эга бўлишига сабаб нима?
3. Храповик эффектининг маъносини изоҳланг.
4. Ялпи талаб ва ялпи таклиф эгри чизиги графигидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва баҳо даражаси мувозанати қандай ўзгаради?
  - а) иқтисодиётда пул таклифи кўпайса;
  - б) янги технология яратилди;
  - в) қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги синиш;
  - г) миллиардлаб долларини йўқолишига олиб келади;
  - д) давлат харажатлари солиқлар ўзгармагани ҳолда ўсди;
  - е) янги нефт кони топилиши энергия баҳосини анчагина пасайишига олиб келди;
5. Агарда ишлаб чиқариш қувватининг катта қисми ишга солинмаган, ишсизлар сони кўп бўлса, иқтисодиёт мувозанатга бўладими?
6.  $t$  йилда потенциал ялпи миллий маҳсулот миқдори 500000 бўлди. АД ялпи талаб эгри чизиги  $U=635000-2P$  тенгламасида ифодаланади.  $t$  йили потенциал ялпи ички маҳсулот 2,5% ўсди. Ялпи талаб эгри чизиги тенгламаси  $U=647500-2P$  кўринишини олди.  $t$  йили мувозанат нархи даражаси ўзгарадими?  
 $t$  йили нарх даражаси қуйидагича бўлган ялпи харажатлар  $(C+J+G+X)=Y$

$$635000-2P=500000$$

$$135000=2P, P=67500$$

Агар потенциал ялпи ички маҳсулоти  $t$  йили 2,5% кўпайса, у ҳолда

$$Y_t = (Y_i + 2,5\% * 500000) = (500000 + 12500) = 512500$$

$$Y_t = 512500$$

Янги тенглама қуйидагича:

$$Y_i = AD_1 \quad 512500 = 647500 - 2P$$

$$2P = 647500 - 512500$$

$$P = 67500$$

Мувозанат нарх даражаси ўзгармаган. Шунга ўхшаш масала тузиб ечинг.

7. Ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатининг қандай моделларини биласиз?
8. Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг кейинча модели классик моделдан қандай фарқланади?
9. Вальрас моделининг диққатга сазовор томонларини изоҳлай оласизми?

## **XV б о б**

### **ИСТЕЪМОЛ, ЖАМҒАРМА ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР**

Миллий иқтисодиётда яратилган реал ялпи ички маҳсулот бир томондан ялий талаб, иккинчи томондан ялпи таклифни ифодалашини, улар ўртасидаги мувозанат миллий иқтисодиётнинг бош мувозанати эканини, реал ҳаётда бу мувозанат бузилиб туришини кўриб чиқдик. Бунинг сабаби нимада? Ишлаб чиқаришдан мақсад истеъмол қилиш экан, истеъмолнинг ўзи нимага боғлиқ? Ялий харажатларнинг ўзгариши реал ЯИМга қандай таъсир кўрсатади? Мазкур бобда ялпи харажатлар даромадларни харажат ва жамғармага бўлиниши, инвестицияга айланиши, иқтисодиётда истеъмол, жамғарма, инвестиция туншунчалари орқали мувозанатлашган ишлаб чиқариш даромад ва бандликка эришиш масалаларини кўриб чиқамиз.

#### **1-§. ИСТЕЪМОЛ ВА ЖАМҒАРИШ. ИСТЕЪМОЛ ВА ЖАМҒАРИШГА МОЙИЛЛИК**

Ялпи талаб ва ялпи таклиф билан бир қаторда муҳим агрегатлашган кўрсаткичлардан бири ялпи истеъмол ҳисобланади.

Жамиятда яратилган маҳсулот истеъмол қилинар экан, у олинган даромадни харажат қилиш асосида юз беради.

Жамиятнинг ялпи харажатлари:

1. Шахсий истеъмол харажатлари
2. Инвестицион истеъмол харажатлари
3. Давлат истеъмоли харажатлари
4. Соф экспорт харажатларидан иборат.

Ялпи истеъмолни таҳлил қилишни осонлаштириш мақсадида илмий абстракцияни кўллаб:

а) соф экспорт нолга тенг ёки миллий иқтисодиёт ёпиқ иқтисодиёт;

б) давлат фаолиятини ҳисобга олмай, давлатнинг товар ва хизматлар истеъмоли ҳам солиқлар ҳам нолга тенг;

в) уй хўжалиги ва фирмалар пул маблағларини маълум муддат жамғарадилар, лекин бу фақат шахсий жамғарма;

г) миллий валюта ва соф даромад чет эл ишлаб чиқа-

риш омиллари таъсири туфайли қадри тушмайди деб фараз қиламиз.


У ҳолда ялпи истеъмол харажатларимиз шахсий истеъмол ва инвестиция (инвестицион истеъмол) дан иборат бўлади. Истеъмол харажатларининг манбаи даромад бўлиб, даромаднинг истеъмол қилинмаган қисми жамғарилади.

Истеъмол (инг. Consume-c) ҳам, жамғариш (инг. Save-s) ҳам даромадга боғлиқ. Ундан ташқари ҳар иккисига ҳам бир хил омиллар таъсир қилади. Чунки даромад истеъмол ва жамғаришнинг йиғиндисига тенг, яъни

$$D_i = C + CS \quad C = D_i - S \quad S = D_i - C$$

Маълумки даромаднинг истеъмолдан ортган қисми жамғарилади. Демак жамғариш учун даромад юқори, истеъмолдан ортиб қоладиган бўлиши керак. Хуллас даромади юқори оилалар даромадининг бир қисмини жамғариш, даромади паст оилалар жамғариш у ёқда турсин, қарз эвазига яшаши мумкин. Иқтисодчиларнинг ҳисобига кўра одатда даромади ўртacha даражадан юқори оилалар даромадларининг бир қисмини жамғаришар экан.

Истеъмол жамғаришдан фарқ қилгани ҳолда барча оилаларга тааллуқли истеъмол жорий эҳтиёжларни қондирса, жамғариш — келажакдаги эҳтиёжларни қондиради. Бу ерда даромадни пул, хазина шаклида жамғариш кўзда тутилади. Таҳлилни осонлаштириш учун, олинган даромадни графикда биссектриса тарзида ифодаласак у иккала: абсисса ва ординат ўқидан бир хил узоқликда жойлашади. Шунинг учун бу абсисса (горизонтал) ўқидан биссектрисага бўлган ҳар қандай нуқтани истеъмол билан даромад ўртасидаги бўлакни жамғариш сифатида кўриш мумкин.



Истеъмол харажатларининг маълум бир қисми шахс ихтиёридаги даромадга боғлиқ бўлмайди. Бунинг **автоном истеъмол харажатлари** дейилади. Уларни қоплаш учун қарз олишга ҳам мажбур бўлиши мумкин. Худди шундай тарзда мамлакат миқёсида ҳам маълум бир вақт

мобайнида ялпи харажатларнинг маълум бир қисмини ва динамикаси жорий даромадга боғлиқ бўлмайди. **Уни автоном ялпи харажатлар** деб аталади.

*Масалан*, шахсий даромад 20 млрд. сўм бўлсин, ундан 15 млрд.и истеъмол қилинсин дейлик, у ҳолда жамғариш

20—15=5 млрд. сўм. Агарда истеъмол чизиги С даромаддан  $D_i$  юқори бўлса, у ҳолда жамғариш манфий, яъни қарз эвазига истеъмол қилинади. Агар даромад 5 млрд. сўм, истеъмол 8 млрд. сўм бўладиган бўлса, қарз эвазига 3 млрд. сўмлик истеъмол қилинади. Графикдан кўриниб турибди, даромад 10 млрд. сўм бўлганда тўла истеъмол қилинади, лекин жамғарма нолга тенг. Ана шу А нуқтадаги даромаддан жамғариш бошланади. У бошланғич (жамғаришни бошланиши) даромад бўлади. Ана шу нуқтадан сўнг даромад истеъмолга нисбатан кўп бўлиб, даромаднинг бир қисмини жамғариш бошланади.

Истеъмол ва жамғариш икки: объектив ва субъектив омилга боғлиқ.

Объектив омилга энг аввало **даромад даражаси** ва **унинг тақсимланиши** киради.

Даромаддан ташқари қуйидаги омиллар жамғариш ва истеъмолни шакллантиришга таъсир этади:

1. Бойлик захираси. Оиланинг жамғарган бойлиги (кўчмас мулк, қимматбаҳо қоғозлар) қанча кўп бўлса, истеъмол билан жамғариш ҳам кўпайди, кам бўлса шунча кам бўлади.

2. Нархлар даражаси. Унинг ўсиши истеъмолни камайтиради, аксинча тушиши истеъмолни кўпайтиради.

3. Нарх ўзгаришини кутиш. Агарда нархлар ўсиши, товар тақчиллиги кутилса истеъмолга харажатлар ортади, жамғариш камаяди. Одамлар келажакда нархларнинг ўсишини кутиб, ортиқча бўлса ҳам сотиб олишга ҳаракат қилишади.

4. Солиқлар. Солиқлар қисман истеъмол ва қисман жамғариш ҳисобига тўланади. Шунинг учун солиқларни кўпайиши истеъмол ва жамғаришни камайтиради.

**Субъектив омилга** инсонларнинг истеъмолга ҳамда жамғаришга психологик мойиллиги киради.

Даромаддан бошқа омилларнинг таъсири истеъмол ва жамғариш чизигини силжитишга олиб келади.

Иқтисодчиларнинг тадқиқотлари кўрсатадики даромад ортан сари истеъмол ҳам ортади. Лекин истеъмол фақат даромадга эмас, балки субъектив омил истеъмолга ва жамғаришга қандай нисбатда ажратилишига ҳам боғлиқ. Иқтисодчилар ана шу мойиллик даражасини аниқлаш учун истеъмолга ўртача мойиллик ва жамғаришга ўртача мойиллик кўрсаткичини ишлаб чиқшган.

**Истеъмолга ўртача мойиллик (APC)** истеъмолни даромадга нисбати тарзида ҳисобланади  $APC = \text{истеъмол} / \text{даромад}$  ёки  $S : D_i$  графикдаги мисолимизда  $S = 15$ ;  $D_i = 20$ ;  $APC = 15 / 20 = 0.75$  ёки 75%.

**Жамғаришга ўртача мойиллик (APC)** жамғаришни даромадга нисбатини ифодалайди  $APC = \text{жамғариш} / \text{даромад}$  ёки  $S : D_i$ ; мисолимизда  $S = 5$ ;  $D_i = 20$ ;  $APC = 5 / 20 = 0.25$  ёки 25%.

Истеъмол билан даромад ўртасидаги боғланиш **истеъмол функцияси** деб аталади. Жамғариш билан даромад ўртасидаги

боғланиш **жамғариш функцияси** деб аталади. Бизнинг иқтисодчиларимиз томонидан одатда кўпроқ яратилган миллий даромадни қандай қисми истеъмолга ва қандай қисми жамғаришга (инвестицияга) сарфланишини аниқлаш мақсадида **жамғариш нормаси** кўрсаткичи қўлланилади. Бу кўрсаткич жамғаришнинг миллий даромадга нисбати тарзида  $JH=ЖФ/МД$  ҳисобланади. Бунда жамғариш фонди деганда пулни хазина шаклида жамғариш эмас, балки инвестиция яъни капитал қўйилмаларга сарфланиши кўзда тутилади.

Кишиларнинг оладиган даромади ўзгариб туради, у кўтарилиши ёки аксинча пасайиб кетиши мумкин. Шунинг учун даромаднинг ўзгариши истеъмолга ва жамғаришга қандай таъсир қилишини билишимиз муҳим аҳамиятга эга. Уни меъёрий мойиллик кўрсаткичи бўйича аниқланади. **Меъёрий мойиллик** ўртача мойилликдан фарқ қилиб, даромаддаги ҳар қандай ўзгариш истеъмол ва жамғаришда қандай ўзгаришга олиб келишини кўрсатади.

**Истеъмолга меъёрий мойиллик (MPC)** деб даромаддаги ўзгаришни истеъмолдаги ўзгаришининг улушига айтилади.  $MPC = \text{истеъмолдаги ўзгариш} / \text{даромаддаги ўзгариш} = \Delta C / \Delta D_i$ . Мисолимиз бўйича даромаддаги ўзгариш  $\Delta D_i = D_2 - D_1$ ;  $\Delta D_i = 20 - 10 = 10$ ;  $\Delta C = C_2 - C_1 = 15 - 10 = 5$ ;  $MPC = 5/10 = 1/2 = 0,5$  ёки 50%;

Жамғаришга меъёрий мойиллик (MPS) даромаднинг ўзгариши унинг жамғарма улушини ўзгаришини кўрсатади.  $MPS = \text{жамғаришдаги ўзгаришлар} / \text{даромаддаги ўзгаришлар} = \Delta S_i / \Delta D_i$ ;  $\Delta S = S_2 - S_1 = 5 - 0 = 5$ ; у ҳолда  $MPS = 5/10 = 0,5$  ёки 50%.

Шундай қилиб, олинган даромад истеъмол қилинади ёки жамғарилади. Уни математик тарзда ифодаласак уларнинг йиғиндиси 1 га тенг бўлади.  $C + S = 1$ ;

Агарда истеъмол ва жамғаришга мойиллик тарзида қарасак  $APC + APS = 1$ . Мисолимизда  $0,75 + 0,25 = 1$ ; Даромаднинг ўзгариши албатта истеъмол билан жамғаришнинг ўзгаришига олиб келади. Лекин барибир ўзгарган даромад ҳам истеъмолга ёки жамғаришга сарфланади. Шунинг учун меъёрий истеъмол билан меъёрий жамғаришнинг йиғиндиси ҳам бирга тенг бўлади.

$\Delta D_i = \Delta C + \Delta S$ ;  $MPC + MPS = 1$ ;  $\Delta C + \Delta S = 1$ ; мисолимизда  $0,5 + 0,5 = 1$

Булардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин.

1. Агар  $MPC = 1$  бўлса, у ҳолда ўсган даромаднинг барчаси истеъмол қилинади;

2. Агар  $MPC = 1/2$  бўлса ўсган даромад истеъмол билан жамғариш ўртасида тенг бўлинади;

3. Агар  $MPC = 0$  бўлса ўсган даромаднинг ҳаммаси жамғарилади;

4. Агар  $MPC > 1/2$  бўлса ўсган даромадда истеъмолнинг улуши жамғаришга нисбатан кўп;

5. Агар  $MPC < 1/2$  бўлса истеъмолнинг улуши жамғаришга нисбатан кам бўлади.

Истеъмол ялпи талабнинг энг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам даромаднинг қандай қисми истеъмол қилинади, ёки жамғаришга ажратилиши аввалдан уни қандай тарзда тақсимланишини илмий тахмин қилиш муҳим аҳамиятга эга. Даромадлар билан харажатларнинг мувозанати макро иқтисодий мувозанатни таъминлашда асосий рол ўйнайди. Мувозанатнинг бир томонини даромадлар, иккинчи томонини харажатлар ташкил этар экан асосий муаммо харажатларни даромадларга тенглаштириш бўлади. Жамиятнинг ялпи истеъмоли олинган даромадлардан кам бўлиб, бир қисмини “Хазина” — пул шаклида жамғарилиши мувозанатни бузади. Шунинг учун ҳам уни истеъмолга айланттириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

## 2-§. ИНВЕСТИЦИЯ, УНИНГ ТАРКИБИ

### Инвестицияга талаб ва таклифни мувозанатга келтириш

Ялпи талабнинг биринчи қисмини ташкил етувчи истеъмол харажатлари нисбатан барқарор бўлса, унинг иккинчи қисмини ташкил етувчи инвестициялар аксинча ўзгарувчандир.

Инвестиция (капитал қуйилмалар) — ЯИМнинг энг муҳим ва тез ўзгарувчан компоненти. Истеъмол даромадлар билан функционал тарзда боғланган. Давлат харажатлари ва соф экспортнинг ўзгаришини осон тахмин қилиш мумкин, лекин инвестицияларни тахмин қилиш жуда қийин, улар тўсатдан ўсиб кетиши ёки аксинча тушиб кетиши мумкин. Масалан АҚШда буюк депрессия вақтида инвестициялар 100% тушиб кетган.

Иқтисодчилар жамғармани инвестиция ( $\alpha$ )нинг асоси деб қарашади. Иқтисодий назарияда **инвестиция деганда келажакдаги натижа учун: ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки реконструкция қилиш, маҳсулот ва хизматларни сифатини яхшилаш малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишлари олиб боришга мўлжалланган молиявий ресурслар тушунилади.**

Иқтисодиётни ривожлантиришда инвестициялар етакчи рол ўйнайди, сабаби инвестиция орқали корхоналар капитал жамғарилишига, натижада мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва иқтисодий ўсишга эришилади.

Ялпи харажатларда инвестициялар ҳиссаси нисбатан унча кўп бўлмасада (ривожланган мамлакатларда 15—18%) айнан инвестициялар туфайли асосий макроиқтисодий силжишларга эришилади. Шу билан бирга **жамғариш билан инвестиция ўрта-**

**сидаги мувозанат** макроиқтисодий мувозанатга эришишнинг энг муҳим шартидир.

Аммо инвестиция билан жамғариш ўртасидаги боғлиниш жамғарма субъектлари (эгалари) инвестиция субъектлари (қилувчилар) билан кўпинча бошқа-бошқа эканлиги туфайли ноаниқ бўлади. Шунинг учун ҳам давлат томонидан таъсир ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инвестицияга ажратилган пул маблағлари номинал инвестицияни ташкил этади. Ана шу маблағларни ишлатилиши натижасида эришилган реал натижа **реал инвестиция** дейилади.

Реал инвестиция қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши мумкин:

- Ишлаб чиқариш учун янги бино-иншоотлар қуриш
- Янги техника, технология, ускуналар сотиб олиш
- Уй-жой ва маданий-маиший объектлар қуриш
- Мутахассис кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш

Одатда ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш учун янги корхоналар қуриш, янги технологияни жорий қилиш, коммуникацияни ривожлантириш мақсадида капитал ресурсларига инвестиция қилинади. Капитал инвестициялар узоқ муддат хизмат қилиш, катта маблағ талаб қилиш, яъни қимматлиги, харажатларнинг узоқ муддатдан сўнг қопланиши ва инвесторга қайтиши билан фарқланади. Шунинг учун капитал ресурсларига инвестиция катта хатар билан боғлиқ.

Хом ашё, материаллар захираси, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар захираси учун инвестиция ишлаб чиқаришни узлуксизлигини таъминлашга ёрдам беради. Уларга қилинган харажатлар нисбатан тез қайтади.

Бир томондан эҳтиёжларни юксалиб бориши иккинчи томондан, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиши) ни мураккаблашиб бориши инсондан юқори малака ва маҳорат талаб қилади ва борган сари бу талаб мезонлари юксалиб боради. Натижада маълумот олиш, тажриба тўплаш, малакага эга бўлиш, соғлом бўлиш учун борган сари кўпроқ капитал маблағлар талаб қила боради. Ана шу мақсадларга сарфланган харажатлар инсоний капиталга инвестиция деб аталади. (IX боб, §5).

Иқтисодий адабиётларда ана шу йўналишларга мувофиқ равишда инвестициялар:

- Асосий капиталга инвестиция
- Товар-материал захираларига инвестиция
- Инсоний капиталга инвестиция сифатида фарқланади.

Инвестиция ким томонидан, қайси мулк эгаси томонидан амалга оширилишига кўра:

- Хусусий, нодавлат сектордаги инвестиция (тадбиркор, акционерлик жамияти бино, иншоот қуради, асбоб-ускуна сотиб олади);



- Ижтимоий (давлат) секторидаги инвестиция (масалан давлатнинг йўл, метро, кўприк, корхона, электростанция куриш кабилар);
- Чет эл инвесторлари томонидан (хусусий, давлат) қўйилган инвестицияга бўлинади.

Капитал ресурсларга инвестициянинг ўзи икки турга бўлинади: соф инвестиция ва модернизация учун инвестиция.

“Соф, ёки янги” инвестиция билан модернизация учун ёки эскирган асосий капиталнинг ўрнини тўлдириш учун инвестициялар **ялпи инвестиция деб аталади**.

Ялпи инвестиция — эски асосий капитални янгилаш (амортизация) + ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун асосий капитални кўпайтиришга сарфланган инвестициядан иборат.

Соф инвестиция — ялпи инвестициядан асосий капитал амортизациясининг айирмасига тенг.

Агар соф инвестиция мусбат катталикни ташкил этса иқтисодиёт ривожланади.

Агар соф инвестиция нолга тенг бўлса (инвестиция амортизация суммасига тенг), у ҳолда иқтисодиёт турғунликка юз тауди.

Агар соф инвестиция манфий миқдорга тенг бўлса (инвестиция миқдори амортизация миқдоридан кам) у ҳолда ишбилармонлик фаолияти сусаяди.

Реал жамғарилган капиталнинг ўсиши фаровонликни орттиришига олиб келади. Шу жиҳатдан қарасак бугунги фаровонлик кечаги инвестициянинг натижаси, бугунги инвестиция эса жамиятнинг эртанги фаровонлигини таъминлайди.

Лекин жамият олдида доимо бугунги ва эртанги истеъмолни қанча бўлишини ечиш муаммоси туради. Жамият бугун қанча кўп инвестиция қилса, эртага бойроқ бўлади, аксинча кўпроқ истеъмол қилинса, келажакда кўпроқ истеъмол қилиш имконияти шунча камади.

Инвестицияга маблағ сарфлаш ёки сарфламаслик масаласи инвестиция туфайли олинadиган меъерий даромад билан меъерий харажатлар нисбатини солиштириб сўнгра ечилади.

Инвестиция сарфи эвазига олинadиган натижа — бу корхона, фирмалар ўз манфаатидан келиб чиқиб олишга умид қилган даромад, нафдир.

Меъерий даромад, наф фойда эса бу фирмалар инвестиция сарфи эвазига олишни умид қилган соф фойда. Меъерий харажатларни эса четдан жалб қилинган маблағларга тўланадиган процент ставкаси ташкил этади.

Агарда кутилаётган фойда нормаси юқори бўлса, у ҳолда инвестиция ўсади. Процент ставкаси — бу фирма олган пул қарзига тўлаши керак бўлган ҳақ, бошқача айтганда қарзнинг баҳоси. Айтайлик фойда нормаси 15%, процент ставкаси 9% бўлсин, у ҳолда инвестициялаш фойдали бўлади. Агар процент ставкаси 15% бўлса, аксинча инвестиция қилишдан воз кеча-

дилар. Демак инвестиция процент нормасига тескари пропорционал. Уни графикда ифодаласак куйидаги кўринишда бўлади.

Инвестицион талабга яна қатор омиллар таъсир қилади.



1. Кутилаётган даромаднинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар инвестицион талаб эгри чизигини ўнгга силжишига олиб келади, яъни инвестицияга талаб ортади.

2. Инвестиция эвазига кутилаётган даромадларни пайсийишига таъсир этувчи омиллар, инвестицион талаб эгри чизигини чапга

силжишига олиб келади, яъни инвестицияга талаб камайди. Бу омилларга ускуналарни сотиб олишга сарфланадиган харажатлар, солиқлар, инфляция ва бошқалар таъсир қилади. Шунинг учун жорий инвестиция миқдорини аввалги йиллар билан таққослаганда “реал инвестиция”ларни, яъни ўзгармас баҳоларда таққослаш керак.

**Маълум миқдордаги инвестициялар ялпи даромад ёки ишлаб чиқариш ҳажми динамикасига боғлиқ бўлмайди, уни автоном инвестиция (режалаштирилган) деб аталади.**

Ундан ташқари рағбатлантирилган (режалаштирилмаган) инвестициялар мавжуд.

Ҳақиқий инвестициялар ҳар икки режалаштирилган ва режалаштирилмаган, (моддий — товар захираларига куйилган инвестицияларни ўзгаришини таъминловчи) инвестициялардан иборат. Режалаштирилмаган инвестициялар баланслаштирувчилик вазифасини бажаради. Жамғариш билан инвестицияларни тенглаштиради.

Ишлаб чиқариш билан даромадларни мувозанатига икки усул билан эришиш мумкин.

**Биринчи усул** — ялпи харажатлар ва даромадларни тенглаштириш орқали.



**Иккинчи усул** — жамғариш ва инвестицияларни тенглаштириш орқали.

Жамғариш ялпи харажатларни камайтиради, у “харажатлар-даромадлар” оқимидан харажатларни маълум қисмини олишга, аксинча инвестиция харажатларни кўпайишига олиб келади. Медицина тили билан айтганда инвестиция бу иқтисодиётга қилинган инъекция бўлади. У иқтисодиётни соғломлаштиради, бардам қилади. Шунинг учун ҳам жамғармани инвестицияга айланттириш ва бу жараёнга таъсир этиш муҳим рол ўйнайди. Инвестицияларнинг асосий манбаи жамғарма, бошқача қилиб айтганда миллий иқтисодиёт (уй хўжалиги, корхона, фирма, давлат) даги ялпи даромаднинг истеъмол қилинмаган қисми

хисобланади. Сарфланмаган даромад турли молия институтлари, банклар, фондлар ва бошқаларда сақланади. Уларни ўз навбатида тадбиркорларга ресурслар олиш учун қарзга берадилар. Аҳоли ўз жамғармаларини акция, облигация ва бошқа қиммат баҳо қозонларга ёки пенсия, инвестиция ва бошқа фондларга қўйиши мумкин. Улар ҳам ўз навбатида инвестиция қилиш учун сарфланади.

Жамғарма эгалари билан инвесторлар ўз жамғарма ва инвестициялардан даромад кутувчи турли гуруҳларни ташкил этади. Жамғарма ва инвестиция назарий жиҳатдан тенг бўлиши керак, лекин реал ҳаётда улар ўртасида маълум фарқ мавжуд бўлади. Бунга сабаб юқорида кўриб ўтилган процент ставкаси билан фойда нормаси ўртасидаги фарқ бўлади. Бу ерда яна шуни ҳам эслатиб ўтиш керак-ки аҳоли ўз жамғармасини молиявий муассасаларда сақламай, ўз қўлларида сақлаши айниқса бу фарқни катталаштиради. Демак иқтисодий чора-тадбирлар орқали жамғармани инвестицияга айлантириш йўллари, вариантларини топиш керак. Бу муоммани ечиш учун давлат ҳам иқтисодиётга аралашуви зарур эканини буюк иқтисодчи Ж. М. Кейнс асослаб берди.

Классик иқтисодчилар фикрича жамғарма билан инвестиция ўртасида мувозанат  $E_1$  нуқтасида бўлсин.



У ҳолда процент ставкаси  $r_1$ . Фойда нормаси пасайиши натижасида инвестицион талаб камайса у ҳолда инвестицион талаб эгри чизиги  $i_1$  дан  $i_2$  га кўчади. Бу ўз навбатида процент ставкасини ҳам  $r_2$  даражасида ўрнатишга олиб келади. Натижада янги мувозанат  $E_2$  нуқтасида ўрнатилади. ЯММ S эгри чизиги аввалги даражасида қолади.

Кейнс классиклар фикрига қўшилмади. Унинг фикрича жамғарма билан инвестициянинг реал таклифи мувозанатига соф бозор механизми ёрдамида эришиш мумкин эмас. Инвестициянинг реал таклифи билан унга бўлган талабнинг мос келиши қийин, натижада макроиқтисодий беқарорлик келиб чиқади. Жамғармани инвестицияга нисбатан кўплиги ялпи талабнинг қисқаришига, ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажми ва бандликни қисқаришига олиб келади.

Кейнс фикрига кўра инвестицияга талабнинг ноэластиклиги, инвестициянинг камайиши, жумладан турфунлик даврида ЯММ даромад, бандлик ўзгармагани ҳолда процент ставкасининг пасайишига олиб келади. Режали инвестиция билан жамғарманинг тенглаштирувчи даражага тушиши қийин.

Шундай қилиб, инвестицион талабнинг қисқариши туфайли, инвестицион талаб эгри чизиги  $i_1$  чапга  $i_2$  ҳолатига силжийди. Мувозанат бузилди. Энди янгидан мувозанатга миллий маҳсулот ва миллий даромад камайиб, жамғариш эгри чизиги  $S_1$  дан  $S_2$  га кўчганда, яъни жамғарманинг ҳам камайишга олиб келингандагина,  $E_r$  нуқтасида эришиши мумкин. Графикда кўришиб турибди, процент ставкаси ҳам  $r_1$  дан  $r_2$  даражасига тушади.

Кейнс таъкидлайдики, инвестицион талабнинг (ёки ялпи талабнинг бошқа компонентларидан бирининг) силжиши макроиқтисодий мувозанатга биз тахмин қилганимиздан кўра кўпроқ хавф туғдиради. Айтайлик, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарувчи корхонанинг инвестицияси 150 млн. сўмга камайди. Ялпи талаб эгри чизигини ҳам шунча миқдорга силжишига олиб келиши керак. Лекин Кейнс фикрича ялпи талабнинг реал силжиши бир неча баробар кўпроқ бўлади. Сабаби, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган деталлар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларга ҳам талаб камаяди. Иккинчи томондан, қишлоқ хўжалик машиналарини эксплуатация қилиш учун зарур бўлган ёнилғи, мойлаш материаллари, хизмат кўрсатиш ва у билан боғлиқ соҳалар маҳсулотига ҳам талаб камаяди. Ундан ташқари бу соҳаларда банд бўлганларни даромади қисқаради. Бу ўз навбатида истеъмол молларига бўлган талабнинг ҳам қисқаришига олиб келади. Натижада ишлаб чиқариш бирнеча баробар камаяди. Худди шундай тарзда инвестиция кўйилиши ялпи талабнинг, ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг бир неча марта кўпайишига олиб келади. Мисолимиз бўйича 150 млн. сўмга эмас, балки 750 ва ундан кўп бўлиши мумкин. Иқтисодиётда уни **мультипликатор эффекти** дейилади.

Мультипликатор эффекти асосида икки факт ётади:

1. Иқтисодиётда доимо такрорланувчи даромад ва харажатларнинг доиравий айланиши юз беради. (Одилжоннинг сарф-харажати, Олимжоннинг даромади бўлади.)
2. Даромаднинг ҳар қандай ўзгариши истеъмол ва жамғариш миқдори ва ҳиссасининг ўзгаришига олиб келади.

Унинг фикрича мультипликацион жараён инвестициялар (уларнинг эгалари ким бўлишидан қатъи назар) ресурсларни ҳаракатга солиб, ишлаб чиқариш фаоллигини кенгайтиради. Илгарига қараганда кўпроқ маҳсулот, даромад яратилади. Улар яна қайтадан истеъмол қилинади ва инвестицияга ажратилади. Шундай тарзда илгарига қараганда кўпроқ даромаднинг инвестицияга айланиши ишлаб чиқаришнинг узлуксиз кенгайиб боришини таъминлайди.

<sup>1</sup> Мультипликатор (ингл.) – кўпайтирувчи.

Бунда инвестиция берадиган даромад банк процентидан кам бўлмаслиги керак акс ҳолда пулни инвестиция қилгандан кўра жамғариш қулай бўлади.

Инвестиция қилиб олинган даромад даражасини ифодалаш учун **мультипликатор коэффиценти** кўрсаткичи киритилди. У даромад ўсиши ( $D$ ) билан инвестиция ўсиши ( $\Delta I$ ) ўртасидаги боғланишни ифодалайди. У қуйидагича ҳисобланади  $K_i = \Delta D / I$ ; инвестиция эвазига олинadиган даромад пасайса, инвестицион фаоллик ҳам сусаяди.

Демак давлат ана шу фаолликни таъминлаш учун шароит яратиши керак.

Даромад ўсишини инвестицияга таъсирини кўрсатиш мақсадида иқтисодчилар акселератор тушунчасини киритишган. Акселератор (лог. аселего—тезлаштирувчи) бу инвестициянинг ўсишини миллий даромадга нисбатини кўрсатувчи коэффиценти бўлиб, у жорий йилдаги инвестиция ўсишини ўтган йилги миллий даромад ўсишига нисбати тарзида ҳисобланади.

$$\text{акселератор} = \frac{\Delta \text{ жорий йилдаги инвестициянинг ўсиши}}{\Delta \text{ ўтган йилги миллий даромаднинг ўсиши}}$$

$$K_A = \frac{\Delta I}{\Delta D}; \quad \frac{\Delta I = I_2 - I_1}{\Delta D = D_2 - D_1}$$

У даромаднинг ўсишини инвестиция ўсишига таъсирини кўрсатади.

### 3-§. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Миллий иқтисодиётимизнинг ривожини, фан-техника тараққиёти, аҳоли бандлиги инвестициялар билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгаришларини амалга ошириш ҳам кўп жиҳатдан инвестицияларга бориб тақалади. Макроиқтисодий мувозанатга эришишда ҳам инвестициянинг роли беқиёс. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб республикамызда инвестицияга алоҳида аҳамият берилди. “Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислоҳотларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади”<sup>1</sup>.

Республикамызда инвестиция фаолиятини яхшилаш, капи-

<sup>1</sup> И. Каримов “Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари.” Т. 1993 й. 16—17-беғлар.

тал қуйилмалар самарадорлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди. Энг аввало қулай инвестицион ша-роит яратишга эътибор қаратилди.

Йиллар давомида мавжуд бўлган қурилиш вазирликлари, идоралари ва **бошқармалари ўрнига корпорациялар, уюшмалар, концернлар ва бошқа тузилмалар** ташкил этилди. Улар инвестиция жараёнини бошқариш ва уни бозор муносабатларига ўтказишда катта рол ўйнадилар.

Тармоқларнинг бошқарув тизимини қайта ташкил этилиши иқтисодий таназзул туфайли инвестиция фаоллигини пасайиб кетишига барҳам бериш ва келажакда ривожлантириш қатор ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар билан биргалликда амалга оширилди. Энг инқирозли ҳисобланган давр (1993—1994 йиллар)да ҳам жамғармалар кўрсаткичи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 14% дан пастга тушмади. Бу ана шу иқтисодиётда турғунлик пайтида ҳам молиялаштириш имкони анча юқори эканлигини кўрсатади. Ҳозирги пайтда бу улуш 17% дан юқори. Лекин бу республикамизда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш учун етарли эмас.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқарилиши турли хил мулкчилик шакллариининг вужудга келтириши капитал қуйилмаларни молиялаш манбаларида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй беришига олиб келади. Турли хил мулк субъектларининг инвестицияларда иштирок этиши кенгайди. 1990 йилда инвестицияларнинг умумий улушида корхоналар маблағларининг улуши 40% дан кам бўлган бўлса, 1993 йилда 60%, 1997 йилда 80%га етди. Аммо кейинги йилларда инвестициялар улушида корхоналар ҳиссасининг камайиши тенденцияси, унинг сабабларини аниқлашни зарур қилиб қўяди.

Республикамизда инвестициявий фаолликнинг ортиши — ҳақиқий бозор муносабатларини, бозор инфраструктурасини шакллантириш билан боғлаш мумкин.

Қимматли қоғозлар бозори, банк тизими молиявий ресурсларни инвестицияларга трансформация қилишнинг муҳим механизми ҳисобланади. Шунинг учун республикада қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришга қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Корхоналарда ишлаб чиқаришни сармоялаш учун маблағлар тўпланишини рағбатлантирувчи шарт-шароитлар яратиш амортизация сиёсатини амортизация чегирмаларини фаоллаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Бундай тадбир ўз навбатида бир томондан инфляцион тенденцияларни тўхтатишга хизмат қилса, иккинчи томондан мамлакатда кредит эмиссияси миқёсларини чеклашга олиб келади. Шу билан бир қаторда инвестицион жараёнларни банк кредитлари билан таъминлашда шу кредитларни гаров бўйича кафолатлаш ҳақидаги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиш орқали кучайтириш тадбирлари амалга оширилоқда.

Инвестиция қилиш учун энг аввало пул капитали бўлиши керак. Ресурслар, шу қатори пул маблағлари ҳам чекланган. Ечилиши нисбатан қийин бўлган муаммо бу маблағ топишдир. Айниқса инвестиция тез натижа бермаслиги билан ажралиб туради. Инсонларда доимо ҳозирги кун эҳтиёжлари устунлик қилади. “Ютганим ўзимники, чайнаганим гумон” қабилда иш юритилади.

Шунинг учун ҳам инвестиция манбалари, уларни жалб қилиш имкониятларига алоҳида аҳамият бериш талаб этилади.

Инвестиция миқёси жиҳатидан одатда икки: микро— уй хўжалиги, корхона, фирмалар, ҳамда макро— давлат миқёсида амалга оширилади. Инвестицияни жалб этиш манбаи жиҳатидан ҳам иккига: ички ва ташқи манбага ажратилади.

Уй хўжалигида узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар олиш, уй қуриш, квартира олиш, бир томондан оиланинг жамғармалари эвазига бўлса, иккинчи томондан кредит ҳисобига олинади.

Корхона, фирмалар инвестициясининг ички манбаи фойда, амортизация, инвестицион бадаллар бўлса, ташқи манба банк кредити, ипотека кредити, инвестиция ва солиқ (солиқ тўловини орқага суриш) кредити ҳисобланади.

Давлат ҳам зарур инвестицияни жалб қилиш учун ички ва ташқи манбалардан фойдаланади.

Ички манба: облигация, марказий банк кредити, қимматбаҳо қоғозлар, жумладан лотереялар ва бошқалар;

Ташқи манба: четдан олинган кредит, ёрдам, чет эл инвестициялари (ҳамкорликдаги корхоналар ташкил қилиш) кабилардан иборат.

Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётининг инвестицион фаолиятини жадалаштиришнинг икки имконияти миллий захира ларни сафарбар этиш ва чет эл капиталини жалб этишга асосланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики чет эл инвестициясини жалб қилиш эвазига қисқа муддат ичида катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шароит яратишга аҳамият берилди. Республикада “Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” қонун қабул қилинди. Вазирлар маҳкамаси 1996 йил мартда “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокида корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди. “Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур”<sup>1</sup>.

Республикаимизнинг бой табиий ва меҳнат ресурслари билан

<sup>1</sup> И.А. Каримов “Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз”. 19 феврал, 2001 й.

биргаликда сиёсий барқарорлик, инвестицион иқлим, албатта чет эллик инвесторларни ҳамкорлик қилишга ундайди. Ўзбекистон ҳукумати чет эл билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналарга қатор имтиёзлар: бож тўловлари, солиқлар бўйича имтиёзлар берилган.

Чет эл инвестицияларининг таҳлили Ўзбекистонда ташкил этилаётган корхоналар сони сезиларли тарзда ўсиб бораётганини кўрсатади. 2001 йили молиялашнинг барча манбалари ҳисобида иқтисодиётга 700 млрд. сўм, қарийиб 810 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Жами сармоянинг 55% и ишлаб чиқаришга сарфланди.

Хорижий инвестициялар иштирокида 152 та корхона ташкил этилди.

Республиканинг инвестицион дастури бўйича проектларга капитал қуйилмалар амалга ошираётган қўшма корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқлардан 7 йилга озод қилиш кўзда тутилган.

Янгидан вужудга келтирилган четдан сотиб олинган маҳсулотларнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар, ишлаб чиқариш ҳажмининг 25% ни болалар товарлари ташкил этса, ишлаб чиқариш бошлангандан 5 йил, корхона устав фондида чет капитали 50% ва ундан юқори фоизни ташкил этса 2 йилга солиқдан озод қилинади ва бошқалар. Лекин шу билан бирга қатор муаммолар борки, инвестицион фаолиятнинг кучайиши айнан уларни қандай ҳал этилишига боғлиқ.

**Шундай қилиб**, иқтисодиётда иқтисодий ўсишнинг юраги сифатида ялпи самарали талабни кўриш мумкин. Уни содда-лаштирилган варианты истеъмол харажатлари ва инвестициялардан иборат.

Истеъмол харажатлари автоном ва шахс ихтиёридаги жорий даромадга боғлиқ бўлган харажатлардан иборат. Бу боғланиш истеъмол функцияси деб аталади. Харажатларнинг акси жамғариш бўлиб, у жамғариш функциясида ифодаланади.

Истеъмол ва жамғариш эгри чизикларининг силжишига қатор детерминантлар: жамғарилган бойлик, солиқлар, нарх, даромадларнинг истеъмол ва жамғаришга тақсимлаш нисбати, даромадларнинг ҳажмини ўзгариши ва бошқалар сабаб бўлади.

Ўртача ва меъёрий истеъмолга ва жамғаришга мойиллик истеъмол ва жамғариш функцияларининг ҳаракатларини аниқлашга ёрдам беради. Бу функция кўрсаткичи орқали даромадларнинг ҳар қандай ўзгариши истеъмол ва жамғариш динамикасини илмий тахмин қилиш мумкин.

Инвестиция харажатлари ялпи харажатларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, даромадга боғлиқ. Ундан ташқари йиллик шахс ихтиёридаги даромадга боғлиқ бўлмаган автоном инвестициялар мавжуд.

Автоном инвестицияларга реал процент ставкалари ва ку-



тилаётган соф фойда нормаси таъсир қилади. Бу боғланишни инвестицияга талаб эгри чизиги кўрсатади.

Режалаштирилган инвестициялар уларнинг ҳақиқий ҳажми-дан яъни ҳақиқий инвестициялардан фарқ қилиши мумкин. Уларни йил охирида ишлаб чиқариш захираларини ўзгартириш орқали тенглаштиради.

Инвестиция эгри чизигининг ўзгаришига ишлаб чиқариш харажатлари, тадбиркорлик фаолиятига солиқлар ставкаси, ишлаб чиқариш технологияси, бизнеснинг келажагини баҳолаш орқали берилган хулосалар таъсир қилади.

Инвестиция харажатлари макроиқтисодий мувозанатга эришишда катта рол ўйнайди, шу билан бирга ўзининг юқори даражада беқарорлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун давлат инвестициялар ва уларнинг ўзгаришига алоҳида диққат қаратиши керак.

Республикамизда ҳозирги пайтда инвестицион иқлимни яхшилаш учун ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда.

### Асосий таянч тушунчалар

Истеъмол функцияси	истеъмол ўртача мойиллик
Жамғариш функцияси	жамғаришга ўртача мойиллик
Автоном истеъмол харажатлари	автоном ялпи харажатлар
Истеъмолга меъёрий мойиллик	жамғаришга меъёрий мойиллик
Бошланғич (бўсаға) даромад	режалаштирилган инвестициялар
Автоном ялпи харажатлар	автоном инвестициялар
	ҳақиқий инвестиция

### Такрорлаш учун савол

1. Истеъмол ва жамғаришнинг объектив ва субъектив омилларини кўрсатинг.
  2. Истеъмолга ва жамғаришга ўртача мойилликни тушинтириб беринг.
  3.  $MPC+MPS=1$  қандай хулоса чиқариш мумкин?
  4. Инвестиция нима ва у нима сабабдан тез ўзгарувчан?
  5. Инвестиция ҳажмига қандай асосий омиллар таъсир кўрсатади?
  6. Айтайлик А мамлакатда 1 млн. оила бор. Оилаларнинг ярмини истеъмолга меъёрий мойиллиги  $\frac{1}{2}$ , иккинчи ярмини  $\frac{3}{4}$  га тенг.
- А) Агар шахс ихтиёридаги даромад 10 млн. сўмга кўпайса ва ҳаммаси оилаларнинг биринчи қисмига тўғри келса истеъмол харажатлари қанчага кўпаяди?
- Б) Агар ўсган даромадларни барчаси оилаларнинг иккинчи қисмига тўғри келсачи? Ҳисобланг, натижасини изоҳлаб беринг.

## XVI б о б

### ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ НАЗАРИЯСИ

Ҳар қандай жамиятнинг энг асосий мақсади, давлатнинг иқтисодий ўсишига эришиш, уни ўсиш суръатини барқарор ва оптимал даражада бўлишини таъминлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

Жамият аъзоларининг эҳтиёжлари юксалиб борар экан, ана шу эҳтиёжларни қондиришнинг ягона йўли иқтисодий ўсишдир. Иқтисодий ўсиш туфайлигина ижтимоий тараққиётга эришилади. Шунинг учун ҳам қадимдан бошлаб иқтисодий қарашларда асосий диққат-эътибор иқтисодий ўсиш йўллари кўрсатишга қаратилган.

Иқтисодий ўсиш умумий тарзда ишлаб чиқариш ва унинг омиллари натижасини миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаришларини кўрсатади. Бу ўзгаришлар иқтисодиётнинг равнақ топишида, яратилган маҳсулотларнинг ҳажми ортиб, сифати яхшиланиб, таркиби хилма-хилланиб боришида ифодаланади. Иқтисодий ўсиш мамлакатнинг куч-қудрати ўсаётганини кўрсатади.

Мамлакатимиздаги ҳар йили феврал ойида ўтган йил якунига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг йиғилиши бўлади ва унда йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми қандай ўзгарганлиги эълон қилинади. Утган 2001 йили республика-мизда ЯИМ 2000 йилга нисбатан 4,5% ўсди. Ана шу ўсишга қандай эришилди, бу кўрсаткич ижобий бўлса уни қандай баҳолаш лозим? Аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун иқтисодий ўсиш қай даражада бўлиши керак? Навбатдаги бобда ана шу саволларга жавоб топишни ўрганамиз.

Бу бобни биз иқтисодий ўсиш деганда нимани тушунамиз, иқтисодий ўсишнинг кўлами ва суръатини ўрганишдан бошлаймиз.

Иқтисодий ўсишга қандай омиллар таъсир қилади? Иқтисодий ўсиш миллий бойликка, ўз навбатида миллий бойлик иқтисодий ўсишга қандай таъсир қилади? Иқтисодий ўсиш ҳақидаги иқтисодий назариялар, иқтисодий ўсишнинг доимо раван бўлмаслиги, унинг суръатини пасайиши цикли характерга эга эканлиги, ўсиш суръатини гоҳ пасайиб, гоҳ кўтарилиши сабабларини кўра-миз. Иқтисодий ўсишнинг турли моделларини таҳлил қиламиз.

## 1-§. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА УНИНГ ОМИЛЛАРИ ҲАҚИДАГИ НАЗАРИЯЛАР

Кўриб ўтдик-ки, жамият яшар экан, узлуксиз тарзда турли неъматлар ишлаб чиқаради. Уни узоқ муддатли давр нуқтаи назаридан қарасак яратилган неъматларнинг ҳажми тобора ортиб боради. Демак жорий даврда аввалгига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарибмиз.

✓ Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш динамикаси айнан иқтисодиётдаги муҳим ана шу ҳодиса — иқтисодий ўсишни характерлаб беради.

**Иқтисодий ўсиш маълум бир вақт (йил) мобайнида реал ялпи ички маҳсулот (ёки ЯИМ), соф миллий маҳсулотнинг ҳажмини ортиб таркибини ўзгаришини ифодалайди.**

Иқтисодий ўсиш ўзаро боғлиқ икки кўрсаткич: а) маълум бир вақт, йил мобайнида яратилган ялпи ички маҳсулот ёки соф маҳсулот, миллий даромад абсолют миқдори, ёки б) аҳоли жон бошига ўсиши тарзида ҳисобланади.

Агарда диққат марказида иқтисодий-ҳарбий-сиёсий потенциал турса, биринчи, ялпи ички маҳсулотни (реал ялпи ички маҳсулотни) абсолют миқдори кўрсаткичидан, агарда аҳолининг турмуш даражасини таққослаш зарурияти бўлса, иккинчи аҳоли жон бошига яратилган ялпи миллий маҳсулот, соф миллий маҳсулот (миллий даромад) кўрсаткичидан фойдаланади. ✓  
*Масалан*, Бразилиянинг ялпи миллий маҳсулоти Швейцария-никига қараганда 2,8 марта кўп. Швейцариянинг ялпи миллий маҳсулоти Ҳиндистонда яратилган ялпи миллий маҳсулотнинг деярли 88% ини ташкил этади. Лекин аҳоли жон бошига ҳисобласак, Швейцарияда Бразилиядан 110 марта кўп ялпи миллий маҳсулот яратилгани маълум бўлади.

✓ Яратилган (реал) ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромаднинг абсолют миқдорининг ўсиши иқтисодий ўсишнинг кўламини кўрсатади. У жорий йилдаги яратилган ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад билан аввалги йил кўрсаткичини таққослаш орқали ҳисобланади. ✓

Айталик, жорий йилда яратилган ялпи миллий маҳсулот 150 млрд. долл., ўтган йилда эса 145 млрд. долл. бўлган. У ҳолда ўсишнинг абсолют миқдори (150—145) 15 млрд. долларни ташкил этади. У турли мамлакатларда турлича бўлиб, ўсиш кўламининг ҳар хиллиги мамлакатларнинг иқтисодий қувватига боғлиқ.

✓ Иқтисодий ўсиш суръати реал ЯИМни ўсиш суръатида ифодаланади. Иқтисодий ўсишнинг нисбий миқдорини ўсиш суръати кўрсатади. Ўсиш суръати жорий йилдаги ялпи ички (миллий) маҳсулотни ўтган йилга нисбати тарзида ҳисобланади. Юқоридаги мисолимиз бўйича ўсиш суръати  $150:145=103,4\%$ , иқтисодчилар ўсиш суръатидаги озгинагина ўзгаришга ҳам катта аҳамият беришади. Ҳақиқатдан ҳам 1—2% иқтисодий ўсиш

ҳам катта аҳамиятга эга. Сабаби баъзи мамлакатлар учун 1% ўсиш катта миқдор, яъни млрд.лаб долларни ташкил этади. *Масалан*, Япониянинг ялпи миллий маҳсулотининг 1% и Чехиянинг йиллик ялпи миллий маҳсулотидан кўп. Қашшоқ мамлакатлар учун унча кўп бўлмаган ўсишнинг тушиб кетиши мамлакат аҳолисининг тўйиб овқат емасликдан очарчиликка ўтишини ифодалайди. ✓

Ундан ташқари, қатор йилларда ўсишнинг унча катта бўлмаган фарқи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. *Масалан*, икки мамлакатнинг бирида ўсиш суръати 2,5%, иккинчисида 5% бўлса, ялпи миллий маҳсулотни икки баравар кўпайиши учун бирига  $70:2,5=28$  йил, иккинчисига  $70:5=14$  йил кетади (иқтисодий ўсишни ҳисоблашда иқтисодиётда 70 қондаси мавжуд бўлиб, у ЯММ ни 2 баробар ўсишини аниқлаш учун қанча муддат кераклигини топишда фойдаланилади. Бу қоида қанча вақт кераклигини тезда ҳисоблаш имконини беради. Бунинг учун 70 ни йиллик (ойлик) ўсиш даражасига нисбати ҳисобланади. Юқоридаги мисолимиз бўйича йиллик ўртача ўсиш суръати 3,4% бўлса, ЯММ ёки ЯИМни 2 баробар ўсиши учун тахминан  $70:3,4=20,6$  йил муддат керак экан).

✓ Иқтисодий ўсиш муаммолари ҳозирги пайтда иқтисодий мунозараларда, турли сиёсатдонлар, ҳукумат аъзолари, турли миллат вакиллари мулоқотларида марказий ўрин тутаяди. Чунки реал ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳар қандай хўжалик тизимига хос чекланган ресурслар шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммосини маълум даражада ҳал қилиш имконини беради.

Иқтисодий ўсиш икки: микро ҳамда макро даражада юз беради. Микроиқтисодий ўсиш — бу фирма, корхона, хўжалик доирасидаги ўсиш, микроиқтисоддаги ўсиш натижасида макроиқтисодда ўсишга эришилади. Макроиқтисодий ўсиш бутун мамлакат миқёсидаги ўсиш бўлиб, у микроиқтисодий ўсишнинг мажмуи сифатида юзага келади. ✓

Иқтисодий ўсиш суръати ва кўламига қараб, жамиятнинг иқтисодий аҳволига баҳо бериш мумкин.

✓ XX асрнинг иккинчи ярмидан миллий иқтисодий ўсиш билан боғлиқ уч муҳим муаммога эътибор бериладиган бўлди.

**Биринчи муаммо.** Иқтисодий ўсишдан кўзланган мақсад нима?

Неоклассиклар фикрича микроиқтисодий миқёсда тадбиркорлар ўз олдларига иқтисодий ўсиш орқали максимал даражада фойда олишни кўядилар.

Макромиқёсда-чи? Агарда макромиқёс даражасида ҳам шу мақсад кўйилса, унда маълум қатлам бошқалар ҳисобига боийди. Аҳолининг табақаланиши ҳаддан зиёд кучайиб кетади. Натижада норозиликлар, зиддиятлар, конфликтлар кучаяди. Унинг оқибати мамлакат учун ачинарли тугаши мумкин. Демак, макромиқёсда иқтисодий ўсишга эришишнинг оптимал мақсади барча аҳолини ҳаёт кечиришини яхшилаш, турмуш

даражасини кўтаришдир. Бошқача айтганда барча аҳоли даромадини ўстиришдир.

Ўсиб борувчи иқтисодиёт миллий иқтисодиётда, янги вужудга келаётган, юксалиб бораётган эҳтиёжларни қондириш, шу билан бирга халқаро даражада социал-иқтисодий муаммоларни ечиш имконини беради. Реал иш ҳақининг ўсиши оиладаги эҳтиёжларни чекламай, тўлароқ қондиришга олиб келади. Иқтисодий ўсиш ресурсларни чекланганлиги муаммосини ечишни енгиллаштиради. Инвестицияни кенгайтириш имконини беради. Хуллас иқтисодий ўсиш жамиятнинг ўз олдига қўйган кенг миқёсдаги дастурини амалга ошириш имконини беради.

Жамиятнинг кўзлаган мақсади қай даражада амалга ошаётганини акс эттирадиган кўрсаткич бу аҳоли жон бошига яратилган миллий даромад бўлиб, у кўп жиҳатдан ўсиш суръатига боғлиқ.

**Иккинчи муаммо.** Миллий даромаднинг ўсиш суръати қандай бўлиши керак.

Бу муаммога назариётчилар ҳам, амалиётчилар ҳам бирдек диққатларини қаратишади. Узоқ муддат юқори суръатни сақлаб бўлмайди. Бунинг учун катта ресурслар талаб этилади. Ҳар қандай мамлакат ҳам буни уддасидан чиқолмайди. Ундан ташқари ҳаддан зиёд юқори ўсиш суръати ички иқтисодий мувозанатни бузади. Чунки ҳамма тармоқлар шундай юқори суръатда ривожлана олмайди. Миллий хўжаликнинг барча бўғинлари, тармоқлари ўртасидаги нормал алоқалар бузилади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: жамият учун муҳими етарли даражада стабил иқтисодий ўсишга эришиш. Бу мақсадга қандай омиллар эвазига эришилади, билиш керак.

**Учинчи муаммо.** Қандай омиллар эвазига иқтисодий ўсишни таъминлашнинг оптимал вариантини топиш муаммосидир.

Иқтисодчиларнинг фикрига кўра ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлайдиган омиллар, қуйидагилар:

1. Табиий ресурслар миқдори ва сифати.
2. Меҳнат ресурслари миқдори ва сифати.
3. Асосий капитал ҳажми.
4. Техник тараққиёт ва технология.
5. Инвестициянинг ўсиши.


Буларнинг ҳаммасини таклиф омили деб аташ мумкин. Айнан улар ишлаб чиқаришни ўсишини таъминлайди.

Шу билан бирга **талаб омиллари** ҳам катта рол ўйнайди. Иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотни тўла истеъмол қилиш керак. Бунинг учун ялпи харажатларни кўпайтириш лозим.

Иқтисодий ўсишга **тақсимлаш омиллари** катта таъсир кўрсатади. Айниқса, миллий даромад ва унинг тақсимланиши, миллий даромадда жамғаришнинг ҳиссаси қандай бўлиши ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Бунда ресурслар шундай тақсимланиши керак-ки, улардан фойдаланиб — максимал даражада наф

келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқилсин. Ресурсларни тақсимлаш муаммоси қай тарзда ҳал қилиниши ва қандай қарор қабул қилинишига қараб, айтишлик кўпроқ инвестицион товарлар ишлаб чиқарамизми ёки истеъмол молларими қўйилган мақсадга кўра маълум натижага эришилади.

Ана шу омилларнинг таъсири туфайли ишлаб чиқариш имконияти кенгайди. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш натижасида иқтисодий ўсиш юз беради. Уни графикда қуйидагича тасвирлаш мумкин.



Иқтисодий ўсишнинг барча омиллари бир-бири билан боғлиқ. Бирининг ўзгариши иккинчисининг ҳам ўзгаришига олиб келади.

Ғарб иқтисодчилари иқтисодий ўсишда қайси омил маҳсулот ортишига қай даражада таъсир кўрсатишини ва даромад ўсишида омилларнинг ҳиссасини аниқлашга ҳаракат қилишди. Бу муаммонинг ҳал этилиши омилларни оптимал нисбатда бирлашувини таъминлайди.

Уни топиш учун ишлаб чиқариш функциясида фойдаланилади. Ишлаб чиқариш функцияси маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишига икки омил: меҳнат ва капитал таъсир қилади деб, уларнинг ҳар бирини ҳиссасини аниқлашга қаратилган. XX асрнинг 20-йилларида америкалик олим П. Дуглас статистик маълумотлар асосида буғдой ишлаб чиқаришнинг таҳлил қилади. Унинг ҳисобича 1% меҳнатнинг ўсиши 1% капитал ўсишига қараганда ишлаб чиқаришнинг 3 марта кўп ортишига олиб келар экан. Бу эмпирик тадқиқот тадбиркорга қўшимча капитални кўпайтиргунча, қўшимча меҳнат жалб қилган маъқуллигини кўрсатади. Шундан кейин бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда меҳнат омилига аҳамият бера бошладилар. Меҳнат омилидан самарали фойдаланиш, бунинг учун инсоний омилига инвестицияни кўпайтириш, яъни ишчиларнинг малакасини, билимини оширишга диққат эътибор берилди.

50-йилларда америкалик олим Р. Солоу фан-техника тараққиётига алоҳида аҳамият бериб, уни етакчи омил деб кўрсатади. У АҚШ иқтисодиётининг ривожланишини таҳлил қилиб, 1909—1949 йилларда меҳнат улусининг 80% дан ошиқ ўсиши фан-техника тараққиёти эвазига эканлигини аниқлади. Унинг издоши Э. Денисон 1929—1982 йилларда ФТТнинг

алоҳида компонентлари бўйича иқтисодий ўсишга эришиш борасида уларнинг ҳиссасини аниқлади. Эдвард Денисон ўзининг 1967 йили босмадан чиққан, 1971 йили рус тилига таржима қилинган “Иқтисодий ўсиш суръатларидаги фарқни тадқиқ қилиш”<sup>1</sup> асарида ҳар бир омилнинг ҳиссасини аниқлашга уринган.

**Реал миллий даромаднинг ўсишида турли омилларнинг ҳиссаси**

Миллий даромаднинг ўсиш омиллари	Ҳар бир омилга тўғри келадиган пункт миқдори	Умумий ўсиш суръати %да
Миллий даромад	3,32	100
Умум омил харажатлари	2,0	58
Меҳнат (сифатини ҳисобга олган ҳолда)	1,12	33
Бандлик	0,90	27
Ишланган соатлар	0,17	-5
Банд бўлганларнинг жинси, ёши, таркиби	-0,10	-3
Маълумоти	0,49*	15*
Капитал	0,83	25
Уй-жой	0,25	7
Халқаро активлар	0,05	1
Бино, иншоот, ускуналар	0,43	13
Захиралар	0,10	3
Ер		
Бир бирлик харажат эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот	1,37*	42*
Билимдаги тараққиёт	0,76	23
Ресурслар тақсимидаги тараққиёт	0,29	8
Хўжалик фаолияти юритиш миқёси билан боғлиқ иқтисод қилинган сарф-харажатлар	0,36	11
Талабнинг тасодифий ўзгариши	-0,04	

Катта статистик маълумотлар асосида ҳар бир омилнинг ўзини янада майдалаштириб, алоҳида омиллар тарзида, айтайлик, меҳнат омилини, ишловчилар сони (иш вақти), меҳнатнинг давом этиш муддати, меҳнат қилувчиларнинг жинси, ёши, маълумоти ва ҳоказо тарзида таҳлил қилган. Бу катта материал асосида Россия иқтисодчилари томонидан ихчамлаштирилган жадвал маълумотларидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мум-

<sup>1</sup> Денисон Э. «Исследование различий в темпах экономического роста». М., 1971 й., 550—552-бетлар.

кин. ГФР учун иқтисодий ўсишда ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши катта рол ўйнаган бўлса, Япония иқтисодиётида техник тараққиёт муҳимдир. Умуман олганда Япония иқтисодиётида у ёки бу омилни кўрсатиш қийин. Японияда иқтисодий ўсишнинг ярмини ишлаб чиқариш омилларининг ўсиши, иккинчи ярмини эса техника ва технологиядаги тараққиёт ташкил этади. Денисон ана шу омилларнинг иқтисодий ўсишга таъсири сабабли АҚШ билан мавжуд катта фарқ борган сари қисқариб боришини кўрсатади.

**АҚШ, Япония ва ГФРда иқтисодий ўсиш омилларининг ҳиссаси<sup>1</sup>**

	АҚШ (1950—1962 йиллар)	Япония (1957—1971 йиллар)	ГФР (1950—1962 йиллар)
Меҳнат	1,12	1,85	1,37
Капитал	0,83	2,10	1,41
Техник тараққиёт	0,76	1,97	0,8
Ресурсларни жойлаштириш	0,29	0,95	1,01
Ишлаб чиқариш миқёси	0,36	1,94	1,61
Бошқалар	0,04	0,00	0,00
Ўсиш суръати	3,32	8,84	6,27

Кейинчалик Э. Денисон иқтисодий ўсишни таъминлайдиган омилларни икки гуруҳга бўлиб, улар таркибига аввалига қараганда бошқачароқ ёндашади.

1. Меҳнат сарфи.
2. Меҳнат унумдорлиги.

Унинг ҳисобига кўра реал миллий даромад ўсишининг 32% и меҳнат сарфининг ўсиши натижаси бўлса, 68% и меҳнат унумдорлигининг ўсиши эвазига эришилади.

**АҚШ реал миллий даромадининг ўсиш манбалари<sup>2</sup>**

	Иқтисодий ўсиш омиллари	Ҳар бир омилнинг ҳиссаси (% ҳисобида)
1.	Меҳнат сарфининг ўсиши	32
2.	Меҳнат унумдорлигининг ўсиши	68
а)	Техника тараққиёти	28
б)	Капитал харажатлари	19
в)	Таълим ва касбий тайёргарлик	14
г)	Ишлаб чиқариш кўлами келтирган тежам	9
д)	Ресурслар тақсимотининг яхшиланиши	8
е)	Мавжуд қонун-қоидалар ва бошқа омиллар	-9

<sup>1</sup> Бартенев С.А. “Экономические теории и школы”. Курс лекций. БЕК, М., 1996 й., 216-бет.

<sup>2</sup> Кемпбелл Р. Макконэлл, Стенли Л. Брю “Экономика”, 417-бет.



Умуман олганда барча омиллар бир-бири билан боғлиқ.

Иқтисодий ўсишга таъсир этадиган омиллар орасида меҳнат омили алоҳида ўрин тутди.

Меҳнат сарфи даражасига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Иш кучининг миқдори билан биргаликда сифат даражаси ҳам муҳим рол ўйнайди. Жамият миқёсида сарфланган меҳнат ҳажмига мамлакатдаги аҳоли ва ишловчиларнинг сони, ҳамда иш вақти таъсир қилса, меҳнат унумдорлигига техника тараққиёти, инвестиция, ишловчиларнинг маълумоти, малакаси, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқалар таъсир этади.

Иқтисодий ўсишнинг яна бир муҳим омили капитал харажатлар. У асбоб-ускуна, бино-иншоотлар, ҳамда товар захираларини ўз ичига олади. Асосий капитал уй-жой фондини ҳам ўз ичига олади, чунки уй эгалари кўрсатиладиган хизматдан манфаат кўришади. Капитал харажатларига жамғариш нормаси, асосий капитал ҳажми, капитал билан қуролланиш даражаси ва бошқалар таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда ер табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати ҳам катта рол ўйнайди.

Шу билан бирга табиий ресурсларнинг мавжудлиги иқтисодий ўсиш учун етарли эмас, муҳими улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш.

Фан-техника тараққиётининг нақадар муҳимлигини эслатишнинг зарурияти ҳам йўқ, чунки у иқтисодий ўсишнинг двигатели ҳисобланади.

Жадвалдаги охириги омил минус билан ифодаланган, унинг сабаби қонуний тадбирлар, жумладан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун жарима ва солиқларни киритилиши иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади.

Иқтисодий ўсишни кўшимча ресурсларсиз амалга ошириб бўлмайди. Кўшимча ресурслар инвестицион ресурслар деб аталади.

Инвестиция борган сари фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда муҳим рол ўйнайди.

Иқтисодий ўсишга қандай омиллар орқали, қандай сарф-харажатлар эвазига эришилганлигига қараб иқтисодий ўсиш икки типга ажратилади: экстенсив ва интенсив.

Иқтисодий ўсишнинг **экстенсив** (лотинча *extensivuz* — кенгаювчи) усулида иқтисодий ўсишга кўшимча ишлаб чиқариш ресурсларини жалб қилиш эвазига эришилади. Бунда ишлаб чиқаришнинг техник асослари эскича қолади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ишчилар сонининг ортиши, ускуна, энергия, хом ашё ва бошқаларни кўпайиши ҳисобига ортади. Шунинг учун ҳар бир ишловчига тўғри келадиган маҳсулот миқдори, яъни меҳнат унумдорлиги аввалгича қолади.

Экстенсив иқтисодий ўсиш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг тарихан дастлабки энг оддий йўлидир.

Экстенсив ўсишнинг афзаллиги шундаки, у иқтисодий ўсиш-

ни таъминлашнинг энг осон йўли. Бунда табиий ресурсларни тезда ўзлаштириш ҳамда нисбатан тез фурсатда ишсизликни қисқартириш мумкин.

Шу билан бирга у қатор камчиликларга ҳам эга. У техника турғунлигига олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши харажатларни кўпайтириш туфайли юз беради. Сарфланган харажатлар яхши ишлатилганда ҳам, маҳсулот ўсиши харажатлар ўсишига пропорционал бўлади. Масалан, кунига 500 кг дан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех мавжуд. Агарда макарон ишлаб чиқаришни 2 баробар кўпайтиришни мақсад қилиб қўйсақ, экстенсив усул қўлланадиган бўлса, яна битта худди шундай цех қурилади. Собиқ Иттифоқда 1971—1975 йилларда миллий даромадни 1% га ўстириш учун асосий ишлаб чиқариш фондлари (ишлаб чиқаришга қўйилган асосий капитал) 1,7% га, материал харажатлари 1,2% га кўпайтирилган. Ишчилар сони 1/5 га кўпайиб, меҳнат унумдорлиги 4/5 ўсган холос.

Ресурслар чекланган, эҳтиёжлар эса тобора юксалиб бораётган шароитда экстенсив ўсишнинг истиқболи йўқ. Ресурслар тобора ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун етишмайди. Бир томондан хом ашё, энергия манбаларини ўзлаштириш учун тобора кўпроқ меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари сарфланади. Иккинчи томондан борган сари табиий ресурслар захираси камайиб боради. У табиатни асраш, авайлаш, ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш талабларига жавоб бермайди.

Шунинг учун иқтисодий ўсишнинг интенсив йўлига ўтилади. (Иқтисодий ўсишнинг **интенсив** (intensif — тигизлик, зўр бериш) усули нисбатан мураккаб бўлиб, ўсиш ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш ҳисобига, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланади. Бунда ресурслар бирлигига тўғри келадиган маҳсулот миқдори ўсади. У ФТТ ютуқларидан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш;

- банд бўлганларнинг малакаси, маҳоратини ошириш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, ассортиментини янгилаш ҳисобига эришилади.

Натижада меҳнат унумдорлиги ўсади, асосийси ресурслар тежалди.

Интенсив усулнинг қуйидаги шакллари мавжуд: меҳнатни тежовчи, капитал тежовчи, универсал.

Иқтисодий ўсишнинг меҳнатни тежовчи шакли ишлаб чиқаришга янги техника технологияни жорий қилиш билан боғлиқ. Бу даврда ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш илдам ривожланади.

Капитални тежовчи шаклида нисбатан самарали машина-ускуналарни қўллаш, хом ашё, материалларни тежаш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш эвазига эришилади. Капиталнинг техник тузилиши, капитал (фонд) билан қуролланиш даражаси ўзгармайди ёки ўсиш суръати пасаяди. Бу жа-

раён, айниқса маҳсулотни арзонлаштирадиган, юқори унумли автоматик ускуналар, полимерлар химияси ютуқларига ва бошқа ишлаб чиқаришнинг юқори самарали хом ашё материалларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда ўз ифодасини топди.

Интенсив тарзда иқтисодий ўсишнинг универсал шаклида ресурсларни тежашнинг барча усуллари қўлланилади. Натижада иқтисодий ўсишнинг янги сифат даражасига эришилади. Бунда ишлаб чиқаришнинг тежамкорлиги юқори, техника даражаси ўсади ва маҳсулотнинг сифати яхшиланади, фан сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаяди, пировард маҳсулот кўпаяди, истеъмолнинг улуши ўсади.

Умуман олганда иқтисодий ўсиш соф интенсив ёки экстенсив тарзда юз бермайди. Иқтисодий ўсишга эришишда омилларнинг ҳиссасига кўра устун даражада экстенсив, ёки устун даражада интенсив ўсиш бўлиши мумкин.

70-йилларда илгари сурилган ғоялардан бири **нол даражадаги иқтисодий ўсиш концепциясидир**. У ўсиш оқибатлари билан боғлиқ муаммоларга бағишланади. Бу муаммо энг аввало борган сари хом ашё ресурсларини кўплаб ишлатиш билан боғлиқ. Борган сари хом ашё ва ёнилғи ресурслари камайиб, аҳолининг эҳтиёжлари эса ўсиб бормоқда. Ана шу муаммони ҳал қилиш мақсадида АҚШдаги Массачусетс технология институтининг профессори Денис ва Донэлла Медоуз раҳбарлигида бир гуруҳ иқтисодчилар “умуминсоний фалокат хавфи туғрисида пародоксал хулоса” чиқаришади. Уларнинг фикрича яқин 100 йил давомида ресурслар камайиб, тугаб боради. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсишни ҳам камайиб, турғунликка тушишига олиб келади. Ер юзиде инсонлар сони ўсишининг ҳозирги тенденцияси маълум бир чегарага — ресурсларни аёвсиз ишлатиш ҳам, табиий катаклизмга олиб келади.

Техник тараққиёт эса атроф-муҳитни ифлослантиришга, шовқин-суронни кучайишига, ҳайвонлар, балиқларнинг кескин камайиб кетишига, тоза ичимлик суви манбаларини қуришига олиб келади.

Ундан ташқари саноат ва маиший чиқиндилар муаммоси ҳам тўла ҳал этилмаган. Товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши аҳоли турмуш кечириш сифатини пасайишига олиб келади.

Уларнинг асосий камчилиги иқтисодий ўсиш келтириб чиқарадиган асосий салбий оқибатларни кўрсатиш билан чекланиш, уларни чеклаш, камайтириш учун аниқ таклифлар ва тавсияномаларни йўқлигидир. Энг асосий муаммо бу ана шу хавфни бартараф этиш йўлларини топишдир.

Уларнинг оппонентлари бўлган мутахассислар бу муаммоларни ҳал этилишида ҳар бир мамлакатда, регионларда ўзига хос ёндашмоқликни эътироф қилишади. Шу билан бирга умумий услублар мавжудлиги ҳам эслатилади. Бу табиий ресурсларни ишлатиш ва атроф-муҳитни булғашни чеклайдиган қонун-

лар қабул қилишдир. Ҳозирги замон технологияси ютуқларидан фойдаланиб, табиий ресурсларни қазиб олиш, қайта ишлашдаги йўқотишларни иложи борича энг паст даражага келтириш вақти келганини таъкидлашади.

Нол даражадаги иқтисодий ўсиш концепцияси тарафдорлари билан мутахассислар ва тадқиқотчилар иқтисодий ўсиш тўғрисида мунозарага киришиб, иқтисодий ўсиш тенденциясини ўзгартириш керак деган хулосага келишади. Улар иқтисодий ўсишга юксалаётган эҳтиёжлар билан чекланган ресурслар ўрта-сидаги қарама-қаршиликларни юмшатиш шарти тарзида қараган маъқул деган фикрни илгари суришади.

Маълумки, социал ривожланишнинг энг кескин долзарб муаммоларини товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг кенгайтирмай ҳал этиб бўлмайди.

Харажатларга ҳам бошқача ёндашиш талаб этилади. Харажатлар таркиби аввалгидан ўзгарди. Илгари “пропорционал” бевосита ишлаб чиқариш харажатлари асосий рол ўйнаса, ҳозирги пайтда “қўшимча харажатлар”, яъни инфратузилма, фан, маориф, соғлиқни сақлаш харажатлари ўсиб борапти.

Бу харажатларга табиий ресурслар сарфлари, меҳнат унуми потенциалини ўстириш, меҳнаткашларни соғлиги ва фаоллигини таъминловчи омил сифатида киритилади.

Атроф-муҳитни ифлосланишига сабаб иқтисодий ўсиш эмас, балки нархлардир, дея таъкидлашади улар.

Фан-техника тараққиёти харажатларни минималлаштиришга олиб келади. Ишлаб чиқариш билан одамлар нисбатан кам банд бўладилар. Энергия ва анъанавий ресурслар сарфи камаяди. Ҳозирги замон технологияси фанга таянади. Технологиянинг ўзи ҳам фанга ўхшаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун бебаҳо, ўлчаб бўлмас даражада фойда келтириши мумкин. У турли мамлакатларда иқтисодий ўсиш билан боғлиқ муаммоларни ечишда самарали вариантлар топиш имконини беради.

Иқтисодий ўсишни ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромад кўрсаткичлари орқали ифодалаш билан бирга, иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллар ва уларнинг нисбати орқали ҳам баҳолаш мумкин.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни уч омил: меҳнат, капитал ва ер (табиий ресурслар) таъминлайди. Ундан келиб чиқиб, жами маҳсулотни меҳнат харажатлари  $L$ , капитал  $K$ , табиий ресурслар  $N$ , функцияси  $Y$  сифатида кўриш мумкин.

$$Y = f(L, K, N)$$

Иқтисодий ўсишни характерлашда ана шу омилларни қўллашдан олинган натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

**Биринчидан**, иқтисодий ўсишнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб, меҳнат унумдорлиги ёки унга тескари кўрсаткич, меҳнат сифи-

ми ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигини маҳсулот ҳажмининг меҳнат харажатларига нисбати  $Y/L$ , меҳнат сифимини эса меҳнат харажатларнинг маҳсулот ҳажмига  $L/Y$ , нисбати тарзида аниқланади.

**Иккинчидан**, иқтисодий ўсишни ва уни қайси тип асосида юз беришини кўрсатишда капитал унумдорлиги ёки унга тесқари кўрсаткич капитал сифимидан фойдаланилади.

Капитал унумдорлиги маҳсулот ҳажмини сарфланган капиталга (одатда асосий капитал)  $Y/K$  нисбати, капитал сифими эса аксинча капитал ҳажмини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати  $K/Y$  тарзида ҳисобланади.

**Учинчидан**, иқтисодий ўсишни кўрсатадиган муҳим кўрсаткичлардан бири табиий ресурслар ер, энергия ва бошқаларнинг унумдорлиги ёки аксинча ресурслар сифимидир.

Ресурслар унумдорлиги маҳсулот ҳажмининг ресурслар ҳажмига нисбати  $Y/N$ , ёки аксинча ресурс сифими ресурслар ҳажмининг маҳсулот ҳажмига  $N/Y$  нисбати тарзида ҳисобланади.

Ундан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида омилларнинг бир-бирига нисбати тарзида ҳам кўриш мумкин. Бундай кўрсаткичлардан аввало капитал харажатлари билан меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбат ( $K/L$ ) яъни меҳнатни капитал билан қуролланиш даражаси ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Иқтисодий ўсишни характерлашда меъёрий унумдорлик кўрсаткичи ҳам муҳим ўрин тутаети.

У қўшимча сарфланган меҳнат, капитал ва табиий ресурслар харажатиға тўғри келадиган қўшимча олинган маҳсулот сифатида ҳисобланади.

Уни қуйидагича аниқланади:

$$Y = \frac{\Delta Y}{\Delta L} \cdot L + \frac{\Delta Y}{\Delta K} \cdot K + \frac{\Delta Y}{\Delta N} \cdot N.$$

Шундай қилиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми шу маҳсулот учун зарур омиллар ва уларнинг меъёрий унумдорлигига боғлиқ бўлади.

## 2-§. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА МИЛЛИЙ БОЙЛИК

Иқтисодий ўсиш натижасида жамият бойиб боради, сабаби иқтисодий фаолият натижасида жорий эҳтиёжларни қондириш билан чекланмай, яратилган неъматларнинг бир қисмини жамғариш имкониятини вужудга келтиради. Ана шу имкониятни реализация қилиниши натижасида неъматларнинг бир қисми бойликка айланади. Бойлик тушунчаси иқтисодий назарияда кенг қўлланилади. Уни дастлаб У. Петти ишлатган ва бойлик миқдорини ҳисоблашга уринган. 100 йил ўтгач А. Смит уни тақдорлаб, яратилган моддий неъматларни жамғарилишини бой-

лик деб атаган. Бойликни моддий неъматлар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнати туфайли кўпайиб боради деб кўрсатган, ҳамда “Миллий бойлик” ғоясини илгари сурган.

Ҳозирги пайтда миллий бойлик умумиқтисодий категория сифатида ўрганилади. Чунки ҳар қандай жамият ички тузилиши қандай бўлишидан қатъи назар маълум даражадаги бойлигига таянади. Миллий бойлик жамиятнинг, мамлакатнинг бойлигидир. **Миллий бойлик муайян жамиятнинг асрлар оша, ўз тарихи давомида тўплаган неъматларнинг жамидир.**

Миллий бойлик кенг маънодаги тушунча. Унга турли жиҳатдан ёндашиш мумкин. Миллий бойликка унинг таркиби нуқтаи назаридан ёндошсак, унинг унсурлари моддий-буюмлашган шаклдами ёки йўқлигига кўра: моддий буюмлашган ва номоддий бойликка ажратиш мумкин.

Моддий буюмлашган бойлик таркибига асосий, айланма капитал (фонд), шахсий мулк (уй жой, рўзгор буюмлари), табиат инъом этган табиий бойликлар киради.

Иккинчи қисмига эса аҳолининг саломатлиги, маданий-маънавий, интеллектуал салоҳияти, тўплаган билими, малака маҳорати мажмуи киради.

Миллий бойлик яратилиши, манбаи, жиҳатидан инсонлар меҳнати маҳсулими ёки йўқлигига кўра:

а) асрлар оша ҳамма авлодлар меҳнати билан яратилган, жамғариб келинган моддий ва номоддий бойлик;

б) авлоддан-авлодга ўтиб келган табиат инъом этган табиий бойлик (ер, фойдали қазилмалар, ўрмон кабилар)дан иборат.

Миллий бойликка қайси авлод яратганига кўра табақаланиши нуқтаи назаридан қарасак:

а) авлоддан-авлодга ўтувчи

б) бир авлод ҳаёти давомида яратилиб, истеъмол қилиб тугатиладиган бойликка ажратиш мумкин.

*Биринчисига*, бир неча авлодга хизмат қилиши мумкин бўлган бойликлар, тарихий обидалар, бино иншоатлар, каналлар, сув омборлари, темир йўллар, автомобил йўллари ва ҳоказолар киради.

*Иккинчиси*, асбоб-ускуна, машиналар, турли ашёлар ва ҳоказолардан иборат бўлиб, бир авлод ҳаёти давомида ишлатилиб бўлади ва такроран бир неча марта яратилади.

✓ Миллий бойлик қатор хусусиятларга эга. Улар қуйидагилар:

- Меҳнат натижасида яратилиб, кўпайиб боради.
- Маълум бир қисми жамғарилиб боради.
- Такроран яратилади, ишлатилади, истеъмол қилинади.
- Муайян мол-мулк сифатида жамият тасарруфида бўлади.

У айрим кишилар, оила, жамоа, турли уюшмалар ёки давлат мулки бўлиши мумкин. Неъматлар бойлик бўлиши учун мулк бўлиши зарур. ✓

Миллий бойлик миқдори пул воситасида ўлчанади. Аммо

бойликнинг шундай унсурлари борки, уларни пул билан ифодалаб бўлмайди. Уларга нисбатан бебаҳо деб таъриф берилади. Улар тарихий обидалар, қўлёмалар, ноёб ва бетакрор антиквар буюмлар ва бошқалардан иборат. Ундан ташқари аҳоли, унинг соғлиги, интеллектуал салоҳияти кабиларни ҳам пул билан ўлчаб бўлмайди.

Миллий бойликка дастлабки баҳо 1789 йилда Францияда берилган. АҚШ да эса 1805 йилда, собиқ Иттифоқда дастлаб XX асрнинг 30 йилларида миллий бойлик миқдорини ўлчашга ҳаракат қилинган. Ўша пайтда статист Вайнштейн Россиянинг миллий бойлигини 1914 йил 1 январ ҳолати бўйича ҳисоблаган.

Республикамиз мустақилликка эришгач Ўзбекистон ўз миллий бойлигининг эгасига айланди. 1992 йили биринчи бор Ўзбекистон миллий бойлиги миқдори ҳисоблаб чиқилди. Ана шу ҳисоботга кўра Ўзбекистоннинг миллий бойлиги (ер, ер ости бойликлари, ўрмонлар қиймати киритилмагани ҳолда) нинг 55,3% асосий капитал (фондлар, ишлаб чиқаришда банд бўлган асосий капитал 36,2%) моддий оборот маблағлари 22,1%, аҳолининг жамғарилган мол-мулки 22,6%ни ташкил этган.

Ҳозирги пайтда миллий бойлик миллий ҳисоб тизими методологияси асосида ҳисобланади.

**Миллий бойликка уни ҳисоблаш методи нуқтан назаридан таъриф берсак** қуйидагича ифодалаш мумкин.

Миллий бойлик – тараққиёт асоси бўлиб, у мамлакат ихтиёридаги меҳнат туфайли яратилиб, жамғарилган моддий неъматлар, олтин, чет эл валюталари, номоддий активлар ва қадриятлар, ҳисобга олинган ва хўжалик оборотига жалб этилган ер ва табиий ресурслардан иборат.

Миллий ҳисоб тизими бўйича миллий бойлик молиявий ва номолиявий активларга бўлинади.

**Молиявий активларга** – олтин, пул массаси, чет эл валюталари, чет эл молиявий мажбуриятлари, халқаро валюта фондининг (махсус ўрин босиш ҳуқуқи СДР) махсус пул бирлиги евро, чет эл эмитентлари томонидан чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, облигациялар, сертификатлар ва бошқалар) кирази.

**Номолиявий активларнинг ўзи иккига бўлинади:**

- тақрор ишлаб чиқариладиган;
- тақрор ишлаб чиқариб бўлмайдиган.

Тақрор ишлаб чиқариладиган номолиявий активлар моддий ва номоддий активларга бўлинади.

Моддий активлар: асосий капитал, айланма капитал, тайёр маҳсулот мол-мулк кабилардан иборат.

Номоддий активлар мамлакат аҳолисининг интеллектуал даражасини ифодаловчи ихтиролар миқдори, мавжуд саноат янгиликлари намуналари, лицензиялар, патентлар, ноу-хау, аҳолининг маълумоти, малақаси даражаси кабиларни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариб бўлмайдиган моддий активларни ҳисобга

олинган, хўжалик оборотига жалб этилган ер ва бошқа табиий ресурслар ташкил этади.

Жамиятнинг миллий бойлиги унинг иқтисодий куч-қувватини, яъни иқтисодий потенциални ташкил қилади. Иқтисодий потенциал жамиятнинг ишлаб чиқара олиш қобилияти, ишлаб чиқариш имкониятини ифодалайди.

**Иқтисодий потенциал** ўз ичига **меҳнат, интеллектуал, техника-технология, табиий потенциални** олади.

**Меҳнат потенциали** ишлаб чиқаришга лаёқатли, билим, малага, маҳоратга эга бўлган кишилардан иборат бўлса, **интеллектуал потенциал** жамият аъзоларининг илмий, маърифий, маънавий, интеллектуал салоҳиятини кўрсатади.

**Техника-технология** потенциали мамлакатдаги машина-механизмлар миқдори, уларнинг таркиби, технологик тизим кабилардан иборат бўлиб, у фан ютуқлари ва уларни қай даражада татбиқ этилиши билан боғлиқ.

**Табиий потенциал** табиий ресурслар миқдори ва сифати, мамлакатнинг иқлими, табиий-географик шарт-шароитларини ўз ичига олади.

Иқтисодий потенциал унсурлари биргаликда амал қилади, бир-бирини тўлдиради, ўрнини босади. *Масалан*, Япония, Жанубий Корея ва қатор Ғарбий Европа мамлакатларида табиий ресурсларнинг камёблиги техника-технология воситасида ортиги билан қопланади.

Ўзбекистон табиий ва меҳнат ресурсларига бой. Қидириб топилган ва ҳисобга олинган турли қазилма бойликларнинг қиймати 3 триллион АҚШ долларига тенг. Ер майдони 44740 минг гектарни ташкил этади. Аҳолининг ярмидан кўпи меҳнатга лаёқатлилар бўлиб, унинг 45% ёшлардан иборат.

Ҳозирги пайтдаги муҳим муаммо ана шу потенциалдан самарали фойдаланишдир. Шунинг учун ҳам республикамизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий потенциалдан самарали фойдаланиш ва иқтисодий ўсишга эришишни таъминловчи куч, бозор механизми эканлигини ҳаёт тажрибаси кўрсатди. Республикамизда иқтисодиётнинг барча жабҳаларида, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотлар амалга оширилиши, иқтисодиётни эркинлаштириш иқтисодий потенциалдан, ресурслардан тежамкорлик билан самарали фойдаланишга қаратилган.

### 3-§. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ЦИКЛЛАРИ

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири унда иқтисодий ўсишнинг тебранишлар асосида юз беришидир, бошқача айтганимизда циклли ҳаракатга эга эканлигидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, кўпроқ фойда олиш учун иложи борича кўпроқ ишлаб чиқариш, янги бозорларни эгаллаш учун зўр



бериб ҳаракат қиладилар. Таклиф шу даражада кўпайиб кетадики, натижада фойда олиш у ёқда турсин, харажатларни қоплаш ҳам муаммога айланади. Ишлаб чиқариш тушкунликка тушади. Бу ҳолат вақти-вақти билан такрорланади. Ана шу иқтисодиётда юксалиш (равнақ)нинг маълум муддатда тушкунлик билан алмашиб ва такрорланиб туришини иқтисодий цикл деб юритилади. Кўпгина иқтисодчилар бу ҳолатни тадқиқ қилиб, ўз фикрларини, назарий ҳулосаларини илғари суришган. Иқтисодиётни циклли ривожланишининг сабаби нима эканлигини тушунтириб беришга ҳаракат қилишган. Классик сиёсий иқтисод намояндалари У. Петти, А. Смит, Дж. С. Милл бу муаммога тўхташмаган.

Иқтисодчиларнинг асосий қисми иқтисодиётни ривожланишининг циклли характерга эга экани объектив жараён дейишади. Лекин унинг келиб чиқиши сабабини турлича тушунтиришади. Уларни асосан уч гуруҳга бўлиш мумкин. Бир гуруҳ иқтисодчилар иқтисодиётни циклли ривожланишини экстернал (ташқи) омиллар билан боғласалар, иккинчи гуруҳ иқтисодчилар интернал (ички) омиллар билан боғлайдилар, учинчи гуруҳ иқтисодчилари эса ҳар икки омил сабабчи деб кўрсатадилар.

Иқтисодиётда кризис — танглик бўлишига дастлаб тамаил тошини пул қўйган десак бўлади. Чунки пул вужудга келиши билан, биринчидан; олиш ва сотиш бир вақтда, бир жойда юз бермайдиган бўлди. Иккинчидан; пул тўлов воситасини бажара бошлади. Меҳнат унумдорлиги паст бўлган шароитда бу ҳодисани юзага чиқа олмаслиги аён. Қачонки меҳнат унумдорлиги ўсиб, иш қуроллари такомиллашиб, оғир жисмоний қўл меҳнати механизмлар ёрдамида бажариладиган даврга келгандан сўнггина бу жараён юзага чиқди.

Иқтисодиётни циклли ривожланишини ташқи омилларга боғлаб изоҳловчи экстернал назария асосчилари бундай омиллар сифатида қуйидаги омилларни алоҳида ажратиб кўрсатишади. Иқтисодиётни циклли ривожланиши:

- қуёш активлиги цикли билан;
- урушлар, революция, бошқа сиёсий ларзалар;
- йирик олтин, уран, нефт ва бошқа камёб, қимматбаҳо ресурсларнинг топилиши;
- янги ҳудудларни ўзлаштириш натижасида ишчи кучи миграциясининг юз бериши;
- техника-технологиядаги йирик ихтиролар бутун ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириши.

Иқтисодиётни циклли ривожланишини ички омиллар билан боғловчи иқтисодчилар асосан қуйидаги омиллар;

- машина ва ускуналарнинг хизмат қилиш даври;

---

<sup>1</sup> Кризис — юнонча krisis сўздан олинган бўлиб танглик, оғир аҳвол бўлиши демакдир.

- асосий капиталнинг ҳаракати;
- шахсий истеъмол ҳажми билан ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражаси;
- инвестициялаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- давлатни иқтисодий сиёсати сабаб бўлади, деб кўрсатишади.

Учинчи гуруҳ иқтисодчилар иқтисодиётни циклли ривожланишига соф ички ёки ташқи омилларни эмас, балки уларнинг ҳар иккисини турлича комбинациялашган вариантларини кўрсатишади.

**Соф монетар назария.** Бу назария тарафдорларининг фикрича бозор иқтисодиётида марказий ўринни пул ва кредит эгаллайди. Иқтисодиётнинг циклли ўзгариши энг аввало пул массасининг оқимини ўзгартиришига боғлиқ.

Иқтисодий фаолиқнинг ўсиши, иқтисодиётнинг равнақ топиши уни депрессия (турғунлик) билан алмашиб туришига ягона сабаб пул оқимининг ўзгаришидир. Товарларга талабнинг ортиши натижасида савдо, чакана нарх ўсади (пул оқими ўзгаради), ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади. Талаб камайса савдо сусаяди, нарх пасаяди, ишлаб чиқариш қисқаради.

Пул оқими (истеъмол харажатлари суммаси) пул миқдорининг ўзгариши натижасида ўзгаради. Пул миқдорининг камайиши — тўғридан-тўғри дифляция-иқтисодий фаолият фаолигини заифлаштиради.

Пул оқимини барқарорлаштириш қийин иш. Сабаби пул ва кредит тизимига беқарорлик хос. Ҳозирги пайтда кредит пуллари асосий тўлов воситаси сифатида ишлатилади. Муомала воситаси сифатида ҳам кредит пуллар асосий рол ўйнайди. Айнан банк тизими кредит пулларини яратади, ҳар қайси банк кредит пулларни кўпайтириш имконига эга эмас, лекин бутун банк тизими бундай имкониятга эга. Пул оқимини ўзгаришида ҳисоб ставкаси катта рол ўйнайди. Бу назариянинг айрим намояндлари пулни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қараб, мувозанатни бузилишига асосий сабаб деб кўрсатадилар.

Иккинчи гуруҳи эса пул тизими мутаносибликни бузмайди, фақат мутаносибликни бузилишига олиб келувчи бошқа омиллар учун шароит яратади, деган фикрни илгари сурадилар. Мувофиқ равишда монетар ва номонетар йўналиш вужудга келди. Монетар назариянинг диққатга сазовор томони қуйидагилар:

1) юксалиш фазаси даврида кредитни кенгайтириш туфайли келиб чиққан ишлаб чиқариш структураси диспропорциясини таҳлил қилинади;

2) кризислар ана шу нисбатларнинг бузилиши оқибати деб талқин қилинади.

Шундай қилиб, бу назария вақт-вақти билан жамғаришни кўпайиб кетиши ва мутаносибликни бузилишига пул сабаб бўлади, деб кўрсатишади. Номонетар назария тарафдорлари эса тех-

нологик ўзгаришлар, янгиликлар, ихтироларни аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, пул жамғаришнинг кўпайиб кетишидаги ролини кўрсатишади. Монетар ва Номонетар йўналиш ўртасидаги фарқ унча катта эмас, бири иккинчисини тўлдиради.

Иккала назария ҳам охир-оқибат иқтисодий фаолликни кучайтишига инвестиция сабаб бўлади, истеъмол эмас деган фикр-ни илгари суришади.

Иқтисодий циклларни истеъмол товарларига талабни ўзгаришига боғлаб, акселерация (accelerator — тезлаштирувчи) принципига диққат қаратишади. Бу принцип моҳиятига кўра техник сабаблар туфайли истеъмол товарларига бўлган талабнинг озгинагина ўзгариши ишлаб чиқариш учун зарур товарларга талабни кескин ўзгаришига олиб келади.

**Етарлича истеъмол қилмаслик назарияси.** Бу назариянинг моҳияти кўпроқ жамғариб самарали даражада истеъмол қилмаслик жамиятни цикли ривожланишининг сабаби қилиб кўрсатилади.

1. Маблағ (пул)ни жамғариш, бошқача айтганда хазинага айлантириш депрессияга олиб келиши мумкин, чунки бу маблағ инвестициялаш учун фойдаланилмайди.

2. Пулни жамғариш истеъмол товарларига талабни қисқаришига олиб келади. Чунки у истеъмолга сарфланмайди.

3. Натижада инвестицияга қараганда борган сари пул шаклида жамғариш ўсиб бориб, истеъмол товарларига талаб камайиб боради, таклиф эса ортади, нарх эса пасаяди, истеъмол товарлари бозоридаги қийинчиликлар кризисга олиб келади.

Муаммо, юксалишдан турғунликка тушишининг сабаби капиталнинг етишмаслигими ёки истеъмол товарларига талабнинг етарли эмаслигини аниқлашнинг қийинлигидир.

**Жамғариш назарияси.** Бу назарияга кўра иқтисодий цикл ишлаб чиқариш воситалари ёки капиталлашган инвестицион товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Кундалик истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ва ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш цикллари ўртасида катта фарқ бор.

Кундалик истеъмол моллари ишлаб чиқаришда цикли тебранишлар кичик бўлса, капитал товарларда эса аксинча катта тебранишлар юз беради. Юксалишда кўпроқ ҳажми ўсади, тушкунликда эса кўпроқ қисқаради.

Кундалик молларни доимо истеъмол қилинади. Уларни истеъмол миқдори ўзгарган тақдирда ҳам унча катта ўзгаришлар содир бўлмайди.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар (кир ювиш машинаси, автомобил, телевизор, уй-жой ва ҳ.к.) ни доимо харид қилинмайди. Даромади кўпайган пайтда сотиб олинади. Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларга талаб барқарор эмас. Ишлаб чиқаришни давом эттириш учун капитал товарлар ишлаб чиқариш зарур.

Истеъмол ўсган сари капитал товарларга талаб ҳам ортади. Бунда ишлаб чиқариш таркибида диспропорциялар юз беради, яъни истеъмол товарлари, узоқ муддат фойдаланиладиган ва капитал товарлар ўртасида нисбатлар бузилади.

Кризиснинг сабаби пул етишмаслиги, банк резервларининг камлиги туфайли эмас, балки ана шу нисбатларнинг бузилишидир. Лекин кўпгина иқтисодчилар, айниқса амалиётчилар етарлича истеъмол қилмаслик кризиснинг сабаби эмас, балки унинг оқибати деб таъкидлашади. Яъни кишилар даромадларини кўпроқ жамғаришга ажратганларидан эмас, балки тўлов қобилиятини етарли эмаслигидан, яъни харид қилиш учун пулини йўқлигидан келиб чиқади.

**Психологик назария.** Иқтисодиётни цикли ривожланишини тушунтиришида иқтисодий назариялар билан бир қаторда борган сари психологик назариялар кенг ўрин олиб бормоқда. Психологик назария муаллифларига Кейнс, Митчелл, Хаек ва бошқаларни киритиш мумкин. Уларнинг фикрича инсонлардаги оптимизм ва пессимизм фаолият активлигига объектив иқтисодий омиллар: процент нормаси, пул оқими, фойда ва бошқалар таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришнинг қисқариши ёки кенгайишига олиб келади.

Кредитнинг кенгайиши, талаб ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши одамларнинг кайфиятини чоғ қилиб, руҳиятини кўтаради ёки аксинча. Ундан ташқари кишилар борган сари ликвидлилиги юқори бўлган пул жамғаришга мойиллиги ортиб бориши ва у ўз навбатида иқтисодий ривожланишга таъсир этишини кўрсатишади.

Иқтисодий циклар сабабини таниқли иқтисодчи Джон Хикс (1904—1989) ўзидан аввалги қатор тадқиқотчилар фикрини умумлаштирган ҳолда қуйидагича изоҳлайди. Хикс концепциясида икки барьер (тўсик) “том” ва “пол” асосий рол ўйнайди.

Даромад ҳаракати юқори барьер (том)га қараб юз беради. Натижада тўла иш билан бандликка эришилади. Реал даромадлар ўсиши тўхтабди. Реал даромад ўсмагандан кейин капитал қуйилмалар қисқаради, чунки унинг миқдори даромад ўсиш даражасига боғлиқ. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг ўсишини тўхтатади.

Иккинчи барьер инвестициялар қисқаришининг чегараси билан боғлиқ. У нолга тенг бўлиши мумкин эмас. Сабаби ялпи инвестициянинг маълум қисми эскирган капитални янгилашга кетади. Қисқариб бораётган инвестиция “нол”га етгач энди қисқариш, даромадларнинг пасайиши ҳам тўхтабди. Сўнгра даромад ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши бошланади. Даромадларнинг пасайиши, ўсиши билан алмашиб туриши цикли тебранишларда ифодаланади.

Шунга ўхшаш назарияни П. Самуэлсон илгари сурган. Иқтисодчилар — бу назарияга “Бильярд столи” номини беришган. Бу назарияга мувофиқ, циклнинг қайрилиш босқичи шундай

пайтда бошланадики, бунда ҳамма луза (шарчалар уриб тушириладиган чукурча)лар тўлади, иқтисодиёт худди шундай ҳолатга тушиб, яъни ҳамма имкониятлардан фойдаланиб бўлади, иложсиз орқага кетиш бошланади.

Бунга сабаб талаб билан таклифнинг бузилишидир. Инвестицияларни, давлат харажатларини қисқартириш шундай мувозанат бузилишига олиб келади.

Ялпи талаб кескин қисқариб кетади. Иқтисодиёт энди бошқа мувозанат нуқтасини топиши керак. Нарх ҳам равнақ (бум) босқичида бу жараён аксинча тенденцияда давом этади.

Иқтисодиётни циклли ривожланишининг асосий сабаби, иқтисодиётдаги диспропорцияларни вужудга келиши билан изоҳловчи, кўзга кўринган иқтисодчи Фридрих Хаек Самуэлсондан фарқли равишда пропорцияларни бузилишида давлат томонидан молиялаштириш (арзон кредит, махсус молиявий дастурлар) муҳим рол ўйнашини кўрсатади.

Иқтисодиётни циклли ривожланиши тўғрисидаги барча назарияларга диққат билан қарасак, цикликни келтириб чиқарувчи омилларни турлича талқин қилинса-да, унинг асосий сабабини изоҳлашда илгари сурилган фикрлар бир-бирига жуда яқин, деярли фарқ қилмайди. Барча иқтисодчилар энг аввало ялпи талаб билан, ялпи таклиф ўртасидаги нисбатни бузилиши ва уни яна қайтадан тикланиши иқтисодиётни циклли ривожланишининг бош сабаби деб кўрсатишади. Кўпинча иқтисодчилар бунинг сабабини янада чуқурроқ изоҳлайдилар.

Товар ишлаб чиқаришни истеъмолдан ажралиб қолиши тасодиф эмас. Техника тараққиёти фойда нормасини пасайишига олиб келади. Ишлаб чиқаришдан ишчилар қисиб чиқарилади. Аввалги даражада фойда массасини сақлаб қолиш учун, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қўшимча капитал, инвестиция сарфланади. Ишлаб чиқариш ижтимоий истеъмолдан ортиб кетади. Натижада инқироз юз беради.

Тушкунлик пайтида самарасиз товар ишлаб чиқарувчилар бозорни тарк этишга мажбур бўлишади, улар ўрнини бозор талабларига жавоб бера оладиган янги ишлаб чиқарувчилар эгаллайдилар. Ялпи талаб билан, ялпи таклиф ўртасида мувозанат ўрнатади. Шундай қилиб тушкунлик келгуси юксалишга пойдевор қўяди. Шунинг учун ҳам Й. Шумпетер тушкунлик ёки кризисни **“бунёдкорлик яширинган бузгунчилик”** деб атаган.

Цикллилик иқтисодиётни ўзини ўзи тартибга солишининг усулларида бири. Баъзи иқтисодчилар бунинг олишмаса-да, лекин цикллилик муаммосига борган сари кўпроқ иқтисодчилар, амалиётчилар диққатларини қаратмоқдалар.

Шундай қилиб иқтисодий ўсиш назарияларида узоқ муддатли тенденция тарзида иқтисодий ўсишнинг омилларини таъминлашни оптимал вариантлари тадқиқ этилса, иқтисодиётни циклли ривожланиши назарияларида иқтисодий фаолликнинг ўзгариши тебранишлари сабаблари ўрганилади.

Мувозанатнинг бузилиши иқтисодиётда танг аҳвол, кризисга олиб келади. Кризис бу мураккаб жараён. Унга турли жиҳатдан ёндошиш мумкин.

Кризислар турли-туман тарзда рўй берса-да, уларни умумий, ўхшаш томонларини назарда тутиб гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Хўжалик тизимида мувозанатнинг бузилиши миқёсига кўра, кризисларни умумий, ҳамда айрим соҳаларда юз берадиган кризисларга бўлиш мумкин. Умумий кризислар бутун миллий хўжаликни қамраб олади. Иккинчиси қисман, яъни айрим соҳалар ёки тармоқларга хос танглик тарзида юз беради.

*Масалан*, Молиявий кризис — давлат молиясини чуқур тангликка тушиши. У сурункали бюджет тақчиллигида намоён бўлади. Энг ёмони давлатни чет эл қарзлари бўйича тўлов қобилятини йўқотишидир. 1929—1933 йили Буюк Британия, Франция, Германия, Италия 1998 йили Россияда ташқи заёмлар бўйича тўловни тўхтатишган. 1931 йили АҚШ ташқи қарзлар бўйича ҳамма тўловларни бир йилга муддатини узайтирган. 1998 йили Индонезияда рўй берган молия кризиси туфайли аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМ 14,6%га пасаёди.

*Пул-кредит*. Мамлакатда пул-кредит тизимининг танг аҳволга тушиши бўлиб, бунда тижорат ва банк кредити қисқаради. Банклардан мижозлар ёппасига ўз пулларини олишни бошлайдилар. Тадбиркорлар ва аҳоли нақд пул кетидан қувишга тушадилар. Акция ва облигацияларнинг курси, банк проценти тушиб кетади. Банклар синиб, ялпи банкрот бўладилар.

*Валюта кризиси*. Бунда миллий валютанинг обрўси тушиб кетади. Чет элнинг обрўли валюталари етишмайди. Банкда валюта захираси тугаб боради, миллий валюта курси тушиб кетади. Аҳолининг обрўли валюта кетидан қувиши аҳволни янада қийинлаштиради. Бунга ёрқин мисол сифатида Аргентина ва Таиландда юз берган кризисларни кўрсатиш мумкин.

*Биржа кризиси*. Бу танглик биржада қимматбаҳо қоғозлар курсини тезда тушиб кетиши, уларни эмиссия қилишни қисқариши, фонд биржалари фаолиятидаги чуқур тушкунликда ифодаланади.

*Экологик кризис*. Атроф-муҳитни энг аввало инсон соғлиғини йўқотиш, умрини қисқартиришга олиб келадиган даражада вазиятни вужудга келишида ифодаланади. У саноатни шиддатли тарзда ўсишига йўл қўймайди.

*Тармоқлар кризиси*. Бу миллий хўжаликни бирон-бир тармоғини қамраб, ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгариши ёки нормал хўжалик алоқаларининг бузилиши туфайли юз беради. Мисол қилиб 1958—1962 йилларда денгиз кемачилиги (кема қатнови), 1977 йил тўқимачилик саноати инқирозини кўрсатиш мумкин.

*Аграр кризис*. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишни

кескин тарзда қисқариб кетиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларининг кескин тушиб кетишида ифодаланади.

**Структура-таркибий кризис.** Ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги нормал нисбатлар бузилиши туфайли таркибий кризис юз беради. Бунда бир тармоқ бошқа тармоқнинг ҳисобига ривожланади. Натижادا бу тармоқда аҳвол оғирлашади. Мисол учун 70-йилларнинг ўртасида рўй берган хом ашё, энергетика кризисларини кўрсатиш мумкин.

2. Иқтисодиётда мувозанатнинг бузилишини мунтазам ёки аксинча тарзда юз беришига кўра даврий, оралиқ, номунтазам кризисларга бўлинади.

Даврий (цикли) кризислар маълум вақт мобайнида такрорланиб туради.

**Оралиқ кризислар** — тўлиқ цикл бўйича юз бермайди. Циклнинг бирон-бир фазасида тўхтатилади. Улар нисбатан унча чуқур эмас, ҳамда қисқа муддат давом этади.

**Номунтазам кризислар.** Бу кризислар бирон-бир алоҳида сабабларга кўра юз беради. *Масалан:* табиий офат, сел, тўфон, қурғоқчилик туфайли иқтисодиётда танг аҳволга тушиш мумкин.

3. Такрор ишлаб чиқариш нисбатларининг бузилиши характериға кўра кризислар иккига: **ортиқча ишлаб чиқариш** ва **тақчил ишлаб чиқариш** кризисларига бўлинади. Товарларни ортиқча ишлаб чиқариш кризиси турли наф келтирадиган неъматларни кўп ишлаб чиқариш, лекин уларни тўла реализация қила олмасликда намоён бўлади.

Тақчил ишлаб чиқариш кризиси даврида етишмовчилик натижасида танг аҳвол келиб чиқади. Чунки мувозанат бузилади. Шундай қилиб иқтисодиётни танг аҳволга тушишиға фақат ортиқча ишлаб чиқариш эмас, балки тақчил ишлаб чиқариш ҳам сабаб бўлади.

Кризисларнинг моҳиятини ўрганиш учун одатда даврий, яъни такрорланадиган кризислар ўрганилади.

Вақт-вақти билан такрорланадиган кризислар, циклнинг такрорланиши муддатига кўра: қисқа, ўрта ва узоқ циклларга бўлинади.

Таниқли иқтисодчилардан Й. Шумпетер иқтисодиётнинг цикли ривожланишини тадқиқ қилиб, иқтисодиётда тебранишлар уч даражада юз беришини кўрсатиб, бу циклларни кашф этган иқтисодчилар **Ж. Китчин, К. Жугляр, Н. Д. Кондратьев** номи билан атайди. У иқтисодиётда учала цикл ўзаро боғлиқ, ўзаро алоқадорликда намоён бўлади дейди.

П. Самуэлсон эса иқтисодий цикл бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма мамлакатлар ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаси учун тааллуқли дейди.

**1. Қисқа муддатли цикл (2—4 йил).** Бу цикл истеъмом товарларига бўлган бозор талаби ва таклифи мувозанатини бузилиши ва тикланиши тарзида юз беради. Бу циклда ишлаб чиқариш ҳажми бозор конъюктурасига қараб ўзгаради:

— нархлар даражаси кам ўзгаради, кўпгина фирмалар ўз харидорларини йўқотмаслик учун товарлар нархини узоқ вақт (йилда бир марта) ўзгартирмасликка ҳаракат қиладилар;

— иш билан бандлик ҳам нисбатан барқарор, тебраниш кичкина, асосан алоҳида корхона ва тармоқларда иш ҳақи ўзгаришига боғлиқ;

— фойда нормаси ҳам бу давр мобайнида кам ўзгаради;

— қисқа муддатли давр учун миқдорий кўрсаткичлар кам ўзгаради.

Мувозанатнинг бузилиши қисқа ёки узоқ муддатли бўлиши мумкин. Мувозанатнинг бузилишини биринчисида тез тиклаш мумкин. Савдога оморлардан товар келтириш ёки резерв (захира)ни ишга солиш йўли билан номутаносиблик тезда бартараф қилинади.

Узоқ муддатли мувозанатнинг бузилиши истеъмоладан товарларига бўлган талаб ишлаб чиқариш нисбатларини ўзгаришини зарур қилиб қўйганида юз беради. Узоқ муддатли номутаносиблик 3—4 йил давомида ишлаб чиқаришни талабга мослаштириш ёки қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари ҳосил қилиш йўли билан бартараф қилинади.

Ўз диққатини қисқа муддатли цикл ўзгаришини тадқиқ қилишга қаратган Ж. Китчин бу циклни захиралар, банк клиринги (инг. clearing — нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими) ва улгуржи баҳоларнинг ўзгаришини ялпи миллий маҳсулот ўзгаришига олиб келиши билан боғлайди. Китчин иқтисодиётдаги 2—4 йилдаги цикл ўзгаришини молиявий ҳисоботлар ва сотиш нархининг ўзгариши асосида аниқлаган. Лекин ҳозирги пайтда Жозеф Китчиннинг қисқа циклни тушунтириши ҳаммани ҳам қониқтира бермайди.

Бу цикл унинг дастлабки тадқиқотчиси Ж. Китчин номи билан аталади.

**2. Ўрта муддатли цикл (7—12 йил).** Бу циклда тебранишлар катта, бу мувозанатни анча чуқур бузилганини кўрсатади:

— жамиятда иқтисодиётгина эмас, балки ижтимоий соҳада ҳам барқарорлик бузилади;

— энг асосийси иқтисодий ўсиш тушкунлик билан алмашади.

Кўпгина иқтисодчиларнинг фикрича бу муддат асбоб-ускуна, машина, механизмларга бозор талаби ва таклифи мувозанатининг бузилиши ва тикланишини ифодалайди.

Бу циклда капитални бир тармоқдан бошқа тармоққа оқиб ўтиши юз беради.

Бу циклни кўпгина иқтисодий адабиётларда саноат цикли ёки Жугляр цикли деб ҳам аташади. Бу цикл уни чуқур тадқиқ қилган Климент Жугляр (1819—1905 й.) номи билан аталади. Бу цикл қисқа муддатли циклдан фақат муддати билан эмас, намоён бўлиши, характери билан ҳам фарқ қилади. У фақат миллий иқтисодиётнигина эмас, жаҳон иқтисодиёти динами-




касини ҳам ифодалайди. Бу динамиканинг алоҳида қисмлари циклнинг фазалари тарзида ажратилади.

Иқтисодий циклнинг классик варианты 4 фазадан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси, нархлар даражаси, иш билан бандлик, процент нормаси ҳар хил бўлиши кузатилади.

Циклнинг биринчи фазаси кризис (танглик, тушкунлик) бўлиб, иқтисодий ўсиш даражаси ва суръати тушиб кетади, сўнгра маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради. Бу ортиқча ишлаб чиқаришга хос. Реализация қилинмаган товарлар захираси кўпайиб боради. Саноат ва савдо корхоналарининг ёппасига банкрот бўлишига олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг тўхташи натижасида ишсизлик кўпаяди, иш ҳақи пасаяди. Жамиятда кредит алоқалари бузилади. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида акция курси тушиб кетади, ҳамма тadbиркорларнинг пулга эҳтиёжлари ортади. Қарз тўлаш учун банк проценти ўсади.

Кризисдан кейинги фаза депрессия (турғунлик) фазаси келади. Бу фазада ишлаб чиқаришда тушкунлик тўхтайти, нархлар тушиши ҳам тўхтайти. Товар захиралари кўпаяди. Пул капиталининг массаси кўпаяди, банк проценти ставкаси энг паст даражага тушади. Товар таклифининг талабдан ортиб кетиши тўхтайти.

Иқтисодиётда турғунлик билан бир вақтда нархнинг кўтарилиши яъни инфляция юз бериши мумкин. Бундай ҳолат стагфляция деб аталади. Бу аҳоли турмуш даражасининг пасайишига катта таъсир қилади.



Депрессиядан сўнг жонланиш фазаси келади. Бунда ишлаб чиқариш аввалгига нисбатан ўсади. Товар захиралари бозорни узлуксиз таъминлаш даражасида бўлади.

Сотиб олиш қуввати ўсиши билан жонланиш кузатилади. Пул капиталига талаб ортади, процент ўсади, нархлар ҳам ўса бошлайди. Жонланишдан сўнг юксалиш фазасига ўтилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш аввалгига нисбатан ўсади, ишсизлик камаяди, талаб ортиши натижасида нархлар ўсади. Кредитга талаб ошади, процент ҳам ўсади. Инвестицион товарлар ишлаб чиқариш кўпайиши билан хом ашё ресурсларига талаб ортади, нархлар ҳам ўсади. Жонланиш фазасида юзага кела бошлаган диспропорция кучая боради. Иқтисодиёт янги тушкунликка яқинлаша боради ва яна тушкунлик бошланади. Ана шундай тарзда цикл қайтарилади.

Биринчи кризис 1825 йили Англияда юз берди, сўнгра 1836 йили Англия ва АҚШда, 1841 йили АҚШда, 1847 йили АҚШ, Англия, Франция ва Германияда. 1857 йилги кризис биринчи жаҳон циклик кризиси бўлиб, тарихда қолди, кейин 1873, 1882, 1890 йиллардаги кризис рўй берди. Нисбатан иқтисодиётга катта талафотлар келтирган кризис 1900—1901 йилдаги тушкунлик бўлди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин Ғарб мамлакатлари иқтисодиётини мунтазам равишда кризислар ларзага солиб турди. Айниқса, 1929—1933 йиллардаги кризис ўзининг чуқурлиги даражаси билан аввалги барча кризислардан ўтиб кетди. Бу кризис кўпгина мамлакатлар ҳукуматини иқтисодий жарликдан тортиб чиқариш учун чора-тадбирлар белгилашга мажбур қилди.

Ҳозирги иқтисодий кризислар XIX аср ва XX аср биринчи ярмидаги кризислардан фарқ қилади. Бу фарқлар мувозанат бузилиши даражасида, циклнинг фазалари ўзгаришида, ўртача тебранишлар узунлиги, давлатнинг цикллари тартибга солишда қатнашиши ва бошқаларда намоён бўлади.

Иқтисодий цикл фазалари ўзгариб, баъзиси умуман юз бермайдиган бўлди. Фаза номлари ҳам бошқача аталадиган бўлди.

Чизмада кўриниб турибдики, депрессия фазаси йўқ. Юксалишнинг чўққиси алоҳида фазага ажратиладиган бўлди. У БУМ — равнақ бўлса, қисқаришнинг энг пастки нуқтаси таназзул. Жонланиш билан юксалиш бир фазага бирлашади.

### **3. Узоқ муддатли цикл. (40—60 йил).**

XIX аср охири XX аср бошларида кўпгина иқтисодчилар статистик маълумотлар асосида нархларнинг ва процент ставкаларининг кўтарилиш ва тушишига аҳамият беришди. Кейинчалик у билан боғлиқ иқтисодий жараёнларда ҳам ўзгаришлар содир бўлишини ва унинг сабабини изоҳлаб беришга ҳаракат қилишди.

Бир узун тўлқиннинг иккинчиси билан алмашилиши ишлаб чиқаришни абсолют миқдорини пасайиши тарзида юз бериши шарт эмас. У иқтисодий ўсиш суръатининг тезлашуви ва секинлашувини алмашиб туришини узоқ муддатли тенденцияси тарзида юз беради.

Иқтисодиётдаги ана шундай ҳолатни бошқаларга қараганда

чуқур ҳамда ўз фикрларини асослаган ҳолда рус иқтисодчиси Н. Д. Кондратьев (1892—1938 йил) тушунтириб берди. Шу сабабли уни **Кондратьев цикли** деб ҳам аташади.

Англия, Франция, Германия, АҚШ иқтисодиёти бўйича олинган 140 йил (XVIII аср охири — XIX аср бошлари) давомидаги статистик маълумотлар 48—53 йил давомида такрорланувчи циклар (тўлқинлар) мавжудлигини кўрсатди.

Ўз тадқиқотини товар нархлари, процент ставкаси, рента, иш ҳақи, энг зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш индекси ўзгариши асосида олиб борди. У бир узун тўлқиннинг бошқани билан алмашувини ишлаб чиқаришни бир технологик усулдан иккинчисига ўтиши, иш кучини сифат жиҳатдан ўзгариши, таълимни ўзгариши, ташкилий иқтисодий муносабатларда туб ўзгаришлар, бошқаришда таркибий революция юз бериши билан изоҳлайди.

Ана шу тадқиқот Кондратьевнинг фикрича катта иқтисодий цикларни ривожланишида 4 муҳим иқтисодий қонун ўрнатилишини топиш, уни билиб олиш имконини берди:

1. Ҳар бир катта цикл тўлқинининг бошланишидан аввал ва бошланишида жамиятнинг иқтисодий ҳаётида чуқур ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгаришлар кўп жиҳатдан техниканинг ўзгариши, жаҳон иқтисодий муносабатларига янги мамлакатларни жалб этиш, олтин қазиб олиш ва пул муомаласидаги ўзгаришларга боғлиқ.

2. Ҳар бир катта цикл тўлқинининг кўтарилиши даврига жамиятда вужудга келган энг кўп миқдорда социал ларзалар (уруш, революция) тўғри келади.

3. Ҳар бир катта цикл тўлқинининг тушиши (пастлаши) даври қишлоқ хўжалигини узоқ ва айниқса чуқур депрессияга тушиши билан характерланади.

4. Катта цикл тўлқинининг кўтарилиш даври ўрта циклар турғунлигининг қисқа, юксалишнинг интенсив бўлиши билан характерланади. Тўлқиннинг тушиш даврида аксинча жараён кузатилади.

Кондратьев ўрганган давр тугалланган хулоса чиқариш учун етарли бўлмаса-да, лекин унинг юз бериши эҳтимоли юқорилигини кўрсатади.

“Катта цикларни узоқ давр мобайнида иқтисодий мувозанатнинг бузилиши ва ўрнатилиши тарзида кўриш мумкин. Асосий сабаб, асосий ишлаб чиқариш кучларини яратиш учун етарли бўлган капитални аккумуляция қилиш (тўплаш), тарқатиш, жамғариш механизмида жойлашган»<sup>1</sup>.

Катта юксалиш асосини у ишлаб чиқаришга янги технология, жаҳон хўжалигига янги мамлакатлар кўшилиши (иқтисодий равнақи), олтин қазиб олиш ҳажми ўзгариши, умуман

<sup>1</sup> Кондратьев Н. Д. “Проблемы экономической динамики”, М; 1989 й, 205, 226-бетлар.

олганда техник тараққиёт, ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгариши билан боғлайди.

*Биринчи* катта циклнинг юксалишини Кондратьев Англияда саноат революцияси билан, *иккинчисини* темир йўл саноатининг ривожланиши, *учинчисини* электроэнергия, телефон, радионинг кириб келиши билан, *тўртинчисини* автомобилсозликнинг ривожланиши билан изоҳлайди. *Бешинчи* циклни ҳозирги иқтисодчилар электроника, ген инженерлиги, микропроцессорларни ривожланиши билан боғлашади.

Кондратьевнинг тахминига кўра 1920—1921 йиллардаги иқтисодий тангликдан сўнг жаҳон хўжалиги катта цикл тўлқинининг пасайиши полосасига киради, бу катта ларзалар, кризисга олиб келиши мумкин. 1929—1933 йилларда жаҳон иқтисодиётини титратган инқирозлар Кондратьевнинг бу илмий башорати тўғрилигини исботлади. Деярли ярим асрдан сўнг 1974—1975 йилларда жаҳон урушидан сўнг энг чуқур ишлаб чиқариш тушкунлиги юз берди. Бу яна Кондратьев циклини эслатди. Ҳозирги замон иқтисодчилари, катта цикллар (ёки узун тўлқинлар) концепциясига анча янгилликлар киритишди. Аввало улар фантехника тараққиётининг цикллилиги бир маромда юз бермаслигини кўрсатишди.

Бу тўлқинлар характери фойда нормасининг узоқ муддатли тебраниши билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Узоқ вақт фойда нормасининг пасайиб бориши иқтисодиёт самарасининг пасайишини акс эттиради.

Чуқур қарама-қаршиликлар юз берадики, уларни ўрта цикллар еча олмайди. Фақат чуқур депрессиялар иқтисодий кризислар натижасидагина ҳамма соҳада чуқур таркибий ўзгаришлар юз беради.

Мувозанатни тикланиши фазасида асосий капиталнинг пасив қисми янгиланади, ўрта циклда эса асосан актив қисми янгиланади.

Шу билан бирга катта циклларнинг даври аниқланади.

1-тўлқин 1772—1783 йиллардаги депрессиядан 1812—1825 йиллардаги беқарорликкача;

2-тўлқин 1825—1838 йиллардаги депрессиядан 1866—1873 йиллардаги беқарорликкача;

3-тўлқин 1873—1885 йиллардаги депрессиядан 1913—1929 йиллардаги беқарорликкача;

4-тўлқин 1929—1938 йиллардаги депрессиядан 1966—1974 йиллардаги беқарорликкача;

5-тўлқин 1974—1982 йиллардаги депрессиядан бошланган.

Айрим иқтисодчилар Кондратьев цикли дастлаб милоннинг биринчи ва иккинчи минг йиллигида Хитойдан бошланган, сўнгра Булок Ипак йўли орқали Италияга ўтган. Савдонинг ўсиши билан етуклик босқичига кўтарилган деган фикрни илгари суришади.

Кондратьевдан сўнг иқтисодиётнинг циклли ривожланиши-

ни тадқиқ қилган иқтисодчилардан С. Кузнес миллий даромад, истеъмол харажатлари ялпи инвестицияларни ўрганиб чиқиб, 20—25 йиллик цикллар ҳам мавжуд деган қарорга келади. Бу циклни у уй-жой қурилиши билан боғлайди. Бу цикл иқтисодиётда қурилиш цикли номи билан ҳам юритилади. Даромад ортиши билан уй-жой, бино-иншоотлар қурилиши гуллаб-яшнайти. Чунки ялпи талаб ўсади, сўнгра тушкунлик бошланади.

1987 йили япониялик ёш иқтисодчи Симанака Юдзи Япониянинг 1885 йилдан 1984 йилларгача бўлган цикли ривожланишини ўрганиб шундай қарорга келади: барча цикллар куёшнинг активлик цикли билан боғлиқ. Шу йиллар давомида 11 та куёш цикли юз беради, у Жуғлар цикли билан мос тушади. Кузнес цикли икки куёш (22 йил) циклига, Кондратьев цикли — беш куёш цикли (55 йил)га тенг.

Умуман олганда тўлқинлар концепсияси ҳамма иқтисодий муаммоларни тушунтириб берадиган универсал назария эмас. Лекин у ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг қонунларини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

Маълумки, биринчидан кризис бузғунчилик. Бузилган нисбатларни тиклаш учун ортиқча товарлар йўқ қилинади. Дастлабки кризислар рўй берганда ортиқча товарлар ёқиб юборилган, денгизларга улоқтирилган. Ҳозирги пайтда ҳам бунинг гувоҳи бўляпмиз. Дунёда кам ривожланган мамлакатларда очарчилик ҳукм сурган бир пайтда ривожланган мамлакатларда товарлар йўқ қилиниб юборилмоқда. Бунинг сабаби оддий, бу товарларни ривожланган мамлакатлар эҳсон қилиб беришади. Лекин уни олиб кетиш учун транспорт харажатларига бу қашшоқ мамлакатларда маблағ йўқ. Шунинг учун бу масала транспорт харажатларини ҳал қилинишига қараб ечилади.

Иккинчидан, кризис бу соғломлаштириш, яратувчилик. Бу даврда нархларнинг пастлиги туфайли фойда олинмайди. Тадбиркорлар харажатларни камайтириш йўлларини қидиришади. Биринчи навбатда асосий капитал: (унинг асосий қисми асбоб-ускуна, машина, механизм, меҳнат қуроллари) янгиланади. Ҳом ашё энергияни тежаш йўллари топилади.

Ишлаб чиқариш етарли даражада фойда келтирадиган янги юқори босқичга кўтарилади.

Классик капитализмда шундай тарзда нисбатлар мутаносиблаштирилган, иқтисодий ўсишга эришилган. Лекин иқтисодиётни стихияли тарзда ўз-ўзини бошқариш имкониятлари асимизминг 20-йилларидан бошлаб ниҳоясига етди.

Миллий иқтисодиётнинг цикли ривожланиши сифат жиҳатдан янги хусусиятлар касб этади.

Бу макроиқтисодиёт миқёсида ФТР туфайли фан сифими юқори, тушкунликларга бардошли микроэлектроника, роботлар ишлаб чиқариш ва бошқариш вужудга келди ва ривожланиб борди.

Саноатнинг анъанавий тармоқлари (оддий механик технологияга асосланган табиий бойликларни қазиб олиш, металлургия ва бошқа)да таркибий кризислар рўй бериб, кейинчалик бошқа соҳаларда ҳам шундай ҳолатлар юз берадиган бўлди.

Кризисларнинг бузғунчилик қувватини пасайтириш мақсадида давлатнинг иқтисодийга фаол аралашуви кузатилади. Маълумки, **республика**мизда тушкунлик 1991 йилдан бошланди. Мамлакатимизда юз берган инқироз тақчил ишлаб чиқариш инқирози бўлиб, у энг аввало кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни қисқаришида ифодаланди. Бунинг сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. 1. Собиқ Иттифокда иқтисодийнинг тўла монополлашуви, истеъмол товарлари ва аҳоли учун бошқа товарлар ишлаб чиқарадиган тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб бериш доимий тақчил бўлган. 2. Бутун миллий хўжалик структураси чуқур деформациялашган, бир ёқлама ривожлантирилган. 3. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш асосан устун даражада экстенсив йўлдан олиб борилди. 4. Республикамиз энергетика ресурсларига бой бўлишига қарамай, ёнилғи, энергия тақчиллиги юз берди. Чунки нефтни қайта ишлаш корхоналари сони ҳам, қуввати ҳам республика талабини қондира олмас эди. 5. Қишлоқ хўжалигида турғунлик, айрим соҳаларида тушкунлик юз берди. Бунда тармоқдаги номуносиблик нарх паритетининг саноат фойдасига бўлиши ва ҳоказолар туфайли содир бўлди. 6. Нотўғри иқтисодий сиёсат 80-йилларнинг охири 90-йиллар бошларида ишловчиларни моддий рағбатлантириш, аҳолига социал тўловлар кучайтирилди. Лекин аҳоли учун истеъмол товарлари ишлаб чиқариш борган сари камайиб борди. Натижада муомалада пул ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Биргина 1990-йили миллий даромад 4% камайгани ҳолда аҳолининг пул даромадлари 17% га ортди. Бу албатта тақчилликни кучайтирди.

Мустақилликка эришгач, мамлакатда юритилган оқилона иқтисодий сиёсат туфайли Ўзбекистонда бошқа ҳамдўстлик мамлакатларига қараганда тушкунлик камроқ бўлди. Ялпи ички маҳсулот 1991—96-йиллар давомида 17% қисқарди. Шу даврда Белоруссияда 35%, Россияда 39%, Қирғизистонда 42%, Қозоғистонда 44%, Украинада 53% га камайди.

Ўзбекистонда энг катта тушкунлик 1992 йили рўй бериб, ялпи ички маҳсулот аввалги йилга нисбатан 11,1% га қисқарди. Бу жаҳон бозорида пахта толаси нархини кескин тушиб кетиши билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноатга ҳам катта таъсир кўрсатди.

Макроиқтисодий нисбатларнинг бузилиши ривожланган мамлакатларда нархлар орқали ҳамда приватизацияни амалга ошириш туфайли бозорнинг ўзи нисбатан тез фурсатда барқарорлаштириб ўсишга эришиши мумкин.

Лекин бизнинг шароитда, яъни эндигина бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нархлар ўзгариши мувофиқ равишда товарлар таклифини ўзгаришига олиб келмайди. Чунки ҳали бизда бозор инфраструктураси етарлича ривожланмаган. Ундан ташқари ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур шароит яратилган. Булар молия ресурслари, технология ҳамда малакали кадрлар.

Миллий иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш катта ҳажмда инвестициялар талаб қилинади.

Кўриниб турибдики, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишга давлат ва унинг кучли иқтисодий сиёсатисиз эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам давлат иқтисодиётни тартибга солишни ўз қўлига олди.

Миллий хўжаликдаги ислоҳотлар тушкунлик сабабларини аниқлаб, уни бартараф қилишга қаратилди.

Макроиқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, барқарорликка эришишга, четдан инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қадам-бақадам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш амалга оширилди. 1996 йилнинг ўрталарига келиб ишлаб чиқаришда тушкунлик тўхта-тилди. Йил охири натижаларига кўра 1995 йилга нисбатан ўсишга эришилди. 2001 йили ислоҳотлар бошланган 1991 йилга нисба-тан ЯИМ 103 %ни ташкил этди.

Бу ерда яна шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, бошқа ҳамдўст-лик мамлакатларида деиндустриализация, яъни ялпи миллий маҳсулотда саноат маҳсулотларининг улуши кескин камайиб кетган бўлса, республикамизда аксинча ўсди.

Республикамизда эришилган муваффақиятлар танланган йўлнинг тўғрилигини кўрсатади. Лекин ҳозирги пайтда иқтисо-дий ўсиш даражаси аввалги йилларга нисбатан секинлашди. Ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши камайди. Бунга қатор омиллар сабаб бўлиши мумкин:

1. Иш кучи сифати даражаси ( XVIII боб):
  - меҳнат кўникмаларини, малакасини йўқотиш;
  - иш кучи қобилятининг пасайиши;
  - таълим даражаси ўсиш суръатининг пасайиши.
2. Техника тараққиёти даражасининг пасайиши.
3. Инвестиция даражасининг пасайиши ( XV боб):
  - жамғариш нормасининг пастлиги;
  - чет эл товарларининг рақобатбардошлигини юқори-лиги;
  - инфраструктурага харажатларнинг камайиши.
4. Энергия манбалари (нефт, газ, электр энергияси каби-лар) баҳосининг кўтарилиши ва бошқалар.
5. Ишлаб чиқариш жараёнидаги меҳнат унумининг ўсишига тўсқин бўлувчи муносабатлар. Бунда асосийлари институцио-

нал характерга эга бўлиб, меҳнатни ташкил этиш, раҳбарларнинг қўл остидагилар билан муносабати, корхона, фирма ва ишчиларнинг муаммоларини ҳал қилиш, танлов, қарорлар қабул қилиш ҳамда фойдани тақсимлаш жараёнида қатнашиш кабилар киради.

Булардан ташқари бошқа сабаблар бўлиши ҳам мумкин. Демак республикамиз миқёсида ана шу сабабларни ўрганиб, хулоса чиқаришимиз керак.

#### **4-§. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МОДЕЛЛАРИ**

Иқтисодий ўсишга эришиш мураккаб жараён. Чунки унинг учун табиий ресурслар, сиёсий институтлар ва зарур қонунлар қабул қилишдан ташқари кўплаб психологик ва социал омилларни ҳам ҳисобга олиш керак. Буларнинг ҳаммасини қамраб олган назарияни, моделни яратиш бажариб бўлмайдиган иш. Иқтисодий ўсишни тадқиқ қилиш натижасида иқтисодий ўсиш моделлари яратилади. Чунки иқтисодий ўсиш моделларини яратмай, иқтисодий ўсиш ва унинг оқибатларини олдиндан таҳлил қилиб, башоратлаб бўлмайди.

Айниқса 50-йилларнинг ўрталарида неоклассик мактаб вакилларининг иқтисодий ўсиш муаммоларига қизиқиши ортди. Бу пайтда АҚШ, Япония, собиқ Иттифоқ ўртасида рақобатли давр бўлиб, борган сари ўсишнинг нотекислиги кучая бошлади. Иқтисодчилар унинг сабабини аниқлаш ва иқтисодий ўсишга таъсир этадиган омилларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ўсиш моделларини яратишга киришдилар.

Иқтисодий ўсишнинг ҳозирги замон моделлари икки манба — Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат назарияси ва неоклассик ишлаб чиқариш назарияси асосида ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ равишда иқтисодий ўсиш муаммоларини тадқиқ қилишда икки йўналиш мавжуд.

Иккинчи ҳақон урушидан кейин Кейнс издошлари динамик мувозанатнинг турли ҳолатларини тушунтириб бера оладиган янги моделни яратишни мақсад қилиб қўйишади.

**Иқтисодий ўсишнинг Харрод-Домар модели.** Иқтисодий ўсишнинг нисбатан содда моделини инглиз иқтисодчиси Р. Ф. Харрод билан америкалик иқтисодчи Е. Домар яратишди. Улар бирига жуда яқин бўлгани учун Харрод-Домар модели дейилади. Улар бир факторли модел. Берилган капитал сифими бўйича капиталга талаб, миллий даромад ўсишига боғлиқ.

Моделни ишлаб чиқишда абстракция услуги қўлланилган:

1. Миллий даромаднинг ўсиши фақат капитал жамғаришнинг функцияси деб қаралади. Бошқа омиллар (бандликнинг ўсиши, техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби капитал қайтимига таъсир қилувчи) инобатга олинмайди.



2. Капитал сиғими ишлаб чиқариш омилларининг нархига боғлиқ эмас, у фақат ишлаб чиқаришнинг техник шароити билан аниқланади.

Иқтисодий ўсишнинг ягона омили капитал олинса-да у бошқа ҳамма омиллар потенциални бириштиради.

Техник тараққиёт капиталга икки томонлама таъсир қиладди: ихтиро капитални тежовчи ёки аксинча, капитал сиғими катта бўлиши мумкин.

Бу моделда инвестиция муҳим рол ўйнайди: бир томондан у миллий даромаднинг ўсишига имкон яратади, иккинчи томондан — ишлаб чиқариш қувватлари кенгаяди. Ўз навбатида даромаднинг ўсиши бандликни ўсишига имкон яратади. Инвестиция ишлаб чиқариш қувватини оширар экан, даромад ўсиб, ишлаб чиқариш имкониятларини мувозанатга келтириши керак. Меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида ишсизлик ва корхоналарни тўла қувват билан ишламаслигига йўл қўймаган ҳолда мувозанатга эришиш керак.

XX асрнинг 30 йилларида Кейнс шогирди унинг ишларини давомчиси Рой Харрод ўзининг иқтисодий ўсиш динамик моделини яратди.

У иқтисодий ўсиш жараёнида капитал, ишчи кучи ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори ўзаро бир-бирига қандай таъсир кўрсатишини тадқиқ қилди.

Харрод<sup>1</sup> ўз олдига қўйган биринчи саволи процент (фоиз) ставкаси ўзгармаган шароитда бошқа кўрсатилган элементлар ўсишига мос бўлиши учун капитал ҳажми қандай ўзгариши керак? деган савол бўлиб, унга жавоб топишига ҳаракат қилди.

Харроднинг таъкидлашича **аҳолининг сони геометрик прогрессия бўйича ўсаётган, техник тараққиёт ва фоиз ставкаси ўзгармай қолган шароитда капиталга талаб аҳоли сонига пропорционал тарзда ўсади.** Қачонки **жамғарма нормаси**  $s$  ва ишлатилган капитал миқдорини даромад ҳажмига нисбати  $K/Y$  (капитал коэффициенти ёки капитал сиғими) доимий **ўзгармас** бўлганда мувозанатли ҳажмда ишлаб чиқаришга эришиш мумкин. Харрод фикрича бу шартларга риоя қилган ҳолда иқтисодий ўсишга эришиш учун жорий даврда **жамғарма нормаси капитал сиғими ва аҳолининг ўсишига** тенг бўлиши зарур. Агар шароит ўзгарса, аҳоли сони ўзгариши, ҳамда техника тараққиётининг узлуксизлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ҳам шундай жамғарма нормаси талаб қилинади (чунки техника тараққиёти меҳнатни ёки капитални тежалишида ифодаланади).

Шундай қилиб, аҳоли сонининг кўпайиши ва техника та-

<sup>1</sup> Харрод Р.К. Теории экономической динамики. Классики кейнсианства. Т. 1. М. 1997. с 112.

раққиёти иқтисодий ўсишнинг табиий шароити ҳисобланади.

Харрод моделининг асосий тенгламаси

$$G \times C = s \quad (1)$$

Бу ерда  $G = \Delta Y_t / Y_{t-1}$  — ўсиш суръати кўрсаткичида ифодаланувчи, маълум давр мобайнида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши (growth);

$C = \Delta K / \Delta Y_t$  меъёрий капитал сифими, ҳақиқий капитал инвестицион товарлар ишлаб чиқариш *ex post* (ҳар қайси давр учун) ўсимини шу даврдаги маҳсулотни ўсишига нисбати;

$s = S/Y$  — кўзда тутилган жамғарма нормаси (Харрод фикрича “жамғариш эҳтимоли миқдори” *ex-ante* ни яъниси ялпи даромадни жамғариладиган қисми сифатида ифодалаган маъқул)<sup>1</sup>. Асосий тенглик иқтисодий ўсишга эришиш учун жамғариш нормаси қандай бўлиши кераклигини аниқлайди.

Таъкидланадики,  $K_t = \Delta I_{t-1}$  шунинг учун  $C$  ни  $I_{t-1} / \Delta Y_t$  (яъни акселератор тарзида) кўрсатиш мумкин. Агарда  $G \times C = s$  формуладаги уларни ўрнига қўйсақ,

$$\Delta Y_t / Y_{t-1} \times I_{t-1} / \Delta Y_t = S_{t-1} / Y_{t-1} \text{ бўлади.}$$

Бу тенглик жамғарма тўла инвестицияга айланган шароитда тўғри.

Тенгликни чап томонини  $\Delta Y_t$ га қисқартирсак,  $I_{t-1} / Y_{t-1} = S_{t-1} / Y_{t-1}$  яъни  $I = S$ . Инвестиция *ex-post* тенг жамғарма *ex-ante* (жорий даврдаги инвестиция шу давр учун илгари режалаштирилган жамғармага тўғри келади), қайсики мувозанатли динамик ўсиш учун муҳим шарт ҳисобланади. Асосий тенглама (1) иқтисодий юксалишда ҳам, тушкунлик (рецессия)да ҳам ҳақиқатда ўсиш суръатини ифодалайди.

Барқарор иқтисодий ўсиш шароитини (техника тараққиёти нейтраллиги<sup>2</sup> ва фоиз ставкасини ўзгармаган ҳолда) характерлаш учун Харрод қуйидаги формуладан фойдаланади.

$$G_w \times C_t = s \quad (2)$$

Бу ерда  $G_w$  — капиталнинг тўла бандлигини таъминлайдиган кафолатланган, ўсиш суръати қайсики ишлаб чиқариш бир даврдан иккинчи давргача мувозанатлик ҳолатида қолади (яъни  $G_w$  — тадбиркорлик мувозанати линияси). Шундай қилиб, Харрод иқтисодий назарияга кафолатланган (*warranted*) **ўсиш суръати** тушунчасини киритади.

<sup>1</sup> Шу китоб, 113-бет.

<sup>2</sup> Харрод нейтраллик — техника тараққиётининг нейтраллиги деб фоиз ставкаси ўзгармаган шароитда ихтиролар оқими ялпи маҳсулотни меҳнат ва капитал ўртасида тақсимланиши пропорциясини ўзгартирмаган шароитни ҳисоблайди.

$C_r$  — бу, талаб этилган даражада зарур (required) меъёрий капитал сизими. Ҳақиқий меъёрий капитал сизими  $C$  дан фарқли равишда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшимча капиталга эҳтиёжни ифодаловчи кўрсаткич.

Шундай қилиб, барқарор ва мувозанатли ўсишга эришиш учун шундай **жамғариш нормаси зарурки**, унинг миқдори кафолатланган ўсиш суръати ва уни таъминлаш учун **зарур меъёрий капитал сизими**га тенг.

Ҳар икки тенгламада ҳам ( $s$  — жамғариш нормаси ўзгармаган ҳолда), агар  $G$  ўсса,  $C$  камаяди.

Агар ҳақиқий ўсиш суръати кафолатланган ўсиш суръати ( $G > G_w$ )га қараганда юқори бўлса, у ҳолда ҳақиқий меъёрий капитал сизими зарур бўлган даражадан паст ( $C < C_r$ ) бўлади. Бу шундан далолат беради-ки, товар-материал захиралари ва ускуналари етарли бўлмай қолади ва тадбиркорлар ўз заказларини қўпайтиради. Агар ҳақиқий ўсиш кафолатланган ўсишдан кам бўлса ( $G < G_w$ ) у ҳолда ( $C > C_r$ ) ва тадбиркорлар инвестицияларини қисқартирадилар, кейинчалик ялпи талабнинг камайиши ва ортиқча ишлаб чиқариш қувватларининг қўпайишига олиб келади.

Шундай қилиб, Харрод иқтисодий ўсишни тадқиқ қилиб иқтисодиётда “пичоқ тифидаги мувозанат” (knife edge) номини олган мувозанатни ҳаддан ташқари беқарорлигини асослаб беради.

$G = G_w$  тенгликнинг бузилиши, марказга интилувчи кучларни ортиши гоҳ-гоҳида дисбалансни чуқурлаштиради ва ялпи талаб билан ялпи тақлиф ўртасидаги фарқни катталашувиغا олиб келади.

Аммо  $G$  нинг ўсиши табиий чегарага эга. Бу чегара аҳолининг ўсиш суръати ва техник тараққиёт кўрсаткичидир. Бу табиий шароитни ҳисобга олиб Харрод табиий ўсиш суръати  $G_N$  деган тушунча киритади.  $G_N$  — бу ўсаётган меҳнат тақлифидан тўла фойдаланилган ўсиш суръатидир. У шундай тараққиёт даражасини характерлайдики, меҳнат бозорида мувозанат таъминланади.

Агар ҳақиқий ўсиш суръати  $G$  ва табиий ўсиш суръати  $G_N$  тенг бўлса иқтисодиёт тўла бандлик шароитида ривожланади. Шундай қилиб,  $G_N$  — бу ҳақиқий ўсиш суръати  $G$  нинг юқори чегараси.

Харрод  $G$ ,  $G_w$ , ва  $G_N$  ўртасидаги алоқалар, боғланишни куйидаги тенглама орқали тадқиқ қилади.

$$G_N G_r = s; \quad G_N G_r \neq s \text{ ёки } G_w C_r = s \quad (3)$$

Бошқача айтганда барқарор иқтисодий ўсиш суръатини ушлаб туришнинг идеал шarti

$$G_w C_r = s = D_N C_r; \quad (4)$$

(Бундай тенглик  $C_t$  катта миқдорда ва узоқ муддатли нуқтаи назардан тўғри).

Лекин асосий муаммо мувозанатни бузилиши (қачонки  $C_w C_z \neq s$ ) да.

Мувозанатни бузилиши  $G_w$  ва  $G_N$  нинг ўртасидаги фарқни келиб чиқишига сабаб бўлади ва у ўз навбатида хроник ишсизликни келтириб чиқаради.

Бошқа муҳим муаммо юқорида кўрсатилган ҳақиқий ўсиш суръатини кафолатланган ўсиш суръатидан фарқи ( $G_N$  ни  $G_w$  дан фарқи).

Харроднинг фикрича ана шу **фарқ саноат цикли** асосида ётади.

$G_N$ ,  $G$  ва  $G_w$  ўртасидаги нисбатлар иқтисодий конъюктура тенденциясини аниқлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Харрод фикрича тенденция, бум ёки кризис  $G_N$  миқдори (катталиги) билан эмас, балки унинг фарқи даражаси билан аниқланади.

Кўриб ўтилган муаммо бўйича умумий хулоса чиқарилади:

1) агар  $G > G_w$  ёки  $G_N > G_w$ , у ҳолда иқтисодиётда бум, тараққиёт юз беради. Ҳақиқатда ҳам капиталнинг етишмаслиги капиталга талабни орттиради ва инвестициянинг ўсишига олиб келади.

2) агар  $G_N < G_w$  бўлса  $w$ , у ҳолда  $G_N$ , даражаси билан чекланган,  $G$  ҳам ўртача  $G_w$  даражасидан кам бўлиши керак, у иқтисодиётни депрессияга йўналтиради. Бу ҳолатни Харрод парадоксал ҳолат дейди. Чунки дастлаб қараганда табиий шароит туфайли юз берадиган ўсишга нисбатан иқтисодиётнинг тезроқ ривожланиши юксалиш (бум)га олиб келиши керак.

Кизиқарлиси шундаки, Харрод фикрича бу “парадокс” кейнсчилик ва классик мактаблар ўртасидаги асосий қарама-қаршиликка тегишли. Иқтисодиётда жамғарма ижобий ҳамда салбий рол ўйнаши мумкин. У  $G_N$  билан  $G_w$  ўртасидаги фарққа боғлиқ. Агар  $G_N > G_w$  бўлса, жамғарма ижобий рол ўйнайди. Қачонки  $G_N < G_w$  бўлса, жамғарма деструктив характерга эга бўлади. Чунки бу нотенглик иқтисодиётда капиталнинг ориқчалиги ва ишчи кучининг етишмовчилигидан далолат беради. Бундай шароитда, маълумки, инвестицион жараёнлар пасайиб боради.

Шундай қилиб, давлат сиёсати иқтисодий ўсишга рағбатлантирувчи ёки корретировка қилувчи инвестицион сиёсат жамғарма билан инвестицияни баланслаштиришга қаратилган бўлиши керак. Давлатни тартибга солиши кафолатланган иқтисодий ўсиш билан, табиий иқтисодий ўсиш ўртасидаги фарқни минималлаштиришга қаратилган бўлиши керак. Мувозанатли ўсиш суръатини қўллаб-қувватлаш ва тўла бандликни таъминлаш учун фоиз ставкасини пасайтириб (классиклар кўрсатгандек иш ҳақини пасайтириш эмас) бориш керак.

Бозор тизимида фоиз ставкаси албатта тебраниб туради. Уни барқарор паст даражада ушлаб туриш кейнсчилар фикрича иқтисодий сиёсатнинг узоқ муддатли вазифаси (стратегияси).

Америкалик иқтисодчи **Е. Домарнинг модели** ишлаб чиқариш функциясига асосланган бўлиб, ишлаб чиқариш омиллари ўзаро ўрин боса олмайдиган омилларга асосланган.

Бу модел қуйидаги шартларга асосланган:

**Биринчидан**, талаб ва таклифнинг ўзгариши фақат мувозанат ҳолатида реал бозор нуқтаи назаридан қаралади.

**Иккинчидан**, иш кучи (меҳнат) таклифи ортиқчалиги ҳамда ишлаб чиқариш омилларига нисбатан харажатларни ўзгармаслиги ишлаб чиқаришни нархлар ўзгармагани ҳолда кенгайтириш имконини беради.

**Учинчидан**, технология ўзгармагани (қисқа муддатли даврда) ҳолда инвестициянинг ўсишига ялпи талаб ва ялпи таклиф ўсишининг ягона омили сифатида қаралди. Ресурсларнинг меъёрий унумдорлиги, энг аввало капитал унумдорлиги ўзгармайди.

Домар модели бўйича ялпи талаб ( $AD$ ) жорий даврда ( $t$ ) кейнсча сценарий бўйича ўзгаради, яъни инвестициянинг ортиши (жорий йилда) мултипликация эффекти натижасида ўзгаради ( $XV$  боб)

$$AD_t = I_t \cdot k = I_w / MPS^1;$$

Жорий йилда ялпи таклифнинг  $AS_t$  кўпайиши жараёни икки босқичга бўлинади.

Аввалги йил (давр)да ( $t-1$ ) инвестиция  $I_{t-1}$  ўсади. У жорий йил бошида бевосита ялпи таклифнинг ўсиши манбаси сифатида капиталнинг  $\Delta K$  ўсишига олиб келади. Шундай қилиб, ялпи таклифнинг жорий йилда (даврда) ўсиши:

$$\Delta AS_t = \delta \Delta K_t = \delta \Delta I_{t-1}$$

Капиталнинг меъёрий унумдорлиги<sup>2</sup>

$$\delta = \Delta Y / \Delta K = \text{const шароитга кўра.}$$

Жорий йилда мувозанатли иқтисодий ўсишнинг шarti ялпи талабнинг ўзгариши ялпи таклифнинг ўзгаришига (ўсиш суръати бўйича) тенг

$$\Delta AD_t = \Delta AS_t = \Delta Y / Y_{t-1}$$

<sup>1</sup> Узоқ муддатли давр нуқтаи назаридан ўртача жамғаришга мойиллик нормаси  $APS$  (ёки  $S$ )ни шартли равишда жамғаришга меъёрий мойиллик  $MPS$ га тенглаштириш мумкин.

<sup>2</sup>  $\delta$  (сигма) — капитал қайтими, Домарнинг иқтисодий ўсиш моделида эса капиталнинг меъёрий унумдорлиги.

Бу тенгликни  $\Delta AD_t = \Delta AS_t$  аввалги тенгламадан фойдаланиб, қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\Delta I_t / \text{MPS} = \delta \Delta I_{t-1} \text{ ёки } \Delta I_t / \Delta I_{t-1} = \delta \text{MPS} \quad (5)$$

Масалан, жамғарма нормаси 20% ёки 0,2; капиталнинг меъриий унумдорлиги 0,3 га тенг бўлса, иқтисодий ўсишнинг мувозанатли суръати инвестициялар йилига

$$0,2 \times 0,3 = 0,06 \text{ ёки } 6\% \text{ ўсганда кузатилади.}$$

Агарда  $\delta=0,4$ , MPS (миллий даромадда жамғармашнинг улуши) 0,2 бўлса, мувозанатли иқтисодий ўсиш учун инвестиция ўсиш суръати 0,08 ёки 8% га тенг бўлади.

Шундай қилиб, мувозанатли иқтисодий ўсишга эришишнинг мезонларини аниқладик  $t$  вақт мобайнида инвестициялар шундай суръатда ўсиши керак-ки, у жамғарма нормаси капиталнинг меъриий унумдорлиги кўпайтмаси миқдорига тенг бўлиши керак.

Юқоридаги қоидага риоя қилинса, қисқа муддатли динамик мувозанат:  $S=I$ ;  $(\text{MPS}, \delta, K/L)=\text{const}$  иш кучи (меҳнат) таклифи ўсиш суръати  $\Delta L_t/L_{t-1}$  капиталнинг ўсиш суръати  $K_t/K_{t-1}$  га тенг бўлиши, у ўз навбатида инвестиция ва ялпи маҳсулот ўсиш суръатига тенг бўлиши керак.

$$\Delta I / \Delta I_{t-1} = \Delta Y_t/Y_{t-1} = \Delta K_t/K_{t-1} = \Delta L_t/L_{t-1} = \delta \text{MPS} \quad (6)$$

Ундан Домарнинг иқтисодий ўсиш модели динамик мувозанатининг кенгайтирилган шarti келиб чиқади.

Лекин бундай динамик мувозанатни таъминлаш учун шундай шартни бажариш керак-ки, у иқтисодий назарияда **Домар парадокси** номини олган. Парадокс қуйидагича ифодаланади; ишлаб чиқаришдаги капитал ҳажмининг узлуксиз ўсиши шароитида етарли даражада инвестиция қилмаслик маҳсулотни ортиқча ишлаб чиқаришга олиб келади (ваҳоланки дастлаб қараганда инвестициянинг қисқариши етарлича ишлаб чиқармасликка, ишлаб чиқариш ҳажмини қисқаришига олиб келиши керак). Ҳақиқатдан ҳам агар  $\Delta I_t = \text{const}$  ёки  $\Delta I_t < \Delta K_t$  бўлса маҳсулотни ортиқча ишлаб чиқариш намоён бўлиши, аниқланади. Сабаби, мувозанат талабнинг ўсиши томон, ялпи таклиф эса камайиши томонга ўзгаради. Бошқача айтганда, агар инвестиция ўсиши капитал ўсишидан ортда қолса, у ҳолда ялпи талаб таркибида инвестициянинг нисбатан қисқариши юз беради. У ўз навбатида  $\Delta D$ нинг ўсиш суръатини пасайишига олиб келади. Шундай қилиб, доимий равишда мувозанатли ўсиш суръатини сақлаш учун вақти-вақти билан ўсиб бораётган ишлаб чиқариш қувватларини ( $K$ ) тўла ишлатиш учун инвестиция ўсиш суръатини орттириш керак. Бундай ўсиш суръати капи-

тални тўла бандлигини таъминловчи, **кафолатланган** ўсиш суръати деб аталади ва мувозанатлаштирувчи бўлади.

Демак, ўсишнинг мувозанатли суръати жуда беқарор ва ҳукуматнинг инвестиция сиёсатига боғлиқ. Давлат иқтисодиётда қисқа муддатли даврда динамик модел учун жамғарма нормаси ва инвестицион оқимнинг ҳажмини тартибга солади.

Узоқ муддатли динамик давр учун ҳукуматнинг фан-техника соҳасидаги сиёсати капиталнинг меъёрий унумдорлигига таъсир кўрсата олади. Лекин шуни назардан қочирмаслик керак-ки, миллий иқтисодиёт миқёсида жамғарма нормаси, амортизациян ажратмалар нормасига таъсир қилишга қараганда (административ усул билан) анча қийин.

Одамларнинг ўз маблағларини кам ёки кўп жамғаришга мажбур қилиб бўлмайди. MPS жуда кўп омиллар, жумладан институционал ва психологик омиллар асосида шаклланади.

*Масалан*, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда одамларнинг банк тизимига ишончлари ҳали пастлиги туфайли  $S=I$  ни мувозанатини сақлаш жуда қийин. Жамғарманинг асосий қисми банкда эмас кишилар қўлида. Натижада аҳоли жамғармасини инвестицияга айлантириш масаласини қийинлаштиради.

Домар моделига кўра динамик мувозанатнинг шарти қуйидаги тенглик бўлиши керак.

$$\text{Пул даромадининг ўсиши (талаб)} = \text{Ишлаб чиқариш қувватининг ўсиши (таклиф)}$$

Неокейнсчилар фикрича бозор иқтисодиёти шароитида кафолатланган ўсиш суръатига автоматик тарзда эришиб бўлмайди. Динамик мувозанатга эришиш, тартибга солиш учун иқтисодиётга давлат аралашуви, зарур.

**Иқтисодий ўсишнинг неоклассик модели.** Неоклассик иқтисодий ўсишни тадқиқ этганларида биринчидан, маҳсулот ҳамма ишлаб чиқариш омиллари билан яратилади. Иккинчидан ҳар бир омил ишлаб чиқаришга маҳсулот қийматини яратишда ўз ҳиссасини кўшади, ана шу ҳиссага кўра даромад олади. Учинчидан, ишлаб чиқарилган маҳсулот билан ресурслар ўртасида миқдорий боғланиш мавжуд. Тўртинчидан, ишлаб чиқариш мустақил, улар бир-бирини алмаштира олади. Неоклассик модели бир факторли моделдан фарқ қилиб, кўп факторли ҳисобланади. Фан-техника революцияси иқтисодий ўсиш назариясидаги янги тадқиқотлар учун кучли туртки бўлди. Иқтисодий ўсишнинг устун даражада интенсиив типига ўтилиши ФТРнинг ўсиш суръати ва сифатига қўшган ҳиссасини назарий жиҳатдан асослашни зарур қилиб қўйди.

Бу ҳодисани тадқиқ қилишда неоклассик модел иқтисодиётда Кобб-Дугласнинг кенг ёйилган ишлаб чиқариш функциясига асосланади.

Америкалик иқтисодчи П. Дуглас ва математик Ч. Кобб иш-

лаб чиқариш ва миллий даромад шаклини ўсишида турли омилларнинг ҳиссасини баҳолаш имкониятини берувчи макроиқтисодий модел яратишди. Бу модел Кобб-Дуглас модели деб номланиб, унинг энг оддий кўриниши қуйидагича:

$$Y = f(LK)$$

Y — ишлаб чиқарилган маҳсулот (миллий даромад) ҳажми;  
L — меҳнат харажатлари;  
K — қўйилган капитал.

Бу формулага мувофиқ меҳнат ва капиталнинг  $n$  фоизга ўсиши маҳсулот ҳажмини ҳам  $n$  фоизга ўсишига олиб келади.

Формулага кўшимча коэффицентлар киритиш мумкин. Булар меҳнат ва капитал харажатларини ишлаб чиқариш ҳажми эластиклигига таъсирини характерловчи коэффицентлар: меҳнат унуми, малака олиши, пропорционаллик коэффицентини ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда тасвирлаш мумкин. Формула у ҳолда қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$Y = A \cdot K^\alpha \cdot L^\beta$$

Бу ерда  $A$ ,  $\alpha$ ,  $\beta$  ишлаб чиқариш функциясининг коэффицентлари ёки параметрлари;

$A$  —технологик унумдорлик даражасини ифодаловчи коэффицент, қисқа муддатли вақтда ўзгармайди.

$\alpha$  ва  $\beta$  — меҳнат ва капитал харажатлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми эластиклиги коэффицентини. Агар ҳар бир омилга ўзининг меъёрий маҳсулотига мувофиқ ҳақ тўланадиган бўлса, у ҳолда  $\alpha$  (алфа) ва  $\beta$  (бета) ялпи даромадда капитал ва меҳнат улушини кўрсатади.

$\alpha$  0 билан 1 ни ўртасида ўзгаради  $\beta$  эса 1-а га тенг.  $\beta = 1 - \alpha$ ;

Кобб-Дуглас модели муаллифлари уни реал статистик маълумотлар асосида тадқиқ этишган. Қайта ишловчи саноатда асосий капитал, ишчи ва хизматчилар ишлаган соатларининг ўсиши маҳсулот миқдорининг ўсишига олиб келишини аниқлашган. 24 йил давомида (1899—1922 йилларги) статистик маълумотлар асосида ишлаб чиқариш функциясининг қуйидаги параметрларини аниқлашган:  $Y = 1,01 \times K^{0,25} L^{0,75}$ .

Шу давр ичида ишлаб чиқариш ҳажми 140% ўсган. Ундан 1/4 асосий капитални, 3/4 эса меҳнат сарфининг ўсиши (бандликни ўсиши) эвазига тўғри келади. Бошқача айтганда 1% капитал харажатларининг ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмини 0,25 га, 1% меҳнат харажатларининг ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмини 0,75 га ўстиради.  $\alpha + \beta$  бир вақтнинг ўзида  $K$  ва  $L$  омилларининг ўсиши ишлаб чиқариш ёки миллий даромад ҳажмини қанча фоизга ўсишини кўрсатади.

Агар  $\alpha + \beta = 1$  бўлса,  $K$  ва  $L$  нинг 1% га ўсиши уни ҳам 1 %



ўсишига олиб келади. Лекин бошқача вариант  $\alpha + \beta < 1$  бўлиши ҳам мумкин.

Кобб ва Дуглас омилларининг ўзаро боғланиш ва бир-бирини алмаштириш даражаси доимий олинган. Ҳақиқатда улар технология ўзгариши билан ўзгаради.

Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясининг биринчи хусусияти масштабга кўра қайтимнинг барқарорлиги қуйидаги формулада ифодаланади.  $F(nK nL) = n A K^\alpha L^\beta$ ; агар капитал ва меҳнатдан фойдаланишни  $n$  марта кўпайтирсак, у ҳолда ялпи ишлаб чиқариш ёки даромад ҳажми шунча мартага кўпаяди.

Кобб-Дуглас функциясининг иккинчи хусусияти, омилларнинг меъёрий унумдорлигининг ўзгариши билан боғлиқ. Масалан, агар қўшимча миқдорда капитални жалб қилсак, меҳнат омили  $L$  аввалги ҳажмда қолса, бошқа шароитлар ўзгармагани ҳолда меҳнатнинг меъёрий унумдорлиги ўсади. Ўсган капиталнинг меъёрий унумдорлиги  $MPK$  пасаяди. Агар меҳнат миқдорини кўпайтирсак, бошқа шароитлар ўзгармаганда меъёрий унумдорлик пасаяди, капиталнинг меъёрий унумдорлиги ортади. Хулоса: меҳнат ва капитал ўртасидаги нисбатларнинг бузилиши маълум бир берилган технологияда ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажмидан камаяди, яъни ишлаб чиқариш самараси пасаяди.

Агарда биз  $A$  параметрни ўзгартирсак, масалан унумлироқ технологияни жорий қилсак, у ҳолда бир вақтнинг ўзида  $MPK$  ҳам  $MPI$  ўсишига эришамиз.

Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясининг учинчи хусусияти, меҳнатдан даромаднинг капиталдан даромадга нисбатини барқарорлиги (бетанинг нисбати алфага), яъни миллий маҳсулотда капиталнинг улуши билан меҳнат улушининг нисбати барқарорлигидир.

Тадқиқотлар шунини кўрсатадики 1948—1989 йиллар орасида АҚШда бу нисбат 2 ва 3 орасида тебраниб турди<sup>1</sup>.

Натижада иш ҳақи капиталга даромадга нисбатан 2—3 марта кўп бўлди. Тахмин қилиш мумкинки, бетанинг алфага нисбати доимий тебраниш чегаралари технологияга боғлиқ. Шу чегаранинг ичида бу нисбатнинг тебранишини  $I$  ва  $S$ , яъни инвестиция билан жамғарма ўртасидаги нисбатни ўзгариши билан изоҳлаш мумкин. Чунки йил давомида иш ҳақи, солиқ шкаласи, амортизация нормаси катта ўзгаришларга учраши мумкин.

Техник тараққиётнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда кейинчалик Кобб-Дугласнинг формуласига ўзгартиришлар киритилди. Бунини биринчи марта голланд иқтисодчиси, Нобель мукофоти лауреати Ян Тинберген бажарди. Бу формуланинг интерпретацияси қуйидаги кўринишни олди

$$Y = A \cdot K^\alpha L^\beta e^{\pi t}$$

<sup>1</sup> Менкю Г. Макроэкономика, М. 1994, с. 113.

Бунда 1<sup>н</sup> вақт омили  $g$  — техник тараққиёт суръати,  $t$  — натурал логарифм асоси.

Вақт омилининг киритилиши фақат миқдор эмас, сифат ўзгаришларини ҳам ҳисобга олади. У техник тараққиёт омили тарзида ифодаланади.

Шундай қилиб, миллий даромад ҳажми капитал, меҳнат ҳамда сифат ўзгаришлари: банд бўлганларнинг малакаси, инновациянинг ўсиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллашуви, жамият миқёсида таълимнинг ўсиши, бошқалар эвазига ўсади. Янги параметрнинг киритилиши ФТР даврида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши фақатгина  $K$  ва  $L$  га қилинган харажатларнинг ўсиши эвазигагина эмас, балки бошқа сезиб бўлмайдиган омиллар эвазига ўсишини ҳам ҳисобга олади. Кўпгина иқтисодчиларнинг диққат марказида  $g$  кўрсаткичи туриб, уни турли адабиётларда турлича “техник ўзгаришлар кўрсаткичи”, “ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўзгариши”, “ $V$ ” самарадорлик индекси ва ҳатто “беҳабарлигимиз ўлчови” тарзида талқин этилади.

Техник тараққиётнинг таъсири таниқли америкалик иқтисодчилар Р. Солоу, Ж. Мид, Е. Денисон томонидан чуқур ўрганилган.

**“Харажатлар” — “маҳсулот ишлаб чиқариш” модели.** Бу модел иқтисодий ўсишнинг энг муҳим моделларидан бири ҳисобланади.

Тармоқлараро баланснинг назарий асослари собиқ Иттифоқда биринчи беш йилликлар даврида ишлаб чиқилган. Уни биринчи марта америкалик иқтисодчи (келиб чиқиши, россиялик бўлган) В. Леонтъев томонидан “харажатлар — маҳсулот ишлаб чиқариши” номи билан расмийлаштирилди. У тармоқлараро алоқаларни шахмат типидаги жадвал ёрдамида чизикли алгебрали қўллаб ўрганиб чиқди. 30-йилларда Америка иқтисодиётини тадқиқ этиб, “Америка иқтисодиёти таркиби” монографиясини ёзди. Бу китобида умумий мувозанатнинг иқтисодий назарияси халқ хўжалигининг турли тармоқлари ўртасидаги алоқаларни ўрганишга, татбиқ қилишга ҳаракат қилинади. Кейинчалик (1973) ўзининг “харажатлар” — маҳсулот ишлаб чиқариш” модели ва уни иқтисодий муаммоларни ўрганишда амалий татбиқи учун Нобель мукофотини олди.

Иқтисодий таҳлилнинг харажатлар — маҳсулот ишлаб чиқариш услубида В. Леонтъев диққатини энг аввало иқтисодий моделдаги миқдорий алоқаларга қаратади. Бу алоқалар турли тармоқлар ўртасида технологик коэффициентлар орқали ўрнатилади. ( $a_{11}$ ,  $a_{12}$ ,  $a_{13}$ ) ва ҳоказолар.

В. Леонтъев АҚШ иқтисодиёти таркибини характерловчи баланс жадвал ишлаб чиқади. Тармоқлараро баланс 4 квадрант-

дан иборат бўлиб, биринчи квадрантда (I) маҳсулот ишлаб чиқариш учун материал харажатлари кўрсатилган. Иккинчи квадрантда (II) шахсий истеъмол учун ишлатиладиган пировард маҳсулот, жамғариш, давлат харидлари ва экспорт кўрсаткичлари ифодаланади. Учинчи квадрантда (III) қўшилган қиймат (иш ҳақи, фойда солиқлар) ва импорт кўрсаткичлари, тўртинчи квадрантда (IV) соф миллий маҳсулотни қайта тақсимлаш кўрсаткичлари ифодаланган.

Леонтьев жадвалида тармоқлараро алоқалар вертикал тарзда устунларда харажатлар, яъни ҳар бир тармоқда яратилган маҳсулот қийматини ташкил этувчи элементлар, горизонтал тарздаги сатрларда миллий иқтисодиёт ҳар бир тармоғи маҳсулотининг тақсимланиш таркиби кўрсатилган.

Пировард талабнинг ёки ишлаб чиқаришда шароитнинг ўзгариши у билан ўзаро боғлиқ барча тармоқларда ўзгаришларга олиб келишини кўрсатиб беради. Истеъмолдаги ёки ишлаб чиқаришда, бирон-бир товар ишлаб чиқариш технологиясидаги ҳар қандай ўзгариш мувозанат нархлари таркибини ўзгартиради ва у ўз навбатида технологик коэффицентларнинг ўзгаришига олиб келади. Айтайлик, машинага пировард истеъмолнинг ўзгариши, металлга, у ўз навбатида рудага талабни ўзгартиради.

Бу ўзгариш бир машина учун кетадиган металл харажати коэффиенти, металл ишлаб чиқариш эса бир тонна рудадан олинадиган металл эритиб олиш коэффиенти орқали ҳисобланади. Тўғридан-тўғри алоқадорлик ҳар доимо бир маҳсулот, иккинчиси учун харажат бўлишида намоён бўлади. Масалан, кўмир қазилма саноатининг маҳсулоти электр энергияси ишлаб чиқариш учун хом ашё, химия саноати кўмирни фақатгина хом ашё сифатида эмас, балки электр энергияси сифатида ҳам ишлатади. Натижада ана шу бир-бири билан бевосита ва бавосита боғлиқ ишлаб чиқариш бирининг ўзгариши қандай қилиб иккинчисига таъсир қилиши бир бутун алоқалар тизими сифатида намоён бўлади.

Бир тармоқнинг маҳсулоти иккинчи тармоқнинг харажати бўлар экан. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш билан истеъмол бир-бири билан бевосита ва билвосита боғлиқ экан, албатта бирининг ўзгариши иккинчисининг ҳам ўзгаришига олиб келади.

Тармоқлараро баланс, турли тармоқлар ўртасида нархлар, ишлаб чиқариш ҳажми, капитал қўйилмалар ва даромадларнинг боғланишини ўрганишга ёрдам берибгина қолмай, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини, келажагини прогнозлаш имконини беради. Чунки келажакда бир маҳсулотни ёки бир гуруҳ маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ўсиши ёки қисқариши бошқа тармоқларда қандай акс этишини, иқтисоднинг ўсиш миқёси ва суръати тармоқлар таркибини аниқлаш имконини беради. В. Леонтьев дастлаб АҚШ иқтисодиётининг 44 тармоғини ўз ичига олган тармоқлараро балансини ишлаб чиққан. Тармоқлараро баланс мамлакатда юритилаётган иқти-

содий сиёсатга кўра кўриладиган чора-тадбирлар, бутун иқтисодиёт таркиби қандай ўзгариши, мумкин бўлган алтернатив комбинацияларини кўллаш натижаси қандай пировард натижага олиб келиши мумкинлигини кўра билиш имконини беради. Стратегик режалаштиришни амалга оширишда В. Леонтъев Японияни биринчи ўрнига қўяди.

Р. Солоу модели. Василий Леонтъевни ўзининг устози, мураббийси, дўсти деб билган Роберт Солоу 1987 йили иқтисодий ўсиш омилларини тадқиқоти учун Нобель мукофотини олди. У ҳозирги замон иқтисодиёт фанида “жамғаришнинг олтин қондаси” номи билан танилган.

**Моделнинг мақсади.** Иқтисодий сиёсатнинг учта муҳим саволига жавоб бериш:


Қандай қилиб, юқори ва барқарор ўсишга эришиш мумкин? Шу билан бирга қандай қилиб, истемолнинг максимал ҳажмини топиш мумкин? Иқтисодий ўсишга аҳолининг ўсиши ва ишлаб чиқаришга янги технологияни тадбиқ қилиш қандай таъсир қилади?

**Моделнинг тузилиши.** Солоу аввало икки факторли ишлаб чиқариш функциясини бир факторли функцияга келтиради. У қуйидагича амалга оширилади. Икки факторли ишлаб чиқариш функцияси  $Y=F(KL)$  да капитални меҳнат миқдорида бўлиб  $K/L$ ,  $y=f(k)$  функцияни оламиз.

( $k = K/L$  – капитал билан қуролланиш даражаси). Даромад фақат бир омил капитал билан қуролланишнинг функцияси сифатида юзага чиқади.

Бу функцияда капиталнинг меъёрий унумдорлиги  $MP_k$  узлуксиз ўзгарувчи бурчак оғиши билан ўлчанади  $y=f(k)$ . У ишловчининг капитал билан қуролланиши бир бирликка ўсса, яъни  $MP_k=f(k+1)-f(k)$  бўлганда ишлаб чиқаришнинг қандай ўсишини кўрсатади.

Солоу моделида маҳсулотга талаб истеъмолчи ва инвесторлар томонидан қўйилади. Ишлаб чиқарилган неъматлар мувозонат шароитида тўла истеъмол қилинади, инвестицияланган, товар ва материаллар жамғарилишига йўл қўйилмайди ( $S=I$ ).



Макроиктисодий тенглик  $Y=C+I$  ни ёдга олиб, бир ишловчи-га тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми (меҳнат унумдорлиги)ни қуйидаги кўринишда  $y=c+i$ ; ёзиш мумкин. Истемол функциясини эса  $c=(1-s)y=(1-s)f(k)$ , инвестиция функциясини  $i=sy=sf(k)$  шаклида ёзиш мумкин.

Капитал билан қуролланишни ҳар бир даражасига тўғри келадиган истемол ва инвестиция миқдори график кўринишида ифодаласак қуйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин.  $f(k)$  ва  $sf(k)$  функциялари ўртасидаги масофа истеъмол ҳажмини кўрсатади. Шу асосда истеъмол функциясини қуйидагича ёзиш мумкин.  $c=f(k)-sf(k)$

Бу функция (бир ишловчи бўйича ҳисоб-китоб қилиб чиқилган), капиталнинг меъерий унумдорлигини  $MP_k$  пасайиб боришини характерлайди.

Солоу моделида капитал захирасининг ўзгариши муҳим ўрин тутати. Унинг миқдори инвестиция миқдори билан эскириб, ҳисобдан чиқарилган капитал миқдори билан  $\Delta k = i - Sk$  аниқланади.

$s$  — капитални ҳисобдан чиқариш (ёки амортизация) нормаси (константа бўлади).

$\delta k$  — капитал эскириш ҳажми.

Ишлаб чиқариш жараёнида ҳар йили иқтисодиёт ривожланиши капиталнинг қандай ҳажмида бошланишидан қатъи назар капитал захиралари тўлдириб турилади. Лекин капитал ўсиши сусайиб боради. Бу ҳолат капитал билан қуролланиш даражасининг ўсиши билан, капитал меъерий унумдорлигининг  $MP_k$  пасайиб бориши билан изоҳланади. Лекин капитал билан қуролланишнинг ортиши, ҳисобдан чиқарилган капиталнинг ҳажмини ҳам ўсишига олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида инвестиция билан капитални ҳисобдан чиқариш ўртасидаги фарқ камайиб бориб, улар ўзаро тенглашгунча давом этади.  $k=0$  бўлганда ишлаб чиқариш, инвестиция, капитални ҳисобдан чиқариш ўсишдан тўхтаб қолган. **Иқтисодиётда мувозанатга эришилади.**  $\Delta k=0$  бўлган ҳолатда эришилган капитал билан қуролланиш даражаси **капитал билан қуролланишнинг барқарор даражаси ( $k^*$ )** деб аталади. У иқтисодиётнинг инвестиция ва капитални ҳисобдан чиқариш барқарорлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгармаслиги билан ажралиб турадиган мувозанат ҳолатини ифодалайди.

Мувозанат ҳолатида  $sf(k^*) - \delta k^* = 0$  ёки  $\Delta f(k^*) = \delta k^*$ ;

Бу формула капитал билан қуролланишнинг ( $k^*$ ) барқарор даражасини бир неча йиллар давомида ишлаб чиқариш ва капиталнинг йиллик ўсишини аниқлаш учун узоқ ҳисоб-китобларсиз ҳисоблаш имконини беради. Пропорциялар асосида  $k^*/f(k^*)=s/\delta$ .

Бундан келиб чиқиб,  $k^*=f(k^*) s/\delta$ ;

Зарур бўлганда давлат ўз иқтисодий сиёсати билан жам-

ғариш  $s$  ёки амортизация ажратмалари нормасига  $\delta$  (капитални янгилашиши тезлиги амортизация нормасига боғлиқ) таъсир қилиш орқали  $k^*$  даражасига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Солоу модели, катта ҳажмдаги инвестиция, демак миллий даромадда жамғаришнинг юқори нормаси ( $S=I$  шароитида)га аҳоли жон бошига энг кўп даромад тўғри келишини кўрсатади. Бу кўпгина иқтисодчилар томонидан статистик маълумотлар орқали тасдиқланган. *Масалан*, аҳоли жон бошига энг кўп даромад тўғри келган ривожланган Япония, АҚШ, Германия, Франция ва бошқа мамлакатларда кейинги ўн йилликда инвестиция билан жамғарма ўртасидаги фарқ минимал (0,1%, ЯИМга нисбатан) жамғариш нормаси эса энг юқори (23% ЯИМга нисбатан) бўлган.


Солоу модели давлатнинг макроиқтисодий сиёсатидаги муваффақиятига боғлиқ бўлган ниҳоятда муҳим савол қандай қилиб белгиланган (берилган) иқтисодий ўсиш суръати бўйича истеъмолни максимал даражасига эришиш мумкин деган саволга жавоб беришга ёрдам беради.

Истеъмолнинг максимал даражасига эришиш мумкин бўлган шартни Америкалик иқтисодчи Э.Фэлпс “Иқтисодий ўсиш билан шуғулланувчилар учун масал” (1961 й.) асарида “жамғаришнинг (капитал) олтин қоидаси” деб атайди. Солоу ана шу даражага қандай эришиш мумкинлигини кўрсатиб беради.

**1. Капитал билан қуролланишнинг барқарор даражаси шароитида (қачонки,  $\delta k^*$  инвестиция ҳажмига тенг бўлганда) ишлаб чиқариш ҳажми билан  $f(k^*)$ , эскириш ҳажми  $\delta k^*$  ўртасида фарқ энг катта бўлганда истеъмол энг юқори бўлади.**

Шунинг учун истеъмолнинг ана шу даражаси “олтин қоида” бўйича истеъмолнинг барқарор даражаси деб аталади.

$$C^{**} = f(k^*) - \delta k^*$$



Истеъмол  $C^{**}$  ва капитал жамғаришнинг  $k^{**}$  олтин даражаси.

**2. Капиталнинг ана шу барқарор истеъмолни таъминлайдиган ҳолати, капитал жамғаришнинг ( $k^{**}$ ) олтин (оптималь) даражаси дейилади.**

Куйидаги графикда ана шу даражани кўриш мумкин.

Ҳақиқатда агар мавжуд капиталнинг барқарор захираси (ҳажми) жамғаришнинг  $k^{**}$  олтин даражасидан ортиб кетса, келгусида капиталнинг ўсиши унинг эвазига олинадиган меъёрий маҳсулотнинг камайишига, у ўз навбатида истеъмол даражасининг пасайишига олиб келади.

Шундай қилиб истеъмолнинг максимал даражасига  $c^{**}$  капитал жамғаришнинг  $k^{**}$  олтин даражасидагина эришиши мумкин.

Капитал жамғаришнинг бундай даражасига фақат  $MP_k = \delta$  шarti бажарилгандагина эришиш мумкин. Ана шунинг ўзи олтин қоида: истеъмолнинг максимал даражасига  $c^{**}$  фақат  $MP_k = \delta$  бўлганда эришилади.

Шундай қилиб максимал истеъмолни ушлаб туриш учун капиталнинг соф унумдорлиги ( $MP_k - \delta$ ), яъни капитал эвазига олинган меъёрий маҳсулотдан, амортизация ажратмаларни айириб ташланган миқдор ишлаб чиқаришни ўсиш суръатига тенг бўлиши керак.

**3. Аҳолининг ўсиши** капитал билан қуролланиш даражасига, шунингдек ҳисобдан чиқариш (амортизация) нормасига ҳам таъсир қилади, яъни капитал захираси пасаяди. Ҳақиқатда  $L$  нинг ўсиши капитал билан қуролланиш даражаси  $k = K/L$  ва ҳар бир ишловчига тўғри келадиган маҳсулотга  $y = f(k) = Y/L$  бўлади таъсир қилади. Агар Солоу моделига аҳолининг ўсиш суръати  $n$  ни киритсак, у ҳолда инвестиция даражаси, аҳолининг ўсиши ва капиталнинг эскиришини компенсация қилиш, қоплаш учун зарур бўлган инвестиция даражаси  $(\delta + n)k$  га тенг бўлиши керак.

Капиталнинг аввалги ҳажми ўсган ишловчилар миқдори ўртасида тақсимланади. Бу капитал билан қуролланишнинг барқарор даражасини пасайишини тушунтириб беради:  $sf(k) = (\delta + n)k$ ; шунингдек истеъмолнинг барқарор максимал даражаси ҳам пасаяди,  $c^{**} = f(k^*) - (\delta + n)k^*$ ;

Аҳолининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда капитал жамғаришнинг барқарор даражасига фақат  $MP_k = (\delta + n)$  бўлгандагина эришилади. Бу истеъмолни максималлаштиришнинг олтин қоидаси, аҳолининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда куйидаги кўринишдаги тенгламада ифодаланади.

$$MP_k = \delta + n$$

Техника тараққиёти меҳнат самарадорлигининг ўсиши натижасида бир ишловчига тўғри келадиган маҳсулот ўсиш суръати  $g$  ҳам ортади.

<sup>1</sup> Эҳтолатиб — келиб чиқиш манбаи ташқи муҳит, четдан кириб келган, ташқи омил.

Техник тараққийётнинг ўсиши билан, капитал захирасининг ўсиши камаяди.

$\Delta k = sf(k) - (\delta + n + g)k$ ; Капитал билан қуролланишнинг барқарор даражаси  $k^*$  га қачонки, инвестициялар ҳажми капиталнинг  $k$  ҳисобдан чиқарилиши (истеъмол қилиниши, яъни эскириши), аҳолининг ўсиши ҳисобига камайишини тўла қоплагани ва техника тараққийётини ҳисобга олган ҳолда талаб қилинган даражада бўлганда эришилади, яъни:  $sf(k) = (\delta + n + g)k$ ; Мувофиқ равишда истеъмолнинг барқарор даражаси:

$$c^{**} = f(k^*) - (\delta + n + g)k^* \text{ бўлади.}$$

Шундай қилиб, барқарор истеъмолнинг максимал даражасига олтин ҳолида бўйича аҳолининг ўсиши ва техника тараққийётини ҳисобга олган ҳолда жамғариш ҳажми  $k^{**}$  тўла кафолатланганда эришилади.

$$MP_k = \delta + n + g;$$

Солоу модели жамғарманинг ўсиши, қисқа муддатда капитал захирасининг ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига олиб келишини кўрсатади. Лекин бу ҳолат иқтисодиётда барқарор капитал билан қуролланиш даражасида мувозанат ҳолатига эришгунча давом этади. Узоқ муддатли даврда ишлаб чиқаришнинг ўсиши техник тараққийёт суръатига боғлиқ. Фақат ана шу экзоген омил ишлаб чиқаришни ва истеъмолнинг узлуксиз ўсишини таъминлайди.

Анъанавий ёндашувлардан фарқли ўлароқ, Солоу моделида энг юқори, максимал (иложи борича кўпроқ) истеъмол капитал миқдори билан эмас, балки унинг оптимал даражаси билан аниқланади. Оптимал даражага эришиш учун инвестиция зарур. Давлат жамғарма (ҳазина тўплаш шаклида)ни чеклаш, инвестицияни рағбатлантириш сиёсатини юритиши керак.

Иқтисодчиларнинг тадқиқотлари шунини кўрсатадики, реал ҳаётда жамғарма билан инвестиция ҳажмининг тенг бўлиши жуда камдан-кам учрайди. Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда улар ўртасидаги фарқ 2—3%, айрим йиллари ундан ҳам кўпроқни ташкил этади. *Масалан*, Японияда жамғарманинг ялпи миллий маҳсулотга нисбати 34,5% (жумладан 26% — хусусий) бўлса, инвестиция — 32,5%ни ташкил этди. Германияда жамғариш ялпи миллий маҳсулотнинг 26% ини (хусусий 24,2%) ташкил этиб, инвестиция эса ялпи миллий маҳсулотнинг 23,4% ини ташкил этади.

Истеъмол инвестиция ҳисобига амалга оширилса, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қисқариш хавфи туғилади. “Келажакни дисконтлаш”, яъни келажакни ҳозирги замон фойдасига чеклаш юз беради. Тўғри ҳолат учун ҳеч бўлмаганда инвестиция эскиришни қоплашга (амортизацияга) тенг бўлиши керак.



## Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодий ўсиш	Интернал назария
Инвестиция	Соф монетар назария
Ялпи инвестиция	Умумий кризис
Соф инвестиция	Таркибий кризис
Экстенсив	Аграр кризис
Интенсив	Китчин цикли
Цикли ўсиш	Жугляр цикли
Экстернал назария	Кондратев цикли
Харрод-Домар модели	“Харажатлар” — маҳсулот
Неоклассик модел	Ишлаб чиқариш модели
Кобб-Дуглас модели	Солоу модели
Олтин қоида	

## Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий ўсиш деганда нимани тушунаимиз? Иқтисодий ўсишдан кўзланган мақсад нима? Тушунтириб беринг.
2. Иқтисодий ўсишга қандай омиллар таъсир қилади?
3. Иқтисодий ўсишнинг қандай усуллари биласиз?
4. Нол даражасидаги иқтисодий ўсиш концепсиясининг маъносини тушунтириб беринг.
5. Миллий бойлик нима, у иқтисодий ўсишга қандай таъсир кўрсатади?
6. Миллий бойликни турли жиҳатдан ёндашган ҳолда тушунтириб бера оласизми?
7. Иқтисодиётнинг цикли ўсиши ҳақида қандай назарияларни биласиз?
8. Шумпетер “бунёдкорлик яширинган бузғунчилик” деганда нимани назарда тутган?
9. Қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли циклар ҳақида нималарни биласиз? Цикл фазалари деганда-чи?
10. Иқтисодий ўсишнинг қандай моделларини биласиз?
11. Иқтисодий ўсишнинг Харрод-Домар модели бошқа моделлардан қандай фарқ қилади?

## XVII б о б

# МАКРОИҚТИСОДИЙ НИСБАТЛАР ВА МУВОЗАНАТ

Жамият доимо иқтисодий ўсиш, тўла бандлик ҳамда барқарор нарх даражасига эришиш учун интилади. Бу мақсадга эса барча соҳалардаги мувозанат туфайли эришиш мумкин.

Маълумки табиат ва жамият доимо мувозанатга интилади. Чунки мувозанатнинг бузилиши тушкунликка, инқирозга олиб келади. Мувозанатга эришилган тақдирдагина ривожланиш, тараққиёт юз беради. Тараққиётнинг ўзи мувозанатнинг бузилишига олиб келиб, яна янги мувозанат ўрнатиши зарур бўлади.

Мувозанатга эришишнинг асосий шарти макроиқтисодий нисбатлар ва уларнинг мутаносиблигини таъминлашдир. Бунинг учун аввало макроиқтисодий мувозанат ва унинг турлари макроиқтисодий нисбатлар ва уларнинг мутаносиблиги, миллий иқтисодиёт таркибининг шаклланиши, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уларнинг асосий моделларини билишимиз зарур. Мазкур боб ана шу муаммоларни ўрганишга бағишланган.

## 1-§ МУВОЗАНАТЛИК ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг ривожланиши динамик мувозанатга эришишга боғлиқ.

*Мувозанат* иқтисодий назария ва иқтисодий сиёсатнинг асосий категорияларидан бири. У иқтисодий жараёнларни мутаносиблигини, баланслашувини ифодалайди. *Масалан*: ишлаб чиқариш ва истеъмол, ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда ишлаб чиқариш натижаси, талаб, таклиф ва ҳоказолар. Иқтисодчилар идеал ва реал мувозанатни ажратиб кўрсатишади. Идеал (назарий) мувозанатда иқтисодиётнинг барча сектори, соҳалари тармоқларида тўла мувозанатга эришилиб, барчанинг манфаатлари оптимал даражада амалга ошади.

Бундай мувозанатга эришиш учун барча истеъмолчилар ўзига зарур бўлган товар хизматларни бозордан топа олишлари, аввалги яратилган барча маҳсулотлар тўла сотилиши керак.

Реал ҳаётда бу талаблар турли сабабларга кўра бузилади. Энг аввало тажриба шуни кўрсатадики, миллий иқтисодиёт миқёсида “соф бозор” ва мукамал рақобат йўқ. Тадбиркорлик фаолиятида турли-туман ижобий ва салбий қўшимча эффектларнинг роли катта. Циклик ва структуравий кризисларнинг, юз бериши, инфляция иқтисодиётдаги мувозанатни бузади. Шу билан бирга ҳатто диспропорциялар мавжудлиги шароитида ҳам иқтисодиётни динамик мувозанатга келтириш мумкин.

*Реал иқтисодий мувозанат* — бу иқтисодиёт номукамал рақобат шароитида бозорга ташқи омилларнинг таъсири остида, турли чекланишлар мавжудлиги шароитида иқтисодиёт тизимда ўрнатиладиган мувозанат.

Иқтисодчилар мувозанатни хусусий ва умумий мувозанатга ҳам ажратишади. Хусусий (қисман) мувозанат алоҳида олинган бозорлар, ишлаб чиқариш омиллари, хизматлар, товарлар бозоридаги мувозанатни ифодалайди.

Умумий мувозанат деганда ҳамма бозорларда бутун иқтисодий тизимда эришилган мувозанатга бошқача айтилганда макроиқтисодий мувозанатга эришиш тушунилади. Макроиқтисодий мувозанатда асосий мувозанат бу ялпи талаб ва ялпи таклиф, даромад ва истеъмол ўртасидаги мувозанат ҳисобланади.

Реал мувозанатни идеал мувозанат билан мос тушмаслиги ижтимоий тақдор ишлаб чиқаришнинг умумий қонун қоидаларини назарий таҳлил қилиш, макроиқтисодий мувозанат моделлари ва абстракт схемаларни ишлаб чиқаришдаги назарий таҳлил аҳамиятини пасайтирмайди. Бу моделлар мувозанатга эришишнинг иқтисодий механизмини тушунишига ёрдам беради. Реал жараёнларни идеал жараёнлардан фарқ қилувчи омилларни аниқлаш оптимал иқтисодий сиёсат юритишга ёрдам беради. Ҳозирги пайтда иқтисодий назарияда макроиқтисодий мувозанатга эришишнинг турли моделлари мавжуд. Улар турли тарихий шароитларда мазкур муаммога ёндашишнинг ўзига хос хусусиятларни характерлайди.

Ҳар бир жамият хўжалик birlikларини алоқадорлигини ифодалайди. Уларнинг хатти-ҳаракати бир типли ҳаммаси тўловга қодир талабга мослашади ҳамда доимий барқарор даромад олишни таъминлашга ҳаракат қилади. Корхона (фирма) лар фаолияти бир-бири билан олди-берди пул муносабатлари билан боғланган. Бундай шароитда бир корхонада ишлаб чиқариш имкониятининг ўсиши у билан боғлиқ корхона, транспорт таъминотида ҳам мувофиқ ўзгартиришини талаб қилади. Агар бирон бир маҳсулот ишлаб чиқариш 200 дан 500 гача корхона билан боғлиқ десак, қандай тарзда ўзгариш бўлишини кўз ўнгимизга келтиришимиз мумкин. Бу нисбатлар бозор шароитида жуда ҳаракатчан, ҳар бир ишлаб чиқариш бирлиги маълум автономликка эга.

*Агар бу динамизм (ҳаракатчанлик) ўзгарувчанликни сақла-*

ган ҳолда бозор механизми амал қилаётган шароитда бутун иқтисодий тизимни барқарор ривожланишини таъминласа иқтисодиётни *баланслашган мувозанатли ўсишига* эришилган бўлади. Барқарор баланслашган ўсишга ресурсларнинг турли комбинациялари орқали эришилади. Шунинг учун натижа ҳар хил бўлади, балансга ишлаб чиқариш самараси турлича бўлиши орқали эришилади.

Бир-бирини тақозо қилса ҳам, баланслашган ўсиш билан самарали ўсиш бир хил тушунча эмас. Баланс ҳолати ёки мувозанат иқтисодий тизимни ягона бир бутун организм сифатидаги ҳолатни характерлайди. Бир хўжалик шартномаларини бажаришга қаттиқ ҳаракат қилади. У корхоналар фаолиятини мувофиқлаштиришда реал ҳукмдорга айланади.

Иқтисодиёт мувозанатли ҳолда ривожланиши учун маълум даражада захира (резервлар)га эга бўлиши керак. Тўкин бозор талабига қараганда таклифни бирмунча кўп бўлишини тақозо қилади. У мамлакатда хўжалик алоқаларига барқарорлик беради. Зарур бўлганда талабнинг ўзгаришига қараб, таклифни мослаштиришни осонлаштиради. Айрим пайтларда ишлаб чиқаришда юз берадиган узилиш, натижада меҳнат тақсимоти туфайли миллий хўжаликнинг бошқа соҳаларига тарқалишини олдини олади. Шундай тарзда маълум миқдордаги ортиқча ишлаб чиқариш вужудга келган номутаносибликни иқтисодий тизим бўйича тарқалишини тўсади ва барқарорликни таъминлайди.

Иккинчи томондан сероб бозорда хўжалик шартномаларининг роли ортади. Сотиб олиш эмас, аксинча сотиш қийин бўлса хўжалик шартномасининг бузилиши сотиш имкониятини, рақобат бардошлигини пасайтиради, бу албатта даромадни камайтиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжалик шартномаларни бажаришни қаттиқ талаб қилади. У корхоналар фаолиятини мувофиқлаштиришда реал ҳукмдорга айланади.

Агарда захиралар ҳаддан ташқари кўпайиб кетса, улар узоқ вақт ишлатилмай қолади ва ишлаб чиқариш самарасини пасайтиради. Моддий захираларнинг ўсиши ресурслардан самарасиз фойдаланилаётганлик ҳақидаги сигналдир. Бундай иқтисодиёт самарали ўсишни таъминламайди.

Захираларни камайтириш ҳисобига илмий асосда корхоналарни аниқ бир-бирига мос ҳолда ишлашини таъминлаш Японияда амалга оширилди. Бунинг натижасида мамлакатда пировард маҳсулот чиқишини кўпайтиришга эришилди. Лекин бунинг уддасидан ҳамма мамлакатлар чиқиши қийин. Бундай тарзда ташкил этилган иқтисодиётнинг заифлиги шундаки, озгинагина етишмовчилик натижасида ишлаб чиқаришнинг тушкунлиги юз берishi мумкин.

Бир-бирига қарама-қарши масалалар миллий хўжалиқда барқарор мувозанатни таъминлаш, иқтисодий жараёнларни бар-

қарорлигига эришиш, самарали хўжалик юритиш, фан-техника тараққиётидан орқада қолмаслик охир-оқибат жамиятнинг ривожланишига олиб келади. ФТР янги ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнатишни, эскиларни эса бузишни талаб қилади. У мувозанатни бузади, лекин иқтисодий ўсишни янги босқичга кўтаради, аммо у ҳам мувозанатни талаб қилади. Шундай қилиб иқтисодиётда мувозанатли (мутаносиблашган) ўсишга самарали ўсиш билан доимо бир вақтнинг ўзида эришилмаслиги мумкин.

## 2-§ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

### Иқтисодий мутаносиблик

Маълумки, иқтисодий алоқалар чирмашиб кетади. Шунинг учун ҳам иқтисодиётдаги мувозанат энг аввало маълум бир нисбатлар бўлишини тақозо этади. Чунки ҳар бир товар, хизмат маълум миқдордаги ишлаб чиқариш омиллари нисбатини талаб қилади. Яъни ҳар қандай товар ишлаб чиқариш учун маълум миқдорда ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик талаб қилинади. Айтайлик буғдой ишлаб чиқариш учун ер, трактор, қишлоқ хўжалиги машиналари, минерал ўғит, уруғлик кабиларни маълум нисбатда талаб қилади. Бу ўз навбатида шу ресурсларга талабни ва уларни ишлаб чиқариш нисбатларини шакллантиради. Пировард натижада мамлакат миқёсида ялпи талаб, мувофиқ равишда ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг таркиби ва нисбатлари ўрнатилади.

Уни республикаимиз миллий иқтисодиёти таркиби мисолида кўришимиз мумкин.

#### *Ўзбекистонда турли тармоқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши*

Тармоқлар	2000 й.
Саноат	13,8
Қишлоқ хўжалиги	30,4
Транспорт ва алоқа	8,1
Қурилиш	6,1
Савдо ва умумий овқатланиш	9,5
Бошқа хизматлар	19,4
Соф солиқлар	12,7

Ривожланган мамлакатлар миллий иқтисодиётининг таркибида хизмат кўрсатиш улушининг юқорилиги, қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси эса пастлиги билан ажралиб туради. Уни қуйидаги жадвал рақамларидан ҳам кўриш мумкин.

*Баъзи постиндустриал мамлакатларда иқтисодиётнинг тармоқ тузлиши (1997–1999 йиллар, % да)<sup>1</sup>*

Мамлакатлар	Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизматлар
АҚШ	2,1	23,5	74,4
Англия	1,6	26,4	72,0
Германия	2,1	33,1	64,8
Япония	1,4	36,2	62,4
Жанубий Корея	7,1	35,6	57,3
Беш мамлакат бўйича	2,8	31,0	66,2

Уларни таққослаб, шундай хулоса чиқариш мумкин, республикамизда аграр секторнинг миллий иқтисодиётдаги улуши ривожланган мамлакатларга қараганда деярли 11 марта кўп. Саноатнинг улуши эса 1,5, хизмат кўрсатишнинг улуши эса 2 марта кам. Республикамиз айниқса ахборот коммуникация хизматлари кўрсатишда анча орқада. Кўриниб турибдики, иқтисодиётимизда муҳим таркибий силжишларни амалга оширишимиз керак. Бу ўз навбатида янги нисбатлар ва мутаносиблик ўрнатишни зарур қилиб қўяди.

Аммо умумий мутаносибликни **локал** мутаносибликларнинг механик суммаси сифатида қараш нотўғри.

Иқтисодий нисбатларга ҳатто тасодифий омиллар ҳам таъсир қилади. Шунинг учун мутаносиблик миллий иқтисодиётда тенденция тарзида юз беради. Шу туфайли иқтисодий жараёнларни мутаносиблиги доимо нисбий, лекин улар иқтисодиётда барқарорлик доирасида бўлади. Бу доирадан чиқиб кетса миллий хўжалик самарали ривожланиш имкониятини йўқотади, Мамлакатдаги иқтисодий ва социал муаммоларни ечиш қийинлашади, натижада иқтисодиётда, беқарорлик юз беради, турғунлик ҳолатига тушади. Иқтисодиёт барқарорликни сақлагани ҳолда мутаносибликда ривожланиши бу диспропорцияларнинг йўқлигини билдиради.

Агарда реал миллий даромад мутаносиб ўсиши таъминланса унда иқтисодиётга иқтисодий ўсиш хос бўлади.

Мувозанатли-мутаносиб иқтисодиётнинг ўсиши бутун иқтисодиёт ва унинг таркибий блоklarини ҳамоҳанг динамизм билан ривожланаётганини билдиради. Бундай ўсиш, ресурслар-

<sup>1</sup>UNCTAD Hand book of International Trade and development statistics 1999pp 24–17

нинг турли хил комбинациялари асосида бирини иккинчисига бўйсунитишга олиб келади. Бу иқтисодиётни ягоналигидан келиб чиқади.

Иқтисодий нисбатлар ниҳоятда аниқ амалга оширилмайди, чунки бозор шароитида тасодифий ҳоллар, жараёнларни таъсири кучли. Шунинг учун иқтисодий жараёнларни мувофиқлаштириш доимо нисбий бўлади.

Бозор иқтисодиётида турли мулк шакллари мавжуд. Турли мулк доирасида хўжалик юритишнинг самаралилиги, даражасининг турличалиги ўз навбатида мулкнинг янги баланслашган шакллари янги ўрнатади. Иқтисодиётда мутаносибликни таъминлаш жараёни турли-туманлиги ва мураккаблиги мамлакатда таркибий реалликни шаклланишига олиб келади.

Иқтисодиётни баланслаштириш энг аввало бозор механизми орқали амалга ошади. Уни ҳаракатга келтирувчи тармоқларро ва тармоқ ичидаги рақобат, қайсики унинг асосида ресурсларни жамият талабига қўра тақсимланиши таъминланади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўп мамлакатлар, жумладан ривожланган мамлакатлар ҳам прогрессив структура силжишни тезлаштириш учун давлат регионлардан фойдаланмоқда. Илмий тахминлар мамлакатни келажакда ривожланиши инвестицияларни самарали joyлаштириш учун тавсиялар беради. Давлат — солиқ имтиёзларни, ўз маблағларни, хусусий корхоналарни устак капиталига қўйиш билан, уларга шерик бўлиш орқали мамлакатни янги ФТТ олиб чиқишда юз берадиган хатардан ҳимоя қилади.

Натижа турлича бўлади, сабаби мутаносибликка ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини турлича даражасида эришилиши мумкин. Мутаносиб ўсиш билан, самарали ички ўсиш бир хил тушунча эмас, ваҳоланки улар бир-бирисиз амалга ошмайди, бири иккинчисиз юз бермайди, бири иккинчисини тақозо қилади. Иқтисодиётни мувозанатга келтириш жараёни *доимий ва унинг чеки йўқ*. Иқтисодиёт ўзгаради, мураккаблашади, принципиал жиҳатдан янги маҳсулотга талаб вужудга келади, товарларнинг ассортименти сифати яхшиланади. Шунинг учун мутаносибликка бўлган талаб аввалги даражада қола олмайди. Эски идеал мувозанат маънавий эскириш, янгилари тўла шаклланиб улгурмагани туфайли иқтисодиётда мувозанат бузилади. Жамият янги мувозанатга келтириш йўллари, нисбатларини идеал пропорционалликдан кидиради, лекин ҳеч қачон идеал пропорционалликка эришиб бўлмайди, сабаби ана шу идеалликни ўзи ўзгариб туради.

Диспропорциядан қутилган иқтисодиёт самарали эмас, чунки унга абсолют даражада эришиб бўлмайди, аксинча ўзидаги бор потенциални ишга сола олиш имкониятига эга бўлган, мувозанат бузилганда бу вазиятдан тез чиқиб кета оладиган, ҳаётнинг янги талабларига динамик тарзда мосла-

ша оладиган иқтисодиёт самарали бўлади. Мутаносиб ўсиш барқарор ривожланишнинг кафолати бўлади. У иқтисодиётда салбий тенденцияни пасайтиради, у билан боғлиқ бўлган миллий хўжаликда йўқотишларни камайтиради. Лекин ФТТ иқтисодиёт олдига доимо янги талабларни кўядики янги хўжалик алоқаларини ўрнатиш эскиларини бузишга олиб келади. Натижада аввалги эришилган мувозанат ФТТ тараққиёти туфайли диспропорция тарзида қаралади. Жамият янги, илгарига қараганда иқтисодиётнинг юқори босқичида мувозанатга эришишни талаб қилади. Маълум бир вақт ўтгач бу мувозанат яна эскиради.

Жамиятнинг хўжалик структураси турли соҳалардаги мутаносибликни тақозо қилади. Иқтисодчилар томонидан иқтисодиётдаги турли мутаносибликлар фарқланади. Улар куйидаги гуруҳларга бўлинади:

**1. Ишлаб чиқариш ҳажми ва ассортиментни бўйича мутаносиблик.**

У ишлаб чиқариш ҳажми структураси билан пироворд маҳсулотга талаб ҳажми ўртасида, иккинчидан истеъмол ва унинг таркиби ўртасида мутаносиблик, ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблиги, ишлаб чиқариш омиллари ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ўртасида мутаносиблик тарзида намоён бўлади.

**2. Ишлаб чиқариш ва самарадорлик бўйича мутаносиблик.**

Ўзаро боғлиқ тармоқлар ягона технологик занжир орқали боғланган бирон-бир тармоқни орқада қолиши бошқа бир тармоқларда ҳам ишлаб чиқаришнинг ҳажмини кескин чеклайди, охир-оқибат ЯММ камайишига олиб келади. Тармоқни техник ривожланишининг пастлиги, корхоналар учун ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати пастлигига олиб келади, бу ўз навбатида шу маҳсулотни ишлатадиган бошқа корхоналарда ҳам маҳсулотнинг сифатини ёмонлашувига олиб келади. Натижада бу корхоналарнинг нисбатан юқори даражадаги ишлаб чиқариш потенциали тўла реализация қилинмайди. Натижада самарадорлик бўйича мутаносиблик бузилади самарасиз ишлаб чиқариш ташкил топади. Бир тармоқдаги самарадорликни иккинчи тармоқдаги самарадорликка боғлиқлиги, нафақат тармоқлар ўртасидаги жараёнлар, балки тармоқлар ичидаги даража учун ҳам ҳарактерли. Натижада бозор иқтисодиёти айримларни рақобатда енгилиб банкрот бўлишига олиб келади ва янги техника технологияга йўл очилади.

**3. Регионал ҳудудий мутаносиблик,** хўжалик алоқаларини маълум ҳудуддаги мослашувини ифодалайди.

**4. Такрор ишлаб чиқаришдаги мутаносиблик.** Иқтисодиётнинг таркиби ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашга қаратилган.



У турли йўналишларни ўз ичига олади:

а) Иқтисодиётнинг маълум бир вақт бўйича мутаносиблиги, хўжаликда иқтисодий жараёнларни навбати билан амалга оширилиши ва жорий масалаларни келгусидаги истиқболларга бўйсундириш орқали амалга оширилади.

б) Иқтисодий ўсиш, яъни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш миллий хўжаликда қўйидаги ўзаро боғлиқ жараёнларни мутаносиблигини таъминлашни тақозо қилади:

- Аҳоли даромадлари ва жамғаришни шакллантириш. Мамлакатда даромад жамғариш имконини таъминлаш.

- Жамғарилган пулларни инвестицияга айлантириш яъни жамғарма билан инвестиция ўртасида тенгликка эришиш. У ҳолда иқтисодиёт ишсизлик билан инфляцияни четлаб ривожлана олади. Давлат шунинг учун барча имкониятини ишга солиши керак.

- Юқори иқтисодий суръатга эришиш учун миллий даромадда жамғариш улушини ўсишига эришиш ёки инвестицияларни самарали жойлаштиришга эришиш. Ривожланган мамлакатларда реал капитал сифатида жамғариш улуши 15—20% атрофида, Японияда айрим йилларда 30% гача етган.

- Инвестицион жараён, асосий капитални янгиланиш даражасига боғлиқ. Инвестицион маблағлар ҳар йили эскирган капиталнинг ўрнини қоплашга етиши керак. Иқтисодий ўсишга эришиш учун эса инвестиция бу миқдордан кўп бўлиши, яъни соф инвестиция қилиниши керак.

5. Хўжалик юритиш шаклларида мутаносиблик. Мулк шакллари доирасида турли хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолият юритишнинг турли соҳаларини танлашади.

*Масалан* йирик бизнес ўзига фойда келтирувчи, тадбиркорлик фаолиятида шундай соҳаларни танлайдики, у орқали мамлакат ичкарасидагина эмас чет эллардаги бозорни ҳам забт этади. Ишлаб чиқаришнинг катта миқёси бунинг учун шундай капитал қўйиш майдонига айланади. Кичик бизнес, кичик корхоналарнинг турли шакллари маҳаллий бозорга, унинг талабига мослашади. Йирик ва кичик корхоналар ўртасида уйғунлик бўлишни талаб этади.

6. Умумиқтисодий характердаги нисбат. У ўз ичига тармоқлар ўртасидаги нисбатлар, миллий даромад, унинг таркибий қисмлари, истеъмол, жамғариш ва бошқаларни олади. Нисбатларнинг ўзгариши охир-оқибат таркибий ўзгаришларга олиб келади.

### 3-§ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Таркибий ўзгаришлар деганда, тор маънода миллий иқтисодиётдаги тармоқлар ҳиссасининг ўзгариши тушинилади. Кенг маънода эса иқтисодиётдаги техник-иқтисодий модернизацияни ифодалайди.

Таркибий ўзгаришлар икки йўл билан:

- а) иқтисодиётнинг табиий ривожланиши оқибатида;
- б) давлат томонидан амалга оширилади;

Табиий ривожланиш узоқ муддат талаб қилиб, кишилик жамияти тараққиётида муҳим рол ўйнайди.

Давлат таркибий ўзгаришларни структура сиёсати орқали амалга оширади. Таркибий ўзгаришлар бўйича олиб бориладиган сиёсат деганда ана шу ўзгаришларни амалга ошириш учун белгиланган чора тадбирлар тушунилади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошишига икки хил ёндашув мавжуд. 1. Кейнсча ёндашув тарафдорларининг фикрича бозор ресурсларнинг оптимал ишлашини кафолатламайди, барқарор ўсишни таъминламайди. Бу хол айниқса ривожланаётган кам тараққий этган мамлакатлар учун хос. Бу мамлакатларда бозор муносабатлари ривожланмаган. Шунинг учун давлатнинг фаол аралашуви керак.

2. Неолиберал ёндашув тарафдорларининг фикрича давлатнинг аралашуви ресурсларни тақсимлаш ва инвестицион фаолиятни аввал бошдан оқ самарасизликка маҳкум қилади. Уни бозор механизми бошқариши керак. Ундан ташқари давлатнинг фаол инвестицион сиёсати жамиятнинг молиявий тизимини заифлаштиради. Демак жамғармаларни жалб қилиб инвестицияга айлантириш механизмини бузади. Давлатнинг бош вазифаси бозорларни нормал ишлаши учун шароит яратишдан иборат. Макромиқёсда бу молиявий барқарорликка эришишдир, микромиқёсда эса институционал бозор ислохотларини ўтказиш ва бозорни либераллаштиришдир.

Реал ҳаётда ҳар икки йўл бир-бири билан боғланиб кетади, қай бирини устун даражада қўллаш мамлакатда шаклланган объектив шарт-шароитга боғлиқ.

Таркибий тузилишни ўзгартириш учун моддий, меҳнат ва молия ресурсларини иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасида қайта тақсимлашни тақозо қилади. Уларни тезда ўзгартириш давлатнинг фаол аралашувини талаб қилади.

Иқтисодиётда тармоқлар таркибини ўзгартириш:

- саноат таркибий тузилишини ўзгартириш;
- иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш;
- асосий капитални янгилаш;

- ФТТ ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқаришнинг техник қуролланишини, ўсишини таъминлаш;

- инсоний капиталга инвестицияни кўпайтириш, яъни мухтаassis кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга эътибор қаратиш;

- ишлаб чиқариш ва бозор инфраструктурасини такомиллаштириш;

- иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи механизм яратиш ва уни такомиллаштириш (бозор ва давлат механизмини бири-бирини тўлдириш имкониятидан фойдаланиш кабилар орқали эришилади).

Бу тадбирларни амалга ошириш учун катта маблағ талаб қилинади. Бу маблағларнинг асосий манбалари:

- хусусий жамғарма ва инвестициялар;
- давлат жамғармаси ва инвестициялар;
- чет эллардан қўйилган тўғридан-тўғри инвестициялар;
- четдан қўйилган портфель инвестициялари ва ташқи қарзлардир;

Ривожланган бозор муносабатлари ўрнатилган давлатларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш сиёсати одатда билвосита дастаклар, солиқлар, пошлина, пул-кредит ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Хусусий сектор унча ривожланмаган, тезкорлик билан давлат томонидан ислохотлар ўтказишда кўпинча ресурсларни тақсимлашни маъмурий йўлларида фойдаланилади.

— хом ашё ва экспорт қилишда товарларнинг харид нархларини пасайтириш (харид нархлари билан бозор нархлари ўртасидаги фарқ инвестицияларни молиялаштиришга ишлатилади);

— турли валюта курсларини тадбиқ қилиш;

— протекционистик (барьерлар) тўсиқлар қўйиш;

— тижорат банклари активларидан устун йўналиш (тармоқлар)ни молиялаштиришда фойдаланиш;

Агар қайта ишловчи саноатнинг айрим тармоқларини ривожлантириш масаласи қўйилса, бундай тармоқ кўпинча қишлоқ хўжалиги ва ундирма саноат ҳамда молиявий сектор бўлади. Бунда давлат мажбурий жамғариш сиёсатини юритади, Даромад ва истеъмолга юқори солиқ белгилайди, импортни ва истеъмол неъматлари ишлаб чиқаришни чеклайди, ўз мамлакат аҳолисини маблағларини давлат ёки ярим давлат банкларида сақлашга ундайди.

#### 4-§ ТАРКИБИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МОДЕЛЛАРИ

Таркибий ислоҳотларни амалга ошириш ўз йўналиши, мақсади жиҳатидан қайси тармоқ ва соҳаларига аҳамият берилиши билан фарқланади. Шунга кўра шартли равишда уларни истеъмолга йўналтирилган, экспортга йўналтирилган моделлар ва бошқа моделлар сифатида ажратиш мумкин.

1. **Истеъмолга йўналтирилган моделнинг ўзи** иккига: паст даромадли мамлакатлар учун ҳамда юқори даражада ривожланган мамлакатлар учун ажратилади.

а) *паст даромадли мамлакатлар учун истеъмолга йўналтирилган моделда* бош мақсад аҳолининг реал даромадларини оширишга қаратилган. У ўз навбатида истеъмол талабини рағбатлантиради. Демак, ишлаб чиқаришни ривожланишига олиб келади. Бу моделда аввало қишлоқ хўжалиги ва аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондирадиган кўп ишчи кучи талаб қилинадиган саноат маҳсулотлари, чунончи енгил озиқ-овқат саноати ҳамда уй-жой қурилишига аҳамият берилади. Бу модел бир томондан ижобий натижалар беради, иккинчи томондан эса “оғир” саноат тармоқлари ва мамлакатнинг техник потенциалини ўсишини чеклайди. Иқтисодий ўсишга тўсиқлар бўлиши, бош тўсиқ эса турли “қопқон”лар ва иқтисодий камбағалликдан чиқиш учун қилинган ҳаракатларнинг боши “берк кўча” га кириб қолишидир. Улар қуйидагилар:

— аҳоли реал даромадининг ўсиши, аҳоли сонини ўсишига олиб келиб, иқтисодий ўсиш учун қилинган ҳаракат йўққа чиқади;

— жамғарманинг паст даражаси, аҳолининг даромади пастлиги туфайли жамғаришни кўтаришнинг қийинлиги; даромади кўпларнинг ғарбдаги ҳаёт тарзи, кишиларни бемалол ҳарajat қилишларига тақлид натижасида истеъмолга кўп сарфлаб инвестицияга кам маблағ ажратишлари;

— коррупциянинг ривожланиши ва ҳоказолар.

б) *юқори даражада ривожланган мамлакатлар учун истеъмолга йўналтирилган моделни* қўллаш бу мамлакатларда ялпи истеъмолга асосланган жамият яратишга олиб келди. Бунга давлатларнинг таркибий сиёсатини амалга ошириш туфайли эришилди. Бу модел бўйича хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва узоқ муддат фойдаланиладиган маиший товарлар ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият берилди. Жамият таянчи, ўрта синф вужудга келтирилди.

2. **Экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантиришга мўлжалланган моделлар.**

а) *қайта ишловчи саноатни ривожлантиришни кўзда тутган модел.*

Бу моделлар ички бозори тор, аҳоли даромадлари ва талаби паст мамлакатларда ишлаб чиқаришни экспорт ҳисобига кенгайтириш кўзда тутилади. Бу моделларда мамлакатнинг табиий устунликлари: арзон хом ашё, ишчи кучидан фойдаланиш кўзда тутилади.

Бу моделларнинг ўзини иккига:

- а) қайта ишловчи саноатни ривожлантириш;
- б) ундирма саноатни ривожлантириш кўзда тутилган моделларга бўлиш мумкин;

Бу моделларнинг камчилиги:

- 80—90 йиллардан бошлаб жаҳон бозорида рақобат янада ривожланиб кетиши жаҳон бозоридан ўрин олишни қийинлашгани;

- ғарб мамлакатлари технологиясига боғлиқликни кучайиши. Чунки экспортга мўлжалланган тармоқларни технологик қайта қуроллантиришни улар ёрдамидагина амалга ошириш мумкинлиги;

- иқтисодиётни бир томонлама ривожланиши;

- бозор конъюктурасининг тез ўзгариши;

- борган сари меҳнат, материал тежовчи технологияни қўллаш;

- кўпгина хом ашё товарларига нархнинг тушиб кетиши ва ҳоказолар бу моделларни муваффақият билан қўллашни чеклайди. Шунинг учун бу моделларни қўллаш экспортдан тушган маблағларни бошқа тармоқларни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни технологик модернизация қилишни молиялаштиришга сарфланса кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

### **3. Иқтисодиётнинг тармоқ ва технологик таркибини такомиллаштирувчи модел.**

Бу моделда давлат аниқ бир мақсадни ёки бир неча мақсадни кўзлаб, иқтисодиётни технологик қайта қуришни амалга оширади. Тақчил ресурслардан импортнинг ўрнини босувчи, меҳнат сигими ёки фан сигими юқори товарларни ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Бу моделни қўллашдаги асосий қийинчилик, жамғаришдаги тақчиллик бўлиб, уни ички резервлар ҳисобига қоплашга тўғри келади. Кўпинча модернизация қишлоқ хўжалиги ҳисобига амалга оширилади. Яна бир қийинчилиги инвестицион товарлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг орқада қолганлигидир. Бунда зарур ускуналарни импорт қилиш учун валюта маблағлари топишга тўғри келади. Аҳолининг ўз жамғармалари билан ишлаб чиқаришни модернизация қилишни қўллаб-қувватлашнинг қийинлиги ҳам бу моделни амалга оширишдаги қийинчиликлардан ҳисобланади.

Умуман олганда моделларга бўлиш шартли бўлиб, реал ҳаётда кўпинча бир неча модел биргаликда қўлланилади.

Ўзбекистонимизнинг миллий иқтисодиёти тармоқ тузилишини ўзгартириш, уни модернизация қилиш миллий тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади. Чунки шу пайтгача, яъни собиқ Иттифоқ давридан ҳозирги давргача иқтисодиётимиз асосан ҳам ашё маҳсулотлари ва оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган эди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда юз бераётган чуқур иқтисодий ислоҳотлардан бири иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлардир.

Иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш бу миллий манфаатларни таъминловчи, иқтисодий ўсишга йўл берувчи ва ниҳоят аҳоли фаровонлигининг муттасил ошиб боришига олиб келувчи янгича ишлаб чиқариш таркибини яратишни билдиради. Бу республика учун стратегик аҳамиятга эгадир. Таркибий тузилишда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор ўсишини ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир.

Таркибий силжишлардан кўзланган мақсадлар:

- Иқтисодиётдаги ҳам ашёга асосланган бир ёқламаликка чек қўйиш;
- Оралиқ маҳсулот ишлаб чиқаришдан пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш;
- Импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқариш;
- Мамлакат экспорт салоҳиятини орттириш;
- Меҳнат ресурсларининг оптимал бандлигини таъминлаш, миллий анъаналарига хос соҳаларни ривожлантириш;

Республикамизда иқтисодиётда таркибий силжишларни амалга оширишни бошлаб, дастлабки ютуқлар қўлга киритилди.

Аввало иқтисодиётнинг ўзак тармоқлари, қайсики миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун энг зарур бўлган ресурсларни етказиб берувчи нефт маҳсулотлари, табиий газ, кўмир ва бошқа энергия ресурслари ишлаб чиқарувчи соҳалар, тоғ-кон, металлургия комплекси, кимё, машинасозлик, самолётсозлик ва автомобилсозлик саноати кабиларга алоҳида эътибор берилди. Ўзак тармоқлар давлат томонидан қўйилган йирик сармоялар туфайли бошқа тармоқларга нисбатан жадал ўсиши таъминланди. Бу тармоқлар иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг асоси бўлиб, бошқа соҳаларнинг ҳам ривожланишини таъминлайди.

Республикамизда юритилаётган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш сиёсати туфайли республиканинг ёнилғи ресурсларига бўлган эҳтиёжини ўзи қондирадиган бўлди. Ваҳоланки 1990-йиллари республика иқтисодиётини ўз ёнилғи—энергетика ресурслари билан 70—75%, жумладан нефт маҳсулотлари билан 30—35% таъминланган эди.

Саноатда ҳозирги замон технологиясига асосланган истиқболли тармоқларнинг, жумладан машинасозлик, кимё, енгил саноат кабиларнинг ҳиссаси ортди.

Ҳозирги пайтда таркибий силжишларни амалга оширишда янги йўналиш дастурлари ишлаб чиқиб амалга оширилмоқда.

Унда республикамизда иқтисодиётни юқори самарали экспортга йўналтирилган таркибини шакллантириш, барча саноат тармоқларини айниқса ўзак тармоқлар, енгил ва қайта ишлаш саноат тармоқларини сўнгги техника-технология ютуқлари асосида қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш, фан сифими юқори маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш кўзда тутилган.

Таркибий силжишларни амалга оширишда, айниқса ҳудудий жиҳатларга алоҳида аҳамият берилади. Ҳудудлардаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналишини аниқлаб, уларга устунлик бериш жиҳатидан ёндашилган.

Айниқса ҳудуд учун стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳаларни ривожлантиришга, саноатни маҳаллийлаштиришга катта аҳамият берилади. Маҳаллий хом ашё, материал, бутловчи қисмларнинг маҳсулотдаги улушига кўра чет эл инвестициялари қўйилган корхоналарнинг даромадига (фойдасига) имтиёзли солиқ белгиланган.

**Шундай қилиб**, ҳар қандай иқтисодиёт ривожланиши учун мувозанатга эришиши зарур. Мувозанат иқтисодий жараёнларнинг мутаносиблигини, баланслашувини ифодалайди. Мувозанат идеал (назарий) ҳамда реал мувозанат тарзида юз бериб ҳаётда мос тушмаслиги мумкин.

Иқтисодий ўсиш туфайли мувозанат бузилади, бузилган мувозанат яна қайта тикланиши зарур.

### Асосий таянч тушунчалар.

Иқтисодий мувозанат	Таркибий сиёсат
Идеал мувозанат	Таркибий ислохотларнинг
Реал мувозанат	асосий моделлари
Хусусий мувозанат	Истеъмолга йўналтирилган модел
Умумий мувозанат	Экспортга йўналтирилган модел
Иқтисодий мутаносиблик	Тармоқ ва технология таркибини
ва нисбатлар	такомиллаштирувчи модел
Таркибий ўзгаришлар	Ўзак тармоқлари

### Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий мувозанат деганда нимани тушинамиз? Унинг қандай турлари бор?
2. Мутаносиблик нима? Нима сабабдан мувозанат бўлиши учун мутаносиблик зарур?

3. Нима сабабдан иқтисодиётни мувозанатга келтириш доимий ва чеки йўқ бўлади?
4. Таркибий ўзгаришлар деганда қандай ўзгаришларни тушинасиз?
5. Миллий иқтисодиёт таркиби қандай шаклланади?
6. Таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг қандай йўналишларини биласиз?
7. Таркибий ислохотларни истеъмолга йўналтирилган моделининг бошқа моделлардан нима фарқи бор?
8. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида таркибий қайта қуришни амалга оширишда қандай муаммолар бор?



## ХҮШ БОБ

### ИШ КУЧИ ВА УНИНГ БАНДЛИГИ

Талаб ва унинг ўзгариши ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг маълум нисбатларини шакллантиради. Ҳар бир омилнинг орқасида шу омилнинг эгаси туради. Меҳнат омилининг эгаси иш кучи бўлиб, у ўзига хос хусусиятларга эга (IX боб).

Аввалги бобларда кўриб ўтдик, иқтисодий ўсиш, омиллар нисбатининг ўзгариши улар ўртасида эришилган мутаносибликни бузади. Бу бобда ана шу мутаносибликнинг бузилиши меҳнат омилининг эгаси ишчи кучига қандай таъсир кўрсатади? Ишчи кучи ва унинг миқдор, сифат ўлчами, унга таъсир қилувчи омиллар, ишсизлик, унинг сабаблари ва турлари, ишсизликнинг иқтисодий ва социал оқибатларини ўрганамиз.

#### 1-§. ИШ КУЧИ, УНИНГ МИҚДОР ВА СИФАТ ЎЛЧАМИ

Иш кучи бу инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилияти бўлиб, мазкур қобилиятни амалда ишлатилиши меҳнат ёки иш деб аталади.

Иш кучи шундайки, уни инсондан ажратиб бўлмайди. У моддий шаклга ҳам эга эмас, яъни инсоннинг ўзидаги қобилият. Шу сабабли уни ишлаб чиқаришнинг инсон омили деб ҳам аталади. Ишчи кучи бозорда меҳнат омилини таклиф этувчи сифатида намоён бўлади.

Иш кучининг миқдорий ва сифат ўлчами мавжуд. Иш кучининг миқдори бу — ишлай оладиган, яъни меҳнатга лаёқатли кишилардир. Уларни одатда меҳнат ресурслари деб юритилади. У ўз ичига қуйдагиларни олади:

1. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги, республикамизда:
  - 16 ёшдан 55 ёшгача аёллар,
  - 16 ёшдан 60 ёшгача эркаклар;
  - меҳнатга лаёқатли ёшдан (55—60 ёш) катта ёшдаги ишловчилар (пенсиядаги ишловчилар);
  - ишловчи ўсмирлар (16 ёшгача бўлган ёшлар).

Шу билан бирга иқтисодиётда иқтисодий фаол аҳоли тушунчаси кенг ишлатилади.

Иқтисодий фаол аҳоли таркибига миллий хўжалиқда банд

бўлган барча кишилар билан бир қаторда иш қидираётган меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳам киради.

Меҳнат ресурслари (иқтисодий фаол аҳоли) миқдорига икки омил таъсир қилади:

1. Аҳолининг табиий ўсиши
2. Аҳолининг (иш кучи) миграцияси

Аҳолининг табиий ўсиши суръатлари турли регионларда турлича. Унга қатор омиллар таъсир этади. Бизнинг республикамизда 20-йилларда 4 миллиондан салгина кўпроқ аҳоли яшаган бўлса, ҳозирда 25 миллиондан ортиқ. Шу йиллар давомида қатор саноат корхоналари қад кўтарган Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрэн, Навоий, Бекабод, Янгиер каби қатор шаҳарлар барпо этилди.

Меҳнат ресурслари (иқтисодий фаол аҳоли) миқдорига ишчи кучи миграцияси ҳам катта таъсир кўрсатади.

Меҳнат бозори иш кучини юқори даражада сафарбарлик имкониятига эга бўлишини талаб этади. Иш кучи миграцияси иш кучининг кўчиб юришини ифодалайди. Иш кучининг миграциясига кўп омиллар сабаб бўлади, лекин уларнинг асосийлари иккита: а) иш ҳақидаги фарқ; б) ишсизлик.

(Иш кучи миграцияси икки хил ички ва халқаро миграцияга бўлинади.

Ички миграция бир мамлакат миқёсида юз беради.

Ички миграция, яъни меҳнат ресурсларининг кўчиши: батамом, тебранувчи, сезонли, эпизодик тарзда юз беради.

1. Иш кучининг батамом миграцияси шаклида аҳоли кўчиб бориб доимий яшаш учун қолади.

2. Тебранувчи шаклида, эса кунлик, хафталик, ойлик тарзида иши билан доимий яшаш жойи ўртасида қатнаб ишловчилар ташкил қилади.

Уларнинг иш ва яшаш жойи турли жойларда бўлади.

3. Сезонли иш кучи миграцияси вақтинчалик рўй беради. У ишлаб чиқаришнинг сезонли характери билан боғлиқ бўлиб асосан қишлоқ хўжалиги, қурилиш, овчилик каби соҳаларда бир неча ойлик вақтинчалик иш жойига кўчиш юз беради.

4. Эпизодик иш кучи миграцияси иш билан командировкага бориш, ишбилармонларни иш билан борди-келди ҳаракати, вақти ва йўналиши гоҳида бўлиши билан характерланади.

Иш кучи миграциясининг бош функцияси миллий меҳнат бозорида иш кучи ва унинг таркиби талаб ва таклифини мослаштириш.

Социал функцияси турмуш даражасини кўтариш, инсон сифатидаги ўз потенциални реализация қилишга имкон яратишдир. Миграция жараёнига тарихий ва миллий анъаналар ҳам катта таъсир кўрсатади. Ўрта Осиё халқларида, жумладан ўзбекларда миграцияга мойиллик кам.

Меҳнат ресурслари миқдорига халқаро миграция ҳам катта таъсир кўрсатади (XXV боб).

Иш кучини фақат жисмоний куч билан чеклаб бўлмайти. Иш кучи соҳиблари билим, малака, маҳорат ва иш тажрибасига эга бўлиши керак. Шундагина улар ишлаб чиқаришда маҳсулот ва хизматларни яратувчи куч бўла олади.

Иш кучининг сифат жиҳатини айнан унинг билими, малакаси, маҳорати, тажрибаси белгилайди. Жамият тараққиёти натижасида иш кучининг сифат кўрсаткичи тубдан ўзгариб боради.!

Иқтисодиёт тараққиёти меҳнат мазмунининг ўзгаришига олиб келади. Иқтисодиётни индустриал асосга ўтиши аввало меҳнатга қобилиятли аҳолини ёлланма ишчига айланишини тезлаштирган бўлса, қолаверса сифат жиҳатдан ўзгаришига олиб келди. Аввал ўз хўжалигига эга бўлиб, аграр секторда банд бўлганларни ёлланма ишчиларга айланишига олиб келди. АҚШда агар 1800-йилларда 80% аҳоли ўз ер участкаларида мустақил мулк эгалари сифатида ишлаган бўлсалар, ҳозирги пайтда деярли 90% аҳоли меҳнатга яроқли ёлланма ишчи.

Ишлаб чиқаришнинг индустриал босқичига ўтгунча меҳнат бозорида таклиф деярли маълумоти йўқ, бирон касбни эгалламаган, машиналарга оддий хизмат кўрсатиш қўлидан келадиганлардан иборат бўлган.

Меҳнат бозоридаги таклиф талабнинг ўзгаришига мувофиқ тамомила ўзгариб борди. Ҳозирги замон бозоридаги таклифни шартли равишда учта категорияга бўлиш мумкин:

а) устун даражада жисмоний ишлар билан шуғулланувчи ишчилар;

б) турли хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчилар;

в) ақлий меҳнат билан шуғулланувчи инженер-техник ходимлар.

XX асрнинг иккинчи ярмида юз берган фан-техника революцияси меҳнат бозори таркибида сифат ва миқдор жиҳатдан туб ўзгаришлар юз беришига олиб келди.

1. Умумий ишчилар таркибида кам малакали ва малакасиз ишчилар ҳиссаси камайди.

2. Инженер-техниклар, интеллигенция, хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар ҳиссаси ўсди.

3. Устун даражада жисмоний ҳамда ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар ўртасидаги катта фарқ қисқарди.

Таркибий ўзгаришлардан ташқари ҳар бир категориядаги касб эгаларининг сифат жиҳатидан ўзгариши юз берди. Сабаби ФТР янги типдаги иш кучи шаклланишини талаб қилади. Илгариги тор доирада ихтисослашувдан воз кечишга тўғри келади. Кўпроқ кенг ихтисосли кадрлар тайёрлашга эътибор қаратиладиган бўлди.

Меҳнат жараёнида оғирлик жисмоний меҳнатдан ақлий меҳнат томон кўчишни талаб этди. Кўпгина касблар юқори интеллект, яхши тайёргарлик, кўпгина соҳалардан яхши хабардор бўлишни талаб этади. Техник ва технологик янгиликларнинг

тез ўзгариши корхоналарда, умуман жамият миқёсида кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратишни зарур қилиб қўйди. Ҳар бир ишловчи ўз билими, малакасини узлуксиз тарзда оширишга, касбининг сирларини эгаллашга мажбур бўлади. Булар албатта иш ҳақи даражасига таъсир этади.

### Нуфус қонуни

Иш кучи ва унинг бандлиги ҳақида тўхтар эканмиз, Мальтуснинг нуфус қонунини четлаб ўтолмаймиз. Чунки, меҳнат омилининг даромади, турмуш даражаси, унинг бандлиги яратилган неъматлар миқдори билан боғлиқ. XVIII асрларда аҳолининг қашшоқ яшашига эътиборини қаратган Мальтус унинг сабабини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Аҳолининг табиий ўсиши ва эҳтиёжларини қондириш даражаси ўртасидаги боғланишни статистик маълумотлар асосида ўрганган инглиз иқтисодчиси (руҳонийси) Томас Мальтус (1766—1834) “Нуфус қонуни тўғрисида тажриба” асарини ёзди.

Унинг фикрича аҳолининг ўсиши геометрик прогрессия (1,2,4,8,16, . . . , яъни ҳар бир кейинги сон олдингисидан 2 барабар кўп) тарзида юз беради. Аҳолининг яшashi учун зарур бўлган маҳсулотларнинг ўсиши эса арифметик прогрессия кетма-кетлигида (1,2,3,4,5,6. . . кўринишида) бўлади.

У ўз назариясини асослаб беришда тупроқ унумдорлигининг пасайиши концепциясидан фойдаланган (XII боб). Ҳақиқатдан қисқа муддатли давр нуқтаи назаридан меъерий унумдорликнинг пасайиб бориш қонуни амал қилишини иқтисодчилар асослаб беришган. Унга кўра тупроқдан олиш мумкин бўлган ҳосилдан ортиқчасини инсон қанча ҳаракат қилмасин ололмайди. Бунинг ҳисобга олиб, Мальтус шундай хулоса чиқаради. Агар ер курраси аҳолиси сонининг ўсишини чекланмайдиган бўлса, одамлар очарчиликка дучор бўладилар. Унинг фикрича инсоният манфаати нуқтаи назаридан ўлимнинг кўпайишига олиб келувчи барча омиллар — эпидемия, очарчилик, қирғин, урушларни ижобий баҳолаш мумкин.

Мальтуснинг энг катта камчилиги ўз далилларини асослаганда жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятларини муттасил кенгайтириб борувчи техника тараққиётининг аҳамиятини инкор этганидир.

Унинг нуфус назарияси жамият тараққиётининг тоиндустриал босқичига тўғри келади. Чунки у пайтларда ишлаб чиқаришда асосий ролни табиий ресурслар ўйнаган, техника тараққиёти тасодифий характерда бўлган. Саноатдаги инқилоб Мальтуснинг аҳолини ўсиши, унинг фаровонлик даражаси билан бирга юз бермаслиги тўғрисидаги прогнозини бекор қилди.

XIX аср бошидан планета аҳолиси 5 марта ўсди. Техника тараққиёти туфайли аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ундан ҳам кўпроқ бўлди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> (Доклад о мировом развитии 2000/2001 года. М. Вес мир, 2002 г., стр.51.)

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда реал маҳсулот ишлаб чиқариш суръати аҳоли ўсиш суръатига қараганда бир неча марта ортиқ.

Кейинги 100 йил давомида аҳолининг турмушида эришилган даража, бутун инсоният тарихи давомида эришилган натижадан кўпроқ.<sup>1</sup>

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг кўпайишига бўлган мойиллик юқори эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири, ёш болалар ўлимининг камайиши, кўп болали бўлиш заруриятини йўқотди.

Иккинчидан, (Нобел мукофоти лауреати Г. Беккер фикрича) кўпчилик зиёли аёллар уйда бола боқиб ўтиришдан кўра, муайян мансабдаги ижтимоий иш билан шуғулланишни афзал кўрадилар. Оила маълум маънода орқага сурилади.

Учинчидан, урбанизациянинг кучайиши. Агар қишлоқда бола ёшлигидан ёрдамчи ҳисобланса, шаҳарда эса ўз тарбияси учун катта маблағ ва вақт сарфлашни талаб қилувчи истеъмолчи ҳисобланади.

Мальтус пессимизмининг келажаги йўқлиги ишонч туйғусини уйғотишига қарамай, кейинги пайтда унинг ғоялари яна фаоллашди.

Бунга сабаб, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида фарқнинг катталигидир. 83% жаҳон истеъмоли 20% аҳолига тўғри келади. 70-йилларда очарчиликдан қийналганлар 400 млн. киши бўлган бўлса, 80-йиллари 500 млн., 90-йиллари эса 700 млн.дан ортиб кетди. XX аср охирига келганда аҳолининг умумий сонидаги улуши деярли камайгани йўқ. Аҳолининг ўсиб бораётганини ҳисобга олсак, уларнинг миқдори янада кўпайгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Демак, иқтисодий ўсишга эришиш ва иш билан бандлик муаммоси янада долзарб аҳамиятга эга бўлади.

## **2-§. ИШСИЗЛИК САБАБЛАРИ ВА ТУРЛАРИ**

Иш кучи миқдори ва муайян сифатига бўлган талаб билан таклифнинг мувозанати бузилиши, талабга қараганда таклифнинг ортиб кетиши, яъни ишлашни хоҳлаганларни маълум бир қисмини иш билан таъминланмагани туфайли ишсизлик келиб чиқади.

Иш кучи таклифининг ишчи кучига бўлган талабдан ортиб кетиши бошқача айтганда иқтисодий фаол аҳолининг маълум бир қисмини иш билан таъминламаслик, яъни ишлашни хоҳлаганларни иш топа олмаслиги ишсизликдир.

<sup>1</sup> (Ўша китоб, 3-бет)

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ҳар қандай тизимда ҳам бозор тўкинми ёки тақчилми қатъи назар, бир томондан, маълум миқдорда ишсизлик, иккинчи томондан, айрим мутахассисликлар бўйича иш кучи тақчилиги мавжуд бўлади.

Ишсизликнинг сабаби нимада? Ишсизлик сабабини классик нуқтаи назардан тушунтириш ниҳоятда оддий ва жўн дейиш мумкин. Бу назарияга биноан ишсизлик меҳнат баҳоси ва меҳнатга талабдан келиб чиқади. Иш ҳақининг пасайиши меҳнатга талабни стимуллади, демак бандлик ортади. Иш ҳақининг ўсиши меҳнат таклифини кўпайтиради, лекин меҳнатга талабни чеклайди. Англиялик таниқли иқтисодчилардан Артур Пигу “Ишсизлик назарияси” (1903 й.) китобида ўзининг кенг тарқалган «Пигу эффекти» асосида ишсизликни изоҳлаб, бандлик қандай тарзда стихияли тартибга солинишини кўрсатиб берган. Турғунлик даврида бандлик, иш ҳақи, нархлар пасаяди. Лекин товарлар сифатида ифодаланган реал иш ҳақи нисбатан секинроқ пасаяди. У ҳаттоки олдинги даражада сақланиб қолиши мумкин. Замонавий ҳаммабон товарлар нархининг ўсиши шароитида бу мушоҳада нореал туюлади!

Лекин биламизки иш ҳақи нотекис ўсади, айрим пайтларда номинал иш ҳақи товарлар нархига нисбатан юқори-роқ даражада ўсиши ҳам мумкин. Агарда реал даромадлар пасаймаса, ҳаттоки сал ўсса, бу турғунлик-депрессияга қарамай истеъмол талаби сақланиб қолади дегани. Агарда истеъмол товарларига талаб бўлса, демак ишлаб чиқариш воситаларига ҳам бор. Депрессия даврида нисбатан ссуда фоизи ҳам паст бўлади. Бу эса жонланиш ва бандликни ўсиш вазиятига олиб келади. Бошқача айтганда Пигу фикрича инвестиция билан таққослаганда реал иш ҳақининг нисбий ўсиши бошланғич нуқта ҳисобланади. Буни бутун составни тортган паровозга қиёс қилиш мумкин. Агар иш ҳақи, «меҳнатга тўғри келадиган соф маҳсулот» чегарасидан чиқиб капитал учун ҳақнинг бир қисмини ҳам ўз ичига олса, бу ишлаб чиқаришнинг қисқариши ўз навбатида ишчи кучига талабнинг ҳам қисқаришига олиб келади. Демак ишсизликни камайтириш учун иш ҳақини пасайтириш керак.

А.Пигунинг фикрига муҳолиф тарзда, Кембриж мактабининг намояндаси Ж.М.Кейнс чиқади.

Кейнс фикрича тўла бандликка эришиш, яъни ишлашни хоҳлаганларни иш билан таъминланиши иш ҳақи даражаси билан боғлиқ эмас. Ишсизликнинг давоси сифатида у иш ҳақини камайтиришни рад этади. “Назарийётчилар ноевклид дунёда (муҳитда) Евклид геометрияси тарафдорларига ўхшайдилар. Тажрибада параллел тўғри чизиқлар кесишиб туришига ишонч ҳосил қилиб, уларнинг тўқнашувини олдини олиш учун тўғри кетмаётганларига бу чизиқларни сўкишдан нарига ўтмайдилар. Ҳақиқатда эса параллел тўғри чизиқлар тўғрисидаги аксиомани бутунлай ташлаш керакда, янги Ноевклид

геометрия яратиш керак”<sup>1</sup>. Кейнс назарияси бўйича бандлик даражаси самарали талабнинг функциясидир. У ўз ичига истеъмол учун қутилаётган харажатларнинг плус инвестицияларнинг мувофиқ равишда тадбиркорларнинг иқтисодий жиҳатдан хулқ-атворининг ўзини қандай тутишининг бошқача айтганда нимани танлаб, қандай қарор чиқаришини белгилаб беради. Бу фикрларни формула ёрдамида қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\Sigma L = f \Sigma D(W)$$

Бандлик  $L$  иш ҳақи ( $W$ )да ифодаланган ялпи талабга ( $\Sigma D$ ) боғлиқ.

Динамикани аниқлаш учун  $m = \frac{1}{1-c}$  ни эслаймиз, бу ерда  $Y$  даромад бирлигига тўғри келадиган  $C$  истеъмол ҳиссасининг камайиши, иқтисодий ўсишнинг секинлашувига ва бандликнинг қисқаришига олиб келади.

Истеъмол товарларига ва инвестицион неъматларга талабнинг ўсиши жамиятнинг самарали талабини кўпайтиради ва шу билан бандликни бошқариб туради. Кейнс давлат томонидан ижтимоий аҳамиятга молик ишларни (йўл қуриш, кўприклар ва бошқа инфраструктура) ташкил этиш орқали фаол аҳолини иш билан банд қилиш масаласини илгари суради. Унинг фикрича тўла бандликка эришиш учун ҳаттоки “пирамида қуриш” ҳам фойдали.

Кенг маънода бандлик функцияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

— малака даражаси, меҳнат миқдори, меҳнатнинг оғир-енгиллиги, ускуналарнинг миқдори ва сифати, технология, социал назоратнинг ҳолати бўйича умумий маълумотлар;

— мустақил ўзгарувчи кўрсаткичлар: истеъмолга мойиллик, капитал қуйилмалар самарадорлиги, процент нормаси, муолададаги пул миқдори;

— натижавий ўзгарувчи кўрсаткичлар: бандлик даражаси ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад;

Кейнс модели бўйича меҳнат бозорида иш кучи ортиқчалиги сақланиб турган ҳолда меҳнатга бўлган талаб ва таклифнинг тенглашуви юз беради. Классиклардан фарқи равишда, Кейнс фикрича меҳнат резерви яъни ишсизларнинг иш ҳақини пасайтириш орқали иш билан таъминлаш самарали талаб билан чегараланган.

Иш топа олмасликнинг сабаблари турли-туман бўлиб, уларни асосан қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

<sup>1</sup> (Кейнс Ж.М. Общая теория занятости процента и денег. Пер. С англ М. 1978. С. 70).

**Фрикцион ишсизлик.** Бундай шаклдаги ишсизлик иш қидириш ёки иш кутиш билан боғлиқлик яъни иш қидирувчи яқин муддатда иш топиши мумкин. Бундай ишсизликка қуйидагиларни кириштириш мумкин.

- ўз хоҳиши билан иш жойини ўзгартирувчилар;
- ишдан бўшатилганлиги туфайли янги иш жойи қидирувчилар;
- вақтинчалик, мавсумий ишини йўқотганлар (ҳаво совуқ бўлганлиги туфайли ишни тўхтатиш, автомобил саноатида янги модел ишлаб чиқаришга ўтиш).
- биринчи марта ишга жойлашиш учун иш қидириб юрган ёшлар. Бу категориядаги ишсизлар у ёки бу сабабга кўра иш жойини йўқотган бўлиб, бундай шаклда ишсизлик доимо сақланиб қолади ва меҳнат бозорини тўлдирди.

Фрикцион ишсизлик зарур ва мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Нима сабабдан? Чунки кўпчилик ишчилар ўз хоҳиши билан “икки иш ўртасида” кам ҳақ тўланадиган иш жойидан, кўп ҳақ тўланадиган ишга ўтади. Бу иш кучининг малакаси ва маҳоратини оширишга ундайди. Меҳнат ресурсларини самарали тақсимлашга, шу билан бирга реал миллий маҳсулотнинг кўпайишига олиб келади.

**Таркибий (структуравий) ишсизлик.** Маълум вақт ўтиши билан истеъмол талаби ва таркибида, технологияда муҳим ўзгаришлар юз беради. У ўз навбатида ишчи кучига бўлган умумий талаб структурасини ўзгартиради. Шунинг учун айрим касб эгаларига бўлган талаб камаяди ёки бутунлай йўқолади, бошқа янги касбларга бўлган талаб ошади.

Бундай ишсизликнинг келиб чиқиши сабаби, ишчи кучи таркибини секин ўзгариши ва тўла равишда янги иш жойлари структурасининг жавоб бермаслигидир. Бунинг натижасида айрим ишчилар янги иш жойларда ишлай олмайди. Технологиянинг ҳамда истеъмол талабининг ўзгарганлиги туфайли эски касб эгалари кераксиз бўлиб қолади. Яна шуни таъкидлаш керак-ки, иш жойларини географик тақсимланиши ҳам ўзгаради. Масалан: Саноатда совуқ минтақалардан иссиқ минтақаларга ишчи кучи миграцияси. Ёки қишлоқ хўжалигига юқори техниканинг кириб келиши, паст малака ва билимга эга бўлганларни ишсиз бўлиб қолишига олиб келади. Пойабзал корхонаси ишчиси корхона банкрот бўлиши туфайли ишсиз бўлиб қолади. Айтайлик, компютерлар учун дастур тузувчи керак. У бу ишни бажара олмайди, программист бўлиб ишлай олмайди, чунки бунинг учун махсус ўқиши, малакани жиддий ошириши зарур.

Фрикцион ишсизлар янгиликларни ўзлаштиргач иш топиши мумкин. Структуравий ишсизлар эса махсус тайёргарлик қилмасдан, билимини оширмасдан иш топа олмайдилар. Улар ҳатто яшаш жойини ҳам ўзгартиришларига тўғри келади.



Фрикцион ишсизлик қисқа муддатли характерга эга, таркибий ишсизлик эса узоқ муддатга чўзилиб жиддий ҳисобланади.

**Циклли ишсизлик.** Бу турдаги ишсизлик иқтисодийнинг циклли ўсиши билан боғлиқ. Иқтисодий циклниң кризистушкунлик фазасида товарлар ва хизматларга бўлган талаб камаяди, бандлилик қисқаради, ишсизлик ўсади. Шунинг учун циклли ишсизликни баъзан талаб тақчиллиги билан боғлиқ бўлган ишсизлик деб аташади. *Масалан:* АҚШда 1982 йилда кризис даврида ишсизлик даражаси 9,7%га кўтарилган. “Буюк депрессия” даври 1933 йилда эса циклли ишсизлик даражаси 25%га етган.

**Ихтиёрий ишсизлик.** Одатда бу турдаги ишсизликка ўз хоҳиши билан ишламаётганлар киритилади. Иш ҳақининг пасглиги сабабли ёки уй хўжалиги билан шуғулланиши, бола боқиш ва бошқа сабабларга кўра ихтиёрий равишда ишламасликлари мумкин.

**Яширин ишсизлик.** Бу ишлаб чиқаришда керагидан ортиқча ишчини банд бўлишидир. Бунда меҳнат унуми ҳам, даромад ҳам паст бўлади. Бундай ишсизлик жуда кўп мамлакатларда айниқса қишлоқ хўжалиги учун характерлидир.

**Мавсумий ишсизлик.** Бу аниқ тармоқларнинг ишлаб чиқаришдаги мавсумий тебранишлари билан боғлиқ. *Масалан,* қуриш, қишлоқ хўжалиги.

**Институцион ишсизлик.** Меҳнат бозорини самарали ташкил этилмагани натижасида келиб чиқадиган ишсизлик. Айтайлик вакантга жойлар ҳақида тўлиқ ахборотнинг йўқлиги.

Бундан ташқари технологик ишсизлик (ишчилар ўрнини машина билан алмаштириш туфайли) ва ишсизликнинг бошқа турлари мавжуд.

Ишсизликни давом этиш вақтига қараб қисқа муддатли ва узоқ муддатли ишсизликка бўлинади. Кўпгина мамлакатларда 6 ойгача бўлган ишсизликни қисқа муддатли ундан ортиқ муддатгача чўзилганини узоқ муддатли ишсизлик деб аталади.

Иқтисодчилар асосан уч турдаги фрикцион, структуравий, циклли ишсизликка эътибор қаратишади. Иқтисодий фаол аҳолининг қай даражада иш билан бандлигини аниқлаш мақсадида ишсизлик даражаси аниқланади. Бунинг учун энг аввало кимларни ишсиз деб ҳисоблашимиз керак, аниқлашимиз зарур.

**Кўп мамлакатларда қабул қилинган қонунга кўра ишсиз деб, меҳнатга лаёқатли бўлиб иш топа олмай, меҳнат биржаларида рўйхатда турган кишиларга айтилади.**

Ишсизлик даражаси одатда ишсизларни ишлашни хоҳлаганларга нисбати, ҳиссаси тарзида ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ

16 ёшдан бошлаб то пенсияга чиқиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади)га эга бўлмаган, ҳақиқатда иш қидираётган, меҳнат қилишга, касб-кор тайёргарлигига ва қайта тайёргарликдан ўтишга тайёр шахс сифатида, иш билан таъминлаш давлат хизматлари мақбул келадиган ишни таклиф қилмаган, лекин меҳнатга лаёқатли шахслар ишсизлар деб юритилади.

Ўзбекистонда ишсизлик даражасини қуйидаги жадвал рақамлари ёрдамида аниқлашимиз мумкин.

	1999 йил млн. киши
1. Аҳолининг умумий сони	24,2
2. Меҳнатга лаёқатли аҳоли	11,9
жумладан, ишлашни хоҳламайдиганлар (норасмий ва уй хўжалигида банд бўлганларни ҳам қўшиб)	3,05
3. Жами ишлашни хоҳлаганлар (иқтисодий фаол аҳоли)	8,85
4. Иқтисодиётда банд бўлганлар	8,5
5. Рўйхатдан ўтган ишсизлар	0,35

Ишсизлик даражаси =  $0,35 / 8,85 \times 100\% = 0,395 = 0,4$ ;

Демак ишсизлик ишлашни хоҳловчиларга яъни иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 0,4%ни ташкил этар экан.

Республикамызда 2001 йилда ҳам ишсизлик даражаси 0,4%ни ташкил этган.

Иқтисодчиларнинг ўтказган кузатишлари шуни кўрсатадики, ишсизлик турли табақа, гуруҳ, ёш, касб эгалари ўртасида турлича.

Малакаси юқори ишсизларга нисбатан малакаси пастрлар ўртасида ишсизлар кўп. Масалан АҚШда ишсизликнинг умумий индекси 6—7 % атрофида бўлса, олий маълумотлилар бўйича 1,8%. Швецияда бу кўрсаткичлар 2,8% ва 0,6%, Германияда 8% ва 3%ни ташкил этади. Оқ танлиларга қараганда қора танлилар ўртасида ишсизлик кўп. Ўрта ёшлиларга қараганда ёшлар ўртасида ишсизлик кўп.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги. Статистика Давлат департаменти. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилда ижтимоий ривожланиши кўрсаткичлари. Тошкент 2000 й. 59—60 бетлар.

### 3-§. ИШСИЗЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ ОҚИБАТЛАРИ

Бозор иқтисодиёти маълум даражада ишсизлик бўлиши, яъни меҳнат омили резерв армиясининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Сабаби, бозор иқтисодиётида харидорнинг изми устун туради. Бунинг учун харидор танлаб олиш имкониятига эга бўлиши керак. Шундай имконият иш кучи таклифи талабга қараганда кўп бўлгандагина вужудга келади.

Ишсизлик ишчиларнинг касаба уюшмалари билан биргаликда иш ҳақини оширишни талаб қилишларини чеклайди. Бу тадбиркорлик фаолияти стимулини кучайтиради.

Ишсизликнинг мавжудлиги туфайли иш билан банд бўлганлар меҳнат интизомини бузмасликка, сифатли меҳнат қилишга интилишади. Ишсизлик кишиларни зарур малакага эга бўлишга, ўз устиларида кўпроқ ишлашга ундайди.

Шунинг учун, иқтисодчиларнинг фикрига кўра маълум даражада ишсизлик бозор иқтисодиётининг доимий йўлдоши бўлиши керак.

Замонавий неоклассик йўналиш намोёндалари ишсизлик ҳақида гап кетганда аҳолиси тўла иш билан банд бўлишини таъминлаши мумкинми, ўзи ана шу мақсадга эришиш зарурми деган саволни қўйишади. Бу саволни ноўрин дейиш нотўғри, сабаби меҳнат бозоридаги энг қулай конюктура шароитида ҳам маълум даражада ишсизлик бўлади. Аввало иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар юз бериб туради, бунинг натижасида ишчиларнинг бир қисмининг малакаси талабга жавоб бермай қолади, мутахассислигини ўзгартириш талаб этилади. Янги касблар пайдо бўлади, эскилари йўқ бўлиб кетади. У ёки бу сабабларга кўра яшаш жойларини ўзгартиришга мажбур бўлади.

Шу билан бирга меҳнат бозоридаги резерв иқтисодий юксалиш даврида ишлаб чиқариш қувватини тезда ўстириш имконини беради. Уларнинг фикрича 4—5% ишсизлик «табiiй» ва у социал таъминот муаммоларини, қийинчиликларини туғдирмайди.

Ана шу маълум миқдордаги мавжуд ишсизлик табиий ишсизлик деб аталади. Ишсизлик табиий ишсизлик даражасидан ошмаса тўла бандлик таъминланган ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқарилган ЯММ потенциал ЯММ даражасига тенг бўлади.

Айрим иқтисодчилар бу даражани 3—5% атрофида бўлиши керак дейишади. Бу миқдор турли мамлакатларда объектив шароитдан келиб чиқиб, бу кўрсаткичдан фарқ қилади.

*Масалан, АҚШда 7%. Сабаби АҚШда иш кучи сафарбарлиги юқори. Японияда ишсизлик 1% атрофида бўлса тўла бандликка эришилган деб қаралади. Японияда бир умрлик шартнома асосида ишлаш кенг тарқалган, демак иш кучининг сафарбарлиги паст.*

Бошқа бир гуруҳ иқтисодчилар мавжуд шароитдаги бандлик даражасига тўғри келувчи ишсизлик нормасини “табiiй” норма тарзида эътироф қилишади.

Бу дегани табiiй ишсизлик иш кучига бўлган қатъий талаб билан аниқланади. Агарда сиёсатдонлар бандликни табiiй меъёридан оширмоқчи бўлсалар, бу биринчи навбатда нархлар ўсишига таъсир этади. Улар нарх ўсишига асосий эътиборни қаратиб, унинг натижасида келиб чиқадиغان бошқа салбий оқибатларга унчалик эътибор қилишмайди.

Неоклассикларнинг ишсизлик билан боғлиқ бўлган салбий оқибатларга ўзига хос муносабатларини икки нуқтаи назардан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, улар Кейнс модели бўйича ишсизликни тўловга қодир талабнинг етишмовчилиги туфайли келиб чиқишини рад этишади. Уларнинг фикрича ишсизлик кўпинча ихтиёрий бўлади. У “эркин танлаш” натижасида вужудга келади. Ишдан бўшатилган одамлар ўз касбини, турар жойини ўзгартиришни хоҳламайдилар, кам иш ҳақи олишга кўнмайдилар. Иккинчидан, улар қашшоқликка қарши кураш дастурини тан олмайдилар. Уларнинг фикрича давлат томонидан уй-жой куришни молиялаштирилиши ва камбағалларга бериладиган озиқ-овқат ёрдами кўзланган мақсадга етказмайди. Кам таъминланганлар ўз муаммоларини ечишлари учун қўшимча даромадни кафолатлагани афзалроқ. Иш ҳақи минимумини камайтириш ва у орқали бандликни кўлайитиришга эришиш тақлиф этилади. Гоҳида улар ишсизлик нафақаларини қисқартириш лозимлигини ёқлаб чиқадилар.

Юқори даражада бандликни таъминлашнинг иккинчи томони бюджет тақчиллиги ва инфляциянинг ўсишига сабаб бўлади.

Илгари сурилган ҳар бир концепциясининг ўзига хос камчиликлари бор. Ишсизликнинг миқдори, шакллари ва оқибатларини халқаро миқёсда таққослаш бундан далолат беради. Лондон иқтисодий мактаби намоёндалари фикрича, жаҳонда шундай универсал алоқалар борки, давлатнинг социал сиёсатини ишлаб чиқишда уларни назардан қочирмаслик керак.

Қаерда: а) ишсизлик нафақаси паст бўлса;

б) ихтисослик малакасини ўзгартириш бўйича дастур ва бошқа ёрдам шакллари мавжуд бўлса;

в) тадбиркорлар фаолиятларини, иш ҳақини координациялаш ва бошқалар амалга оширилса, шу ерда ишсизлик даражаси паст экан.

Ишсизлик бўйича нафақа одатда Швеция, Германия, Бельгия, Францияда юқори, Италия, Канадада ўртача, Англия, Испания, Япония ва АҚШда паст ҳисобланади.

Касб, ихтисосликни ўзгартириш учун йўналтирилган маблағларда давлатнинг ҳиссаси ЯММда Швецияда 0,5%, Герма-

нияда 0,32%, Канадада 0,2%, Францияда 0,28%, Италия ва Японияда бу харажатлар 0,1% дан ошмайди.

Ёлланма ишчиларнинг Швецияда 79%и, Германияда 45%и ва АҚШда 15%дан кўпроғи касаба уюшмалари аъзоларидир.

**Ишсизлик қатор иқтисодий ва социал йўқотишларга олиб келади.**

1. Ишсизлик даражасининг табиий ишсизлик даражасидан юқори бўлиши натижасида жамият маълум миқдорда ЯММни “йўқотади”.

Америкалик иқтисодчи Артур Оукен ишсизлик даражаси билан ЯММ ҳажми ўртасидаги боғланишни аниқлаб, ишсизликни ҳақиқий даражаси табиий даражасидан 1% га ортиши 2,5% ЯММни ҳам яратилишига олиб келишини, яъни ҳақиқий ЯММ потенциал ЯММга нисбатан 2,5% га кам бўлишини кўрсатиб берди. Бу боғланиш унинг номи билан Оукен қонуни деб юритилади. 2,5 рақами эса Оукен коэффиценти деб аталади. Масалан ишсизликнинг ҳақиқий даражаси 9% бўлсин. Табиий ишсизлик 5% дейлик, у ҳолда улар ўртасидаги фарқ (9—5) 4% ни ташкил этади. Уни Оукен коэффиценти га кўпайтирсак  $4 \times 2,5\% = 10\%$ . Демак, яратилган ҳақиқий маҳсулот потенциал ЯММдан 10%га кам бўлибди. Агарда ишсизлик даражаси табиий даражадан ортиб кетмаганда 10%га кўп ЯММ яратилган бўларди. ЯММ ҳажми 26 млрд. доллар десак, йўқотиш (26x10):  $100=2,61$  млрд. долларлик маҳсулотни ташкил этади. Потенциал ЯММ  $26 + 2,61=28,61$  млрд. долл. Демак ишсизлик табиий даражадан ошмаганда ЯММ ҳажми 28,61 млрд. долларга тенг бўларди, ҳақиқатда эса 26 млрд. долларлик бўлди.

Миллий маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми потенциал ҳажмидан юқори бўлиши ҳам мумкин, лекин бу муддат узоққа чўзилмайди. Масалан, иккинчи жаҳон уруши даврида ишсизлик даражаси 2% дан ҳам камроқни ташкил этган. Бу даврда ишлаб чиқаришга қўшимча ресурслар жалб этилган, ишчилар иш вақтидан ташқари ишлашган.

2. Узоқ муддат давом этган ишсизлик оқибатида иш топа олмаётган ишчи ўз малакасини йўқота боради, натижада ишловчи ишга ўрнашган тақдирда нормал даражада меҳнат ундорлигига эришиши учун камида ярим йил вақт керак. Демак, шу вақт мобайнида ишчи бошқа малакасини йўқотмаган ишчиларга қараганда кам маҳсулот ишлаб чиқаради.

3. Медицина тадқиқотлари кўрсатадики, ишсизликнинг ўсиши кишининг психик-руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади, соғлиғини йўқотади. Ишдан бўшатилагани тўғрисидаги хабар, яқин кишисининг ўлими ёки жиноятда айбланиб қамоқ жазосига ҳукм қилингани тўғрисидаги хабар билан тенг даражада стрессга олиб келар экан.

4. Ишсизликнинг кўпайиши жиноятни ўсиши учун қулай шароитни вужудга келтиради.

5. Ишсизлик жамиятни қандай йўқотишларга олиб келиши ҳақида тўхтаганда аввал кўрсатиб ўтилган:

- харид қувватининг пасайиши;
- жамғарманинг камайиши;
- инвестицион талабнинг пасайиши;
- таклифнинг қисқариши, ишлаб чиқаришнинг тушкунликка тушиши каби иқтисодий беқарорлик омилларини ҳам эслатиб ўтиш зарур.

Буларнинг барчаси охир оқибат турмуш даражасини пасайишига олиб келади. Социал маънода айниқса сурункали ишсизлик хавфи ҳисобланади (40 ва ундан ортиқ ҳафта). АҚШда бу гуруҳ 0,3—0,4 % ни ташкил этади, лекин 1 йилдан ортиқ вақт мобайнида иш билан таъминланмаганлар ишсизлар ўртасида 4—5% ни ташкил этувчи мамлакатлар ҳам мавжуд.

80-йилларда Ғарб мамлакатларида кейнсчилик ғояларига асосланган социал ислоҳотлар ўтказишга қаратилган иқтисодий сиёсатдан чекиниш юз берди.

Икки йирик қарама-қарши позициялар: ишсизлик — мажбурий ҳолат, унинг сабаби ялпи талабнинг етарли эмаслигидан деб ҳисобловчи (Кейнс ва издошлари) ҳамда меҳнат таклифи иш ҳақиға боғлиқ, унинг камайиши ишлаб чиқариш ва бандликка ижобий таъсир кўрсатади деб ҳисобловчилар фикри бири бири билан тўқнаш келди. Лекин охир-оқибат бу қарама-қаршилик реалликни ифодалайди. Аслида иш билан банд бўлишга ҳар икки омил ҳам таъсир қилади.

Агарда иш ҳақининг пасайиши ёки ўсишини ушлаб туриш йўлидан борсак, у ҳолда истеъмол саватининг умумий қисқариши юз беради. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ва бандликнинг ўсиши имкониятига ҳам таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан, самарали талаб, иш ҳақини ошириш, инфляцияни кучайтиради, реал иш ҳақи ва бандликни қисқартиради.

#### 4-§. ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА МЕҲНАТ БИРЖАЛАРИ

Ҳозирги замон меҳнат бозорига давлат катта таъсир кўрсатади. Барча меҳнат муносабатлари қабул қилинган қонунлар асосида олиб борилади.

Меҳнат бозорига давлатнинг қабул қилган социал дастурлари катта таъсир кўрсатади. Давлатнинг меҳнат бозоридида бажарётган воситачилик роли ҳам муҳим.

Меҳнат бозорини тартибга солишда меҳнат биржаси алоҳида ўрин тутаети.

**Меҳнат биржаси** — ишчи, хизматчи ва корхона, фирма-ташкilotлар ўртасида иш кучини сотиш ва сотиб олиш бўйича келишувни амалга оширишда мунтазам воситачи вазифасини

ўтайдиган махсус муассасадир.

Дастлабки меҳнат биржалари XIX асрнинг биринчи ярмида очилган.

Ҳозирги пайтда меҳнат биржаси функциясини асосан давлатнинг меҳнат биржалари бажаради.

Уларнинг асосий вазифаси биринчидан, ишсиз қолганларни рўйхатга олади, ишини ўзгартирмоқчи бўлганларни ишга жойлаштиришда воситачилик қилади. Иккинчидан, ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ўрганади, учинчидан, қандай ихтисосликлар бўйича ишчилар зарурлиги ҳақида ахборот беради. Тўртинчидан ёшларни касб, ихтисосликлар бўйича йўналтиради, янги касб-хунарга ўргатишни ташкил қилади.

Биржаларнинг фаолияти фақат иш билан таъминлаш эмас, балки ишлаб чиқариш тармоқлари структурасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ўзгариб турадиган меҳнат бозори эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Баъзи мамлакатларда, масалан Франция, Буюк Британия, Италияда давлат биржалари ишсизларни рўйхатга олиб, ишсизлик нафақаси беради. Меҳнат биржаси томонидан таклиф қилинган ишдан бош тортса, ишсиз нафақадан маҳрум қилинади.

Францияда ишсизлик билан бандлик бўйича Миллий агентлик шуғулланади. Унинг фаолияти меҳнат вазирлиги назоратида амалга оширилади.

Давлат меҳнат биржалари билан бир қаторда ишчи кучини ёллаш бўйича хусусий пуллик агентликлар ҳамда касаба уюшмалари, диний ва ёшлар ташкилотлари қошида иш билан таъминлаш бюрolari мавжуд.

Меҳнат бозорига биржа фаолияти жуда катта таъсир кўрсатмайди. Чунки тадбиркорлар ишловчиларни одатда кўпроқ ўз кадрлар бўлимлари орқали ишга қабул қиладилар. Юқори малакали ишчилар меҳнат биржалари хизматидадан фойдаланмай, тўғридан-тўғри фирмалар билан боғланиш имкониятига эга.

80-йиллар ўрталарида меҳнат бозорларида қатор ўзгаришлар юз берди. У Фарбдаги ривожланган мамлакатларда неоконсерватизмнинг назарий концепцияларини ҳаётга татбиқ қилиш билан боғлиқ. Уларнинг фикрича меҳнат бозорини ҳаддан ташқари тартибга солиш натижасида у ўзининг мослашувчанлигини, яъни том маъноси билан бозор сифатини йўқотди. Тартибга солувчи субъектларнинг бозор механизмига кенг миқёсдаги таъсири туфайли унга хроник номутаносиблик хос бўлиб қолди. Натижада иқтисодий ҳаёт, ишлаб чиқариш самарадорлигининг суёт ўсиши барқарор ва кенг миқёсдаги ишсизлик мавжудлиги билан характерланади. Вазият фан-техника тараққиётининг тезлашуви, ички ва ташқи бозорда рақобатнинг кучайиши ялпи ишчи кучига бўлган талабнинг ўзгариши билан янада қийинлашади. Ҳозирги шаро-

итда иш кучидан юқори малака, моҳирлик, ихтисосни талабга мослаштириб тез ўзгартириш, регионал қолаверса халқаро миқёсда сафарбарлиги (кўчиши) юқори бўлишини талаб қилади. Неоконсерваторлар фикрича давлат ва касаба уюшмалари томонидан меҳнат бозорини блокада қилиш натижасида сафарбарликка эришиб бўлмайди.

Бундай ҳолатдан чиқишнинг йўли неоклассикларнинг фикрича меҳнат бозорини флексибилизация қилиш, яъни бозорни ҳозирги замон талабларига мослашувни кўтариш, унга эса рақобат механизмини кучайтирмай эришиб бўлмайди.

XX асрнинг охири чорагида меҳнат бозорининг мослашувчанлиги муҳим ўрин тутиб, иқтисодий адабиётларда меҳнат бозорининг “флексибилизацияси” деган янги термин пайдо бўлди.

Бозорни флексибилизация қилиш аввалгига нисбатан мослашувчанроқ, ўзгарувчанроқ иш ҳақи системаларини кўзда тутади. 60—80-йилларда қўлланилган баҳолашнинг аналитик услубини таҳлил қилиш асосида иш ҳақи белгилашдан, иш ҳақининг индивидуал ставкаларини қўллаш принципига ўтишни кўзда тутади. Иш кучининг жорий меҳнати билангина эмас, балки унинг потенциал имконияти, қобилияти, меҳнат малакасининг ўсиши, умумий пухта билимга эгаллиги билан боғлиқ бўлган хислатлари учун бир йўла бериладиган тўловларнинг роли ортади. Ҳақ тўлашда компанияларнинг фойдасига қатнашиш тизимини қўллаш муҳим ўрин тутаяди. Бунда ишчи корxonанинг зарарини ҳам ўз зиммасига олади.

Ишловчининг эркин тарзда иш ҳақи тўлаш, социал тўловлар, иш вақти давомлилиги, бандлик шаклини танлашдаги роли ортади.

Меҳнат бозорини тартиблашни камайтириш доирасида, рақобатни кучайтириш мақсадида социал кафолатларни камайтириш, меҳнат бозорини тартибга солувчи қонун-қоидаларни қайта кўриб чиқиш, айримларини бекор қилиш талаб қилинади.

Бу ерда асосий диққат меҳнат бозорининг фаолияти иқтисодий самарадорлик билан, жамиятнинг социал тараққиётини қўшиб олиб боришнинг оптимал даражада бўлишини таъминлаш механизмини топишга қаратилган.

Меҳнат бозорини ташкил этиш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси республикамизда алоҳида диққат-эътиборни қаратишни талаб этади.

Ҳозирги пайтда республикамизда меҳнат ресурслари аҳолининг 49%ини ташкил этади. 2015 йилга бориб ҳисоб-китобларга кўра меҳнат ресурслари йилига 200 минг кишига кўпаяди десак, 16 миллионга етиши мумкин.

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг ана шу даражаси бир томондан иқтисодиёт тараққиётида, ишлаб чиқариш ва хизмат



кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда муҳим рол ўйнаса, иккинчи томондан қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

1. Ишлаб чиқаришни структуравий силжиши, яъни таркибий ўзгариши амалга ошар экан, бунинг натижасида тармоқлар ўртасида иш кучи тақсимооти тубдан ўзгариши, ишсизликни кўпайиши кутилади.

2. Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилиши туфайли ишлаб чиқаришнинг омиллари ўртасидаги нисбатни ўзгаришига олиб келади. Инсондан юксак малака талаб этади ва иш кучини маълум қисмини ортиқча қилиб қўяди.

3. Ишлаб чиқариш омилларининг миқдори ва сифати жиҳатдан мос келмаслигини кучайтиради.

Республикамизда:

а) бир томондан ишчи ўринлари бўш, айнан зарур мутахассислар етишмайди, иккинчи томондан, ишсизлар мавжуд.

б) умуман банд бўлганлар ўртасида қўл меҳнати билан банд бўлганлар кўп. Айниқса қишлоқ хўжалигида.

в) функционал саводсизлик юқори. Тезда янги касбни эгаллаш учун киши энг аввало саводхон бўлиши керак.

Афсуски бу соҳада камчиликлар кўп. Шунинг учун ҳам республикамизда таълим тизими замона талабига мос равишда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида ислоҳ қилинмоқда.

Республикамининг муҳим социал-демографик омилларини ҳисобга олиб, аввало қишлоқ аҳолисининг психологиясини ҳисобга олган ҳолда иш билан таъминлашнинг асосий стратегик йўналишлари ишлаб чиқилди. Навбатда энг қийин босқич, уни амалга ошириш турибди.


Республикамизда меҳнат бозори ҳақида тўхталар эканмиз, «ёлланма ишчилар бозори»ни ҳам эслаб ўтиш керак. Ўзбекистонда, умуман Марказий Осиёда «ёлланма ишчилар бозори» ҳам мавжуд бўлиб, у одатда нолегал ҳолда амал қилади. Ҳозирги пайтда республикамизда ана шу бозорни легаллаштириш муаммоси турибди. Уни ечишни шароитимизга мос келадиган йўлини топиш, назарий жиҳатдан асослаб амалга ошириш керак.

## 5-§. ФИЛЛИПС ЭГРИ ЧИЗИФИ

Кейнс издошлари ишсизлик тўғрисида фикр юритганда, Филлипс эгри чизигига таянадилар. Инглиз иқтисодчиси Олбан Филлипс ишсизлик даражаси билан иш ҳақи ставкалари ўртасидаги боғлиқликни умумлаштирувчи монографиясида Буюк Британияда 100 йил (XX асрнинг 60-йилларигача) давомида маълумотларни ўрганиб чиқиб, иш ҳақи билан бандлик (икки ўзгарувчи) ўртасидаги боғланиш тескари пропорционал характерга эга эканлигини аниқлайди ва классикларнинг концепциясини бузувчи хулосага келади.

Маълумки, классикларнинг фикрича иш ҳақи юқори бўлса, унга талаб шунча кам, натижада бандлик ҳам мувофиқ равишда паст бўлади. Аксинча иш ҳақи паст бўлса, унга талаб кўп бўлиб, бандлик ортади.

Филлипс эса Англияда ишсизликни 2,5—3% дан ортиши нархлар ва иш ҳақининг ўсишини кескин секинлашувига олиб келишини аниқлайди.



Графикдан кўришни турибдики, номинал иш ҳақининг ўсиш суръати паст бўлганда ишсизлик юқори ва иш ҳақининг ўсишига қараб ишсизлик пасаяди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин, ишсизликни инфляция суръатини тезлаштириш эвазига пасайтириш мумкин.

Шуни таъкидлаш керак-ки, эгри чизиқ муаллифи бу қонуниятга эҳтиётлик билан ёндашиш лозимлигини огоҳлантирган. Чунки, бу ерда инфляцион жараёнда меҳнат унумдорлигининг ўсиши нотекислиги инобатга олинмаган.

Кейинчалик америкалик иқтисодчилар П. Самуэльсон ва Р. Солоу Филлипс эгри чизигини модификациялаштириб, иш ҳақи ставкасини товар нархларини ўсиш суръатига алмаштиришди.

У ҳолда ишсизлик даражаси билан нарх ўсиши суръати ўрта-сида боғланиш тескари пропорционал боғланиш тарзида ифодаланadi. Судралувчи инфляция шароитида иш ҳақининг ўсиши нарх ўсиши харажатларини қоплаганда Филлипс эгри чизиги ҳақиқатни акс эттиради, сабаби нархлар босқичма-босқич ўсади.

Иш ҳақи ўрнига товар нархларининг ўсиш суръатини қўйиб, Филлипс эгри чизигини иқтисодий сиёсатда тадбиқ этиш учун таклифлар тайёрлашда қўлланила бошланди.

Масала ҳар иккисининг: яъни иш ҳақи билан, ишсизлик даражасининг кесишиш оптимал нуқтасини аниқлашдан иборат. Уларнинг методи бўйича агар ишсизлик даражаси А (15%)

да бўлса, нарх ўсиш даражаси (4%), бўлиши керак. У ҳолда ҳукумат бюджет ва пул-кредит тадбирлари белгилаб талабни стимуллаштиради. Бу ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, янги иш жойларини яратишга олиб келади. Ишсизлик (5%) гача камаяди, лекин инфляция суръати (7%) ортади. Натижада иқтисодиётда инфляциянинг ортиб кетиши, ҳукуматни энди кредит чеклашлари, давлат бюджети харажатларини қисқартиришига мажбур қилади. Бунинг натижасида нархларнинг ўсиш суръати 5% га пасаяди, ишсизлик ўсиб 8% га етади.

Инфляция билан ишсизлик ўртасидаги боғланишнинг Кейнс схемаси “тезда реакция қилиш” сиёсати қўллашни асослайди. Бунда бандликни стимуллаш тадбирларини молиялаштириш, солиқни либераллаштириш ва бошқалар орқали амалга оширилиши керак. Инфляциянинг ўсишини пасайтиришни эса бандликни қисқартирмай амалга ошириб бўлмайди. 60-йилларда шу модел АҚШда Кеннеди-Жонсон системаси томонидан қўлланилган.

Иқтисодий тартибга солиш практикаси кўрсатдики, Филлипс эгри чизигини қисқа муддат жараёнида иқтисодий вазиятни ўзгартириш учун қўллаш мумкин, узоқ муддат учун қўллаб бўлмас экан.

Монетаристлар кейнсча моделни танқид қилиб, биринчидан, инфляцияни бандлик учун тўлов сифатида талқин қилишни рад этишди. Кейнсчилар фикрича тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар номинал даромад олишни мўлжал қилишади. Унинг бугунги кундаги даражаси билан қаноатланишади. Лекин ҳаётда инфляциянинг ўсишини кўриб, одамлар нархлар билан даромадларни кўпроқ солиштира бошлашади, яъни реал даромадларни ўзгаришини ҳисобга ола бошлайдилар. Нархларнинг ўсишини олдиндан мўлжаллайдиган бўлишади. Олинган пулга инфляция натижасида шунча кам товар сотиб олиш, хизматлардан кам фойдаланиш мумкинлигини билгач, ҳеч ким пул шаклидаги иш ҳақини ўсишига мувофиқ тарзда иш кучи таклифини кўпайтирмайди.

Ишчиларнинг реал иш ҳақини оширишга бўлган талаблари фойданинг камайишига олиб келади. Тадбиркорлар меҳнатга талабни қисқартиришга мажбур бўлишади. Инфляциянинг бандликни таъминлашни ўстириш омили сифатидаги роли 0 га тенг бўлади.

Тадбиркор ўйлайди: — Инфляцион ўсиш прогнозида ишлаб чиқаришни кенгайтириши керакми?

Ишчи ўзидан сўрайди: — Номинал иш ҳақининг ўсиши нархлардан орқада қоладиган шароитда ишлашга кўниши керакми?

Буларнинг ҳаммаси иш билан бандлик даражасига таъсир этади.

Ундан ташқари қутилмаган иқтисодий ларзалар (мисол, энер-

гия манбаларига нарх ўсиши) ҳам ишсизликни кескин ортиб кетишига сабаб бўлади.

Буларни назарда тутиб М. Фридман ишсизлик билан курашишни ялпи талабни кўпайтиришни инфляциян тадбирлар билан амалга ошириш самарасиз эканлигини кўрсатди.

Кейнча бандлик схемаси доимо тўғри бўлмаслигини ҳаёт кўрсатди. 70-йилларда АҚШ ва Фарбдаги бошқа мамлакатларда инфляциянинг турғунлик ишсизлик билан қўшилган “стагфляция” тарзида юз бериши намоён бўлди. Ўсиш икки йўналишда: нарх ва ишсизликнинг ўсиши тарзида юз берди. Ишлаб чиқаришнинг сезиларли пасайиши шароитида нархлар ўсиши давом этди. 1975 йилга келиб АҚШда инфляция даражаси йилига 10% ишсизлик (умумий меҳнатга лаёқатлиларга нисбатан) 9% га етди.

Умуман олганда бу ҳолатни кутилмаган деб айтиш нотўғри. Чунки ривожланаётган мамлакатларда ишсизликнинг ўсишига демографик “портлаш” сабаб бўлса, кўпгина Фарб мамлакатларида давлат корхоналарини приватизация қилиш — ҳатто авиакомпания, темир йўл, хуллас ҳамма инфраструктурани (қайсики давлат ўз позициясини сақлаган соҳа) — натижасида юз беради.

Ҳақиқатдан ҳам ҳаёт мураккаб, олимларнинг берган схемалари доимо тўғри келавермайди.

Бунда миллий психологик хусусиятларни, аҳолининг “афзал кўриш” омилини, яъни инфляция ва ишсизликка реакциясини, ҳамда ишсизларни социал ҳимоя қилиш даражасига эътибор бериш керак.

Халқаро миқёсда ишсизлик даражаси билан инфляция даражасини таққослаш қизиқарли. Беш йил (1983—1987 йиллар) давомида уларни ўртача даражаси қуйидагича бўлган:


Мамлакатлар	ишсизлик даражаси	инфляция даражаси
АҚШ	7,5	3,3
Канада	10,4	4,6
Япония	2,8	1,3
Франция	10,1	5,7
Германия	7,2	1,6
Италия	6,6	8,9
Швеция	2,8	6,6
Буюк Британия	11,3	4,7

Рақамлардан кўриниб турибдики, шу йилларда Швеция ва Италияда мўлжал ишсизликни камайитириш бўлиб, қисман ан-

ти инфляция чора-тадбирлар зарарига бўлса ҳам унга эришилган. Германия учун эса инфляцияни пасайтириш муҳим деб топилган. Шу мақсадни кўзлаган бошқа мамлакатлар ҳам инфляция жараёнини тўхтатишга эътибор қаратган.

Ҳаёт кўрсатаптики, инфляция билан ишсизлик ўртасидаги тескари боғлиқлишни аниқлаш, ундан социал сиёсатда фойдаланиш қийинлашиб кетди.

Агар АҚШ президенти мамлакатдаги аҳвол ҳақида йилига бериладиган (ҳисобот) маълумотнома асосида тузилган графикка назар ташласак, у Филлипс графикдан фарқ қилиб, кўпроқ зарраларнинг “Браун ҳаракатини” эслатади.



Ишсизликни давлат томонидан тартибга солиш тажрибаси вақти, муҳит, макон бўйича ҳар хил, социал сиёсатнинг самардорлиги кўпинча паст. Бу соҳада универсал рецепт йўқ. Сабаби тушунарли, социал ҳаёт тарихий анъаналар, аҳолининг одатлари, қизиқиши, фаоллиги, сафарбарлиги ва ҳоказолар билан тўғридан-тўғри боғлиқ.

Шунинг учун мутахассислар бандликнинг “Инфляция-нейтрал” даражасини топишга ҳаракат қилишга тушдилар.

Филлипс эгри чизиғи ўрнига юқорида кўриб ўтдик, “Ишсизликнинг табиий даражаси” назарияси кириб келди. Ҳисобларга кўра Евроиттifoқда 8—9%ни, Шарқий Европада 10% ни ташкил этди.

Демак Филлипс эгри чизиғи:

а) нисбатан қисқа муддат;

б) инфляция даражаси паст бўлган шароитда тўғри ва ундан иқтисодий чора-тадбирлар белгилашда фойдаланса бўлади.

Узоқ муддат инфляция юқори даражада бўлганда меҳнат бозорига бошқача йўл билан таъсир этиш амалга оширилиши зарур. Бу чора-тадбирлар ҳар бир мамлакатдаги мавжуд шарт-шароитга боғлиқ.

**Демак** жамиятда доимо ишчи кучи таклифи билан талаби ўртасида мувозанат бузилиши сабабли ишсизлик мавжуд бўлади. Бу бозор иқтисодиёти шароитида харидорни танлаб олиш имкониятини кенгайтиради. Иш кучини талабга мослашишга ундайди.

Лекин ишсизликни маълум, табиий чегарадан ортиб кетиши жамият учун салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Айниқса, ЯИМ ҳажми, аҳолининг турмуш даражаси пасаяди.

Иқтисодчилар кўпроқ таркибий, айниқса цикли ишсизликка диққат қаратишади. Сабаби, бунда ишсизлар сони тез ортиб кетиши ва узоқ муддат чўзилиш хавфи мавжуд.

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда меҳнат биржалари муҳим рол ўйнайди.

Ишсизлик даражасини Филлипс фикрича инфляция суръатини тезлаштириш эвазига камайтириш мумкин. Лекин у нисбатан қисқа ва инфляция даражаси паст бўлган шароит учун мос келади. Узоқ муддатли ва инфляция юқори даражада бўлса, ҳар бир мамлакат ўзидаги мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак.

### Асосий таянч тушунчалар

Иш кучи  
Меҳнат ресурслари  
Аҳолининг табиий ўсиши  
Аҳоли миграцияси  
Ишсизлик

Яширин ишсизлик  
Мавсумий ишсизлик  
Иқтисодий фаол аҳоли  
Ишсизлик даражаси  
Оукен қонуни

Пигу назарияси  
Фрикцион ишсизлик  
Таркибий (структуравий)  
ишсизлик  
Цикли ишсизлик

Меҳнат бозори  
Меҳнат биржаси  
Флексибилизация  
Филлипс эгри чизиги

### Такрорлаш учун саволлар

1. Меҳнат ресурслари деганда нимани тушунамиз? Иқтисодий фаол аҳоли деганда-чи?
2. Иш кучининг миқдорий ва сифат ўлчамларини тушунтириб беринг.
3. Ишсизлик сабабини изоҳлашнинг классик ва неоклассик талқинини тушунтиринг.
4. Ишсизликни қандай турларини биласиз? Нима сабабдан иқтисодчилар асосий диққат-эътиборларини цикли ва таркибий ишсизликка қаратишади?

5. Ишсизлик қандай иқтисодий ва социал оқибатларга олиб келиши мумкин? Тушунтириб беринг.
6. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорини монополистик бозор дейиш мумкинми? Ўз фикрингизни асосланг.
7. Меҳнат бозори бошқа бозорлардан қайси жиҳатлари билан фарқланади?
8. Маълумки, республикамизда меҳнат ресурсларига солиқ 1%ни ташкил қилиб, бандликни таъминлаш мақсадларига сарфланади. Бу чорага нисбатан ўз фикрингизни билдиринг.
9. Ишсизликнинг табиий даражаси деганда нима тушунилади?
10. Нима сабабдан бандликни таъминлашда давлат томонидан қўриладиган чора-тадбирларга қисқа муддатли ва узоқ муддатли давр нуқтаи назардан ёндашиш муҳим аҳамиятга эга?

## **XIX б о б**

# **БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ**

Миллий иқтисодиётда молия тизими ва молиявий сиёсат асосий ўрин тутади. Сабаби жамиятнинг равнақи, аҳолининг фаровонлиги, юртнинг тинчлиги таъминлаш ва бошқа мақсадларни амалга ошириш — ҳаммаси молияга бориб тақалади.

Бу бобда биз молия муносабатлари деганда ўзи нимани тушунамиз, молиянинг функциялари ва вазифаларини ўрганамиз. Молия тизимига турли жиҳатдан ёндашиб, молиявий сиёсат, суғурта ва солиқларни молия тизимида тутган ўрни, молия бозори ва унда қиммат баҳо қоғозлар бозори, унинг молиявий ресурсларни ташкил қилишдаги роли, давлат бюджети ва унинг молия тизимида тутган ўрнини кўриб чиқамиз.

### **1-§. МОЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ**

Бозор иқтисодиётда молия алоҳида ўрин тутади, чунки улар пул маблағлари билан боғлиқ муносабатлардир. Бозор иқтисодиётининг асосини эса товар-пул муносабатлари ташкил этади. Молия эса уларга хос тушунчадир.

Молия тарихий характерга эга бўлиб, унинг вужудга келиши товар-пул муносабатлари, давлат ва унинг эҳтиёжлари, функциялари (вазифалари) билан боғлиқдир.

Халқаро миқёсда финанс тушунчаси ишлатилади. У лотинча “finansia” сўздан келиб чиққан бўлиб, тўлов, даромад деган маънони англатади. Дастлаб, бу ибора “пул тўлови” маъносида XIII—XIV асрларда Италияда кенг ишлатила бошланган. Кейинчалик бу термин халқаро миқёсда тарқалиб, давлат томонидан унинг сиёсий ва иқтисодий вазифаларини бажариш учун зарур пул ресурсларини, пул муомаласи тизимини вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган тушунча сифатида қўлланила бошланади. Ўзбек тилида finansia сўзига мос сўз молия сўзи қўлланилади.

Молия муносабатлари иқтисодий муносабатларнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади.



Молия кўп қиррали, кўп томонли тушунча бўлиб, ягона термин сифатида ўзида, уни характерловчи уч сифатни мужас-самлаштирган.

*Биринчидан*, молия деганда биз кўз ўнгимизда пул ва пул маблағлари (воситаларини)ни келтиришга ўрганиб қолганмиз. Ҳақиқатан ҳам молия иқтисодий ресурсларнинг бир кўриниши тарзида ишлаб чиқариш ва истеъмолни таъминловчи пул маблағлари сифатида намоён бўлади. Хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг турли шаклдаги пул даромадлари, тўловлар, йиғимлар асосида шаклланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва жамиятнинг бошқа эҳтиёжларига ишлатилади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат ва табиий ресурслар пулга сотиб олинади. Умуман, натурал шаклдаги иқтисодий ресурслар, энг аввало пулда ифодаланади. Мувофиқ равишда ишлаб чиқариш ва истеъмол ресурсларини пул шаклида молия ресурслари деб аталади. Лекин молияни таърифлаганда уни пул ресурслари сифатида талқин қилиш нотўғри, чунки унда молия тушунчаси ўрнига давлат, корхона, аҳолининг пул маблағлари деган тушунчани қўллаш таъбирга жоиз бўлар эди.

*Иккинчидан*, молия деганда зарур бўлган бирон-бир фаолиятни юритиш учун пул фондларини ташкил этиш, пул маблағлари билан таъминлаш тушуниладики, у молиялаштириш тушунчаси билан чамбарчас боғланиб кетади. Бу маънода молия деганда иқтисодий объектлар, тадбиркорлик, уй хўжалиги, регионлар социал-иқтисодий дастурларни молиялаштиришнинг манбаи, ҳажми, турлари ва таъминлаш усуллари кўзда тутилади. Шундай қилиб, молия эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган пул оқими йўналишини бошқариш йўли билан уни маблағ билан таъминловчи дастак сифатида намоён бўлади. Лекин пул оқими йўналишини тартибга солиш орқали маблағ билан таъминловчи сифатида молияга таъриф бериш ҳам етарли эмас.

*Учинчидан*, молия пул маблағларини тақсимлаш муносабатини ифодалайди. Айтайлик, новвойхонада 1000 дона нон ёпилди. Ҳар бирининг нархи 100 сўм бўлса, унда 100000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Бу эса ноннинг нархига мувофиқ равишда пулни муомалага чиқаришга асос бўлади. Бу пуллар энди мустақил равишда ҳаракат қилиб, маҳсулотдан алоҳидалашади.

Олинган тушум 100000 сўмни ишлатиш юзасидан турли миқёсдаги (корхона, фирма, тадбиркорлик фаолияти, давлат) қатор тақсимлаш муносабатлари юзага келади. Бу тақсимлаш ниҳоятда мураккаб бўлиб, турли даражада ва миқёсда юз беради. Айнан шу тақсимлаш муносабатлари молияни мустақил, маҳсус иқтисодий категория сифатида ажратиб туради.

Молия муносабатлари пул муносабатларидан шуниси билан фарқ қиладики, унинг таркибига шахсий истеъмол хизмати муносабатлари кирмайди, ҳамда пул ҳаракати товар ҳаракати билан бир вақтда юз бермайди.

Жамият тараққиётининг маълум бир босқичига келганда пулнинг товарсиз, мустақил, товардан ажралган ҳолда ҳаракат қилиши объектив зарурат бўлиб қолади. Натижада *“товар муомаласи билан боғлиқ бўлмаган пул ҳаракати”* содир бўладики, ана шу жараёнда юз берадиган *“муносабатлар молия муносабатларини”* ифодалайди.

Молия қуйидаги белгилари:

— пул шаклида ифодаланиши;

— эквивалент алмашинувчи иштирокисиз тақсимлаш;

— ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ва миллий даромад (МД) ни махсус фондларга тақсимланиши билан характерланади.

Шундай қилиб, молия тушунчаси ниҳоятда пул тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Пул молиянинг мавжудлиги шarti, сабабчиси, лекин бир-биридан фарқ қиладиган, мустақил категориялардир.

*Пул орқали бевосита сотиш ва сотиб олиш, яъни товар муомаласи билан бир вақтда синхроник тарзда юз берадиган муносабатлар пул муносабатлари бўлади. Бунда пулнинг ҳаракати товар ҳаракати билан бир вақтда юз беради.*

Бу ерда яна шуниси таъкидлаш жоизки, пул маблағларини ташкил этиш ва ишлатиш жараёнида юз берадиган молия муносабатларидан ташқари кредит муносабатлари ҳам мавжуд. Кредит муносабатлари молия муносабатлари билан ўхшаш, уларнинг умумийлиги шундаки, ҳар иккаласи ҳам пул маблағлари юзасидан бўлган муносабатларни ифодалайди.

Шу билан бирга улар ўртасида фарқ бор:

Энг аввало, молия барча хўжалик субъектларининг ўзига тегишли пул маблағлари бўйича муносабатларини англатса, кредит ўзгалар мулки бўлган пул маблағларини қарзга олиб ишлатиш жараёнида юз берадиган муносабатларни билдиради.

Иккинчидан, молия ўз мулки бўлган пул ресурсларини хоҳлаган вақтда ҳеч қандай харажатсиз ишлатилишини англатса, кредит ўзгалар пул маблағини ҳақ тўлаш шarti билан вақтинча ишлатиб туриш ва муддати келганда қайтариб бериш муносабатларини ифодалайди.

*Молия — бу пул маблағлари фондларини ташкил этиш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан рўй берадиган муносабатларнинг назарий ифодасидир.*

Молия муносабатлари иқтисодий муносабатларнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Молия механизми орқали давлат пул маблағлари фондларини ташкил этади, тақсимлайди, ишлатади, турли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кўплаб вазифаларни бажаради.

Молиявий муносабатлар:

- давлат ва юридик, жисмоний шахслар;
- жисмоний ва юридик шахслар;
- юридик шахслар;
- алоҳида давлатлар ўртасида юз беради.

Молия муносабатларининг мазмунини жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ўртасидаги иқтисодий алоқалар орқали амалга ошадиган пул ресурслари ҳаракатининг турли шакллари ифодаловчи даромадлар ва харажатлар, бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) солиқлар, дотация, субвенция, субсидия, бюджетдан ажратилган пул ва бошқа категориялар очиб беради.

Молиявий муносабатлар ҳам бошқа муносабатлар каби объектив заруратдир. Ҳеч бир иқтисодий фаолият молиясиз бўла олмайди. Чунки пулсиз фаолият юритиб бўлмайди. Ишлаб чиқариш корхона, тармоқ, ҳудуд ёки умумжамият миқёсида бўлмасин, барибир у молияни талаб қилади. Гап шундаки маҳсулот ва хизматлар фақат тақсимлангандан сўнг истеъмол этилиши мумкин. Маҳсулот сотилгандан сўнг тушум ишлаб чиқариш харажатларига қараб тақсимланиши пул ёрдамида олиб борилади. Нагижада ҳар хил мақсадга мўлжалланган пул ресурслари ҳосил бўлади, улар товарларга айирбошланиб, шундан сўнг истеъмол қилинади. *Масалан*, сотиб олинган тушум харажатларга қараб тақсимланганда, унга сарфланган меҳнат қуролларининг харажатларини ифодаловчи қисми, яъни капитал истеъмоли амортизация фонди шаклига киради. Бу эса молиявий ресурс, у пул шаклида бўлиб ишлатилган машина ускуналарни тиклаш учун керак. У йиғилиб борган сари катта суммани ташкил этади ва унга янгиси олиниб, эскиргани ўрнига ишлатилади. Индивидуал эҳтиёжлардан ташқари умумжамият эҳтиёжлари ҳам бор.

Булар жумласига атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, мудофаа, ижтимоий тартибни сақлаш, умуман ноишлаб чиқариш соҳаларини пул билан таъминлаш, аҳолининг ночор қатламларини боқиш ва бошқалар киради. Мазкур эҳтиёжларнинг қондирилиши давлатнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ.

Молиянинг зарурлиги давлатнинг мавжудлигидан келиб чиқади. *Шубҳасиз молия субъектлари ҳар хил, лекин молияни молия қиладиган умумий асос бор. Бу яратилган маҳсулотларнинг тақсимланишидир. Тақсимот юз бермаса, истеъмол бўлмайди, бинобарин жамият эҳтиёжлари қондирилмайди. Жамиятда яратилган маҳсулот ҳаракатининг мавжудлиги молияни заруратга айлантиради. Мана шу маҳсулотнинг тақсимланиб ишлатилиши молия алоқаларини юзага чиқаради. Маҳсулот ишлатиш учун тақсимланганда пул шаклидаги молиявий фондлар шаклига кира-*

ди, молиявий ресурс ҳосил этади. Мазкур фондлар маълум субъектларга бириктирилган бўлади. *Масалан*, суғурталаш учун кетадиган маҳсулот молиявий жиҳатидан суғурталаш фонди шаклига киради, у маълум субъект, яъни корхона, ташкилот, давлат ёки шахс қўлида бўлади.

2 *Молиявий* ресурсларни ташкил этишда ва ишлатишда иштирок этувчилар молиявий муносабатларни субъекти ҳисобланади. Улар ўз манфаатларини кўзлаб молиявий алоқада бўладилар. Молиявий муносабатларнинг *умумийлиги шундаки, у пул ресурслари* юзасидан вужудга келади.

Унинг иштирокчилари бўлмиш корхона, ташкилот, фуқаро ёки давлат маҳсулот тақсимланганда олган ҳиссаларига тенг миқдорда пул фондларини уюштирадими, бу маълум мақсадни кўзлайди. Яъни ишлаб чиқаришни ўстириш, аҳолини ҳимоя қилиш, давлатни бошқариш, мудофаани мустаҳкамлаш, резерв ҳосил этиш кабиларни кўзлайди. Молиявий муносабатлар иқтисодий субъектларни ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатишига қараб пайдо бўлади.

Албатта, улар энг аввало ишлаб чиқаришнинг ўзида, яъни корхонада, сўнгра ишлаб чиқариш билан бошқа соҳалар ўртасида, ниҳоят оилада пайдо бўлади. Молия муносабатларининг объекти пул ресурслари ҳисобланади, лекин улар маҳсулотнинг маълум қисмини ўзида ифода этадилар.

Иқтисодий категория сифатида молиянинг моҳияти молия муносабатларига хос бўлган сифат ва хусусиятлар, у бажарадиган функцияларда ифодаланadi. Молиянинг функцияси — бу молия моҳиятининг хўжалик фаолиятида аниқ кўриниши, унинг ташқи ифодасидир. Молиянинг функцияси унинг мазмунидан келиб чиқади. Молия асосан иккита функцияни бажаради. Биринчиси — тақсимлаш; иккинчиси — назорат қилиш.

*Тақсимлаш функцияси* — бунда молия воситасида жамиятда яратилган ялпи миллий маҳсулот, унинг асосий қисми бўлмиш миллий даромад, хўжалик субъектлари ичида, сўнгра субъектлар ўртасида тақсимланади. Ишлаб чиқаришнинг ўзида юз берадиган тақсимот бирламчи тақсимот дейилади. Унинг натижасида бирламчи даромадлар юзага келади: Иш ҳақи, социал суғурталар учун ажратмалар, қоплаш фонди, амортизация фонди, фойда ва бошқалар. *Масалан*: 100000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, сотилган бўлса; унда 20000 иш ҳақи, 8000 сўми социал суғурта, 60000 сўми қоплаш фонди (хом ашё, ёқилғи ва ҳ.к.) жумладан, 20000 сўми истеъмол қилинган асосий капиталга — амортизация фондига ажратилади, 18000 сўми фойдани ташкил этади.

Молиянинг тақсимлаш функцияси орқали қоплаш фондининг муҳим қисми бўлган амортизация фондини ташкил этиш ва фойдаланишга ҳам катта аҳамият берилади. Бу фонд маблағларини ишлатиш маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Бирламчи тақсимотдан сўнг *иккиламчи тақсимот ёки қайта тақсимлаш* амалга оширилади.

Бунда молия воситалари (солиқлар, тўловлар ва бошқалар) ёрдамида даромадлар қайта тақсимланади. Юқоридаги мисоли-миз бўйича 20000 сўмлик иш ҳақидан 3000 сўм даромад солиғи шаклида олинади 12000 сўм фойданинг ярми турли солиқ, тўловлар шаклида давлатга тегади. Давлат бу маблағни турли мақсадларни амалга ошириш: мудофаага, бошқариш ва ҳоказо-лар учун қайта тақсимлайди.

Даромад қайта тақсимланганда молиявий алоқалар қайта-дан ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, турли корхона, фир-малар, тармоқлар ўртасида, улар билан давлат ўртасида юз беради.

Бунда асосий ролни молиянинг ўзаги бўлган бюджет ўйнайди. Бу жараён молиянинг муҳим вазифаси бўлган маб-лағ тўплаш (аккумуляция) жамғариш орқали намоён бўлади. Молия воситалари орқали давлат бюджети, регионал маҳал-лий бюджет ва турли фондларга маблағлар йиғилади. Бу маб-лағлар кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун сарфла-нади.

*Молиянинг муҳим функцияси назорат қилиш* мамлакатдаги қабул қилинган ҳуқуқий нормативлар асосида амалга ошади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳуқуқий давлатда молиявий иқтисодий назорат жуда зарур. У ҳукумат органларидан мо-лия, солиқ, божхона ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бунда солиқларни ва бошқа тўловларни амалдаги қонунлар бўйича тўғри тўланишини, ташкил этилган фонд-ларнинг маблағларини белгиланган мақсад бўйича ишлатили-шини таъминлаш назарда тутилади. *Корпоратив хусусий мулк*, яъни акционерлик жамиятлари вужудга келиши мустақил таш-қи молиявий назорат институти — аудитни вужудга келиши-га олиб келди. Аудиторлик фирмалари ёрдамида бозор иқти-содиёти принципларига таянган ҳолда, мамлакатда амалдаги қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар асосида молиявий назорат ўрнатилади.

Фондларга маблағ йиғиш ва уларни ишлатиш назорат эти-лади. Бу назорат ҳам микромолия, ҳам макромолия даражасида амалга оширилади.

Бутун фаолиятни молиявий таҳлил этиш орқали пул маб-лағларини ташкил этиш, ишлатишдаги диспропорциялар аниқ-ланади, ҳамда уларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар бел-гиланади.

Молия унинг моҳиятларини ифодалайдиган асосий икки функциядан ташқари қатор вазифаларни ҳам бажаради.

Иқтисодчиларнинг молия бажарадиган функция ва вазифа-лар ҳақидаги фикрлари ҳар хил. Қатор иқтисодчилар молия-

нинг функцияси билан вазифасини бир хил десалар, иккинчи гуруҳ иқтисодчилар унинг фарқи бор деган фикрни билдирадлар. Молиянинг функцияси унинг моҳиятини ифодаласа, вазифаси эса, бор ёки йўқлигидан қатъи назар унинг моҳиятини ўзгартира олмайди.

Булар рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтисодий ахборот бериш ва бошқа вазифаларидир.

### Молиянинг функцияси

Тақсимлаш	Пул маблағларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишга мувофиқ равишда фондлар ташкил этиш: корхона фондлари, ижтимоий сугурта фонди, махсус фондлар, давлат бюджети.
Назорат қилиш	Солиқлар, тўловлар, йиғимларни амалдаги қонунлар бўйича тўғри тўланишини, ташкил этилган фондларнинг маблағларини белгиланган мақсад бўйича ишлатилишини таъминлаш.

### Молиянинг вазифалари

Рағбатлантириш	Фан-техника тараққиётини таъминлаш, у ёки бу турдаги иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар бериш.
Ижтимоий ҳимоя	Жамият аъзоларининг ёрдамга муҳтож қатламларини ҳимоя қилиш, турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишни амалга ошириш.
Иқтисодий ахборот	Турли хўжалик субъектлари молиявий фондлар фаолияти бўйича ахборот тўплади.

Рағбатлантириш, тартибга солиш вазифалари — бу молия воситалари орқали хўжалик субъектларини иқтисодий фаолиқка ундашга қаратилган. Иқтисодий рағбатлантириш солиқлар, тўловлар, субвенциялар ва субсидиялар орқали амалга оширилади, ҳамда улар ёрдамида тартибга солинади. **Субвенция** — давлатнинг молиявий ёрдам шакли бўлиб, у маҳаллий ҳокимият органларига давлат маъқуллаган иқтисодий, ижтимоий-маданий дастурлар учун ажратилади.

**Субсидия** — давлатнинг корхона, ташкилотларга ёрдами, қўллаб-қувватлашидир. Солиқлар ва тўловлардан имтиёз бери-

лиши корхона ва ташкилотлардан ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланадиган маблағни кўпайтириш, ишловчиларга мукофот беришни кўпайтириш уларни яхши ишлашга ундайди. Бож пулини камайтириш ёки кўпайтириш орқали экспорт, импорт ўсади ёки қисқартирилади. Зарарни қоплаш учун субсидия бериш корхонанинг молиявий соғломлаштириш воситаси бўлади. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда бу молиявий воситаларнинг аҳамияти катта.

Ижтимоий ҳимоя вазифаси — бу жамият аъзолари маълум қатламларини минимал тирикчилик юритишга молиявий жиҳатдан таъминлаб турилиши, яъни молиявий кафолатланишидир.

Жамиятда шундай ночор ижтимоий қатламлар борки, улар объектив сабабларга кўра ўзини ўзи тўла таъминлай олмайди. Булар ногиронлар, кўп болали камбағал оилалар, ишсиз қолганлар. Буларни махсус ташкил этилган пул маблағлари ҳисобидан, масалан, ишсизлик нафақалари, болалар учун нафақалар, ногиронлик нафақалари ҳисобидан таъминланади. Булар табиатан хайри-эҳсон маблағлари бўлиб, уларни нафақат давлат, балки корхона, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ўз маблағи ҳисобидан уюштирадilar. Молия воситасида аҳолининг маълум қатламларини фаол ҳимоя этилиши бошқалар бундан ҳоли дегани эмас. Оммавий ижтимоий кафолатлар борки, улар ҳаммага тегишли. Аҳоли соғлигини таъминлаш, маориф, маданият, атроф-муҳитни соғломлаштириш, мудофаа каби сарфлар борки, улар ҳаммани кўзда тутиб молиялаштирилади.

Аҳолини ҳимоялаш корхона, ташкилот, ҳамда давлат маблағи ҳисобидан бўлади. Молиянинг ижтимоий ҳимоя вазифаси бозор иқтисодиётининг инсоний бўлишидан, унинг аниқ ижтимоий мўлжалли бўлиши билан изоҳланади.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон моделининг ажралиб турувчи хусусиятларидан бири ҳам аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилишдир. Ўзбекистонда ислохотларнинг биринчи босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими — аниқ мўлжалли тизим яратилди. Бу тизим ўтиш даврида аҳоли манфаатларини, аynиқса аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини ва болали оилалари манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилади, ишсизлар сони ўсишининг олдини олди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нарх кўтарилиши муносабаби билан аҳолига компенсация берилиб, иш ҳақи оширилди. Молиявий дотацияланган нархлар ва таърифлар амал қилди, товарларни аҳолига сотилиш нархи унинг ҳақиқий нархидан анча паст бўлди, орадаги фарқ, давлат бюджети ҳисобидан қопланди.

Асосий мақсад — кучли ижтимоий йўналтирилган демократик давлатни барпо этиш экан, адолат ғояси иқтисодий ва

ижтимоий муносабатларнинг бутун тизимига кириб бориши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмида ўз ифодасини топиши зарур.

Жамиятнинг ҳаддан ортиқ бойлар ва ниҳоятда камбағалларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий вазифаларидан биридир. Чунки аҳолининг даромад жиҳатидан ҳаддан зиёд табақалашуви ижтимоий кескинлик келтириб чиқариши мумкин. Жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг табақалашув кoeffициенти турли мамлакатларда турлича. Бу кўрсаткич Германияда 6.8, Буюк Британияда 6.8, Швецияда 5.9, Францияда 12.0, Испанияда 11.9, АҚШда 15.9, Россияда 16, Қирғизистонда 10.6, Ўзбекистонда эса 6.2 ни ташкил этади. Мамлакатимизда келажакда ҳам ана шу йўлдан бориш кўзда тутилган.

**Иқтисодий информация** — ахборот вазифаси — бу хўжалик субъектлари ва умуман жамият иқтисодий фаолиятининг молиявий яқунлари хусусида маълумот ва ахборотлар бериб туришдирки, у иқтисодий бошқаришга қўл келади. Молиявий кўрсаткичлар орқали ишлаб чиқаришни қандай боришини кузатиш мумкин. Молиявий фондлар ҳаракатига қараб ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол бир-бирига монандлигини англаш мумкин. Корхона ва ташкилот ишлаб чиқариш молиявий аҳволига қараб, хўжалик фаолиятининг яхши ёки ёмон бўлишини билиш мумкин. Молиявий информацияга қараб тадбиркорлар ўз ишининг қандай кетиши, ўз шерикларининг аҳволи, рақобатчиларнинг имкониятидан огоҳ бўладилар. Улар ўзини ўзи назорат қиладилар. Давлат олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида тўлаб туриши ёки турмаслигига қараб тартиблаш чораларини кўра олади. Иқтисодни қаерида узилиш бор, уни қандай тузатиш мумкинлигини била олади. Тадбиркорлик учун ҳолис молиявий ахборот керак бўлади ва уни аудиторлик хизмати етказиб туради.

**Аудиторлик хизмати** — бу корхоналар, фирмалар, компаниялар хўжалик фаолиятини таҳлил етиб, ҳисоботлар экспертзасини ўтказиб, уларнинг молиявий аҳволи, алоҳида объектив (ҳолисона) информация етказиб туриш, у ҳақида хулосалар чиқаришдир. Молиявий информация молия менеджменти (молияни бошқариш)га хизмат қилади. Унга қараб муҳим иқтисодий танлов, қарор қабул қилиш амалга оширилади. Пулни қаерга қўйиш, қандай қилиб зарарсиз ишлаб фойдани кўпроқ олиш, ким билан шерик бўлиш, ким билан молиявий алоқани қалинлаштириб ёки узиб қўйиш каби ишлар амалга оширилади. Давлат бюджети, давлатнинг ички ва ташқи қарзи тўғрисидаги информация иқтисодиётни умумий аҳволдан, давлатнинг молиявий аҳволдан хабардор қилади. Молия информацияси иқтисодий информациянинг энг муҳим ва умумлашган қисми бўлади.



Хуллас, молия функциялари ва вазифаларини амалда бўлиши иқтисодий ўсиш шартидир.

## 2-§. МОЛИЯ ТИЗИМИ: “МИКРО ВА МАКРО МИҚЁСДА МОЛИЯ”

Молия муносабати бўғинлари (унсурлари) бир-бирини тақозо этиши, ўзаро боғланиши ва яхлитлиги молия тизимини юзага келтирадики, у бозор иқтисодиётининг таркибий қисмини ташкил этади. **Молия тизими** — бу жамиятдаги турлитуман молия муносабатларининг мажмуасидир. Молия тизими мураккаб, унга турлича ёндошиш мумкин. Молия тизимига назарий жиҳатдан қарасак, у таркибан объектив, ҳар хил даражадаги молиявий муносабатлардан, уларни ифодаловчи молия механизмидан, молия воситаларидан ва молия сиёсатидан иборат.

Молиявий ресурсларни тўғри ташкил этиш ва ундан унумли фойдаланиш, жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиши юритилаётган молия сиёсатига боғлиқ.

Сиёсат арабча “бошқариш” деган маънони билдириб, давлат ҳокимиятининг бошқарув ва халқаро муносабатларда ўз мақсадига мувофиқ тутган йўлини ифодалайди.

Молиявий сиёсат давлатнинг иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади.

Давлатнинг молия сиёсати, унинг шу соҳадаги стратегия ва тактикасида ифодаланади.

Молия стратегияси узоқ муддатга мўлжалланган асосий мақсадни амалга ошириш дастури. Молия тактикаси эса аниқ муддат давомида бажарилиши зарур чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутати.

Молия тактикаси шароитга, қўйилган мақсад, вазифага қараб молиявий алоқаларни ўзгартириш, молиявий дастурларни ташкил этиш, уларни мослаштириш, молиявий ресурслар билан таъминлаш ва уларни кўчириш ва бошқалар орқали амалга оширилади.

Молиянинг иқтисодга таъсири бир қатор воситалар ёрдамида борадики, улар биргаликда молия механизмини ташкил этади. **Молия механизми** деганда, молиявий муносабатлар, молиявий ресурсларни уюштириш шакли, услуги тушунилади.

Молия механизми иқтисодиётни бошқариш, умумиқтисодий механизмнинг таркибий қисми бўлиб, юқорида кўрсатилганидек, икки: микро ҳамда макро даражада ташкил этилади. Ундан ташқари сугурта, молия механизмнинг алоҳида механизми тарзида амал қилади.

Молиявий сиёсатни амалга ошириш учун ҳуқуқий норма, қонун, қарор ва бошқа молиявий алоқалар, муносабатлар тар-

киби, қоидалари белгиланади, ҳамда жамият, жамоа, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилади.

Молия тақсимлаш муносабатларини мужассамлаштирувчи тизим сифатида эса ўз ичига қуйидаги сфера молиясини олади:

1. Корхона, фирма, жамоа, фермер хўжаликлари, муассаса, ташкилотлар молияси.

2. Суғурта тизими.

3. Давлат молияси.

Бозор иқтисодиёти шароитида қарз эвазига молиялаштириш (кредитлаш) ҳам алоҳида тизим сифатида киритилади. (187 бетдаги чизмага қаранг).

Бундан ташқари уй хўжалиги молияси мавжуд бўлиб, у ўзига хос хусусиятларга эга. Уй хўжалигига оила аъзоларининг пул даромадлари (иш ҳақи, стипендия, нафақа, дивиденд, фоиз, мулкдан келган бошқа даромадлар, тадбиркорлик даромадлари)нинг бир қисми товар ва хизматлар сотиб олишга сарфланса, иккинчи қисми тўпланиб, пул жамғармасини ҳосил қилади. Бу жамғармалар молиявий ресурсларга манба бўлиб хизмат қилади.

Корхона ва бошқалар молияси ўз навбатида товар ишлаб чиқарувчи корхона ва фирмалар, муассаса ва ташкилотлар, бирлашмалар ва бошқа шунга ўхшашларни ўз ичига олади.

Суғурта тизими эса ижтимоий суғурта, мулкӣ ва шахсий суғурта, масъулият, тадбиркорлик ва бошқа турдаги суғурталарни ўз ичига олади.

Давлат бир қатор иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий функцияларни (вазифаларни) бажариши учун ихтиёрида пул маблағлари бўлиши шарт. Бунга эса давлат молияси орқали эришилади.

Давлат молияси бу миллий даромад ва миллий бойликнинг бир қисмини давлат ва унга қарашли корхона, ташкилотларнинг пул фондига айлантириб, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаши, жамият аъзолари умумий эҳтиёжини қондириш, мамлакатни идора этиш учун тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан бўлган муносабатлардир. Давлат молияси таркибига давлат бюджети, бюджетдан ташқари уюштирилган пул фондлари, давлат кредити ва давлат ижтимоий суғуртаси, давлат мулк ва шахсий суғуртаси, давлат корхоналари молиясидан иборат.

Агар давлатга тегишли корхона молияси амалда микромолия бўлса, бошқалари макромолияни ташкил этади. Давлат молияси унинг даромадлари ва харажатларининг яхлитлигидан иборатдир.

Молия тизимига иқтисодий субъектлар ўртасида белгиланган қонуний нормативлар асосида пул маблағлари фондларини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш муносабатлари тариқасида қарасак, унинг таркибини қуйидагича ифодалаш мумкин. (188-бетдаги чизмага қаранг.)

Агар молия тизимини молиявий муносабатларнинг юз бериши миқёси жиҳатидан қарасак, у микромолия ва макромолиядан иборат.

Корхоналар молияси
Нотижорат фаолият юритувчи муассаса, ташкилотлар молияси
Жамоа ташкилотлари, бирлашмалари молияси
Солиқ тизими
Давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар
Давлат кредити
Ижтимоий суғурта
Шахсий суғурта
Мол-мулк суғуртаси
Тиббий суғурта
Тадбиркорлик хатари суғуртаси
Масъулият суғуртаси
Банк тизими
Молия кредит (нобанк) муассасалари тизими

## Молия тизими таркиби

Молияси	Фондлар
Давлат	Давлатнинг марказлашган пул маблағлари фонди. Давлатнинг эҳтиёжлари асосида харажат қилинади.
Корхона ва ташкилотлар	Пул фондлари. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва социал масалаларни ечиш учун ишлатилади.
Регионал, вилоятлар	Территориал (ҳудудий) фондлар, регионлар, вилоятларни ривожлантириш учун фойдаланилади.

**Микромолия** — бу айрим хўжалик субъектлари — корхона, фирма, компания ва уй хўжалиги (оила) доирасидаги молия алоқаларидир.

**Макромолия** — давлат, мамлакат миқёсидаги молия алоқаларидан иборат.

Бундай тузилиш бозор муносабатлари иштирокчилари иқтисодий мавқеидан келиб чиқади. Мувофиқ равишда молиявий тизим асосида молиявий ресурслар ташкил топади.

Молия ресурслари икки турда бўлади: микроресурслар ва макроресурслар ёки марказлашган ресурслар.

Молиявий ресурслар турли йўллар билан вужудга келтирилади. Булар амортизация, фойда, қимматбаҳо қоғозлар, дивиденд, солиқлар, тўловлар, бож ҳақи суғурта тўлови, субсидия, дотация ва бошқалар бўлиб, молиявий ресурслар орасида фойда асосий ўрин тутаяди. У соф даромад сифатида иқтисодий ўсиш манбаидир. Фойдадан инвестиция фондигина эмас, балки ҳар хил резервлар, суғурта фонди, социал фондлар уюштирилади, айланма маблағларни кўпайтиришга ажратилади.

Молиявий ресурсларни ҳосил этишда тўпланган миллий бойлик ҳам қатнашади.

Молиявий ресурслар иқтисодий кутилмаган ҳодисалардан, масалан, табиий офат, фалокат ёки дунё бозорида нархларнинг пасайиб кетиши ва бошқа шунга ўхшаш йўқотишлардан ҳимоя қилади.

Пул молиявий ресурсга айлангандагина иқтисодийга амалий таъсир этади. Акс ҳолда пуллигича қолиб, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишга наф келтиролмайди. Уларга микромиқёсда — корхона, фирма, ташкилот, муассаса, компания, жамоат, уюшма ва бошқа шу сингари хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ёки улар қарз олган маблағлардан иборат.

Иккинчи — макроресурслар, улар марказлашган, умумдавлат миқёсида ташкил топган ресурслар.

Микромиқёсда — корхона, фирма, уй хўжаликларида бирламчи молия ташкил топади. Бунда ишлаб чиқариш омилларининг эгалари меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари ёрдамида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб, даромад олишга ҳаракат қиладилар. Бу фаолият икки ҳолатни ўз ичига олади: пул маблағлари ташкил этилади ва улар харажат қилинади.

Бозор иқтисодиёти учун микромолия — корхона, фирма молияси етакчи, бирламчи молия ҳисобланади. Чунки айнан ана шу корхона ва фирмаларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш амалга ошади, миллий бойлик, даромад яратилади. Жамиятнинг иқтисодий аҳволи улар фаолиятига боғлиқ. Улар хўжалик юритар эканлар, фаолиятларини, энг аввало ўз молиявий ресурслари ҳисобига олиб боришга ҳаракат қиладилар.

Корхона, фирмалар ихтиёридаги ресурслар улар манфаати йўлида ишлатилади. У энг аввало бошқалар олдидаги мажбуриятини бажаради: банкдан олган қарзини қайтаради, қарз учун фоиз тўлайди. Давлат бюджетига солиқ ва бошқа тўловлар, суғурта компанияларига суғурта бадаллари тўлайди. Ўз маблағларининг бир қисмини ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга қайтадан солади. Асосий капитални янгилаш, янги техника, технологияни қўллаш, айланма капитал фондларини ўстиришга сарфлайди. Маблағининг бир қисмини эса облигацияларини сотиб олишга сарфлаши мумкин. Ундан ташқари ишчи-хизматчиларни мукофотлаш, уларни ҳар хил ижтимоий эҳтиёжлари учун фондлар уюштирилади. Хайрия ишларига ҳомийлик қилади ва бошқалар.

Микроиқтисодиёт даражасида даромад ва харажатлар қуйидагича баланслаштирилади. Корхона (фирма)ларнинг молиявий ҳолати уларнинг ҳисоб рақамидаги фойда тарзида ва зарар (харажатлар) нисбати (тушум) ифодаланади. Уй хўжалигида эса олинган даромадлар харажатлар билан таққосланади. Оилавий бюджет маблағлари манбаи ва ишлатилиши таҳлил қилинади.

Микромолия муносабатлари икки йўналишда амалга ошади:

1. Ички молия алоқалари. Бунда ҳосил бўлган молия (пул) ресурслари жамoa (корхона, фирма ва ҳоказо) доирасида тақсимланиб ишлатилади.

2. Ташқи молиявий алоқалар. Бунда пул маблағи хусусидаги муносабатлар бошқа корхоналар, банк, биржа, маҳаллий ҳукумат, давлат, тўғрироғи унинг молиявий идоралари билан юз беради.

Бирламчи молия иккиламчи макроиқтисодий давлат миқёсидаги молиянинг асоси бўлиб хизмат қилади. У иккиламчи

тақсимоғ даромадларни қайта тақсимилаш асосида вужудга келади. Бунинг натижасида макромиқёсда ресурслар ташкил топади.

Макроресурслар орқали макромиқёсда мувозанатга эришишга таъсир кўрсатилади. Улар иқтисодий тартибда асосий рол ўйнайди. Молиявий ресурсларни қай даражада самарали ишлатилишига қараб, тақдор ишлаб чиқариш суръати таркиб топади. Молиявий ресурслар орқали:

1. Иқтисодий ўсиш таъминланади.

2. Иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар амалга оширилади ва тартибга солинади.

3. Самарали хўжалик фаолияти рағбатлантирилади.

Молиявий ресурсларни ташкил этиш ва ишлатиш макромиқёсда ҳам уч усул билан амалга оширилади.

Биринчидан, ҳар бир давлат ўз харажатларини даромадлари билан ўзи қоплашга ҳаракат қилади.

Иккинчидан, харажатларини қоплай олмаса, аҳолидан ва чет мамлакатлардан, халқаро ташкилотлардан қарз олади.

Учинчидан, айрим пайтларда халқаро ташкилотлар, чет давлатлар иқтисодий-ижтимоий ёрдам тариқасида қайтариб олмаслик шарти билан маблағ ажратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муносабатлари ҳукмрон бўлса-да, нобозор сектори ҳам мавжуд, у бозор қонун-қоидаларига бўйсунмайди. Бу секторга алоҳида бепул ёки қисман пулли, яъни имтиёзли хизмат кўрсатувчи нотижорат корхоналар, ташкилотлар, муассасалар киради. Уларнинг фаолияти давлат ҳамда хайрия ташкилотлари томонидан молиялаштирилади, чунки улар пулсиз ёки пулли хизмат кўрсатилиши туфайли ўзлари харажатларини қоплай олмайдилар.

Молиялаштириш уч манба ҳисобига амалга ошади:

1. Маҳаллий ва марказий бюджетдан ажратилган маблағлар.

2. Хайрия йўлида алоҳида йиғилган пуллар.

3. Ҳар хил ҳомийлар берган пул.

Ундан ташқари бу сектор озми-кўпми ўзи ҳам маблағ топиш имкониятига эга. *Масалан*; махсус таълим ва олий ўқув юртлири, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат ташкилоти, муассасалари шартнома асосида хизмат кўрсатиб пул ишлашлари мумкин.

Жамиятда сиёсий партиялар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар каби ташкилотлар, қасаба уюшмалар каби ижтимоий ташкилотлар ҳам мавжуд, булар ҳам ўз фаолиятларини амалга ошириш учун сарф-харажат қиладилар. Бу харажатларни қоплаш ижтимоий ташкилотларни молиявий ҳисобига юз беради. Бу ресурслар ташкилотга аъзо бўлиб кириш бадал пулидан, уларнинг фаолиятидан келган даромад, ҳомийлар ажратган пул,

хайрия қилинган маблағдан иборат бўлади. Бюджетдан ҳеч қандай маблағ ажратилмайди. Уларнинг молиявий ресурси шу ташкилот низомида кўрсатилган фаолиятини амалга оширишга хизмат қилади. Ижтимоий ташкилотлар молия пул маблағларини тўплаш ва уларни ишлатиш юзасидан бўлган муносабатларни ифодалайди.

Молия тизимида махсус ва хайрия фондлари ҳам ўзига хос ўрин тутади. Махсус мақсадга қаратилган фондлар молияси турли хўжалик субъектларнинг, фуқароларининг пул маблағларини аниқ бир мақсадни амалга ошириш учун йиғиб бирлаштириш ва ишлатишга қаратилган, турли субъектларнинг ҳомийлиги асосида маблағлар йиғилади, улар фойда топиш учун эмас, балки аниқ қўйилган мақсадни кўзлаб ишлатилади. Масалан, “Орол фонди” Орол денгизини қутқариш, денгиз бўйи аҳолисини ҳимоя қилишга қаратилган, “Улуғбек” фонди, “Камолот”, “Умид” жамғармалари иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни амалга оширади. Махсус фондлар халқаро миқёсда ҳам ташкил этилади. Уларнинг молияси турли мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар берган маблағлардан шаклланади.

Республикамизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган “Бизнес фонд” алоҳида аҳамиятга эга. Бу фонд маблағлари асосан давлат мулкани приватизация қилишдан тушган маблағлар ҳисобига ташкил топиб, унинг фаолияти тадбиркорлар, фермерларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Хайрия фондлари икки жиҳати билан бошқалардан ажралиб туради. Биринчидан, бу фондлар фақат кўнгилли тарзда ажратилган маблағлардан иборат бўлиб, унинг миқдори қонун йўли билан чекланмайди. Ҳар ким баҳоли қудрат ўз ҳиссасини кўшади. Иккинчидан, бу фонд маблағлари фақат хайрия, савоб ишлари учун сарфланади. Ривожланган мамлакатларда бундай фондлар кенг тарқалган. *Масалан*, АҚШда 50 минг атрофида ҳар хил хайри-эҳсон фондлари мавжуд. Улардан энг машҳурлари “Форд”, “Карнеги”, “Рокфеллер”, Ўзбекистонда “Наврўз”, “Маҳалла” фондлари шулар жумласидандир.

Халқаро хайрия фондлари маблағлари турли мамлакатлар, халқаро ташкилотлар берган маблағлар, турли хил буюмлар ва бошқа бойликлар асосида ташкил топади.

Республикамизда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонднинг ёш авлодни, оналарни соғлиғини муҳофаза қилишга, тиклашга қўшаётган ҳиссаси ниҳоятда катта.

“Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси тарихимизни ўрганиш, тарихий обидаларни сақлаш, келажак авлодга қолдириш учун жон куйдиради. Республикамизда борган сари махсус хайрия фондларининг сони ва салмоғи ошиб бораёпти. Умуман бу фондлар кўпайиши жамиятнинг ютуғидир.

Умуман олганда молия тизими, молиявий қонун-қоидалар-

га риюя қилиш, молиявий интизомни бузмаслик, молиявий ҳамда иқтисодий фаолиятнинг ҳамма соҳаларини ҳамжиҳатлик билан юритишга имкон беради. Афсуски, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу жиҳатдан ечимини кутаётган муаммолар кўп.

### 3-§. СУҒУРТА ВА УНИНГ МОЛИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Молия муносабатларида суғурта тизими ўзига хос алоҳида ўрин тутади. Суғурта ижтимоий категорияларнинг энг қадимийларидан бири. У кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида вужудга келиб, борган сари ривожланиб, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг доимий йўлдошига айланди. Суғуртанинг келиб чиқиши аввало кишилар меҳнати билан яратилган неъматларни сақлаш ва асрашга бўлган ҳаракат билан боғлиқ. У тарихий тараққиёт натижасида ривожланиб, ҳозирги кунда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган, бозор иқтисодиётида алоҳида ўрин тутган категорияга айланди.

Суғурталаш — молия муносабатларининг махсус тури ҳисобланади. Суғурта молия каби пул даромадлари ва жамғармаларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида шаклланади. Яратилган маҳсулотнинг бир қисми суғурталаш учун ажратиблиб, пул шаклида суғурталаш фондини ташкил этади.

Суғурталаш *иқтисодий нуқтаи назардан* ўз капитали, меҳнати, ҳаётини кутилмаган ҳодисалардан муҳофаза қилиш учун суғурта қилувчи ташкилотлар билан суғурта қилдирувчилар ўртасида маълум тўлов — суғурта бадаллари эвазига махсус пул фондини ташкил этишдир. *Юридик нуқтаи назардан*, суғурта — бу бир томон (суғурта қилувчининг) бадал тўлаш мажбурияти, иккинчи томон (суғурталовчи)нинг белгиланган миқдорда зарарни қоплаш мажбуриятини олиш бўйича шартномадир.

Суғурталаш турли кутилмаган тарзда рўй берадиган йўқотишларни ўрнини қоплаш учун пул фондини ташкил этиш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан келиб чиқадиган муносабатларни ифодалайди.

Суғурталаш шуниси билан характерланадики, у турли моддий ва бошқа зарарларни қоплаш учун даромадларни тақсимлаш ва жамғариш билангина боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Суғурта фонди ғоят кўпчиликдан иборат иштирокчиларнинг пул маблағидан ташкил топади. У суғурталашга муҳтожлар қўлидан суғурта пули сифатида зарарни қоплаш кафолатини ўз зиммасига олган суғурта компаниялари қўлига ўтади. Бу суғурта компаниялари олган су-



гурта пулига мувофиқ равишда зарарни қоплайди. Суғурта муносабатлари иштирокчиларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Суғурталашга эҳтиёжмандлар ва суғурталашни амалга оширувчилар. Умуман олганда суғуртани иқтисодий категория сифатида характерлайдиган қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Суғурталашда пул орқали қайта тақсимлаш муносабатлари юз беради. Бу муносабат моддий ва бошқа талафотлар юз бериши мумкинлиги, маълум миқдорда даромаддан жамғариб, ана шу зарарларни қоплаш учун ишлатиш зарурлиги туфайли келиб чиқади.

2. Суғурталашга унинг қатнашчилари ўртасида ёпиқ қайта тақсимлаш муносабатлари хос. Суғурталашга жалб этилган ҳамма хўжаликлар бир ёки бир неча хўжаликнинг кўрган зарарини бирдамликда қоплашга қатнашадилар. Шу мақсадда ташкил этилган суғурта фондига қатъий белгиланган миқдорда бадаллар тўланади. Қатнашувчилар миқдори қанча кўп бўлса, ундан фойдаланиш шунча кўп бўлади. Чунки суғурта умумий қатнашчиларга қараганда, талафот кўрганлар сонининг кам бўлиши эҳтимолига асосланган. Йиғилган маблағ фақат шу қатнашчилар ўртасидагина ишлатилади, шу билан бирга аниқ белгиланган мақсад тасодифий ҳодиса, асоратнинг олдини олиш, у юз берганда зарарни қоплаш мақсадида ишлатилади. Бу жиҳати билан давлат бюджетига жалб этилган маблағларнинг ишлатилишидан катта фарқ қилади.

3. Суғурта келтирилган зарарни территориал бирликлар ва вақт ўртасида қайта тақсимланишини кўзда тутади. Суғурта фондини йил давомида суғурталашда қатнашувчи хўжаликлар ўртасида территориал жиҳатдан самарали тарзда қайта тақсимлаш учун етарли даражада катта миқдорда территория ва объектлар бўлишини талаб этилади. Одатда фавқулодда ҳодисалар доимо юз беравермайди, аммо уни қачон ва қай даражада бўлишини олдиндан айтиб бўлмайди. Шунинг учун бу фондга маблағ ҳар йили йиғилади, зарур бўлганда эса ана шу манбадан ишлатилади. Бошқача айтганда, суғурта тўловлари резерв, захира тарзида йиғилади.

4. Суғуртанинг муҳим характерли белгиси суғурта фондига жалб этилган суғурта тўловларини қайтарилишидир. Суғурта тўловлари суғурта таърифлари асосида аниқланади. Бу тўловлар икки қисмдан: нетто тўловлари эҳтимолдаги зарарни қоплаш учун белгиланган ва суғуртани амалга ошираётган суғурта ташкилотини сақлаш учун зарур харажатлардан иборат. Нетто тўловлар миқдори маълум территория (туман, вилоят, республика) миқёсида маълум бир давр мобайнида (одатда 5 ёки 10 йил) кўриш мумкин бўлган зарар эҳтимоли асосида белгиланади. Нетто-тўловлар суммаси шу территория миқёсида ҳисобланган вақт мобайнида зарарни қоплаш шаклида қайтарилади. Бу жиҳат (яъни

маблағни қайтарилиши) суғуртани кредит категориясига яқинлаштиради.

Суғурта категориясининг моҳиятини унинг функциялари очиб беради. Молия категорияси ўз иқтисодий моҳиятини энг аввало тақсимлаш функциясида ифодаласа, суғуртада ана шу тақсимлаш аниқ махсус тарзда унинг қатор функция ва вазифаларида намоён бўлади. Суғуртанинг **бош функцияси** табиий офат, бахтсизлик ва ҳоказолар туфайли **келтирилган моддий зарарларни қоплаш**. Айнан бунда пул маблағларини қайта тақсимлаш юз беради.

**Огоҳлантириш функцияси**, юз бериши мумкин бўлган табиий офат ва фалокатларни турли бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш учун турли чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ. Айрим пайтларда, чунончи ҳаётни суғурта қилиш (бошқа қатор ҳолларда) суғурта жамғариш вазифасини ҳам бажариши мумкин. Бунда маблағ суғурта фондида йиғилиб, сўнгра қайтарилади.

**Назорат вазифаси**. Суғурта фондини аниқ мақсад асосида ташкил этиш ва бу фонд маблағларини мувофиқ равишда ишлатилишини назорат қилади. Суғуртанинг бу вазифаси юқорида баён қилинган функциялардан келиб чиқади ва биргаликда амал қилади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги, муттасиллиги ва мувозанатини таъминлашда суғуртанинг роли катта. Бу мақсадга қай даражада эришилганига, унинг натижасига қараб баҳо бериш мумкин.

Суғурталаш объекти бир хил эмас. Унда моддий шаклдаги мол-мулк (бино, асбоб-ускуна, тайёр маҳсулот, санъат асарлари), тадбиркорлик ишига қўйилган пул, оилавий даромад ва ҳатто инсон ҳаёти киради.

Агар моддий бойликлар мол-мулк суғуртаси орқали ҳимоя қилинса, инсон, унинг турмуш хотиржамлиги социал суғурта орқали ҳимоя қилинади.

Суғурталаш икки хил: мажбурий ва ихтиёрий тарзда амалга оширилади.

Жамият давлат орқали мажбурий суғурталашни амалга оширади. Бу суғурта фақат айрим шахсларнигина эмас, балки бутун жамият манфаатлари нуқтаи назаридан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам социал суғурта, мулкий суғурта (айрим мулк турлари бўйича) аҳоли иморатлари, айрим чорва ҳайвонлари ҳаёти ва бошқалар мажбурий тарзда суғурталанади. Бундан ташқари ихтиёрий тарзда турли-туман мол-мулк ва кишиларнинг соғлиғи, ҳаёти суғурталанади.

Мажбурий ва ихтиёрий суғуртани оптимал даражада қўшиб олиб бориш ижтимоий ишлаб чиқариш ва аҳолини турли хавф-хатарлардан ҳимоя этишнинг самарали суғурта тизимини шакллантиришга имкон беради. Жамият аъзоларининг меҳнатга яроқ-

сиз ва ўзини ўзи таъминлай олмайдиган тоифаларини таъминлаш учун миллий маҳсулотнинг бир қисми ажратилади. У пул шаклида социал суғурта фондига айланади. Шу фондни ташкил этиш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан келиб чиқадиган муносабатлар социал суғуртанинг мазмунини ифодалайди. Социал суғурта фондига маблағлар — аҳолини шахсий ва социал суғурта қилиш орқали йиғилади. Аҳолининг шахсий суғуртаси билан социал суғурта бир-бирини тўлдиради. Улар ижтимоий талабларини ҳеч бўлмаганда минимал даражада қондиришга қаратилган. Давлатнинг молиявий имкониятлари кенгайиши билан суғуртавий жавобгарлик кенгайиб боради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш бошлангунга қадар даволаш асосан бепул бўлиб, унга кетадиган харажатлар давлат бюджетидан қопланган. Иқтисодий ислоҳот даврида жамият ривожланиши шуни яққол кўрсатиб турибдики, давлат бюджет томонидан ажратилаётган пул маблағлари беморларга кўрсатилиши лозим бўлган сифатли тиббий хизмат харажатларининг бир қисминигина қоплай олади. Ривожланган мамлакатларнинг ҳеч бирида аҳоли учун кўрсатиладиган тиббий хизмат харажатларининг миқдори фақатгина давлат бюджети ҳисобига ташкил қилинган эмас. Энг йирик ривожланган мамлакатларда ҳам тиббий хизмат ва соғлиқни сақлаш учун сарфланадиган маблағларнинг ярмидан кўпроғи, суғурта, тиббиёт тизимида яратилган фондлар ҳисобига тўғри келади. Қолган қисми эса давлат бюджети томонидан таъминланган бўлади.

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳам келгусида соғлиқни сақлаш йўли, энг аввало иқтисодий ислоҳот асослари билан чамбарчас боғлиқ бўлган равишда ҳамда аралаш мулкчилик, яъни давлат бюджети ва тиббиёт суғуртаси маблағлари асосида ташкил қилиниши мўлжалланади.

Аҳолини ижтимоий томондан ҳимоялашдан ташқари жамиятнинг миллий бойлигини сақлаш ва кўпайтириш, соғлиғини сақлашда ҳам суғуртанинг хизмати катта. Бу вазифани мол-мулк суғуртаси амалга оширади. Мол-мулк суғуртасида давлат, корхона, фирма, ташкилот, муассасалардан ташқари аҳоли ҳам қатнашади. Йиғилган суғурта маблағлари ҳисобига юз берган зарарлар қопланади. Мол-мулк суғуртасини хавф-хатар турларига кўра иерархик тарзда боғланмаган тўртта звено (бўғин)га бўлиш мумкин.

1. Ёнғин ва бошқа табиий хатарлардан бино, иншоот, ускуна, маҳсулот, материал, уй жиҳозлари ва бошқа (шунга ўхшаш)ларнинг суғуртаси.

2. Қишлоқ хўжалиги экинларини қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлардан суғурта қилиш.

3. Чорва молларини ўлат ва ноиложликдан сўйиб юбориш ҳолларини суғурта қилиш.

4. Транспорт воситаларини авария, ўғирлаб кетиш ва бошқа хавф-хатарлардан суғурта қилиш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида суғуртанинг янги шакллари вужудга келди ва келмоқда. Буларга мисол қилиб масъулият суғуртаси, кредит хатари суғуртаси, тадбиркорлик суғуртаси, тижорат хатари суғуртаси, янги техника ва технология суғуртаси, биржа ва валюта хатари суғуртаси ҳамда бошқаларни кўриш мумкин.

Масъулият суғуртасида суғурта объекти учинчи (жисмоний ва юридик) шахс олдидаги масъулият бўлади. Бу суғурта мол-мулк ёки шахсий суғуртадан шуниси билан фарқ қиладики, бу суғурта турларида аниқ мол-мулк ёки инсон ҳаёти, соғлиғи суғурта қилинса, масъулият суғуртасида ҳар бир аниқ суғурта ҳодисаси натижасида зиён-заҳмат кўрувчиларнинг иқтисодий манфаати ҳимоя қилинади. Бу ерда учинчи, яъни манфаати ҳимоя этилувчи шахс ноаниқ, у фақат суғурта ҳодисаси рўй бергандагина аниқланади ҳамда суғурта товонининг миқдори аниқланади.

Масъулият суғуртаси транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик масъулияти, хўжалик ва профессионал фаолият жараёнида, кредит хатари рўй бериши мумкин бўлган зиён-заҳматлар юзасидан масъулият ва бошқаларни ўз ичига олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик суғуртаси борган сари кенг ёйилиб боради. Суғурта компаниялари ёки фирмалари ишбилармонлар фаолиятини ҳам суғурталайдилар. Бунда фойдани кам олиш, умуман фойда кўрмай зарар кўриш, битимларни амалга ошмай қолиши, келадиган пулнинг вақтида тушмаслиги, савдо-сотикнинг узилиб қолиши, янги техника ва технология, биржа ва валюта таваккалчилиги ва ҳоказолар суғурта қилинади. Бу суғурталар бизнес фаолиятида юз бериши мумкин бўлган турли хавф-хатар, зиёнлардан маълум даражада кафолатлагани учун унинг ривожланишига ёрдам беради.

Суғурта хизматлари ҳам товар бўлади. Суғурта бозори молия бозорининг бир қисмини ташкил этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, молия ресурсларини қайта тақсимлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда суғурта бозори алоҳида ўрин тутади.

Суғурта бозорининг товари ўзига хос бўлиб, у суғурта ҳимоясидир. У мамлакат ривожига барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Суғурта ташкилотларининг фаолияти бошқа турдаги хўжалик субъектлари фаолиятидан фарқ қилади. Улар ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашда ва суғурта ҳодисалари рўй берганда етказилган зарарни қоплаш учун хизмат қиладилар. Бу суғуртачилар зиммасига алоҳида масъулиятлар юклайди. Шунинг учун давлат томонидан назорат қилиниши зарур.

Хорижий мамлакатларда суғурта бозори давлат томонидан

тартибга солиниб борилади. Буюк Британияда суғурта ишини савдо ва саноат департаменти, Японияда Молия вазирлигининг суғурта бўлими, АҚШда эса махсус суғурта комиссариатлари назорат қилади. Давлат бундай назорат ишини олиб борар экан, аввало мамлакатнинг суғурта соҳасига тааллуқли қонунларга ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланади. Республикамизда барча суғурта муносабатлари 1993 йили қабул қилинган. “Суғурта тўғрисида”ги махсус қонун ва бошқа қонуний ҳужжатлар асосида тартибга солинади. 2002 йил апрелда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун бу соҳада олдинга ташланган қадам бўлди.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда суғурта компаниялари иқтисодиётда муҳим ўрин тутати. Улар ўз асосий вазифаларидан ташқари, суғурта маблағларини жамлаб, илғор техника-технологияни жорий қилиш, йирик иншоотлар қуриш каби кўп сармоя талаб этадиган дастурларни маблағ билан таъминлашда, ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, иш билан бандлик даражасини ошириш, инфляцияни пасайтиришда кенг кўламда қатнашадилар. Бунинг учун имконият мавжуд: 1. Суғурта қилинганлардан олинadиган кичик миқдордаги тарқоқ бадаллар йиғилиб, мутгасил ортиб борадиган катта суғурта фондига айланади. 2. Суғурта тўловлари тушган пайт билан суғурта товонини тўлаш ўртасида узоқ вақт ўтиши туфайли эркин ресурслар вужудга келади. 3. Макро-иқтисодий даражадаги инвестиция фаолияти орқали даромад топади. Натижада улар гоё катта молиявий қудратга эга бўладилар. Суғурта қилувчи суғурта пулини тўплаб катта капитал ҳосил қилади. Ҳосил қилинган суғурта фонди маблағларини суғурталовчи суғурта қилувчиларнинг зарарларини қоплаш ва суғурта ишини ташкил этиш учун қилинган ўз харажатларини молиялаштирадилар. Ундан ташқари суғурта компаниялари, фирмалари бозор шароитида суғурта фонди маблағлари ҳисобига фойда олиш мақсадида инвестиция қилиш билан ҳам шуғулланадилар. Суғурта фондларида тўпланган капиталнинг бир қисмини ишлаб чиқариш, тижорат ва бошқа мақсадларга йўналтирилиши иқтисодиётда ўзига хос аҳамиятга эга.

Республикамизда “Мадад”, “Кафолат”, “Ўзагросуғурта”, “Ўзбекинвест” ва бошқа компаниялар муваффақиятли иш юритмоқдалар. ]

#### 4-§. МОЛИЯ БОЗОРИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ШАКЛЛАНИШИ

Маълумки, бирон фаолиятни амалга ошириш учун ресурслар, энг аввало молиявий ресурслар талаб этилади.

Молиявий ресурсларни ташкил этиш ва ишлатиш борасида бозор иқтисодиёти катта имкониятларга ва афзалликларга эгаки, уни реализация қилиш иқтисодий тараққиётнинг ўсиш суръатларини тезлаштиришга, қутилган мақсадни кўнгилдагидек амалга оширишга олиб келади.

Барқарор иқтисодий тараққиётга эришиш учун молия маблағларининг эркин ҳаракати талаб этилади.

Бу зарурият молия бозори орқали амалга оширилади.

Ҳозирги бозор иқтисодиётида молия бозори алоҳида, муҳим ўрин тутади.

Молия бозори миллий ва халқаро ҳўжалик доирасида пул маблағлари эркин ҳаракатининг махсус шаклидир.

**Молия бозори** — бу аввало пул фондлари ва пул ресурсларини ташкил этиш, улардан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган муносабатлардир. Бу муносабатлар мамлакатда молиявий ресурсларни вақтинча ишлатиш, сотиш ва сотиб олишни ҳам ўз ичига олади. Иккинчидан молия бозори деганда ана шу пул ресурслари сотиладиган ва сотиб олинadиган жой (фонд биржалари, аукцион, банк ва бошқалар) ҳамда харидор ва сотувчиларнинг олди-соттини амалга ошириш жараёнида ўзларини тутиш қонун-қоидалари, тартиботлари тушунилади. Молия бозори ўз навбатида бошқа бозорларни ривожланишига хизмат қилади. Молия бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклиф юзга чиқади. Бу бозорда пул ва пулга тенглаштирилган қимматбаҳо қоғозлар олди-соттиси амалга ошади. Молия бозори ўз ичига: а) пул-кредит бозори; б) валюта-пул бозори; в) капитал бозори ёки инвестиция бозори; г) қимматбаҳо қоғозлар бозори, д) сугурта бозорини олади.

**Пул** — кредит бозорида “бугунги” пуллар “эртагалик” пулларга алмаштирилади, яъни сотиб олинади ва сотилади, бошқача айтганда қарзга, кредитга олинади ва берилади. Бу кредитга олиш-бериш муддати нисбатан қисқа вақтга мўлжалланган.

Умуман олганда молия бозорининг объектив зарурлиги корхона, фирма, ҳўжаликларнинг ўз ресурсларини етишмаслиги, молиявий ресурсларнинг тақчиллигидан келиб чиқади. Иқтисодиётни ривожлантириш, структуравий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ўсиш суръати ва кўламига фаол таъсир этиш учун узоқ муддатга мўлжалланган ва муттасил маблағлар қўйиш, яъни инвестиция қилиш талаб этилади.

Иқтисодий ўсиш даражаси юқори бўлган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, бир йилда 6% дан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун миллий жамғармалар ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ни камида 25% ини, инвестициялар эса 30% ини ташкил этиши керак экан.

Бундан ташқари бу сиёсатни изчиллик билан узоқ вақт олиб борилиши (ўн йиллар давомида) зарур экан. Масалан, Хитойда миллий жамғармаларнинг ўсиш суръати 1978—1994 йилларда ЯИМнинг 36% ини ташкил этиб, ўртача йиллик иқтисодий ўсиш деярли 10% бўлди. Бу жиҳатдан Хитой Японияни ҳам қувиб ўтди. Ботсвана иқтисодий ўсиш бўйича 9% кўрсаткичга эришиш учун жамғармалар даражасини 26 фоизга етказди. Кўри-ниб турибдики, катта мақсадларни амалга ошириш учун катта капитал маблағлар керак. Бу талабни амалга ошириш, зарур пул ресурсларини тўплашга инвестиция бозори хизмат қилади. Ссуда капитали ва инвестиция маблағи тамомила сотилмайди. Улар фойдаланиб туриш учун берилади. Эгаси бунинг учун қарз ҳақи (фоиз) олади. Бу фоиз даражаси эса ана шу маблағларга бўлган талаб билан таклифнинг нисбати асосида белгиланади. Бу бозорда одатда сотувчи сифатида банклар, харидорлар, аҳоли, фирма, хўжалик, давлат қатнашади.

Бундан ташқари бозорда бир мамлакатнинг валютасини бошқа мамлакат валютасига алмаштириш амалга оширилади. (XXV боб).

Молия бозорининг асосий қисмини **қимматбаҳо қоғозлар бозори** ташкил этади.

Қимматли қоғозлар бозорига: фонд бозорлари (корпоратив қимматли қоғозлари бозори) банк қимматли қоғозлари бозори (банк акциялари, депозит ва жамғарма сертификатлари, банк векселлари) ва давлат қисқа муддатли облигациялари бозори киради.

Молия бозорининг агентлари, қатнашчилари сифатида банклар, фонд биржалари, қимматбаҳо қоғозлар ва валюта сотувчи ва сотиб олувчи пунктлар киради. Улар ёрдамида молия бозори ўзининг асосий вазифасини бажаради.

Молия бозорининг асосий вазифаси зарур пул ресурсларини ташкил этиш. Қимматбаҳо қоғозлар бозори эса жамғармаларни тезроқ инвестицияларга айлантиришга хизмат қилади.

Қарз пулининг ўзи икки мақсадда ишлатилиши мумкин:

а) даромад топиш учун ишлатилса, у капитал шаклига киради;

б) шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилса, у оддий тўлов харид воситаси шаклига киради, ундан фарқли равишда қимматли қоғозлар фақат бир мақсадда даромад олиш учун олди-сотти қилинади.

Қимматбаҳо қоғозлар қарзга бериладиган пул бозори ссуда кредитдан яна шуниси билан фарқ қиладики, унда кредитга

олинган маблағ маълум муддат ўтгач қайтарилса, қимматли қоғозлар бозорида қайтарилмайди. Уни сотиб олган иқтисодий субъект ҳосил қилинган капитал ва даромадга ўз улуши доирасида шерик бўлади.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида қимматли қоғозлар бозори беқиёс даражада муҳим ўрин тутати. Бунда банк капитали билан саноат капитали қўшилиб, чирмашиб, молия капитали ҳосил қилади.

У даромад келтирувчи қимматли қоғозлар — акция, облигация, вексел, чек, депозит, сертификат ва бошқаларнинг олди-сотти қилиниши тарзида юзага келади.

Қимматли қоғозлар эмиссияси аниқ инвестиция проектлари ёки бирон фаолиятни кенгайтириш учун молия ресурсларини жалб қилиш мақсадида амалга оширилади.

Асосий қимматли қоғозларнинг энг кўп тарқалган тури акциялар ҳисобланади.

Маълумки акциялар дастлаб XVII асрнинг бошларида Голландияда, Англияда, сўнг Европадаги бошқа мамлакатларда пайдо бўлган.

*Акция — ҳиссадорлик жамияти сармоясига қўшилган улушга гувоҳлик қилувчи, унинг эгасига улушга мувофиқ соф фойданинг бир қисмини олиш ва шу акциядорлик жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берадиган қимматбаҳо қоғоз ҳисобланади.*

Акция ўзига хос амалатларга эга.

У амал қилиш муддати кўрсатилмаган қоғоз бўлиб, у акцияни чиқарган ҳиссадорлик жамиятининг фаолияти давомида ҳаракатда бўлаверади. Сотиб олинган акция ана шу акциянинг чиқарган ҳиссадорлик жамияти томонидан сотиб олиниши мумкин эмас. Фақат жамият низомида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Агар ҳиссадорлик жамияти тугатиладиган бўлса, акция эгаси шу жамият мулкини тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Акциядан олинадиган даромад “дивиденд” деб номланади.

Бошқа ҳамма қимматли қоғозлар — облигациялар, хазина мажбуриятлари, васиқаларнинг депозит сертификатлари амалда кредит қуроли бўлиб, кредит муносабатларини мувофиқлаштиради. Акция эгаси эса компания ҳиссадорлари умумий мажлисида муайян қарор учун овоз бериш йўли билан ҳиссадорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Акцияда кўрсатилган пул суммаси акциянинг номинал қиймати ҳисобланади. Акциялар иккиламчи бозорда сотилганда мусбат лаж (номинал ва курс баҳоси ўртасидаги фарқ) тахмин тутилган инвесторга компаниянинг ишлари, аҳволи ҳақида баъзи хулосалар чиқариш имконини беради.

Турли мамлакатларда акцияларнинг минимал даражадаги номинал қиймати турлича белгиланади.



Германияда қиймати 50 маркали акциялар муомалада бўлиши мумкин. Францияда эса номинал қиймати 100 франк, Японияда 100 иена, АҚШ да 1 доллар, Англияда 1 фунт стерлинг, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига кўра акцияларнинг номинал қиймати 100 сўм қилиб белгиланган.

Бозорда сотиладиган акциялар баҳоси акция курси (қадри) деб аталади.

Акция курси энг аввало икки омил — дивиденд миқдори ва фоиз даражасига боғлиқ. Дивиденд қанча кўп бўлса, акция курси шунча юқори бўлади. Шу билан бирга акция сотиб олмоқчи бўлган кишининг олдида муқобил вариант мавжуд. Сабаби:

а) у ўз пулини банкка қўйиб, нисбатан барқарор депозит проценти олиши мумкин;

б) акция сотиб олиб, депозит процентига нисбатан катта суммада дивиденд олиши мумкин. *Масалан*, “Дженерал Моторс” корпорацияси акциялари курси унинг номинал қийматидан 80-йилларда 23 марта юқори бўлган. Шундай қилиб пул эгаси, ўз маблағини банкка қўйиб олган процентини, акция сотиб олиб оладиган дивидендига таққослайди. Шунинг учун ҳам акция курси куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Акция курси} = \frac{\text{дивиденд} \cdot 100\%}{\text{Банк фоизи}}$$

Номинал қиймати бўйича 300 доллардан чиқарилган акция 40 доллардан дивиденд олиб келади, дейлик. Депозит проценти ставкаси 5% бўлсин. У ҳолда акция курси  $= 40/5 \cdot 100 = 800$  доллар бўлади. Шу миқдордаги пул банкка қўйилса, 5% дан 40 доллар дивидендга тенг даромад олиб келади.

Акция курсига бозор қонунига мувофиқ равишда албатта талаб ва таклиф нисбати таъсир этади. У эса ўз навбатида куйидаги қатор омиллардан келиб чиқиб шаклланади.

*Акция курсига таъсир этувчи омиллар.*

1. Иқтисодий омиллар:

а) ишлаб чиқариш омиллари (корхона баланси, корхона кувватларидан фойдаланиш даражаси, маҳсулотларни сотиш имкони, менежменти);

б) бозорга хос омиллар (бозор конъюнктураси, нархни ўзгариши, (хом ашё нархи, валюта курси, тўлов қобилияти, ташқи савдо ва бошқалар).

2. Руҳий омиллар (инвесторлар кайфияти, қўйган мақсади ва бошқалар).

3. Сиёсий омиллар (давлатнинг ҳўжалик, солиқ, социал ва ҳоказо сиёсати, инвестор ҳақида маълумотга эга бўлиш).

Акция нархи доимо ўзининг метёрий миқдори атрофида талаб ва таклифнинг ўзгаришига қараб гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб туради. Иқтисодиёт таназулга юз тугса дивиденд камайиб,

акция курси тезда пасайиб кетади ёки аксинча, иқтисодий кўтаринкилик юз берса дивиденд кўпайиб, акция курси кўтарилади. Ана шундай тарзда курснинг ўзгаришига қараб иқтисодиётнинг “соғлом”лиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Албатта, бунда акция курсига, инфляция даражаси ҳам таъсир этади.

Дивиденд шаклида корпорация фойдасининг маълум бир қисми тақсимланади. Унинг асосий қисми резерв капиталини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кетади. Ундан ташқари корпорациянинг раҳбарлари; бошқарувчиларга юқори мансаб маошлари ва алоҳида мукофоти (тантем) тўлашга ажратилади. Давлатга солиқ тўланади. Реклама ва бошқа мақсадларда ишлатилади. *Масалан*, Америка корпорацияларининг (солиқларни тўлаганларидан сўнг) фойдаси 1983 йили 225 млрд. долларни ташкил этган. Улардан 76 млрд. доллари солиқлар тарзида, 73 млрд. доллари дивиденд сифатида тўланган. Бунда ўртача фойда нормаси (фойданинг харажатларга нисбати) 70—80-йилларда 8% атрофида бўлган. Ҳозирги пайтда ҳам катта ўзгариш бўлгани йўқ.

Акциялар оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

Оддий акциялар ҳиссадорларнинг умумий мажлисида овоз бериш ҳуқуқини рўёбга чиқаради, акциялардан олинadиган дивиденд ҳажми ҳиссадорлик жамиятининг бир йил давомидаги ишига боғлиқ, бошқа бирон-бир меъёр билан кафолатланмайди. Бундай акцияларнинг эгалари бошқа қимматли қоғозлар соҳибларига нисбатан ўз зиммаларига кўпроқ масъулият олганликлари туфайли дивидендлар юқорироқ қилиб белгиланади.

Имтиёзли акциялар эгасига овоз бериш ҳуқуқини бермайди. Лекин уларнинг эгасига ҳиссадорлик жамиятининг фаолияти қандай бўлишидан қатъи назар белгиланган миқдорда кафолатланган даромад олиш ва ҳиссадорлик жамияти тугатилгандан сўнг акция пулини олиш ҳуқуқини беради. Имтиёзли акцияларнинг умумий номинал қиймати компания сармоясининг 10% дан ошмаслиги керак.

Бундан ташқари, акциялар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Очиқ турдаги жамият акциялари. Бундай акция бошқа ҳиссадорларнинг розилигисиз қўлдан-қўлга ўтиши мумкин.

2. Ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг акциялари, одатда мазкур меҳнат жамоаси аъзолари ўртасида тарқатилади. Бундай акциялар жамият аъзоларининг қарори билангина бошқа шахсларга, қўлдан-қўлга ўтиши мумкин.

3. Номи ёзилган ва уни кўрсатган кишига мансублигини билдирувчи акциялар.

Акциялардан ташқари, асосий қимматбаҳо қоғозлар жумласига облигациялар киради. Облигация — қарз мажбурияти бўлиб, унинг эгасига облигация ёзилган қийматига фоиз тарзида йилига даромад тўланади. Бу даромад ютуқлар тиражи

шаклида ўтказилиб, унинг асосида ютуқ тарзида ҳам тўланиши мумкин.

Молия бозорида акция ва облигациялардан ташқари, бошқа қимматбаҳо қоғозлар ҳам олди-сотти қилинади.

Қимматбаҳо қоғозлар вужудга келиши билан капиталнинг иккиланиши рўй беради. Бир томонда реал капитал (асосий фондлар) шаклида бўлса, иккинчи томонда унинг инъикоси сифатида қимматбаҳо қоғозларда ифодаланadi.

Қимматбаҳо қоғозларнинг вужудга келиши, энг аввало жамиятда фаннинг тараққийети унинг асосида техникавий ихтиролар қилиниши билан чамбарчас боғлиқ.

Ихтиро қилинган янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ҳаётга татбиқ этиш ниҳоятда катта маблағлар талаб этган. Айрим кишиларнинг маблағи етмаган, етадигани ҳам натижаси ноаниқ бўлган фаолиятига ўз маблағини қўйишга чўчиган. Инсоният бу муаммони қимматбаҳо қоғозлар чиқариш йўли билан ҳал этган. Қимматли қоғозлар чиқариб, уни сотиш орқали катта капитал тўпланган.

Қимматбаҳо қоғозлар реал капиталнинг инъикоси бўлгани ҳолда ундан қатор хусусиятлари билан ажралиб туради, фарқ қилади:


1. Қимматли қоғозлар ҳақиқий активлардан ажралиб, бозорларда мустақил ҳаракат қилишга тушади. Уни назарий жиҳатдан бундай изоҳлаш мумкин:

а) ссуда муносабати туфайли пул капиталда мужассамлашган капитал — мулк билан капитал — функция (тадбиркор қўлида ишлатилаётган) бир-биридан ажралади;

б) қимматбаҳо қоғозга қўйилган капиталга эгаликни сақлайди, шу билан бирга бу капитал фоиз ёки дивиденд ҳисоби-га кўпаяди;

в) қимматбаҳо қоғознинг бозори нархи ўзгариши билан, ҳақиқий актив қиймат ўртасида кескин фарқ бўлиши мумкин. Яъни фирма, корпорацияларнинг ишлаб чиқариш фондларига нисбатан бир неча марта кўп ёки кам бўлиши, ҳатто нолга тушиши мумкин.

Шунинг учун қимматбаҳо қоғозларда ифодаланган капиталга фиктив (лотинча  *fictio* — уйдирма, ҳаёлий нарса) капитал ибораси қўлланилади.



Йирик инвесторлар акционерлик жамияти ташкил этиб катта миқдорда таъсис фойдаси оладилар. Бу таъсис фойдаси — фиктив капитал билан реал капитал ўртасида фарқ тарзида вужудга келади. Корпорация ташкил этганлар акцияларни бозор курси бўйича сотадилар. Тўпланган маблағдан ишлаб чиқаришга солинган ҳақиқий капитал фарқ қилади.

Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин. Айтайлик, 100 минг марка сарфлаб корхона ишга туширилди. Корхонани ташкил этиш жараёнида 1000 дона 100 маркадан акция чиқарилди. Акцияга олинadиган дивиденд 10 марка, банк фоиз ставкаси 4% бўлсин. У ҳолда акция курси  $10:4 \cdot 100 = 250$  марка бўлади. Акциялар сотиб олинган тушум 250000 марка. Таъсис фойдаси  $250000 - 100000 = 150000$  маркани ташкил этади.

Қимматбаҳо қоғозлар бозори амалда фонд биржалари, аукционлар, банклар, брокерлар конторалари ва бошқаларни ўз ичига олади. Қимматли қоғозлар бозори миллий ва жаҳон бозоридан иборат.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорида қуйидаги субъектлар қатнашади:

а) **эмитентлар** — қимматбаҳо қоғозларни эмиссия қилувчи ва улар юзасидан жавобгар юридик шахслар;

б) **инвесторлар** — ўз номидан ва ҳисобидан қимматбаҳо қоғозларни сотиб олувчи юридик ва жисмоний шахслар.

в) **инвестицион институтлар** — инвестиция компаниялардаги молиявий воситачилар сифатида фаолият юритувчи юридик шахслар.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорида асосий ўринни фонд биржалари олади. Бу бозор бир неча асрлар бурун вужудга келган. 1592 йили Антверпенда биринчи марта маҳаллий биржада сотилган қимматбаҳо қоғозлар баҳоси рўйхати эълон қилинди. Шундан бошлаб фонд биржаси ташкил этилган ҳисобланади. Узоқ йиллар давомида биржалар такомиллашиб, ривожланиб ҳозирги даражага етди.

Фонд биржалари, хўжалик, тармоқлар, умуман мамлакатда ишбилармонлик фаоллигининг барометри сифатида хизмат қилади. Бундай мақсадга ишбилармонлик фонд индекслари хизмат қилади. Фонд индекслари жаҳоннинг энг йирик фонд биржаларида айланадиган қимматбаҳо қоғозлар умумий ҳолатига акция курсларини ўзгаришига қараб баҳо беради. Энг кенг тарқалган, машхур Доу-Джонс индексидир. У 1897 йили АҚШлик Ч. Доу ва Э. Джонс томонидан ишлаб чиқилган. Бу индекс саноат ва транспорт бўйича Нью-Йорк биржасида айланадиган акциялар асосида ҳисобланади.

У 1989 йилдан коммунал корхоналари акциялари бўйича ҳам ҳисобланадиган бўлди. Ҳозирги пайтда Доу-Джонс индекси 30 та саноат компаниялари, 20 та транспорт, 15 та коммунал

корхоналари ҳамда 65 та компаниялар бўйича умумий индекс ҳисобланади.

Буюк Британияда энг машҳур индекс “Файн энгил таймс” ва Лондон фонд биржалари индекси (LIFFE) — Financial Nimea-Stack Exchahge index қисқача FT-SE 100 етакчи Британия компанияларининг акциялари асосида ҳисобланади. Ундан ташқари, жаҳон индекси FT — Aworld index 24 мамлакатнинг 2212 акцияси асосида ҳисобланади. Японияда 225 компания акциялари асосида Нккей индекси ҳисобланади. Сянганда 33 компания акциялари асосида “Хэнг Сэнг” индекси ҳисобланади. Фонд индекслари қимматли қоғозлар бозоридаги умумий вазиятни кўрсатибгина қолмай, ундан келажак башорати сифатида ҳам фойдаланилади.

Биржа хусусий тадбиркорлик шаклидаги акционерлик жамияти ёки давлат томонидан ташкил этилган бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда у акционерлар мулки бўлса, иккинчидан давлатники бўлади. Унинг фаолияти Уставига асосланади. Унда биржани ташкил этиш, биржа органлари функция қилиши, унинг фаолият кўрсатиши тартибларини белгилайди.

Қимматли қоғозлар бозори бирламчи ва иккиламчи бозорга бўлинади.

Бирламчи бозорда қимматли қоғозлар (ҚҚ)ни таъсис этиб, сотиш кўзда тутилади. Акция ва облигацияларни бирламчи бозорда сотилиши туфайли эмитент унга зарур бўлган молиявий ресурсларга эга бўлади. Қоғозлар дастлабки харидор қўлига ўтади. Бирламчи бозорда инвестордан сотиб олинган ҚҚ ўз навбатида яна сотилиши мумкин. У иккиламчи бозорда сотилади. Кейинги сотилганда эмитент учун янги маблағлар жалб қилинмайди, балки кейинги инвесторлар ўртасида ресурсларни қайта тақсимлашни амалга оширади. Тўлақонли иккиламчи бозорсиз бирламчи бозорни самарали фаолиятига эришишни таъминлаш қийин. У ҚҚ ни тезда сотиш механизми имконини яратиб, харидорлар диққатини тортади ҳамда ишлаб чиқаришга янги маблағлар жалб этиш имконини беради. Агар иккиламчи бозор ташкил этилмаса, қимматли қоғозларни қайтадан олди-соттиси қийин бўлса ёки мумкин бўлмаса, бу инвесторларни қизиқишини сўндиради ҳамда ҚҚни сотиб олишдан қайтаради. Натижада жамият ютқазади. Сабаби янги ютуқлар асосида жиҳозланган корхоналар қуриш, янгиликка интилиш илмий-техникавий ғоялар, ишланмалар яратишга интилиш зарур молиявий қўллаб-қувватлашдан маҳрум бўлади.

Молия бозоридаги операциялар махсус воситачилар: маклер, брокер, дилерлар орқали амалга оширилади.

**Маклер**, битимлар тузиш имконияти бўйича партнёр (шерик)ларни учраштиради, лекин ўзи битим тузмайди. Сотувчидан ва харидордан ҳам ўз хизмати учун ҳақ олади.

**Брокер** (шахс ёки фирма) — алоҳида қимматли қоғозлар бўйича тор доирадаги мутахассис. У томонлар келишуви асосида битим тузишга имконият яратади. Бундан ташқари, уларнинг топшириғига мувофиқ бу операцияларни ўзи бажариши мумкин. Томонларнинг келишувига мувофиқ маълум миқдорда коммисион ҳақи олади.

**Дилер** — ўз ҳисобига ва ўз номига қимматбаҳо қоғозларни сотиб олади, кейин уни сотади. Бунда сотишдан келган тушум билан, олишга сарфланган харажат ўртасидаги фарқ унинг фойдаси бўлади.

Биржадаги операцияларнинг асосини фючерс битимлари ташкил этади. Бу битимлар унинг муддати тугагандан сўнг юзага келадиган “фарқ”қа қаратилган. Битимда кўрсатилган муддат тугагач, контрагентлардан бири битим тузаётган пайтдаги курс билан шу муддат тамом бўлган пайтдаги курс ўртасидаги фарқни тўлайди. *Масалан*, айтилик 1 апрелда битим тузилганда сотувчи 30 апрелга акцияларни 100 доллардан сотиш юзасидан битим тузсин, дейлик. Бунда акциялар кўтарилиб 120 доллар бўлсин. У ҳолда харидор ютади. У акцияни 100 доллардан сотиб олиб, битимга кўра 120 дан сотиши мумкин. Агарда акция курси 80 га тушса сотувчи ютади. У акцияни шу пайтда 80 доллар бўлгани ҳолда уни 100 доллардан сотади. Акция чайқови билан шуғулланувчилар икки гуруҳга бўлинади: биржада акция курсини тушириб фойда олишга интилувчи — “айиқлар”. Улар радио, телевидение, матбуот орқали ликвидация муддатига акция курсини туширишга ҳаракат қиладилар.

Бунда турли йўллар билан акцияга бўлган таклифларни кўпайтиришга ҳаракат қиладилар. Шу асосида акция курсидаги фарқ бўйича фойда оладилар.

Иккинчи гуруҳ “буқалар” — акция курсини кўтарилиши асосида фойда олувчилар. Улар аксинча турли услублар билан талабни таклифга нисбатан кўтаришга ҳаракат қиладилар. Улар ҳам курс фарқи асосида фойда олишни кўзлашади.

Қимматли қоғозлар бозори тўлақонли бўлиши учун албатта чайқовчиликка ўрин қолиши керак.

Чайқовчилик юзаки қараганда осонгина бойиш йўли. Лекин у молия бозорида ўзига хос вазифани бажаради:

1. Қимматли қоғозлар билан чайқовчилик потенциал харидорларни уларга қизиқишини кучайтиради. Харидорларнинг бўш пул маблағларини жалб этади.

2. Чайқовчилик қимматли қоғозларни ликвидлигини таъминлайди ва сақлайди, бу ўз навбатида инвесторларни ўзига жалб этади.

3. Қимматли қоғозлар курсини барқарорлаштиришга таъсир этади. Яъни кўпчилик олаётганда сотади, сотаётганда олади. Қоғозлар курсининг қаттиқ ўзгариши кўпроқ чайқовчилик опе-

рацияларига хос. Шу билан бирга шуни қайд этиш керакки, мамлакат иқтисодиёти учун у катта зарар етказиши мумкин. Шунинг учун махсус комитетлар ва биржалар ташкил этилиб, давлат томонидан таъсир кўрсатилади.

XIX асрдан кенг тарқалган “ёввойи биржа” тамомила эркин, ҳеч қандай четдан чекларсиз амал қилган.

Бу ўз вақтида биржа чайқовчилигини ниҳоятда авж олишига олиб келди. Қимматбаҳо қоғозлар курси тўхтовсиз кўтарилиди.

Борган сари ўсиб борувчи қимматли қоғоз харидорларининг кўпи ўз пулларигагина эмас, балки тижорат банклари ва махсус банклар кредитлари эвазига ҳам акция сотиб олишни борган сари кўпайтиришди. Натижада акция курси номинал қийматидан фарқ қила бошлади ва борган сари пасая бошлади. Қарз берувчилар ўз пулларини талаб қилишни бошлагач, умуман тушиб кетди. Чайқовчилар зарур маблағни йиғиш мақсадида акцияларни сота бошладилар. Бу ўз навбатида акция курсини яна тушириб юборди. 1929 йили 24 октябрда Нью-Йорк биржасини қимматбаҳо қоғозларнинг мисли кўрилмаган оқими тўлдириб юбориши мамлакатни ларзага солди. Оломон биржани ўраб олиб ҳужумга ўтди. “Мол аччиғи — жон аччиғи” деганларидек, ўз маблағидан ажралган кишиларни полиция ҳам тўхтата олмади. Кейинчалик, биржадаги шу ҳолатнинг гувоҳлари уни биржада юз берган қиёмат-қойим деб аташганди.

1933 йилдан бошлаб қимматли қоғозлар бозорида туб ўзгаришлар юз берди. Давлат молия бозорини тартибга солишни, унга таъсир ўтказишни бошлади. Давлат қимматли қоғозлар бозорига қуйидаги йўналишлар бўйича таъсир этади:

I. Қонун чиқарувчи маъмурий орган сифатида қатнашиб:

- акционер жамиятлар ташкил этиш тартиби;
- қимматбаҳо қоғозлар эмиссия қилиш тартиби;
- биржа фаолияти ва алоҳида битимларга рухсат бериш ёки тақиқлаш орқали тартибга солади.

II. Бозорда иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида қатнашади. Молия ресурсларини жалб қилиш мақсадида давлат қимматбаҳо қоғозлари, облигация хазина — векселлари (қисқа муддатли облигация — 90 кунлик)ни муомалага ташлайди.

III. Молия бозорига Марказий банк кредит-пул сиёсати орқали таъсир этади. Фонд бозори ҳолати пул муомаласини тартибга солиш билан чамбарчас боғлиқ. У кредитни чеклаш ёки пул резервларини муомалага солиш тарзида амалга оширилади.

Майда ва ўрта инвесторларни қўйган маблағларидан ажраб қолиш хавфсизлиги кафолати учун давлат суғуртаси жорий этилади.

Иккинчи томондан, ўз пулига акция сотиб олган киши

маълум миқдорда ўз пулини йўқотиш, ажраб қолиш хавфидан холи эмас.

Мутахассислар бунинг учун қуйидагича маслаҳат берадилар:

1. Акция олиш учун яқин орада зарур бўлмайдиган жамғармани ишлатиш керак. Бу унга маъқул бўлган пайтда сотиш имконини беради. Агар шу фурсатда зарур бўладиган маблағ эвазига сотиб олинса, у фойда эмас зарар келтириши мумкин.

2. Инвестор, аввало корхоналарни диққат билан ўрганиб, унинг молиявий аҳволи, даромадлари ўсишига қараб танлагани маъқул.

3. Маблағдан ажраб қолиш хавфини камайтириш мақсадида бир неча тармоққа қарашли ҳар хил акция харид этилгани маъқул.

4. Акция сотиб олиш ва сотиш учун энг маъқул фурсатни топиш керак. Бундай фурсатни бой бермаслик учун акцияни олаётганда унинг арзон бўлишини, сотаётганда абсолют даражада қиммат бўлишини кутмаган маъқул. Муҳими ҳар бир акциядан реал курс фарқини олиш.

5. Биржада қутилмаган ҳодисалар содир бўлиши туфайли мутахассислардан ахборот олган маъқул. Ўз фирмаларини манфаатини кўзлаб “ишончли” фойда келтирадиган “эксперт”лардан эмас. Бунда нисбатан кредит ташкилотлари маслаҳатчилари холис йўл-йўриқ кўрсатишади.

Лекин мўъжиза кутмаслик керак. Ҳозиргача ишончли биржа курсини аввалдан аниқлашни амалга ошириб бўлмаган.

МДҲ республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг шаклланиши ўзига хос хусусиятларга эга.

1. Қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиёти талабларига хос равишда 90-йиллардан сўнг шакллана бошлади. Қимматли қоғозлар бозори бизнинг иқтисодиётимизда нисбатан янги тармоқ ҳисобланади.

2. Давлат мулк монополиясини синдириб, давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида бозорга ниҳоятда катта миқдорда қимматли қоғозлар чиқарилмоқда.

Жаҳон миқёсида бундай ҳолат характерли эмас.

Одатда, ривожланган мамлакатларда хусусийлаштириш амалга оширилган экан, акционерлик жамиятларидан давлат назорат пакетларини сотиш назарда тутилади.

3. Тадбиркорнинг муваффақиятли ёки аксинча танг аҳволга тушиши, кўпинча акциялар сотиш суръатига боғлиқ бўлади. Жисмоний шахсларнинг инвестицияда қатнашишларини таъминлашнинг энг кўп тарқалган усули акциялар сотишдир.

Ҳамдўстлик мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда аҳоли ўз жамғармаларини ҳали қимматбаҳо қоғозларга қўйишга одатланмаганлар. Шунинг учун қимматбаҳо қоғозлардан аҳоли ди-



виденд олиб ўрганиши, тажрибага эга бўлиши керак. Бунинг учун эса маълум муддат талаб этилади.

Ўзбекистонда 1994 йил апрелида таъсис этилган фонд биржаси қимматбаҳо қоғозлар сотишни ташкил этишда муҳим рол ўйнай бошлади.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг ривожланишидан давлат манфаатдор, чунки улар эмиссия қилиш билан қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

— соф бозор механизмнинг нофискал асосидаги ички қарз беришларни амалга ошириш;

— хусусийлаштириш жараёнида ўзининг мулкый активларини капиталлаштириш;

— молия ресурсларини бир тармоқдан иккинчи тармоққа, яъни келажакда ривожланадиган тармоққа кўчиб ўтишини таъминлаш;

— нодавлат молиявий институтларининг ликвидлигини ошириш.

Айни шунинг учун ҳамма мамлакатларда қимматли қоғозлар бозорининг ривожлантирилишига алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

*Биринчидан*, давлат нафақат қонуний негиз яратилишининг, шу билан бирга қимматли қоғозлар бозори, институтлари ташкил этишнинг ҳам фаол ташаббускори бўлди. Давлат маблағлари ҳисобига қурилган Биржа марказининг кўркам биносида жойлашган республика “Тошкент” фонд биржаси, “Вақт” миллий депозитарийси Консаудитинформ агентлиги, қимматли қоғозлар бозорининг амал қилишни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бунинг далилидир.

*Иккинчидан*, Республика Президентининг ташаббусига кўра корпоратив қимматли қоғозлар бозори устувор йўналиш деб эътироф этилди ва давлатнинг қисқа муддатли облигациялари эмиссияси хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг муомаласи жиддий мустақамланганидан сўнг амалга оширилади.

*Учинчидан*, дунёдаги ҳеч бир мамлакатда қимматли қоғозлар муомаласидан дивидендлар ва уларнинг қиймати ўсишидан олиннадиган даромадлар ҳатто қисқа муддатга бўлса ҳам қўшилган қиймат солиқларидан озод қилинмаган. Ўзбекистонда эса шундай қилинди.

Президентимизнинг 1995 йил 7 сентабрдаги, “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида кўра қимматли қоғозлар муомаласидан дивидендлар ва уларнинг қиймати ўсишидан харид нархи билан сотиш нархи ўртасидаги фарқ сифатида олиннадиган даромадлар солиғидан озод қилинди (1998 йилгача).

*Тўртинчидан*, республикада ваучерлар, хусусийлаштириш

чеклари ва шу кабилар сифатидаги таъминланмаган давлат қимматли қоғозлари эмиссия қилинмади.

Хусусийлаштириш натижасида вужудга келган қимматли қоғозларнинг асосий тури — акциялардир. Улар корхоналарнинг Устав капитали сифатидаги капитал билан амалда таъминланган.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичида (1994—1995 йилларда) қарийб 12 минг кичик, ўрта ва йирик корхоналар хусусийлаштирилди. Уларнинг катта қисми очиқ турдаги акциядорлик компанияларига айлантилди. Акцияларнинг қандай тартибда тақсимланиши белгиланди: 25% акциялар давлат тасарруфида қолди, 25% га қадар корхона ходимларига, қолган акциялар эркин савдога чиқарилди. Бу акцияларни хорижий инвесторлар ҳам сотиб олишни бошладилар.

## 5-§. СОЛИҚЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Давлат молияси таркибида солиқлар муҳим ўрин тутади. У молия таркибида алоҳида бир тизимни ташкил этади. Марказлаштирилган пул маблағлари бюджет фондиди шакллантиришда солиқлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Республикамизда ҳам давлат бюджети даромадларининг 90 фоиздан ортиғи солиқлар ҳиссасига тўғри келади. Давлат солиқларсиз яшай олмайди. Буни қадим замонлардан билишган. Қадимдан турли-туман солиқ турларини ўйлаб топишган.

Солиқлар асрлар давомида ўзгариб, давлат сиёсати асосида шароитга мослашиб, такомиллашиб борган. Бозор тизимида солиқ механизми биринчи даражали аҳамият касб этади. Солиқлар бошқарувнинг турли даражаларида иқтисодий сиёсатни амалга оширишда асосий тартибга солувчи бўлиб майдонга чиқади.

*Солиқлар бу — корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар даромадларининг бир қисмини қонуний тартибда, белгиланган миқдор ва муддатларда, бюджет фондиди ташкил қилиш мақсадида давлат ихтиёрига олинадиган пул маблағларидир.*

Солиқлар турли тўловлар, йиғимлардан шуниси билан фарқ қиладики, у ноэквивалент тарзда ундирилади, яъни тўланган солиқ эвазига ҳеч нима олинмайди.

Солиқ тизимининг таркиби ва вазифалари солиқ сиёсати асосида белгиланади. “Солиқ сиёсатининг вазифаси — бир томондан, бюджет даромадларининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан — корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат”.

Солиқ ва солиқ тизими тушунчалари бир-бирига яқин, лекин ўзаро фарқ қилади. Солиқ тизими фақат солиқлар маж-

муасинигина эмас, балки солиқларнинг ички тузилиши, ҳисоблаш услублари ва бошқа ҳуқуқий йўналишларини ҳам ўз ичига олади.

Шундай қилиб, солиқ тизими тушунчасига биринчидан, солиқлар рўйхати, уларнинг гуруҳларга ажратилиши, иккинчидан, солиқ ҳуқуқи масалалари, учинчидан, солиқларни ундириш, солиқ ишларини бажариш тушунчалари киради.

Солиқ тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил топади:

### Солиқ тизими тузилиши принциплари

Умумийлик	Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ҳамма иқтисодий субъектлар даромадларидан солиқ тўлаши керак.
Барқарорлик	Маълум вақт мобайнида солиқ турлари ва солиқ ставкалари барқарор бўлиши керак.
Солиқ оғирлигининг тенглиги	Ҳамма ўхшаш солиқ тўловчилардан даромад ва фойдасидан олинadиган солиқнинг улуши, ставкаларининг тенглиги таъминланиши керак.
Шарт ва мажбурийлик	Солиқни қабул қилинган қонунлар асосида барча субъектлар тўлаши шарт. Субъект солиқни мустақил тарзда ҳисоблайди ва тўлайди.
Социал адолат	Ҳаммани деярли тенг шароитга қўядиган тарзда солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзлари белгиланади. Кам даромад оладиган корхона (фирма), аҳоли гуруҳларига солиқ шифатли тарзда белгиланади.

Солиқ муносабатларига хос бўлган хусусиятлар уларнинг функцияларида ифодаланади. Солиқлар бажарадиган функциялар иқтисодчилар томонидан турлича талқин этилади. Бир гуруҳ иқтисодчилар, солиқлар беш хил: қайта тақсимлаш, хазина, рағбатлантириш, назорат, ахборот бериш функцияларини бажаради, деган фикр тарафдори бўлсалар, иккинчи гуруҳ иқтисодчилар эса солиқлар икки функция: хазина ва иқтисодий функцияни бажаради деган нуқтаи назар тарафдоридирлар. Учинчи гуруҳ иқтисодчилари эса солиқлар уч хил функцияни бажаради: фискал — давлат бюджетига муқим пул тушириб туриш; хўжалик фаолиятини рағбатлантириш; аҳолини айрим тоифаларини социал ҳимоя қилиш.

Солиқлар функцияси неча хил бўлишидан қатъи назар, кўришиб турибдики, ҳамма нуқтаи назар тарафдорлари ҳам солиқ-

нинг моҳиятидан келиб чиқиб, у энг аввало қайта тақсимлаш функциясини бажаришини эътироф этишади. Бу функция орқали ҳамма иқтисодий субъектлар даромадларидан турли солиқлар олинади, бундан асосий мақсад давлат харажатларини қоплаш учун давлат бюджети ва бошқа хилма-хил фондларни шакллантириш учун замин яратиш. Иккинчиси, ишлаб чиқариш ва товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш. Солиқ тизими орқали давлат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга моддий, хомашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир.

Албатта, ундан ташқари солиқлар маълум даражада назорат, иқтисодий ахборот бериш, социал ҳимоя қилиш вазифаларини ҳам бажаради.

Солиқларни изоҳлашда унга турли нуқтаи назардан ёндошиш мумкин.

Солиқлар турли жиҳатларига кўра, қатор гуруҳларга бўлинади:

— солиққа тортиш характери, маҳсулот нархига қай тарзда қўшилишига кўра: бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) солиқлар;

— бошқариш, бюджет даромадларини ташкил этиш даражасига кўра: федерал, регионал, маҳаллий, муниципал солиқлар;

— солиққа тортиш субъектларига кўра: юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар;

— солиққа тортиш объектларига кўра: товар ва хизматларга, даромад, фойда, мол-мулк, ресурслар ва ҳоказоларга солинадиган солиқлар;

— солиқларни мақсадли ишлатилишига кўра: умумий ва махсус солиқлар;

— белгиланган солиқ ставкаларига кўра: пропорционал, прогрессив, регрессив, қатъий ўзгармайдиган солиқларга бўлинади.

Солиқлар доимо жамият аъзоларининг диққат марказида бўлиб келган, чунки у ҳар бир кишининг манфаатига тааллуқли бўлиб, иккинчи томондан, давлат бюджети даромадларининг асосий манбаидир.

Республикамизда ҳам давлат бюджети даромадларининг 90% дан ортиғини солиқлар ташкил қилади.

Солиқлар тури ва солиққа тортиш тартиби 1997 йилда қабул қилинган ва 1998 йилдан амалда қўлланилаётган “Солиқ кодекси” асосида олиб борилади.

Назарий жиҳатдан таҳлил қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган солиқлар: бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) солиқлардир.

Бевосита солиқлар, одатда юқори даромадга қараб, фақат

катта сумманигина эмас, балки даромаднинг каттагина қисмини ҳам ташкил қилади.

Улар иқтисодийнинг “автоматик стабилизатори” ролини ўйнайди. Даромадлар камайганда солиқ қонуни ўзгартирилмаган ҳолда автоматик тарзда солиқлар камаяди. Бевосита солиқлар таркибида даромадга (фойдага) солиқ, ресурсларга солиқ, мулкка солиқ муҳим рол ўйнайди.

Солиқ тизимида билвосита (эгри) солиқлар ҳам ўзига хос ўрин тутади. Билвосита солиқларни қўллашга сабаб, биринчидан, бевосита (тўғри) солиқларни ўзи бюджет даромадларини шакллантириш учун етарли эмас, иккинчидан, бевосита солиқларни қўпайиши харажатларни ҳаддан зиёд қўпайиб кетишига олиб келади.

Билвосита солиқлар бевосита солиқларга нисбатан кам сезиларли йўл билан, яъни товар ва хизмат нархига давлат томонидан белгиланган устама тарзида олинади. У харидорлар томонидан тўланиб, давлат бюджетига тушади.

Билвосита (эгри) солиқларга қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), акциз, бож тўлови киради. Улар бевосита солиқ тўловчининг даромади билан боғлиқ эмас. У иқтисодий фаолиятнинг пировард натижасидан қатъи назар тўланади. Солиқ объекти билан унинг манбаи мос келмайди. Шунинг учун уни билвосита солиқлар деб юритилади.

Одатда, бевосита солиқлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация босқичида татбиқ этилса, билвосита солиқлар кўпроқ тақсимот ва истеъмолни қамраб олади. Шунинг учун уларни истеъмол солиқлари деб ҳам юритилади. Бундан келиб чиқиб, бевосита солиқларни — даромадларга солиқлар деб қаралса, билвосита солиқларни — харажатларга солиқлар сифатида қараш мумкин.

Билвосита солиқлар даромадлар миқдори қандай бўлишидан қатъи назар ҳамма учун тенг, яъни даромади юқори оила ҳам, даромади кам оила ҳам бир хил нархда сотиб олади.

Билвосита солиқларнинг ҳиссаси АҚШда бевосита солиқларга нисбатан кам. Европа мамлакатларида, кўпроқ Россияда улар умумий солиқларнинг 51% ини ташкил этади. Ўзбекистонда 1995 йили 49,28%, кейинги йилларда 42—49% атрофида бўлган.

Ҳозирги пайтда билвосита солиқлар муҳим ўрин тутиб, маблағларнинг катта қисмини бюджетда тўplash, жамғармага йўналтириш ва бу билан эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун, яъни марказлашган инвестиция-капитал қўйилмаларига айлантиришга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда муваффақият билан қўлланилаётган билвосита солиқ — қўшилган қиймат солиғидир. У биринчи марта 1954 йили Францияда қўлланилган. Ҳозирги даврда иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт (ОЭСР) ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларда (Австралия, АҚШ, Швециядан

ташқари) қўлланилади. АҚШ да узоқ йиллардан бери ҚҚС ни жорий қилиш учун мунозаралар олиб борилаётган бўлса ҳам, лекин корпорациялар даромадидан солиқ билан алмаштиришга ҳали журъат қилингани йўқ. Асосий сабабларидан бири бундай қилиш чуқур ташкилий-техникавий тайёргарликни талаб этишидир, ақс ҳолда бюджетига тўланадиган тушум миқдори камайиб кетиши мумкин.

Билвосита солиқлардан яна бири **акциз**дир. У товар нархи ва хизматлар таърифига тўғридан-тўғри қўйилган устама бўлиб, классик солиқ тури ҳисобланади. Акцизлар диапазони унча катта эмас. Уни ҳар бир давлат мавжуд шароитга қараб белгилайди, хусусан республикамизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Акциз ставкаси диапазони кенг 5% дан 90% гача бўлиб, маълум муддатларда ўзгариши мумкин.

Акциз соҳасида солиқ сиёсати шароитга қўйилган мақсадга кўра ўзгартирилади. Одатда мамлакатда ишлаб чиқариш имконияти чекланган, зарур товарлар учун бир хил ёндашилса, четдан келтириладиган алкоғолли ичимликлар, тамаки каби товарларга акциз солиғи жорий қилишда бошқача ёндашилади. Масалан, 1 июл 1998 йилдан бошлаб четдан келтириладиган алкоғолли ичимликлар ва сигареталарга акциз солиғи 90% қилиб белгиланган.

Акцизлар орқали бир томондан, бюджетнинг даромад базаси мустаҳкамланади, иккинчи томондан истеъмолчиларни ва ишлаб чиқарувчиларнинг манфаати ҳимоя қилинади, учинчидан, республикамизда ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга олиб келади.

Билвосита солиқ, табиий товарлар ва хизматлар нархини кўтаради, ҳамда нархлар орқали харидорлар елкасига оширилади. Бу солиқларни харидорлар зиммасига қай даражада юкланиши маълум омиларга, энг аввало иқтисодий мувозанат ва рақобатга асосланган муҳитдаги талаб ва таклифга, уларнинг эластиклигига боғлиқ.

Айтайлик, билвосита солиқлар қўшилгунча товарлар нархи 700 сўм белгиланган билвосита (эгри) солиқлар 300 сўм бўлсин. Ана шу 300 сўм кимнинг зиммасига тушиши мумкин? Жавоб учу вариантда бўлиши мумкин:

**1-вариант.** Нархлар кўтарилади. Талаб ва таклиф ўртасида нисбат талаб фойдасига ҳал бўлса, яъни талаб эластиклиги юқори бўлса (яъни  $D\Sigma > 1$ ) 300 сўм харидорлар зиммасига тушади. Бу товарларнинг нархи 1000 сўм бўлади.

**2-вариант.** Нарх ўзгармай қолади. Бунда талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат таклиф томонига ҳал бўлади. Таклиф кўп, талаб кам. Талаб эластиклиги паст ( $D\Sigma < 1$ ). Товар эгаси аввалги нархда сотишга мажбур бўлади, яъни 700 сўмдан. Солиқлар тўла ишлаб чиқарувчилар зиммасига юкланади.

**3-вариант.** Нарх солиқ даражасига қараганда камроқ кўтарилади. Бунда талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат тенг ( $D\Sigma=1$ ). У ҳолда солиқни ҳар икки томон ўз зиммасига олади. Унда товарлар нархи 700 сўмдан ортиқ, лекин 1000 сўмдан кам бўлади, яъни товар баҳоси  $700 \leq \text{Нарх} \leq 1000$ . 300 сўмни маълум бир қисми харидор зиммасига, маълум бир қисми ишлаб чиқарувчи зиммасига тушади. Унинг қай нисбатда тақсимланиши, яна айланиб келиб талаб эластиклигини қай даражада эканлигига боғлиқ, бирга яқинлашиб боришига қараб харидор, аксинча бўлса сотувчи (ишлаб чиқарувчи) зиммасига тушиб боради.

Эгри солиқларнинг кўпайиши табиий ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайишига олиб келади, чунки солиқ ҳисобига сотиб олинadиган ишлаб чиқариш воситаларининг нархи ошади. Бу ўз навбатида таклифни ўзгартиради, яъни таклиф қисқаради. Бошқача айтганда эҳтиёж ўзгармаган, ҳатто ортган тақдирда ҳам нарх кўтарилгач, сотиш ҳажми пасаяди, сабаби шу нархдаги тўловга қодир талаб пасаяди. Натижада бу охир-оқибат ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам камайишига олиб келади.

Солиқни қай даражада сотувчи (ишлаб чиқарувчи) ва харидорлар зиммасига юкланиши ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ эканлиги даражасига қараб ҳам белгиланади:

1. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқлиги ўзгармас, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши, камайишидан қатъи назар самарадорлик бир хил. Бунда солиқлар харидор зиммасига юкланади, товар нархи ортади.

2. Ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан самарадорлик пасаяди. Одатда, бундай ҳол ресурслар кўп талаб этиладиган соҳа ва тармоқларга хос. Бунда нарх кўтарилгач, сотиш ҳажми пасаяди. Ишлаб чиқариш миқдорининг камайишига олиб келади. Ҳажми пасайгач, ўртacha харажатлар ҳам пасаяди. Бу солиқ ҳисобига кўтарилган нархларни, ишлаб чиқариш қисман ўз зиммасига олади. Бундай тармоқ маҳсулотларига қўйилган солиқ ҳар икки томон зиммасига юкланади. Товар нархи озроқ кўтарилади.

3. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан самарадорлик ортиб боради. Бу фан сифими юқори товарлар ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи тармоқлар соҳаларга хос.

Фан сифими юқори бўлган соҳа, тармоқларда ишлаб чиқаришнинг ҳажми ортган сари самарадорлик ҳам ортиб боради. Бу ерда солиқ таклиф нархини ортишига олиб келади. Бу тўлов қобилятига эга бўлган талаб ва ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади. Лекин бу тармоқнинг хусусияти шундаки, ишлаб чиқаришнинг ҳажми камайиши билан корхона харажат-

лари кўтарилади. Унда таклиф нархи солиқ қўшилган нархдан юқори бўлишига олиб келади. Шунинг учун бу тармоқ ишлаб чиқарувчиларига ўз потенциал харидорларини йўқотмаганлари маъқул. Шу тўғрисида нарх деярли ўзгармайди, солиқ ишлаб чиқарувчилар зиммасига юкланади.

Шундай қилиб, булардан шундай хулоса чиқариш мумкин. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ишлаб чиқариш ҳажми билан қандай боғлиқлиги ва талаб эластиклигига қараб ишлаб чиқариш ҳажми қисқариши юз беради ёки ўзгармай қолади, нарх кўтарилади ёки ўзгармайди. Унга қараб солиқ у ёки бу даражада сотувчи, ёки харидор зиммасига юкланади. Нарх ўзгармаса ишлаб чиқариш ҳажми камаяди ёки, аксинча ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармаса нарх кўтарилади. Умуман олганда солиқ таклиф нархининг кўтарилишига, талабнинг камайишига, бу ўз навбатида турли тармоқларда турли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Натижада давлат бюджетига юқори ставкада солиқлар белгилаб, кўпроқ миқдорда солиқ тушумлари кутилгани ҳолда, аксинча кам миқдорда йиғилади. Буни иқтисодий назарияда кенг тарқалган “Лаффер эффекти” дейилади.

Айниқса, аҳолининг даромадлари паст бўлган қатлам кўпчиликни ташкил этса, бу жараён янада сезиларли тарзда юз беради.

Ривожланган мамлакатларда солиқ тўламасликни кўзлаб даромадларини яширишларига йўл қўймасликлари учун 1000 минимал иш ҳақиға тенг ва ортиқ бўлган харажат қиладиган бўлса, солиқ ташкилотларига даромадлари миқдори, манбаи ва ундан тўланган солиқ миқдори ҳақида декларация тўлдиришади. Республикамизда ҳам шундай тажрибани қўллаш фойдадан холи эмаслигини ҳисобга олиб, мамлакатимизда 2002—2005 йиллар давомида жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини барпо қилишни кўзлаган “Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони матбуотда эълон қилинди.

Солиқ тизимида солиқ ставкасини даромадларга нисбатан белгилаш ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Одатда, солиқлар ставкаси қуйидагича белгиланади:

— қатъий, ўзгармас миқдорда, солиқ объектнинг қийматидан қатъи назар белгиланади;

— пропорционал солиқ ставкалари — даромадлардан қатъи назар ягона фоизда белгиланади;

— регрессив, яъни даромад кўпайгач, солиқ меъёри камайиб боради;

— прогрессив, яъни даромадларининг ўсишига қараб, солиқ меъёри ҳам ўсиб боради.

Бундан ташқари имтиёзли солиқ ставкаси ҳам мавжуд.



Тажриба шуни кўрсатдики, ҳаддан ташқари солиқ ставкалари юқори бўлса, янгиликка интилиш, меҳнатга рағбатлантиришни издан чиқаради.

60—70-йилларда ғарб мамлакатларида солиқларнинг оширилиши қатор салбий оқибатларга олиб келди. У “солиқ исёнларига”, турли йўллар билан солиқ тўламаслик, капитални ҳамда юқори даромад олувчиларни солиқ даражаси кам мамлакатларга “оқиб” ўтишига олиб келди.

Давлат солиқни камайтирса, даромаднинг бир қисми истеъмолнинг кўпайишига кетса, иккинчи қисми жамғаришнинг кўпайишига кетади. Давлат ана шу жамғармани инвестицияга айлантириш учун шарт-шароит яратиши керак. Бунда давлат юритаётган солиқ сиёсати ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Унинг қай даражада белгиланишига қараб, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш, иқтисодиётни ривожланиши амалга ошади. Шунинг учун ҳам унинг оптимал ставкаларини ва солиқ ҳамда тўловлардаги имтиёзлар миқдорини белгилаш асосий вазифа ҳисобланади.

Солиқ ставкаларининг камайтирилиши дастлаб давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ҳажмининг кам бўлишига, у ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига олиб келади. Натижада, солиқ тўланадиган (базис — асос) базасини ортишига, бу ўз навбатида солиқ миқдорининг кўпайишига олиб келади.


Буюк иқтисодчи Адам Смит иқтисодиётнинг ривожланиши учун давлат уч нарсани амалга оширса етади. Бири — юртнинг тинчлигини сақлаш, иккинчиси — адолатли суд қилишни таъминлаш, учинчиси — меъёрида солиқлар белгилаш, қолганини бозорнинг ўзи ҳал қилади деган экан.

Ана шу меъёрдаги солиқ қай даражада бўлиши керак деган савол туғилади. Иқтисодчиларнинг бу ҳақдаги фикрлари турли-туман. Албатта, у ҳар бир мамлакатдаги объектив шарт-шароит, давлатнинг ўз олдига қўйган мақсади ва ҳоказоларга боғлиқ. Назарий жиҳатдан солиқларнинг оптимал миқдорини белгилаш қийин. Лекин иқтисодчиларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, тажрибада ялпи даромаднинг 35—45% миқдоридаги солиқлар энг мақбул даража экан. Профессор Артур Лаффер бошчилигидаги иқтисодчилар тадқиқоти ҳам шуни кўрсатади.

Америкалик иқтисодчилар солиқ суммаси билан солиқ ставкаси ўртасидаги боғланишни ўрганиб чиқиб, солиқ ставкасининг 35—45% даражада бўлиши энг оптимал даражада эканлигини асослаб бердилар.

АҚШ президенти Р. Рейганнинг ва АҚШ ҳукумати иқтисодий дастурининг назарий асосини А. Лаффернинг иқтисодий асос ва ҳисоб-китоблари ташкил этган.

Профессор А. Лаффер бошчилигида бюджетга тушадиган солиқ суммаси билан солиқ ставкаси ўртасидаги боғланишни ўрга-



ниб чиққан америкалик иқтисодчилар, ҳаддан ташқари юқори солиқ ставкалари корпорацияларнинг маблағларини капитал қўйилмаларга айлантиришга бўлган интилишларини сусайтиришга, фан-техника тараққиётининг тормозланишига, иқтисодий ўсишнинг секинлашувига олиб келишини асослаб беришди. Ишлаб чиқаришнинг ўзгармаслиги, ҳатто пасайиши даромад ҳажмини камайтиради. Бу ўз навбатида солиқ базасининг қисқаришига олиб келади. Фирма ва ишловчиларнинг активлиги пасаяди.

Солиқ ставкалари паст белгиланса, бюджетга тушадиган маблағлар камайиб кетади. Бу боғланиш Лаффер эгри чизигида ўз ифодасини топган.

Шундай ( $x$  оптималь) солиқ ставкасида умумий солиқ суммаси энг максимал даражада бўлар экан. Ундан ортиқ бўлса, солиқнинг умумий суммаси пасайиб борар экан. Агар  $x$  оптималь фоизга қадар солиқ ставкалари ўсиши солиқ базасининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда умумий солиқ тушумларининг ўсишига олиб келса, 100% га яқинлашган сайин тадбиркорлик ва меҳнат қилишга бўлган қизиқиш йўқолиб борар экан. Натижада солиқ олинадиган даромад базаси камайиб боришига олиб келар экан. Бунинг устига турли йўллар билан даромадларни яширишга, ҳаракат қилиш, даромадларни пинҳоний иқтисодиётга ўтиб кетишига олиб келади. Ана шу тадқиқотга асосланиб жуда кўп мамлакатларда 80—90 йилларда солиқ ислоҳотлари ўтказилди.

Японияда солиқ ставкалари даражаси солиқ тушумлари ЯММнинг 30—35% ини ташкил этиши мўлжалга олиб белгиланади; Буюк Британияда 40%, Германияда 45% атрофида, Швейцарияда эса 50% ни ташкил этади. Одатда, реал ҳаётда белгиланган солиқлар оптималь вариантдан фарқ қилади. Сабаби **оптималь солиқ таркиби мамлакатдаги иқтисодий вазиятдан келиб чиқади**. Маълум бир пайтда фискал сиёсати юритилиб, бюджет

даромадларини кўпайтириш ёки солиқлар юкини камайтириб, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ўсишни таъминлаш кўзда тутилади.

“Биламизки, солиқлар давлат бюджети билан маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг асосий манбаидир. Солиқлар кенг қамровли, айти пайтда ҳар бир соҳа, тармоқ ва корхонага алоҳида қайишқоқ ва шароитга мослашувчан бўлиши зарур.

Солиқларнинг миқдорларини турли йўллар билан ошира бориш давлатга ва жамиятга наф келтирмаслигини ҳам англаб олишимиз керак, деб ўйлайман. Солиқлар даромадларнинг бир қисмигагина солиниши, айти вақтда халқ хўжалиги ва аҳолига керакли маҳсулот, ҳамда молларни кўпроқ ва яхшироқ ишлаб чиқаришга интилаётган ташкилотларни ва кишиларни ҳар жиҳатдан “рағбатлантириши ҳам лозим”.<sup>1</sup>

Биринчи босқичда (1991—1994 йиллар) солиқ тизими хази-на масаласини ҳал қилишга қаратилган бўлиб, унинг асосий мақсади бюджетнинг кўпроқ мутаносиб бўлишини таъминлашдан иборат эди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва шунга мувофиқ равишда солиққа тортиладиган базанинг камайиши, давлат молияси соҳасида ғоят кескинлик вужудга келган шароитда ҳал қилишга тўғри келган. Бу давр солиқларнинг кўплиги, унинг юқори ставкалари, солиқ тўловчилар ўртасида нотекис тақсимланиши билан характерланади. Табиий — хом ашё ресурслари, мулкни солиққа тортиш нисбатан паст бўлгани ҳолда, солиқ юкининг асосий оғирлиги корхоналар даромадларига тушди. Бу пайтда республикада солиқ олиш даражаси 45 фоиздан ортиқ бўлган.

Солиқлар юки оғирлашгани натижасида дастлабки босқичларда бюджетга даромадларнинг барқарор тушиши таъминланди, лекин борган сари солиққа тортиладиган базани сақлаб қолиш қийин бўлиб боради. Чунки, солиқ юки корхонанинг маблағларини ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш, техникавий қайта жиҳозлаш, ўз оборот маблағларини тўлдириш имкониятини чеклаб қўйди. Ишлаб чиқариш қисқариб, даромад камаяди, демак солиққа тортиладиган база ҳам қисқаради. Даромадга солиқ ставкалари сақланиб қолгани ҳолда солиқ массаси кескин камаяди. Ишлаб чиқарувчиларни инвестицияга жалб қиладиган маблағларининг қисқаришига, тўхтатиб қўйишга олиб келади.

Республикамизда биринчи босқичда солиқнинг хазинани тўлдириши вазифасига алоҳида аҳамият берилди. Бу вазифасини солиқ муваффақият билан бажарди. Ўзгарган иқтисодий шароитда иккинчи босқичда халқ хўжалигини иқтисодий барқарорлаштириш ва таркибий жиҳатдан қайта қуришга солиқ ти-

<sup>1</sup> Каримов И. А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққийт йўли» Т.: — Ўзбекистон 1992, 60-бет.

зимини мослаштириш объектив зарур бўлиб қолди. Солиқ тизимини ўзгартиришнинг негизига қўйилган асосий қоида солиқлар таркибини такомиллаштириш, рағбатлантирувчи вазифалари ҳисобига солиқ юкини кескин камайтиришдир.

## **6-§. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ**

Давлат молия тизими марказида бюджет туради. Бюджет (ингл. сумка, халта) — давлат, ташкилот, муассаса, оила ёки айрим шахснинг маълум муддат учун белгиланган даромад ва харажатлари баланси деган маънода ишлатилади.

Давлат бюджети бу давлатнинг даромадлари ва харажатларининг (сметаси) балансидир.

**Давлат бюджети бу — давлатнинг ўз функциялари ва вазифаларини бажаришни молиявий таъминлаш мақсадида пул маблағларини тўплаш ва сарфлашнинг балансидир.**

Бюджет тизими у ёки бу мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг социал-иқтисодий тузилишини, давлат қурилишини кўрсатувчи мураккаб механизмни ифодалайди.

Ҳар бир мамлакат бюджетининг таркиби, энг аввало унинг давлат қурилиши билан боғлиқ. Унитар давлатлар бюджети давлат, маҳаллий бюджетлардан иборат бўлса, федератив мамлакатларда мувофиқ равишда оралиқ бўгин қўшилиб, штатлар (АҚШ), административ тузилмалар (ГФР), республикалар (Россия) 3 бўгиндан иборат бўлади.

Ҳозирги замон давлатларининг бюджети мураккаб, кўп қиррали ҳужжат бўлиб, у давлатнинг ҳамма функция ва вазифаларини ифодалайди.

Давлат бюджети жамият миқёсида яратилган барча даромадлар йиғиндиси бўлган миллий даромадни қайта тақсимлашни амалга оширади.

Миллий даромад дастлаб бирламчи бўлиб, яратилган ишлаб чиқариш соҳаларида тақсимланади. Унинг ҳисобидан иш ҳақи, ижтимоий суғурта ажратмалари фонди шаклланади. Лекин бу фондларни ташкил қилиш корхона учун муҳим аҳамиятга эга бўлса, жамият миқёсида ҳам шундай ижтимоий эҳтиёжлар борки, уларни қондирмай жамият меъёрий ҳаёт кечири олмайди. Бунинг учун бирламчи тақсимланган даромад қайта тақсимлашни объектив заруриятга айланади.

Жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари деганимизда, энг аввало биргаликда қондириладиган эҳтиёжларни тушунамиз. Бу эҳтиёжларни қондириш учун маблағлар талаб этилади. Демак, бунинг учун зарур фондлар ташкил этиш керак. Ишлаб чиқаришни эришилган даражада сақлаш ва кенгайтириш учун кадрлар зарур. Кадрлар мутахассис бўлиши учун соғлом бўлишлари, етарли даражада билим олишлари керак. Бунинг учун етарли

даражада маориф, маданият муассасалари зарур ва жисмоний тарбия ҳамда спорт тадбирларини кенгайтириб бориш керак. Шу билан бирга меҳнатга яроқсиз, ногирон, кўп болали оилалар ҳам ёрдам талаб этади. Жамият ўз истиқболи учун фан-техника тараққиётини қўллаб-қувватлаши зарур. Ундан ташқари Ватанни ҳимоя қилиш, мамлакат ичкарисида қонунбузарликка йўл қўймаслик ва қатор бошқа эҳтиёжларни қондириш керак. Уларни қондириш эса миллий даромадни қайта тақсимлаш асосида амалга оширилади.

Миллий даромадни қайта тақсимлашда давлат бюджети асосий рол ўйнайди. Қайта тақсимлаш жараёнида биринчидан, корхоналар ва ташкилотлар, фуқаролардан олинган солиқ ва йиғимлар асосида марказлашган бюджет фонди ташкил этилади. Иккинчидан, шу даромадлар бюджетда кўзда тутилган эҳтиёжларни қондириш учун тақсимланади. Шундай қилиб бюджет давлатнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳаётини бошқариш, мудофаани амалга ошириш ва бошқа тадбирлар учун марказлаштирилган пул маблағларини ташкил қилиш ва ишлатиш жараёнида вужудга келган юридик ва жисмоний шахслар билан давлат ўртасида юз берадиган муносабатлар мажмуидир.

Бюджет даромадларини шакллантиришда мулк шаклидан қатъи назар ҳамма иқтисодий субъектлар иштирок этадилар. Бюджет тушумларини асосини таъкидлаб ўтганимиздек солиқлар ташкил этади.

Даромадлар давлат харажатларини қоплаш манбаи ҳисобланади. Давлатнинг жамият ҳаётида муҳим вазифаларни бажариши учун маълум миқдорда харажат қилиш талаб этилади.

Давлат харажатлари — бу давлат ихтиёридаги молия ресурсларини давлат фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларни қондириш учун қилинган сарфлар йиғиндисиدير.

Бу харажатлар давлат идоралари, унга қарашли корхона ва ташкилотларнинг харажатларидир. Бу харажатлар давлат бюджети, социал суғурта, пенсия, мулк ва шахсий суғурта, но-бюджет давлат фондлари харажатлари йиғиндиси тарзида ташкил топади. Бу харажатлар икки хоссаси билан ажралиб туради. Улар:

- 1) аниқ мақсадга қаратилади;
- 2) сарфлангач, қайтиб келмайди.

Шундай қилиб, бюджет икки: даромадлар ва харажатлар қисмидан иборат бўлиб, уларнинг баланси тарзида ташкил этилади.

Ҳамма мамлакатларда етакчи ролни умуммиллий, давлат ёки федерал бюджет ўйнайди.

Бюджетнинг қатор харажатлари ҳамма мамлакатлар учун умум қабул қилинган характерга эга бўлиб, барча мамлакат бюджетларида мавжуд. *Масалан*, аҳолини социал ҳимоя қилиш,

миллий хавфсизлик ва бошқалар. Даромадлар эса аҳолидан ва корхоналардан олинадиган солиқлар, тўловлар ва бошқалар.

Гарбда ҳозирги пайтда асосий капитал учун ажратилган инвестициянинг 1/3 дан 1/2 гача қисми бюджет орқали молиялаштирилади. Республикамизда марказлашган инвестиция тарзидаги сарфланган маблағлар ҳозирги пайтда бюджет харажатларининг 19 фоизини атрофида ташкил этмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг техник базасини янгилаш, янги технологияни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда давлат томонидан фундаментал илмий тадқиқотлар, амалий тадқиқотлар ўтказиш ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат ҳисобидан корхоналар, ташкилотлар, айрим пайтларда хорижий давлатларга маблағ ажратиш — субсидия бериш ҳам бюджетда ўзига хос ўрин тутди.

Давлат тадбиркорларга имтиёзли кредит, субсидия тарзида молиявий ёрдам берадики, натижада улар давлатнинг иқтисодий ривожланиш дастурларида “жон” деб қатнашадилар.

Бундан ташқари, давлат бюджетидан муҳим хўжалик ва ижтимоий, маданий тадбирлар учун маҳаллий ҳокимиятга субвенсия берилади.

Давлат маъқуллаган иқтисодий ва маданий ривожланиш дастурлари, лойиҳаларини таъминлаш мақсадида махсус субвенсия фонди ташкил этилади. Бу фонддан ажратилган маблағ бошқа мақсадда ишлатиладиган бўлса, қайтариб олинади.

Кейинги пайтда инсоний капитал учун ажратилаётган инвестициялар ортиб бормоқда. У иш кучининг маълумоти, малакасини ошириш, касбини ўзгартириш учун сарфланади.

Бюджет давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг бош дастаги (инструменти) ҳисобланади. Унинг ёрдамида социал адолатни иложи борича таъминлашга ҳаракат қилинади. Албатта, аҳолидан олинадиган солиқлар нисбатан кўп. Лекин уларнинг катта қисми трансферт тўловлари сифатида ижтимоий эҳтиёжлар учун бюджетдан ажратилган маблағлар тарзида қайтиб келади. 80-йилларнинг охирларида социал-иқтисодий мақсадлар учун қилинган харажатлар, ҳамма сарф-харажатларнинг АҚШ ва ГФР да 53% ини, Японияда 47%, Буюк Британияда 50% ини ташкил этди. Республикамизда ҳозирги пайтда ана шу мақсадлар учун деярли 52% маблағ ишлатилади.

Бу харажатларнинг ўзи иккига бўлинади:

а) социал эҳтиёжлар учун харажатлар:

пенсия (нафақа), ёрдам пули, соғлиқни сақлаш, маориф ва кадрлар тайёрлаш ва шунга ўхшашларни ўз ичига олади.

Давлат томонидан аҳолини социал ҳимоя қилишга жаҳонда биринчи марта Германияда асос солинди. У Германия канцлери Отто Бисмарк томонидан амалга оширилди. У 1883—1886

йилларда рейхстаг орқали аҳолини социал ҳимоя қилиш бўйича учта қонун қабул қилинишига эришади. Давлат томонидан социал мақсадларга маблағ ажратишга Европадаги бошқа мамлакатлар, 1935 йиллардан АҚШ ҳам аҳамият бера бошлади. Жамият тараққий этган сари барча мамлакатларда бу харажатларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда.

б) иқтисодий харажатлар: энергетика, уй-жой қурилиши, коммунал хўжалик, регионал ривожланиш, табиий ресурслар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, алоқа, транспорт, қишлоқ хўжалиги, sanoat ва бошқаларни кўллаб-қувватлаш.

Бюджет маблағларининг каттагина қисми ҳарбий харажатларни ташкил этади. Унга космик ва бошқа тадқиқотлардан тортиб то ҳарбийларга нафақа ва ёрдам пулигача киради. АҚШ да бу харажатлар 34,3%, ГФР да 26,2%, Францияда 21, Буюк Британияда 14,2%, Японияда 9,3% ни ташкил этган.

Ғарбнинг марказий бюджети харажатлари таркибида сўнгги 30 йил давомида жиддий структура силжишлари рўй берди. Биринчидан, аҳолининг турмуш даражасига таъсир этувчи харажатлар улуши кўпайди. Иккинчидан, ҳарбий, бошқариш харажатлари улуши камайди. Учинчидан, ЯММ тақсимогида марказий бюджет улуши ортиб бормоқда. Бу кўрсаткич МДХ давлатларида 29,5% дан 41% га кўпайтирилди.

Бюджет асосан бир йилга — квартал (чорак)ларга ажратиб тузилади. Бюджет 1 январдан бошлаб йил давомида ижро этилади.

Бюджет ва бюджет тизими тушунчалари бир хил эмас. Бюджет тизими иқтисодий муносабатлар ва юридик меъёрларга асосланган мамлакатдаги барча бюджетларнинг йиғиндисидир.

Ўзбекистон ҳам ўз бюджет тизимига эга. У 2 бўғиндан — республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборат. Маҳаллий бюджетлар ўз навбатида шаҳар, район, қишлоқ, посёлка бюджетларини ўз ичига олади. Бюджетларнинг энг кўпини қишлоқ бюджетлари (1250 дан ортиқ) ташкил қилади.

Республика бюджетидан мамлакат аҳамиятидаги тадбирларга маблағ ажратилади. *Масалан*, Асака УЗДЭУ автомобил заводи, Тошкент метроси қурилиши, республика аҳамиятидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, Ўзбекистон Фанлари Академияси ва бошқалар марказлаштирилган ҳолда бюджетдан таъминланадилар.

2000 йил Ўзбекистон давлат бюджетининг харажатлари таркиби мақсадли фондларсиз қуйидагича;

1. Ижтимоий маданий тадбирлар	40,4
2. Аҳолини социал ҳимоя қилиш	10,4
3. Халқ хўжалиги ва марказлаштирилган инвестиция харажатлари	31,0
4. Бошқарув харажатлари	2,3
5. Бошқа харажатлар	15,9


Республика бюджети ички тузилишининг характерли хусусияти шундан иборатки, маблағларининг 82 фоизга яқини халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий тадбирлар ҳамда ижтимоий ҳимоя харажатларига сарфланади. Бу харажатларнинг ҳиссаси вилоят бюджетларида янада кўп. Чунки бу бюджетларда мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ташқи муносабатлар билан боғлиқ республика харажатлари йўқ.

3) Давлат харажатларини унинг даромадлари қоплаши керак. Ана шу харажатлар билан даромадлар нисбати уч хил, ўз навбатида бюджет ҳолати ҳам уч хил бўлиши мумкин.

1. Нормал, бунда бюджетнинг харажатлари даромадларига тенг бўлади.

2. Даромадлар харажатларга нисбатан кўп бўлиши (профицит) мумкин. Бундай ҳолат ишлаб чиқаришнинг юксалиши туфайли, солиқлар ва тўловлардан келадиган тушумларни кўпайиши туфайли ёки чайқовчилик шов-шувлари кучайган шароитда юз бериши мумкин. Бу даврда инфляция кучаяди.

3. Тақчил, бунда харажатлар даромадларга нисбатан кўп бўлади. Циклик кризислар (танглик) даврида бюджетга тўланадиган солиқлар ва тўловлар кескин камайиб кетади. Айнан шу пайтда давлат ўз харажатларини кўпайтиришга мажбур.



Айтайлик, ЯИМда солиқлар ҳиссаси 40% ёки 0,4 га тенг. Агар ЯИМ 0 бўлса, солиқ тушумлари 0 бўлади. ЯИМ 10 бўлса солиқ тушумлари  $0,4 \times 10 = 4$  бўлади ва ҳоказо. Мамлакатда йил давомида яратиладиган ЯИМ 25 млрд. долларлик бўлсин, у ҳолда йиғадиган солиқларимиз миқдори  $0,4 \times 25 = 10$  млрд. долл. Бюджет харажатларини ана шу 10 млрд. долл даражасида режалаштирдик. Ҳақиқатда, агар, 30 млрд. долларлик маҳсулот ишлаб чиқардик. У ҳолда бюджет даромадлари  $0,4 \times 30 = 12$  млрд. долл. бўлиб, харажатларимиздан  $( ) 12 - 10 = 2$  млрд. долл. ортиб кетади. Бюджет профицит бўлади. Агарда 25 млрд. долларлик маҳсулот ишлаб чиқарсак,  $0,4 \times 25 = 10$  млрд.



долл. даромад бюджетга тўпланади. Бюджет нормал бўлади. Агарда аксинча, маҳсулотимиз 20 млрд. долларлик бўлса, бюджет даромадлари  $0,4 \times 20 = 8$  млрд. доллар бўлади. Бунда бюджетимиз тақчил  $8 - 10 = -2$  млрд. долл. бўлади. Мамлакатдаги шароитни ҳисобга олиб, давлат бюджет қабул қилиши мумкин.

Бюджет тақчиллиги икки хил: актив ва пассив бўлади. Агарда бюджет тақчиллиги харажатларни кўпайиб кетиши туфайли содир бўлса, актив, тушадиган солиқ ва бошқа тўловларни камайиб кетиши туфайли (иқтисодий ўсиш суръатини пасайиши ёки бошқа сабаблар) юз берса пассив тақчиллик деб аталади.

Ҳозирги пайтда бюджет тақчиллиги қай даражада катта ва мамлакатни иқтисодиёти учун нақадар хавфли эканини аниқлашга алоҳида эътибор бериладиган бўлди.

Жаҳон тажрибасида тақчиллик даражасига бюджет тақчиллиги коэффиценти асосида баҳо берилади. Бу коэффицент манфий салдонинг, яъни йиллик давлат қарзини ялпи миллий маҳсулотга нисбатини ифодалайди. Иқтисодчиларнинг изланишлари таҳлили шуни кўрсатадики, агарда бюджет тақчиллиги ялпи миллий маҳсулотнинг 2—3 фоизи миқдори даражасида бўлса, иқтисодиёт учун унча хавфли эмас экан. Ундан ортиб кетса пул-кредит тизими фаолиятига, умуман олганда бутун иқтисодиётга салбий таъсир этади.

Ҳозирги пайтда амалда деярли барча мамлакатларда давлат харажатлари даромадларига қараганда ўсиш тенденцияси кузатишмоқда. Бунинг натижасида бюджет тақчиллиги ўсиб сурункали тақчиллик тарзида намоён бўлмоқда.

Бюджет тақчиллик динамикаси абсолют миқдорда ҳам, ЯИМ га нисбатан ҳам деярли ҳамма мамлакатларда ўсиб бормоқда.

Бунинг сабаблари ниҳоятда хилма-хил. Лекин энг асосийлари мамлакат ҳаётида, турли соҳаларда давлатнинг роли кучайиши, унинг иқтисодий ва социал вазифаларининг кенгайиши, ҳарбий, давлат аппарати харажатларининг кўпайиши ва ҳоказолар. Бюджет тақчиллигини камайтириш учун давлат турли чора-тадбирлар қўллайди.

Бюджет тақчиллиги сабаблари ҳамда уни камайтириш йўллари куйидагича ифодалаш мумкин.

Давлат харажатларини даромадлари билан қоплай олмагач уни турли чора-тадбирлар билан қоплашга ҳаракат қилади. Одатда, етишмовчиликни қоплашнинг энг кўп тарқалган йўли қарз олиш. Давлат ҳам ортиқча харажатларини қоплаш учун энг кўп қўллайдиган тадбири қарз олиш ҳисобланади.

Давлат қарзи икки хил: ички ва ташқи қарз бўлиши мумкин.

**Ички қарз** — давлатнинг ўз фуқароларига, ташкилот ва фирмаларга қарзи бўлса, **ташқи қарз** — давлатнинг чет эл фуқароларига, фирма, ташкилотларига қарзи ҳисобланади.

## *Бюджет тақчиллиги (дефицити)*

Бюджет тақчиллиги сабаблари	Бюджет тақчиллигини камайтириш чора-тадбирлари
<ul style="list-style-type: none"> <li>● Иқтисодиётнинг ночорлиги шароитида даромадларнинг камайтиши, миллий даромад ўсиш суръатини пассив кетиши, солиқларнинг камайтиши.</li> <li>● Бюджет харажатларининг кўпайиши</li> <li>● Беқарор молиявий иқтисодий сиёсат юритиш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>● Молиялаштиришдан кредитлашга ўтиш.</li> <li>● Зарар кўрувчи корхоналарни тугатиш, дотацияларни камайтириш, солиқ тизимини ўзгартириш.</li> <li>● Маҳаллий бюджет ролини ошириш.</li> <li>● Харажатларни камайтириш йўллари топиш.</li> </ul>

Давлат камомадини қошлаш учун (заёмлар) қимматбаҳо қоғозлар чиқаради. Улар жумласига давлат облигациялари (олинган сумма келажакда албатта эгасига қайтарилиши мажбурияти), хазина векселлари (хазина мажбуриятлари — бир йилгача муддат билан) киради. Давлат облигациялари ва бошқа қимматбаҳо қоғозлари аҳолига инвестиция учун жуда яхши имконият таъминлаб беради. Ҳукумат қарз олиш чоғида чиқарилган облигация ва векселлар кредит ҳамда у бўйича фоиз қайтариб берилишини кафолатлайди. Шундай қилиб, улар аҳоли ва хусусий фирмаларга бўш турган капиталларини ишончли тарзда жойлаштирилишини таъминлайди.

Бу қарзлар Россияда унча кўп эмас. У уч ҳафталик ЯММ га тенг. Буюк Британияда 24 ҳафталик. Бизнинг республикамизда ҳам унчалик кўп эмас. 90-йиллар бошларида АҚШ нинг федерал қарзи 3 триллион доллар атрофида бўлиб, бу ҳар бир оилга ўртача 50 минг доллардан тўғри келади. Бу ЯММ га нисбатан деярли 57% ни ташкил этади.

(Ялпи қарз давлатнинг ўзига ўзи қарз бўлган маблағларни ҳам қамраб олади. Бунда айрим давлат ташкилотларидан олинган қарз ҳам қўшилади. Бу бир оила азвосининг бошқасидан қарз олганига ўхшайди. Кўриниб турибдики, давлат қарзи ялпи қарздан кам).

Ташқи қарз — халқаро кредит. У ҳозирги пайтда кенг қўлланилмоқда. Йирик қарздорлар фақат кам тараққий этган мамлакатларгина эмас, балки ривожланган мамлакатлар ҳам бўлиши мумкин. АҚШ да 80-йилларда бошқа мамлакатларга нисбатан банкларда фоиз ставкаларини кўтариб, четдан инвестицияларни жалб қилиб, бюджет дефицитини молиялаштирилди. 80-йиллар охирига келиб соф ташқи қарз (олинган ва берилган қарзлар ўртасидаги фарқ) 540 млрд долларга тенг бўлган. Бу ЯММ ни 11% ини ташкил этган. 90-йилларнинг охирига келиб, 1 триллиондан ошиб кетди, халқаро кредитнинг ўсиши хўжалик ҳаётини байналмилаллашувининг объектив натижаси.

У бир томондан молиявий имкониятни кенгайтирса, иккинчи томондан, иқтисодий кредит берувчи мамлакатларга боғлиқлигини кучайтиради. Умуман олганда тақчиллик ҳажми яратилган ЯММ нинг 2—5% ига тенг бўлса, иқтисодий учун меъёрий ҳол ҳисобланади.

Лекин қарзни кўпайиб кетиши қатор салбий оқибатларга олиб келади. Энг аввало, қарзнинг кўпайиши унинг ЯММ да улушини орттишига олиб келади. Бу ўз навбатида истеъмол ва жамғаришга сарфланадиган даромад улушини камайтиради. Қарзнинг фоизини тўлашга борган сари кўп маблағ талаб этилади. 90-йиллар бошида АҚШ да бюджетнинг ҳамма харажатларини 14,6%, ГФР да — 11,3%, Буюк Британияда — 10,5%, Японияда — 19,5% давлат қимматбаҳо қоғозларининг фоизини тўлашга сарфланди. Бундай аҳвол ссуда капитали бозорида борган сари давлатнинг улушини орттишига олиб келади. Натижада, иқтисодчилар таърифлагандек, “**сиқиб чиқариш эффекти**” деган ҳолат юзага келади. Бошқа сотувчилар сиқиб чиқарилади, чунки харидорлар учун давлат қимматбаҳо қоғозлари ишончлироқ. Оқибатда капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг умумий шароити ёмонлашади. Шу сабаб туфайли истеъмол харажатлари ҳам қисқаради.

Давлат заёмлари турли: қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган. Инфляция шароитида муддат муҳим рол ўйнайди. Инвесторлар кўпроқ қисқа муддатли хазина мажбуриятларини маъқул кўрадилар. Давлат вақтида қарзини тўлай олмаса, инвесторлар билан келишган ҳолда, бу қисқа муддатли мажбуриятларни ўрта ва узоқ муддатга айлантирилади. Бу қисқа муддатга ҳукуматни молиявий аҳволини яхшилайти, лекин бундай чорадан бюджетда мустаҳкам барқарорликни таъминлашни кутиб бўлмайди.

Бюджет камомадини қоплашнинг яна бир йўли — бюджетга солиқ бўлмаган тўловларни кўпайтириш. Улар турли-туман. Ҳозирги пайтда бюджетга сезиларли даражада даромад келтирадиган соҳа чет эл туризми бўлиб қолди. Жаҳонда чет эл туризмидан олинадиган бюджет тушумлари ўргача ЯММнинг 6% атрофида. Россияда 1% дан камроқ. Республикамизда бу борада эса имкониятлар катта. Ҳозирги пайтда туристларга Жаҳон талаблари даражасида сервис хизматини йўлга қўйиш борган сари кенгайиб борапти.

Давлат бюджетига маблағ тўлашда турли лотореялар чиқариш ҳам ўзига хос ўрин тутади. Ҳозирги пайтда буни республикамизда лотореялар чиқаришдан муваффақиятли тарзда фойдаланилапти.

Бюджет камомадини қоплаш учун пул эмиссияси ҳам ўзига хос ўрин тутади. Лекин у инфляцияни кучайтириб юборади. Шунинг учун ундан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан фойдаланилади.

Молия тизимида бюджетдан ташқари молия фондлари ҳам ўзига хос ўрин тутади. Бозор иқтисодиёти шароитида қайта тақсимланиш осон бўлган; умумжамият ёки ҳудудий даражасида ишлатилувчи молия жамғармалари талаб этилади. Бу бюджетдан ташқари фондлар бўлиб, улар маълум мақсад учун, лекин мустақил ишлатилади.

Бюджетдан ташқари фондлар давлатга қарашли бўлиб, улар ҳукумат қўлида бўлади. Уларни ташкил этиш ва ишлатиш давлат томонидан белгиланади. Бу фондлар маблағларининг манбаи ҳар бир мамлакатнинг эришган даражаси, шарт-шароити, қўйилган вазифа масштаби характеридан келиб чиқади.

Нобюджет фондлар давлатнинг бюджетдан ташқари харажатларини қоплаш мақсадида ташкил этилади. Улар қўйилган мақсадга қараб, иқтисодий ва социал (ижтимоий) фондларга, бошқариш даражасига қараб умумдавлат ва регионал фондларга бўлинади.

Ҳозирги пайтда **нобюджет фондларини бюджет билан бирга** қўшиб кўпинча **консолидацион йўғма бюджет** ибораси билан аташ расм бўлиб бормоқда.

2000 йили республикамызда нобюджет фондлар йўғма бюджет харажатларининг 27,9% ини ташкил этди.

Ҳозирги пайтда нобюджет фондлари:

- 1) давлат суғуртаси фондлари;
- 2) пенсия фонди;
- 3) аҳолини иш билан бандлик давлат фонди;
- 4) соғлиқни сақлаш фонди;
- 5) йўл фонди;
- 6) табиатни муҳофаза қилиш фонди;
- 7) тарихий ёдгорликларни сақлаш фонди;
- 8) корхоналарга молиявий ёрдам бериш фонди;
- 9) новация фонди;
- 10) фермерларга кўмак бериш фонди ва бошқалардан иборат.

Бизнинг мамлакатимизда бу фондларни социал суғурталаш фонди, пенсия фонди, аҳолини иш билан таъминлаш фонди, йўл фонди, давлат мулки, ҳоким фонди кабилар ташкил этади.

Мамлакатимизда бюджетдан ташқари фондлар муҳим рол ўйнайди. Улардан бири социал суғурта фондидир. Бу фонд вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганлик учун ҳамда санатория-курортда даволаш ва бошқа шунга ўхшашларни молиялаштиришни амалга оширади. Бу фондлар харажатларининг асосий қисмини вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун тўланадиган нафақалар ташкил этади. Фондга мулк шаклидан қатъи назар турли корхона, ташкилот, муассаса ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар ўз маблағлари билан қатнашадилар. Ҳар бир корхона ва ташки-

лот ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақидан белгиланган тариф бўйича маблағ ажратилади. Республикамизда иш ҳақи миқдоридан 1% қилиб белгиланган.

Пенсия фонди пенсионерларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган. У ҳам молиявий, ҳам ташкилий структура тарзида қария ва ногиронларга хизмат қилувчи махсус фонд сифатида ташкил этилган. Бу фонд пенсия таъминотини молиялаштирувчи, бошқарувчи давлат органи бўлиб, пенсия, болаларга ёрдам пули ва бошқа шунга ўхшаш мақсадлар учун сарфланадиган маблағларни тўплаш ва ҳаракат қилишни амалга оширади. Улар аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг узок муддатга мўлжалланган дастурларида ҳам қатнашадилар.

Пенсия фондининг даромадларини корхона, ташкилотларнинг суғурта тўловчилари, аҳолининг бадаллари ташкил этади. Ундан ташқари республика бюджетидан ҳам маблағлар ажратилади. Бу фондга аҳоли, корхона, ташкилотларнинг ихтиёрий тўловлари ҳам қабул қилинади. Бу фондларнинг тижорат фаолияти, молия-кредит операцияларидан олган даромадлари ҳам, уларнинг маблағларини кўпайтиришга хизмат қилади. Тўлов бадалининг миқдори фонд бошқаруви томонидан қўйилган таклиф асосида Олий кенгаш томонидан кўриб чиқилади. Унинг миқдори иш ҳақига нисбатан фоизда белгиланади. Пенсия тўловларининг Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунига асосан амалга оширилади. Ҳар бир кишининг пенсия миқдори аниқ белгиланади.

Нобюджет фондлар ўртасида муҳим ўрин тутадиган фондлардан яна бири “Давлат бандлик фонди”дир. У иш жойини йўқотганларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳамда уларни макроиқтисодий таркибий силжишларини ҳисобга олган ҳолда мутахассисликка ўқитиш, ўргатиш ва бошқа фаолият билан шуғулланади. Фонд иш берувчиларнинг маблағлари ҳамда республика ва маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлардан ташкил топади. Бундан ташқари ихтиёрий тарзда тўловлар ҳам фонд маблағларини кўпайтиришга олиб келади.

Соғлиқни сақлаш, саломатлик фонди мақсадли дастурларни амалга ошириш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш зарур бўлганда (масалан, эпидемия тарқалса) медицина ёрдами кўрсатиш, кадрлар тайёрлашни молиялаштириш билан шуғулланади. Фонд маблағлари давлат бюджети, давлат ва ижтимоий ташкилот, корхона, аҳоли хайр-эҳсон маблағлари асосида шаклланади. Ундан ташқари қимматли қоғозлар, кредит беришдан олинadиган даромадлар ҳам бўлиши мумкин.

Йўл фонди ва бошқа фондлар ҳам жамият ҳаётида ўз ўрнига эга. Бюджетдан ташқари фондлар ҳам ишлаб чиқаришнинг

ўсиш суръатига таъсир қилади. Молиявий қўллаб-қувватлаш орқали муҳим дастурлар амалга оширилади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш молиялаштирилади.

Кўпинча, бу фондларга ўз фаолиятини асосий йўналишлари бўйича солиқ тўлашдан озод қилинган ёки бошқа имтиёзлар берилган.

Хуллас, Ўзбекистонда бюджетдан ташқари фондлар муҳим рол ўйнайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлат томонидан кўзланган мақсад ва дастурларни амалга оширишда ўзига хос ўрин тутди.

### Асосий таянч тушунчалар

Молия	Қимматли қоғозлар бозори
Молиянинг функциялари	Акция
Молиянинг вазибалари	Дивиденд
Молия тизими	Акция курси
Давлат молияси	Акция курсига таъсир этувчи омиллар
Молия механизми	Фиктив капитал
Молия сиёсати	Фонд биржалари
Микромолия	Бирламчи қимматли қоғозлар бозори
Макромолия	Иккиламчи қимматли қоғозлар бозори
Молиявий ресурслар	Маклер
Хайрия фондлари	Брокер
Суғурта	Дилер
Суғурта хусусиятлари	Солиқ
Мажбурий суғурта	Солиқ турлари
Ихтиёрий суғурта	Солиқ тизими
Суғурта бадаллари	Солиқ принциплари(тамоийиллари)
Тиббий суғурта	Бевосита ва билвосита солиқлар
Молия бозори	Лаффер эффекти
Давлат бюджети	Бюджет тақчиллиги

### Такрорлаш учун саволлар

1. Молия деганда нимани тушунамиз? Молиянинг функциялари ва вазибалари деганда-чи?
2. Молия тизими нима, уни турли жиҳатдан ёндошиб таърифлаб бера оласизми?
3. Молия сиёсати деганда нимани тушунасиз? Молия механизми деганда-чи?
4. Суғурта молия тизимида қандай ўрин тутди? Суғурта категорияси молия ва кредитдан нимаси билан фарқланади ва қайси жиҳатлари билан ўхшаш?
5. Суғуртанинг қандай турларини биласиз?
6. Молия бозори таркибини айтиб бера оласизми? Улар бир-биридан қай жиҳатлари билан фарқланади?

7. Акция нима, акция курси-чи? Акция курсига қандай омиллар таъсир қилади?
8. Фиктив капитал нима? Реал капитал-чи?
9. Фонд биржалари нима? Фонд индекси-чи? Фонд индексининг ўзгаришига қараб қандай хулосалар чиқарса бўлади?
10. Қимматли қоғозлар бозори бошқа бозорлардан қандай фарқ қилади? Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишининг ўзига хос қандай хусусиятлари бор?
11. Солиқлар нима? Нима сабабдан солиқ тўлашни одамлар хуш кўришмайди?
12. Солиқлар қандай турларга бўлинади? Қандай солиқ ставкалари бор?
13. Лаффер эгри чизиғи нимани ифодалайди, Лаффер эффекти-чи?
14. Давлат бюджети нима, унга берилган таъриф бошқа иқтисодий адабиётларда берилган таърифдан фарқ қиладими? Сизнингча қайси таъриф унинг мазмунини тўлароқ очиб беради?
15. Бюджет тақчиллигининг сабаблари нимада? Тақчилликни қандай бартараф этиш мумкин?
16. Нобюджет фондлар деганда қандай фондларни тушунамиз? Уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кўрсатинг.

## ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ПУЛ НАЗАРИЯСИ

Пул — бу инсониятнинг энг буюк ихтироларидан бири. Шу билан бирга иқтисодийнинг энг қизиқарли бўлими. Пул оҳанг-рабодек одамларни ўзига тортади, гўзаллардек мафтун этади.

Уни топиш учун одамлар қийналишади, меҳнат қилишади, турли йўллари йўлаб топишади. Пул — ундан қутулиш учун ишлатиладиган ягона товар. Пулни ишлатмагунингизча у сизни овқатлантормайди, кийим-бош, уй-жой билан таъминламайди. Одамлар пул учун деярли ҳамма нарса қиладилар. Пул ниқоби-ни ўзгартириб турувчи топишмоқ.

Пул дастлаб ихтиро қилинганидан бошлаб, ҳозирги даврга-ча узоқ мураккаб йўлни босиб ўтди. Ҳозирги иқтисодий ҳаёт, бозор иқтисодиёти пул билан тирик.

Пул муомаласи иқтисодийнинг энг қизиқарли, мунозорали мавзуларидан. Пул иқтисодий ҳаётни енгиллаштирувчи оддий восита эмас, балки ўзида иқтисодийни қамраб олган даромад ва харажатларни доиравий айланишини амалга оширувчи механизм сифатида юзага чиқади.

Яхши ишловчи пул тизими тўла бандликни таъминлаш ва ресурслардан самарали фойдаланишга ёрдам беради. Агарда пул тизими яхши йўлга қўйилмаса ишлаб чиқариш ҳажми, бандлик, нарх даражасининг тебраниши рўй беришига олиб келади. Батартиб ресурслар тақсимоги таркибини ўзгартириб юборади. Шунинг учун биз пул, унинг табиати, пулнинг функциялари, пул тизими, пулга талаб ва таклиф мувозонати, инфляция ва унинг иқтисодий социал оқибатлари, инфляцияни жиловлаш муаммоларини билишимиз зарур.

Мазкур бобда айнан ана шу масалалар кўриб чиқилади.

### 1-§. ПУЛ МУОМАЛАСИ ТЎҒРИСИДАГИ НАЗАРИЯЛАР

Ишлаб чиқариш ресурслари бозорда пулга харид қилиниб, товарлар яратилади ва пул даромадларига айрибошланиб, истеъмолга ўтади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини уюштириш, пулларни айирбошлаш, уларни сақлаш, тақсимлаш, бўш пул-



ларни қарзга бериш, яъни уларни сотиш, пул воситасида молияни ташкил этиш каби иқтисодий алоқалар янада кучайиб, мураккаблашиб боради. Пул шаклидаги маблағлар бозор орқали ресурсга айланади ва улар иштирокида товарлар яратилади ҳамда сотилиб пул олинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомоласи асосий муаммолардан бири бўлиб қолади.

Маълумки, пул доимо иқтисодчиларнинг диққат марказида бўлган. Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомоласига аҳамият янада кучайди.

Пулнинг келиб чиқиши, табиатига назарий жиҳатдан икки хил: рационалистик ва эволюцион ёндашув мавжуд.

Рационалистик ёндашув асосчилари пулнинг келиб чиқишини кишилар ўртасида келишув туфайли юз берган деб тунунтиришади. Бу ёндашув XVIII аср охиригача ҳукм сурган. Бу субъектив психологик ёндашув ҳозирги пайтда ҳам айрим иқтисодчилар томонидан қўллаб-қувватланади.

Эволюцион ёндашувда эса пул жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти маҳсули деб қаралади. Пул объектив зарурият туфайли турли-туман товарлар ичидан барча товарларга айирбошланадиган махсус товар сифатида ажралиб чиққан.

Пулнинг келиб чиқиши ҳақидаги ҳар икки ёндашувга хос назарияларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин.

1. **Металлик пул назарияси.** Бу назарияга кўра қимматбаҳо металллар олтин ва кумуш ўз табиатига кўра пул. Бу назарияда пул ва қимматбаҳо металллар айнан бир хил нарса деб қаралади.

2. **Номиналистик пул назариясида** пул шартли белги, номинал ҳисоб-китоб бирлиги, унинг харид қуввати давлат томонидан қонунлаштирилади.

Бу назариянинг айрим намоёндалари пул олди-соттини тартибга солиш учун давлат томонидан ижод қилинган деган фикрни илгари суришади. Бу назария металл назариясига қарама-қарши назария бўлиб, пулни олтин билан алоқасини узади, пулга товар сифатида қараш рад этилади.

3. **Пулнинг меҳнат назариясига кўра** пул ички қимматга эга махсус товар. Унинг қиймати умумий эквивалент ролини бажарувчи махсус товар — олтин, кумушни қазиб чиқариш ва ундан тангалар тайёрлаш учун сарфланган меҳнат харажатлари билан ўлчанади.

4. **Пулнинг миқдорийлик назариясида** пул ички қадр-қимматга эга эмас. Пулнинг қиммати муомаладаги пул миқдори билан аниқланади деган фикр илгари сурилади.

Пул ҳақидаги назариялар ичида ҳозирги пайтда миқдорийлик назарияси энг обрўли назария ҳисобланади.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдори муаммоси капитализм ривожланишининг бошланиш даврига бориб тақалади.

“Янги дунё” Америка қитъаси кашф этилгач, у ерлардан

Европага қимматбаҳо металлларнинг оқиб келиши (1503—1560 йиллар давомида Испанияга 120 тонна олтин, 574 тонна қумуш олиб келинди) товарлар нархининг 2,5—4 мартагача ошиб кетишига олиб келди. Ана шундан сўнг иқтисодчилар муомаладаги пул миқдорини ўрганишга диққат-эътиборларини қаратдилар.

Миқдорийлик назариясининг асосчиси бўлиб, француз иқтисодчиси Ж. Боден (1530—1596) ҳисобланади.

XVIII асрда пулнинг миқдорийлик назариясини Англияда — Д. Юм ва Ж. Миль, Францияда Ш. Монтескьелар ривожлантиришди. Пулнинг миқдорийлик назарияси XX асрда кенг ёйилди, иқтисодчиларнинг диққат-эътибори қаратилди. Бунга сабаб пул муомаласи муаммолари ва қоғоз пулларнинг харид қобилиятини пасайиб кетиши бўлди.

Пулнинг миқдорийлик назариясининг ғояси оддий: муомалада мавжуд пул миқдорининг ўзгариши, товар ва хизматлар нархининг абсолют даражасини ўзгаришига олиб келади, у ўз навбатида пулнинг харид қувватини ўзгаришига олиб келади.

Бу назария пул ва товар бозори ўртасидаги боғланишни тушунишга ёрдам беради.

Пулнинг миқдорийлик назарияси ягона концепцияни ифодаламайди. Асосий ғоя атрофида иқтисодчиларнинг турли-туман фикрлари мавжуд бўлиб, у ҳар бир иқтисодчининг ўз қараши, нуқтаи назари, қўйган мақсади иқтисодий таҳлили билан боғлиқ.

Миқдорийлик назарияси ҳозирги пайтда кўпгина иқтисодчилар томонидан эътироф этиляпти. Бу назариянинг икки йўналиши мавжуд.

1. Трансакцион (transaction — инг.битим) ёндашув ёки И. Фишер варианты.

2. Кембридж мактаби ёки абсолют ликвидлилик (касса қолдиғи) варианты.

Трансакцион ёндашувда пулга аввало, айирбошлаш воситаси сифатида қаралади. Одамлар пулни олди-сотти (харажат) қилиш учун сақлашади. Даромад ортиши билан олди-сотти битимлари кўпаяди. У ҳолда даромадга пропорционал равишда пул захираси ҳам кўпаяди.

АҚШлик иқтисодчи ва математик И. Фишер пулнинг миқдорийлик назариясини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган олим. Кўпгина иқтисодчилар И. Фишер таклиф этган формуладан фойдаланишади. Бу формула  $M \cdot V = P \cdot Q$  (Бу ерда — пул массаси, — пулнинг айланиш тезлиги,  $P$  — товарларнинг нархи,  $Q$  — муомаладаги товарлар миқдори) нархларни пул масса-сига тўғри пропорционал боғланишда эканлигини кўрсатади. Пулнинг қадр-қиймати эса унинг миқдорига тескари пропорционал.

И. Фишер формуласи инфляция феномени (ҳодисасини

қоғоз, пул муомаласи нуқтаи назаридан) тушунишга ёрдам беради. Кўришиб турибдики, V билан Q ўзгармаса Mнинг ўсиши P нинг ўсишига олиб келади. И. Фишер вариантыда:

1. Фишер муомаладаги товар ва пулга аҳамият беради. Лекин захирадаги, омбордаги товарлар, жамғармадаги пуллар ҳисобга олинмаган;

2. Ундан ташқари пул айланиши тезлиги ҳамда бозорда товар реализацияси ҳажми ўзгармаслиги, доимийлиги шубҳа туғдиради.

Миқдорийлик назариясининг кембридж вариантыда бу камчиликлар қисман ҳисобга олинган. Унинг асосчилари А. Маршалл, А. Пигу, Д. Робинсонлардир. Агар И. Фишер асосий диққатни товар шартномалари, битимларига, муомаладаги пул ҳаракатига қаратган бўлса, кембридж мактаби пулдан даромад топиш тарзида фойдаланишдаги қонуниятларни аниқлашга қаратган. Бунда асосий диққат хўжалик субъектларининг нақд пул (яъни абсолют ликвидлик) **шаклида сақланаётган пул маблағларига, яъни касса қолдиғига қаратилган**. Алоҳида эътибор нақд пулни сарфлаш тезлиги ва даромадлар билан боғланишни тадқиқ этишга қаратилган. Нақд пул миқдори пул муомаласи масштаби, жамият анъаналари, хўжалик юритувчи субъектларнинг индивидуал тарзда нимани афзал кўришлари ва бошқаларга боғлиқ экани аниқланди. Шунинг ҳам эслатиш керакки, абсолют ликвидлигига қарамай, ҳеч ким бутун даромадини нақд пул шаклида сақлашдан манфаатдор эмас. Касса қолдиғи миқдорига иқтисодий конъюктура кўп таъсир ўтказиши.

Қулай шароитда нақд пул улуши даромадларда унча кўп эмас, ҳамда стабил бўлади. Инфляция иқтисодиётда муомалага нақд пул ташлаш, ҳамда уларни турли товарларга, хизматларга айлантириш активлашади, даромадда нақд пул улуши ортади.

Миқдорийлик назариясининг кембридж мактаби варианты кўйидаги формулада ифодаланади:

$$M = k \cdot P \cdot Y$$

M — пул массасининг ҳажми.

k — Маршалл коэффиценти, хўжалик юритувчи субъектлар номинал даромадларининг нақд пул (касса қолдиғи) шаклида сақланаётган қисми;

P — товар ва хизматлар нархининг умумий даражаси;

Y — жамиятнинг маълум бир вақт давоми (1 йил)даги реал даромади, яъни бозордан сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори;

P·Y — номинал даромад.

**Формула пулга талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанат шартларини** характерлайди.

Агар  $M \cdot Y = P \cdot Y$  бўлса, тенгламани ҳар икки томони Vга бўлсак

$M=PY/V$  шаклини олади. У ҳолда  $1/V=k$ , яъни  $k$  — Маршалл коэффициенти пул айланиш тезлигининг бошқача, тескари ифодасини кўрсатади.

Хар икки вариант ўртасида формула алоқаси мавжудлигига қарамай кембридж мактаби бошқача назарий ғояларга асосланади. У таҳлилни иқтисодийнинг ҳамма субъектлари томонидан қабул қилинган иқтисодий ечимга келиш таҳлилига кўчирди. Иқтисодий сиёсатни белгилашда ҳукуматнинг пул эмиссия қилишинигина эмас, балки тадбиркорлар, банкирлар, аҳолини кўп ёки кам миқдорда пул маблағларини нақд пул сифатида сақлашини ҳам ҳисобга олиш керак.

Пул назариясида нуфузли оқим монетаризм бўлиб, бу назарияда “барқарор пул назарияси” олға сурилади. Монетаризмда ҳам асосий формула миқдорийлик назариясида қўлланган тенглик бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми билан пул массаси ўртасидаги боғланиш ифодаланади ҳамда бу мувозанат бош мувозанат деб қаралади.

Монетаризм назариясининг кўзга кўринган намоёндаси М. Фридмен ҳисобланади. Ҳозирги монетаризмнинг бир гуруҳ вакиллари қаламига мансуб. “Пулнинг миқдорий назариясига оид тадқиқотлар” (1956й.) деб номланган асар билан асос солинган.

Фридмен ва унинг сафдошлари иқтисодий ўсишнинг энг муҳим шарти инфляцияни жиловлаш ва пулни соғломлаштириш деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича давлатнинг иқтисодийга аралашishi инфляциянинг кучайиб кетишига олиб келади, шу боис давлатнинг иқтисодий фаолияти пул муаммоларини тартибга солиш билан чекланиши керак.

## 2-§ . ПУЛ ТИЗИМИ

### Монометалл пул тизимида пулнинг функциялари

*Пул тизими деганда мазкур мамлакатнинг пул муомаласини қонуний асосда ташкил этиш ва унда қўлланиладиган услублар тушунилади.*

Пул муомаласи эса ҳўжалик оборотида пулнинг доимо ҳаракатда бўлиши, пулни ўз функцияларини тўхтовсиз бажариб туришидир.

Пул тизими тарихан шаклланиб, қонун асосида мустаҳкамланган. Республикамизда Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1992 йилдан бошлаб мустақил миллий пул тизими шакллантирилди.

Пул тизимини ташкил қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Пул бирлиги. Пул бирлигининг номи шу давлат аҳолиси

миллий анъаналари, одат-русумларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

*Масалан*, АҚШда доллар, Буюк Британияда фунт стерлинг, Германияда марка, Россияда рубл, Японияда йен, Қозоғистонда танга, Ўзбекистонда сўм, Хиндистонда рупий ва ҳоказолар. Деярли барча мамлакатларда пул бирликлари 100 бўлимдан иборат, масалан, АҚШнинг 1 доллари 100 сент, Россиянинг 1 рубли 100 копеек, Ўзбекистоннинг 1 сўми 100 тийиндан иборат.

Пул бирлиги номи давлат миқёсида қонун билан расмийлаштирилади. Ҳар бир давлат ўз пул тизими тўғрисида чиқарган қонунида биринчи навбатда пул бирлиги, унинг номини белгилайди. Пул бирлиги ва унинг номини ўзгартириш, пул тизимини ўзгартириш билан баробардир.

2. Пул турлари. Муомалада ишлатиладиган пул турлари пул тизимининг муҳим таркибий элементи ҳисобланади.

Бугунги кунда муомалада танга пул, қоғоз пул, кредит шаклидаги пул, чек шаклидаги пул, ҳамда электрон пуллардан иборат.

3. Пул эмиссияси тартиби. Муомалага чиқариладиган пулларни шакл-шамойили, уларни қалбаки пул ясовчилардан ҳимоя қилиш белгилари, пул эмиссия қилиш ва муомаладан олиш кабилар белгиланади.

4. Муомаладаги пул массасини тартибга солувчи давлат муассасаси белгиланади. Одатда, бу вазифани деярли барча мамлакатларда Марказий банк, АҚШда федерал резерв системаси бажаради.

5. Нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириш тартиби. Бунда қайси соҳаларда, қандай тартибда, қандай асосий шаклларда амалга оширилиши белгиланади.

6. Миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш тартиби белгиланади.

Пулларни умуман олганда 2 гуруҳга бўлиш мумкин:

а) Нақд пуллар, яъни аниқ моддий шаклга, яъни қоғоз, танга пул шаклига эга бўлган, қўлдан-қўлга ўтиб турувчи ва турли тўловларга хизмат қилувчи пуллар;

б) Нақд бўлмаган пуллар, яъни аниқ моддий шаклга эга эмас, банкдаги бир жорий, ҳисоб рақамидан бошқасига кўчириб ёзиб қўйиш орқали ҳаракат қилувчи пуллар.

Муомала даражаси жиҳатдан ҳам пуллар икки гуруҳга бўлинади:

1. Миллий пул – мамлакатнинг ўз пули;

2. Халқаро ёки мамлакатлараро байналмилал пул. Махсус чиқарилган жаҳон пули йўқ, лекин бундай ролни энг қадрланадиган, эркин конвертирланадиган пуллар ўйнайди. Ҳозирги пайтда дунёда 5 мамлакат валютаси: АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, Япония йенаси, Франция франки, Германия

маркаси шу вазифани бажаради. Европада 1999 йилгача ўзаро ҳисоб-китоб учун умумий пул — эю ишлатилган, аммо эю миллий пул ўрнини босмаган, нақд бўлмаган пул, ундан аҳоли фойдаланмаган. 2002 йил январидан бошлаб Европа ҳамжамияти мамлакатлари учун миллий бўлган нақд пул “Евро” муомага киритилган.

Пул тизимини тарихан икки типини кўрсатиш мумкин:

1. Металл пулларга асосланган пул тизими.
2. Кредит ва қоғоз пул муомаласи тизими.

Биринчи тизимнинг ўзига хос томони муомалада тўлақонли олтин ёки кумуш пуллар амал қилиб, у пулнинг барча функцияларини бажаради. Унинг ўзи биметалл ва монометалл тизимларга бўлинади.

Биметалл — пул тизими икки металл олтин ва кумушнинг қонуний тартибда умумий эквивалент ролини бажаришидир.

Маълум босқичда кўплаб кумуш конлари топилиб, ишга туширилгач, кумуш нархи тушиб кетиши туфайли олтин ягона умумий эквивалент вазифасини бажарадиган бўлиб қолди. Биметалл пул тизими ўрнига монометалл тизим келди.

Биметалл пул тизимида олтин ва кумуш, монометалл — пул тизимида бир металл олтин товарлар алмашувида умумий эквивалент ролини бажаради.

Мувофиқ равишда металл пул тизимида пулга классик нуқтаи назардан берилган таъриф “Умумий эквивалент ролини бажарувчи товар пул дейилади” қойдаси кенг тарқалган.

Тарихан узоқ вақт давомида пул ролини олтин бажариб келди.

Монометалл пул тизимининг ўзи 3 турга бўлинади:

- А) Олтин монета стандарти. У биринчи жаҳон урушига қадар;
- Б) Қўйма олтин стандарти. Англия, Франция биринчи жаҳон урушидан 20-йилларгача;
- В) Олтин девиз стандарти. XX асрнинг 20-йилларидан 30-йилларигача амал қилган.

Олтин монометалл биринчи марта XXIII асрнинг охиридан Буюк Британияда, XIX асрнинг охирида Германия, Франция, Япония, Россияда кенг тарқалди. Олтин стандарт олтин монеталар шаклида (классик шаклда), камёб, қимматбаҳо металл қўймалари шаклида ва олтин девиз шаклида (қоғоз пулларни чекланмаган ҳолда олтинга алмаштириш мумкин бўлган) амал қилиб, пул бешта функцияни бажарган.

1. Пул қиймат ўлчови. Пул барча товарларнинг қийматини ўлчайди. Буюмнинг пулда ифодаланган қадр-қиммати баҳо (нарх) дейилади.

Товарларнинг баҳоси умумий эквивалент ролини бажараётган товар-олтиннинг миқдориди ифодаланади. Қиймат ўлчови функциясини бажариш учун нақд пулнинг ўзи керак эмас. Сотувчи товарга нарх белгилар экан, товар нархига тенг бўлган

пул миқдорини хаёлан кўз ўнгига келтиради. Бу пул маълум миқдордаги олтинга тенг бўлиб, у давлат томонидан белгиланган баҳолар масштабига боғлиқ. Баҳо масштаби деб, пул бирлигида ифодаланган олтин миқдорига айтилади.

*Масалан:* АҚШда 1971 йилгача доллар 0,818513 грамм соф олтинга тенг бўлган, агар бирор буюм, айтайлик оёқ кийимнинг баҳоси 100 доллар бўлса, у  $0,818513 \times 100 = 81,8513$  грамм олтинга тенг деган маънони беради. Ҳар бир мамлакатнинг пул бирлигидаги олтин миқдори турлича бўлган.

2. Пул муомала воситаси функциясини бажарганда харидор ва сотувчилар қўлида узоқ ушланиб турмайди. Пулнинг қўлдан-қўлга ўтиб юриши охир оқибат тўлақонли пулларни тўлақонли бўлмаган пуллар билан алмастиришга олиб келади.

Дастлаб, олтин муомала воситасининг функциясини тилла қуймалар тарзида бажарган. Ҳар сафар алмашув жараёнида қуйма олтинларни тарозида тортиб, керакли миқдорини ажратиш борган сари қийинлашиб бориши сабаб аввалига алоҳида савдогарлар, кейинчалик давлат унча катта бўлмаган олтин бўлақчаларига маълум шакл бериб, ундаги олтин миқдорини белгилаб муҳр босадиган бўлдилар. Натижада ҳар бир олди-сотидан сўнг олтин тортишдек машаққатли иш енгиллаштирилди. Олтин пул сифатида танга монета шаклини олди. Кейинчалик, муомаладаги пуллар ейилиб, ундаги тиллани камайиши, ўз оғирлигини йўқотиши муомалада қоғоз пулларни пайдо бўлишига олиб келди. Муомалада металл монеталарнинг ўринбосари сифатида қоғоз пуллар ишлатила бошланди.

3. Товарларни сотиб олганда пули тўланмай насияга олинishi мумкин. Товарлар пулини маълум муддат ўтгач тўланиши мумкин, бунда пул тўлов воситасини бажаради. Пулнинг ҳаракати алоҳидалашади. *Масалан:* иш ҳақи тўланиши ўз навбатида турли молиявий мажбуриятларни (қарз бўйича, солиқ, ижара ва шунга ўхшаш) бажарилишига олиб келади.

Қарз мажбуриятлари ўз навбатида пулнинг янги шакли кредит пулларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Ўз товарини қарзга сотган сотувчи харидордан вексел (қарз мажбурияти) олиши мумкин ва уни ўз навбатида пул ўрнида ишлатиши мумкин. Лекин вексел ишлатиш чекланган, чунки у фақат битта вексел эгасининг мулки билан қаноатланади. Банклар хусусий векселлар ўрнига уларга нисбатан кафолати мустақкам банкнот (банк билетлари) чиқара бошладилар. Улар олтин билан таъминланган бўлиб, муомалада кенг ишлатила бошланди.

4. Пул хазина тўплаш воситаси бўла олади. Агар харидор пулига зарур товар олишни кейинга суриб, уни муомаладан чиқарар экан, пул хазина тўплаш функциясини бажаради. У умуман, бойлик сифатида тўпланади. Бунда фақат олтин моне-

талар эмас, қуйма тиллалар, тилла буюмлар ҳам (пул ясаладиган хом ашёнинг ҳамма кўринишлари) бу вазифани бажариши мумкин.

5. Халқаро миқёсда пул жаҳон пули функциясини бажаради.

Бунда пуллар ўз “миллий кийим”ларини ечиб, натурал шаклда, қуйма олтинлар шаклида ишлатилган. Мамлакатлар ўртасида ҳисоб-китоб ҳар бир мамлакатнинг пул бирлигида ифодаланган олтин миқдори асосида юритилган. Банклар орқали ўзаро бир-бирини қопловчи ҳисоб-китоблар қилиниб қарз қоланмай қолгандагина олтин билан тўланган.

### **3-§. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПУЛ ТИЗИМИ**

#### **Пул агрегати ва унинг таркибий тузилиши**

XX асрга келиб олтин стандарт пул тизими ўз ҳаракатини тўхтатди.

Унинг ҳалокати икки босқичда содир бўлди. Биринчи қаттиқ зарбани 1929—1933 йилларда рўй берган жаҳон иқтисодий кризиси берди. Фарб мамлакатларида қимматбаҳо қоғозлар қиймати 3—4 марта тушиб кетди. Қоғоз пулларнинг ҳаддан ташқари қадрсизланиши кучайиб, уларни олтинга алмаштириш мумкин бўлмай қолди. Лекин шу билан бирга олтин деярли жаҳон пули функциясини бажарди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШнинг иқтисодий қудрати ортиши туфайли ҳамма мамлакатлар ўртасида (тўлов баланси) ўзаро ҳисоб-китоблар асосий валюта сифатида АҚШ долларига нисбатан олиб борилишига эришган эди. Бунда мамлакатларнинг марказий банклари халқаро қарз мажбуриятларини бажармаганлари учун доллар ўрнига олтин олишлари мумкин эди.

Лекин АҚШ доллари олтинга алмаштириш имкониятини йўқота борди.

1971 йилга келиб товарлар нархи урушга қадар бўлган даражадан 3 мартадан кўп ошиб кетди. Долларда ифодаланган олтин миқдори эса сунъий равишда 1934 йил даражасида сақланиб қолди. Ундан ташқари жуда кўп олтин доллар билан бирга Фарбий Европага (евродоллар), яқин Шарққа (нефтедоллар) кетиб қолди. Иқтисодчиларнинг ҳисобларига кўра АҚШда чиқарилган пулнинг 15% и мамлакатда қолиб, 85%и дунё бўйлаб тарқаб кетган. Агарда бу пулларни олтинга алмаштириш зарурати туғилса, ҳатто қазиб олинмаган фақат захиралари тахминий ҳисобланган олтинларни қўшганда ҳам етмайди. Натижада АҚШда долларнинг олтин миқдорини таъминлаш учун зарур бўлган олтин жуда оз бўлиб, АҚШ долларни олтинга алмаштиришдан воз кечишга мажбур бўлди.



Декабр 1971 йилдан бошлаб олтин стандарти тўла бекор қилинди. Олтинни пулнинг барча функцияларини бажаришдан маҳрум этиш, яъни демонетизация қилиш амалга оширилади. 1976—1978 йилларда Ямайкада ўтказилган давлатлараро келишувга мувофиқ давлатлар ўз қарз мажбуриятлари ва бошқа тўловларни тўғридан-тўғри олтин билан қоплаш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар. 1976 йил 1 январдан бошлаб Халқаро валюта фонди томонидан олтиннинг қатъий белгиланган жаҳон баҳоси бекор қилинди.

Монометалл пул тизими ўрнига кредит ва қоғоз пул муомаласи тизими кириб келди. Пул аввалги иқтисодий мазмунини бирмунча йўқотди. Қоғоз пуллар олтиндан фарқ қилиб ички қийматга эга эмас.

Қоғоз пулда кўрсатилган рақам уни тайёрлаш учун қилинган харажатларни ифодаламайди. *Масалан*, АҚШнинг 100 долларини зарб қилиш учун 25 цент сарфланар экан, 100 сўмликин босиб чиқариш учун ҳам албатта ундан кам маблағ сарфланади.

Пулнинг олтин асосини бекор қилиниши билан илгари берилган таъриф энди тўғри келмай қолди.

Ҳозирги пайтда кўпчилик иқтисодчиларнинг фикрича қоғоз-кредит пул тизимида пуллар декрет (қонун кучига эга бўлган қарор) пулларидан иборат. У ҳолда пулга қуйидагича таъриф бериш мумкин: *Ҳукумат томонидан белгиланган ҳар қандай товарга айирбошлаш ёки қарз тўлашга қабул қилинадиган нарса (восита) пул дейилади.*

Пулнинг олтин асосини бекор қилиниши унинг икки функциясини бошқалари билан қўшилиб кетишига олиб келди. Ҳозирги пайтда пул 3 функция: айирбошлаш ва тўлов воситаси, қийматнинг (нарх) ўлчов воситаси, жамғариш воситасини бажаради.

Айирбошлаш ва тўлов воситаси сифатида пул товар олди-соттиси, хизмат кўрсатишда ишлатилади. Тикувчи у бажарган иши учун мато билан ҳақ тўлашларини хоҳламайди. Корхона эгаси, айтайлик тўқилган мато учун нон беришларини хоҳламайди. Пул эса тўлов воситаси сифатида дарров қабул қилинади. У ҳар қандай товар ва хизматларга айирбошланиши мумкин. У бартер (мавозе) алмашувининг ноқулайликларига барҳам беради.

Қадр-қиммат ўлчови воситаси ёки қадр-қиммат стандарти сифатида ишлатилиши ҳам тубдан ўзгаради. Жамият пулнинг турли неъматлар ва ресурсларнинг нисбий қимматини ўлчаш, таққослашда энг қулай восита ҳисоблайди.

Масофани м, км ва бошқаларда ўлчаганимиздек, турли неъматлар ва хизматларни пулда ўлчаймиз. Бунда энг асосийси ҳар бир маҳсулотни бошқа бир маҳсулот орқали ифодалаш машаққатидан қутуламиз.

*Пул турли қимматларни ўлчовида эталон сифатида фойдаланилади. Пулнинг қадр-қиммати деганда пул бирлигининг харид қобилияти, яъни унга қанча товар ва хизматлар харид этиши мумкинлигини тушунилади. У баҳо тарзида юзага чиқади. Лекин бу ерда шундай савол туғилади, нима сабабдан қоғоз пулларга ҳозир ҳар қандай товар, хоҳласангиз олтин буюмлар сотиб олишингиз мумкин?*

Ғарбдаги иқтисодчилар буни шундай тушунтирадилар. Ҳозирги кунда пул сифатида давлат, банклар ва омонат муассасаларининг қарз-мажбуриятлари муомалада юради. Бу мажбурият пул функциясини бажариши, энг аввало давлат томонидан қонулаштирилган. Нақд пуллар — бу қонуний тўлов воситаси. Ҳар бир киши уни олишга тайёр, чунки билади, қатъий ишонди, ундан ҳам албатта бошқа киши ҳеч қандай қаршиликсиз товари, кўрсатган хизмати учун қабул қилади.

Пул жамғариш воситасини бажаради. Пулни тезда ҳар қандай бошқа товарга айирбошлаш мумкин, яъни у юқори ликвидли. Сақлаш учун қулай. Кишилар пулни қўлга киритишларидан то сарфлагунларича молу-давлат сифатида жамғарилади.

Жамғариш воситасини бажарганда пул эгаси ҳеч қандай даромадга эга бўлмайди. *Масалан*, кўчмас мулк, қимматбаҳо қоғозлар даромад келтиради. Лекин унинг афзаллиги шундаки, пулдан тезда ҳар қандай молиявий мажбуриятни қондириш учун фойдаланиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт субъектлари ўртасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар нақд пулсиз ва нақд пул ёрдамида олиб борилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлиб, миллий хўжаликда товар ва хизматлар ҳаракатини таъминловчи нақд пул ва нақд бўлмаган муомала ва тўловлар учун ишлатиладиган воситалар пул массаси дейилади. Унинг бир қисми актив бўлиб, уни нақд пул, иккинчи қисми пассив квази пул (лотинча quasi — деярли, худди) ташкил этади.

Пул массасини нақд пулга айлантиришнинг имконияти турлича. Ана шу нақд пулга айлантириш имконияти ликвидлик даражаси дейилади. *Ликвидлик даражаси турлича барча пул воситаларини муайян нисбатларда яхлит пул массасини ташкил этиши, пул комплекси, бошқача айтганда пул агрегати дейилади.*

Пул агрегати ликвидлик даражаси абсолют бўлган (100%) нақд пулдан бошлаб, борган сари ликвидлиги камайиб борувчи пул воситаларидан ташкил топади.

Ликвидлик деганда тез реализация қилиш имкониятига эга бўлиш тушунилади. Ликвидлик даражаси турлича бўлишининг ўзи пулнинг келиб чиқишига сабаб бўлган:

1. У ёки бу товарни сотиб олмоқчи бўлганларни чекланганлиги.
2. Шу товарнинг ишлатилиши соҳаси чекланганлиги.

3. Сотиш мумкин бўлган вақтнинг чекланганлиги (товар маълум вақт ичида сотилмаса, сифати бузилади, модадан қолади ва ҳ.к.).

*Энг юқори даражада реализация қилиш қобилиятига эга бўлган товар пулга айланади. Нақд пул — бу абсолют (100% лик) ликвидликка эга бўлган айирбошлаш воситасидир.*

Пул агрегати биринчи навбатда  $M_0$  — абсолют ликвидликка эга бўлган муомаладаги нақд пул массасини ўз ичига олади.

Пул агрегати  $M_1 = M_0 +$  банклардаги муддати кўрсатилмаган депозит (омонат)лар ва чеклардан иборат.

$M_2 = M_1 +$  муддати кўрсатилган депозитлар, ночек жамғармалар.

$M_3 = M_2 +$  йирик жамғармалар, хусусий фирма, ташкилотларнинг ҳисоб рақамлардаги омонатлар, муддати кўрсатилган йирик жамғармалар (АҚШда улар 100 минг доллардан ортиқ)дан иборат, бундай маблағларни банкларнинг депозит сертификатлари тарзидаги чекларга айлантириш унча қийин эмас. Лекин у маълум йўқотишларга учрайди. Уларни пулга айлантириш учун маълум муддат кутишга тўғри келади.

Энг умумий пул агрегати  $L = M_3$ дан ташқари турли қимматбаҳо қоғозларни (пулга айлантириш қийинроқ) ўз ичига олади.

Умуман олганда пул агрегатлари сони турли мамлакатларда турлича. *Масалан* АҚШда, Япония, Италия 4 агрегат, ГФРда 3, Франция 10. Ўзбекистонда пул массасини пул агрегати асосида таҳлил этиш бозор иқтисодиётига ўтишдан бошланди.

Турли мамлакатларнинг пул тизими аҳволи, энг аввало пул массасининг умумий ҳажми ва унинг алоҳида пул агрегатларига бўлиниши билан боғлиқ. Барқарор пул тизимига эга бўлиш учун пул массаси  $L$ да агрегат  $M_1$ нинг улуши унча кўп бўлмаслиги керак. *Масалан*, АҚШда, Японияда 90 йилларнинг ўрталарига пул агрегатлари улушлари ўртасида нисбат куйидагича бўлган:

Пул агрегати	$M_1$	$M_2$	$M_3$	$L$
Улуши (%)				
АҚШда	15	65	80	100
Японияда				
Россияда	50	70	80	100

Кўриниб турибдики, Россияда юқори даражадаги ликвидликка эга бўлган пул масаси ҳажми ривожланган мамлакатлар АҚШ ва Японияга қараганда юқори. Бизнинг республикамизда ҳам шундай аҳволни кузатиш мумкин. Бу муддати кўрсатилган омонат ва давлат қимматбаҳо қоғозларининг улуши пастлиги-

дан дарак беради. Натижада пул муомаласини тартибга солиш ҳам қийинлашади, иқтисодий стабилликка таъсир этади.

Нақд пул ҳаракати банкдан бошланади, корхона, ташкилот кассасига, аҳоли қўлига ўтади. Олди-сотти, тўлов харажатлари бажарилгач, яна банкка қайтиб тушади, нақд бўлмаган пуллар банкдаги бир ҳисоб рақамидан бошқасига ўтказиш орқали ҳаракат қиладиган пуллардир. Иқтисодиётдаги энг муҳим муаммо ана шу пуллар ҳаракатини, яъни пул муомаласини тартибга солишдир.

#### 4-§. ПУЛ МУОМАЛАСИ ҚОНУНИ

Ҳар бир мамлакатда иқтисодиётнинг ҳолатига, эришган даражасига кўра турли миқдорда пул айланиб туради.

Давлат муомалага пул чиқарар экан, энг аввало қанча миқдорда эмиссия қилиш кераклигини аниқлаш зарур.

Иқтисодиёт учун зарур пул миқдори икки омилга боғлиқ:

1. Маълум вақт (йил) давомида ишлаб чиқарилган **маҳсулот миқдори ва уларнинг нархи**. Масалан, 10 турдаги товар, куртка ва плаш 50 минг сўмдан 100 та, костюм-шим, палто 100 минг сўмдан 200 та, 6 турдаги кўйлақлар 5минг сўмдан 600 та бўлсин. У ҳолда  $(50 \times 100) + (100 \times 200) + (5 \times 600) = 5000 + 20000 + 3000 = 28000$  минг сўм ёки 28 млн. сўмлик товар ишлаб чиқарилди. Уларни олди-сотти қилиш учун шунча пул чиқариш зарурми?

Агарда шу товар йилига бир марта сотилса, шунча пул керак бўлади. Лекин товарлар тўхтовсиз сотилиб туради, демак, пул ҳам тўхтовсиз ҳаракатда бўлади, қўлдан-қўлга ўтади. Шу сабабли пул эмиссиясида пулнинг ҳаракат тезлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

2. **Пулнинг айланиш (оборот) тезлиги.**

Бу пул бирлигининг йил давомида неча марта олди-соттига хизмат қилганини “қўлдан-қўлга” ўтганини кўрсатади. Мисоли-мизга қайтсак, агар пул бирлиги йил давомида 10 марта олди-соттига хизмат қилди десак, 28 млн. сўм:  $10 = 2800$  минг сўм пул керак бўлади.

Кўришиб турибдики, муомаладаги пул миқдори товарлар миқдори ва нархи ҳамда пулнинг айланиш тезлиги билан боғлиқ экан. Бу боғланиш пул муомаласи қонунида ўз ифодасини топади.

Пул муомаласи қонунига кўра муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул миқдори барча сотиладиган товарлар ва хизматлар нархининг жами суммасига тўғри пропорционал, пул ҳаракати тезлигига тескари пропорционалдир.

Унинг математик ифодаси қуйидагича:

$$M = \sum_{i=1}^n PQ / V$$

М – муомала учун зарур пул миқдори;

$\Sigma PQ$  – йил давомида яратилган ЯИМ (ЯММ) ёки турли нархлар даражасида сотиладиган турли товарлар ва хизматлар миқдори (суммаси);

V – пулнинг айланиш тезлиги;

Пулнинг айланиш тезлиги:  $V = 12/T$

1 йил = 12 ой ёки 365 кун,

T – бир пул бирлигининг 1 марта айланиш учун кетган вақт, яъни пулнинг банкдан чиқиб, яна қайтиб келиши учун кетган вақт.

Кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилган товарлар миқдори кўп, нархи юқори бўлса, шунча кўп пул талаб этилар экан ёки аксинча.

Пул қанча тезроқ банкка тушиб, яна қайта муомалага чиқса, шунча кам миқдорда пул керак бўлади ёки аксинча.

Монометалл – олтинга асосланган пул тизимида муомалада олтин бўлгани туфайли муомала учун зарур пул товар миқдорига, нархига қараб айирбошлаш вазифасини бажарган, қолган қисми жамғариш воситаси сифатида бойлик тарзида тўпланган. Олтиннинг ўрнига унинг белгиси бўлган қоғоз пуллар чиқарилганда ҳам давлат томонидан белгиланган баҳо масштаби орқали мажбурий курс асосида пул муомаласи тартибга солинган учун пулга бўлган талаб билан таклифни мувозанатга келтириш нисбатан осон кечган.

Пулнинг олтин асоси бекор қилинганч, пул муомаласида ҳам ўзгаришлар юз берди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай товар талаб ва таклиф таъсирига берилгани каби, пул ҳам унинг таъсирида бўлади. *Пул таклифи муомалага чиқарилган маълум турдаги пул миқдоридир.* У талабдан ортиб кетса, пулнинг қадр-қиймати пайсалаб кетсади, яъни нарх ўсишига сабаб бўлади. Кам бўлганда **тўлов кризиси** юзага чиқади. *Масалан*, 90 йилларнинг ўрталарида МДХ мамлакатларида корхона, ташкилотлар, бир-бирлари га пул тўлай олмай қолдилар. Пул обороти секинлашиб, пул етмай қолди.

Пулга талаб хўжалик обороти учун зарур бўлган пул миқдоридир.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдори ҳақида гапирилар экан, энг аввало қайси пул тури ҳақида эканлигини аниқлаб олишимиз керак, яъни қайси пул агрегати асосида пул миқдорини белгилаш зарур. **Бу агрегат  $M_1$** , яъни нақд пулларнинг ҳамда корхона ва фуқароларнинг банклардаги жорий рақамларида (нақд бўлмаган) муддати кўрсатилмаган омонат дафтарчаларидаги пуллардир.

Демак муомаладаги пул миқдори ишлаб чиқарилган номинал ялпи миллий маҳсулотга, ҳамда пулнинг айланиш тезлигига боғлиқ экан.

Пул муомаласи тенгламасини америкалик иқтисодчи олим Ирвинг Фишер юқорида кўрсатиб ўтганимиздек  $MV = PQ$  тарзида ифодалайди. Фишернинг фикрига кўра, товарлар бозорга киргунга қадар ўзининг ҳақиқий нархига эга эмас. Товар бозорга киргандан сўнг пул массасининг миқдорига қараб унинг бозор нархи шаклланади.

Бинобарин муомаладаги пул массаси товар нархини белгилайди.

Формулага биноан мамлакатда қанча кўп ялпи миллий маҳсулот яратилса шунча кўп пул талаб этилади, аксинча бўлса пул массасини қисқартириш керак.

Инфляция шароитида нарх кўтарилар экан, хоҳлаймизми йўқми, нормал тарзда товар айирбошлашни амалга ошириш учун пул массасини кўпайтиришга мажбур эканмиз. Бу қоида-нинг бузилиши пул етишмовчилигига олиб келади.

Муомаладаги пул массаси деганда фақатгина нақд пуллар эмас, нақд бўлмаган пулларни ҳам назарда тутамиз, яъни  $M_1$  (нақд пуллар  $M_0$  + банк жорий, ҳисоб рақамларидаги омонатлар). Демак пул массасини кўпайтириш учун қўшимча пул эмиссия қилиш ёки шу рақамлардаги пулларни кўпайтириш ёки камайтириш орқали ҳам эришиш мумкин экан.

Иккинчи диққат эътибор қаратиладиган нарса пул айланиш тезлиги. Кўриб ўтганимиздек у пул массаси миқдорига тескари пропорционал. Лекин уни тўғридан-тўғри ҳисоблаш қийин. Шунинг учун бошқа усуллардан фойдаланилади. Уни икки кўрсаткич асосида ҳисоблаш қабул қилинган:

1) Даромадлар кругообороти, пулни айланиши асосида, яъни ЯММ ни (баъзан МД), пул  $M_1$  массасини маълум бир вақтда ўртача миқдорига нисбати тарзида ҳисобланади.

2) Тўлов оборотида пулнинг айланиши асосида, яъни банк жорий рақамларидан ўтказилган маблағ суммасини пул массасини ўртача миқдорига нисбати тарзида ҳисобланади. Бу кўрсаткич ЯММ ҳажмига кирмайдиган чайқовчилик битимларини катта ҳажмини ҳам ифодалайди.

Пул айланиш тезлигини ошириш муомаладаги пул массасини қисқартиришга олиб келади, шунинг учун турли услублардан фойдаланиб, тезлигини оширишга ҳаракат қилинади. Улардан банк операциялари муддатини қисқартириш, даромадлар айланишини тезлаштириш. АҚШ да бу кўрсаткич йилига 6—7 мартага тенг. Уни қуйидагича топиш мумкин:

$$1998 \text{ йили } \frac{СММ}{M_1} = \frac{3964 \text{ млрд.дол}}{784 \text{ млрд.дол}} = \frac{СММ}{M_1} = \frac{4357}{784} = 6$$

Ундан шундай хулоса чиқариш мумкин:

1) давлат муомаладаги пул миқдорини тартибга солиш орқали нархга таъсир этиши мумкин.

2) пул массасини турли пул агрегатларидан таркиб топганини ҳисобга олсак, товар массаси ва корхоналарга мувофиқ равишда зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ниҳоятда қийин.

## § 5. ИНФЛЯЦИЯ ВА УНИНГ САБАБЛАРИ, ТУРЛАРИ

Иқтисодиётда инфляциянинг юз бериши анча узоқ вақтларга бориб тақалади. Инфляция термини (лотинча *in flatio* — иширилган) биринчи марта Шимолий Америка 1861—1865 йиллардаги граждан уруши даврида ишлатила бошланди. Шу даврда бу термин қоғоз пул муомаласини англатар эди. XIX асрга келиб бу термин Англия ва Францияда ишлатиладиган бўлди. Иқтисодий адабиётда I жаҳон урушидан сўнг инфляция тушунчаси кенг ишлатила бошланди.

Асримизнинг бошида АҚШ президенти К.Куллидж «Инфляция қарз мажбуриятларидан тониш, давлат банк билетларини бекор қилиш» деб таъриф беради.

Америкалик социолог Жон Гелбрайт инфляцияни таърифлаб, «Пулнинг товар орқасидан қувиши» деган эди.

Инфляциянинг нисбатан умумий ҳамда анъанавий таърифи қуйидагича: *Инфляция* — муомалада керагидан ортиқча пул пайдо бўлиб, нарх-наво ўсиб, пул қадр-қиймати яъни харид қобилиятининг пасайиши, пулнинг обрўсизланишидир.

Инфляция — бу барча товар ва хизматларга бўлган нарх индексининг кўтарилишидир.

Инфляция нархларнинг ўсиш даражасини ўлчаш билан аниқланади. Кўпинча бунинг учун нархларнинг ўсиш динамикасини ифодаловчи кўрсаткичлардан фойдаланилади. Асосий кўрсаткич бўлиб нарх индекси ҳисобланади. У жорий йилдаги ўртача нархларни аввалги йилдаги ўртача нархларга нисбати тарзида ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасида улгуржи баҳолар индекси, чакана нархлар (истеъмол) индекси, ЯИМ, ЯИМ дифлятори — индекси, экспорт ва импорт нархлари ва бошқалар ҳисобланади.

Аммо инфляцияни пулнинг қадрини пасайиши, муомалада қоғоз пулларнинг кўпайиб кетиши тарзида кўрсатиш тўлиқ эмас, у нархларнинг ўсиши тарзида намоён бўлса ҳам уни фақат пул билан боғлаш ярамайди. У мураккаб иқтисодий воқелик, у бутун такрор ишлаб чиқаришнинг диспропорцияси, мутаносибликни бузилишини ифодалайди.

Инфляция ҳозирги пайтда кўпгина мамлакатларда энг долзарб иқтисодий муаммо саналади.

Пул муомаласи ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам товар нархи кўтарилиши мумкин. Меҳнат унумдорлигини ўзгариши, циклик ва сезонли тебранишлар, таркибий силжиш-

лар, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши, янги солиқ ставкаларини белгилаш, бозор конъюктурасининг ўзгариши, ташқи иқтисодий алоқаларнинг таъсири, стихияли фалокатлар ҳам нархларга таъсир қилади. Хуллас нархнинг ўсишига турли сабаблар бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай нархнинг ўсиши ҳам инфляция бўлавермайди. Юқорида кўрсатиб ўтган сабаблардан ҳақиқий инфляцияни олиб келувчиларни ажратиш зарур. Конъюктуранинг циклик тебранишлар, табиий офатлари натижасида нархларнинг ўсишини инфляция деб айта олмаймиз.

Қандай сабабларга кўра юз берган нархларнинг ўсишини инфляция дейиш мумкин?

**Биринчидан:** Инфляциянинг келиб чиқиши ялпи талаб билан, ялпи таклиф мувозанатининг бузилиши, номутаносиблик юз бериш оқибатида энг аввало давлатнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги номутаносиблик давлат бюджети тақчиллиги оқибатида келиб чиқади.

Бу тақчиллик қандай йўл билан қопланишдан қатъи назар у инфляцияга олиб келади.

**Иккинчидан:** Инвестицион молиялаштириш эмиссия усули билан амалга оширилса, айниқса у иқтисодиётни милитаризациялашга сарфланса аҳвол янада оғирлашади.

**Учинчидан:** Бозор таркиби тузилишининг ўзгариши, айниқса номукамал рақобат кураш асосида, бозор алигополистик бозор бўлса.

**Тўртинчидан:** Иқтисодиётнинг «очиқлиги» ўсиши билан инфляцияни импорт қилиш хавфи ҳам кучаяди. 1973 йили энергия манбалари нархининг ўсиб кетиши (энергия кризиси) импорт қилинадиган нефтнинг нархи ўсиши ва ўз навбатида технологик занжир асосида бошқа товарларнинг ҳам нархи кўтарилишига олиб келди.

Импорт қилинган инфляцияни бартараф этиш имконияти чекланган.

Юқори процент ставкасини қидириб, четдан келадиган қисқа муддатли капиталлар, инвестиция ҳам инфляцияга сабаб бўлади.

**Бешинчидан:** инфляцион кутиш. Инфляцион кутиш натижасида инфляция ўз-ўзини қувватловчи характер касб этади. Кишилар товар ва хизматларга нархни олиб боришини ҳисобга олиб, нархларнинг пасайишига умид йўқотиб ўз эҳтиёжларига нисбатан кўпроқ товар сотиб ола бошлайдилар. Шу билан бирга номинал иш ҳақини оширишни талаб қилиб, жорий истеъмол эҳтиёжларини янада кенгайтиришга таъсир этишади.

Инфляция юқори суръатли шароитда ҳар бир ишлаб чиқарувчи ресурсларни нархнинг ошиб кетишидан чўчиб, ўз товари нархини юқори қилиб белгилайди. Керагидан ортиқча товар олиш натижасида жамғарма ўз навбатда камаяди, кредит ре-



сурсларининг камайиши, инвестициянинг ўсишига тўсқинлик қилади, у ўз навбатида товар ва хизматлар таклифининг қисқаришига олиб келади.

**Олтинчидан**, Марказий банкнинг нотўғри пул-кредит сиёсати юритиши туфайли муомалада ортиқча товар билан таъминланмаган пул массаси пайдо бўлади.


## Инфляция турлари

Юқоридаги кўрсатилган сабабларни ғарб иқтисодчилари икки гуруҳга ажратиб: талаб инфляцияси ва таклиф инфляцияси тарзида талқин этишади.

**Талаб инфляцияси (demand-pull inflation).** Ялпи талаб билан ялпи таклиф ўртасидаги мутаносиблик талаб томонидан бузилишини ифодалайди.

Муомаладаги тўлов воситаларини мўллиги товарлар таклифи чекланганлиги билан тўқнашиб, у нархлар умумий даражасининг ўсишига олиб келади.

Талаб инфляциясини график орқали қуйидагича изоҳлаш мумкин.



Ялпи таклиф AS (adgregated supply, AS).  
Ялпи талаб AD (adgregated demand, AD)

Графикда тасвирланган уч бўлакнинг:

1. Кейнс бўлаги ялпи таклиф эгри чизигининг горизонтал бўлаги, унда реал ялпи миллий маҳсулот ўзгаради, лекин нарх ўзгармайди. Сабаби таклиф талабни ўзгаришига мувофиқ ўзгарапти.

2. Оралиқ (бўлак), ялпи таклиф эгри чизигининг юқорига йўналган, кўтарилиб бораётган қисми. У Кейнс (ёки горизонтал) бўлак билан классик бўлак ўртасидаги қисми бўлиб, таклифни талабдан орқада қолаётганини кўрсатади. Натижада нархлар ўса бошлайди.


3. Классик бўлак. Ялпи таклиф эгри чизигининг вертикал бўлаги бўлиб, иқтисодийёт мавжуд ресурсларнинг тўла бандлиги билан характерланади. Талаб катта, лекин бўш ресурслар йўқ. Натижада таклиф ўзгармайди. Нарх эса ошиб кетади.

Юқорида кўрсатилган сабабларга кўра пул массасининг кўпайиши, қисқа муддат ичида ялпи талабни ўнгга ( $AD_1-AD_2$ ) суради, агар иқтисодиёт ялпи таклиф оралиқ (2) ҳолатида ёки классик (3) ҳолатдаги қисмларида бўлса, у нархнинг ўсишига олиб келади ва талаб инфляциясини ифодалайди.

*Таклиф ёки харажатлар инфляцияси — (cost-push inflation) нархларнинг ишлаб чиқариш харажатларини ўсиши билан характерланади.*

Харажатларни ўсишига нархни монополистик бозор томонидан шаклланиши, давлатнинг молия сиёсати, хом-ашё нархларининг кўтарилиши, қасаба уюшмаларининг талабига кўра иш ҳақининг ўсиши ва бошқалар сабаб бўлади. Аввалги миқдордаги қилинган харажатга аввалгидан кам миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Натижада ўсган харажатларни қоплаш учун нарх оширилади.

Харажатлар инфляциясини график тарзда куйидагича ифодалаш мумкин.



Ялпи таклиф эгри чизигини чапга, ( $AS_1$ дан  $AS_2$ ) сурилиши юқоридаги сабабларга кўра харажатларни кўпайишини кўрсатади. Нархлар ( $P_1 < P_2$ ) ўсади, реал ялпи миллий маҳсулот ( $Q_2 < Q_1$ ) ёки реал ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартиради.

Нархларни умумий ўсиши, аҳолини реал даромадларини пасайишига олиб келади. Қасаба уюшмалар номинал иш ҳақини оширишини талаб этади. Давлат инфляциядан компенсация, яъни иш ҳақини индексация қилади. Натижада нархнинг кўтарилиши аҳоли даромадларини оширишга ундайди. У ўз навбатида нархнинг янада ўсишига сабаб бўлади. Ана шундай тарзда боши, охири йўқ доира ҳосил бўлади.

Практикада талаб инфляцияси билан таклиф инфляциясини ажратиш қийин. Улар бир-бири билан чамбарчас боғланган. *Масалан* иш ҳақининг ўсиши ҳам талаб, ҳам таклиф инфляцияси

тарзида ифодаланиши мумкин. Шунга аҳамият бериши керакки, XX асрнинг иккинчи ярмида узоқ вақт ҳеч қайси ривожланган мамлакатларда бир вақтнинг ўзида тўла бандлик, очиқ бозор ва нархлар барқарорлиги кузатилмади.

Нархлар доимий ўсиб бораёпти, уни иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти маълумотларидан кўриш мумкин. Инфляция суръатлари нисбатан ривожланаётган мамлакатларда, айниқса лотин Америкаси мамлакатларида юқори. Бунга сабаб давлат бюджетининг катта тақчиллиги ва ташқи қарзларнинг кўплигидир.

60 йилларнинг охирларидан бошлаб нархлар хатто иқтисодий тушқунлик, турғунлик даврларида ҳам XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмида ишониб бўлмайдиган ҳолда ўсган.

Инфляция икки тарзда юз бериши мумкин.

1. Очиқ инфляция.

2. Яширин инфляция.

Агар макроиқтисодий номуаносиблик талабни кўпайиб, нархларни доимий ўсиши тарзида юз берса, очиқ инфляция дейилади. Очиқ инфляция бозор механизмини бузмайди ва у нархлар ўсиши суръатига кўра тўрт хил бўлади:

А) Ўрмаловчи. Бунда нарх-наво секин аста, ўрмалаган ҳолда ўсади. Ишсизлик катта бўлмайди. Нархлар йилига 10% дан ортиқ ўсмайди. Кейнсчилар бундай инфляция иқтисодиёт ва унинг ривожланиши учун фойдали деб ҳисоблашади.

Б) Сузиб юрувчи инфляция. Бунда нарх-наво тезроқ ўсади. Иқтисодий ўсиш суръатлари пасаяди, ишсизлик кўпая боради. Инфляция даражаси йилига 10 % дан ортади.

В) Сакровчи ёки югурувчи инфляция.

Бу турдаги инфляцияга нархларни йилига 20 дан 200% га ўсиши билан характерланади. Бу иқтисодиёт учун ташвишли танглик вужудга келтиради.

Г) Гиперинфляция. Муомалада астраномик тарзда пулларнинг кўпайиши, ҳамда нархларнинг ўсиши ҳалокатли даражада, йилига 500—1000 % дан ортиб кетади.

Америкалик иқтисодчи Филипп Кэган фикрича гиперинфляциянинг бошланиши нархнинг ўсиши 50% бўлган ойдан бошланиб, юқоридаги критик даражадан паст бўлган ой тугаши бўлади. Лекин бу паст даража ҳеч бўлмаганда йил давомида сақланиши керак.

1990—1996 йилларда ўртача йиллик инфляция суръати (%) ҳисобида.

МАКСИМУМ		МИНИМУМ	
Конго Д.Р	2746.5	Арманистон	896.6
Грузия	2279.3	Украина	800.6
Ангола	1103.2	Белорусия	714.9
Тожикистон	974.2	Бразилия	675,4
		Бруней	0.1
		Омон	0,1
		Барбадос	0.7
		Япония	0.7

Инфляция кўпгина ривожланган мамлакатларда 1—3 % атрофида бўлди.

Тарихда ҳайратга соладиган гиперинфляция Венгрияда юз берган. (август 1945 — июл 1946 йил) нархлар 3.8 x 10 нинг 27 даражада ҳар ойига ўртача 20 марта ўсган. АҚШ доллари 3x10 нинг 12 даражасида форингга алмаштирилган.

Никарагуада ҳам фуқаролар уруши даврида йиллик ўртача нарх ўсиши 33000 % га етган. Бундай суръатдаги инфляция пул тизимини тамомила издан чиқаради. Пул ўз функцияларини бажармай қўяди. Аҳолига, ҳатто бой қатламга ҳам катта талафот етади.

Гиперинфляция кўп мамлакатларда ўзига хос хусусиятлар намоён этади:

А) нархнинг ўсиш суръати муомаладаги пулнинг ўсиш суръатидан юқори бўлади. Бунга сабаб, ҳамма иложи борича кадр-сизланаётган пулдан тезроқ қутилишга ҳаракат қилади. «Пулдан қочиш» ҳолати юз беради. Натижада пулнинг айланиш тезлиги шундай ошадики, у муомалада пулнинг миқдори ҳаддан ташқари ўсиб кетиши билан тенг бўлади.

Б) корхона, фирма, ташкилотлар аҳоли нима қилиб бўлса ҳам кадрли пул валюта йиға бошлайди.

Индустриал цивилизация бошланаётган пайтдаёқ пул «ёмон» ва «яхши» пулларга бўлинган.

XVI асрда яшаган Англиялик банкир Томас Грехэм пулларни таҳлил қилиб, уларни «ёмон» ва «яхши» пулларга бўлади. Муомаладаги яхши пулларни ёмон пуллар қисиб чиқаришини кўрсатади. Бу ҳолат унинг номи билан аталувчи «Томас Грехэм» қонунида ўз ифодасини топган. Бунинг моҳияти шуки, кадрли «яхши пулларни» ҳамма асрашга ҳаракат қилади. Улар аҳоли томонидан уйда, банк сейфларида бекитилади, улар муомаладан ғойиб бўладилар. Муомалада эса «кадрсиз», ёмон пуллар қолади.

XX асрда «ёмон» пуллар ролини банкнотлар бажардики, муомаладан олтин сиқиб чиқарилди. Ҳозирги пайтда эркин конвертирланадиган кадрли валюталар доллар, марка, иен кабилар «яхши» қадри паст миллий валюта «ёмон» пул ролини ўйнайдилар. Аҳоли, корхона ташкилотлар нима қилиб бўлса ҳам кадрли пул-валюта йиға бошлайди. Ҳамма миллий валютадан қутилиб, кадрли валютани сақлашга ҳаракат қилади.

2. Агар макроиқтисодий мутаносибликка талабнинг ўсишига қараб нархларга давлат томонидан назорат ўрнатиш орқали эришилса бу яширин инфляция бўлади.

*Яширин инфляцияда нарх ўсиши кузатилмаслиги мумкин. Пулнинг кадрсизланиши товар тақчиллиги пулга зарур товарни сотиб олиб бўлмаслигида ифодаланади.*

Инфляцияга босим кўрсатиш қуйидагича амалга оширилади.

А) вақтинча нархлар ва даромадларни ўсишини тўхтатиш, музлатиш.

Б) маҳсулотларнинг меъёрий нархларини белгилаш.

В) нархлар устидан административ назорат ўрнатиш. Бунинг натижасида бозор механизми деформацияланади. Унинг қай даражада деформациялашуви даражаси ва давомийлиги тартибга солиш шаклига боғлиқ.

Нарх устидан назорат ўрнатиш ўз-ўзича ёмон эмас, унинг салбий томони иқтисодий асосланмаган ҳолда қўлланилиши ҳамда қоидага айланишидир. Бунинг натижасида америкалик иқтисодчи М.Фридмен таъкидлашича нарх тизимининг иқтисодий фаолиятни бошқариш имконияти сусаяди. Бу эса ўз-ўзидан инфляциядан қутилиш учун уринишларни чиппакка чиқаради. Иқтисодиётда стагфляция юз беради. Стагфляция турғунлик, иқтисодий кризис шароитида нархларнинг инфляцион ўсишини билдиради.

Инфляция юз бериш миқёсига кўра: локал — бир мамлакат миқёсидаги, ҳамда жаҳон миқёсида юз берадиган инфляция тарзида ҳам изоҳланади.

Бундан ташқари иқтисодий адабиётларда баланслашган ҳамда баланслашмаган инфляция тушунчалари ҳам мавжуд.

**Баланслашган инфляция** деганда бир вақтнинг ўзида кўпгина товар ва хизматлар нархларининг унча кўп бўлмаган миқдорда ўсиши тушунилади. Нархларнинг йиллик ўсиш бўйича, % ставкаси ҳам кўтарилади, буни стабил нархлар билан тенглаштириш мумкин.

Баланслашмаган инфляция эса ҳар хил товарлар нархининг ўсиш суръати турлича бўлишини ифодалайди.

Қутилаётган инфляция билан қутилмаган инфляцияни ҳам фарқлаш зарур. Қутилаётган инфляция олдиндан айтиш мумкин ёки уни ҳукумат томонидан режалаштирилади. Қутилмаган инфляция тўсатдан нархларнинг кўтарилиб кетиши билан характерланади. У пул муомаласи ва солиқ тизимига ёмон таъсир қилади. Бундан аҳоли иложи борича пулидан тезроқ қутилишга ҳаракат қилади. Бу ҳаракат оқибати қандай бўлишини биламиз.

Тўсатдан бўлган инфляция иқтисодиётда қутилаётган, лекин ҳали бошланмаган инфляция жараёнида юз берса, аҳолининг ўзини тутиши тамомила бошқача бўлиши мумкин. Нархларнинг ўсиши қисқа фурсатда юз берадиган ҳолат деб истеъмолчилар нархларни пасайишини пойлаб, кам пул сарфлайдилар. Бу ўз навбатида талабни пасайтиради ва натижада нархларни пасайиши кузатилади.

Бу ҳодиса Пигу эффекти деб юритилади. Инглиз иқтисодчиси Артур Пигу (1877—1959) номи билан аталади. Бу ҳолат нормал амал қилаётган бозор иқтисодиётига хос. Шунинг алоҳида таъкидлаш зарурки, Пигу эффекти мослашувчан нарх, процент ставкаси ва қутилаётган инфляцион ўзгаришлар бўлмаган ша-

роитга хос. Қатор ғарб иқтисодчилари Пигу эффекти иқтисодиётдаги реал воқеликка хос эмас, назарий жиҳатдан изоҳланади холос деб кўрсатишади.

Инфляция нархлар индекси ёрдамида ўлчанади. Нархлар индекси эса жорий умумий истеъмол нархларининг, базис нархларига нисбати тарзида ҳисобланади.

$$\text{Нарх индекси} = \frac{\text{Жорий йилдаги Истеъмол савати товарлари нархи}}{\text{Шу товарларнинг базис йилидаги нархи}} \times 100\%$$

Инфляция суръати қуйидагича ҳисобланади. Жорий йилдаги нарх индексидан базис йили нарх индексини айириб, жорий йил индексига нисбатини фоизда оламиз.

Масалан: 1999 йили нарх индекси 118,3, 1998 йили эса 113,6 тенг бўлсин десак, 1999 йил инфляция суръати қуйидагича бўлган.

$$\text{инфляция суръати} = \frac{118,3 - 113,6}{113,6} \cdot 100 = 4,1 \%$$

Иқтисодиётда 70 қоидасига биноан (XIII боб) нархларни 2 баробарга ошиши учун қанча вақт (йил ой) кераклигини топиш учун 70 ни йиллик (ойлик) инфляция даражасига нисбатини ҳисоблаймиз.

$$\text{Нархларни 2 баробар ўсиши учун тахминан зарур бўлган йил} = \frac{70}{\text{нархларни йиллик ўсиш суръати}}$$

$$\text{Юқоридаги мисолимиз бўйича } \frac{70}{4,7} = 15 \text{ йил.}$$

## 6-§. ИНФЛЯЦИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ ОҚИБАТЛАРИ

Бу оқибатлар мураккаб ва турли-туман. Инфляциянинг суръати унчалик юқори бўлмаса нархлар ва фойда нормасининг ўсишига олиб келади. Инфляциянинг чуқурлашуви эса такрор ишлаб чиқаришга жиддий тўсқинлик қилишни бошлайди. Жамиятда социал кескинликни кучайтиради.

Сакровчи инфляция хўжаликни барбод қилиб, катта қорхоналарга ҳам кичик бизнесга ҳам катта талофат етказиши. Айниқса, бозор конъюктурасининг ноаниқлиги асосий рол ўйнайди.

Инфляция самарали макроиктисодий сиёсат юритишга тўсқинлик қилади. Бунинг устига нархнинг нотекис ўсиши иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасидаги диспропорцияни кучайтиради, истеъмол талаби структурасини бузиб кўрсатади. Нарх бозор ҳўжалигида бажарадиган энг бош функцияси объектив ахборот (сигнал) беришни бажармай қўяди.

Инфляция пулдан қочиш, яъни уни сарфлашни тезлаштиради. У товар очлигини кучайтиради, пул жамғаришга рағбатни сусайтиради, пул-кредит тизимини издан чиқаради, бартерни тиклайди.

Умумий нархлар ўсишини юқори суръати фискал тизимга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу иқтисодиётда Танзи-Оливер эффекти (XX асрнинг 70 йилларида лотин америкаси иқтисодчилари бу эффектга эътибор қаратишган) юз беради. Гап шундаки, инфляция солиқ тушумларини ҳам қадрсизлантиради. Масалан солиқлар III кварталда ҳисобланган, лекин IV кварталда тўланади, натижада гиперинфляция туфайли бюджетга тушган солиқларнинг реал қадр-қиймати тушиб кетади.

Ундан ташқари давлат бюджети даромадлари қадрсизланади, нисбатан қадрлироқ пул маблағларидан йиғилган даромадлар бюджет харажатлари амалга оширилгунга қадар бўлган қисқа давр мобайнида ўзининг аввалги сотиб олиш қувватини йўқотади.

Бюджет даромадлари билан харажатлари ўртасидаги мутаносибликни сақлаш мушқуллашиб боради. Бюджет тақчиллигининг кучайишига олиб келади. Уни қоплаш мақсадида кредит эмиссияси кўпайиши ва у ўз навбатида муомалада пул массасини ошиб кетишига сабаб бўлади.

Аҳоли турмуш даражасининг пасайиши айниқса яширин инфляцияда чуқурроқ бўлади. Чунки индексация ва бошқа услублар билан аҳолини ҳимоя қилиш пул даромадларигагина таъсир қилади. Товар ва хизматлар тақчиллигига таъсир қилмайди.

Юзаки қараганда очик инфляцияда яширин инфляцияга қараганда истеъмолчилар учун бирмунча енгиллик мавжуддек, сабаби товарлар тақчиллиги йўқ, товон тўлаш (компенсация) тадбирлари кўрилади. Лекин аҳолининг турмуш даражаси барибир пасайиб кетади:

Биринчидан, инфляцион тўловлар нархлар динамикасидан орқада қолади; иккинчидан, нарх ўсиш даражасини олдиндан аниқ белгилаб бўлмайди; учинчидан, турли компенсациялар ҳеч қачон йўқотилган даромадни қопламайди.

Инфляция шароитида пул жамғармалари ҳам қадрсизланади. Пулга тенглаштирилган қоғозлар, суғурта полислари, акциялар, облигациялар, чеклар, сертификатлар реал қиймати пасаяди.

Банкка жойлаштирилган пул ва қимматли қоғозлар олиб келадиган даромадларни ҳам инфляция йўққа чиқаради.

Инфляция даврида номинал даромадларга қараганда нархлар тезроқ ўсади. Тадбиркорларнинг иш ҳақиға харажатлари бошқа харажатларга қараганда секин ўсади. Бу эса нисбатдан корхона, фирмаларга эскирган техника, технологиядан фойдаланишни афзал қилиб қўяди. Янги қиммат техникадан кўра эскиси маъқул. Бу ўз навбатида янги техника, технологиялик ўзлаштиришга тўсқинлик қилади.

Бўш маблағлар ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига оқиб ўтади. Узоқ муддатли капитал қўйилмаларини фойдасиз қилиб қўяди.

Савдони ҳам издан чиқаради. Турли товарлар нархининг турли ҳудудларда фарқ қилиши уларни бир бозордан иккинчи бозорга кўчиб юришига олиб келади. Олибсотарликка кенг йўл очилади. Товарларни сақлаб, қиммат сотиш афзал бўлиб қолади.

Инфляция аҳолининг барча қатламларига таъсир кўрсатади. Унинг таъсири турли қатламлар учун турлича.

Инфляциядан энг кўп талофат кўрадиган қатлам. Қамбағаллар, яъни кам даромад олувчилардир. Сабаби нархлар одатда кундалик эҳтиёж молларига тез ўсади. Бу қатламнинг даромадини деярли 100% ана шундай молларга сарфланади.

Қатъий белгиланган даромад олувчилар нафақа, пенсия, стипендия, ижара ҳақи, хайрия пули эгаларининг, шунингдек давлат бюджети молиялаштирувчи ташкилот, муассасаларида маош олувчиларга тегадиган пулга нисбатан нархлар тезроқ ўсади.

Инфляциядан капитал айланиши секин, ишлаб чиқариш сезонли характерга эга соҳаларда банд бўлган ишловчи ва тадбиркорлар ҳам кўпроқ азият чекишади.

Лекин инфляциядан ютқазмаган аҳоли қатлами ҳам бўлади.

Инфляция шароитида ким «ютиши» мумкин? Булар:

■ — товарлар, қимматбаҳо қоғозлар, валюта олди-соттиси билан шуғулланувчи воситачилар;

■ — кредит олган иқтисодий агентлар ва жисмоний шахслар;

■ — пулни ўз вақтида кўчмас мулкка, қимматбаҳо нарсалар (машҳур рассомларнинг асарлари, камёб буюмлар ва ҳ.к. каби) га сарфлаганлар, қадрли валюталарга алмаштирганлар;

■ — давлат монополистик структурасини ифодоловчи гуруҳлар (бу ҳамдўстлик мамлакатларига, яъни собиқ Иттифоқ республикаларига хос).

Лекин умуман олганда тадбиркорлик фаолияти, талантини ишга солиш учун зарур шароитни яратмайди. Профessional моҳирлик, меҳнасеварлик билан боғлиқ бўлмаган омад, тасодиф рол ўйнайди.



Умуман олганда юқорида кўриб ўтганимиздек ҳам иқтисодий ҳам социал аҳвол ёмонлашади. Бу жамиятда норозиликларни кучайтиради.

## 7-§ ANTIИНФЛЯЦИОН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Инфляциянинг социал-иқтисодий оқибатлари ҳукуматдан антиинфляцион сиёсат юритишини талаб этади.

Иқтисодчилар энг аввало нима қилиш керак деган саволга жавоб бериб, ўз фикрларини асослаб беришга ҳаракат қилишади.

Бу саволга бир-бирига зид икки ечим мавжуд:

1. Қатъий чора-тадбирлар кўриш орқали инфляцияга барҳам бериш.

2. Инфляцияга мослашиш.

Антиинфляцион сиёсатнинг мақсади инфляция устидан ишончли назорат ўрнатиш ва нархлар ўсишини нисбатан паст даражада ушлаб туриш. Бу мақсадни амалга ошириш учун комплекс чора тадбирлар ишлаб чиқилган. Одатда фақат очиқ инфляция билан курашиш мумкин. Яширин инфляцияни очиқ режимга ўтказишдан бошқа илож йўқ.

Умуман олганда, антиинфляцион стратегия ва тактикада юқорида кўрсатилган ҳар икки йўлдан фойдаланилади. Шу билан бирга ҳар бир мамлакатнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб устун даражада у ёки бу йўлдан фойдаланилади.

АҚШ, Канада, Англия ва бошқа кўпгина мамлакатларда давлат миқёсида инфляцияга қарши курашишнинг асосий йўли комплекс равишда адаптация тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат (индексация ва ҳоказо).

*Масалан:* АҚШ да қаттиқ даромадлар сиёсати олиб борилиб, нархлар ва иш ҳақи 1971 йили 90 кун, 1973 йили 60 кун музлатиб қўйилди.

Президент фармон чиқариб, 1) Иш ҳақи ва маошларни оширишни.; 2) Товарлар нархини (фармон чиққан кундагидан) ошириш; 3) Ижарачилар томонидан мулк эгаларига тўланадиган рента тўловларини кўпайтиришни ноқонуний деб эълон қилди.

Шундай тадбирларни 1975 йили Канада қўлади. Нархлар 1970 йилгача давлат назоратида ушланди, иш ҳақи ўсиш лимити йилига 6—10 % қилиб белгилаб қўйилди. Нарх ўсиши ишлаб чиқариш харажатларига пропорционал равишдагина бўлади. Нефт ва газга 1985 йилга қадар нархлар бевосита давлат томонидан ўрнатилади.

70 йилларда Япония 40 номдаги товарларга административ нархлар киритди. Министирлик ва корпорациялар вакиллари-дан иборат стабилизацион кенгаш ташкил этилди. У йирик

шартномалар, нархларини назорат қилиш, омборхоналарни ревизия қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Инфляцияни юмшатишга қаратилган турли вариантда белгиланган компенсациялар ва аҳолини социал ҳимоялаш учун белгиланган бошқа тадбирлар инфляциянинг сабабига таъсир этмайди.

Антиинфляцион услублар бевосита тарзда (талаб ва таклифга) таъсир кўрсатиб, номуаносиб бозорларга ёки инфляция механизмига таъсир этиши керак, яъни антиинфляцион стратегия ишлаб чиқиши керак.

Антиинфляцион стратегия, инфляцияга қарши ўтказиладиган ёки инфляцияни жиловлашга қаратилган узоқ муддатли характерга эга бўлган мақсад ва услубларни ифодалайди.

Бу биринчидан, аҳолини инфляцияни кутишига барҳам бериш. Бунинг учун ишлаб чиқаришни жонлантириш керак. Бунда давлат томонидан ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чоралари кўрилади:

- фойдага имтиёзли солиқ белгилаш;
- ишлаб чиқаришга арзон кредит бериш;
- янги ишга қўл урган корхоналарга бюджетдан субсидия бериш;

- экспорт-импорт бўйича имтиёзлар бериш;
- антимонопол чора-тадбирлар белгилаш.

Хуллас бозорни самарали ишлаши учун зарур тадбирлар туфайли таклиф кўпаяди. Бу аҳолининг истеъмолчилик психологиясини ўзгартиради.

Иккинчидан, бюджет тақчиллигини камайтириш. У икки йўл билан амалга оширилади: даромадларни кўпайтириш, харажатларни камайтириш.

Бюджетнинг даромадларини асосий манбаси солиқларни кўпайтириш қисқа муддатли натижа беради. Узоқ муддатда бундай сиёсат иқтисодий ўсишни секинлаштиришга, инвестицияни камайтиришга олиб келиши мумкин. Шунинг учун солиқ ставкаларини камайтириб, солиқ базасини кўпайтириш орқали бюджет даромадларини кўпайтириш маъқул, лекин солиқ орқали кўрилган чоралар тез самара бермайди, унинг имконияти чекланган. Шунинг учун асосий йўл давлат харажатларини камайтириш. Бунинг учун стратегик режа ишлаб чиқиши керак. Унинг бош принципи бозор механизмига топшириш мумкин бўлган давлат фаолиятини молиялаштиришни борган сари қисқартириб бориш керак. Бунда инвестицион жараёнга давлатнинг ҳаддан ташқари аралашувини камайтириш, асосланмаган субсидия, дотацияларни, бюджет капитал қўйилmalarини камайтириш ва бошқалар. Иккинчи томондан, фан-техника прогрессини, иқтисодиётни таркибий ўзгаришини, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни қўллаш.

Учинчидан, пул массасини тартибга солиш. Бунда пул мас-

сасини ортишини чеклаш, ёки тўхтатиб қолиш, пулга талабни қисқартириш ва шу мақсадда:

- пул даромадлари (иш ҳақи, нафақа, пенсия, хайрия тўловлари) назорат қилиниб, уларнинг ўсиши чекланади ёки тўхта-тилади;

- банк тўлайдиган фоиз ставкалари оширилади.

- пул эмиссияси жиддий чекланади ёки умуман тўхтати-лади;

- марказлаштирилган кредитлар бериш қатъий чегарала-нади;

- банклараро кредит ресурслари аукционлари кенгайтири-лади;

- давлатнинг қимматбаҳо металллар ҳамда валюта захирала-рини бойитишга ҳаракат қилинади;

- кичик, ўрта, йирик корхоналар приватизация қилиниб, акциялари аҳолига сотилади.

Тўртинчидан, ташқи омилларнинг таъсирини сусайтириш. Бу ерда иқтисодийга четдан кириб келаётган капитал, қисқа муддатли кредит, қарзларни инфляцияни таъсирини сусайти-риш учун тадбирлар белгилаш.

Узоқ муддатли стратегик тадбирлардан ташқари, **қисқа муд-датли фавқулодда характерга эга бўлган услублар ҳам қўллани-лади.** Бу услублар инфляция суръатига тезда таъсир этиб, унинг ўсиш суръатларини насайтиришга қаратилган.

Уларга: асосий маҳсулотдан ташқари қўшимча ишлаб чиқа-риш ва хизмат кўрсатадиган корхоналарга имтиёз бериш, чет-дан истеъмол товарларини импорт қилиш, янги хусусий кор-хоналарнинг акцияларини сотиш, омонатларга юқори процент ставкаларини белгилаш, давлатнинг қисман стратегик захира-ларини реализация қилиш, агарда ички бозор етарли даражада рақобатбардош бўлса, миллий валюта курсини ошириш, ва бошқалар киради.

Ундан ташқари давлат пул реформаларини ўтказиш мумкин.

Пул муомаласини барқарорлаштириш мақсадида қуйидаги классик усуллар, яъни пул реформалари қўлланилган.

**Нуллификация усули.** Бунда эски, қадрсизланган пулдан воз кечилади ва муомалага янги пул бирликлари чиқарилади. *Маса-лан*, 1797 йил 4 февралда Франция ҳукуматининг қарорига биноан пул муомаласини барқарорлаштириш мақсадида муо-маладаги қоғоз пуллар бекор қилинган ва уларнинг ўрнига му-омалага реал пуллар яъни қимматбаҳо металллардан ишланган тангалар чиқарилган. Бу усул инфляция даражаси жуда юқори бўлган ҳолларда қўлланилади.

**Деноминация.** Бунда эски пул бирликлари маълум бир нис-батда янги пул бирликлари билан алмаштирилади. Алмашти-рилмаган пуллар бекор қилинади. Бунда янги пуллар қадри

оширилади. Деноминация соф ҳолда одатда изоҳланганидек, пул муомаласини тартибга солиш, ҳисоб-китобларни енгиллаштириш учун ишлатилади. Лекин одатда «оғирлашган» пул инфляция натижасида қадрини йўқота бошлайди. Бу тадбир собиқ Иттифоқда 1961 йилда ўтказилган, муомалага янги пул чиқарилган. У эски пулга нисбатан 1:10 нисбатида алмаштирилган. Шу нисбатда аҳоли даромадлари, банкдаги омонатлар, нархлар пасайтирилган. Лекин реформадан кейин секин, судралувчи инфляция бошланиб кетди. Инфляция яширин бўлиб, товар тақчиллиги орта борди.

Республикамизда мустақилликка эришилгач, 1994 йили миллий валюта муомалага киритилди. У сўм-купонга нисбатан 1000=1 қилиб олинди.

Россияда 1998 йили пул деноминацияси 1:1000 нисбатида ўтказилди.

**Девальвация.** Давлат томонидан расмий равишда валюта курсининг пасайтирилиши. Бозор учун кураш кучайган шароитда девальвация экспортни рағбатлантириш, импортни чеклаш, тўлов мувозанатини яхшилаш учун қўлланилади.

*Масалан* 1986 йили АҚШ да долларининг Япония иенига нисбатан курси 2 баробар пасайтирилди. Натижада Япония молларининг нархи АҚШда ўзгармагани ҳолда Япония учун курс бўйича 2 баробар арзонлашди. Яъни илгари 1 долларга сотган товари 50 иенага тенг бўлса, энди 50 иена олиш учун шу товарни АҚШда 2 долларга сотиши керак. Лекин нарх кўтарилса, америкаликлар шунақа япон товарларини олмай ўз товарларини сотиб олишни маъқул кўришади.

Бундай чора-тадбирлар фақатгина қисқа муддатда ёрдам бериши мумкин.

Ҳукумат эса ҳам стратегик, ҳам тактик услубларни қўллаб, пулни соғлом бўлишига эришиши зарур. Чунки қадрли пулгина иқтисодиётни ўсишини таъминлашга қодир.

### Асосий таянч тушунчалар

Пул тизими	Ўрмаловчи инфляция
Пул муомаласи	Сакровчи инфляция
Микдорийлик назарияси	Гиперинфляция
Металл пул тизими	“Ёмон” пул
Қоғоз-кредит пул тизими	“Яхши” пул
Пулнинг функциялари	“Пулдан қочиш”
Пул агрегати	Кутилаётган инфляция
Пул муомаласи қонуни	Кутилмаган инфляция
Пул айланиш тезлиги	Стагфляция
Инфляция эффекти	Танзи-Оливер эффекти
Талаб инфляцияси	Антиинфляцион стратегия
Таклиф инфляцияси	Антиинфляцион тактика

Очиқ инфляция  
Яширин инфляция  
Судралувчи инфляция

Нуллификация  
Деноминация  
Девальвация

### Такрорлаш учун саволлар

1. Пул тўғрисида қандай назарияларни биласиз? Пулнинг металллик, номиналистик, меҳнат ва миқдорийлик назарияларининг фарқи нимада?
2. Миқдорийлик назариясининг қандай йўналишларини биласиз? Нима сабабдан у ҳозирги замоннинг нуфузли назарияларидан ҳисобланади?
3. Пул тизими деганда нима тушунилади? Металл пул тизими ва қоғоз-кредит пул тизимини шарҳлаб бера оласизми?
4. Ҳозирги замон пул тизими металл пул тизимидан қай жиҳатдан фарқланади?
5. Пул агрегатлари деганда нимани тушунамиз? Унинг таркибини изоҳланг.
6. Инфляция ҳақида қандай назарияларни биласиз?
7. Инфляция турлари ва уларни бир-биридан қандай фарқ қилишини тушунтириб беринг.
8. Инфляциянинг социал-иқтисодий оқибатларини изоҳланг.
9. Сизнингча инфляцияга қарши қатъий чора-тадбирлар кўрган маъқулми ёки унга мослашганми?
10. Қандай антиинфляцион чора-тадбирларни биласиз? Сизнингча қайси бирини қачон қўллаган маъқул?

## КРЕДИТ ТИЗИМИ ВА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ

Пул муомаласи кредит тизими билан чамбарчас боғлиқ. Пул-кредит тизимини медицина тили билан айтганда одамнинг нерв системасига қиёслаш мумкин. Уни ишдан чиқиши иқтисодиётни “паралич” бўлишига олиб келади.

Биз кундалик ҳаётимизда нақд пуллар билан биргаликда турли чеклардан фойдаланишимиз мумкин. Бирон-бир фаолият билан шуғуллансак, маблағимиз етмаса қарз олишимиз мумкин. Бу қандай содир бўлади? Банклар қандай рол ўйнайди? Қандай қилиб кредит пуллар яратилади? Умуман олганда иқтисодиётга банклар, хусусан Марказий Банк қандай таъсир кўрсатади? Бу боб ана шу каби саволларга жавоб топишга қаратилган.

### 1-§. КРЕДИТНИНГ МОҲИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ

Кредит сўзи лотинча credit — ишонч деган маънони англатиб, товар ёки пулни маълум бир муддатда қайтариш шарти билан қарзга беришни билдиради. Биров пулини қайтариб олишга ишонгани учун қарз беради.

Кредит муносабатлари жуда қадим замонларда вужудга келган. Дастлаб натура шаклида (ғалла, чорва ва бошқалар) мулкдорлар томонидан қарзга бериш расм бўла бошлаган. Кейинроқ пул шаклида ҳам бериладиган бўлди. Қарзга пул беришнинг дастлабки шакли судхўрлик бўлиб, у ниҳоятда юқори даражада процент қўшиб қайтарилиши билан кредитдан фарқ қилади. Қадимги Грецияда эрамизгача VI-асрда ойига 42%, йилига 570 гача фоиз тўлангани тарихий манбаларда қайд этилган. Бундан ташқари судхўр қарз олувчидан қўшимча имкониетлар яратилишини ҳам талаб қилган. Бадиий адабиётда биринчи бўлиб, француз ёзувчиси О. Бальзак судхўр образини яратган. С.Айнийнинг “Судхўрнинг ўлими” асари ўзининг мазмуни, образ ифодаси жиҳатдан Бальзак асаридан ҳам ўтиб кетган десак хато қилмаймиз.

Судхўрлик қарзи бир томондан кучайиб майда ишлаб чиқарувчиларни хонавайрон қилган, иккинчи томондан капитални

дастлабки жамғариш учун зарур маблағларни шаклланишга ёрдам берган. Индустириал ишлаб чиқариш ва классик капитализмнинг вужудга келиши билан кредитсиз ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш қийинлашиб қолади.

Капитал бир хўжаликда пул шаклида, иккинчисида товар шаклида бўлиб, турли соҳаларда ҳаракати бир-бирига тўғри келмайди. Капитал ҳаракатининг алоҳидалашгани туфайли бир хўжаликда пул етишмаса, иккинчисида бўш пул мавжуд бўлади. Натижада маблағи йўқ хўжаликлар, бўш пул маблағи борлардан қарз олишга мажбур бўладилар. Бўш пул маблағи борлар ўз пулларини маълум муддатга қарзга берар эканлар, пулларини бошқа бировнинг қўлига топшириб, хатарли таваккал қилганлари учун маълум миқдорда ҳақ оладилар. Ўз маблағи етарли бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини кредит орқали қоплайди. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз давом этишини таъминлаш зарурияти кредит муносабатини объектив зарур қилиб қўяди. Чунки товарлар ишлаб чиқариш, уни сотиш, товар ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларни сотиб олиш бир вақтнинг ўзида юз бермайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида бўш пул маблағларини ўлик бойлик, хазина сифатида сақлаш бефойда. Жамият тараққий этиши билан кредит муносабатлари ривожланиб, янги-янги имкониятлар вужудга кела боради. Ҳозирги иқтисодиётни кредитсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

*Кредит иқтисодий категория бўлиб, у вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тулаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатларни ифодалайди.*

Шундай қилиб пулнинг ссуда капитали тариқасида яъни даромад олиш учун қарзга бериш ва қайтариб олиш билан боғлиқ муносабатлар вужудга келади.

### **Кредит муносабатлари фақат пул билан боғлиқми?**

Товар шаклида ҳам кредит берилиши мумкин-ку деган савол туғилиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма кредит асосан пул шаклида бўлади. Товар шаклида берилган тақдирда ҳам пул кредит шаклида ҳужжатлаштирилади.

Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида юз беради. Бири бўш пул эгаси, иккинчиси унга муҳтож, яъни қарз олувчи.

**Кредит субъектлари** ҳар хил. Булар юридик ҳамда жисмоний шахслар; банк, корхона, фирма, давлат, турли тоифа аҳоли бўлиши мумкин. Бир субъектнинг ўзи бир вақтда ҳам қарз олувчи, ҳам қарз берувчи бўлиши мумкин. Кредит алоқалари пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда улар тўғридан-тўғри муомалага ки-

ришади. Иккинчи ҳолда улар воситачилар орқали алоқага киришадилар. Одатда, асосий воситачи ролини банклар ўйнайди. Кредит иқтисодий категория сифатида қатор вазифаларни бажаради.

1. **Тақсимлаш.** Бўш пул маблағларини қайтариш шарти билан қарзга бериш орқали капитални турли тармоқлар, корхоналар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашни амалга оширади ва ишлаб чиқариш ресурсларини кўчиб юришини таъминлайди.

2. **Эмиссия.** Кредит асосида ва унга боғлиқ ҳолда пул белгилари, пулга тенглаштирилган нақд пулсиз тўлов воситалари, турли қимматбаҳо қоғозлар эмиссия қилинади, хўжалик оборотига киритилади.

3. **Назорат қилиш.** Кредит операцияларини бажариш жараёнида иқтисодий фаолият, молиявий аҳвол назорат қилинади. Давлат кредит муносабатлари орқали пул оборотининг барча жараёнларини бошқаришни амалга оширади.

4. **Бўш пул маблағларининг ҳаракатдаги, оборотдаги капиталга айлантириш.** Бунда пулни пул топади деган нақд амалга ошади.

5. **Рағбатлантириш.** У ёки бу мақсад учун қарз бериш, қарзни ундириш орқали, тежамкорлик, иқтисодий ўсиш рағбатлантирилади.

6. **Товар ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлайди, ишлаб чиқариш вақтини қисқартиради.**

Кредит бериш учун аввало қарз берадиган маблағ бўлиши керак. Бу маблағлар қаердан олинади, манбаи нима? деган савол туғилади.

Маблағлар манбаи қуйидагилар:

**Биринчидан, корхоналарнинг вақтинча бўш пул маблағидир.**

Бу маблағлар капиталнинг доиравий айланиши билан боғлиқ бўлиб, маълум муддат унинг бир қисми бўш бўлади. Чунончи амортизация ажратмалари, бу маблағлар асосий капитални янгилаш пайти келгунча бўш бўлиб, банкдаги ҳисоб рақамларида жамланиб боради. “Тезлаштирилган” амортизация сиёсати туфайли бу маблағлар ўсиб бориш тенденциясига эга. Маҳсулот сотишдан келадиган пул тушумлари. Бу пул ҳам хом ашё, материаллар сотиб олиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, вақти келгунча бўш туради. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари, моддий рағбатлантириш фондлари ҳам аста жамланиб бориб, белгиланган мақсад бўйича ишлатилгунча бўш туради. Корхоналар фойдаси давлат бюджети ва кредит тизими билан ҳисоб-китоб қилингунча, шунингдек фойдалангунча банкдаги ҳисобларда сақланади. Иш ҳақи ҳам ҳар 15 кунда берилар экан, унғача бу пул йигила боради, ҳамда ишлатилгунча бўш бўлади.



**Иккинчидан, молия-кредит муассасаларининг пул маблағлари.** Уларнинг даромадлари билан харажатлари ўртасидаги фарқ харажатларни қоплаганидан ортгани бўш пул маблағларини ташкил этади. Тижорат банклари ва молия-кредит муассасаларининг минимал пул резервлари ҳам ссуда фонди манбаи бўлади.

**Учинчидан, давлат ихтиёридаги пул.** Давлатнинг захирадаги пул маблағлари, марказий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг харажатлари билан солиқ тушумлари ўртасидаги фарқ тарзида бўш пуллар мавжуд бўлади. Бюджет тизими маблағлари ҳаракати натижасида маълум миқдорда бўш пуллар ҳосил бўлади.

**Тўртинчидан, турли махсус (пенсия, суғурта каби ижтимоий хайрия) фондларнинг маблағлари.** Бу фондлар пулларининг ҳосил бўлиши ва ишлатилиши ҳар хил вақтда юз беради. Бу маълум миқдорда пул маблағларини бўш қолиб, қарз фондига айланиши учун имкон беради.

**Бешинчидан, аҳоли пул даромадлари ва жамғармалари.** Фуқароларнинг истеъмолчи сифатида қимматбаҳо товарлар олиш, уй қуриш, маросимлар ўтказиш учун жамғарилган пуллари ишлатилгунга қадар бўш бўлади.

**Олтинчидан, тадбиркорлар, катта пулдорлар қўлидаги пуллар.**

Булардан ташқари: давлат бюджетидан узоқ муддатли қарз бериш учун махсус маблағ ажратилади. Ундан ташқари МБ кўшимча эмиссия туфайли молия-кредит муассасаларига кредитлар бериш мумкин.

Маълум вақт мобайнида бўш пуллар унинг эгаларига ҳеч қандай даромад келтирмайдилар, шунинг учун кам миқдордаги фоиз билан ҳам қарз бериш фойдали бўлиб қолади. Натижада ана шу бўш пуллар ссуда капиталига айлантирилади. Бунда банклар муҳим рол ўйнайди. Улар юқори фоиз билан пулга муҳтож бўлган бизнесменлар, тадбиркорлар ва бошқаларга ўз мақсадларини амалга ошириш учун қарз беради. Ҳозирги шароитда хўжаликни молиялаштиришда қарз маблағларининг улуши ошиб бориши тенденцияси кузатишмоқда. Уларнинг улуши айниқса капитал қўйилмалар ҳажмида кўпайиб бормоқда. Бундай тенденция Япония, Италия, Францияда яққол кўзга ташланади. *Масалан:* Япония фирмалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфлаган маблағларни 4/5 қисми четдан жалб қилинган, яъни қарз олинган. Республикамиз иқтисодиётига ҳам шундай тенденция ҳос.

## 2-§. КРЕДИТ ТУРЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

— Кредит турлари хилма-хил, уларга турли жиҳатдан ёндашиш мумкин.

— Қарз олувчиларнинг асосий гуруҳларига кўра: корхоналар, аҳоли, давлат кредити;

— Кўзланган мақсадга кўра: истемол, қишлоқ хўжалиги, савдо, инвестиция, бюджет кредитлари.

— Берилган вақтига кўра: қисқа (1 йилгача), ўрта (1 йилдан 5 йилгача), узоқ (5 йилдан ортиқ) муддатли кредитларга бўлинади.

— Функция қилиш сферасига кўра, кредит икки турга бўлинади: оборот капиталини ташкил этиш, уни тор маънода кредит деб юритилади. Ҳамда асосий капитал олиш учун сарфланадигани, одатда уни ссуда деб юритилади.

— Кредитни қайтариш таъминланганлигига кўра ҳам икки турга бўлинади: таъминланмаган ёки бланкли (овердрафт<sup>1</sup>, контокоррент<sup>2</sup>, аванс<sup>3</sup>) ва таъминланган кредит;

— Кредит бериш усулига кўра: компенсацион яъни ўз маблағларини тўлдириш учун ҳисоб счётига (варақасига) ўтказиладиган ва тўлов тўғридан-тўғри қарзни қайтариш, ҳақ тўлаш топширилган кредит;

— Кредит қайтарилишига кўра: тўлаш муддати узайтирилган, бўлиб тўланадиган, ҳамда бира тўла қайтариладиган кредитларга бўлинади. Қарз ҳажми ва муддатини чекланиши даражасига кўра лимитланган ва лимитланмаган кредитларга бўлинади. Кредитнинг қайси тури бўлмасин, қандай шаклда берилишидан қатъи назар, кредит беришнинг асосий тамойилларига риоя қилиниши керак. Улар қуйидагилар:

### 1. *Белгиланган муддатда қайтарилиб берилиши.*

Бу фақат кредитнинг тамойилигина эмас, балки унинг хусусияти, моҳиятини ифодалайди. Уни пул беришнинг бошқа шакллари субсидия, дотация кабилардан фарқи ҳам шунда, қайтариш бўлмаса кредит муносабатлари ҳам бўлмайди.

2. *Муддатлилиги.* Кредит беришнинг бу тамойили аввалги тамойил билан чамбарчас боғланган. Кредит шартномаси тузилаётган пайтда қайтариш шarti билан бирга муддати ҳам кўрсатилади. Қарз маблағларидан фойдаланганлиги учун тўланадиган ҳақ ҳам унинг муддатига боғлиқ.

<sup>1</sup> Овердрафт — банк миқозига кунлик фоиз тўлаш шarti билан ҳисоб рақамидаги маблағи етмаган ҳолларда шартлашилган миқдорда қарз бериб, банк кредитини таъминланишини талаб қилмаслиги мумкин. Бунда банк миқозини ҳисобига келиб тушган пулни дарров ўз ҳисобига ўтказиб олмайдди. Миқоз қарзини ўзига қулай пайтда тўлайди.

<sup>2</sup> Контокоррент шаклида қарз берганда банк молиявий жиҳатдан барқарор деб топган миқозларига оборот маблағлари учун кредитни қаттиқ чекламаслиги мумкин.

<sup>3</sup> Аванс-Европа мамлакатларида банкнинг ҳар хил шартга кўра (овердрафт, контокоррент ҳам шунга киради) қарз бериши.

3. **Кредитдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тамойили.** Қарз олиб, бировнинг маблағини ишлатиб тургани учун маълум миқдорда фоиз тўланади. Ссуда капитали бозорида фоиз даражаси муҳим рол ўйнайди, бозордаги вазиятни белгилайди. Процент ставкаси шаклланишига бозор омиллари, энг аввало талаб ва таклиф, ундан ташқари Марказий банк ҳисоб ставкаси, банклараро кредит бозоридаги процент ставкаси, депозитлар ставкаси таъсир этади. Депозитлар бўйича ставка қанча юқори бўлса, кредит учун ҳам шунча юқори бўлади.

4. **Моддий жиҳатдан таъминланганлиги.** Қарз олувчи ҳам, қарз берувчи ҳам қарзга олинган маблағни қайтарилишига ишонч, яъни реал имконияти борлигини ифодалайди. Агар кредит бериш учун реал товар моддий бойликлар захираси ҳисобга олинса, шунинг ўзи кредитнинг таъминлангани бўлади. Агар кредит сезонли харажатларни қоплаш учун берилса, бу харажатлар реал моддий бойликлар қийматига кириши кўзда тутилади. Кредит савдо битимлари учун берилса, шартнома тузилиб, қарз эгасига қайтарилиши ҳисобга олинади.

Кредит беришда гаров олиш алоҳида ўрин тутади. Кафолатли шартнома асосида кредит жисмоний шахслар, деҳқон хўжаликлари, фермерлар, ижарачиларга берилиши мумкин. Бундай шартномага кўра кафолатчи қарзни қайтарилишига кафил бўлади, мобода қарз олган қайтара олмаса, кафил бўлган шахс тўлаши керак бўлади. Қарз шартномаси суғурга компаниялари жавобгарлиги асосида ҳам тузилиши мумкин.

5. **Мақсадлилиги.** Кредит қатъий равишда аниқ мақсад учун бериледи. Банк кредит бериш учун қарз олаётган уни нима мақсадда олаётгани, ундан қандай фойда олиши мумкинлигини таҳлил қилади.

Тадбиркорлар уни “бизнес-режа”да кўрсатишади. Кредит бераётганда банк албатта уни ҳисобга олади, кредитни қайтармаслик хатарини белгилайди.

6. **Кредит беришга табақалашган ҳолда ёндашиши.** Бу тамойил турли қарз олувчиларга индивидуал тарзда ёндашишни ифодалайди. Банк қарз бериб, қайтариб олмаслик хатарини ҳисоблаб чиқиб, ҳар бир мижоз учун қарз бериш ёки бермаслик масаласини ҳар томонлама таҳлил этиб ҳал этади.

Кредитнинг тарихий ривожланиш жараёнида турли шакллари келиб чиқиб, уларнинг энг асосийлари тижорат ва банк кредитидир. **Тижорат кредити** — бу корхоналар, тадбиркорлар ва бошқа хўжалик субъектларининг бир-бирига товар шаклида берадиган кредитидир. Бунда товарлар қарзга берилади. Кўпинча тижорат кредити вексел (қарз мажбуриятномаси) билан ҳужжатлаштирилади. Тижорат кредити чекланган тарзда қўлланилади. Уни кенг тарзда қўлланишига қуйидагилар тўсқинлик қилади:

а) қарз берувчининг резерв маблағи, резерв фондининг чекланганлиги

б) товар шаклида кредит ишлатилишининг чекланганлиги. Айтайлик корхона материал қарз олган бўлса, уни фақат ишлаб чиқариш воситаси хом ашё сифатида ишлатиши мумкин, уни иш ҳақи тарзида ишлата олмаймиз.

в) бу қарз ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган корхоналардан уларни истеъмол қиладиганларга берилиши мумкин, аксинча эмас. Тижорат кредитининг бу чекланганлиги банк кредити ёрдамида ҳал этилади.

**Банк кредити** — бу молия кредити муассасалари (банклар, фондлар, ассоциациялар) томонидан ҳар қандай хўжалик субъектлари (тадбиркорлар, корхоналар, ташкилотлар ва бошқалар)га пул шаклида — ссуда тарзида берилади. Банк кредити қисқа (1 йилгача), ўрта (1 йилдан 5 йилгача) ва узоқ (5 йилдан ортиқ) муддатга берилиши мумкин. Кредит фақат товар муомаласи (айланишини)га хизмат кўрсатиб қолмай, капитал жамғарилишга ҳам хизмат кўрсатади. Банк кредити битимлар ҳажми, муддати, йўналиши бўйича чекланмаганлиги жиҳатидан тижорат кредитидан фарқ қилиши, уни кредитнинг асосий ва устун шаклига айлантиради. Кредитнинг улардан ташқари қуйидаги шакллари мавжуд.

**Истеъмол кредити.** Истеъмол кредити аҳоли эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. У товар ёки пул шаклида бўлиши мумкин. Бу кредит энг аввало узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларни сотиб олиш учун берилади. У товарлар сотилаётган магазинлар томонидан тўлов муддатини кечиктириш ёки банк томонидан шу мақсад учун ссуда берилиши тарзида бўлиши мумкин. Одатда бу кредит учун белгиланадиган фоиз юқори бўлади. Ҳозирги пайтда имтиёзли кредитлар ҳам берилмоқда. *Масалан*, АҚШ да банклар истеъмолчиларга кредит карточкалари беради, уларга нархи 2500 долларга қадар товарлар харид этилади, харид пули банкларга магазинлар берган рақамга қараб тўланади. Бундай кредит ғоят имтиёзли бўлиб, унинг фоизи бошқа қарз фоизидан анча кам, ҳатто фоизсиз ҳам бўлиши мумкин. Талабаларга ўқиш ҳақини тўлашлари учун махсус қарз берилади. Бу қарз учун фоиз энг кўп бўлганда 8 фоиз қилиб белгиланади, қарз йилига 2500 доллар, охири курсда эса 5000 доллар миқдорда берилади. Бундай қарзни талаба ўқишни тугатиб пул топгач узади. Ҳозирги пайтда, якка уй-жойлар қуриш учун узоқ муддатли кредитлар пул шаклидаги истеъмол кредитларидир. Республикамызда ҳам ҳозирги пайтда уй-жой қуриш, олий ўқув юртларида ўқиш учун имтиёзли кредит бериш кенг қўлланилмоқда.

**Ипотека кредити;** кўчмас мулк (ер, бино, уй-жой кабилар)ни гаровга қўйиб олинадиган кредит. Одатда ипотека кре-

дитидан қишлоқ хўжалигида асосий фондларни янгилаш, йирик капитал қўйилмаларни қоплаш учун фойдаланилади.

**Давлат кредити;** Давлат бир томондан қарз олувчи, иккинчи томондан қарз берувчи сифатида майдонга чиқади.

Бунда давлат кредити пайдо бўлади. Давлат аҳолидан, фирма, корхоналар, ташкилотлар, банклардан қарз олади. У давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у вақти келганда қарзни узиш ва фоиз тўлашни кафолатлайди. Уларни марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар чиқарадилар. Қарз ва унинг фоизи бюджет ҳисобидан қопланади. Давлат қарзни энг аввало бюджет танқислигини қоплаш учун олади. АҚШда давлат облигациялари эмиссия туфайли давлат қарзи 3 трлн. доллардан ортиб кетди. Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини ўтамай, қарз берувчи родини ҳам бажаради. Давлат ўз маблағлари ҳисобидан банкда қарз фондини ташкил этади, хазинадан қарз беради. Хазина қарзи давлат бюджетидан, корхона ва фирма, ташкилотларга уларнинг молиявий санацияси (соғломлаштириш) учун сарфланади.

Бу қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилади. Фоиз ғоят имтиёзли бўлиб даромад олишни кўзламайди. Давлат ўз қарзидан воз кечиши ҳам мумкин.

**Хўжаликлараро пул кредити** — хўжалик юритувчи субъектларни бир-бирига берадиган кредити. Корхона, ташкилотлар акция, облигация, кредит билетлари ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар чиқариш орқали берилади. Бу операциялар корхоналарнинг марказлаштирилмаган молиялаштириш (акция чиқариш) ва кредитлаш (облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар) деган ном олган.

**Халқаро кредит** — бу ссуда капиталининг халқаро миқёсдаги ҳаракатидир. Халқаро кредит товар ёки пул (валюта) шаклида берилади. Қарз берувчилар ва қарз олувчилар банклар, хусусий фирмалар, давлат органлари, ҳукуматлар, йирик корпорациялар, халқаро ва регионал ташкилотлари бўлиб, уларнинг кредит бериш шартлари бир-бириникидан жиддий фарқ қилиши мумкин.

### 3-§. ФОИЗ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Ривожланган бозор хўжалигида ссуда капитали бозори вужудга келади. Бу бозорда алоҳида товар-капитал олди-сотти қилинади. Бунда пул қўшимча фазилат фойда келтиришга эга бўлади. У ишлатиб туришга берилар экан, эгасига аввалги миқдорига қараганда белгиланган фоиз даражасида кўпайиб шартлашилган муддатда қайтиб келади. Бозорга чиқарилган пулнинг нархи (фоиз) бўлади. Бу унинг маълум эҳтиёжни қонди-

ришда пулнинг хоссасидан фойдаланганлиги учун бериладиган ҳақ бўлади. Фоиз даражаси ёки миқдори аввалдан белгиланади. У ссуда проценти ҳамда банк процентидан иборат. Мижозлар одатда ўз пулларини банкка қўяр эканлар унга фоиз олишади. Бу банкнинг пул эгаларига тўлайдиган фоизи бўлиб, уни банк фоизи деб аталади.

У юқори бўлса пулни банкда сақловчи мижозлар кўпаяди, камайса аксинча.

$$\text{Банк фоизи} = \frac{\text{Даромад (фоизи) суммаси}}{\text{Қарз миқдори}} \cdot 100\%$$

Айтайлик мижоз ўз пулини банкка қўйиб қарзга берган капитали 50000 сўм бўлсин. 5000 сўм даромад олсин, у ҳолда йиллик банк проценти 10%ни ташкил этади. Банкдан қарз олувчи ссуда проценти тўлайди. Ҳар бир ссуда олувчининг олган қарзи унга қанчага тушиши қизиқтиради. Уни қуйидагича ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$r = kr \times r' \times t;$$

$r$  — ссуда учун тўланган умумий фоиз.

$kr$  — қарз миқдори

$r'$  — процентнинг йиллик миқдори;

$t$  — кредит берилган вақт.

Айтайлик, “Замин банк” фермерга 200 минг сўм, 14% йиллик процент ҳисобидан ярим йилга қарз берди. Фермер хўжалиги кредит учун қанча ҳақ тўлаши керак? Ссуда фоизи қуйидагича бўлади:  $r = \frac{200 \times 14 \times 6}{12} = 14000$ . Демак фермер 200 минг


сўмни 214 минг сўм қилиб қайтариши керак. Одатда ссуда фоизи банк процентига нисбатан юқори белгиланади. Бу банк харажатларини қоплаш ва даромад олиш имконини беради. Банкнинг оладиган проценти билан берадиган проценти ўртасидаги фарқ **маржа** дейилади. Бу ерда шундай савол туғилади, қандай манба ҳисобига тўланадиган процент қопланади?

Қарзга олинган пул капитал сифатида ишлатилади, яъни фойда олиш назарда тутилади. Пул эгаси мулкдор сифатида шу пулни ишлатиб олинган фойданинг бир қисмини талаб қилади. Шундай қилиб, процент қарз пулини ишлатиб олинган даромаддан қопланади. Буни А.Смит ўзининг “Одамлар бойлиги...” асарида кўрсатиб ўтган.


Қарз пули истеъмол учун ишлатилса, фоиз даромаднинг бир қисми бўлмайди (чунки даромаднинг ўзи йўқ), у қарздорнинг келажакда истеъмол учун маблағидан қопланади. Агар тадбиркор 200 минг сўм олиб, ишлаб чиқариш ёки савдога ишлатса 14000 сўм процент унинг фойдасидан қопланади, агар истеъмолчи мебел харид қилса 14000 сўмни иш ҳақидан тўлайди.

Банкнинг ялпи фойдаси уни ўтказган барча операцияларидан олинган даромади бўлиб, унинг харажатлари (банк ходимларига иш ҳақи, амортизация, банк биносини сақлаш харажатлари, канцелярия харажатлари ва бошқалар) қопланганидан қолган қисми банкнинг соф фойдаси ҳисобланади.

Соф фойдани банкнинг ўз капиталига нисбати банк фойдаси нормасини ифодалайди. Банк фойда нормаси икки омилга; тадбиркорларнинг фойда нормаси ва ссуда проценти даражасига боғлиқ.



а) расм.



б) расм.

Профессор П. Самуэльсон ва В. Нордхаус “Экономикс” да шундай ёзишганди: “Агар фирма максимал фойда олмоқчи бўлса, шундай процентни танлаши лозимки, фойда нормаси процент ставкасига қараганда юқори бўлиши керак”.

Банкларга қўйилган омонатларга белгиланган процент, аҳоли пулини қай миқдорда банкка қўйиши, қимматбаҳо қоғозлар шаклида ва нақд пул шаклида сақлашини белгилайди.


Ссуда капиталига талаб ва таклиф асосида мувозанатлашган ссуда проценти белгиланади.

Одатда бозор ва ўртача процент нормаси фарқланади. Бозор проценти нормаси бозордаги маълум вақт мобайнида белгиланган процент бўлиб, бозор конъюнктурасига боғлиқ. У иқтисодиётдаги ўзгаришга: юксалиш ёки тушкунликка тушишига қараб тебраниб туради. Ўртача процент нормаси узоқ муддат давомида унинг ўзгариш ҳаракатини ифодалайди.

Ссуда капиталига бўлган талаб ва таклифга қатор омиллар таъсир қилади; — Ишлаб чиқариш ҳажми; — Жамғарилган пул ҳажми — яъни жамиятдаги барча синфлар ва табақалар жамғармаси; — Ишлаб чиқариш циклларининг тебраниши; — Ишлаб чиқаришнинг мавсумий шароитлари; — Инфляция суръати; — Давлат томонидан фоиз ставкасининг бошқарилиши; — Халқаро омиллар;

а) расмда  $M_1$  шартномасида пулга талаб процент ставкасига боғлиқ бўлмай, бошқа омилларга: товарлар нархи суммаси, пул бирлиги оборотининг тезлигига боғлиқ бўлганда, талаб

чизиғи у ўқига параллел бўлади. б) расмда жамғариш учун пулга талабнинг процент ставкаси билан боғлиқлиги ифодаланган. Процент ставкаси қанча юқори бўлса, нақд пул ҳолида жамғариб сақлаш шунча қимматга тушади. Шунинг учун пулни банкда сақлашга интилиш кучаяди. Фоиз ставкаси паст бўлганда, аксинча ликвидлиги энг юқори 100% бўлган нақд пул шаклида сақлашга интилиш кучаяди. Шу билан бирга қарз олувчилар учун аксинча процент ставкаси юқори бўлса пулга талаб шунча кам, аксинча бўлса юқори бўлади. в) расмда пулга бўлган умумий талаб ва процент ставкаси мувозанати кўрсатилган.



в) расм

Пулга умумий талаб  $D_M$  билан таклиф  $S_M$  ўртасидаги мувозанатни пул бозорида процент ставкаси белгилайди. Мисолимида  $r_A$  экан.

Капитал бозорида капиталнинг мувозанат нархи яъни, тўланадиган процент бир томондан капиталнинг меъёрий унумдорлиги (меъёрий даромад)нинг пасайиши, иккинчи томондан бой берилган имкониятлар, меъёрий харажатлар, хуллас бозор қонуниятлари асосида шаклланади.

Процент ставкасини белгилашда қарз беришнинг хатарлик даражаси ҳам катта рол ўйнайди. Иқтисодий фаолиятдаги хавф-хатарнинг мавжуд бўлиши, бу бозор иқтисодиётига хос. Ўз пулини қарзга берар экан унинг эгаси доимо таваккал қилади. Чунки ҳисобга олинмаган омиллар бўлиши мумкин ёки ҳисобга олинган тақдирда ҳам сиёсатнинг, солиқлар ва бошқаларнинг ўзгариши юз бериши мумкин. Ссуда берилаётганда хавф-хатар қанча кўп бўлса, шунча процент ставкаси юқори бўлади. Бу айниқса қимматбаҳо қоғозлар бозорини таҳлил қилганда аниқроқ кўринади. Чунки қимматбаҳо қоғозларнинг ишончлилиги, даромадлилиги доимо банк процентига тескари пропорционалдир.

Бозор иқтисодиётида иқтисодий ечимларнинг алтернатив (муқобиллиги), яъни пул эгасининг улар орасидан ўзи учун энг оптималини танлаш имкониятига эга эканлиги бозор иқти-



содиётининг афзаллигини яна бир бор кўрсатади. Процент белгилашда вақт омили жуда муҳим рол ўйнайди. Пул эгаси ўз пулини шу кундаги эҳтиёжга сарфламай қарзга берапти. Уни нима мажбур қилади?

Иқтисодиёт назарияси шуни таъкидлайдики инсон доимо ҳозирги кундаги неъматлардан фойдаланишни, келажақдаги истеъмолдан юқори баҳолайди. Бу халқ мақолларида ҳам ўз ифодасини топган: "Осмондаги турнадан, қўлдаги читтак яхши", "Ютганим ўзимники, чайнаганим гумон". Қандай тизим бўлишидан қатъи назар, инсоннинг ана шу фазилати ўзгармас экан. Инсоннинг ҳозир қондириши мумкин бўлган эҳтиёжи кейинга қолдирмасдан қондиришга, неъматлардан фойдаланишга интилади. Бунга сабаб энг аввало инсоннинг ҳаёти чекланган, ўлим ҳақ — уни қачон юз беришини билмаймиз. Турли неъматларни истеъмол қилишни кейинга суриш билан улардан умуман фойдаланмаслигимиз мумкинлиги хавфига йўл қўямиз, чунки келажақда нима бўлиши номаълум. Бундан келиб чиқадики пул эгасини ана шу хатарга йўл қўйиб, ўз ресурсларини бугунги кунда тасарруф қилишни бошқа бировга беришни тақдирлангандагина у қарз берар экан. Таниқли иқтисодчи П. Хейне процент — бу инсонлар бошқалар пули ҳисобига ресурслардан ҳозирда фойдалангани, яъни ўзи ишлаб даромад олиб, кейин шу ресурсларни сотиб олиш ўрнига ҳозирда фойдаланиши имконига эга бўлгани учун тўланадиган ҳақ дейди.

Фоиз даражасига булардан ташқари қуйдагилар ҳам таъсир қилади.

- Қарзга олинадиган пулни ишлатишдан олинадиган наф;
- Қарз тўлаш муддати ва шарт;
- Қарз қандай пул билан олиниси: эркин конвертрланадиган валютада ёки оддий валютада бўлиши.


#### 4-§. КРЕДИТ ВА БАНК ТИЗИМИ

**Кредит тизими кенг маънода банк ва бошқа кредит муассасалари уларнинг кредит операцияларини бажариш услублари, ташкил этишнинг ҳуқуқий шакллари мажмуини ифодалайди.** Кредит ва банкларнинг келгусида ривожланиши молия-кредит муассасаларининг умумлашуви, кенгайиши кредит тизимида янги функция ва вазифаларни вужудга келишига олиб келади. Кредит тизимининг асосий функцияси бўш пул маблағларини тўплаб ссуда капиталига айлантириш. Ундан ташқари омонатлар қабул қилиш ва улар бўйича турли рақамлар очиш, акция ва облигациялар чиқариш, моддий бойликларни сақлаш, тўлов операцияларида воситачилик қилиш ва бошқалардан иборат. Кредит тизими корхона, ташкилотларнинг пули билан турли операция-

лар ўтказишни ўз зиммасига олади. Шундай муомала воситалари яратдики, аввалига олтин, кейинчалик кредит пуллари, сўнгра нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўлиб, улар бир-бирини алмаштириб борди.

Молия капиталининг муҳим бўғинига айланиш билан кредит тизими ҳўжалик ҳаётининг ҳамма сферасига кириб боради. Ҳозирги даврда иқтисодий такрор ишлаб чиқаришда у марказий ўринда туради десак хато қилмаймиз. Банк тизими кредит тизими негизи сифатида ўзининг марказлашуви билан инсоннинг энг моҳирона ва мукамал ижод намунасидир. Кредит тизими, жумладан банк тизими турли мамлакатларда умумий хусусиятларга, шу билан бирга албатта ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Кредит тизими кредит механизмига таянади.

**Кредит механизми ҳўжалик механизмининг таркибий қисми бўлиб, у ўз ичига кредитлаш шартларини, усулларини, кредитни бошқаришни олади, бошқача айтганда кредит механизми — бу кредитни ташкил этишнинг шакли, услубидир.** Кредит механизми ёрдамида банк тизимининг кредит сиёсати амалга оширилади. Кредит механизмининг муҳим элементларидан бири кредит шартномаси бўлиб, у кредит муносабатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ҳисобланади. Иккинчиси кредитга лаёқатлилигидир. Кредит беришда унга асосий эътибор қаратилади, чунки банк ўз фаолияти натижаси учун тўлиқ жавобгар бўлади. Кредит тизими ўз ичига икки: банк ва махсус молия-кредит тизимини олади. Кредит тизими таркибини қуйидаги схема орқали тасвирлаш мумкин.



Кредит-молия операцияларининг асосий массасини назорат қилувчи, кредит тизимининг ҳал қилувчи асосий бўғини бу банк тизимидир. Банк тизими иқтисодий цивилизациянинг энг олий ютуқларидан биридир. Инсон уни ихтиро қилиш билан иқтисодиётга таъсир этишнинг нозик, таъсирчан воситасини топди: кўп иқтисодчилар банкларни инсоннинг нерв тизимига қиёслайдилар. Ташкил этиш ҳаракатига қараб, банк тизими бир бўғинли ҳамда икки бўғинли бўлиши мумкин. Ривожланган мамлакатлар учун икки бўғинли банк тизими характерли. Бунда биринчи бўғин мамлакатда пул муомаласини ташкил этувчи ва назорат қилувчи. Марказий банк бўлса, иккинчи бўғинни мустақил ва марказий банкка бўйсунувчи тижорат ва махсус банклар ташкил қилади.

Бир бўғинли тизимда Марказий ва тижорат банклар бир мавқеда бўлиб, тенг ҳуқуқли агентлар тарзда иш юритади ёки ҳамма банклар давлат банки бўлади. Бундай бир бўғинли тизим кам тараққий этган ёки тоталитар давлатларга хос. Банклар тизими иш тартиби, бажарадиган операцияларига лицензия, яъни рухсат олишига кўра икки: универсал ва махсус банкларга бўлинади. Универсал тизимда тижорат банклари ҳамма кредит-молия хизматини бажаради.

Бундай тизимга Германия банк тизимини кўрсатиш мумкин. Махсус тизимда тижорат банклари нисбатан тор доирадаги операцияларни бажарадилар. Соф тарзда бундай тизим йўқ, лекин АҚШ банк тизими унга яқинроқ. Ҳозирги замон банк тизими кўпроқ универсал тизим томон бораяпти. Сабаб бунда банк хатари камроқ. Ҳозирги пайтда Япония, Австралия банклари шу тизимга ўтишмоқда. Мамлакатимиз банк тизими икки бўғинли бўлиб, таркиби қуйидагича:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва муассасалари

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

3. Халқ банки

4. Акция, пай асосида, шунингдек чет эл вакиллари иштирокида тузилган тижорат банклари, уларнинг ваколатхоналари.

Банклар, жумладан чет эл банклари Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Ана шундай банкларга «Саноат қурилиш банки», «Пахта банки», «Ғалла банки», «Мева-сабзавот банки», «Савдогар банк», «Авиа банк», «Тадбиркор банк», «Наманган банк», «Парвина банк», «Саёҳат инвести» банки ва бошқалар. Ҳаммаси бўлиб Республикамизда 30 дан ортиқ тижорат банки бор. Умуман банк тижорат ташкилоти бўлиб у асосан омонатларни қабул қилади. Қимматбаҳо қоғозлар чиқаради ва уларни бошқаради. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида халқаро майдонда истиқбол йўна-

лишларини кўзда тутиб, республика ташкил бўлган биринчи йилдан бошлаб халқаро Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки барпо қилди. Бу банк биринчидан экспорт товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун чет эл валютасида кредитлар беради. Давлат заёмлари ва кредитларидан самарали фойдаланишга қаратилган хизмат кўрсатади. Иккинчидан, халқаро валюта кредит бозорлари операцияларида иштирок этади. Учинчидан, ҳукуматлараро битимларни тўлов шартларини ишлаб чиқишда қатнашади ва бошқа вазифаларни бажаради.

Кредит, табиий банк тизимининг юраги, жони бу банклардир. Банклар фойда олиш мақсадида бўш пул маблағларини тўплаб, муҳтожларга қарз бериш билан шуғулланадиган муассаса. Республикамизда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонунда банк тушунчаси қуйидагича таърифланади. Пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайтаришлик, тўлашлик ва муддатлилиқ шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган муассаса банкдир, банк ҳуқуқий шахсдир”.

Банк ишининг келиб чиқиши тарихи пул майдалашдан бошланган. Пул майдаловчи саррофлар, заргарлар дўконлари савдогар, сотувчилардан олтин ва кумушларни сақлашга ҳам қабул қилишар, эгаларидан сақлаб берганлари учун тўлов олинар эди, бора-бора бундай ишлар билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган муассасалар пайдо бўлди. Кейинчалик уларни банка деб атай бошладилар. Тарихан банклар ўз номларидан аввал вужудга келган. Банк сўзи олмонча die Bank — курси сўзидан келиб чиққан. Айримлар италянча «Banko» сўзидан келиб чиққан дейишади — у ҳам шу маънони беради. Унинг ёрдамида айирбошлаш, ҳисоб-китоб амалга оширилган.

Банклар энг аввало хусусий тижорат тузилма бозор инфраструктурасининг элементи сифатида вужудга келган. Давлат банклари тижорат банкларига қараганда анча кейин вужудга келган. Банклар ривожланиш жараёнида кўп босқичларни босиб ўтган. Дастлаб улар идора сифатида хизмат кўрсатган. Лекин тез орада алмашишга қарз бериш ҳам қўшилади. Дастлабки банклар эраимизгача 2300 йил аввал қадимги халдейлар (жанубий Мессопотамияда яшаган) давлатида савдо шерикчилиқ кўринишида ташкил топиб, ссудага пул бериш ва пул кўчириш (ўтказиш) операциялари билан шуғулланган. Лекин ҳақиқий банк ривожланиши Бобиллар (милоддан аввалги 2000-йилнинг бошларида жанубий Мессопотамияда вужудга келган) давлати вужудга келиши билан боғлиқ. Кейинчалик Африка, Миср, Римда ва бошқа жойларда ривожлана бошлади. Сўнгра банк ривож асосан Англияда юз берди.

Давлат банклари XIX асрга келибгина ташкил топа бошлади. Франция давлат банки (1800 йил Наполеон I томонидан

ташкил этилган), 1816 йил Австрия, 1825 йили Бельгия миллий банки, кейинчалик Рус давлат банки, Италия миллий банки вужудга келиб, тижорат банклари билан биргаликда иш юрита бошладилар.

Республикамиз мустақилликка эришгач биринчи навбатда Марказий банк ташкил этилди.

Умуман олганда банк ривожда икки тенденция мавжуд: бир томондан, универсаллашув, иккинчи томондан, ихтисослашув. Тижорат банклари одатда универсал характерга эга бўлиб, ўзларининг хўжалик мавқеига кўра акционерлик типдаги корпорациялар ҳисобланади. Улар Марказий банкдан махсус лицензия олиб, унга мувофиқ қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- Аҳоли, уй хўжаликлари ва фирмалардан омонатларни қабул қилиш, яъни муддатсиз депозитларни жамғариш ва бу банкларга ёзилган чекларни тўловга қабул қилиш.

- Кредитлар бериш.

- Қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар ўтказиш.

- Турли хизматлар кўрсатиш.

- Банклараро операциялар ўтказиш.

- Тижорат банклари валюта операцияларини ҳам бажариши мумкин.

Кейинги пайтларда кредит йўналишидан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Бунда мижоз учун ссуда рақами очилади ва кредит лимити белгиланади. Қарздорнинг рақамида пул қолмаса, лимит доирасида банк автоматик тарзда унинг ҳисобига пул ўтказиши, лимитдан ортиқча бериладиган қарзга юқори процент олинади.

- Траст (ишонч) операциялари ўтказиш. Мижоз ўз мулки қимматбаҳо қоғозларини ишониб бошқаришни банкка топширади.

- Воситачилик операцияларини мижознинг топшириғига кўра бажаради.

Умуман олганда банк операциялари актив ва пассивга бўлиниб, пассив операциялар маблағларни жалб этиш бўлса, актив операциялар маблағларини жойлаштиришидир.

АҚШ кредит тизимида деярли 14 минг тижорат банклари иш олиб боради. Кўриниб турибдики, банклар ўртасида рақобат катта. Ўз навбатида рақобат кураши йирик гигант банкларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлади. Ҳозирги пайтда 500 млн. доллардан ортиқ активларга эга бўлган банклар 4,4% бўлиб, уларнинг активлари эса 74% ни ташкил этади. Улар ўртасида 230 млрд. \$ активга эга бўлган «Ситикорпорейшн», Чейз Манхеттен корпорейшн 106 млрд. \$, Бенк оф Америка 97 млрд. \$ ва бошқалар, нафақат АҚШ, балки бутун дунёда етакчи ўринда, Ситикорпорейшн эса жаҳонда биринчи ўринда туради.

Республикамизда энг нуфузли банклар бўлиб, ташқи иқти-

содий алоқалар билан шуғулланувчи Миллий банк ҳамда Халқ банки ҳисобланади. Миллий банк жаҳондаги энг йирик 500 банкдан бири ҳисобланади

Тижорат банклари тўла мустақил, лекин улар пул эмиссия қилиш ҳуқуқига эга эмас. Реал жалб қилган ресурслари миқёсидагина кредит бера олади. Ихтисослашган банклар алоҳида соҳаларда кредит-пул операцияларини ўтказди. *Масалан:*

**Миллий банк.** У республика ҳукумати томонидан қонунга мос равишда рўйхатдан ўтказилади ва Марказий банк аъзоси ҳисобланади. Асосий йўналиши ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатиш.

**Инвестиция банклари.** Халқ хўжалигининг турли тармоқларини энг аввало саноат, савдо, транспортни узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланади, қимматли қоғоз чиқаради ва инвесторлар ўртасида жойлаштиради. Уй-жой қурилиш банки аҳолининг уй-жой қурилишини молиялаштириши билан характерланади.

**Замин банки.** Кўчмас мулкни гаровга олиб, узоқ муддатли кредитлар беради.

**Инновация банки.** Илмий техникавий лойиҳаларни сотиш билан боғлиқ бўлган операцияларни кредитлайди. Шунга ўхшаш бошқа махсус банклар ҳам у ёки бу ихтисослашган хизмат кўрсатади. Тижорат ва махсус банклар фаолиятини Марказий банк назорат қилади.

Кредит тизимида махсус молия-кредит муассасалари ўзига хос ўрин тутади. Номи ўзи кўрсатиб турибдики у алоҳида ўзига хос мижозларга хизмат кўрсатади. Кўрсатган хизмати бир, икки турда бўлиб, кўпинча махсус характерга эга бўлади. Махсус молия-кредит институтларига икки томонлама назорат хос. Бир томондан қарз бериш, ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириши туфайли Марказий банк талабларига бўйсунади. Иккинчи томондан, махсус молия, суғурга, инвестиция шунга ўхшаш бошқа операцияларни бажаришга ихтисослашар экан, мувофиқ равишдаги бошқариш маҳкамаларига ҳам бўйсунади. Айрим пайтларда турли маҳкамаларда қабул қилган норматив ҳужжатлар бир-бирига қарама-қарши бўлиб ҳам қолади. Бу уларнинг иш фаолиятини қийинлаштиради.

Молия-кредит институтларининг ўзига хос тури **почта-жамғарма муассасаларидир.** У майда омонатчиларни жалб қилишда катта рол ўйнайди. Бунда мижозларга почта бўлимлари орқали хизмат кўрсатилади. Почта аҳоли маблағларини йиғди ҳамда қарзлар беради. Одатда йирик банклар майда мижозлар билан ишлайди. Шунинг учун кейинги пайтларда кўп мамлакатларда почта-жамғарма муассасалари орқали кредит-ҳисоб операцияларини амалга ошириш кенгайиб бормоқда.

Махсус молия-кредит муассасалари тизимида лизинг, факторинг фирмалари ҳам ўзига хос ўрин тутади. Одатда ли-

зинг, факторинг операцияларини тижорат банклари ҳам амалга оширади. Лекин улар йирик мижозлар билан ишлайди. **Факторинг** фирмалари мижозларининг бошқаларга берган қарзларини ундиришни ўз зиммасига олади ва шу ундирилиши керак бўлган қарз устидан мижозига кредит беради. Факторинг фирмалари конвекцион факторинг, яъни мижозга универсал молия хизмати кўрсатиш мумкин. Бунда бухгалтерия ҳисоботи, корхонани зарур хом ашё ва бошқа ресурслар билан таъминловчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоб қилади. Ахборот, реклама, ҳуқуқий ва бошқа хизматлар кўрсатади. Мижоз фақат ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Конфиденциал факторингда эса айрим операциялар қарзни тўлаш, пул олиш ҳуқуқлари чегараланган бўлади. **Лизинг** фирмалари товарларни ижарага бериш билан шуғулланади. Лизинг ибораси «For lease» сўздан олинган бўлиб «Ижарага олмоқ» деган маънони билдиради. Бунда товар кўчмас мулк, асбоб-ускуна ва бошқа товарлар бўлиши мумкин, эгалари ўз мулк эгаллигини сақлаб қолади. Лизингни оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, лизингда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг, уларни қолдиқ қиймати асосида сотиб олиш кўзда тутилади. Лизинг компанияларида лизинг операцияларини ўтказиш учун ўз маблағлари етишмайди, шу сабабли, кўпчилик лизинг операцияларида жалб қилинган маблағлар кенг қўлланилади. Бунда одатда банкнинг узоқ муддатли ссудаларидан фойдаланилади.

**Ломбардлар** кўчириб бўладиган мол-мулк эвазига кредит беради. Дастлаб Ломбардияда судхўрлик кредити тарзида юзага келган. Кўпгина мамлакатларда ломбардларни давлат тасарруфига олиш тенденцияси бормоқда. Кейинги пайтда ломбардлар мол-мулкни сақлаш ҳамда гаровга қўйилиб белгиланган муддатда қайтариб олинмаган мулкни сотувчи комиссиян воситачилик асосида сотишни ҳам амалга оширади. **Кредит бирлашмалари** хусусий шахслар гуруҳи ёки майда кредит муассасалари томонидан ташкил этилади. Улар икки типда бўлиши мумкин.

1. Жисмоний шахслар гуруҳи томонидан касби ёки территориал жиҳатига қараб, қисқа муддатли истеъмол кредити бериш мақсадида ташкил этилади.

2. Мустақил майда кредит муассасалари ихтиёрий тарзда бирлашуви туфайли ташкил этилади. Уларнинг маблағлари пайчилик, аъзолик бадаллари ва заёмлари чиқариш билан шаклланади. Уларнинг асосий операциялари омонатларини жалб этиш, заёмлар чиқариш, ўз аъзоларига қарз бериш, векселларни ҳисоб-китоб қилиш, савдо воситачилиги, комиссиян операциялар, маслаҳат ва аудиторлик хизматлари кўрсатиш.

**Ўзаро кредит бериш жамияти.** Улар ўз характери жиҳатидан тижорат банкларига яқин. Улар асосан майда ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатади. Уларнинг аъзоси жисмоний, юридик шахс-

лар бўлиши мумкин. Жамият капитали унга аъзо бўлиб кириш бадалларидан ташкил топади.

**Молия компаниялари.** Турли-туман муассасалар одатда товарлар олди-соттисига кредит беради. Савдо фирмаларига насиёга сотилган товар учун, саноат фирмаларига қарзга сотилган товари учун кредит бериш билан шуғулланади. Баъзи компаниялар аҳолига турли мақсадлар учун кредит бериш билан шуғулланади.

**Суғурта компаниялари.** Асосан суғурта полисларини сотиш билан шуғулланади. Ўз маблағларини саноат компаниялари облигациялари, акциялари ҳамда давлат қимматбаҳо қоғозларига қўядилар.

**Пенсия фондлари.** Ёнг аввало фонд маблағларини ташкил этиш ва пенсия бериш билан шуғулланади. Ўз маблағларини асосан саноат компаниялари акцияларига қўяди.

**Инвестицион компаниялар.** Ўз мажбуриятларини майда мижозлар ўртасида жойлаштириб турли тармоқлар қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш билан шуғулланади.

**Кредит ширкатлари.** Бу ширкатлар ўз аъзолари: кооператорлар, ижара корхоналари, кичик ва ўрта бизнес, жисмоний шахсларга кредит ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилади. Уларнинг капитали пайлар ва кириш бадаллари ҳисобига ташкил топиб, ширкатдан чиққанда қайтарилмайди. Асосий пассив операциялари омонатларини жалб этиш, заёмларини жойлаштириш:

**Актив операциялари,** ссуда, воситачилик (комиссион) савдо-ўртачилик операциялари ҳисобланади.

Кредит ширкатларининг ўзига хос тури **қишлоқ хўжалик кредити жамиятидир.** Унинг таъсисчилари Марказий, тижорат, махсус банклар, ҳукумат, жисмоний, юридик шахслар бўлиши мумкин. Улар фаолиятининг асосий йўналиши қишлоқ хўжалигига кредит, ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш. Уларнинг мижозлари деҳқон хўжаликлари, фермерлар ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари. Бу қишлоқ хўжалик кредити жамиятлари фаолиятининг хусусияти шундаки, уларга солиқ имтиёзлари берилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида махсус молия кредит муассасалари ортиб бораёпти. Улар ниҳоятда катта маблағларни жалб этиш билан бирга капиталларини самарали жойлаштиришга ҳам эришиб, умуман иқтисодиётни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатаёпти. Ҳозирги пайтда АҚШда ана шу муассасаларнинг активлари тижорат банклари активларидан деярли икки баробар кўп. Республикамизда ҳам бундай муассасалар ташкил этишда анчагина муваффақиятлар қўлга киритилди.



## 5-§. ПУЛ МУЛЬТИПЛИКАТОРИ

Нима сабабдан пул массаси тез кўпаяди. Бу нима ҳисобига, қандай тарзда юз беради, деган савол туғилади. Давлат банкининг эмиссия (яъни нақд пул чиқариш) фаолиятдан қатъи назар пул массаси ҳажми тижорат банклари кредити ҳисобига кўпаяди. Банклар ссуда берганда пул массаси кўпаяди, аксинча мижозлар олган қарзини камайтирганда пул массаси камаяди.

Битта алоҳида банк пул ярата олмайди лекин банклар биргаликда бундай имкониятга эга бўлади.

Бу жараёни мисол билан қуйидагича тушунтириш мумкин. Айтайлик банк «А»нинг активлари 200000 сўм бўлсин, банк бу активларининг бир қисмини резерв тарзда Марказий банкда сақлаши лозим. Қонун бўйича банклар ўз маблағларининг бир қисмини резерв (захира) тарзида Марказий банкда сақлашлари керак. Унинг миқдори тебраниб туради. У жорий харажатларни қоплаш, лекин асосийси мажбурият бўйича тўловга қобилиятсизлик хатарини камайтиришга қаратилган. Унинг минимал миқдори қонуний тарзда белгиланади, у муҳим тартибга солиш вазифасини бажаради. Ҳозирги пайтда Марказий банк томонидан мажбурий резерв нормаси ўрнатилади. Резерв нормаси қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Резерв нормаси} = \frac{\text{банкнинг мажбурий резервлари}}{\text{банкнинг муддатсиз омонатлари буйича мажбуриятлари}}$$

Агар банкнинг омонатлари 200000 сўм бўлиб, ундан 20000 бирлик мажбурий резервларни ташкил этса, резерв нормаси 0,1 ёки 10% ни ташкил этади.

Бу нормани ҳар бир мамлакатда МБ давлат юритадиган пул-кредит сиёсатидан келиб чиқиб белгилайди. Зарур резервдан ортиқ маблағларни банк ссудага беради.

Агар резерв даражаси 20% деб олсак, банк «А» 40000 сўмни резерв фондида сақлайди, 160000 сўмни мижозларига ссуда бериши мумкин. Банк кредит берганда бу суммани мижознинг жорий рақамига ўтказди. Натижада 160000 сўм янги пул пайдо бўлди. Банклар томонидан янги пул ҳосил бўлишига ягона тўсқинлик қиладиган нарса бу МБ резерв (захира) нормаларидир.

Мисолимизни жадвалда ифодаласак қуйидаги кўринишда бўлади.

Ж а д в а л

Банк	Банк мажбуриятлари	Мажбурий резервлар	Резервдан ориқ	Ссудага бериш мумкин булган пул
А	200000	40000	160000	160000
Б	160000	32000	128000	128000
В	128000	25600	102400	102400
Г	102400	20480	81920	81920
Д	81920 ва ҳоказо	16384	65536	65536
...	.....	.....	.....	.....

Яратилган умумий кредит пул миқдори 800000.

«А» банкдан ссуда олган тадбиркор сотиб олган товарларига чек билан тўлайди. Бу чекни товар сотган банкка ўтказади. «Б» банкда янги 160000 пул вужудга келади. Энди бу пулнинг 32000 сўмини резервга ўтказиб, қолган 128000 сўмини қарзга бериш мумкин. Бу банкдан қарз олган мижоз олган пулини турли юридик шахслар ва жисмоний шахсларга товар ва кўрсатган хизматлари учун тўлайди. Улар бу пулларни «В» банкка қўядилар. «В» банкнинг депозитлари 128000 сўмга кўпайди. Бу банк ўз навбатида 25600 сўмни резервга қўйиб 102400 сўмни кредитга беради. Кейинги этапда 102400 сўмни олганлар «Г» банкка қўйиб, уларнинг депозитларини шунча сўмга кўпайтиради. Ўз навбатида бу банк ҳам 20480 сўмни резервга қўйиб, 81920 сўмни кредитга бериши мумкин. Бунинг натижасида банклар томонидан яратилган янги пулнинг миқдори 472321 сўмгача этади.

«Г» банкнинг активи	«Г» банкининг пасиви
Резерв 20480	Депозитлар 102400
Ссуда 81920	-----
Жами 102400	Жами: 102400

Мантиқий фикр юритадиган бўлсак, банклар томонидан янги пул яратилиш жараёни маълум бир чегарагача давом эта-

ди. Мана шу жараён **банк депозитларининг кўпайишини** мультипликацион **эффект** деб аташади. Биз кўрдик-ки, 200000 сўмни юзага келиши бутун банк тизимларида депозитларни бир неча марта ўсишига олиб келади.

Шундай қилиб банк тизими пул таклифини мультипликация қилиш, яъни кўпайтириши мумкин экан. Унинг аниқ ҳажмини **пул мультипликатори ёки банк мультипликатори** кўрсатади. Мультипликатор сўзма-сўз таржима қилинса, кўпайтирувчи дегани. У қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$m = \frac{1}{r} * 100\%;$$

бу ерда:  $m$  — пул мультипликатори;  $r$  — МБ қўйилиш керак бўлган, талаб этилган резерв (захира) нормаси;

Агар,  $r = 20\%$  бўлса, у ҳолда  $m = 1 \times 100 / 20 = 5$ ; яъни ҳар бир сўмимиз депозитларни 5 сўмга кўпайишига олиб келади. Кўришиб турибдики резерв нормасининг камайиши депозитларнинг ўсишига, пул массасининг кўпайишига, аксинча резерв нормасининг кўпайиши пул массасининг камайишига олиб келади.

Мисолимиз бўйича резерв нормаси 20 % дан 10% га туширилса, мультипликатор 10 га тенг бўлади, аксинча 25% га кўтарилса мультипликатор 4 га тенг бўлади.

Реал ҳаётда банк депозитлари кўпайиши—мультипликацион эффекти анча фарқ қилади. Сабаби банкдан олинган ссуданинг ҳаммаси ҳам банкка қайтиб бормайди. Улардан бир қисми муомалада нақд пул тарзида айланиб юриши мумкин. Ундан ташқари мижозлар ўз жорий рақамларидан пулларини олиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси банкларнинг ссуда бериш имкониётларини камайтиради.

Бунда банкдан резервдан ташқари нақд пулга айланган маблағ ҳам чиқиб кетади. У пул мультипликаторини ўзгартиради. Агар нақд пулга айланган қисмини «с» билан белгиласак, у ҳолда юқоридаги формуламыз қуйидагича бўлади.

$$m = \frac{1 * 100}{r + c};$$

Агарда ана шу нақд пулга айланган миқдори 30% ни ташкил қилсин десак, у ҳолда

Пул мультипликатори =  $1 \times 100 : (20 + 30) = 2$ ;

Демак ҳар бир сўм қўшимча депозитлар аввалгига ўхшаб 5 эмас, балки 2 сўм янги кредит пули ҳосил қилди.

Пул мультипликаторидан фойдаланиб, умумий пул массаси

миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришни ҳисоблаб чиқариш мумкин. Бизнинг мамлакатимизда бу услубни иқтисодиётни тартибга солишда қўлланишини энди ўрганилаёпти. Бозор иқтисодиётида эмиссияга қараганда резервлар миқдорини ўзгартириш билан пул муомаласини тартибга солиш афзалроқ.

Бу ерда шунини эслатиб ўтиш керакки, резерв тарзида МБ да маълум миқдорда пулни сақлаш мажбуриятлар бўйича тўлов қобилиятсизлиги хатарини камайтирса ҳам банклардан мижозларнинг омонатига қўйган пулларини ёппасига олиш учун ҳаракат қилишларини олдини ола билмайди. Резервнинг етишмаслиги молиявий саросималикни келтириб чиқариши мумкин.

**Молиявий саросималик** — бу мижозлар омонатига қўйган пулларни шу вақтнинг ўзида олишга уринишлари, қарздорларда эса талаб қилинган миқдорда пулни йўқлиги сабабли кишиларни саросимага тушишидир. Бу банкларни ва ўз навбатида банк билан боғлиқ компанияларни ҳам банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Илгари молиявий саросималик юз бериши оддий ҳодиса бўлган. Агар бирон йирик қарздорни ўз қарзини вақтида узолмаслиги маълум бўлиб қолса, банкка пул қўйган омонатчиларга маблағини вақтида қайтара олмайди. Мижозлар эса иложи борича ўз пул маблағларини тезда қайтариб олишга ҳаракат қиладилар. Бу уринишда мижозлар ишончининг йўқолиши, охир-оқибат банк тизимининг каттагина қисмини банкротга олиб келиши мумкин.

АҚШда 50 йилдан ортиқ вақт мобайнида молиявий саросималик юз бермади. Бу банк резерви билан боғлиқ эмас, чунки банк мижозлари молиявий барқарорлик ҳақида овозалар тарқалса ҳам ўз омонатларини олиш учун саросимага тушиб шошилмайдилар. Сабаби, уларнинг омонатлари, депозитларини суғурталаш федерал корпорацияси томонидан суғурталанган. Агар банк бирон сабаб билан ёпилса, унинг мижозлари бир неча кун ичида компенсация олишни мўлжаллашлари мумкин.

Агар суғурта фонди маблағлари етмаса, ҳукумат зарур пулни эмиссия қилади. Маълумки, ҳамма банкларда активлар суммаси банкнинг ўз капиталидан бир неча марта юқори, унинг коэффициенти 15:1, гоҳида 25:1 гача етади. Ундан ташқари активлар умумий суммасида муддати узайтирилган кредитлар мавжудки, унинг тўланиши умуман шубҳали.

Тижорат банкларининг қисқа муддатли ресурслари портфелидан узоқ муддатли кредитлар беришга ҳаракати ҳам хатарли.

Умуман олганда хатар даражаси 25% ошмаслиги энг яхши вариант ҳисобланади.

Банк ишида молиявий хатарларни суғурталаш (хеджерлаш) бутун бир тизими мавжуд. Бу борада бизнинг мамлакатимизда дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

## 6-§. МАРКАЗИЙ БАНК ВА УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Кредит тизимида бош ролни Марказий банк ўйнайди. Марказий банк тижорат банклари ичида XVIII—XIX аср, капитализмнинг дастлабки босқичидаёқ ажралиб турган. Давлат фақат Марказий банккагина пул эмиссиясини топширган. Баъзи Марказий банклар бошидаёқ давлат муассасаси тарзида ташкил этилган. Масалан, Немис федерал банки, Австралия Резерв банки. Бошқалари Франция, Англия, Япония, Канада, Голландия банклари иккинчи жаҳон урушидан сўнг миллилаштирилган. Баъзи МБ лар ҳозиргача давлат, хусусий мулк асосида фаолият юритади. *Масалан:* АҚШ Федерал резерв (тизими) системаси 1913 йилда ташкил топган.

МБ, давлат банки, лекин баъзи мамлакатларда тижорат-акционерлик банки тарзида иш юритади. Бунда бош акционер бўлиб давлат майдонга чиқади. Масалан: Швейцария банки.

МБ, энг аввало давлатнинг пул-кредит сиёсатини амалга оширади. МБ қатор вазифаларни бажарали, улар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: МБ банкларни рўйхатга олади. Уларга рухсатнома беради. Ана шундан кейингина банк ўз фаолиятини бошлаши мумкин.

МБ тижорат банкларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солади. МБ фаолиятини таркибий қисми мониторинг — ссудага берилган пулни олинган мақсад бўйича ишлатишини назорат қилиш, олинган маблағларини муддатда қайтариш имконини кучайтиришга хизмат қилади.

Тижорат банкларини барқарор бўлишини таъминлаш мақсадида қатор мажбурий нормативлар ўрнатади:

1. Устав фондининг минимал миқдорини белгилайди.
2. Банкнинг ўз маблағлари билан банк активлари ўртасида нисбатни, баланс ликвидлиги кўрсаткичини белгилаш.
3. МБ да сақланадиган мажбурий резерв нормаларини белгилаш.

4. Тижорат банклари ўртасида корреспондентлик рақамлари орқали ҳисоб-китоб ишларини ташкил этади.

Тижорат банклари МБ га молиявий ҳисобот топширади. У бунга мажбур. Марказий банк Молия вазирлиги билан ҳамкорликда суғурта ва резерв фондларини ҳосил қилиш тартибини ишлаб чиқади.

МБнинг асосий актив операциялари — бу қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва ссуда беришдир.

Қимматбаҳо қоғозлар чиқариш. Давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари бу хазина векселлари, облигациялар бўлиб, улар даромадларнинг муҳим манбаи. Бозор иқтисодиёти шароитида облигациялар даромад манбаи сифатидагина эмас, кўпроқ тижорат банклари резервлари миқдорига таъсир этиши ва бу билан мам-

лакатдаги пул массаси миқдорига таъсир этиш воситаси сифатида майдонга чиқади.

**МБ ссудалари.** Активларни жойлаштиришнинг бошқа йўли — бу ссуда бериш. МБ ҳукуматга қарз беради.

Маълумки, ЯММнинг ярми ва ундан кўпроги мамлакатларнинг давлат бюджетларида жамғарилади. Бу маблағлар МБнинг ҳисоб рақамларида йиғилади ва улардан харажат қилинади. Шунинг учун МБ ҳукумат, муассаса ва ташкилотларнинг, миллий ҳокимиятларининг ҳисоб варақаларини юритади. Уларда маблағларни жамлайди ва тўловларни бажаради. Банк давлатга қисқа ва узоқ муддатли ссудалар шаклида ёки давлат облигацияларини сотиб олиш йўли билан кредит беради. МБ тижорат банкларига ҳам ссуда беради. Бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ссуда берилмайди. МБ ҳамма банкларга қарз олиш учун тенг шароит яратиши керак. Ссуда асосан уч мақсадга қаратилади: резерв мажбуриятларини бажариш, мавсумий ссудалар ҳамда молиявий аҳволи беқарор банкларга шу ҳолатдан чиқиб олиш учун ёрдам бериш.

Бундан ташқари МБ активларида чет эл валютаси бўлиб, халқаро валюта бозорларида доллар, марка, йена кабилардан валюта интервенцияси ўтказиш воситаси сифатида фойдаланади. МБ давлат топшириғи бўйича олгин ва чет эл валютаси билан операциялар ўтказади.

Ўзаро талабнома ва мажбуриятларни ҳисобга олишда, яъни клирингга асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар МБнинг муҳим вазифасидир.

### **МБ нинг пассив операциялари**

1. Ҳукуматнинг олди-берди операцияларига хизмат кўрсатиш, ҳукуматнинг МБ да ўз маблағлари, депозитларидан ўз мажбуриятларини тўлайди, ўз депозитларини солиқлар ҳамда захираларини банклар ва аҳолига қимматбаҳо қоғозлар сотиб тўлдириб туради.

2. Тижорат банклари резервларини сақлаш.

МБ нуқтаи назаридан тижорат банклари резервлари — бу унинг тижорат банклари олдидаги мажбуриятлари бўлиб, МБ учун пассивлар ҳисобланади.

3. Банкнота чиқариш, бошқача айтганда пул эмиссияси. Бундай ҳуқуқ фақат МБ га берилган. У банкнотлар тарзида қоғоз пуллар эмиссия қилади. Улар муомалага киритилгач қўлдан қўлга ўтиб унинг эгаларини товарлар ва ҳукуматлар билан таъминлаш мажбурият тарзда юзага чиқади.

МБ ҳар қандай миқдорда пул эмиссия қилиши мумкин. Лекин у ўз вазифасини чиқарган пулларини иқтисодий ривожланишга мос товар ва хизматлар билан таъминланган бўлсагина бажариши мумкин. Банкнотлар МБ нинг ўзига нисбатан

қарз мажбуриятлари сифатида қаралади. Ундан ташқари МБнинг ўз капитали бор. У банкнинг а) мулки, б) рақамлари, в) процент шаклида олган фойдасидир.

МБнинг соддалаштирилган баланс схемасини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Активлари		Пассивлари	
1	Валюта резерви а) олтин в) чет эл валютаси	1	МБ нинг ўз капитали
2	МБ кредитлари	2	Тижорат банклари омонатлари
3	Қимматбаҳо қоғозлар	3	Муомаладаги банкнотлар
4	Инкассация чеклари	4	Чет мамлакатлар операциялари бўйича мажбуриятлари
5	Қимматбаҳо қоғозларни сақлаш	5	Хукумат депозитлари
6	Бошқа активлар (бино, иншоот кабилар)	6	

Давлатнинг кредит-пул сиёсатини юритар экан, МБ кимга бўйсунishi керак? деган савол туғилади. Иқтисодчиларнинг фикри бир хил эмас. Айрим иқтисодчилар банкнинг кимга бўйсунishини нима аҳамияти бор? Борди-ю МБ мустақил бўлиб, ҳукуматни пул печатлаш станогига қўймайди, деган нуқтаи назарга қараганда ҳам МБ буни уддасидан чиқаолмайди деган фикрни илгари суришади.

Иккинчи гуруҳ иқтисодчилар, МБ мустақил бўлиши керак, бўлмаса сиёсатдонлар инфляцион оқибатни ўйламай пул босиб чиқариш имкониятига эга бўладилар, деган нуқтаи назардан қарашади.

Учинчи гуруҳ иқтисодчилар ҳар қандай ҳукумат пул ва солиқ-бюджет сиёсатини юритиш имконига эга бўлиши, бунинг учун МБ мустақил бўлиши керак эмас дейишади.

Реал ҳаётда айрим мамлакатларда МБ ҳукуматга тўғридан тўғри бўйсунмайди. Масалан: АҚШ, Германия, Швейцария, Австрия, Япония ва бошқалар. Айрим мамлакатларда масалан: Англияда МБ тўғридан-тўғри ҳукуматга бўйсунди.

С.Фишер ва “Экономика”нинг бошқа авторлари ҳақиқий шароитда МБ ҳам худди олий судга ўхшаб, ўз фаолиятида ҳукумат олдида турган муаммоларни ҳисобга олади. Қачон зарур бўлса, ҳукумат томонидан ўтказилаётган иқтисодий сиёсатга қаршилиқ қилмасликка уринади, деб мулоҳаза юритишади.

Мамлакатимизда МБ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси олдида ҳисобдор, бошқарувчи ва ижро этувчи давлат ҳокимияти идоралари олдида мустақил.

Давлат пул-кредити сиёсатини МБ амалга оширади:

- а) пул муомаласини тартибга солиди;
- б) кредит ҳажми, процент ставкалари даражаси ва бошқаларни белгилайди.

МБ пул-кредит сиёсатини амалга оширишининг асосий усуллари қуйидагилар.

1. Очиқ бозордаги операциялари;
2. Захира (резерв) меъёрини ўзгартириш;
3. Ҳисоб (учёт) ставкаларини ўзгартириш.

Ҳар бирининг ўзгариши пул массасининг ўзгаришига олиб келади.

**Очиқ бозордаги операциялар** — мамлакатдаги пул массасининг ўзгариши устидан, яъни пул таклифи устидан назоратнинг энг мослашувчан ва сезгир қуролидир.

Агар МБга муомалада пул массасини кўпайтириш зарур бўлса, у қимматбаҳо қоғозлар бозорида давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини сотиб олишни бошлайди. Тижорат банклари, ўз активларидаги ҳукуматнинг қимматбаҳо қоғозларини ўзлари учун мақбул шароит асосида сотишга тушадилар. Бирмунча муддат ўтгач облигациялар сотишдан тушган пуллар тижорат банкларига чеклар ёки депозитлар шаклида келиб тушади. Бу маблағлардан бир қисми резервга қўйилиб, қолганларини банклар кредитга бериши мумкин.

Шундай қилиб, МБ давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини сотиб олиш билан муомаладаги пул таклифини кўпайтиради.

АҚШда 80-йилларнинг иккинчи ярмида инфляция пасайгач ФРС йилига 20—30 млрд. доллар атрофида давлат облигацияларини сотиб олган, 2—4 млрд. доллар атрофида сотган. Агар МБ инфляцияга қарши пул массасини кўпайтиришни олдини олишга ҳаракат қилса, у давлат қарз мажбуриятларини сотишни бошлайди. Тижорат банклари ўзларига фойдали тарзда давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини сотиб оладилар, маълум муддат ўтгач чек тижорат банкларига тўлов учун тақдим этилади.

Шундай қилиб, МБ давлатнинг қисқа муддатли облигацияларини сотиш билан пул таклифини камайтиради.

МБ нинг қимматбаҳо қоғозлар бозорига доимо таъсир кўрсатиши туфайли давлат облигацияларнинг тўлов муддатлари ҳар хил бўлишидан қатъи назар, тезда пул массасини камайтириш имконини беради. *Масалан*, АҚШ ФРС 233 млрд. долларлик давлат облигациялари бўлиб, уларнинг сотилиши тижорат банклари резервларини 40 млрд. доллардан нолга тушириши мумкин бўлади.

**Захира (резерв) нормаларини ўзгартириш.** Тижорат банклари МБ да ўз счётларида захира маблағларини ушлаб туриши керак. АҚШ да унинг миқдори банк активларининг 3% дан 20% гача етади. Республикамизда ҳам мавжуд шароитдан келиб чи-



қиб, резерв нормаси белгиланади. Бу мажбурият резерв нормасидан келиб чиқиб белгиланади. Табиий бу норма паст бўлса, банкларнинг ссудага бериш мумкин бўлган резервдан ортиқча маблағлари кўпаяди. У ўз навбатида пул мултипликатори амал қилиши натижасида пулнинг кўпайишига олиб келади. Аксинча норма юқори бўлса муомаладаги пулнинг камайишига таъсир кўрсатади. Айтилик МБ директорлари кенгаши резерв нормасини 10% дан 20% га кўпайтиришга қарор қилса, демак банк ҳар бир доллар маблағдан 20 центини МБ да сақлаб, қолганини ссуда беришга ишлатиши мумкин. Норма кўтарилмай аввал бу миқдор 10 центни ташкил этар эди. Ана шундай тарзида захира нормасини ўзгартириш билан пул массасига таъсир этилади. Бу усул нисбатан кўпол, шунинг учун ундан иложи бори-ча кам фойдаланади.

**Ҳисоб (учёт) ставкасини ўзгартириш ёки ремолиялаштириш.** МБнинг асосий вазифаларидан бири тижорат банкларига ссуда бериш. Тижорат банклари МБ дан ссуда олар экан, унга ҳақ тўлайдилар. МБ томонидан белгиланган ссудага олинadиган процент тўловлари ҳисоб ставкаси дейилади. Ҳисоб ставкаси орқали МБ кредит ресурслари ҳажмига таъсир кўрсатади. Ҳисоб ставкаси камайиши билан тижорат банклари томонидан МБ кредитига талаб ўсади, аксинча бўлса талаб камаяди. Чунки тижорат банклари олган кредитларини ўз мижозларига ссудага беради. Мижозлардан олинadиган ҳақ албатта ҳисоб ставкасига боғлиқ бўлади. Ҳисоб ставкасини пасайтириш билан иқтисодий фаоллик кучаяди. Сабаби пул таклифи ўсиб, қарз олиш имконияти ортади. Агарда мамлакатда пул массасини камайитириш зарур бўлса, МБ ҳисоб ставкасини оширади, натижада кредит қимматлашади, фаоллик сусаяди. Ҳисоб ставкасининг ўсиши инфляцияга қарши кураш олиб бориш усули сифатида ҳам қўлланади.

Ҳисоб ставкасини ўзгартириш ҳам эҳтиётлик билан қўлланилади, сабаби, кутилмаган қўшимча ўзгаришларга олиб келиши мумкин. МБ иқтисодий вазиятга қараб «арзон» (юмшоқ) пул сиёсати ёки «қиммат»(қаттиқ) пул сиёсати юритади.

**«Арзон» пул сиёсати.** Агар иқтисодиётда фойдаланилмаган ишлаб чиқариш қувватлари, ишсизлик мавжуд бўлса, МБ шу сиёсатни юритади, кредит олишни осонлаштиради. У қуйидагилар:

1. Очиқ бозорда давлат қимматбаҳо қоғозларини банклар ва аҳолидан соғиб олинади.

2. Резерв (захира) нормаси камайитирилади.

3. Ҳисоб ставкаси пасайтирилади.

Натижада пул таклифи кўпаяди, процент ставкаси пасаяди. Бу инвестициянинг ўсиши ва амалий фаолиятнинг кучайишига олиб келади.

**«Қиммат» пул сиёсати.** Агарда мамлакатда инфляция юз

бераётган бўлса, «қиммат» пул сиёсати юритилишига тўғри келади. Бу сиёсат кредитни қиммат қилиб, олишни қийинлаштиради. Пул таклифини қисқартириш чора-тадбирлари кўрилади:

1. Очiq бозорларда давлат қимматбаҳо қозғолари сотилади.
2. Захира (резерв) нормалари оширилади.
3. Ҳисоб ставкаси кўтарилади.

Пул таклифи қисқариши натижасида процент ставкаси кўтарилади. Бу ўз навбатида инвестициянинг қисқаришига, инфляцияни чеклашга олиб келади. Шундай қилиб МБ мамлакатнинг банк-молия сферасига, унинг ҳолатига бевосита таъсир қилиб, бутун иқтисодиётга таъсир кўрсатади.

МБ нинг тижорат банклари фаолиятини инқирозга учрашишни олдини олишдаги роли катта.

Ҳозиргача банклар доимо эски инглиз «Ҳамма тухумни бир савадда сақламаслиги керак» нақлига амал қилишавермайди.

АҚШ да 1986 йили 206 банк банкрот деб эълон қилинди. 1988 йили 221 банк ва 220 та омонат кассалари банкрот бўлди.

Агар тижорат банклари системали тарзда қонунни бузиб, йилни зарарлар билан яқунласа, мижозлар манфаатига хавф тугдирса, МБ бу банк ташкилотлари олдига молиявий соғломлаштириш масаласини қўяди ёки уни қайта ташкил этиш, хатто тўла тугатиш масаласини қўяди.

Хуллас, кўпчилик иқтисодчилар пул-кредит сиёсатини миллий барқарорлаштириш сиёсатининг ажралмас қисми деб ҳисоблашади. Унинг афзаллиги шундаки, фискал сиёсатига нисбатан мослашувчанлиги ва тез орада таъсир кўрсатиши, сиёсий босим кўрсатиш фискал сиёсатга нисбатан қийинроқлиги билан ҳам ажралиб туради. Ундан ташқари қатор иқтисодчилар пул таклифини ўзгаришини иқтисодий фаоллик даражасини белгилайдиган ҳал қилувчи омил деб ҳисоблашади. Аммо унинг камчиликлари ҳам бор.

“Қиммат” пул сиёсати кутилган натижани бериши мумкин, лекин «арзон» пул сиёсати кутилган натижани бермаслиги ҳам мумкин, яъни таклиф қилган пул мижозлар томонидан процент нормасининг паст бўлишига қарамай суда олмаслиги мумкин. Бу камчиликларга қарамай, пул-кредит сиёсати ва унинг кредит тизими орқали амалга оширилиши мамлакат иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнайди.

### Асосий таянч тушунчалар

Кредит	Банклар фойдаси нормаси
Кредит бозорлари	Фоиз ставкаси
Суда фонди маблағлари	Кредит тизими
Кредит турлари	Банк тизими
Кредит тамойиллари	Махсус молия-кредит (нобанк) тизими
Тижорат кредити	Бир бўғинли тизим

Банк кредити	Икки бўғинли тизим
Истеъмол кредити	Кредит механизми
Ипотека кредити	Марказий банк вазифалари
Давлат кредити	Пул мултипликатори
Хўжаликлараро кредит	Банкнинг мажбурий резервлари
Халқаро кредит	Резерв нормаси
Банк фоизи (проценти)	Очиқ бозордаги операциялар
Ссуда проценти	Резерв (захира)ларнинг ўзгариши
Ҳисоб (учет) ставкаларининг ўзгариши	“Арзон” пул сиёсати
	“Қиммат” пул сиёсати

### Такрорлаш учун саволлар

1. Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва манбаларини айтинг. Кредитнинг судхўрликдан фарқи нимада?
2. Қандай кредит турларини биласиз? Тамойилларини-чи?
3. Банк фоизи билан ссуда фоизи нимаси билан фарқланади?
4. Процент нормасига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
5. Кредит тизими билан банк тизимининг қандай фарқи бор? Уларнинг таркибини гуруҳланг.
6. Пул мултипликатори қандай амал қилади, тушунтиринг. Нима сабаблан у пулни кўпайтирувчи ролини ўйнайди? Уни қандай ҳисоблаймиз?
7. Давлат кредити бошқа кредит турларидан қандай фарқланади?
8. Марказий банк қандай банк, бошқа банклардан нимаси билан фарқ қилади?
9. Марказий банк пул муомаласини қандай тартибга солади? Бунда қандай усуллардан фойдаланади?
10. Марказий банкнинг “арзон” ва “қиммат” пул сиёсатининг фарқи нимада ва улар қачон қўлланилади?

## XXII б о б

### БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБЛАШ ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РОЛИ

Мамлакат иқтисодиёти ўзаро бир-бири билан боғлиқ турли тармоқ ва соҳаларни ўз ичига олади. Меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва ривожланиши ўз навбатида ҳамма тармоқ ва соҳаларнинг фаолиятини мослаштириш бир-бирига мутаносиблигини таъминлашни зарур қилиб қўяди, чунки мувозанатлашган иқтисодиётгина бир меъёрда ривожланади ва аҳоли фаровонлигини таъминлай олади. Макроиқтисодий мувозанатнинг узоқ вақт бузилиши иқтисодиётни тангликка олиб келади. Шунинг учун макромиқёсда миллий хўжаликдаги зарур нисбатларни сақлаш ҳеч бўлмаганда уларнинг узоқ муддат бузилишини иложи борица камайтириш керак. Иқтисодиёт тушкунликка тушаётган бўлса уни тўхтатиш, тез фурсатлар ичида уни тушкунликдан олиб чиқиш, бунинг учун эса тезда зарур чора-тадбирлар кўриш лозим. Демак, иқтисодиётни тартиблаш зарур.

Навбатдаги боб ана шу муаммоларни ўрганишга бағишланган. Унда биз иқтисодиётни тартибга солиш зарурияти, унинг механизмлари, иқтисодиётни тартиблашда давлатнинг иқтисодий ролини кўриб чиқамиз.

#### 1-§. ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБЛАШ ЗАРУРЛИГИ, ТАРТИБЛАШНИНГ БОЗОР МЕХАНИЗМИ

Иқтисодиётни тартиблаш деганда нимани тушунамиз?

Иқтисодиётни тартиблаш деб, макроиқтисодий нисбатларни бир-бирига мос ҳолда ривожланиб бориши, ундаги турли бўғинлар фаолиятини бир-бирига боғлиқ ҳолда мувозанатлашувига эришишга айтилади.

Миллий иқтисодиётда, энг аввало ялпи талаб билан ялпи таклиф бир-бирига мос бўлишига эришиш зарур. Бунинг учун ишлаб чиқариш таркиби ҳам уларга мос бўлиши керак. Бу вазифани макроиқтисодий регулятор бажаради. Макроиқтисодий регулятор — бу иқтисодиётни тартибга солишни ташкил этишнинг иқтисодий усули бўлиб, у қуйидагиларни бажаради:

Бутун миллий хўжаликни ягона тизимга айлантиради;  
Иқтисодиётнинг қуйи бўғинларини ишлаб чиқариш фаоли-  
ятини мослаштиради.

Ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ равишда тармоқлар, соҳа-  
лар, ишлаб чиқариш турлари ўртасида ресурсларни тақсимлай-  
ди, юқори самарали хўжалик юритишга ундайди.

Макроиқтисодий тартибга солиш миллий иқтисодиёт ву-  
жудга келгандан бошланган бўлиб, у икки йўл билан:

1. Иқтисодиётнинг ўз-ўзини тартиблаши;

2. Давлат томонидан тартибга солиш тарзида амалга оши-  
рилган. Лекин тараққиётнинг турли босқичларида улар ўртаси-  
даги нисбат турлича бўлган.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодиётни тартиб-  
га солишнинг бозор механизми билан давлат механизми бирга-  
ликда амал қилгандагина, бир-бирини тўлдирган ҳолда озми-  
кўпми барқарорликни, мувозанатни бир меъёردа таъминлаб,  
иқтисодий ўсишга эришиши мумкин.

Иқтисодиётни ўз-ўзини тартиблашнинг бозор механизми бо-  
зор регулятори (тартиблаш воситаси) таъсирига асосланади. Бун-  
да нарх етакчилик қилади. Нарх ўзгаришига хўжаликлар ўз фао-  
лиятларини мослаб туришга ҳаракат қиладилар.

Бозор механизми талаб ва таклиф ўйинига уларнинг мос  
бўлиши ёки бўлмаслигига асосланади, бу эса нарх орқали амалга  
ошади. Нарх иқтисодий хатти-ҳаракатларни ўзаро боғлайди. Та-  
лаб ва таклифларни мослаштиради, иқтисодий координатор  
(мувофиқлаштирувчи) вазифасини бажаради.

Макроиқтисодий нисбатларни мувофиқлиги макроиқтисо-  
дий даражада ялпи талаб ва ялпи таклифни мувозанати тарзида  
юзга чиқади.

Бу қонун эркин рақобат шароитида тўла амал қила бош-  
лайди. Ана шундай шароит XVII—XIX асрда Англияда мавжуд  
бўлиб, миллий хўжалик миқёсида бозор механизмини биринчи  
марта иқтисодий жиҳатдан А. Смитнинг ўрганиши тасодифий  
эмас. А. Смит ўзининг машҳур “Одамлар бойлигининг табиати  
ва сабаблари хусусида тадқиқот” китобида тартибга солишнинг  
бозор механизми тўғрисида уч фундаментал қоидани илгари  
суради ва асослаб беради.

*Биринчи қоида*, бозор механизмини тартибга солишга давлат  
аралашмаслиги керак. Бу “Олам ўз-ўзидан ҳаракатланади”, “Ҳам-  
маси ўз навбати билан бўлгани маъкул” “Laissez faire”, деган  
французча нақлда ўз ифодасини топган. Унинг фикрича давлат  
тинчликни сақласа, меъёрида солиқлар белгиласа, адолатли  
суд қилишни таъминласа бўлгани, қолганини бозорнинг ўзи  
бажаради. А. Смит давлат харажатларини аниқ белгилаб беради:

— мамлакатнинг муҳофаази, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, ижти-  
моий ишлар ва ижтимоий муассасалар (савдони ривожланти-  
ришга, маорифга таъсир кўрсатиш учун) харажатлари иқтисо-

диётни бошқариш харажатлари кўрсатилмаган, демак, давлат иқтисодиётни тартибга солишда қатнашмайди. У ҳолда ким ёки нима бошқаради. Бу “кўринмас қўл”.

*Иккинчи қоида* — “кўринмас қўл” ҳақида. У бутун хусусий товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларни жамият манфаатига хизмат қилишга ундайди. А. Смитнинг фикрича ўз манфаати учун қайғурувчи тадбиркорни “кўринмас қўл” умуман, унинг ниятига кирмаган мақсадга йўналтириши мумкин. “Кўзга кўринмас қўл” — бу бозор, ундаги талаб ва таклиф, рақобат. Улар асосида нарх ташкил топади. Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи аниқ тўловга қодир талабни қондиришга интилар экан, бу билан жамиятнинг ялпи эҳтиёжини қондиришдан манфаатдор бўлади. У ишлаб чиқарган товарни сотиши керак. Шунинг учун фойда олиш мақсадида хоҳлайдими-хоҳламайдими истеъмолчи талабига мослашишга мажбур. Бунга давлат аралашувининг кераги йўқ.

*Учинчи қоида* — бозорни ўз-ўзини бошқариши тўғрисида. Бу механизм товар ишлаб чиқарувчилар (товар таклифи) билан бозор талаби ўртасидаги тўғри ва қарама-қарши иқтисодий алоқаларни мужассамлаштиради.

Маълумки, рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи кучдир. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт ўз-ўзини тартибланишнинг энг асосий воситаси ҳам рақобатдир.

Бозор иқтисодиёти учун микроиқтисодий тартибланиш бирламчидир. Корхонада товарнинг сотилиши ёки сотилмаслигини олдидан билмай ишлаш илгариги пайтда эди. Ҳозир цивилизациялашган бозор иқтисодиётида корхона талабни ўрганиб, аниқ мақсадни кўзлаб, харажатларни ҳисоб-китоб қилиб, кейин ишлаб чиқаришни бошлайди.

Бозор талабига риоя қилишнинг ўзи микроиқтисодий миқёсда иқтисодиётни тартибга солади. Бозор механизми айирбошлаш орқали ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғлайди ҳамда уйғунлаштиради.

Рақобатда синмаслик учун ҳаракат қилар экан, харажатларни пасайтириш йўллари қидиради, илгари чиқарилган товарларни модификациялашга, янги товарлар яратишга ҳаракат қилади.

Ишлаб чиқарилган товарлар бозор талабини қондира олмаса, мутлақо янги товарлар ишлаб чиқаришга ўтади.

Бозор корхона фаолиятини ўзгараётган талаб-эҳтиёж томонга буриш орқали иқтисодиётни тартибга солади.

Корхона товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишни бозор талабига қараб кўпайтирар ёки аксинча қисқартирар экан, бу ресурсларни самарали ишлатилишини таъминлайди. Бозор механизми маҳсулотни қандай сарфлар билан ишлаб чиқариш зарурлигини ҳам белгилайди. Бу ҳам тартибланишнинг бир усулидир.

Бозор иқтисодий ресурсларни тежаш йўллари қидириб

топишга ундайди. Ҳар бир тадбиркор харидорларни эҳтиёжига мувофиқ ишлаб чиқаришга тааллуқли нима, қандай, қанча ва ким учун муаммоларни ўзи ечади. Нарх бозорда стихияли тарзда ўрнатилади.

Бозордан ишлаб чиқаришга доимий юбориладиган нарх-сигнал, бу ахборот-сигнал бўлиб, унинг асосида бозордаги нархлар, талаб ва таклиф нисбатига қараб тадбиркорлар ўз ишлаб чиқариш фаолиятларига ўзгаришлар киритишади, харидоргир товарлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қиладилар.

Лекин бу асарда А. Смит муҳим: мамлакат миқёсида талаб ҳажми билан таклиф ҳажми мослиги қандай таъминланади, деган саволга жавоб бермаган. Бу муаммони Ж.Б. Сэй ечишга ҳаракат қилган. У бозор қонунини таърифлаб, товарни товарга айирбошлаш бозорда талаб билан таклиф мувозанатини ўрнатади дейди. Унинг фикрича таклиф ўз талабини вужудга келтиради. Аммо Сей қонуни бартер (мавозе) савдосига, яъни товарни товарга айирбошлашга тааллуқли. Товар пул-товар тарзида айирбошланса, кўпинча автоматик тарзда таклиф ҳажми билан талаб ҳажми ўртасида мувозанат ўрнатилмайди.

Иқтисодий фаолият бозор механизми орқали тартибланиши асосан микроиқтисодий миқёсда юз беради.

Бу жараён иқтисодиётни бирламчи бўғини бўлган корхона ва фирмалардан бошланади. Уларнинг фаолияти бир-бири билан бозор орқали чамбарчас боғланган, ҳамма алоқалар бозор орқали ўрнатилади, бозор талаби орқали мослашади.

Иқтисодиётда турли-туман мулкчиликка асосланган хўжалик субъектлари бир-бири билан боғлиқ, шу билан бирга улар ҳар бири ўз манфаатидан келиб чиқиб, бир-бири билан рақобатлашадилар.

Бозор корхона олдида маҳсулотларини истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш учун қаттиқ талаб қўяди. Агар белгиланган шартнома бузилса, у ишончсиз бўлиб қолади, обрўсини йўқотади.

Товарни истеъмолчига етказиш учун бошқа фирмаларни жалб этади, унда қатнашувчилар фаолияти бир-бирига уйғунлаштирилади.

Индивидуал талаб-эҳтиёжлар ўзаро туташиб, ялпи талабни ҳосил этса, индивидуал ишлаб чиқаришлар ҳам биргаликда ижтимоий ишлаб чиқариш — ялпи таклифни вужудга келтиради. Ўз навбатида микроиқтисодий тартибланиш уйғунлашиб макроиқтисодий даражага кўтарилади. Лекин бозор механизми иқтисодиётни макроиқтисодий даражада тўла тартибга сола олмайди, турли корхона, фирмалар фаолиятини тўла мувофиқлаштира олмайди. Натижада вақт-вақти билан иқтисодий тангликлар бўлиб туради.

Бозор механизми тўла тартибланиш таъминлай олмаганлиги сабабли, иқтисодиётга давлат аралашади, тартибланишнинг давлат механизми ишга тушади.

## 2-§. ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБЛАШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

Давлат вужудга келиши билан жамият тараққиётига ўз таъсирини ўтказган. У турли йўллар билан амалга оширилган. Давлат табиий иқтисодиётга ҳам катта таъсир кўрсатади. Бу таъсир энг аввало иқтисодиётни тартиблаш тарзида намоён бўлади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш деганда, давлат ўз иқтисодий тадбирлари орқали иқтисодий фаолиятга таъсир этиши тушунилади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни тарихий тажрибадан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, у:

1. Мононол марказлашган режали тартибга солиш.
2. Чекланган тарзда иқтисодиётни тартибга солишдан иборат.

Монопол режали тартибга солишда хўжалик фаолияти ипидан игнасиғача режалаштирилади ва бир марказдан туриб бошқарилади. Бунда давлат якка ҳокимлик билан иқтисодий жараёни бошқаради. Режали иқтисодиётда нима ишлаб чиқариш, қанча ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш ва ким учун ишлаб чиқариш, ҳаммаса давлат режасига белгиланади. Бу режа ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот, соҳа, тармоқ учун мажбурий бўлиб, ундан четга чиқиб бўлмаган. Шу билан бирга ҳар бир корхона, хўжалик режасини ошириб бажаришга ундалган.

Жамиятнинг тарихий тараққиёт жараёни шуни кўрсатадики, ижтимоий хўжалик жараёнини бошқаришда давлат якка ҳокимлиги қутилган натижани бермас экан.

Ҳозирги иқтисодий тизимда турли хил мулк шаклларининг нисбати турли мамлакатларда турлича. Иқтисодиётни бошқаришда давлатни тутган ўрни ҳам турличадир. Лекин бундан қатъи назар давлатнинг бошқаришдаги роли муҳим, уни инкор этиб бўлмайди.

Бозорни бошқариш иқтисодий, ташкилий, маъмурий, социал, психологик ва бошқа усулларни ўз ичига олади.

Маълумки давлатнинг аралашуви, тартибга солиши давлат вужудга келгандан бошлаб мавжуд бўлган.

Тараққиёт даражасига қараб бу аралашув усули, воситалари ўзгарган.

Давлатнинг ҳозирга келиб иқтисодиётга аралашувидан кўзланган мақсад иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш. Шунинг учун монополияларга қарши чора-тадбирлар кўришгина бўлмай, балки бозор бажара олмайдиган иқтисодий вазифаларни ҳам амалга оширади:

1. Бозор механизми сарф-харажатларни қоплаш муддати ва таваккалчилик даражасига боғлиқ. Сарф-харажатлар тез қоп-



ланмайдиган соҳаларда, фундаментал тадқиқотлар, муҳофизат соҳаси қабиларни давлат ўз зиммасига олади.

2. Бозорнинг ўз-ўзини бошқариш имконияти чекланганлиги учун давлат ўз олдига қўйган мақсадига кўра қатор вазифаларни ўз зиммасига олади. Улар қуйидагилар:

- самарали талаб ва таклиф ўртасида мувозанат;
- пул массасининг ҳажмини назорат қилиш;
- капитал қўйилмаларни рағбатлантириш, жамғарма билан инвестициялар ўртасида мувозанатни ўрнатиш;
- тўла иш билан бандликни таъминлаш;
- товарлар, капитал ва иш кучининг экспорти ва импорти рағбатлантириш;
- барқарорлаштириш мақсадида нархларнинг умумий даражаси ва баъзи бир махсус товарлар нархи таъсир ўтказиш;
- барқарор иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш;
- даромадларни қайта тақсимлаш ва бошқалар.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши икки шаклда: тўғридан-тўғри бевосита иқтисодиётга таъсир кўрсатиш, иқтисодиётга билвосита таъсир кўрсатиш тарзида амалга оширилади.

Давлатнинг иқтисодиётга тўғридан-тўғри аралашуви; **қонунлар қабул қилиш, ҳуқуқий нормативлар ишлаб чиқиш, маъмурий тартибга солиш; иқтисодий секторда фаолият юритишни ўз ичига олади.**

Давлатнинг иқтисодиётга билвосита таъсир кўрсатиши унинг юритаётган иқтисодий сиёсати орқали амалга оширилади.

1. Иқтисодиётни тартибга солишда ҳуқуқий асоснинг мустақамлиги муҳим рол ўйнайди. Мамлакатда, энг аввало мулкчиликка тааллуқли қонунлар қабул қилиниб, уларнинг бажарилиши назорат қилиниши керак. Чунки, мулк эгаси ўз мулкининг дахлсизлигини қонун билан ҳимоя қилингандagina ўзининг моддий потенциали ва ижодкорлигини тўла намоён қилади.

Иккинчидан, рақобатни қўллаб-қувватлаш, антимонопол қонунлар қабул қилиш, иқтисодий фаолликка таъсир этувчи қонунлар, ҳуқуқий нормативлар қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя этувчи қонунлар ишлаб чиқилиб, қўлланилади.

Тўртинчидан жиноятни жиловлашга қаратилган қонунлар қабул қилинади. Ҳуқуқий нормативлар, тавсияномалар ишлаб чиқилади. Республикамизда ҳам бу борада мустақам ҳуқуқий асос яратилишига алоҳида аҳамият берилаяпти. Қатор “Мулкчилик тўғрисида”, “Ер тўғрисида”, “Тадбиркорлик тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Солиқ кодекси” ва бошқалар қабул қилинди.

2. Маъмурий тартибга солиш. Давлат бошқарувини амалга ошириш учун ҳукумат қатор вазифаларни бажаради:

— қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш;

— рақобатни ҳимоя қилиш;

— бойликлар ва даромадларни қайта тақсимлаш;

— миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш;

— иқтисодий тартибдорлигини таъминлаш мақсадида бандлик даражаси, инфляцияни назорат қилиш, иқтисодий ўсишнинг рағбатлантириш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавф-хатарларни бартараф этиш;

— табиий офатлардан келган зарарларни қоплаш, вайронагарчиликларни тугатиш ва бошқаларни ўз зиммасига олади.

3. Давлатнинг ҳўжалик ҳаётидаги роли унинг функциялари орқали амалга оширилади.

Давлатнинг функцияларидан бири аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришдир. Бозор механизми орқали ҳамма эҳтиёжларни қондириб бўлмайди. Шундай эҳтиёжлар борки, уларни пул билан ифодалаб, талабга айлантириб бўлмайди. Бу шундай товар ва хизматларни ташкил этадики, уни истеъмол этишда бутун жамият аъзолари қатнашади. Бу мудофаа, ижтимоий тартибни сақлаш, давлатни бошқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ягона энергетика тизими, транспорт, космонавтика ва ҳоказолар.

Буларни жаҳон иқтисодий фанида ижтимоий товарлар ва хизматлар деб аталади. Давлат иқтисодийга қатор бевосита ва билвосита чора-тадбирлари орқали таъсир кўрсатади. Уни қуйидаги схема орқали тасвирлаш мумкин:



Давлат тадбиркорлиги муайян доирада маълум технология шароитида хусусий капитал учун қулай бўлмаган корхоналар доираси билан чекланади. Кўпгина мамлакатларда почта, алоқа, электр энергия, нефт қазиб чиқариш, кўмир саноати, темир

йўл транспорти, пўлат ишлаб чиқаришда давлат тадбиркорлиги маҳсулот ва хизматларнинг улуши 75% гача етади. Давлат секторидида банд бўлганлар улушида Франция, Италияда 11%, Германия, Бельгия, Голландияда 8—9% ни ташкил этади.

Давлат истеъмолчи сифатида ҳам бозорга чиқади. Давлат буюртма бериб керакли молларни сотиб олади, бу билан бозор ҳажмига таъсир этади.

Ундан ташқари, давлат мақсадга мувофиқ дастурларни молиялаштиради.

Давлат хусусий сектор харажатларини бир қисмини зиммасига олиб, ижтимоий ишларни инвестиция қилади.

Давлат бозор қонунларига аралашмасдан, аксинча улардан фойдаланиб махсус чора-тадбирлар белгилайди, пул-кредит сиёсати юритади. Бу сиёсат МБ орқали амалга оширилади.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувида даромадни тақсимлаш у юритаётган фискал сиёсат муҳим аҳамиятга эга. Бу энг аввало, давлат юритаётган бюджет сиёсатида ўз ифодасини топади (4-§). Ҳозирги пайтда иқтисодиётни тартибга солишда, асосан ҳар икки сиёсатдан фойдаланилади.

Кўзга кўринган иқтисодчи Пол Хейненинг ёзишича, кейинги 25—30 йил ичида пул-кредит сиёсати иқтисодчилар ўртасида фискал сиёсат билан тенг статус олди.

Бунга сабаб иккинчи жаҳон урушидан кейинги иқтисодий тушкунликлар унча чуқур эмас, инфляция доимий бўлиб қолди. Инфляция эса иқтисодий тушкунликларга бюджетга таъсир қилишга қараганда пул муомаласига таъсир этиш орқали яхшироқ “даволанади”.

Давлат бож пули олиш ва экспорт лицензиялари орқали ҳам иқтисодиётга таъсир қилади. МБ орқали валюта сиёсати юритади. Валюталарни сотиб олиш ёки сотиш билан валюта курсига таъсир этади ёки валюта ҳаракатининг бошқа қонунқоидаларини ишлаб чиқади.

Давлат социал сиёсати иқтисодиётга аралашувида муҳим рол ўйнайди (кейинги бобда муфассал ёритилган).

Шундай қилиб ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати — хўжалик субъектларининг фаолиятига таъсир этиши куйидаги воситалар орқали амалга оширилади:

1. Кредит сиёсати:

- банк резервларининг нормасини белгилаш;
- ҳисоб ставкасини ўзгартириш;
- валюта бозорида операциялар бажариш.

2. Бюджет сиёсати:

- давлат харажатларини тартиблаш;
- давлат харидини амалга ошириш;
- давлат ички заёмларини чиқариш;
- давлат тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш.

3. Фискал сиёсати:

- фуқаролардан олинадиган солиқларни тартибга солиш;
- муниципал солиқларни қўллаш;
- давлат харажатларини тартибга солиш.

#### 4. Социал сиёсат:

— меҳнатга ҳақ тўлаш, иш ҳақининг минимал даражасини белгилаш;

— пенсия, ишсизлик нафақаси ва бошқаларнинг миқдорини белгилаш.

#### 5. Ташқи иқтисодий сиёсат:

— бож-хирож тўловлари ва валюталар курсининг қонуний ставкаларини белгилаш;

— чет эл қарзлари, инфляция ва валюта чеклашларидан фойдаланиш.

Давлатнинг муҳим функцияларидан бири **ташқи эффектларга таъсир кўрсатишдир**.

Ташқи эффектлар (экстернал) деганда бозор битимларидаги товар ва хизматлар баҳосида акс этмаган қўшимча харажат, чиқимлар, ютуқ (наф)ларни тушунамиз. Ташқи эффектларни ўрганишга биринчи марта инглиз иқтисодчиси А. Пигу (1877—1959) асос солган. У ташқи эффектлар билан боғлиқ бозор иқтисодиётининг камчиликларини, муаммоларни ечишни давлатнинг маълум бир чора-тадбирлари билан боғлаган.

Ташқи эффектлар салбий ёки ижобий бўлиши мумкин. **Ташқи эффект** салбий бўлса, у ёки бу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш туфайли келиб чиқадиган зарар “учинчи шахс”, яъни айнан шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки истеъмолга алоқаси йўқ кишилар зиммасига юкланади. Мана шу зарарни олдини олиш ёки унинг оқибатини тугатиш учун қилинадиган қўшимча харажатлар товар (хизмат) нархида акс этмайди. Салбий ташқи эффектга классик мисол атрофмуҳит (ҳаво, сув, тупроқ)ни ифлосланиши ҳисобланади. *Масалан:* кимёвий товарлар ишлаб чиқарадиган корхона оқовасини дарёга ташлаб сувни, автомобил ҳайдовчиси эса ҳавони ифлослантиради.

**Ижобий ташқи эффект** товар (хизмат) нархида акс этмаган ютуқ (наф)ни ифодалайди. Бунда маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки истеъмоли билан боғлиқ бўлган қўшимча нафдан шу товарни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилишга алоқаси йўқ “учинчи шахс” баҳраманд бўлади. Ижобий ташқи эффектга классик мисол олий маълумот олиш. Сабаби, уларнинг меҳнати туфайли эришилган фан-техника тараққиёти натижаларидан ҳамма баҳраманд бўлади. Қонунбузарликни камайиши ҳам жамият учун катта наф келтиради.

Ижобий ташқи эффектда қўшимча кўриладиган наф товарларнинг нархида акс этмагани учун бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам, истеъмол ҳам етарли бўлмайди.

Салбий ташқи эффектда эса қўшимча харажатлар баҳода акс этмагани учун бундай товарлар қўшлаб ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади.

Ана шу кам ёки ортиқча ишлаб чиқариш билан боғлиқ вазиятга давлат солиқ субсидия ва бошқа тартибга солувчи чора-тадбирлар (сувга, ҳавога, чиқариладиган турли-туман моддаларни нормасини белгилаш) орқали таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётга таъсир қилиш тадбирларидан бири давлат томонидан иқтисодиёт келажагини олдиндан тахминлаш (прогнослаш) ва уни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиш ҳисобланади. Давлат буюртмасига биноан иқтисодиётнинг узоқ ва қисқа муддатларга мўлжалланган илмий прогнозлари тузилади. Прогнозда ресурслар, технология, ички бозор ҳажми, экспорт, импорт, давлат харажатлари ишлаб чиқариш таркиби ўзгаришлари, математик моделлар асосида ҳисобкитоб қилинади, иқтисодиётни қайси йўлда ривожланиши аниқланади. Прогнозлар 10—25, ҳатто 40—50 йилни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Прогнозлар билан иқтисодий дастурлар ҳам ишлаб чиқарилади. Бу дастурларда давлат ўз олдига қўйган вазифаларни амалга оширишнинг асосий йўлларини белгилайди. Одатда, ҳар бир Президент мамлакат тараққиётига эришиш бўйича ўз дастурига эга бўлиб, уни амалга ошириш учун ҳаракат қилади.

Умуман олганда тартибга солишнинг бозор ва давлат механизми бир-биридан фарқ қилади ҳамда бир-бирини тўлдиради. Уни қуйида берилган схема орқали кўриш мумкин. Иқтисодиётни тартибланишнинг бозор механизми маълум нисбатда бўлгандагина иқтисодиёт барқарор ривожланиб, социал тўқнашувларга ўрин қолмайди.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви мезони ҳақида тўхта-лар экан, АҚШ президенти Авраам Линкольн, давлатнинг оқилона сиёсати шундан иборатки, инсонларнинг нормал яшашлари учун шундай ишларни бажариши лозимки, уларни ҳар бир киши индивидуал, етарли даражада бажара олмайди, буларни давлат ўз зиммасига олиши зарур деган фикрни билдирган.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг аниқ ўлчамлари йўқ. Бир мамлакатда давлат фаол аралашса, иккинчисида бозор механизми етакчи бўлади.

Тартибланишнинг икки механизми назарияда турлича талқин этилади.

**Макродаражада тартибга солишнинг икки  
механизмининг асосий хусусиятлари**

Бозор механизми — ўз-ўзини тартиблаш	Давлат механизми — давлат томонидан тартиблаш
<p>Бозор товарлар ишлаб чиқарилгандан сўнг ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади.</p> <p>Бозорнинг индивидуал, алоҳида субъектлари ўзлари манфаатдор бўлмаган макроиқтисодий структура ўзгаришларини амалга оширмайдилар.</p> <p>Бозор субъектлари ўз капиталларини фойда келтирмайдиган самарасиз ишлаб чиқаришга қўймайдилар.</p> <p>Бозор ўзгарувчан харидор талабига тезда мослашади.</p> <p>Ишлаб чиқариш (нима, қандай, қанча, ким учун) ечимлари микродаражада, фирма, уй хўжаликлари миқёсида қабул қилинади.</p> <p>Бошқариш горизонтал (шерикчилик) асосида, фирмалар ва уй хўжаликлари ўртасидаги алоқалар асосида ташкил этилади.</p> <p>Хўжалик алоқаларини тартибга солиш фақат шартнома ва манфаатларга асосланади.</p>	<p>Давлат ишлаб чиқариш бошлангунга қадар таъсир кўрсатиши мумкин.</p> <p>Давлат йирик масштабдаги структура силжишлари, ўзгаришларини амалга оширишга қодир.</p> <p>Давлат бюджет ёрдамида иқтисодиётнинг нотижорат секторини самарасиз, лекин жамият учун зарур корхоналарни қўллаб-қувватлайди.</p> <p>Давлат истеъмолчи талаби ўзгаришини бўш ва анча кеч илғайди.</p> <p>Макродаражадаги қарорлар умуммиллий манфаатларни кўзлаган ҳолда қабул қилинади.</p> <p>Миллий хўжаликни бошқариш вертикал асосида ташкил этилади (юқоридан пастга, давлатдан фирма, уй хўжалигига).</p> <p>Иерархик (қуйи бўғиннинг юқорига бўйсунishi тартибида) алоқалар кўпинча иқтисодий мажбур қилишга асосланади (солиқлар, бож-хирожлар).</p>


Бир гуруҳ иқтисодчилар давлатнинг иқтисодга фаол аралашуви тарафдори бўлишса, бошқалари бозор механизми асосий рол ўйнаб, давлат кам аралашувининг тарафдорлари. Аммо барчалари иқтисодиётни тартибга солиш зарурлигини қайд этишади.

### 3-§. ДАВЛАТНИНГ ПУЛ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШИ

**Қисқа муддатли  
тартибга солиш**

Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишда пул-кредит сиёсати муҳим рол ўйнайди. Аввал таъкидлаганимиздек пул бозоридаги вазият пулга бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариши билан белгиланади. Агар пулга талабни истеъмолчилар (аҳоли, корхона, фирма, ташкилот,

муассаса) шакллантирса, таклиф орқасида давлат туради. Пулни фақат давлат эмиссия қилади. Пул эмиссиясида давлат соф монополист. Пул муомаласини тўғри ташкил этиш давлат функциясига киради. У ёки бу сабабга кўра пулга таклиф кўпайиб кетса, давлат инфляцияни муаллифига айланади. Инфляциядан эса ҳамма талафот кўради. Давлат муомаладаги пулни кўпайтириши натижасидаги пул бозорида қандай ўзгариш юз бериши-ни кўриб чиқайлик.



а) расм.

Айтайлик, дастлабки пул таклифи  $M_s$  бўлсин. Унда процент ставкаси  $r_e$  даражасида бўлган. Пулга талаб ва таклиф мувозанати  $E$  нуқтасида бўлади. Давлат пул таклифини кўпайтиради. Таклиф  $M_s$  дан  $M_s^1$  га кўчди, дейлик. Пулга талаб ўзгармас экан, процент ставкаси пасайиб  $r_f$  га тушади. Пул бозорида мувозанат  $F$  нуқтага кўчади. Кредитнинг арзонлашуви  $r_f < r_e$  инвестиция ўсишига, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, бандликни ҳамда ялпи даромаднинг ўсишига олиб келади.

Ўз навбатида товар бозоридаги жараёнлар пул бозорига тескари таъсир қилади. Ялпи даромаднинг кўпайиши пулга талабнинг ҳам ўсишига олиб келади. У янги  $M^1_d$  эгри чизигида ифодаланади. Натижада  $F$  нуқтасида эришилган мувозанат бузилади. Пулга бўлган янги талаб  $M^1_d$  янги таклиф  $M_s^1$  ( $M^1_d = M_s^1$ )га мувофиқ келади ҳамда улар ўртасида мувозанатга  $G$  нуқтасида эришилади. Натижада процент ставкаси  $r_f$  дан  $r_q$  га кўтарилади.  $r_0 = r_e$

Ана шундай тарзда давлат қисқа муддат давомида пул бозорини тартибга солади. Давлат ўзининг монопол мавқеидан фойдаланиб, пул бозоридаги мувозанатни бузиб инвестицияга талабни ўзгартиради. Янги макроиқтисодий нисбатлар ўрнатишга асосланган пул сиёсатини Кейнсча сиёсат деб юритилади. Бу билан буюк иқтисодчи Жон Мейнард Кейнснинг бозор хўжалигининг макроиқтисодий тартибга солишдаги тадқиқотлари, қилган хизматларини эътироф этилади. Давлатни иқтисодийёта таъсир қилишининг ана шу усули бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда кенг тарқалди.

Давлат пул бозорига таъсир этиш мақсадида пул таклифини  $M_s < M_s^1 < M_s^2 < M_s^3 \dots$  кўпайтира борсин. У ҳолда ҳар сафар пул бозорини қисқа муддат тартибга солиш механизми ишлашни белгилайди: Аввал процент ставкаси пасаяди, бу билан ишлаб чиқаришга инвестициялар жалб қилиш рағбатлантирилади, ялпи даромад ўсади. Бу ўз навбатида пулга талабни кўпайтиради, процент нормаси кўтарилади, пул бозорида ялпи мувозанат ўрнатилади ва ҳоказо.

Мана шундай тарзда пул таклифини кўпайтира бориб, эртами-кеч давлат шундай миқдордаги пул таклифига эришадикки, натижада фоиз ставкаси энг минимал  $g_0$  даражасига интилади. Ҳар қанча даромад ўзгармасин, бундан кейин фоиз ставкасини ундан пастга туширишнинг иложи йўқ. Чунки шундоқ ҳам фоиз ставкаси  $g_0$  га тенг. Пул миқдорининг ортиши  $M_s^3$  нуқтаси чегара. Бу вазият б) расмда кўрсатилган. Бунда пул таклифи максимал даражадан анча кам. Ундан ўтгандан сўнг пул бозорининг қисқа муддатли тартибга солиш механизми ишламай қолади.

Пул бозоридаги бундай вазият бошқа бозорларга ҳам таъсир кўрсатади.

Пул бозори билан товар бозори ўртасидаги боғланиш бузилади. Прцент паст, қимматбаҳо қоғозлар нархи юқори бўлса, натижада жамғарма эгаси пулини нақд пул шаклида сақлашни афзал кўради. Бу капитал кўйилмалар учун негатив таъсир кўрсатади.


Шундай қилиб, пулнинг ҳаддан ташқари кўпайиши натижасида иқтисодийёт учун хавfli вазият вужудга келади. Бу шундай вазиятки, унда бозор ички тузилишидаги алоқаларнинг бузилиши, пул бозорида мувозанатни тиклашга тўсқинлик қилади. Жаҳон иқтисод фанида бундай вазиятни **ликвидлик қопқони** (Liquidity trap) деб аталади. Бунда бозорни тартибга солишнинг автоматик дастаклари ўз таъсирини ўтказа олмайди. Танг аҳволдан чиқишнинг ягона йўли фискал характердаги чора-тадбирлар кўриш бўлади.

Назарий жиҳатдан асослангандек пул ҳажмини кўпайтириш кредит арзонлашуви қисқа муддатли бўлса ҳам капитал кўйилмаларнинг ва ишлаб чиқаришнинг ортишига, ликвидликнинг пасайишига олиб келади. Лекин иккинчи томондан иқтисодийётда инфляция даражасининг ошишига олиб келади. Хўжалик юритиш практикаси иқтисодчилар олдига пул бозорини тартиблашнинг бошқача, инфляция даражаси паст бўлган усулни ишлаб чиқишни объектив зарурат қилиб кўяди.

**Узоқ муддатли тартибга солиш (пул сиёсати).**

Давлат ликвидлилик қопқонига тушмаслик учун пул таклифини эҳтиётлик билан амалга оширади, назорат қилади дейлик.





б) р а с м

Бунда юқорида баён қилинганидек қисқа муддатли тартибга солиш ишга тушади. Давлат томонидан пул таклифини икки марта кўпайтирилиши  $M_2^2$  бозор жараёнларини тезлаштириш билан бирга инфляцион ўсишни ҳам мустақкамлайди. Натижада нархнинг кўтарилишини кутиб, иқтисодиёт субъектлари аввалгига нисбатан олган даромадларини жамғаришга эмас, истеъмолга сарфлашни афзал кўради. Жамғариш ва пулга талабнинг ўсиши тўхтайди. Шунинг учун янги талаб эгри чизиқ  $M_3^2$  б) расм аввалгига нисбатан ўнпроқда ҳамда ундан юқорида бўлади. Мувофиқлашган равишда  $GKN$  майдон  $EFG$  дан кичик.

Процент нормасини  $r_K$  га туширишга эришилди, лекин аввалгичалик эмас, яъни процент ставкаси  $r_K > r_F$ .

Давлат яна пул эмиссия қилишни давом эттириб, шундай пул сиёсатини олиб боришни давом эттириши натижасида бу жараён яна такрорланади. Инфляцион кўчиш янада кучаяди. Бу жорий истеъмолни кўпайтириб, жамғаришни камайтиришга олиб келади. Янги  $M_3^2$  эгри чизиғи аввалгисига нисбатан ҳам ўнга ва юқorigа силжийди.  $NRO$  штрихланган майдон ҳам  $GKN$  га нисбатан кичиклашади. Процент нормаси ҳам аввалгига қараганда озроқ камаяди.

Шундай қилиб, давлат қанча қатъият билан процент нормасини туширишга ҳаракат қилар экан, шунча кам натижага эришади ( $r_R > r_K > r_F$ ) бу эса юритилаётган сиёсатнинг самараси паст бўлишига олиб келади.

Давлатнинг пул бозорини узоқ муддат пул таклифини ўзгартириш орқали тартибга солишга уринишини расмда кўришимиз мумкин. Кўриниб турибдики, процент нормаси аввалгига нисбатан пасаяди ва маълум муддат ўтгач яна аввалги даражасига чиқади. Бу бир неча марта такрорланади, процент нормасининг пасайиши эса қисқариб боради б) расм.

Демак, процентнинг мувозанат нормаси давлат пул экспансиясига, яъни неча марта пул эмиссиясини ишга солиши, қанча миқдорда иқтисодиётга пул қўшганига боғлиқ бўлмай қолади.

Пул бозоридаги бу феномен (фавқулодда ҳодиса) иқтисодиёт фанида **ФИШЕР** эффекти номи билан аталади. **Фишер эффекти** узоқ муддатли даврда процент нормасининг пулга талаб билан таклиф ўртасидаги боғланишни йўқолишини ифодалайди. Фишер эффекти реалликда қатор узоқ муддатга мўлжалланган эконометрик ишланмаларда, лойиҳаларда (ўртача 5 йилга мўлжалланган) тасдиқланган.

Шундай қилиб, пул бозори икки: процент нормасининг қисқа муддатли бозор тебранишлари ва узоқ муддатли мувозанат тартибида ишлайди. Пул бозорининг узоқ муддатли мувозанат ҳолатини М. Фридмен тенглиги ифодалайди.

$$M_s = Y + P_e$$

$M_s$  — узоқ муддатли (ўртача йиллик) пул таклифининг ўсиш суръати;

$Y$  — узоқ муддатли (ўртача йиллик) реал ялпи даромаднинг ўсиш суръати;

$P_e$  — инфляциянинг кутилаётган ўсиш суръати.

Белгиланган ҳарфлар устига қўйилган нуқталар уларнинг процентдаги ифодасини билдиради.

Пул бозорида қисқа муддатли мувозанатда нарх иштирок этмаган эди, чунки давлат процент ставкасига таъсир қилиш орқали пул бозор (пулга талаб ва таклиф)ини тартибга солган. Бунда процент ставкаси тебранишларида нарх қатнашмайди. Аксинча, узоқ муддатда Фишер эффектига биноан процент нормаси пулга талаб ва таклифга боғлиқ эмас, шунинг учун у формулада йўқ.

Шундай қилиб, узоқ муддатли пул сиёсатининг мақсади унча юқори бўлмаган инфляцияни назорат қилган ҳолда иқтисодиётни узлуксиз ўсишини қўллаб-қувватлашдир.

Қисқача қилиб айтганда, қисқа муддатли пул сиёсатини (яъни қисқа муддатда тартибга солиш)нинг мақсади процент нормасини тартибга солишдир. Узоқ муддатга мўлжалланган пул сиёсати (узоқ муддатли тартибга солиш)нинг мақсади эса инфляцияни жиловлашдир.

Антиинфляцион тартибга солишда қисқа муддатли пул тактикасидан узоқ муддатли пул стратегияси доирасидагина фойдаланиш мумкин.

#### 4-§. ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБЛАШДА ФИСКАЛ СИЁСАТ

Бозор механизми молиявий ресурсларни давлат, демократик жамият ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни тўлақонли амалга ошириши учун етарли даражада қайта тақсимлашни амалга ошира олмайди. Айниқса, (кризис) тушкунлик вазиятларида иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашни янада сусайтиради. Бундай шароитда молиявий тартибга солиш учун объектив тарзда иқтисодиётга оқилона равишда давлатнинг аралашуви зарур бўлиб қолади. Давлат қаттиқ молиявий сиёсат орқали бундай аралашувни амалга оширади. Аралашув давлат инвестициялари, давлат солиқ, бюджет, амортизация сиёсати, турли давлат органлари ёрдамида амалга оширилади. Албатта, бундай аралашув объектив тарзда белгиланган чегарагача бўлиши керак. Ҳаддан ортиқ аралашув иқтисодий рағбатни сусайтиради, ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтиради, тартибга солишнинг бозор механизмига тўсқинлик қилади. Иқтисодиётни тартибга солишда корхона молияси, суғурта, давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар катта рол ўйнайди. Тартибга солишнинг бош дастаги қаторига корхоналар молияси киради. Ана шу дастлабки бўғинда ишлаб чиқариш таркибини тартибга солишда, хўжаликларнинг молиявий эҳтиёжлари таъминланади. Уларнинг даромадлари жамғариш ва истеъмол фондига ажралиши юз беради, меҳнат ресурсларига молиявий таъсир ўтказилади.

Макромиқёс даражасида эса давлат харажатлари жамиятнинг иқтисодий ривожланишида катта рол ўйнайди. Улар иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг янги сифатини шакллантиради.

Давлатни иқтисодиётни тартибга солиши, молиявий барқарорликни таъминлаши эса аввало бюджет харажатлари орқали амалга оширилади. Унинг нақадар амалий натижа бериши:

- 1) харажатларнинг миқдорига, яъни уларнинг ЯММга нисбатан улушига;
- 2) бу харажатлар таркибига;
- 3) харажат қилинган маблағларнинг самарадорлигига боғлиқ.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда ЯММ нинг 30—50% и давлат бюджети орқали қайта тақсимланади. Республика-мизда ҳам бу кўрсаткич шунга яқин.

Давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги мавқеи турлича. У давлатнинг аниқ мақсади, давлат мулки улуши, ЯММда бюджет харажатларнинг улуши кабиларга боғлиқ.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг фискал сиёсатни оқилона амалга ошириш қандай натижаларга олиб келганини тарихдан, АҚШ мисолида кўриш мумкин.

Америка Қўшма Штатлари тарихига 1929 йил 23 октябрь “қора кун” бўлиб кирган. Шу куни акциялар курси ниҳоятда тез тушиб кетиши бутун мамлакатни титратди. Бир ҳафта ичида 15 млрд. долларлик, йилнинг охирига келиб 40 млрд. долларлик акциялар қадрсизланиб, оддий қоғозга айланди. Қатор заводлар, корпорациялар, банклар, деҳқон-фермер хўжаликлари ниҳоятда тезлик билан инқирозга юз тутдилар. Майда ва ўрта банк мижозлари бир лаҳзада ўз жамғармаларидан айрилдилар. Миллионерлар сони қисқариб 513 тадан 20 тага тушиб қолди.

Ўша пайтдаги президент Гуверга аҳволни ўзгартириш, яхшилаш учун чора-тадбирларни кўриш ҳақида маслаҳат берилганда, у бу фикрга қатъиян қарши чиқди. У давлатни иқтисодиётга аралашмаслиги тарафдори эди.

Натижада 1929 йилда яратилган соф миллий маҳсулот 95,8 млрд. доллар бўлган бўлса, 1933 йилга келиб 48,8 млрд.долларга тушиб қолди, 1932 йилда мамлакатда 15 млн. ишсиз бор бўлиб, 5 минг банк, 32 минг хусусий компаниялар инқирозга учради. Ана шундай шароитда Франклин Рузвельт президентликка сайланиб, ишни бошлаши билан барча банкларни давлат томонидан ёппасига тафтиш қилишга фармон берди.

У ишончли бўлмаган банклар билан иқтисодиётни соғломлаштириб бўлмайди, деб ҳисоблаган, 4 кундан сўнг янги президент конгрессга биринчи антикризис қонун, “Банклар тўғрисида фавқулодда қонун”ни тақдим этади. Сўнгра “Қишлоқ хўжалигини тартибга солиш тўғрисида”, “Миллий саноатни тиклаш ҳақида” қонунлари тақдим этилди ва бошқа ҳукумат тадбирлари белгиланди.

Юристарлар, иқтисодчилар, маъмурлардан ўз ишини яхши билган кишилардан иборат команда тўплаб, мамлакатни инқироздан чиқариш йўллари қидирилди. Натижада икки йўналиш шаклланди.

1. Йирик монополистларни давлат назоратига олиш.

2. Аҳолининг эҳтиёжларини тўловга қодирлигини тиклаш.

Талаб бўлса ва у ўсгандагина ишлаб чиқаришни кенгайтириш мумкин. Мамлакатда қонун йўли билан фавқулодда иқтисодий ҳолат эълон қилинди. Тадбиркорлар ҳукумат билан ҳамкорлик қилишга чақирилди. Давлат мамлакат банк тизимини ўз заёмлари билан мустаҳкамлади, тижорат банкларига кредит берди ҳамда бир вақтнинг ўзида банк чайқовчилиги билан курашди, инвестиция банкларининг тижорат банкларидан статуси ажратилди. Агар банк инвестицион бўлар экан, у фақат капитал кўйилмаларни молиялаштириши мумкин, қисқа муддатли кредит бериш эса тақиқланди.

Қамаш таҳдиди билан қоғоз пулларни олтинга алмаштириш тақиқланди. Бу инфляцияга йўл очди, Давлат бюджетининг тақчиллиги ошди, лекин бу ўз навбатида товарларга бўлган талабни ҳам оширишга олиб келди.

Ўша пайт учун катта маблағ 3,3 млрд. доллар давлат олдига қўйган мақсадларни амалга ошириш, майда-чуйда кулбалар ўрнига уй-жой қуришдан тортиб, ҳарбий кемалар қуришгача ажратилди. Бунинг натижасида аҳоли бандлиги ортди, ишлаб чиқариш жонланди, бу ўз навбатида бошқа соҳаларда ҳам ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Болалар меҳнати тақиқланди. Меҳнат ҳақининг минимал ставкаси соатига 25 цент (ва иш вақтининг максимал узунлиги) ҳафтасига 44 соат қилиб белгиланди.

Ёшлар ўртасида ишсизлар кўп бўлгани сабабли махсус 18—25 ёшгача бўлганлар учун меҳнат лагерлари тузилди. Ундан 3 млн. америкалик ўтди. Улар ўрмонлар, боғлар яратди, йўлларни таъмирлаб, кўприклар қуришди, мелиоратив ишларни бажаришди. Улар яшаш учун жой (вақтинча бўлса ҳам) кийим, овқат билан таъминланиб, кунига 1 доллардан ҳақ олганлар.

Ҳукумат йилига камбағалларга тўлаш учун штатларга 500 млн. доллар ажратган, лекин ҳар бир штат федерал долларга ўзининг 3 долларини қўшиши зарур эди.

Фермерлар донларини давлатга паритет баҳоларда сотиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу харид баҳолари сотиб олинадиган, техника, минерал ўғит, ёқилғи сотиб олиш учун сарфланадиган харажатлардан юқори.

Рузвельт 3 йилгача ерларни олди-сотди қилишни тақиқлади, бўлмаса фермерлар қарзи учун ерларидан ажраларди. Ҳукумат уларнинг қарзларини узишга ёрдам берди.

Ҳазинага пул тўплаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарга қўшимча солиқ солинди.

Ҳукумат четдан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам назоратга олди. Фермерларнинг маҳсулотларини сотишда қийинчилик туғилмаслиги чоралари кўрилди. Бундай тартиб ҳанузгача мавжуд.

Давлат харажатлари ва солиққа тортиш бўйича чора-тадбирлар кўриш орқали мамлакатдаги социал иқтисодий муаммоларни ечишга қаратилган сиёсат **фискал сиёсат** дейилади.

Фискал сиёсатнинг энг асосий вазифаси иқтисодий сиёсатни амалга ошириш учун давлат пул фондларини марказлашган тарзда ташкил этиш ва ишлатиш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш.

Фискал сиёсат — автоматик ва дискрецион фискал сиёсатдан иборат. Автоматик фискал сиёсат деганда ҳукумат томонидан қўшимча чора-тадбирлар белгиламай, мавжуд иқтисодий механизм орқали иқтисодий ўзгаришларга мослашувчан сиёсат тушунилади.

Аввалдан қабул қилинган, киритилган ҳуқуқий ҳужжатлар автоматик барқарорлаштирувчи стабилизатор тарзида иқтисодиётга таъсир ўтказиши. Ҳукумат томонидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланмай иқтисодий аҳволни ўзгаришига автоматик тарзда мослашади, таъсир кўрсатади.

Бу механизмни асосини солиқ ташкил этади. Солиқлар суммаси даромадлар миқдорига боғлиқ ҳолда автоматик тарзда камайиши ёки кўпайиши мумкин. Солиққа тортишнинг прогрессив ставкалари асосида ЯИМ ўсиши билан автоматик тарзда солиқ тушумлари кўпаяди. Аксинча, иқтисодий тушкунлик даврида солиқ тушумлари автоматик тарзда қисқаради.

Агар ишловчилар иш жойини йўқотса ҳукумат аралашувисиз ишсизлик нафақаси олади. Маълум бир ёшга етгач, пенсия олади. Директив тарзда белгиланган минимал иш ҳақи даражаси бор. Турли ижтимоий тўловлар аҳолини қўллаб-қувватлаш дастурлари ва бошқалар иқтисодий тушкунлик пайтларида ялпи талабни кескин қисқаришига йўл қўймайди.

Юксалиш пайтларида ишсизликнинг қисқариши ўз навбатида ишсизлик нафақаси тўлашни тўхтатади ёки қисқартиради.

Автоматик фискал сиёсат нисбатан тўлиқ ҳолда тажрибада АҚШ нинг президенти Никсон (1972—1974 йиллар) даврида қўлланган. Солиқ тушумлари иқтисодий конъюнктура ўзгаришига боғлиқ ҳолда ўзгарган.

Лекин солиқ тушумининг автоматик реакцияси тушкунлик даврида, бюджет тақчиллиги ортганда ўз вазифасини бажаролмай, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Лекин иқтисодиётни тартибга тушириш учун олдиндан белгиланган, ҳуқуқий нормативлар турли тебранишларни олдини олишни кутилган даражада таъминлай олмайди. Айрим пайтларда умуман қурби етмайди. Сабаби аввалдан ҳамма ўзгаришларни қонуний ҳужжатларда ифодалаб бўлмайди. Ҳамма ўзгаришларни қандай бўлишини олдиндан билиш қийин.

Ана шундай пайтда оператив тарзда ҳукуматнинг зудлик билан аралашуви зарур бўлиб қолади. Ана шу аралашув дискрецион фискал сиёсатда ўз ифодасини топади.

**Дискрецион** (лотинча *discrecio* — ўз қарорига қараб амал қилувчи) фискал сиёсат давлат томонидан ЯММнинг реал ҳажмига, бандлик, инфляция ва иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиш мақсадида давлат томонидан аниқ чора-тадбирларни белгилаш тушунилади.

Доимий амал қилувчи қонунлар, қоидалар нормативларга қўшимча равишда ёки уларни ўзгартириш бўйича оператив тарзда молиявий чора-тадбирлар кўрилади.

Буни самолётни автопилот бошқариши билан таққослаш мумкин. Маълум пайтларда автопилот бошқара олмай қолганда учувчининг ўзи штурвални қўлга олгани каби ҳукумат ҳам зарур пайтда илгари қабул қилинган қонунлар кутилган натижани бермаса, объектив вужудга келган шароитга қараб чора-тадбирлар белгилайди.

Энг кўп тарқалган дискрецион фискал сиёсат усулларига моддий ёрдам дастури, солиқ ставкаларини ўзгартириш, ишсизларни давлат томонидан ҳақ тўлаб, ижтимоий ишларни ба-

жаришга жалб этиш, ижтимоий вазият кескинлашмай, айрим аҳоли қатламини қашшоқлашувига йўл қўймаслик, қонунда белгиланганидан ташқари моддий ёрдамни кучайтириш, корхона ва аҳоли даромадларини кескин равишда камайиб кетмаслиги учун вақтинча солиқ ставкаларини камайитириш, имтиёзлар белгилаш ва ҳоказолар.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, ҳар бир мамлакат ўзи эришган иқтисодий даража, вужудга келган ечимини орқага суриш мумкин бўлмаган муаммолар, объектив тарзда мавжуд вазиятга қараб дискрецион сиёсат юритади. Масалан, АҚШда 80-йилларда икки марта ўтказилган солиқ реформасини ана шу сиёсат билан боғлаш мумкин.

Агарда Ўзбекистоннинг юритаётган фискал сиёсати ҳақида сўз юритадиган бўлсак, унда заруратга қараб ҳар иккиси — автоматик ҳам дискрецион сиёсат юритилаяпти деб айтиш мумкин.

Давлатнинг бюджет сиёсати фискал сиёсатнинг бир қисми сифатида, асосан даромадлар билан харажатларни баланслаштиришга қаратилган. Агар даромадлар камайиши юз берса, мувофиқ равишда харажатлар ҳам камайитирилади.

Иқтисодий конъюнктура юқори бўлиб, даромадлар кўпайиб кетса аввалги қарзларни тўлаш, кўшимча резерв фондларига ажратиш, ижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириш, иқтисодий тушқунлик пайтларда бюджет камомади ҳисобига бўлса ҳам ялпи талабнинг ўсишига ҳаракат қилинади. Чунки иқтисодий жараёнларни барқарорлаштириш зарур. Лекин бюджет камомадининг кўпайиб кетиши ҳам барқарорликни издан чиқаради. Шунинг учун ҳукумат чора-тадбирлар белгилар экан ҳар жиҳатдан қандай оқибатларга олиб келишини ҳисобга олиши керак.

Энг аввало, давлатнинг даромадлари харажатларига тенг бўлишига ҳаракат қилиш керак. Давлат харажатлари биринчи навбатда давлат секторининг талабларини қондиришга қаратилиши керак. Бу харажатлар давлат бюджети статьяларида акс этади. Шунини таъкидлаш керакки, кўпгина давлат (ижтимоий, социал) харажатлари узлуксиз ўсиб боради. Шунинг учун уларни энг зарурларини ажратиб, қолганларини чеклашга ҳаракат қилиш керак. Чунки “кўрпага қараб оёқ узат”-маса бўлмайди. Бундай чекловчи бўлиб, бюджет даромадлари ҳисобланади, яъни “кўрпа”нинг катта-кичиклиги бюджет даромадларида кўринади.

Давлат иқтисодиётини тартиблашда бюджет маблағларидан фойдаланади. Бу субсидия бериш тарзида амалга оширилади. Субсидия давлат бюджетидан тадбиркорларга аниқ мақсад йўлида ишлатиш учун бериледи. Иқтисодий ўсиш учун зарур, аммо фирмалар учун қулай бўлмаган тадбирларни ўтказиш, масалан, янги технологияни жорий этиш, экологик му-

возанатни таъминлаш узоқ даврда ўзини оқловчи ишларга пул сарфлаш, фундаментал назарий тадқиқот ишларни ўтказиш учун маблағ ажратилади. Субсидия давлатнинг молиявий ёрдами бўлиб бюджетга қайтариб берилмайди. Субсидия орқали давлат фирмалар, хўжаликларга мадад беради, айниқса молиявий санація — соғломлаштириш воситаси сифатида муҳим рол ўйнайди.

Субсидия ёрдамида давлат бозордаги таклифга ҳам таъсир этади, корхона маҳсулотини бозорга чиқармай ғамлаб турганлари учун ҳам субсидия оладилар. Шу йўл билан улар товарларни муддатидан ортиқча сақлаш харажатларини қоплайдилар, жаҳон бозорида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун ҳам субсидия қўлланилади.

Давлат зарур иш билан шуғулланувчи, лекин янги, ҳали молиявий ночор фирмаларни ҳам субсидия орқали қўллайди. Субсидиялар давлат дастурлари ва тавсияларига биноан иш тутган фирмаларга ҳам берилади.

## **5-§. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ КЕЙНСЧА МОДЕЛИ**

Бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солиш классик модели тажрибада қаттиқ синовларга дош беролмади.

1929—1939 йиллари содир бўлган тарихга “Буюк депрессия” номи билан кирган иқтисодий кризис бунини тасдиқлади. Зоҳиран бу кризисда “кичик цикл”лар билан “узун цикл”лар бирга қўшилиб кетгани ишлаб чиқаришни ҳаддан зиёд қисқаришига олиб келди. Фарбда шу йилларда саноатда ишлаб чиқариш 46% га камайиб, ишсизлар 26 миллион кишидан кўпайиб кетди. Аҳоли реал даромади 60% га қисқарди.

Иқтисодчилар (классик, неоклассик) томонидан илгари сурилган кўнгина фикрлар ўзини оқламади.

Стихияли бозор иқтисодиёти ялпи таклиф билан ялпи талаб ўртасида мустаҳкам мувозанатни таъминлашга қодир эмаслиги аён бўлиб қолди. Шу билан бирга бозор иқтисодиётида “соф” ва “мукаммал рақобат” амал қилади, деган қоида ҳам рад этилди.

Процент нормаси автоматик тарзда жамғариш билан инвестицияни мувозанатини сақлайди деб таъкидлаш ҳам нотўғри эканлиги билиниб қолди. Процент ставкаси аҳоли жамғармаси билан ишлаб чиқаришга қўйиладиган капитални ягона оқим тарзида бирлаштиришга қодир эмаслиги аён бўлди.

Жамғарма эгалари ва инвесторларнинг режалари ҳамда фаолияти турлича.

Бозор нархлари автоматик тарзда товар ишлаб чиқаришга таъсир этиши ва бу билан ялпи талабни, таклифга мослашти-



риши пулнинг олтин стандартига асосланган тизимида ишга тушган. 1929—1933 йилларда рўй берган жаҳон кризиси натижа-сида у бекор қилинди. Нархларнинг бозор механизми, монопо-лиялар иқтисодий тартибга сола олмай қолди. Ялпи талаб билан ялпи таклифни мувофиқлаштиришнинг янги механиз-мини яратиш зарурати туғилади.

Макроиқтисодий давлатнинг аралашувисиз муваффақият-ли ривожлана олмаслиги аён бўлиб қолди. Янги макроиқтисо-дий регулятор зарур эди. Макроиқтисодий тартибга солиш-нинг тамомила янги модели яратилди. Иқтисодий назарияда унинг неоклассик йўналишида янги революцион бурилиш ясалди. Унинг асосчиси XX асрнинг буюк иқтисодчиси Жон Майнард Кейнсдир.

Унинг энг машҳур асари “Иш билан банд, процент ва пул-нинг умумий назарияси” 1936 йил босмадан чиқди. Унинг асо-сий диққатини тортадиган томони макроиқтисодий жараёнлар-ни тартиблаш назариясини асослаб беришидир.

Иқтисодийнинг ривожланишини таъминловчи асосий омил, Кейнс фикрича “самарали талаб”, у ўз навбатида икки компо-нент истеъмол (яъни шахсий истеъмол) ва инвестиция (яъни ишлаб чиқариш истеъмоли)дан иборат. Ундан ташқари давлат харидлари ҳам ялпи талаб миқдорини кўпайтиради. Шундай қилиб:

Истеъмол харажатлари + Инвестиция + Давлат харидлари = Ялпи талаб.

Кейнсга қадар Ж.Б. Сейнинг товар таклифи ўз-ўзидан то-варга талаб яратади деган қоидасига амал қилинган. Кейнс эса Сей қонунига танқидий ёндашиб, “асосий психологик қонун” мавжуд деган фикрни олға сурган. Аҳоли даромади-нинг ўсиши билан одамларда кўпроқ истеъмолга эмас, бал-ки жамғаришга мойиллик пайдо бўлади, яъни топилиган да-ромаддан ишлатилмай жамғарилган маблағнинг ҳиссаси ор-тиб боради. Шунга кўра жами талаб ўз-ўзидан жами таклиф-га мос тушавермайди.

Тадбиркорларнинг ҳам ўз навбатида ресурсларга талаби ка-маяди. Сабаби фойда пасайгани учун бизнесменларда келажак-да оладиган даромадларига бўлган ишончни йўқотишга “мо-йиллик” кучаяди. Бундай шароитда пулларни ишлаб чиқаришга қўймай, ссудага бериб, барқарор, юқори процент олишга ин-тиладилар.

Кейнс фикрича давлатнинг марказий вазифаси даромадлар-ни ўсишга олиб келувчи “самарали талаб”ни таъминлаш. Нати-жада иш билан бандлик ва фирмалар даромади ҳам ўсади.

Кейнс назариясининг асосий тамойили шуки, давлатга иқти-содий самарали талабни таъминлаш вазифаси юклатилади. Бу миллий хўжаликка инвестиция ва давлат харажатларига таъсир қилиш орқали амалга ошади.

Кейнс таълимотида иш билан таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш иқтисодий ўсиш учун бош масала ҳисобланади. Унинг ёзишича иш билан банд бўлиш самарали таклиф билан, таклифнинг ўзи эса аҳолининг ва тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш харажатлари билан белгиланади.

Бандлик, истеъмолад ва инвестиция бир-бири билан боғлиқ экан, бандлик истеъмолад ва инвестициянинг функцияси, яъни истеъмолад ва инвестиция ўзгарса бандлик ҳам ўзгаради, дейди. Кейнс фикрича истеъмолад функцияси нисбатан барқарор, шунинг учун давлат инвестицияни рағбатлантиришга диққат-эътиборини қаратиши керак.

Инвестициянинг ўсиши икки омил: кутилаётган натижа ва банк проценти даражасига боғлиқ. Ундан келиб чиқиб инвестиция талабни тартибга солиш воситаси сифатида ҳам фарқ қилади — яъни кредит-пул ёки бюджет-молия. Процент ставкаси, даромад ва инвестиция эса ўзаро боғлиқ.

Фойда нормасини ва талабни кучайтиришга пул (номинал) шаклдаги иш ҳақини пасайтириш орқали эришиш мумкин. Иш ҳақини пасайтириш нархларни пасайишига олиб келади. Реал даромадларни ёлланма ишчилардан бозорнинг бошқа субъектларига тадбиркорларга, улардан ранте қатламига қайта тақсимланишига олиб келади. Умуман, бу қайта тақсимлаш истеъмоладга мойилликни камайтиради. Лекин капитал қўйилмаларнинг меъёрий самарасини оширади. Ундан ташқари нархларнинг ва пул даромадларининг пасайиши нақд пулларга бўлган талабни камайтиради, процент нормасининг пасайиши, инвестициялар учун қулай шароит яратади.

Бу мослашувчан иш ҳақи сиёсати деб номланувчи сиёсат пул шаклидаги иш ҳақи миқдоридан ифодаланган пул миқдорини ўзгартириш усулини ифодалайди. Бозор иқтисодиёти шароитида демократик жамиятда бу сиёсатни қўллаш жуда қийин. Шунинг учун унинг ўрнига мослашувчан пул-кредит сиёсатидан фойдаланиш мумкин. У инвестицияга талабни ўстиради, бандлик ҳам ўсади.

Ундан ташқари депозитлар бўйича процентларнинг камайтиши, истеъмоладнинг ўсишига олиб келади, сабаби банкларга пул қўйиш кам фойда келтиради.

Лекин бу чора-тадбирлар самарали талаб ва тўла бандликни таъминлай олмайди. Талаб ва бандликни ўсишини таъминлаш учун Кейнс фаол бюджет-молия сиёсатини қўллашни таклиф этади.

Фаол инвестицион фаолиятни амалга ошириш миллий даромаднинг солиқ ставкаларини ўсиши орқали давлат фойдасига қайта тақсимлашни талаб қилади. Солиқ орқали тўпланган пул маблағлари (бошқа ҳолда банкларда жамғарма тарзида фойдаланиш мумкин бўлган)ни давлат инвестицион талаб ва бандликни ўстиришга йўналтириши керак.

Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятдан ташқари Кейнс норентабел тармоқларни айрим саноат, коммунал хўжалик кабиларни бюджетдан молиялаштириш, аҳолини маълум қатламга кўмак беришни тавсия этади. Бунда Кейнс давлат харажатларини бюджетнинг даромадлари билан чегараламаслик натижасида маълум миқдорда бюджет тақчиллиги бўлиши табиий эканлигини кўрсатади. Бунинг оқибати инфляцияга олиб келишини биледи, лекин у инфляция даражаси давлат томонидан тартибга солинади, чунки бюджет тақчиллиги ва пул эмиссияси миқдорини у белгилайди дейди.

Бюджет орқали талабни кенгайтириш ишсизликни, социал карама-қаршиликлар кескинлигини камайтиради. Давлат харажатларининг зарурлиги ва самарадорлигини уларни ишлаб чиқариш ҳажми, даромадлар, бандликка таъсири нуқтаи назаридан асослаб бериш учун Ж. М. Кейнс “мультипликатор” назариясини ишлаб чиқади.

Унинг фикрича инвестициянинг ўсиши ишлаб чиқаришга кўшимча иш кучини жалб қилади, у ўз навбатида кўшимча даромад ва истеъмолни юзага келтиради. Натижада сарфланган инвестицияга қараганда ишлаб чиқариш ҳажми ва даромад бир неча баробар кўп ўсади. Бу ажойиб натижани мультипликатор эффекти ёки оддийгина мультипликатор деб аталади (ХУ боб).

Дастлабки инвестицион ўзгариш худди занжирсимон реакция бўлиб, ҳар бир кейинги босқичда сўниб бораётган тарзда бўлса ҳам ЯИМни бир неча марта ўзгаришига олиб келади.

Истеъмол билан жамғаришнинг йиғиндиси бирга тенг бўлар экан, бирининг ортиши иккинчисининг камайишига олиб келади. Кўпроқ жамғариб истеъмолни камайтириш ўз навбатида даромадни ҳам қисқаришига олиб келади. Чунки иқтисодиётда бир субъектнинг харажати иккинчисининг даромади бўлади. Даромаднинг пасайиши ўз навбатида жамғаришнинг ҳам пасайишига олиб келади, капиталлашган товарларга бўлган талаб ҳам қисқаради. Бу эса инвестициянинг қисқаришига олиб келади.

Ҳаддан ташқари тежаб-тергалган истеъмолнинг камайиши ишлаб чиқариш ҳажмини камайишига олиб келади. Бу ҳодиса **тежаб-тергаш парадокси** дейилади.

Жамиятда тежашнинг ўсиши инвестициялар ўзгармагани ҳолда даромаднинг қисқаришига, сўнгра маҳсулот ишлаб чиқаришни камайишига, бандликни қисқаришига олиб келади. Буни шундай занжир кўринишида ифодалаш мумкин.

ρS©®ρC™®C+I™®ρY™®бандлик™®Y™


ва ҳоказо.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳамма вақт ижобий деб қараладиган тежаб-тергаш социал жиҳатдан мушкулликка олиб келади. Айниқса, депрессия даврида тежаб-тергашга, камарни маҳкамроқ боғлаб, истеъмолни камаййтиришга даъват қилиш рецессион фарқни вужудга келтириб, кризисдан чиқишни қийинлаштиради.


Мутаносиб даромад (ишлаб чиқариш)нинг ялпи харажатлардан, яъни таклифни талабдан кўплиги рецессион фарқни вужудга келтиради. Бу фарқни йўқотиш учун шу фарққа тенг миқдорда ялпи талаб (ялпи харажатлар)ни кўпайтириш, бунинг учун ноинфляцион даражага қадар тўла бандликни (график а) бўйича  $Y_0$  дан  $Y^*$  гача) таъминлаш зарур (биссектриса — мутаносиб даромад).

Агарда ялпи харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулотдан, яъни таклифдан кўп бўлса инфляцион фарқ вужудга келади. Мутаносибликка эришиш учун ялпи талаб (ялпи харажатлар)ни қисқариши шарт. Бунинг учун ишлаб чиқариш ноинфляцион даражада тўла бандликка қадар (б) графикда,  $Y_0$  дан  $Y^*$  гача) қисқариши керак.

Давлат рецессион ёки инфляцион фарқ вужудга келганда даромад даражасини мослаштириш учун ялпи харажатларга, яъни талабга таъсир қилишга ҳаракат қилади. Натижада талабнинг икки элементи истеъмол ва инвестицияга давлат харажатлари ( $C+Y+G$ ) ҳам қўшилади.



а) расм.



б) расм.

Шундай қилиб, мультипликатор икки томонлама таъсир кўрсатади.

Инвестициянинг ўсиши миллий даромадни мультипликатив кўпайишига олиб келади. Иккинчи томондан инвестициянинг унча кўп бўлмаган қисқариши ҳам кескин равишда миллий даромаднинг камайишига олиб келади.

Агар инвестиция кам бўлса, ишсизликнинг кўпайишига, жамғаришдан ортиши эса инфляциянинг ўсишига олиб келади. Инвестиция берадиган даромад банк фоизидан кам бўлмаслиги

керак, акс ҳолда пулни инвестиция қилгандан кўра жамғариш қулай бўлади.

Инвестиция қилиб олинган даромад даражасини ифодалаш учун мултипликатор коэффиценти кўрсаткичи киритилган. Ҳ даромад ўсиши ( $\Delta Y$ ) билан инвестиция ўсиши ( $\Delta I$ ) ўртасидаги боғланишни кўрсатади.

$$K_m = \frac{\Delta Y}{\Delta i}$$

Инвестиция эвазига олинадиган даромад пасайса, инвестицион фаоллик ҳам сусаяди. Аксинча бўлса, фаоллик ҳам кучаяди. Демак, давлат ана шу фаолликни таъминлаш учун шароит яратиши керак.

Кейнс концепцияси давлатнинг узоқ муддатга асосланган тартибга солишга қаратилган. Унинг параметрлари ва йўналишлари ҳар бир мамлакатнинг хусусиятидан келиб чиқиб, миллий иқтисодга мослаштирилган. Кейнс назариясига асосланиб давлатнинг фискал сиёсати шаклланган. Шундай қилиб, иқтисодиётни тартибга солишни Кейнс моделининг асосий хусусиятлари қуйидагилар:

**Биринчидан**, давлат бюджети орқали қайта тақсимланадиган миллий даромаднинг улуши юқори, 34,2% дан тортиб (Японияда) 37,6% (АҚШ), то 50% ва ундан юқори (Фарбий Европада).

**Иккинчидан**, давлат ва аралаш корхоналар ташкил қилиниши, давлат тадбиркорлигини кенг зоналарини яратишга олиб келади.

**Учинчидан**, молия-бюджет ва молия-кредит регуляторидан иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш, цикли тебранишларни текислаш, бандлик даражасини кўтариш, иқтисодий ўсиш суръатини қўллаш учун кенг фойдаланилади.

Ж. М. Кейнс томонидан таклиф этилган иқтисодиётни тартибга солиш модели кўпгина Фарб мамлакатлари, айниқса АҚШ (энг тўлақонли ифодасини Франклин Рузвельт сиёсатида топган), Англия ва бошқа мамлакатларда қўлланиб, иқтисодиётни тангликдан олиб чиқишга ёрдам берди.

## 6-§. ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МОНЕТАР МОДЕЛИ

Иқтисодиёт назариясидаги Кейнс томонидан қилинган революция Ғарб мамлакатлари учун нафас ростлаш имконини берди. 50-йиллардан 70-йилларнинг бошларига қадар иқтисодий ўсишда энг юксак суръатларга эришилди. Юқори даражадаги иш кучи бандлиги таъминланди. Ҳатто Ғарб мамлакатларида ривожланаётган мамлакатлардан кўшимча иш кучи жалб этилди.

70-йилларнинг бошига келиб Ғарбий мамлакатлар иқтисодиётининг циклик кризислар ва иқтисодий ўсиш суръатларини сўниб боришигина эмас, қатор таркибий: энергетика, хом ашё, экологик, валюта-молия ва бошқа кризислар билан тўқнашди. Ундан ташқари ривожланаётган мамлакатлар хомашё ва энергия манбаларини ниҳоят арзон сотишга қатъий қарши чиқдилар. Ўз табиий ресурсларини миллийлаштириб, уларни жаҳон бозоридаги нархларини 1973—1974 йилларда 10—20 марта кўтардилар. Бу Ғарбдаги тадбиркорларни ниҳоятда қийин аҳволга солиб қўйди. Харажатлар инфляцияси кескин равишда кўтарилишига олиб келди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кризис тушкунликларини баргараф қила олмаслиги аён бўлиб қолди.

Бу масалаларни ечиш зарурати иқтисодиётни тартибга солишнинг янги моделини ишлаб чиқиш, Кейнс таълимотига муқобил назария яратиш заруратини қўйди.

Ягона неоклассик йўналишни икки оқимга бўлинишига олиб келди.

Кейнс таълимоти издошлари давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашувини ҳимоя қилишни давом эттиришди.

Иккинчи оқим эски принципларга янгича нуқтаи назардан ёндашиб, давлат хусусий фирмалар, ҳўжалик фаолиятига аралашмаслиги маъқул эканини ёқлаб чиқдилар. Шунинг учун бу оқим “неоконсерваторлар” деб аталади.

Кейнс таълимотининг улар танқид қилишган томони қуйидагилардан иборат:

1. Ялпи талабни кўпайтириш учун давлат талабини кўпайтириш, давлат бюджет тақчиллигига йўл қўйиши мумкин. Уни қоплаш учун қарз олиш, пул эмиссия қилинади. Бу инфляцияни вужудга келтиради.

2. Давлатнинг даромадларини кўпайтириш учун солиқларни кўпайтириш керак. Лекин солиқларни кўпайтириш ишловчиларни кўпроқ ишлаб, кўпроқ даромад олишга, тадбиркорларни фойда миқдорини кўпайтиришга интилишини сустайтиради. Бу ўз навбатида солиқ олинадиган асосни камайишига олиб келади. Бунинг натижасида иқтисодиётда стагфляция (турғунликни инфляция билан биргалашиб кетиши) ҳодисаси рўй беради.

Неоконсерваторлар иқтисодиётдаги тангликни бартараф этишнинг ундан қандай чиқиб кетиш йўларини таклиф этишди. Ўз фикрларининг фарқи бўйича неоконсерваторлар оқими уч мактабга бўлинган: монетаризм, таклиф назарияси ва рационал тахмин назарияси. Ана шуларнинг орасида иқтисодий назарияда алоҳида ўрин тутган, кенг тарқалган машҳур ва нуфузлиси монетаризмдир.

Монетаризм монета (танга) сўзидан олинган бўлиб, номининг ўзи кўрсатиб турибдики, бу назария пул муомаласи билан боғлиқ. Бу назария пулни олқишловчи назариядир. Унинг бош гоёси — иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди. Бу механизмнинг асосий воситаси пул.

Монетаристлар нуқтаи назаридан 70-йиллардаги инфляция, энг аввало муомалада ҳаддан зиёд пулларнинг кўпайиб кетиши туйғайли содир бўлган.

Монетаризм назариясининг асосчиси Нобель мукофотининг лауреати (1976) америка иқтисодчиси Милтон Фридмендир.

Фридменнинг иқтисодий маслаҳатлари Буюк Британия (Тетчер ҳукуматида маслаҳатчи бўлган), Чили (Пиночет даврида), АҚШ (Рейган президентлиги даврида Рейганомика сифатида маълум)да фойдаланиши иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатди.

Фридменнинг фикрига кўра давлат иқтисодиётга минимум даражада аралашуви зарур. Бу аралашув пул муомаласи доирасида бўлиши керак. Давлат ялпи талабга муомаладаги пул миқдорини тартибга солиш билан таъсир этиши керак. Бу фикр куйидаги тенглама орқали ифодаланadi:

Муомаладаги реализация қилиш учун чиқарилган  
пул миқдори = ЯММ қиймати / Пул бирлиги айланиш сони

Монетаристлар фикрича пул бирлиги айланиш сони кам ўзгаради. Унда ЯММ қийматига муомаладаги пул миқдорини тартибга солиш билан таъсир қилиш мумкин.

Пул бирлиги айланиш сонига кўпайтирилган эмиссия қилинган пул миқдори ишлаб чиқарилган неъматларни сотиб олиш учун аҳолида мавжуд пул миқдорини ифодалайди. Яъни ялпи талабни ифодалайди. ЯММ қиймати ялпи талабга боғлиқ бўлади.

Фридменнинг эркин бозор гоёси ўзига тортади. У талаб ва таклифни энг қудратли иқтисодий восита деб ҳисоблайди.

Давлат иқтисодиётига энг яхши таъсир кўрсатиши бу бизнесга, бозорга ўз вазифасини бажариш учун шароит яратишдир. Фридмен фикрича энг асосийси нархга аралашмаслик.

“Нарх тизими механизми” шундай аниқ ва самарали ишлайдики, биз кўпинча аҳамият ҳам бермаймиз. Нарх механизми иқтисодиётни марказ бошқарувисиз, одамларга буйруқ қилмай мувозанатлаштиради. У нархни уч вазифани бажаришига диққат-эътиборини қаратади.

**Ахборот бериш** — бозордаги талаб ва таклиф нисбати ўзгариши ҳақида ишлаб чиқарувчиларга сигнал-ахборот юборади.

**Рағбатлантириш** — хўжалик юритувчиларни иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари қидиришга ундайди.

**Тақсимлаш** — даромадларни талаб ва таклифга нисбатига қараб сотувчилар ва харидорлар ўртасида тақсимлайди. Учови бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Улар ёрдамида бозор механизми макроиқтисодий миқёсда самарали тартибга солишни удалайди. Бу борада нормал бозор механизмидан қониқарли даражадаги муқобил механизм йўқ. Давлат фақат муомагадаги пулга аралашса бўлди.

М. Фридмен А. Шварс билан биргаликда ёзган “1867—1960 йилларда Қўшма Штатларнинг монетар тарихи” китобида хўжалик фаолиятидаги йирик ўзгаришлар пул массаси ва унинг ҳаракатига боғлиқ эканини кўрсатади.

Унинг назарияси асосида:

1. Пул барча ишлаб чиқаришни ривожланиши ва ҳаракатини аниқловчи;

2. Пулга бўлган талаб доимий равишда ўсиб боради. Чунки индивиднинг жамғаришга бўлган мойиллиги уни доимий равишда пулини кўпайтиришга интилишига олиб келади.

3. Пул таклифи ва барқарорлиги эса кредит-пул институтларини сиёсатига боғлиқлиги билан характерланади.

Фридмен Кейнс мактаби илгари сурган фискал сиёсати иқтисодиётнинг аҳволини, айниқса пул муомаласини ёмонлашувига ишлаб чиқаришни пасайишига олиб келади, дейди.

Монетаристлар инфляцияни даволашнинг ўз рецептларини ишлаб чиқиб, Фарб мамлакатларига қуйидагиларни тавсия этишади:

- пул таклифи ва кредит беришни қаттиқ чеклаш;
- пул эмиссиясини қисқартириш (ишлаб чиқаришни ўсишга мувофиқ равишдагина кўпайтириш);
- социал дастурларни қисқартириш (давлатнинг аҳолига турли тўловларини камайтириш).

Хукумат ва Марказий банк ҳаддан ташқари фаол пул-кредит сиёсатни юритмаслиги керак. МБ қатъий равишда пул массасининг доимий ўсишини қўллаш қондасига амал қилиши керак. Бу қоида пул ҳажмининг кўпайиб бориши суръатини қўллаш, лекин инфляциянинг ошиб кетмаслиги учун бу етарли даражада паст бўлиши керак — 2,5 дан 8% гача. Лекин бу чегарадан паст ҳам бўлмаслиги керак, у ҳолда ишлаб чиқаришнинг қисқариши юз беради.

Монетаристларнинг бу концепцияси 80-йилларнинг бошларидан кўпгина ривожланган мамлакатларда қўлланила бошланди. МБ бош мақсад сифатида ўз олдига асталик билан барқарор пул массасини ўсишини таъминлашни қўйиб, пул массаси-



нинг қанчага ўсишини аввалдан эълон ҳам қилишди. Лекин бунинг уддасидан чиқиш қийинлиги учун практикада М1 ва М2 нинг ўсиши белгиланган рақамлардан кўпайиб кетди.

Монетаристларнинг назарияларини таҳлил қилиш орқали унда пул-кредит воситаларининг иқтисодий тартибга солишдаги ролининг ҳаддан зиёд бўрттириб юборилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Пул сиёсати пулга бўлган талаб ва таклифнинг ўртасида мувозанатни яратилишига қаратилиши керак. Иқтисодий пул-кредит орқали тартибга солиш ҳозирги давр пул-кредит назариясига асосланган ҳолда амалга оширилади. Бу назариялардаги у ёки бу асосий қоидалар ва хулосалар пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқишга асос бўлади.

Монетаризм учун бош масала антиинфляцияцион сиёсатни асослашдир.

Аввало, шунини таъкидлаш лозимки, монетаристик пул-кредит назариясида иқтисодий пул-кредит воситалари ёрдамида тартибга солиш имкониятлари катта деб ҳисобланади. Монетаристлар пул-кредит соҳасидаги ўзгаришлар умумий хўжалик конъюнктурасига устун даражада таъсир кўрсатади, деган фикрни илгари суришади.

Пул-кредит институтлари пул миқдорини бир меъёрда ўсишини сақлаш орқали иқтисодий юз берувчи кескин тебранишларни олдини олиш мумкин. Бундан Фредмен бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий ўсишга эришишни таъминлаш ҳам миллий валютанинг харид қобилиятини юқори даражада бўлишига эришиш мумкин деб ҳисоблайди.

Монетаристлар пул муомаласига асосий хавф ҳукуматнинг фаолиятдан келиб чиқади, деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли улар бюджет камомadini Марказий банк кредити ҳисобидан қопланишига қатъиян қарши чиқадилар. Бу назарий қоида-нинг жаҳон амалиётида бир неча бор гувоҳи бўлинди. Хусусан, Германия Марказий банкида яққол намоён бўлади. Бизга маълумки икки немис давлатининг қўшилиши билан боғлиқ харажатларнинг ҳар йили 25—30 млрд. маркаси Германия федерал бюджети ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

### **Кейнс ва монетаризм мактабларининг фарқи**

	Кейнсчилик	Монетаризм
Иқтисодий сиёсатнинг мақсади	Барқарор нархлар ва иш ҳақи, тўла бандликни таъминлаш.	Иқтисодий ҳолатга салбий ҳолатлар сабабчиси инфляция билан курашиш.
Қўйилган мақсадга эришиш воситалари	1. Пул муомаласини, бандликни ишлаб чиқариш ўсишига мослаш.	1. Пул муомаласини қаттиқ назорат қилиш.

	2. Мослашувчан пул сиёсати (кризиссиз ривожланишни таъминлаш) юритиш.	2. Каттиқ пул ва барқарор фискал сиёсат юритиш.
	3. Тақчил бюджет, талаб ва социал кафолатнинг ўсишини молиялаштириш.	3. Бюджет мувозанатини (бюджет тақчиллиги бозор механизмига давлат аралашувини ўсишига олиб келади) таъминлаш.
	4. Давлат социал дастурларини кенгайтириш.	4. Давлат социал дастурларини қисқартириш.
	5. Солиқларни кўпайтириш, давлат талабини ошириш.	5. Бюджет тақчиллигини камайтириш, пул муомаласини тартибга солиш.
Давлат ролини баҳолаш	Рағбатлантириш	Чеклаш
Қўлашдан ижобий натижа кутиш	Иқтисодий танглик, бўҳронлар юз берганда.	Тушқунлик саёз, инфляция кучли бўлса.

Бюджет харажатларини нисбатан қисқартириш мақсадида ҳукумат Бундесбанк раҳбариятдан ҳисоб ставкасини пасайтиришни сўраган эди. Аммо улар рози бўлишмади. Чунки ҳисоб ставкасини атиги 0,5 фоизга пасайтириш муомаладаги пул массасининг 5—6 фоизга ошишга олиб келар экан. Бу эса миллий валютанинг харид қувватини пул-кредит сиёсатининг оқибатларига етарлича баҳо берилмаганлигини кўрсатиш мумкин. Бу борада П. Самуэлсоннинг фикри диққатга сазовор. У шундай дейди: “Ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар, ижтимоий соҳада тараққиётнинг секинлашуви эҳтимолки, инфляция туфайли қашшоқлашувдан кўра хавфлироқ оқибатларга олиб келади”.

Кўзга кўринган америкалик иқтисодчи Пол Хайненинг ёзишича монетар сиёсат кейинги 25—70 йил ичида фискал сиёсат билан тенг статус олди.

Бунга сабаб, иккинчи жаҳон урушидан кейинги тушқунликлар инфляциянинг эса доимий бўлиб қолиши бўлди. Инфляция эса иқтисодий тушқунлик, инқирозларга нисбатан пул муомаласига таъсир кўрсатиш орқали яхшироқ даволанади.

Монетаристлар назариясига биноан иш юритиш билан инфляция суръатларини сўндиришга эришилди, иқтисодий фаолликни оширишга ёрдам берди. Аммо ишсизлик ортиб бориб, ўтқир социал муаммога айланди, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самараси пасайди.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: ҳар икки назария тавсиялари бир вазиятда қўл келса, бошқа вазиятда иш бермай қўяди. Агар кейнсчилар назарияси иқтисодий тушқунликдан чиқиб кетишда қўл келса, монетаристларнинг қарашлари иқтисодий ўнганган шароитда уни ўстиришга ёрдам беради. Ҳар иккала оқим иқтисодиётни тартиблаш заруратидан келиб чиқади.

Кейнсчилар асосий эътиборини давлатнинг тартиблаш кучига қаратган бўлсалар, монетаристлар эса иқтисодий ўз-ўзини тартиблаш учун бозор механизми бор, давлат эса уларга йўл бериб, иқтисодийга кам аралашгани маъқул дейдилар.

Кейнс назариясига кўра фискал сиёсат шаклланса, Фридман назариясига кўра монетар пул-кредит сиёсати шаклланади.

Фискал сиёсат нисбатан кўпроқ антициклик характерга эга бўлса, бюджет ва солиқлар орқали барқарорликни таъминлашга, монетар сиёсат пул муомаласини барқарорлаштириш орқали иқтисодийга таъсир этишга қаратилган.

Монетар сиёсат ҳам фискал сиёсатга ўхшаб мамлакатда барқарорликни таъминлаш ҳўжалик тизимида самарадорликни оширишга, иш билан бандликни таъминлаш иқтисодий ўсишга эришишни мақсад қилиб кўяди.

Монетар сиёсат ўзига хос характерга эга бўлиб, у нархларни барқарорлаштириш, инфляцияни жиловлаш миллий валютани ички ва ташқи бозорда харид қувватини барқарорлигини таъминлаш, бозорда нархларни эркин, талаб ва таклиф асосида шаклланиши шароитида пул муомаласини банк тизими орқали бошқаришни кўзда тутаяди.

Ҳар иккала оқим энг машҳур ва кенг тарқалган, уларнинг ғоялари амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда турли мамлакатларда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосини кейнсчилар ва монетаристлар назарий қоидалари ва хулосалари ташкил этади.

Шу билан бирга шуни эслатиш зарурки, жаҳон миқёсида молиявий кризисларнинг кучайиши иқтисодий тартиблашнинг янги муқобил назарияларини объектив зарурият қилиб кўяди.

### Асосий таянч тушунчалар

Иқтисодий тартиблаш.	Социал сиёсат.
Тартиблашнинг бозор механизми.	Қисқа муддатли тартибга солиш.
“Кўринмас қўл”.	Ликвидлик қопқони.
“Сей қонуни”.	Узоқ муддатли тартибга солиш.
Иқтисодий тартиблашнинг давлат механизми.	“Фишер” эффекти.
Иқтисодийга бевосита таъсир кўрсатиш.	Фридман тенглиги.
Иқтисодийга билвосита таъсир кўрсатиш.	Автоматик фискал сиёсати.
Тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари.	Дискрецион фискал сиёсати.
Маъмурий тартибга солиш.	Кейнсча модел.
Иқтисодий регуляторлар.	“Психологик қонун”.
Кредит сиёсати.	“Мослашган механизм” сиёсати.
Бюджет сиёсати.	“Монетар модел”.
	“Монетар сиёсат”.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Нима сабабдан иқтисодиётни тартибга солиш зарур? Тартиблашнинг бозор механизми билан давлат механизми ўртасида қандай фарқ бор?
2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни қандай усуллари биласиз?
3. Иқтисодиётни тартибга солишда ҳуқуқий асос қандай рол ўйнайди?
4. Давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашувини, аксинча давлатнинг кам аралашуви тарафдорларининг қайси фикрларига қўшиласиз ва танқид қиласиз?
5. Давлатнинг қисқа муддатли пул бозорини тартибга солишни тушунтиринг.
6. “Ликвидлик қопқони” нима ва ундан қандай қилиб чиқиб кетиш мумкин?
7. Давлатнинг пул бозорини узоқ муддатли тартибга солиш механизмини тушунтиринг?
8. Пул бозорини қисқа муддатли ва узоқ муддатли тартибга солишнинг фарқи нимада, улардан қайси вазиятларда фойдаланилади?
9. Иқтисодиётни тартибга солишда фискал сиёсатнинг тугган ўрнини кўрсатинг?
10. Иқтисодиётни тартиблашнинг Кейнсча моделини қисқача мазмунини айта оласизми?
11. Монетар моделни, иқтисодиётни тартибга солишни Кейнсча моделдан фарқини кўрсатинг.

## XXIII б о б

### АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА СОЦИАЛ СИЁСАТ

Ҳар бир мамлакатнинг ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб ўз олдига қўйган пировард мақсади бу мамлакат фуқароларининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш ва келажақдаги тараққиёт учун замин яратишдир.

Бу мақсад аҳолининг даромадлари ва унинг шаклланиши, табақаланиши даражаси ва бошқа муаммолар билан ҳамбарчас боғлиқ. Мазкур боб ана шу масалаларга бағишланган.

#### 1-§. ТАҚСИМОТ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА ТАҚСИМОТ

Бозор иқтисодиёти шароитида тақсимот муҳим ўрин эгаллайди. Тақсимотга қараб аҳолининг турмуш даражаси шаклланади.

Ҳозирги цивилизациялашган бозор иқтисоди ижтимоий йўналиши билан 20-аср бошларидаги иқтисодиётдан фарқ қилади. Мўлжал оммавий фаровонликни таъминлаш бўлиб, у аралаш иқтисодиётнинг бош қонунидан келиб чиқади. Бу қонун иқтисодий ўсиш натижасида бозор ва давлат механизми орқали ҳамманинг турмуш фаровонлигини ошириш муносабатларини ифодалайди.

Неъматларни ишлаб чиқаришдан мақсад—истеъмол қилишдир. Истеъмол қилиш учун эса аввал тақсимлаш керак.

Тақсимот турли тармоқлар, соҳалар, корхоналар, у ёки бу ижтимоий гуруҳлар, оилалар, алоҳида ходимларнинг улушини белгилайди.

Тақсимот энг аввало микроиқтисодиёт миқёсида юз беради. Бирламчи тақсимот натижасида бирламчи асосий даромадлар шаклланади. Сўнгра бу даромадлар қайта тақсимланади. Тақсимлаш жараёнига даромад яратишда қатнашмаганлар ҳам қўшилади. Тақсимот макромиқёсда, яъни иккиламчи тарзда юз беради.

Ҳар бир киши истеъмол қиладиган неъматларнинг эквиваленти бўлган пул даромади тақсимот категориясидир. Жамият аъзолари ўз ҳиссаларини қўшиб турли-туман неъматлар яратадилар. Яратилган неъматлар истеъмол қилиш учун тақ-

симланади. Ҳар бир жамият аъзоси ўз улушини пул шаклида олади. Чунки меҳнат тақсимоти асосида у бирон-бир турдаги товар ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатиш билан шуғулланар экан, унинг улуши айнан шу товар, хизматда гавдаланган. Истеъмол учун эса жуда кўп турдаги бошқа товар ва хизмаглар керак.

Ҳамма гап, ҳамма диққат-эътибор айнан шу улуш қанча бўлиши кераклигига қаратилган. Кишилик жамияти бир томондан, доимо ана шу неъматларни тақсимоти адолатли бўлиши учун курашган.

Иккинчи томондан, ҳар бир инсон манфаатидан келиб чиқиб тақсимотда кўпроқ улуш олиш учун курашган. Агар кишилик жамияти бошидан кечирган барча урушлар, алғов-далғовларнинг сабабини таҳлил этсак унинг асосий сабаби мавжуд неъматларни қайта тақсимлашга, усулини ўзгартиришга қаратилган.

Ҳақли равишда тақсимот қандай бўлиши керак? Қандай тақсимотни адолатли тақсимот деб аташимиз мумкин деган савол туғилади. Унга кишилик жамияти тарихий тараққиёти асосида назар ташласак, иқтисодчилар турлича ёндашганларини кўрамиз.

Адолатли тақсимот тўғрисидаги қарашларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин.

**1. Эгалитар тақсимот.** У французча *egalite* — тенглик сўзидан олинган бўлиб, бу тақсимот тарафдорларининг фикрига кўра барча жамият аъзолари ўртасида неъматлар тенг тақсимланиши керак.

**2. Роулсчасига тақсимот.** Бундай тақсимлаш Америка философи Жон Роулс номи билан боғлиқ. Унинг фикрича, иқтисодий нотенглик, даромадларнинг табақаланиши шундай бўлиши керакки, бунда энг камбағал қатлам нисбатан нормал ҳаёт кечириши таъминланиши керак. Бундай тақсимот тарафдорлари энг кам таъминланган кишиларни ҳаёт кечиришини нормал даражада бўлишини таъминлаган тақсимот адолатли тақсимот дейдилар.

**3. Утилитар тақсимот.** Утилитар лотинча *utilitas* — фойда, наф сўзидан олинган бўлиб ҳамма ҳодиса, фаолият фақат наф келтириш, мақсадга етиш учун хизмат қилиши нуқтаи назардан қаралади. Бундай тақсимот тарафдорларининг фикрича, жамиятнинг ҳамма аъзоларини нуфузига қараб тақсимлаш адолатли ҳисобланади. Унинг асосчиси инглиз файласуфи ва социологи Иеремия Бентам бўлиб, унинг фикрича, давлат иложи борича ўз фуқароларининг кўпчилигини бахтиёр бўлишини таъминлаши зарур. Бунда тенг тақсимлаш билан эмас, балки уларнинг нуфузига қараб пропорционал тарзда тақсимлаш орқали адолат ўрнатиш мумкин, кишиларнинг нуфузи эса жамиятда тутган ўрнига қараб аниқланади.

**4. Бозор иқтисодиётига хос тақсимот.** Адолат бозор орқали ўрнатилади. Ҳозирги пайтда иқтисодчиларнинг асосий қисми шундай тақсимотни қўллаб-қувватлашади.

Бозор хўжалигида тақсимотнинг ўз принциплари борки, улар ресурсларни маҳсулот ва хизмат яратишдаги ҳиссасини ҳисобга олади. Капитал, тадбиркорлик қобилияти, ер, ишчи кучидан иборат ресурс эгалари ўз ресурсларини ишлаб чиқариш омили сифатида иқтисодиётга қўшган ҳиссасига қараб даромад олади.

Бозор иқтисодиётига хос тақсимот қонунига кўра моддий неъматлар ва хизматлар ресурслар берган пировард натижасига қараб, уларнинг эгалари ўртасида тақсимланади.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида нуфузли иқтисодий фаолият қонуни келиб чиқадики, бунда кишилар бой бўлиш учун эмас, кўпроқ обрў-эътибор орттириш учун ҳаракат қилишади.

Бозор иқтисодиётига хос тақсимотнинг афзаллиги шундаки, у биринчидан, даромадни чеклашни инкор этади. Иккинчидан, ҳар бир кишига фаолият юритишни танлаш имконини беради. Бунда мулк ва хўжалик юритиш шакллариининг турлитуманлиги ва тенг ҳуқуқлилиги муҳим рол ўйнайди. Мулкчиликнинг ўзгариши тақсимотни ҳам ўзгаришига олиб келади. **Тақсимот иқтисодий жараён сифатида қаралса, ишлаб чиқариш омиллари ҳамда ишлаб чиқариш натижаларини тақсимлаш тарзида кўриш мумкин.**

Ишлаб чиқариш натижалари тақсимоти туфайли яратилган ЯММ тақсимланади. Унинг бир қисми сарфланган асосий капитал харажатларини қоплаш учун амортизация тўловлари сифатида амортизация фондига ўтказилади. Миллий даромад эса ишлаб чиқариш омилларининг улушига кўра тақсимланади ва қайта тақсимланади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси қилган меҳнатига кўра иш ҳақи, тадбиркорлик шаклида даромад олса, мулкидан дивиденд, капиталига фоиз шаклида даромад олади. Ана шунлар асосида аҳоли даромадлари шаклланади.

В-Даромадлар тақсимотини икки аспектда ўрганишни таҳлил этиш мумкин.

**1. Даромадларни функционал тақсимлаш.** Бунда жамият пул даромадининг тақсимоти олинадиган даромад бажарадиган функцияси асосида тақсимланиши кўзда тутилади. Ялпи даромаднинг иш ҳақи, дивиденд, фоиз, фойда тарзида тақсимланиши ўрганилади. Функционал тақсимот даромадларни ишлаб чиқариш омиллари ўртасида тақсимланишини ифодалайди. Ресурс эгаларининг шахсий даромадлари иш ҳақи, рента, фоиз, дивиденд, фойда тарзида намоён бўлади (у ҳақда аввалги бобларда тўхталиб ўтганмиз). Улар ташкил топиш манбаларига нисбатан ўзгариб туради. Масалан, АҚШда 20-аср бошларида иш ҳақи 55% ни ташкил этиб, сўнгра рента, фойда, ссуда фоизи турган бўлса, ҳозирга келиб иш ҳақи 75% дан ортиқ, ундан сўнг фоиз, фойда ва рента туради. Даромадларни давлат аралашувисиз ишлаб чиқариш омилларининг эгалари ўртасида тақсимланиши талаб ва тақлиф қонуни, ҳамда омилларнинг меъёрий унумдорлиги асосида шаклланади.

**2. Даромадларнинг шахсий тақсимоги.** Бунда жамиятнинг пул даромади алоҳида оилалар, шахслар ўртасида тақсимланиши кўзда тутилади. Жамият даромадини алоҳида оила гуруҳлари, шахслар ўртасида тақсимланиши фарқ қилади.

Инсоннинг даромади фақат унинг қобилияти билангина эмас (ақлий ва жисмоний), балки унинг мулки туфайли оладиган даромади билан ҳам фарқланади.

Шахсий даромад тақсимотини вертикал тақсимот деб ҳам юритилади. Даромадларни бундай тарзда тақсимланиши уй хўжаликлари қандай ресурсларга эга, уларни қандай баҳоларда олиш, аҳолининг ҳаёт кечириш даражаси қандай ўзгариши мумкинлигини кўрсатади.

Бозор механизми орқали тақсимот ишлаб чиқариш омилларининг (меҳнат, капитал, ер, тадбиркорлик) эгаларига уларнинг самаралигига мувофиқ тарзда даромад келтиради. Лекин ҳар қандай жамиятда: биринчидан, ишлаб чиқариш омилларига эга эмас, меҳнатга лаёқатсиз (болалар, ёши улуг кишилар, ногиронлар) кишилар, камбағаллар, иккинчидан, ишсизлар, яъни меҳнат бозорида рақобатбардош эмаслиги учун ўз иш кучини ишга сола олмаганлар, учинчидан, ўз эътиқодига кўра ишлашни хоҳламаганлар мавжуд. Давлат секторида банд бўлганлар ҳам меҳнат бозорида қатнашмайдилар.

Демак, даромадларни тақсимлашда давлат аралашуви зарур.

Ҳозирги замон цивилизациясининг энг муҳим белгиси ҳар бир инсонни инсонлардек ҳаёт кечириши учун имконият яратишидир.

Шундай қилиб, бозор бир томондан ҳар бир инсонни унда ишлаб чиқариш омиллари борлиги ва иқтисодий фаолият натижаларидан қатъи назар мақбул даражада даромад олишни кафолатламайди. Иккинчи томондан эса давлат инсонни инсон сифатида яшаш ҳуқуқини таъминлашнинг катта қисмини ўз зиммасига олиб, даромадларни қайта тақсимлашни уюштиради.

Кам даромадлиларга ёрдам, кўп болали оилаларга, ишсизларга нафақа, ишсизларни ўқитиш, янги касб эгаллаш тизimini яратади. Тадбиркорларга белгиланган минимал иш ҳақидан паст ҳақ тўламаслик мажбуриятини юклайди. Бепул ўқитиш, тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқалар амалга оширилади.

Бозор иқтисодиётида тақсимот:

1. Меҳнат ва унинг натижаларига қараб;
2. Мулк ва капиталга қараб;
3. Эҳтиёжларга қараб;
4. Ишбилармонлик қобилиятига қараб;
5. Нуфузига қараб;
6. Талаб ва таклиф қонунига асосан тақсимланади.

Тақсимотнинг бу усулларига мос равишда ташкил топиши ҳамда келиб тушиш шакли жиҳатидан фарқланувчи, қуйидаги шахсий даромад турлари тизими мавжуд.



1. Кишининг меҳнати ва меҳнат натижаларига мос бўлган шахсий даромадлар.

2. Моддий ресурсларга эгалик қилиш натижаси бўлган шахсий даромадлар.

3. Муҳтожликни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фондлардан тушадиган шахсий даромадлар.

4. Қайта тақсимлаш жараёни натижасида тушадиган шахсий даромадлар.

5. Молия-кредит ташкилотлари ва бошқа мустақил таркибий бўлинмалардан тушадиган шахсий даромадлар.

6. Меросга қоладиган, бепул бериладиган, ҳадя қилинадиган, омад келишидан ва бошқа турдаги шахсий даромадлар.

Ана шундай тарзда инсоннинг ўз фаолияти, мулк эгаси сифатида шахсий даромадини шаклланиши билан бирга давлатнинг қайта тақсимлаш фаолияти натижасида ҳам шахсий даромади шаклланади. Шу билан бирга, даромадларни қайта тақсимлаш орқали давлат ҳеч қачон даромадларни тенглаштиришга уринмаслиги керак.

Умуман олганда, давлатнинг даромадларни қайта тақсимлашга аралашувининг минимал ва максимал чегарасини белгилаш қийин.

Минимал чегара ўзгарувчан, у иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига, мамлакатдаги турмуш даражаси, иқтисодиётни тартибга солиш модели асосида ташкил топади.

Давлатнинг даромадларни қайта тақсимлашга аралашувининг максимал даражаси:

Биринчидан, ижтимоий тўловлар ҳажми давлатнинг молиявий имкониятлари, унинг бюджетига мувофиқлашган, мослашган бўлиши керак. Агарда бундай бўлмаса инфляциянинг кучайишига олиб келади.

Иккинчидан, солиқлар миқдори, ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг иқтисодий манфаатдорлигига путур етказмаслиги керак.

Учинчидан, ижтимоий тўловлар ҳажми ва муддатини белгилаганда негатив эффект, иш кучи бозори умуман бозор механизмини деформациялаши мумкинлигини ҳисобга олиши керак.

Даромадлар тақсимланиши йўналиши ишлаб чиқаришнинг ривожланишига туртки бўлиши ёки унга тўсқинлик қилиши мумкин. Бозордаги рақобат даромадлар ташкил топишига таъсир қилади, ишлаб чиқаришнинг ўсишига, такомиллашувига олиб келади.

Даромадларнинг тақсимланиши фақатгина ишчи кучи тақдор ишлаб чиқариш билан чегараланмайди. У янги технологияни ишлаб чиқаришга қўллашни, меҳнат унумдорлигини оширишни, маҳсулот ҳажмини кўпайтиришни таъминлайди. Даромадлар тақсимланиши иқтисодий тараққиётнинг фаол омили-

дир. У ҳамма жабҳаларда ўз таъсирини кўрсатади. Тақсимотнинг қандай тарзда юз беришига қараб, тараққиёт тезлашуви ёки аксинча секинлашуви мумкин.

Тақсимотнинг бозор тизимида шахсий даромадларнинг ўсиши мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, тақсимотнинг асосий шакллари ўртасидагига нисбатан ва бу шаклларнинг ўзини такомиллашуви, ўзгариб боришида акс этади. Ҳар қандай жамиятда фаровонлик даражаси шахсий даромадларнинг ўсишига боғлиқ бўлади. Аҳоли даромадлари ўсиш динамикасига қараб жамият ривожланиш даражасига баҳо бериш мумкин.

## 2-§. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ

Яратилган ЯММ тақсимланиши ва қайта тақсимланиши натижасида аҳолининг даромади шаклланади.

**Даромад** — бу форсча сўз бўлиб, кирим, кириш деган маънони англатади. У бирор фаолият эвазига олинадиган пул, фойда, бойлик маъносини англатади.

Иқтисодий адабиётларда “даромад” тушунчаси сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар тушумидан ишлаб чиқариш учун кетган харажатлардан ортиқчаси тарзида талқин этилади. Одатда, даромад пул билан ўлчанади. Бозор иқтисодининг афзаллиги шундаки, рақобат курашида энг ишбилармон кам харажат қилиб яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи хизмат кўрсатувчи ютиб чиқади. Олинган натижасига қараб кишиларнинг даромадлари ҳам турлича бўлади.

Тоталитар режали иқтисодиётда танлаш имкони бўлмаганидан даромадлар текис тақсимланиб, кишиларни иқтисодий жиҳатдан бараварлаштиришга интилиш етакчи ўринда туради.

Давлат энг юқори ва паст даромад ўртасидаги тафовутни назорат қилиб туради, уни катталашиб кетишига йўл қўймайди. Бунинг учун тақсимот меъёрини давлат бир марказдан туриб белгилайди. Алоҳида хўжалик субъектларининг даромадни белгилашдаги, тақсимлашдаги иштироки минимал даражада бўлади. Бунинг натижасида:

1. Ишлаб чиқаришни ўстирувчи кучли рағбат йўқлигидан неъматлар тўкинчилиги ҳосил бўлмайди.

2. Яширин тарзда ғайриқонуний йўл билан даромад топишга интилиши пайдо бўлади.

Кишиларнинг минимал тарзда, лекин бир текисда таъминланиб турилиши уларни иқтисодий фаолликка, бинобарин, даромад топишга ундамайди, боқимандалик, лоқайдлик туғдиради.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси, афзаллиги даромадларнинг чекланмаслигидир. Бу инсон табиатига мос келади. Чунки инсон доимо фаровон яшашга интилади. Фаровон яшаш манбаи эса даромад. Демак, қанча даромад юқори бўлса,

шунча фаровон яшаш мумкин. Юқори даромадга эга бўлишнинг ўзи киши фаолиятини доимий равишда рағбатлантириб борилишини билдиради.

Бозор механизми ҳеч қачон фаровон турмуш даражасини қафолатламайди. Лекин, ҳар бир инсоннинг ақли-заковати, фаросати, билими, хуллас имкони қадар даромад топишнинг алтернатив (муқобил) вариантлари мавжуд бўлиши учун шароит яратиб беради.

Ресурс эгаларининг даромади уларни ишлатилиши самарадорлигига боғлиқ. Уларни самарали ишлатилганини бозор аниқлайди. Маълумки, самарадорликни қай даражадалиги талабни қондиришга боғлиқ. Ресурслар ёрдамида бозорнинг талабига мос товарлар қанча кўп яратилса, шунча кўп даромад топилади. Аксинча, улар бозор талабига жавоб бермаса табиий даромад кам олинади ёки зарар кўрилади. Айтайлик, ер қанчалик ҳосилдор бўлмасин, бозор талабига мувофиқ маҳсулот етиштирилмаса даромад олинмайди. Ёки ишчи қанчалик яхши ишламасин ишлаб чиқарган нарсаси бозорда ўтмаса сарфланган ресурслар беҳуда бўлиб қолади. Демак, даромад бозорнинг ресурслар сарфини нақадар тан олишига боғлиқ.

Самарадорлик мезони истеъмолчининг талабини қондириш бўлиб, у бозор талабини қондиришда намоён бўлади. Республикамизда аҳолининг даромад манбаи сифатида шахсий томорқа хўжалиги алоҳида ўрин тутди. ШТХ энг аввало қишлоқ ва шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга аҳолининг кўшимча даромад манбаидир.

Томорқа соҳибининг асосий иш жойида олган маоши 100000 сўм бўлиб, ўз хўжалигидан 20000 сўмлик кўшимча даромад олган бўлсин. Ундан ташқари, натура шаклида 200 кг ҳар хил маҳсулотни ўзи истеъмол қилсин, бу маҳсулотнинг нархи 10000 сўм бўлса, умумий даромад 130000 сўмни ташкил этади. Бепул билим олиш, тиббий ва бошқа хизматлардан баҳраманд бўлиш, касб ўрганиш ҳам натура-хизмат шаклидаги даромад. Аҳолининг маълум тоифаси квартира ҳақи, коммунал хизмат, транспорт ва бошқаларга тўловлар бўйича имтиёзга эга, булар ҳам даромад. Улар бу даромадни нақд пул шаклида олмайди, лекин уларга имтиёзлар ҳисобига арзонлаштирилган хизмат кўрсатилади. Ундан ташқари, турли товарлар, дори-дармонлар сотиб олишда имтиёзлар берилиши мумкин.

Даромад унсурларининг ўзаро муносабатда ва уларнинг маълум нисбатда бўлиши даромаднинг таркибий тузилишини билдиради. Қандай тарзда олинишига қараб, аҳоли даромадлари таркибини 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

а) ишловчиларни меҳнат қилиб топган даромадлари (иш ҳақи, маош, мукофот ва бошқалар);

б) тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад (фойда);

в) ижтимоий даромадлар, меҳнат қилиб қўшган ҳиссаларидан қатъи назар олинадиган даромадлар (ижтимоий истеъмол фондлардан тўловлар, трансферт тўловлари, ишсизлик нафақалари ва бошқалар).

г) мулкдан олинадиган даромадлар (омонат пулларига олинадиган фоизлар, рента ва бошқалар).

Кўпгина Фарб мамлакатларида ҳамма даромадлар 2 гуруҳга бўлинади:

1. Меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар (иш ҳақи, фойда ва бошқалар).

2. Шартли равишда “меҳнат қилмай” — меҳнатнинг натижаси билан боғлиқ бўлмаган, лекин қонуний йўл билан топиладиган даромадлар (дивиденд, процент ва мулкдан олинадиган, давлат томонидан тақиқланмаган бошқа даромадлар).

Бу даромадлар таркиби ва динамикаси турли мамлакатларда турлича. Улар ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти, хўжалик конъюнктураси, мамлакатда юритилаётган сиёсат, тадбиркорлик фаолияти натижаси ва бошқаларга боғлиқ.

80-йилларнинг хусусияти шундаки, бу йилларда аҳолининг молия-кредит тизимидан оладиган даромадлари ўсган. Бунга энг аввало аҳолининг турли қатламлари ўртасида акция эгаларининг турли тўловларнинг кўпайиши сабабдир.

Аҳолининг молия-кредит тизимидан оладиган пул даромадлари қуйидагилар:

Акцияга-дивидендлар, облигация, заёмларга — ютуқ.

Давлат сугурта тўловлари.

Ёш оилалар, кооператив аъзоларига индивидуал уй-жой қуриш учун берилган банк ссудалари.

Омонатга қўйилган маблағларга фоизлар.

Лотереяларга ютуқ.

Кам таъминланган оилалар, ногиронларга берилган турли хил товарлар.

Аҳолининг комиссия магазинлар орқали сотилган буюмларидан олган пуллари ва бошқалар.

1984 йилги меҳнат билан боғлиқ бўлмаган даромадлар меҳнат фаолиятидан олинган даромадларга нисбатан Буюк Британия ва АҚШда 1,2—1,4 марта, Франция ва ГФРда 1,5 марта ортиқ ўсган. Шу йили меҳнат билан боғлиқ бўлмаган даромадлар улуши АҚШда аҳоли даромадларининг 35% ини ташкил этган, ундан 15% ини банкка қўйилган омонатларга фоиз, 14,3% ини эса трансферт тўловлари ташкил этган.

Фарбий Европа мамлакатлари, АҚШда оила бюджетининг 65%и иш ҳақи, тадбиркорлик даромади, 14% трансферт тўловлари, 21% мулкдан олинган даромадлар ташкил этган.

Республикамизда ҳам ҳозирги пайтда мулкдан олинадиган даромадлар ортиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Чунки корхоналарни хусусийлаштирилиши туфайли аҳолининг акцияла-

ри миқдори, мувофиқ равишда дивидендлар миқдори ортиб борапти.

Маълумки, даромадлар ноқонуний йўл билан ҳам олинади. Унинг манбаи пинҳоний иқтисодиётдир. Пинҳоний иқтисодиёт мамлакатда мавжуд қонунга хилоф равишда амал қилади. Даромаднинг қонунга хилоф эканлигини кўрсатувчи белги даромаддан солиқ тўламасликдир.

Яширин, пинҳоний иқтисодиётда икки секторни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчиси, криминал жиной характерга эга бўлиб, бозор иқтисодиётига боғлиқ эмас. Бунга коррупция киради. Унинг келиб чиқиши тарихи минглаб йилларга боғлиқ. Бунга порахўрлик, ҳозирги кунга келиб наркотик моддалари, бошқа тақиқланган товарлар билан савдо қилиш қўшилди.

Пинҳоний иқтисодиёт ижтимоий хавф туғдирувчи иқтисодиёт ҳисобланиб, ҳамма мамлакатларда унга қарши кураш олиб борилади. Аҳолининг даромадлари даражаси ва унинг ўзгаришига улардан ташқари нархлар, бозорнинг истеъмол товарлари билан тўйинганлиги ҳам таъсир этади. Аҳоли даромадларининг даражаси ва динамикасини баҳолаш учун номинал, шахс ихтиёридаги даромад, реал даромад кўрсаткичларидан фойдаланилади. Номинал даромад маълум вақт давомида алоҳида шахслар томонидан олинган пул шаклидаги даромаддир.

**Реал даромад** — маълум бир вақт ичида шахс ихтиёридаги даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматларнинг миқдорини ифодалайди, у эса нархлар ўзгаришига боғлиқ.

Шундай қилиб, аҳолининг реал даромади миқдори биринчидан, номинал даромад ҳажмига, иккинчидан, солиқлар ва тўловлар миқдорига, учинчидан, бозордаги нархлар даражасига боғлиқ.

Аҳолининг номинал даромади эса юқорида кўриб ўтганимиздек турли манбалардан ташкил топиб, унда меҳнат орқасидан даромад топиши билан бир қаторда, мулкдан оладиган даромадлар ҳамда турли ижтимоий дастурлар туфайли оладиган даромадлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Аҳолининг реал даромадлари охир-оқибат унинг турмуш даражасини ифодалайди.

### **3-§. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ТАБАҚАЛАШУВИ**

Аҳоли даромадларининг табақаланиши иккига бўлинади.

1) Аҳолининг даромад топиши ва унга эгалик қилишдаги табақаланиши.

2) Мавжуд даромадларни реализация қилиш, яъни истеъмолда табақаланишга бўлинади.

Бозор иқтисодиётида тақсимот муносабатлари тенгликни эмас, балки тенгсизликни келтириб чиқаради. Умуман жамият тараққий қилган сари даромадларнинг абсолют миқдори ўсиб

боради. Лекин нисбий миқдори, ундан фарқли равишда доимо сақланиб қолади. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида тақсимотнинг 2 усули бўлиб:

1) Бозор механизмига хос тақсимот даромад тенгсизлигини чуқурлаштиради.

2) Тақсимотнинг нобозор усули, муайян даражада тенгликни келтириб чиқаради. Лекин умумий даромадларда аҳолининг турли табақалари ўртасида нотенглик сақланиб қолади. Даромадлардаги тенгсизлик реал ҳодиса. Аҳоли даромадлари доимо бир-биридан фарқ қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу фарқ янада чуқурлашади.

Даромадлардаги нотенгликнинг сабаби нима?

Бозор механизми бу аёвсиз механизм, у ахлоқий нормаларга риоя қилмайди. Шунинг учун ҳам даромадлардаги нотенгликни ҳақли деб ҳисоблайди.

Даромадлар тенгсизлигига кўп омиллар таъсир кўрсатади:

— Инсонлардаги биологик жиҳатдан фарқ. Табиат ҳар бир инсонга турлича қобилият, куч-қувват, ақл-идрок, салоҳият ато этган. Табиатда бир хил тоифали одам йўқ.

— Ижтимоий жиҳатдан шу қобилиятни ишга солиш имконияти.

— Билим ва малакадаги фарқ.

— Эгаллаган касб-ҳунари, таваккал қилишга бўлган иштиёқи, ишбилармонлиги.

— Мулкка эгалик қилишдаги фарқ.

— Бозорда ҳукмронлик қилиш имконияти.

— Омад, бошқалар билан мулоқотга киришиш таъсир доираси кенг кишилар билан алоқа, омадсизлик.

Даромадларнинг табақалашуви иш билан банд бўлишга ҳам боғлиқ. Албатта ишсиз ва иш билан таъминланганлар даромади фарқланади. Бундан ташқари, оила таркиби уларни иш билан бандлик даражасига қараб, даромадлар ҳам табақалашади. Оилада қанчалик кўп одам иш билан банд бўлса, ҳар бир ишловчи қанча кўп пул топса, оила даромади шунча кўп бўлади ёки аксинча. *Масалан*, 4 кишидан иборат 2 оилани олайлик. Бир оилада оила бошлиғи яхши тадбиркор. У 400 минг сўм даромад топади. Қолган оила аъзолари ишламайди. Яъни даромад жон бошига 100 минг сўм. Иккинчи оилада икки киши ишлайди, улар оддий хизматчи бўлиб, 50 минг сўмдан маош олишади. Иккинчи оилада жами даромад 100 минг сўм. Жон бошига эса 25 минг сўмдан даромад тўғри келади. Биринчи оила билан иккинчи оиланинг даромадидаги фарқ 4 марта.

Бозор иқтисодида тасодифлар ҳам кўп. Тадбиркорлик хатари ҳам катта рол ўйнайди. Бозордаги вазиятнинг ўзгариши натижасида касодга учраб катта зарар кўрилиши мумкин.

Умуман олганда, ким яхши ишласа, ҳаракат қилса даромади юқори бўлади.


Турли табақалар ўртасида ялпи даромадни тақсимланишидаги нотенгликни ифодаловчи кўрсаткич сифатида иқтисодий назарияда Лоренс эгри чизигидан фойдаланилади.

У оилаларни 5 табақага бўлиб, уларнинг умумий оилалар кўрсаткичидаги ҳиссаси ва даромадлардаги улуши бўйича (1959 йили АҚШда) ҳисоблаган. У илмий абстракция методини қўллаб, даромад оилалар ўртасида мутлоқ (абсолют) тенг тақсимланиши мумкин ёки мутлоқ нотенг тақсимланиши мумкин. Тенг тақсимланганда барча оилалар даромадларда тенг улушга эга бўлади. Мутлоқ нотенг тақсимланганда 99 % оила ҳеч нарсага, бир фоиз оила эса 100% даромадга эга бўлади деб олади ва уларни реал маълумотлар билан таққослайди. Бу рақамларни жадвал тарзида ифодаласак, қуйидагича кўринишда бўлади.

**Оила даромадларининг табақаланиши, % ҳисобида.**

Оила ҳиссаси	Даромадлардаги улуши		
	Абсолют тенглик	Абсолют нотенглик	Реал даража
0	0	0	0
20	20	0	5
40	40	0	16
60	60	0	32
80	80	0	55
100	100	100	100

Бу рақамларни графикка кўчирсак, у қуйидаги кўринишда бўлади. Оила ҳиссаси абцисса ўқида, даромадларни эса ордината ўқига жойлаштирамиз.



Агарда даромадлар тенг тақсимланганда чизик а, б, с, д, е нуқталар орқали ўтиб, у биссектриса тарзида ифодаланган бўларди. Бунда оила ҳиссасига даромадлар ҳиссаси тенг бўларди, яъни 20%и оила 20% даромадга, 40% оила 40% даромадга ва ҳоказога эга бўларди. Бунда чизик — тўғри абсолют тенглик чизиги. Лекин буни бозор иқтисодиёти инкор этади.

Шунингдек, бозор даромадларни тўла айрим оилалар қўлида тўпланишини ҳам истисно қилади. Агарда шундай тарзда тақсимланганда чизигимиз еф абсолют нотенгликни ифодалаган бўлар эди. Чунки 1% оила даромадни 100% ини ўзлаштирса, 99% оила даромадсиз очликдан ўлиши мумкин. Бундай мутлақ тенгсизлик бўлиши ҳам мумкин эмас. Реал ҳаётда даромадлар барча оилалар ўртасида тақсимланади, лекин уларнинг улуши турлича бўлиб даромадлар нотенглигини ифодалайди. Реал ҳаётдаги даромадларнинг тақсимланиши нуқталарини бирлаштириб, эгри чизик ҳосил қилинади. Бу эгри чизикни Лоренс эгри чизиги деб аталади. Штрихланган майдон нотенгликни қай даражада эканлигини кўрсатади. 1996 йилда АҚШ да 20% оиланинг даромади умумий даромаднинг 4% ини ташкил қилган ёки 10 минг доллардан кам бўлган бўлса, 20% оила эса 47% ёки йилига 75 минг доллардан ортиқ даромадга эга бўлган. АҚШнинг 15% аҳолиси қашшоқликда кун кечиради. 500 мингдан 600 минггача америкалик доимий турар жойга эга эмас. Машхур баскетболчи Майкл Жорданнинг даромади йилига 36 млн. доллар бўлгани ҳолда (4 млн. доллар ўйинларда қатнашгани учун, қолгани турли рекламалардан) оддий давлат мактабларидаги ўқитувчининг йиллик даромади 37900 \$, банк кассирининг даромади 15600 \$, тез хизмат кўрсатувчи ресторан ишчисининг даромади 8700 \$дан ошиқроқ. Бундай нотенглик барча мамлакатларга хос. Ҳозирги пайтда ер юзида 1 млрд. 199 млн.дан ортиқ киши ёки ер куррасининг 24% аҳолиси кунига 1 доллардан кам даромад билан кун кечирмоқда. Камбағал оилалар Шарқий ва Жанубий Осиё, Тинч океани ҳавзаси, Африка қитъаси мамлакатларида ниҳоятда юқори<sup>1</sup>. Шу билан бирга дунёда ниҳоятда бой одамлар борки, уларнинг бойликлари бутун бир мамлакатларнинг ЯИМ дан, давлат бюджетидан кўп.

Машхур Америка журнали “Форбс” ҳар йили дунёдаги энг бой (миллиардер ва миллионерларнинг) кишиларнинг рўйхатини, уларнинг мулки қанча баҳоланишини эълон қилади. Уларнинг сафини 43 млрд. доллардан ортиқ мулкка эга бўлган Билл Гейтс бошқаради (Ундан ҳам бадавлат одамлар бор, лекин улар мулкани мерос сифатида олган). Билл Гейтс олий маълумотли бўлмаса ҳам, ўзининг иқтидори билан шу даражага эришган.

<sup>1</sup> Доклад о мировом развитии 2000/2001 года. Всемирный банк, Весь мир, М., 2002, стр 26.



Лоренц эгри чизиғи орқали турли касб эгалари, турли вақт ва мамлакатлардаги даромадлар тафовутини ҳам таққослаш мумкин. Лоренц эгри чизигидан шундай хулоса чиқариш мумкин.

1. Даромадларни тақсимлашда абсолют даражада тенглик ҳам, нотенглик ҳам бўлмайди.

2. Ҳар доим реал тақсимот ҳар иккисининг ўртасида бўлади. Яъни мутлақ (абсолют) тенглик чизигига нисбатан эгри чизикнинг ўтишига қараб, даромадлар тақсимланишидаги нотенглик даражаси ифодаланаяди.

АҚШ иқтисодчиларининг тадқиқоти шуни кўрсатадики, Буюк Британия билан АҚШ да Лоренц эгри чизиғи графиги деярли бир хил экан. 1947—1969 йилларда биссектриса томон, 1969—1987 йилларда эса аксинча йўналишда бўлган. Бу аввалги йиллар даромадлари ўртасидаги фарқ қисқаргани, кейинчалик эса фарқнинг ортиши тенденцияга эга эканлигини кўрсатади. Лоренс эгри чизиғи билан биргаликда даромадларда нотенглик даражасини аниқлашнинг усулларидан бири **Жини коэффициентидир**. Юқоридаги расм асосида  $OeF$  учбурчакни ажратиб олиб, штрихланган майдонни  $T$  деб белгилаймиз. Шу майдон  $T$  ни учбурчак майдони  $OeF$  га нисбатан олсак, у ҳолда қуйидаги кўрсаткич ҳосил бўлади,  $U$  ни  $J$  ҳарфи билан белгилаймиз.

$$J = \frac{T}{OeF}$$

Иқтисодий назарияда бу кўрсаткич **Жини коэффициентини** (Италия иқтисодчиси ва статистиги Коррадо Жини (1889—1965) номи билан аталади. Бу коэффициент даромадлар нотенглигининг даражасини ифодалайди. Лоренц эгри чизиғи биссектрисадан қанча катта фарқ қилса  $T$  майдон шунча катта бўлади. Ўз навбатида Жини коэффициентини  $1$  га шунча яқин бўлади. 90 - йилларнинг бошларида бу коэффициент Японияда 0,270, Швецияда 0,291, ГФР да 0,295, АҚШ да 0,329, Бразилияда 0,565, Бангладешда 0,3 ни ташкил этган. Республикамизда 1996 йили 0,350 атрофида бўлган. Ана шу коэффициентни ўзгаришига қараб, нотенглик ортаёптими ёки камаяптими, хулоса чиқариб, уни сабабини аниқлаш мумкин.

Лоренц эгри чизиғи билан боғлиқ даромадларнинг нотенглик даражасини аниқлашнинг энг қизиқарли усулларидан бири Швейцария иқтисодчиси, профессор Вилфредо Паретога тегишли. У даромадлар тақсимланишини тадқиқ қилиб, шундай қарорга келади. Энг кам даражада даромад оладиганлар аҳолининг камчилигини ташкил этар экан. АҚШда ана шу табақа улуши ҳамма аҳолига нисбатан 13,5% ни ташкил этади. “Энг юқори даромад оладиганлар ҳам унча кўп эмас. Улар энг бой табакани ташкил этади. Улар ҳам 5—20% ни ташкил этади. Даромадларнинг асосий қисми ўрта ҳол синфларга тўғри кела-

ди. Жамият доимо ўрта синфларга таянади. Даромадларнинг тақсимланишидаги бу боғланиш иқтисодий назарияда *Парето қонуни* деб юритилади.

Тафовут одатда энг кам даромад билан энг кўп даромад оралиғида юз беради. Кам даромад олганлар билан энг бойлар ўртасидаги фарқ қай даражада бўлиши мамлакатнинг тараққиёт даражаси, давлат юритаётган ижтимоий сиёсатга боғлиқ.

Одатда, даромадлар ўртасидаги тафовут солиқ олингандан сўнг анча қисқаради. Натижада Лоренс эгри чизиги биссектри-сага яқинлашади.

#### Аҳолининг даромад жиҳатидан табақалашуви коэффициенти

Мамлакатлар	Жон бошига туғри келадиган даромадларнинг табақалашув коэффициенти.
Германия	6,8
Буюк Британия	6,8
Швеция	5,9
Франция	12,0
Испания	11,9
АҚШ	15,9
Россия	16,0
Қирғизистон	10,0
Ўзбекистон	6,2

Эдгар К. Браун даромадлар тақсимланишини кўриб чиқиб, унга қатор ўзгаришлар киритди. Чунончи, натура шаклида берилган товарларнинг қийматини бозор нархида қўшиди, озиқ-овқат талонлари, уй-жойга ҳақ тўлашдаги субсидиялар, билим олиш, ҳукумат томонидан берилган ёрдамларни қўшиб, олинган солиқларни айириб ташлаганда даромадлар ўртасидаги фарқ анча қисқаришини кўрсатди.

Ундан ташқари, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аҳоли даромадлари бир йилда катта фарқ қилиши мумкин, лекин узоқ йиллар давомида ҳам улар ўртасидаги тафовут қисқарар экан. *Масалан*, Одилжоннинг биринчи йили олган даромади 12 минг сўм, Олимжонники эса 120 минг сўм. Иккинчи йили Одилжон 120 минг сўм олди. Олимжон эса 12 минг сўм. Алоҳида йиллар бўйича тафовут катта. Лекин икки йил давомида қарасак тафовут йўқ. Одатда, дастлаб иш бошлаганда даромад паст, сўнгра кўтарилиб энг чўққига чиқиб, яна қайтиб пастга тушади. Натижада ҳар қандай ёшлар ва қариларнинг даромади паст, ўрта ёшларнинг даромади юқори бўлади. Мортон Паглин Америка аҳолиси даромадини ёшига қараб ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келади:

1) Агар вақт омилини ҳисобга олса даромадлар ўртасидаги тафовут қисқарар экан.

2) Ўрганилган даврда (1947 дан 1972 йилгача) даромадларнинг ўртасидаги фарқнинг камайиш тенденцияси мавжуд.

Республикада оила даромадларининг вилоятлар бўйича табақаланиши фақат уларнинг иқтисодий ҳолати билангина эмас, балки уларда бозор ислоҳотининг қай даражада бораётгани билан ҳам белгиланади. Оила даромадлари республика миқёсида ўртача даражадан юқори бўлган вилоятларда мулкдан келадиган даромадлар ва майда тадбиркорлик ривожланиб, мустақил иш олиб бораётган субъектлар даромадлари тез суръатлар билан ўсиб борапти.

**Бозор иқтисодийётига ўтиш даврида аҳоли даромадларининг манбалари (ишчи ва хизматчилар)**

Курсаткичлар	1990 й.	1995 й.	1999 й.
Аҳоли даромадларининг жами:	100,0	100,0	100,0
1. Оила аъзоларининг маоши	78,2	47,8	31,9
2. Ижтимоий таъминот манбалари (нафақа, стипендия)	10,2	17,4	14,5
3. Томорқа, шахсий хўжалик, маҳсулотлар сотишдан келадиган даромадлар	4,0	11,1	20,8
4. Тадбиркорлик ва бошқа даромадлар	—	23,7	32,8

Оила даромадларини табақаланишида шахсий томорқа хўжалигидан олиннадиган даромадлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

Даромадларнинг табақаланишидан вилоятлар миқёсида иш билан банд бўлиш даражаси, оилада ишловчилар сони ҳам катта таъсир қилади. Ижобий таъсир этувчи омилларнинг устун бўлиши, вилоятлар миқёсида аҳоли даромадларининг ўртачадан юқори, аксинча уларнинг камлиги ўртачадан паст бўлишига олиб келади.

Республикада аҳоли даромадларининг манбаи ва табақаланишига қуйидаги жадваллар орқали назар ташласак, аҳоли даромадларининг таркиби 1990 йилга нисбатан анча ўзгарганини, даромадларнинг табақаланиши вилоятлар миқёсида ҳам мавжудлигини кўришимиз мумкин.

**Ўзбекистон вилоятларида оила даромадларининг табақалашуви**

Вилоятлар	Ўртача даражага нисбатан оила даромади, % ҳисобида
Ўзбекистон	100,0
1. Қорақалпоғистон	82,4
2. Андижон	108,1
3. Бухоро	103,1

4. Фаргона	116,8
5. Навоий	102,4
6. Самарқанд	95,7
7. Тошкент	107,7
8. Жиззах	108,5
9. Қашқарларё	98,5
10. Сурхондарё	87,0
11. Сирдарё	85,7
12. Хоразм	86,7
13. Тошкент шаҳри	122,7

Умуман олганда, даромадлардаги тенглик ва нотенглиги ҳақида кўплаб фикрлар мавжуд.

Бир гуруҳ иқтисодчилар тақсимлашда тенглик тамойилини ёқласалар, иккинчи гуруҳ иқтисодчилар нотенглик бўлгани маъқул дейдилар.

Тенглик тарафдорларининг фикрича даромадларнинг тенглиги товарлар ва хизматларнинг меъёрий нафлигини энг юқори даражада бўлишини таъминлайди.

Тенглик ҳамманинг эҳтиёжини бир хилда қондиришдир. Бу адолатлидек туюлади. Лекин у фаолликни сусайтиради. Шунинг учун ҳам кўпчилик иқтисодчилар даромадлар табақалашувининг тарафдори. Айтайлик, Эркинжоннинг даромади 16000, Тўлқинники эса 6000 бўлсин. Агар Эркиндан солиқ ва тўловлар орқали 5000 олиб, имтиёзлар шаклида Тўлқинга берилса, ўртача 11000 дан тўғри келади. Бунда Эркиннинг ишдан ҳафсаласи совийди, пул топиши учун иштиёқи камаяди. Тўлқинда лоқайдлик, дангасалик кучаяди. Сабаби ҳеч нарча қилмай кўшимча даромад олди.

Даромаддаги тафовут иш натижасидан келиб чиқади. Уларнинг мавжудлиги иқтисодий самарадорликни оширишга ундайди. Даромадни шундай тақсимлаш керакки, бундай тақсимот иқтисодий самарадорликка салбий таъсир қилмасин.

Айтайлик, жамият бойлари даромадларидан камбағалларга беришга рози. Лекин у қай даражада бўлиши керак. Пирогни ёки патирни ҳаммага тенг бўлиш уни борган сари кичрайиб боришига олиб келади. У ҳолда жамият унинг қанчагача кичрайиши билан келиша олади? Ундан ташқари, камбағалларга бериладиган хайриялар улар қўлига теккунча анча қўлдан-қўлга ўтади. Ана шу жараён худди сувни чанқаган кишига эски, тешик пақирда сув олиб бориб беришга ўхшайди. То сувга муҳтожга етиб келгунча сувнинг анча-мунчаси оқиб кетади. Ҳамма гап унинг қанчаси оқиб кетишида. Бошқача айтганда, ҳар бир қайта тақсимланган маблағ ҳисобига қанча йўқотилади?

Асосий масала даромадларни барқарорлигини, тенглаштириш дастурларини кенгайтириш маъқулми ёки қисқартиришми?

Иқтисодчиларнинг тадқиқотига кўра, камбағалликка жуда

кўп омиллар таъсир қилади. Камбағаллар миқдори, умумий аҳолидаги улуши, таркиби турли мамлакатлардаги иқтисодий вазиятга кўра ўзгариб туради.

#### **4-§. ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА УНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Кишилар турмушининг тобора яхшиланиб, янги сифат даражасига ўсиб бориши кишилик жамияти ривожланишининг барча босқичларига хос бўлган умумий белгидир. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самараси кишилар фаровонлигида, яъни даражаси ва сифатида намоён бўлади. Ҳар қандай ишлаб чиқаришдан мақсад инсонларни тирикчилик эҳтиёжларини қондиришдир.

*Турмуш даражаси деганда — инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёри тушунилади.*

Бошқача айтганимиздек истеъмол миқдори ва сифатини тушунамиз. Жамият ривожланиши билан истеъмол миқдори ортади, ҳамда сифати яхшиланиб боради. Хўп ана шу истеъмол, яъни кишиларнинг эҳтиёжини қондириш нималарга боғлиқ, унга қараб кишилар турмуш даражасининг тўқлиги, ҳаётининг фаровонлиги даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкинми? Кишиларнинг турмуш даражаси шу жамиятдаги ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Чунки истеъмол ишлаб чиқаришга нисбатан ҳосила.

Ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнигина истеъмол қилиш мумкин. Яратилган ЯММ нинг истеъмол қилишимиз мумкин бўлган қисми бу ишлаб чиқарилган миллий даромад, чунки амортизация харажатларини албатта қоплашимиз зарур. Шундай қилиб, турмуш даражаси, яъни истеъмол ҳажми энг аввало яратилган миллий даромад миқдорига боғлиқ. Даромад қанча кўп бўлса, шунча кўп истеъмол қилиш учун имконият яратилади. Масалан, 1998 йилда АҚШда 1988 йилга нисбатан яратилган миллий даромад ҳажми 153% га кўнайди. Демак, турмуш даражасини 1988 йилга нисбатан 1,5 марта яхшиланиши учун потенциал имконият яратилди.

Аҳоли жон бошига яратилган миллий даромад турмуш даражасини кўрсатувчи муҳим кўрсаткич. Айтайлик, умумий миллий даромад ҳажми жиҳатидан АҚШ дунё миқёсида биринчи ўринда турса, аҳоли жон бошига Люксембург биринчи ўринда туради. Турмуш фаровонлигининг ўсиши учун Люксембургда кўпроқ потенциал имконият мавжуд. Жамият аъзоларининг фаровонлиги муҳим кўрсаткич. Унга қараб, ҳар бир кишининг моддий, маънавий ҳаёти, илмга ва бошқа эҳтиёжларни қондириш амалга ошади. Фаровонликнинг ўсиши одатда реал даромад билан баҳоланади. Чунки пул шаклида ҳисобланган миллий даромад нархларни ўзгаришини акс эттирмайди.

Турмуш даражасини моддий натурал кўрсаткичлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ёрдамида истеъмол унинг таркиби, ўзгариши тўғрисида ахборот омили ва хулосалар чиқариш мумкин. Буларга жон бошига натурал ўлчамда истеъмол қилинган озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой сатҳи, рўзғорда ишлатиладиган энергия миқдори, узоқ муддат фойдаланувчи товарлар миқдори киради.

Аҳоли даромади табақалашар экан албатта турмуш даражаси ҳам табақаланади. Жаҳон миқёсида қарайдиган бўлсак, бу табақаланиш катта фарқ қилади. *Масалан:* АҚШда 5000 доллар олган оила камбағал ҳисобланса, Осиё, Африкадаги кам тараққий этган мамлакатларда бу даромад энг бадавлат оила даромадига тўғри келади.

Одатда кўпроқ аҳоли турмуш даражаси ҳақида фикр юритганда аҳоли жон бошига истеъмол қилинган миллий даромад кўрсаткичидан фойдаланилади. Истеъмол миқдори турмуш даражасининг муҳим жиҳати.

Айтайлик, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган миллий даромад кўрсаткичи бўйича Япония, АҚШ, Германия, Швеция каби мамлакатлардан устун туради, лекин аҳоли жон бошига истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар бўйича орқада, яъни Японияда истеъмол ҳиссаси камроқ бўлиб, кўпроқ инвестиция қилади. Инсонлар ўз даромадларини биринчи навбатда зарур эҳтиёжларини қондириш учун ишлатадилар, яъни истеъмолга сарфлайдилар. Истеъмолдан ортган қисмини турли мақсадлар учун жамғарадилар. Даромадда жамғариш билан истеъмол тескари йўналишда бўлиб, бирининг ортиши иккинчисининг камайишига олиб келади. Агарда даромаднинг ҳаммаси истеъмол қилинса, жамғариш нолга тенг бўлади. Олинган даромаднинг қанчасини жамғариш ёки истеъмол қилиши энг аввало ҳар бир оиланинг ўз олдига қўйган мақсади, олган даромади миқдорига боғлиқ.

*Масалан,* урф-одатимизга кўра, даромад кўп бўлмаган ҳолларда ҳам аҳоли пулни бир қисмини жамғаради. Сабаби тўй қилиш, иморат қуриш, ҳаж сафарига бориш, ўлимлик учун пул йиғиш ва бошқа омилларга боғлиқ.

Харажатлар энг аввало озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, транспорт ва бошқаларга сарфланади. Турмуш кечириш сифати юқори бўлган АҚШда 90-йилларнинг бошида аҳолининг даромадларининг 16%и озиқ-овқат, 8%и транспорт (оилавий ва ижтимоий оилаларнинг ярми ва ундан ортиғи автомобилга эга) 13%и тиббий хизматга, 22%и уй-жой (типик уй-жой 5 хонали) харажатларини ташкил этган. Маиший электроника билан таъминланиш даражаси жуда юқори, шунга мувофиқ равишда шу мақсад учун сарфланган харажатлар ҳам кўп. Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳоли харажатлари таркиби қуйидагича:

### Аҳоли харажатларининг таркиби (%)да.

	1990 й.	1995 й.	1999 й.
Ишчи-хизматчилар			
1. Озиқ-овқат моллари	51,5	79,2	80,0
2. Ноозиқ-овқат товарлари	30,0	10,1	9,1
3. Маданий-маиший хизматлар	10,0	4,0	2,8
4. Солиқлар	8,5	6,7	8,7

Бу ерда албатта харажатлар таркиби республикамызда мустақилликни қўлга киритилгач, собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикалар ўртасида алоқаларни бузилиши, танг аҳвол келиб чиқиши, ўз навбатида ишлаб чиқаришни ва аҳоли даромадларининг қисқариши ўз ифодасини топган. Шу билан бирга мамлакатимизда барқарорликка эришилиши туфайли кейинги йилларда истеъмол таркибида ижобий силжиш юз бераётгани ҳам акс этган. Кишиларнинг жорий харажатлари айрим пайтларда топган даромадларидан кўп бўлиши ҳам мумкин, у ҳолда илгари топган даромадлар сарфланиши ёки қарз олиб ишлатилиши мумкин.

Иқтисодиётда Кейнс таъбирича асосий психологик қонун амал қилади. Даромадлар паст бўлганда истеъмолга мойиллик кучли бўлиб, топилган даромад сарфланиб кетади. Даромад ўсиши билан одамларда кўпроқ истеъмолга эмас, балки жамғаришга мойиллик кучаяди. Даромадни сарфлаш ва жамғаришга мойиллик кишиларнинг ёшига ва бошқа омилларга ҳам боғлиқ. Умуман олганда, пул топишга нисбатан уни оқилона сарфлаш кийин иш.

Ривожланган бозор иқтисодиётига миллий даромадда истеъмол ҳиссасининг ўсиб бориши хос, яъни миллий даромаднинг тобора кўпроқ қисми фаровонликка қаратилади. Бунга сабаб:

а) Миллий даромаднинг камроқ (10—15%) қисмини жамғарган ҳолда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин, чунки инвестициялар янги техника ва технология учун сарфланиб, охир-оқибат истеъмолни кенгайтиришга хизмат қилади.

б) Иқтисодий ўсишда инсон омилнинг аҳамияти беқиёс ортади, бу истеъмолни ортиши орқали юз беради. Илгор техника-технология малакали иш кучини талаб қилади. Иш кучи малакасини ошириш учун истеъмолни кўпайтириши зарур.

в) Иқтисодиёт ривожланган сари аҳолининг, бинобарин, истеъмолчилар сонининг кўпайиши сустлашади.

г) Бозор иқтисодиёти ривожланиб, ижтимоий тус олган сари ёки айрим иқтисодчилар таъбири билан аралаш иқтисодиёт шаклини олган сари, аҳолининг эҳтиёжларини қондириб,

унинг фаровонлигини ошириш каби инсонпарварлик тамойили кучайиб боради.

Ривожланган мамлакатларда жамғариш ҳиссаси борган сари қисқариб кейинги 30 йилда деярли 2 марта қисқарди.

Аҳолининг турмуш даражаси давлат томондан юритилаётган ижтимоий сиёсатга ҳам боғлиқ.

Иқтисодиёт жамият ва инсонларни ҳаёт кечиришини таъминловчи тизим сифатида қаралса, турмуш кечириш сифати иқтисодиётнинг ҳолати, ривожланишига боғлиқ. Иқтисодиётдаги барча жараёнлар ўзининг мақсади йўналиши билан социал табиатга эга.

20 асрдан бошлаб, ривожланган мамлакатларда борган сари инсонларни маълум (“стандарт”) даражада фаровон турмуш кечиришини таъминлашни давлат зиммасига юклаш зарур деган нуқтаи назарни қўлаб-қувватловчилар борган сари кўпайиб бормоқда.

Ҳаётда, бозор иқтисодиёти шароитида кўп мамлакатларда даромад тақсимоти фақат бозор механизми орқали юз бермай унга давлатнинг қайта тақсимлаш орқали аралашуви хос. Унинг қай даражада бўлиши давлат юритаётган ижтимоий сиёсатга боғлиқ. Давлатнинг ижтимоий сиёсати жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тартибга солиш фаолияти йўналишларидан бири. Давлатнинг ижтимоий сиёсати моҳияти турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар ўртасида табақаланишнинг ҳаддан ташқари чуқурлашувига йўл қўймаслик, уларни маълум даражада ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган. Давлатнинг социал сиёсати асосини аҳоли даромадини шакллантириш сиёсати эгаллайди. Жамият аъзоларининг даромади даражаси фаровонликнинг муҳим кўрсаткичидир. Унга қараб, ҳар бир кишининг моддий-маънавий ҳаёти, илм олиш, соғлиқни сақлаш, дам олиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириши амалга ошади. Истеъмолдаги фарқлар фақат меҳнат билан боғлиқ даромадларгагина эмас, балки оила аъзолари сони, оиладаги ишловчилар билан ишламайдиганлар нисбати, соғлиғи, географик ва миллий шароит ва бошқаларга боғлиқ. Орадаги катта фарқларни давлат тартибга солади. Давлатнинг муҳим вазифасидан бири социал сиёсат юритишдир.

Чунки бозор иқтисодиёти автоматик тарзда жамиятда социал муносабатларни шакллантирмайди, аксинча аҳолининг табақаланиши кучаяди. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда ҳам социал муаммоларни ҳал қилувчи соҳалар жумладан меҳнат ресурсларини бошқариш билан боғлиқ соҳаларда ҳам давлат тартибга солиши унинг юритаётган социал сиёсатига боғлиқ.

Социал сиёсатнинг асосий вазифаси аҳолини самарали социал ҳимоясини шакллантиришдир.

У асосан уч йўналишда олиб борилади. Биринчи йўналиш — аҳолининг энг кам таъминланган, одатда ўзи мустақил ҳаёт



кечиришни минимал даражасини таъминлай олмайдиган (касал, ногирон, қариялар, кўп болали оилалар)ларни қўллаб қувватлаш.

Социал таъминот турли социал хизматлар шаклида амалга оширилади (нафақа бериш, бепул хизматлар кўрсатиш, бепул озик-овқат, кийим кечак бериш кабилар, турли имтиёзлар бериш ва ҳоказо).

Социал ҳимоялаш дастурлари давлат бюджети ва махсус нобюджет фондлардан молиялаштирилади. Ёрдам маҳаллий ҳукумат органлари, ижтимоий ва хайрия фондлари томонидан амалга оширилади.

Республикамызда давлатнинг аҳолини социал ҳимоя қилиш учун чора-тадбирлари ҳозирги пайтда адресли бўлиб, асосий диққат аҳолининг энг ёрдамга муҳтож қатламларига берилади.

Иккинчи йўналиш – меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлашни таъминлаш. Давлат меҳнат бозорида барча субъектларни тенг ҳуқуқлигини эркин касб-ҳунар эгаллаш, иш жойи ва соҳасини танлашни кабиларни таъминлашни кафолатлаши керак.

Бу ҳуқуқлардан фуқаролар фойдаланишлари учун ҳамма ўрта, махсус, олий таълим олиш имконияти, меҳнат қилиш шароити, минимал иш ҳақи, иш хафтаси, таътил вақти, ишга ёллаиш, ишдан бўшаш ҳақида қонуний нормативлар ишлаб чиқилади. Бу муносабатлар Ўзбекистонда “Меҳнат” кодекси асосида тартибга солинади.

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, кўпинча фуқароларимиз ўз ҳуқуқларини билишмайди, билишса ҳам ҳимоя қилишмайди.

Учинчи йўналиш, биринчисини мантиқий давоми – аҳоли бандлигини тартибга солиш. Унга иқтисодиётни давлат ва нодавлат секторида янги иш жойларини яратиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киради. Иш билан бандлик ва ишсизларга ёрдам дастурлари ишлаб чиқилади. Бу дастурларни меҳнат биржалари амалга оширади.

Улар ишчи кучини қайта тайёрлаш, иш кучи, миграцияси, бозордаги конюктурага иш кучини мослаштириш ундан ташқари ишсизлик нафақаси беришни.

Ўзбекистонда ҳам аҳолини асосий массаси ўз даромадларини меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти эвазига кўпайтириш кўзда тутилади.

“Кўлдан берганга қуш тўймас” экан? Демак асосий эътибор меҳнат қилиш учун имконият яратишга, социал ёрдам эса аҳолининг энг ёрдамга муҳтож табақаларига беришга қаратилиши керак.

Аҳолини социал ҳимоя қилиш.

Миллий даромадни қайта тақсимлаш:

- 1) Марказлашган тарзда давлат бюджети;
- 2) Корхоналар фойдалари ҳисобига ташкил этилган фондлар;

3) Маҳалла ва хайрия фондлари орқали амалга оширилади. Аҳолини социал ҳимоя қилиш дастурларига мувофиқ маблағлар 3 йўналишда тақсимланади.

**Биринчи йўналиш.** Аҳолининг кўлига тушадиган маблағ уларни қилган меҳнати билан боғлиқ, лекин шу билан бирга истеъмолнинг қондирилиши даражаси ҳисобга олинади.

**Иккинчи йўналиш.** Тўланадиган ёрдам пуллари меҳнат билан боғлиқ эмас, истеъмол даражаси ҳисобга олинади холос. Булар кўп болали оилаларга, ёлғиз оналарга ёрдам, махсус даволаш, болалар уйлари, мактаб-интернатлар учун дотациялар ва бошқаларни ўз ичига олади.

**Учинчи йўналиш.** Ноишлаб чиқариш соҳаси орқали имтиёз ва хизматларни асосий қисми натурал шаклда етказилади. Бу даромадлар оила бюджетидан ўтмайди. Маълум шароитда жамият имкониятларидан, манфаатларидан келиб чиқиб белгиланади. *Масалан*, бепул медицина хизмати, таълим ва бошқа хизматлар, дори-дармон ва бошқалар. Ҳозирги босқичда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун турли мамлакатларда сарфланган маблағлар миқдори ЯММ га нисбатан 15% дан 35% гача етади. Бунинг натижасида айрим неъматлар бепул, айримлари имтиёзли нархда истеъмол қилинади.

Турмуш даражаси учун истеъмол ўз-ўзидан эмас, балки эҳтиёжни қондира олиш жиҳатидан муҳим. Истеъмолда дастлаб миқдорий, сўнгра сифат ўзгаришлари юз бериши хос. Ҳар бир даврга нисбатан ҳаёт кечириш, яъни турмуш даражасининг миқдорий ҳамда сифат ўлчамлари мавжуд. Миқдорий ўлчамлари юқорида тўхталиб ўтганимиздек аҳоли жон бошига истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар миқдори билан ифодаланса, унинг таркиби сифатини кўрсатади. Истеъмолнинг миқдори ва таркиби оқилона бўлиб, кишиларнинг соғлом ва узоқ умр кўришини, ҳар томонлама камол топишини таъминлаши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу товарни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш юқори турмуш даражасини билдирмайди. Истеъмолнинг сифати истеъмол миқдори билан таркиби ўртасида маълум меъёр бўлишини тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг энг кам истеъмол даражасини аниқлаш муҳим рол ўйнайди. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг энг кам истеъмол бюджети муҳим ўрин тутади. У иш ҳақи, нафақа, стипендия ва бошқа даромадлардан ташкил топиб, турли услублардан фойдаланиб ҳисобланади.

Улар қуйидагилар:

1. Истеъмол савати асосида ҳисоблаш.
2. Регрессив модел: турли харажатлар ва даромадлар, энг кам истеъмол қиймати бўйича аниқлаш.
3. Эксперт баҳолаш услуби.
4. Социологик услуб.

Улардан нисбатан энг тўғриси истеъмол савати асосида ҳисоблаш. У бошқаларга нисбатан меҳнатни кўп талаб қилсада

энг кам истеъмол даражасини аниқроқ ифодалайди. **Истеъмол савати инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган товарлар ва хизматларнинг миқдори бўлиб, у бозордаги жорий нархлар бўйича ҳисобланади.**

“Истеъмол савати” 2 хил:

1. Жамият томонидан маълум бир ривожланиши босқичида энг кам даражада зарур бўлган, миқдори энг кам “истеъмол савати”.

2. Жамият аъзоларининг оқиллик билан ҳар томонлама камол топишини ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган “истеъмол савати”дан иборат.

Ҳозирги босқичда асосий диққат энг кам “истеъмол савати”ни аниқлашга қаратилган. Чунки, жуда кўп мамлакатларда аҳолининг турмуш даражаси пастлиги шуни талаб этади. Рационал даражадаги “истеъмол савати”ни оммавийлашуви келажакда асосий рол ўйнаши мумкин. Истеъмол саватини ҳисоблашнинг 3 асосий услуби (норматив, статистик, комбинациялашган) бўлиб, улар асосида истеъмол савати “нарх”и ҳисоблаб чиқилади. Истеъмол савати унга киритиладиган энг зарур товарлар ва хизматлар асосида ҳисобланади. Истеъмол саватининг 70% дан ортиғини одатда озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал ташкил этади.

Умунан олганда, истеъмол саватига киритиладиган товарлар ва хизматлар тури ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, давлат юритаётган ижтимоий сиёсат ва бошқаларга боғлиқ. Ривожланган мамлакатларда бунга 75 дан ортиқ товарлар ва хизматлар киритилса, ўртача тараққий этган мамлакатларда эса бу миқдор бир неча марта кам. Ривожланаётган мамлакатларда умунан ҳисобланмайди. Бизнинг республикамызда ўтиш даври камчиликларига қарамай бу борада ишлар олиб борилаёпти.

“Истеъмол савати” нархи яшаш минимум чизигини белгилайди. Бу чизикдан паст даромад олувчилар камбағалларни ташкил этади.

Истеъмол савати асосида энг кам иш ҳақи ва нафақа белгиланади. Истеъмол савати вақт-вақти билан қайта кўриб чиқилади. *Масалан*, овқатланишнинг сифат белгиси — бу унинг балансланган бўлиши, яъни киши организми учун зарур бўлган барча кимёвий модда ва элементларни озиқдан олиши, тетик, соғлом бўлиш, ҳаётда фаоллик кўрсатишни таъминлаши керак.

Бунинг ҳаммаси айланиб келиб, мамлакатда яратилган ЯИМ ва унинг ўсиш суръатига тақалади.

Шунинг учун ҳам республикамызда иқтисодий эркинлаштиришни чуқурлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Мақсад: бир томондан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, иқтисодий ўсишни таъминлаш, иккинчи томонидан аҳоли даромадларини кўпайтириш.

Бу борада республикамиз иқтисодчиларининг иқтисодийёт қонунларини чуқур ўрганишлари, билишлари, иқтисодий муаммоларни тўғри ҳал қила билишлари муҳим рол ўйнайди.

Даромадлар табақалашуви турмуш даражасини ҳам табақалашувиغا олиб келади. Бу фарқ, энг аввало, шаҳар билан қишлоқ аҳолиси ўртасида, айрим кишилар, оилалар, жамоалар, ҳудудлар ва мамлакатлар ўртасида юз беради.

Табақалашув турмуш даражаси кўрсаткичларининг фарқланишидан иборат. Бу фарқ — табақалашув жон бошига тўғри келадиган истеъмол даражаси бўйича юз беради. Аммо бу табақалашув умумий турмуш даражаси юқори бўлиб, озиқ-овқат муаммоси ҳал этилган шароитда миқдор жиҳатидан фарқ тарзида юзага чиқади.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида табақалашув оммабоп истеъмол товарларини истеъмол қилиш жиҳатидан эмас, балки замонавий, янги, сифатли товарлар ва хизматлар истеъмоли жиҳатидан пайдо бўлади. Умуман олганда, харажатлар таркиби олинган даромадга боғлиқ. Ана шу боғланишни прусс статистиги Эрнест Энгел ўрганиб чиқиб шундай хулосага келади: *Олинган даромад қанча паст бўлса, озиқ-овқат, кийим-кечак сарфи даромадда шунча юқори, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар олиш учун қилинган харажатлар шунча кам бўлади, аксинча даромад кўп олинса, унда кундалик эҳтиёжга сарфланадиган харажатлар шунча кам, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар учун харажатлар ҳиссаси шунча кўп бўлади.* Ундан ташқари маълум қисмини жамғариш имконига эга. Ана шу боғланиш, яъни даромадларни харажатлар таркиби билан боғлиқлиги Энгел қонуни деб аталади. Бу дегани энг зарур товарларни истеъмоли камаяди дегани эмас. Агарда 10000 сўм даромад оладиган оила 7000 сўмини кундалик эҳтиёж молларига сарфласа, уларнинг умумий даромадлардаги улуши 70% бўлади. 35000 сўм даромад олиб, ундан 7000 сўмини кундалик эҳтиёж молларига сарфласа, у ҳолда 20% ни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, кундалик эҳтиёжлар сарфи камайгани йўқ, балки унинг даромадлардаги улуши камайди. Албатта, Энгел қонуни абсолют характерга эга эмас. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аҳолининг турмуш даражасини ўсиши барқарор тенденциясига эга. Даромадлар ўсиши билан эҳтиёжлар ва истеъмол тизими ҳам ўзгариб боради. 20-асрда икки бир-бири билан боғлиқ жараён параллел тарзда амалга оша борди.

1. Устун даражадаги қисқа муддат фойдаланиладиган товарлар истеъмолига қараганда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар истеъмолининг ўсиб бориши.

2. Истеъмолда моддий буюмлар улуши камайиб, маънавий эҳтиёжларни ва уларни қондирилишининг ортиб боришини ўсиши. Билим олишга, спорт билан шуғулланишга, дам олиш, индивидуал ижобий фаолиятга ажратилган вақт ва маблағ ортиб боради.

Аҳолининг турмуш фаровонлиги даражаси “Турмуш сифати индекси”да ўз ифодасини топади. **Турмуш сифати индекси** қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ҳисобланади:

1. Соғлиқни сақлашдаги аҳвол.
2. Таълим даражаси.
3. Ўртача яшаш ёши.
4. Аҳолининг иш билан бандлиги.
5. Сиёсий ҳаётга йўл берилиши.

Турмуш сифати индекси энг юқори мамлакатлар Япония, Канада, Норвегия, Швейцария, АҚШ бўлиб, республикамиз ҳозирча дунё мамлакатлари ичида 80-ўринда туради. Мустақилликка эришганимизни унча кўп бўлмаганини назарда тутсак, бу натижа ёмон эмас.

Кейинги пайтларда иқтисодий ривожланишнинг аҳоли фаровонлигини, жамиятда инсоннинг баркамоллигини таъминлашни ифодаловчи кўрсаткич сифатида “Инсон камолоти индекси”га алоҳида аҳамият берилляпти. Инсон камолоти индекси қуйидагилар асосида белгиланади:

1. Жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот.
2. Кутилаётган яшаш ёши.
3. Таълим даражаси (25 ёш ва ундан катталар).

Бу кўрсаткич бўйича дунёдаги энг юқори натижага эришган Канада, Швейцария, Япония, Швеция, Норвегия, Франция, Буюк Британия каби мамлакатларда инсон камолоти индекси 0,9 дан юқори.

Республикамизда юритилаётган ижтимоий - иқтисодий сиёсат аҳоли баркамоллигини таъминлашда юксак ривожланган мамлакатлар даражасига етишишга қаратилган.

### Асосий таянч тушунчалар

Тақсимот	Аҳоли харажатлари таркиби
Эгалитар тақсимот	Реал даромад
Роулсчасига тақсимот	Даромадларнинг табақаланиши
Утилитар тақсимот	Лоренс эгри чизиги
Бозор иқтисодиётига мос тақсимот	Камбағаллик
Даромадларни функционал тақсимоти	Жини коэффициенти
Даромадларни шахсий тақсимоти	Ижтимоий дастурлар
Аҳоли даромадлари таркиби	Турмуш даражаси
Турмуш сифати	Истеъмол савати
	Энгъл қонуни
	Инсон камолоти индекси

### Такрорлаш учун саволлар

1. Тақсимотнинг қандай шакллари бор? Уларнинг ичида қайси бирини нисбатан адолатли деса бўлади?
2. Аҳоли даромадлари манбаларини кўрсатинг.

3. Аҳолининг номинал даромадлари билан реал даромадлари қандай фарқланади?
4. Аҳоли даромадларини табақаланиши сабабини изоҳланг.
5. Лоренс эгри чизиги нимани кўрсатади? Жини коэффициентичи?
6. Эдгар Браун ва Мортон Паглиннинг даромадларни ўрганиш бўйича тадқиқотлари натижасидан қандай хулоса чиқариш мумкин экан?
7. Турмуш даражаси деганда нимани тушунилади?
8. Аҳоли харажатлари таркиби қандай омилларга боғлиқ?
9. Аҳолини ҳимоя қилиш дастурлари орқали маблағлар қандай йўналишлар бўйича тақсимланади?
10. Энгэл қонуни мазмунини айтиб бераоласизми? XX аср охири XXI аср бошларига келиб истеъмол таркиби қандай ўзгаради? Бунинг сабаби нимада?
11. “Турмуш сифати индекси” ва “Инсон камолоти” индексини тушунтириб беринг.

## IV бўлим

### Иқтисодиёт назариясининг халқаро аспекти

---

#### XXIV б о б

### ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Халқаро иқтисодиёт (international economics) иқтисодиёт назариясининг алоҳида бўлимини ташкил этади. Унинг предмети мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар айирбошлаш, молия ва ишлаб чиқариш омилларини жойлаштириш каби қатор масалаларни ўрганишдир. Жаҳон миқёсида иқтисодий муносабатларни ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, жаҳон хўжалигида иқтисодий муносабатлар суверен давлатлар ўртасида юз беради. Шунинг учун бу муносабатлар давлат томонидан назорат қилинади ва ҳар бир мамлакатда айнан шу мамлакатга хос иқтисодий тартиб тизими шаклланади. Иккинчидан, жаҳон хўжалиги миқёсида ягона пул тизими амал қилмайди. Халқаро иқтисодий муносабатларда турли мамлакат валюталаридан фойдаланилади. Учинчидан, халқаро даражада ресурслар мамлакат миқёсига қараганда тез жалб қилиш имконияти чекланган. Булар ўз навбатида жаҳон миқёсида рақобат, нарх шаклланиши ва бошқаларга таъсир кўрсатади.

Ҳозирги шароитда мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг ривожланиши ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиётини ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Уларни ҳисобга олиш ҳар бир давлатнинг самарали ташқи иқтисодий сиёсат юритишининг зарур шартига айланиб қолди.

IV бўлим ана шу халқаро иқтисодий муносабатларни шаклланиши, ривожланишини ўрганишга бағишланган.

Маълумки ҳозирга замон жаҳон хўжалиги юзлаб йиллар давомида шаклланган. Бунда халқаро меҳнат тақсимоги ва меҳнат кооперацияси, уларнинг узлуксиз ривожланиши муҳим рол ўйнаган.

Навбатдаги бобда жаҳон хўжалигини ташкил топиши, унинг эволюцияси, ривожланиш босқичлари, халқаро интеграция ва уни жаҳон хўжалиги тараққиётидаги роли, ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув муаммолари масалаларини ўрганамиз.

## 1-§. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ТАРКИБ ТОПИШИ

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги меҳнат тақсимоти ва кооперациясининг чуқурлашиб бориши туфайли вужудга келган. Бу жараён узоқ вақт давом этиб, ҳозирги пайтда бирон-бир мамлакат халқаро савдо, ишчи кучи, капитал, кредит муносабатларидан четда қолиб ривожлана олмайди.

Иқтисодчиларнинг ҳисобларига кўра, жаҳон ҳамжамияти 2800 хилдан ортиқ тилда сўзлашгани, 500 хилдан ортиқ пул бирлигида савдо қилгани ҳолда, бу турли-туман мамлакатлар бир-бири билан шу қадар боғланганки, буни ҳисобга олмаслик иқтисодий муаммоларни ечишда хатоликка олиб келиши мумкин.

Ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг ҳолати шу мамлакатнинг фақат ички потенциалига эмас, балки халқаро меҳнат тақсимоти, умумжаҳон фан, техника, технология тараққиёти, қолаверса бутун планета ресурслари ҳолатига боғлиқ.

Ҳозирги пайтда жаҳон цивилизацияси шу даражага етдики, келажакда ривожланиш, тараққиётга давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар мавжуд бўлишига қарамай, ҳамкорликдагина эришиш мумкин.

Ҳозирги замон техника-технология соҳасида эришилган даража шундай меҳнат тақсимотини келтириб чиқарадики, бу тун ишлаб чиқариш ва бошқа эҳтиёжларни ҳар бир мамлакатни ўзи қондиришга уриниши самарасиз бўлиб қолади ёки умуман бунинг иложи йўқ. Ҳатто энг йирик ривожланган мамлакат ҳам фақат ўз кучига таяниб ўз эҳтиёжларини қондира олмайди. Демак, турли-туман эҳтиёжларни қондириш учун ўзаро алоқалар объектив зарурат бўлиб қолади.

Жаҳон хўжалигининг таркиб топиши ана шу объектив заруриятдан келиб чиққан.

**Жаҳон хўжалиги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасидан қатъи назар иқтисодий муносабатлар тизими билан чамбарчас боғланган миллий хўжаликлар мажмуидан иборат.**

Ўзига хос миллий иқтисодиёт шаклланган ҳар бир мамлакатнинг ягона иқтисодий маконга интилиши ўзаро манфаатдорликдан келиб чиқади.

Инсонлар иқтисодий ҳамкорлик қилишни қадимдан товар айирбошлаш вужудга келган пайтлардан бошлашган. У ёки бу турдаги товар ишлаб чиқаришга ихтисослашув, яъни меҳнат тақсимоти савдогарлар карвонини дарё-ю денгиз, чўлу саҳроларни кезиб савдо олиб боришга ундаган. Савдо ҳажми унча катта бўлмаса ҳам муҳим рол ўйнаган. “Буюк ипак йўли” мамлакатлари, Миср, Греция, Рим, Венеция, Генуя, Буюк Новгород каби шаҳар ва давлатлар нафақат савдо, балки дунё цивилизациясининг ривожланишида ниҳоятда катта рол ўйнаган. Ҳунармандчилик буюмлари, зебу-зийнат, қимматбаҳо ме-



таллар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа товарлар билан савдо-сотик қилинган. Савдогарлар ажралиб чиқиши билан халқаро савдо “Жаҳон хўжалиги” деб аталган “Буюк бинони” бунёд қилиниши учун қўйилган дастлабки “ғишт” бўлди.

**Йирик машиналашган ишлаб чиқаришга** ўтиш, ташқи савдо орқали кўпроқ фойда олишга интилиш бозор муносабатларини ҳар томонлама ривожланишига олиб келди. Транспортнинг ривожланиши ҳам халқаро савдони ривожланиб, барқарор муносабатларга айланишига олиб келди. Классик капитализм, эркин рақобатнинг энг катта ютуғи сифатида жаҳон бозори вужудга келди.

Йирик капитал, айниқса акционерлик капиталининг вужудга келиб, кучга тўлиши натижасида ички бозор торлик қилиб қолди. Капитал янги фойда қидириб бошқа мамлакатларга йўналди.

**Капитал чиқаришни** кучайиши, халқаро айирбошлашни кенгайтиши халқаро монополияларни вужудга келишига олиб келди.

**Монополиялар** борган сари кучайиб, жаҳон бозори, хом ашё манбалари, капитал қўйиш фойдали бўлган соҳаларни эгаллаб олдилар. Бу жараён шартномалар тузиш, ижара, концессия ва бошқалар орқали амалга оширилди. Монополиялар томонидан дунё охир-оқибат **иқтисодий жиҳатдан бўлиб олинди.**

1896—1900 йилларда тўрт мамлакат АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 3/4 қисмини, саноат экспортининг эса деярли 3/5 қисмини эгаллашган. Иқтисодий маконнинг етакчи мамлакатлар томонидан бўлиб олиниши йирик капитални монопол юқори фойда олишига сабаб бўлди.

Дунёни иқтисодий жиҳатдан тақсимланиши капиталнинг кучига таянган. У эса турли сабабларга кўра ўзгариши мумкин. Шунинг учун капитал мустаҳкам асосга эга бўлиш ҳаракатига тушди. Етакчи давлатларнинг молия капитали магнатлари ўз капиталларини, қўйган ҳудудларини ҳам сиёсий-маъмурий йўл билан ўзларига беркитиб олишни бошладилар.

Натижада, XIX аср охири — XX аср бошларида илгари эркин бўлган халқларнинг ерларини колонияларга айлантириш кучайди. Буюк давлатлар томонидан **дунёни ҳудуд жиҳатдан бўлиб олиниши** ва катта мустамлака империялар ташкил бўлиши тугади. Йирик капитал ва унинг эгалари бўлган метрополиялар бошқа мамлакатлар устидан тамомила ҳукмронлик қилиш имкониятига эга бўлди. Катта бойликлар ташиб кетилди. Колонияларнинг ўз аҳолиси очлик, қашшоқлик, касалликдан азоб чекиб, баъзи ерларда туб аҳолининг қирилиб кетишига олиб келди.

Дунёни ҳудуд жиҳатдан бўлиб олиниши билан халқаро иқтисодиётда колонияларнинг роли ўзгарди. Илгари асосан ишлаб

чиқарилган товарни катта фойда келтирадиган қилиб сотиш орқали кўзланган мақсадга эришилган бўлса, энди колониялар метрополиялар учун арзон ишчи кучи, хом ашё манбаига айланди, капитални катта фойда келтирадиган соҳаларга қўядиган, ҳарбий-стратегик районлар сифатида фойдаланиладиган бўлди.

Шундай қилиб, умумжаҳон хўжалиги вужудга келди.

Мустамлакаларда буюк давлатларнинг манфаатидан келиб чиқиб, меҳнат тақсимоти вужудга келтирилди. Асосий диққат қазилма саноатга берилиб, мақсад хом ашё билан таъминлашга қаратилди. Қишлоқ хўжалигини ихтисослашуви ҳам метрополи-яларнинг эҳтиёжларига бўйсундирилди. *Масалан*, XIX асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистондан Англияга дон ташиб кетиш 11 мартагача ошди. Шу даврда ўз аҳолисининг очликдан ўлиши 20 мартага кўпайди.

Лекин **молия капитали** ҳукмронлиги умумжаҳон тизимида бир томондан унинг ижтимоий-иқтисодий қарама-қаршиликларини чуқурлашувига олиб келди. **Иккинчидан** эса асосий ривожланган капиталистик мамлакатлар ўртасида бўлинган дунёни қайтадан бўлиш учун кураш жаҳон урушларига олиб келди.

**Учинчидан**, метрополиялар билан мустамлакалар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар кучайиб миллий озодлик ҳаракатларини кучайишига олиб келди. Натижада Ер шари харитасидан мустамлака тузуми ўчириб ташланди.

Шундан сўнг, 60-йиллардан бошлаб, умумжаҳон хўжалиги янги ривожланиш босқичига қадам ташлади.

Бу босқичнинг аввалгиларидан тубдан ажралиб турадиган жиҳати шундан иборатки, **биринчидан**, мамлакатларни ноиқтисодий йўллар билан мажбурлаш тугатилади. **Иккинчидан** доимий иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро манфаатли алоқалар асосий ўринга чиқади. **Учинчидан**, қолоқ мамлакатлар, ҳамда аввал иқтисодиётни автаркия (ёпик)га асосланган мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши янги глобал иқтисодий маконни яратди. **Тўртинчидан**, иқтисодий алоқаларнинг янги шакллари вужудга келди. **Бешинчидан**, халқаро алоқаларни барқарор амалга ошириш, ривожланиш глобал инфраструктурани шаклланишига олиб келди.

Ҳозирги пайтда умумжаҳон хўжалиги турли омиллар таъсирида тўхтовсиз ўзгариб, ривожланиб бормоқда. Бу омиллар жаҳон хўжалигига юқори даражада динамизм беради. Фан-техника революцияси миллий хўжалиқлар ўртасида боғланишни янада кучайтиради, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ҳам кучайиб боради.

Жаҳон хўжалигини ташкил топиши ва ривожланиши жараёнини баъзи иқтисодчилар **тўрт босқичга** бўлишади. Биринчи **тоиндуриал босқич** — халқаро савдонинг вужудга келиши билан, иккинчи индустриал босқич — жаҳон бозорининг вужудга келиши билан характерланса, учинчи босқич — **халқаро моно-**

**полиялар** вужудга келиши ва умумжаҳон ҳўжалигининг таркиб топиши, тўртинчи босқич — **XX асрнинг 60-йилларидан бошла-ниб ҳозирга қадар** даврни ўз ичига олади, ҳамда аввалги бос-қичлардан тубдан фарқ қилади.

Бошқа гуруҳ иқтисодчилар эса **уч босқичга** бўлишади. Улар фикрича тоиндуриал босқични қўшиш шарт эмас.

**Учинчи гуруҳ иқтисодчилар** эса биринчи босқичда жаҳон ҳўжалиги таркиб топган, иккинчи босқичда жаҳон ҳўжалиги икки лагер — капиталистик ва социалистик тизимга ажралиши юз берган, учинчи босқич эса ана шу ажратиш тугатилиб, барча мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиши билан ха-рактерланади дейишади. Баъзи иқтисодчилар учинчи босқични ўзини бир неча даврларга бўлишади. Жаҳон ҳўжалигининг шакл-ланиши неча босқичга бўлинишидан қатъи назар, кўпчилик иқтисодчилар жаҳон ҳўжалигини таркиб топишини халқаро мо-нополияларни вужудга келиши билан боғлашади.

Жаҳон ҳўжалигининг ташкил топиши турли мамлакатлар ўртасида мунтазам, ғоят мураккаб иқтисодий алоқаларни амалга ошишини тақозо қилади.

Ҳозирги жаҳон ҳўжалигига бозор иқтисодиёти хос бўлиб, мамлакатлар ўртасидаги юз берадиган алоқаларни кўпгина иқти-содчилар икки гуруҳга бўлишади.

Биринчиси — ҳар бир мамлакатнинг ўз манфаатини кўзлаб олиб бориладиган иқтисодий алоқалар бўлиб, айрим иқтисод-чилар уни соф бозор муносабатлари деб ҳам аташади. Бу алоқа-лар иқтисодий муносабатлар тизимида асосий рол ўйнайди.

Иккинчиси — ҳамкорлик, ўзаро ёрдам муносабатлари бўлиб, уни нобозор алоқалари деб ҳам юритилади.

XX аср давомида мамлакатларнинг бир-бирларига ўзаро таъсири кучайди, иқтисодий алоқалар кенгайиб борди, бош-қача айтганда ҳўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви куча-йиб борди.

Барча иқтисодий жараёнларни байналмилаллашуви натижа-сида жаҳон ҳўжалигининг қуйидаги таркиби вужудга келди:

1. Жаҳон товарлар ва хизматлари бозори.
2. Жаҳон капитал бозори.
3. Жаҳон ишчи кучи бозори.
4. Халқаро валюта тизими.
5. Халқаро кредит-молия тизими.

Ундан ташқари ахборот, илмий-тадқиқот, тажриба ўтка-зиш, конструкторлик ишлари, маданият ва бошқа соҳаларда байналмилаллашув интенсиф тарзда ривожланиб бормоқда.

Жаҳон ҳўжалиги муносабат тарзида ўз объекти ҳамда субъек-тига эга.

**Жаҳон ҳўжалиги муносабатларининг объекти** халқаро миқ-ёсда савдо-сотик, ресурслар тақсимланиши, уларни самарали ишлатиш, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, иқтисодий ин-

теграция, илмий-техникавий ҳамкорлик, қолоқлик ва қашшоқликни чеклаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар ҳисобланади. Турли давлатлар, транснационал корпорациялар, халқаро ташкилотлар ва институтлар эса **жаҳон хўжалигининг** субъектлари ҳисобланади.

Жаҳон хўжалиги таркибига кирувчи миллий хўжаликлар турли-туман. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, жаҳон мамлакатлари ўртасида тутган салмоғи, обрўси, бошқа мамлакатларга таъсир доираси мамлакатни индустриллаштириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш даражаси жиҳатидан фарқ қилади.

**Миллий хўжаликлар** айрим иқтисодий адабиётларда **марказий давлатлар** ва **периферия** давлатларига бўлинса, бошқаларда **шимол** ва **жануб** давлатлари тарзида гуруҳларга бўлинади. Бунда марказий ёки шимолий давлатлар деганда индустриал ривожланган мамлакатларни кўзда тутилса, перифери, жанубий давлатлар деганда аграр, ривожланаётган мамлакатлар кўзда тутилади.

Учинчи хил адабиётларда эса давлатларни **ривожланган бозор иқтисодиёти хос**, ҳамда **бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга** бўлинади.

Халқаро амалиётда юқори даражада ривожланган етакчи мамлакатлар (АҚШ, Германия, Япония), нефт экспорти туфайли юқори даромад олувчи (Саудия Арабистони, Қувайт), янги индустриал мамлакатлар (Жанубий Корея, Сингапур), Гонконг (1998 йилдан Хитой таркибиде), Бразилия, Мексика ўртача давлатлар, нисбатан энг камбағал мамлакатлар (Чад, Бангладеш, Эфиопия ва бошқалар)га бўлинади.

Умуман олганда, иқтисодий тараққиёт ва бошқа омилларнинг барчаси йил давомида яратилган ялпи миллий маҳсулотда ўз ифодасини топади.

**Умумжаҳон ялпи миллий маҳсулоти (ЯММ)<sup>1</sup> ва унинг мамлакатлар гуруҳи ўртасида тақсимланиши, 1999 й. (АҚШ доллари)**

Аҳоли жон бошига яратилган маҳсулотга кўра мамлакат гуруҳлари	Мамлакатлар сони	ЯММ млрд. долл.	Аҳоли млн. киши	1 кишига тўғри келадиган ЯММ, долл.
755 долларгача	59	987,6	2417	410
756дан 2995гача	63	2512,5	2094	1200
2996 дан 9265гача	31	2810,7	573	4900
9266дан юқори	35	22921,3	891	25730
Жаҳон бўйича	206	29232,1	5975	4890

<sup>1</sup> Доклад о мировом развитии 2000/2001. Всемирный банк, М., Вес мир, стр.296,297.

Шу билан бирга аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот Люксембург, Швейцария, Норвегия, Япония ва бошқа қатор мамлакатларда 30—40 минг долларни ташкил этгани ҳолда Эфиопия, Бурунди, Чад, Нигер каби давлатларда атиги 100—200 долларга тўғри келади. Бу кўрсаткичлар ана шу мамлакатлар орасида “ер” билан “осмон” ча фарқ борлигини кўрсатиб турибди.

Ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга қараганда ўзларида мавжуд ресурслардан бир неча марта ортиқ ресурсларни ишлатиш, буни эвазига юқори даражада маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш имконига эга. *Масалан*, баъзи ҳисобларга қараганда АҚШ дунё аҳолисини 4,5 ини ташкил этгани, минерал ресурсларни 20%и унинг ҳудудларида жойлашгани ҳолда, жаҳон табиий ресурсларини 40%ини истеъмол қилади. Булар энг аввало ёнилғи-энергетика, хом ашё ресурсларидир. Истеъмол қилинаётган ресурсларнинг 30%и Фарбий Европа, Канада ва Японияга тўғри келади. Бу мамлакатлар ер курраси аҳолисини 9%ини ташкил етиб, 20% атрофида табиий ресурслари жойлашган.

Ривожланган мамлакатлар 40% минерал ресурсларга эга бўлгани ҳолда 70% дунё ресурсларини истеъмол қилади.

Ривожланаётган мамлакатларда ер шари аҳолисининг 60% истиқомат қилаётгани, уларнинг территорияларида дунё минерал ресурсларининг 35% жойлашгани ҳолда атиги 16 % ини ўзлари истеъмол қилади<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, шуни қайд этиш керакки, XX асрнинг иккинчи ярмидан мустамлакачилик муносабатларини тугатилиши билан жаҳон хўжалигида янги тенденция вужудга келди.

Илгари иқтисодий ва ноиқтисодий зўравонлик, талаш, тенгсизлик, эксплуатацияга асосланган адолатсиз алоқалар борган сари барҳам топиб, тобора цивилизациялашган, адолатли, барчанинг манфаатини ҳисобга олувчи алоқалар ўрнатилмоқда.

Бунинг натижасида турли мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт даражаси жиҳатидан бир-бирига яқинлашув жараёнини бошланишига асос солинди. Агарда 1965—1996 йиллар давомида ялпи миллий маҳсулотни ўртача ўсиш суръати 3,1% ни ташкил қилган бўлса, шарқий ва жануби-шарқий Осиёда ўртача 7,4% бўлди. Ботсванада 13%, Омонда 9,6%, Кореяда 8,9%, Хитойда эса 8,5% ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига яратилган ялпи миллий маҳсулотни ўсиш суръати 1,2% бўлган ҳолда Мисрда 4,0, Малайзияда 4,1, Ҳиндистонда 4,0, Таиландда 5,0% ни ташкил этди. 1998—99 йиллар давомида жаҳон бўйича иқтисодий ўсиш ўртача 1,3% ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига кам маҳсулот тўғри келадиган мамлакатларда ўсиш ўртача 2,5%, ўртача мамлакатларда 1,5%, ривожланган мамлакатларда 2,1% бўлди.

<sup>1</sup> Мировая экономика. Под.ред. д.э.н. проф. Булатова. М. Юрист, 2000 г. стр.121—122.

Ривожланаётган ва ўртача даражада ривожланган мамлакатларда кейинги пайтларда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ўртача жаҳон кўрсаткичидан анча юқори. Айрим мамлакатларда хусусан Ҳиндистон, Таиланд, Сурия, Гонконг, Покистон каби мамлакатларда саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўртача жаҳон кўрсаткичидан 3—4 марта, Хитой, Лесото, Жанубий Корея, Ботсванада ундан ҳам юқори бўлган.

Ривожланаётган ва ривожланиш даражаси ўртача мамлакатларда борган сари хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиб бормоқда. Айниқса, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш—транспорт, алоқа, ахборот билан таъминлаш жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Жаҳон хўжалиги тараққиётининг ҳозирги босқичдаги яна бир хусусияти, миллий хўжаликларнинг ихтисослашувини чуқурлашуви натижасида ишлаб чиқаришнинг байналмиаллашувини кучайиши содир бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодиётининг бир қисмига айлантира боради. Жаҳон хўжалигининг миллий иқтисодиётга таъсири тобора фаоллашиб бормоқда. Бу эса ихтисослашувнинг афзалликларидан, ҳамда жаҳонда эришилган ютуқлардан тўлароқ фойдаланиш\* имконини беради.

Бутун жаҳонда агросаноат комплекси унинг таркибининг асоси бўлган қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берилмоқда. Айнан қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни кўпгина тармоқларини хом ашё билан таъминлайди.

Ҳозир сайёрамиздаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли ярми қишлоқ хўжалигида банд. Шу билан бирга айрим мамлакатлар бўйича катта фарқ қилади. Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли 4—7% ни ташкил этгани ҳолда ривожланаётган мамлакатларда 60—70% ни, ўртача ривожланган мамлакатларда 20—30% ва ундан ортиқ миқдорни ташкил этади. Бу мамлакатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолини бошқа соҳаларга кўчириш, умумий миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга диққат-эътибор қаратилмоқда.

Умумжаҳон хўжалиги ҳозирги пайтда 210 атрофида мамлакатлардан таркиб топган. Улар турли даражада бир-бирига таъсир кўрсатади. Уларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларида қатнашиши ва ихтисослашуви ҳам ҳар хил.

**Миллий иқтисодиётнинг байналмиаллашуви**

Хўжалик ҳаётини байналмиаллашуви (интернационаллашуви) мамлакатнинг хўжалиги алоқаларида қатнашувини ифодалайди.

Миллий иқтисодиётнинг байналмиаллашуви даражаси энг аввало уларни жаҳон савдосида қатнашиш кўрсаткичлари орқали аниқланади. Ҳар бир мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларда қатнашиши хўжалик фаолиятининг бай-

налмиаллашуви даражасини аниқлаш учун кўпинча экспорт квотасидан кўрсаткичидан фойдаланилади. Экспорт квотаси маълум муддат — йил давомида четга чиқарилган товар ва хизматларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатини ифодалайди. Уни қуйидагича ҳисобланади.

$$\text{Экспорт квотаси} = \frac{\text{Йил давомида қилинган экспорт}}{\text{Ялпи ички маҳсулот}}$$

Айтайлик, Ўзбекистон 1997 йили 9,7 млрд. долларлик маҳсулот экспорт қилди. ЯИМ 23,5 млрд. доллар. У ҳолда экспорт квотаси  $9,7:23,5=0,4$  га ёки 40%.

Лекин бу кўрсаткични экспортнинг ялпи ЯИМ даги улуши сифатида қараш нотўғри. Чунки экспорт ҳажми экспорт қилинган товар ва хизматлар баҳоси бўйича аниқланади. ЯИМ қўшилган қиймат бўйича ҳисобланади. Шунга қарамай экспорт квотаси кўрсаткичи миллий иқтисодиёт учун экспортнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Экспорт ҳажмини аҳоли жон бошига ҳам ҳисоблаш мумкин.

**Айрим мамлакатларда экспорт ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга нисбати (1999 й. % да)<sup>1</sup>.**

Мамлакатлар	Экспортнинг умумий ҳажми, млрд. доллар	Экспорт квотаси % да
АҚШ	933,9	10,7
Германия	623,4	29,9
Япония	436,4	9,9
Хитой	207,6	20,9
Корея Республикаси	156,7	38,5
Россия Федерацияси	87,7	23,3
Малайзия	71,9	98,3
Дания	62,8	36,0
Ўзбекистон	3,1	18,7

Турли мамлакатларнинг жаҳон бозорида тутган мавқеи албатта уларнинг иқтисодий қувватига боғлиқ. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг чуқур ихтисослашуви ва ўз маҳсулотини экспорт қилиш даражаси ҳам катта рол ўйнайди.

Мамлакатларнинг ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги тутган ўрни билан жаҳон савдосида тутган ўрни катта фарқ қилиши мумкин.

Масалан, АҚШ ялпи миллий маҳсулот ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаган ҳолда экспорт квотаси атиги 11% ни ташкил этади. Ёки Япония, дунёда иккинчи ўринни эгаллаган

<sup>1</sup> Доклад о мировом развитии 2000/2001. Всемирный банк, М., Вес мир, стр. 320-325 (маълумотлар асосида муаллиф ҳисоблаган).

ҳолда 9% ни ташкил этади. Дания, Саудия Арабистони, Малайзия, Корея Республикаси, Сингапур каби мамлакатлар уларга қараганда бир неча марта кам маҳсулот ишлаб чиқаришига қарамай экспортдаги ҳиссаси юқори. Бу мамлакатлар ихтисослашуви натижасида иқтисодиёти экспортга қаттиқ боғланган.


Миллий иқтисодиётни интерационаллашуви даражасини аниқлаганда импорт ҳажми, товароборотда ишлаб чиқариш омиллари, хусусан капитал экспорти ва импорти кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади.

Транспорт ва алоқанинг ҳозирги даражаси ҳар қандай мамлакатларга чет эл товарлари ва хизматларини тезда кириб келиши учун жуда катта имконият яратади. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ҳамма мамлакатлар ўртасида товар ва хизматларга эҳтиёжни орттиради. Миллий иқтисодиётни борган сари бир-бири билан боғланиши кучаяди ва жаҳон ҳўжалиги борган сари ягона комплексга айланиб боради. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, айнан шу жараён қатор йирик компаниялар учун дунё ягона бозор бўлиб қолади.

Турли мамлакатларнинг миллий иқтисодиётини интерационаллашуви жаҳон ҳўжалигини тараққиётида муҳим рол ўйнаб, уни янада юқори босқичга кўтаради. Лекин бу жараён доимо силлиқ юз бермаган.

Жаҳон ҳўжалиги эволюцияси жараёнида юз берган ўзгаришлар, конфликтилар айниқса I ва II жаҳон урушида инсоният учун оғир йўқотишлар кишилиқ жамияти олдиға мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар, қарама қаршилиқлар, келиш-

**Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва унинг асосий таркибий бирликлари.**





мовчиликларни цивилизациялашган йўл билан ҳал этишни объектив зарурият қилиб қўйди. Айнан ана шу зарурият туфайли халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар ташкилотига асос солинди. 1945 йил 24 октябрда унинг уставига 51 мамлакат вакиллари имзо чекди.

Давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, ер юзида тинчликни сақлаш учун кураш ва хавфсизликни таъминлашга эришишда Бирлашган миллатлар ташкилоти алоҳида ўрин тутди. БМТ уставига 1945 йилда (24 октябрда) дастлаб 51 мамлакат имзо чеккан бўлса, ҳозирга келиб, деярли барча мустақил давлатлар аъзо. Бирлашган миллатлар ташкилотининг таркиби қуйидагича бўлиб, ҳар бири маълум бир доирада ўз ваколати бўйича фаолият юритди.

Ташкилот халқаро тинчлик, хавфсизликни сақлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши ва ўз тақдирини ўзи белгилаши принципига амал қилиб, миллатлар ўртасида дўстлик мунособатларини ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий ва маданий муаммоларни ҳал этишда мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни таъминлашни кўзда тутди ва уни амалга ошириш учун ҳаракат қилади. БМТнинг штаб-квартираси Нью-Йоркда жойлашган. Жаҳон хўжалигининг ҳозирги даражага етишида албатта БМТнинг хизмати беқиёс.

## 2-§. ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ

Маълумки, жаҳон бозори ва умумжаҳон хўжалигининг ташкил топиши ва ривожланишининг ҳал қилувчи омили халқаро меҳнат тақсимотидир.

**Халқаро меҳнат тақсимоти ижтимоий меҳнатнинг турли давлатлар гуруҳи ўртасида тақсимланишидир.**

Халқаро меҳнат тақсимоти мамлакат миқёсидаги меҳнат тақсимотининг тўғридан-тўғри давоми бўлиб, алоҳида мамлакатларнинг у ёки бу турдаги товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга ихтисослашувини ифодалайди.

Миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувида эса миллий хўжаликлар, минтақаларнинг ишлаб чиқариш шароитларининг ўзига хослиги, бошқалардан маълум бир жиҳатлари билан фарқ қилиши асосий рол ўйнайди.

Бу фарқлар **аввало** табиий-географик шароитдаги турли-туманликда ифодаланади, буларга: *биринчидан*;

А) табиий ресурсларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги;

Б) табиий ресурсларнинг таркиби ва миқдори, қазиб олиш ва қайта ишлашга қулайлиги;

В) иқлим шароити;

Г) меҳнат ресурслари, уларнинг жойланиши ва бошқаларда ифодаланади.

*Иккинчидан*, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, кўлами таъсир қилади.

*Учинчидан*, аҳолининг анъанавий ишлаб чиқариш турига ихтисослашуви.

*Тўртинчидан*, аҳолининг маълумоти, билим даражаси, касбий малака маданияти муҳим ўрин тутди.

Ундан ташқари, мамлакатнинг илгари мустамлака бўлган-бўлмагани ҳам катта аҳамиятга эга.

Ана шу тафовутлар сабабли айрим мамлакатларда бир хил товар ишлаб чиқаришда қилинган харажатлар миқдори турлича бўлади ёки зарур бўлган товарларни ишлаб чиқариш учун умуман имконият бўлмайди.

Ҳозирги пайтда харажатларни сарфлашнинг фақат абсолют миқдоригина эмас, балки нисбий устунлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳар бир мамлакат ўзида нисбатан осонроқ, камроқ харажат билан ишлаб чиқариладиган товарларни ишлаб чиқаришга ва бошқа мамлакатларга сотишга ҳаракат қилади. Аксинча, ўзида ишлаб чиқариб бўлмайдиган ёки ишлаб чиқариш учун кўп харажат талаб қиладиган товарларни сотиб олишга интилади.

Ҳар бир мамлакатнинг у ёки бу иқтисодий фаолиятини амалга оширишда **жаҳон нархлари билан миллий нархлар ўртасидаги тафовут** асосий рол ўйнайди.

Дастлаб жаҳон хўжалигининг таркиб топиши, миллий хўжаликларнинг бир-бирига боғланиши кўпроқ табиий шароитлар, мамлакатларда табиий бойликлар бор ёки йўқлиги нуқтаи назаридан қаралган бўлса, сўнгра қиёсий устунлик асосий рол ўйнай бошлади.

Фан-техника революцияси турли мамлакатларни ҳар хил сферада ўзаро боғлиқ халқаро меҳнат тақсимога ҳам янгича ёндошишга олиб келди. Кейинги йилларда илгари сурилган ана шундай назариялар сифатида мамлакатларни ўзаро боғлиқлиги концепцияси ва халқаро меҳнат тақсимотини модернизациялаш назарияларини кўрсатиш мумкин.

**Мамлакатларни ўзаро боғланиши концепцияси** халқаро меҳнат тақсимоглари ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб талқин этади. Голландиялик иқтисодчи К. Навенхузе фикрига кўра, табиий ресурсларнинг чекланганлиги, айримларининг эса умуман тикланмаслиги атроф-муҳитнинг булғаниши, экологик муаммолар мамлакатларни бир-бирига боғланишини кучайтиради.

Ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларнинг хом ашё, энергетика ресурсларига муҳтож.

Улар эса ривожланган мамлакатларнинг техника ва технологиясига муҳтож. Ана шу объектив зарурат туфайли мамлакатлар бир-бири билан алоқа қилади, бири-иккинчисига боғланади.

Гарвард университетининг кўзга кўринган иқтисодчиларидан бири Р. Купер мамлакатларнинг ўзаро боғланиши ишлаб чиқаришнинг таркиби, қўйилган иқтисодий мақсад, ташқи омиллар ва юритилаётган сиёсатдан келиб чиқади деб кўрса-тади.

**Модернизация назарияси.** Бу назарияга биноан ривожланаётган мамлакатларда меҳнат тақсимоти четдан капитал жалб қилишга қаратилган бўлиши керак. Протекционизм сиёсатидан воз кечиш, ривожланган мамлакатлардан импортга йўл очиш керак.

Модернизация ғояларини реализация қилиш натижасида ривожланаётган мамлакатларда янги тармоқ бўйича ихтисослашув таркиб топади. Улар ривожланган мамлакатларнинг эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат сиғими, материал сиғими юқори маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Ривожланган мамлакатлар эса эътиборни фан сиғими, капитал сиғими юқори, малакали ишчи кучи талаб қиладиган мураккаб тармоқларни ривожлантиришга қаратади.

Шарқий Осиё, Лотин Америкасидаги янги индустриал давлатлар шу йўлдан борди. Эркин зоналар яратилди, қўшма корхоналар ташкил қилинди, албатта зарур бўлганда протекционизмдан фойдаланилди. Янги индустриал давлатлар мамлакат меҳнат ва янги технология қўлланиши талаб этадиган тармоқларни ривожлантирдилар. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш шароитини ўзгариши мамлакатлар ва регионларнинг ихтисослашувида янги йўналишларни шакллантирди.

Биринчи йўналиш бўйича ишлаб чиқаришда ихтисослашув чуқурлашади. Бирон деталь ёки алоҳида механизмлар ишлаб чиқариш юз беради.

Иккинчи йўналиш алоҳида мамлакат ёки бир гуруҳ мамлакатларнинг шу регион учун анъанавий маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашувидир. Африка мамлакатлари тропик мевалар етиштиришга ихтисослашса, Скандинавия мамлакатлари балиқ овлашга ихтисослашади.

Ҳар бир мамлакатнинг қандай маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослашганини **экспорт бўйича ихтисослашув коэффиценти** орқали ифодалаш мумкин. Бу коэффицент мамлакатнинг жаҳон экспортида қандай маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш (хизмат кўрсатиш)га ихтисослашганини кўрсатади. У мамлакат умумий экспортида маълум бир товарнинг ҳиссасини, шу товарнинг жаҳон экспортидаги ҳиссасига нисбатини ифодалайди, у куйидагича ҳисобланади:

$$\text{ЭИК} = \text{Эм} / \text{Эж}$$

Эм — мамлакат экспортида маълум бир товарнинг ҳиссаси;

Эж — шу товарнинг жаҳон экспортидаги ҳиссаси.

Бу коэффицент бирдан катта бўлса, шу товарларни ишлаб

чиқариш ва экспорт қилишга мамлакатнинг ихтисослашганини кўрсатади.

*Масалан:* Ўзбекистоннинг экспортида пахта толасининг ҳиссаси 0,58 ёки 58 фоизни ташкил этсин. Жаҳон экспортида эса 0,16 ёки 16 фоизга тенг десак, у ҳолда ихтисослашув коэффициенти  $58:16=3,63$  га тенг. Асбоб-ускуналар ишлаб чиқариши ва экспорт қилиш бўйича эса бу коэффициент 0,003 га тенг. Демак, Ўзбекистон пахта толаси етиштириш ва сотиш бўйича ихтисослашибгина қолмай, жаҳонда энг юқори ўринда турар экан. Бошқа мамлакатлар Ўзбекистон билан иқтисодий алоқалар ўрнатар экан, албатта буни ҳисобга олади.

Ривожланган мамлакатларнинг экспортида 80—90 фоиз, жумладан Япония 95 фоиз тайёр маҳсулот ташкил қилса, Фарбий Африка давлатлари 80—90 фоиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан иборат. Намибия, Нигерия, Замбия, Монголия каби мамлакатлар эса асосан руда ва металл экспорти умумий экспортининг 60—70 фоизини ташкил этади.

Жаҳонда табиий газ сотиш бўйича Россия, Канада, Голландия етакчи ўринда бўлса, пахта толаси бўйича АҚШ, Ўзбекистон, Хитой, Покистон туради.

Ривожланган мамлакатларнинг фан-техника янгиликларини, технологияларини ривожланаётган мамлакатларга экспорт қилиш туфайли уларнинг иқтисодиётини қайта қуриш заруратини келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида бутун мамлакат ҳаёт тарзини ўзгаришига олиб келади.

Халқаро меҳнат тақсимотини ўрганиш унинг сабабларига турлича ёндошиш туфайли мамлакатларнинг бир-бирига боғлиқлигини турлича изоҳлашга олиб келади.

Халқаро меҳнат тақсимотининг иккинчи томони халқаро меҳнат кооперациясидир.

**Меҳнат кооперацияси** ихтисослашган меҳнат фаолиятини ўзаро бирлашиб, яхлит меҳнат жараёнини ташкил этишидир.

Халқаро меҳнат кооперацияси меҳнат тақсимотининг байналмилал кўламда бирлашувини билдиради.

Ихтисослашув асосида кооперациялашув-халқаро миқёсда ҳамкорлик қилишнинг учта асосий йўналишини келтириб чиқаради: фан сиғими юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш; савдо-иқтисодий; товарларни сотгандан кейинги хизмат кўрсатиш. Охирги йўналиш кейинги йилларда шаклланди. Уч йўналиш ҳам биргаликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қабул қилинган дастур ва махсус шартномаларни амалга ошириш орқали эришилади.

Юқори даражадаги халқаро меҳнат тақсимоти ва кооперацион алоқаларнинг хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг олий шакли сифатида интеграция вужудга келади.

Интеграция ғоят мураккаб жараён бўлиб, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви янги ташкилий шаклларини келти-

риб чиқарадики, давлатлар томониан қўйиладиган тўсиқларни енгиб ўтишга имкон яратади. Уларнинг энг муҳим шакли иқтисодий интеграциядир.

**Интеграция (integratio)** лотинча сўздан олинган бўлиб, турли қисмларнинг бир бутунликка бирлашуви маъносини билдиради.

**Биринчидан**, машиналашган ишлаб чиқариш чуқур ихтисослашган бўлиб, ташқи алоқаларсиз ривожлана олмай қолади.

**Иккинчидан**, турли давлатлар томонидан қўйиладиган тўсиқларни бартараф қилиш лозимлиги объектив зарурат бўлиб қолади.

Лекин, ана шу объектив заруратни амалга ошириш учун куйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак. А) Мамлакатлар ривожланиши иқтисодий даражасида катта тафовут бўлмаслиги, бир-бирига яқин туриши талаб қилинади. Б) Ҳуқуқий умумийликка эга бўлиш, тарихан ривожланган алоқалари бўлиши керак.

Иқтисодий интеграция, ишлаб чиқариш, фан-техниканинг етакчи тармоқларида чуқур ва барқарор кооперация алоқаларини шакллантириш, иқтисодий ҳамкорликни турли шакллари ривожлантиришни билдиради. Улар ўртасидаги алоқаларни янада юқорига кўтаради, унга янги хусусият бахш этади.

Интеграция халқаро ишлаб чиқариш ва бозор инфраструктурасини вужудга келтиради. Илмий-техникавий ишлаб чиқариш, савдо, молия соҳасидаги ҳамкорликка мунтазам доимийлик тусини беради. Халқаро меҳнат тақсимои қанча чуқур бўлса, ишлаб чиқариш кооперация алоқалари қанча мустаҳкам бўлса, иқтисодий интеграция шунча муваффақиятли ривожланади.

Жаҳон ҳўжалигида иқтисодий интеграция турли шаклларда ривожланади. Унинг энг мукамал шакли Европа иттифоқи. 1958 йили олти мамлакат Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Голландия, Люксембург Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишди. Унга 1973 йили Буюк Британия, Дания, Ирландия, 1981 йили Греция, 1986 йили Испания ва Португалия сўнгра Филландия, Швеция, Австрия давлатлари киришди.

Бу уюшманинг асосий вазифаси иштирокчи мамлакатлар товарлари, хизматлари, капиталлари ва ишчи кучи учун бирлашган бозорни вужудга келтириш ҳисобланган. Шунинг учун уни кўпроқ “Умумий бозор” деб аталган.

Ҳамжамият таркибига кирган мамлакатларнинг сони ортибгина қолмай устун даражадаги савдо-сотиқдаги ҳамкорликдан ташқари бошқа соҳаларни интеграциялаш жараёни ҳам жадал амалга оша борди.

Ҳамжамият даражасида бож-хирож бекор килинган, экспорт ва импорт учун ички тўсиқлар йўқ. Бошқа мамлакатлардан импортга ягона бож тарифлари белгиланган. Умумий аграр сиёсат юритилади. Капитал ва ишчи кучи миграциясига эркин имкониятлар яратилган. Ҳисоб-китобни амалга ошириш учун

аввал ягона валюта тизими ЭКЮ яратилган бўлса, 1999 йилдан муомалага “Евро” киритилди. 2002 йилдан бошлаб, ҳамжамият даражасида фақат ҳисоб-китоб учун эмас, муомалада нақд пул сифатида ҳам фойдаланилади.

Ягона фуқаролик паспортлари, стандартлари тизими, коммуникация, ва транспорт, умумий божхона тизими, киритилди. Бир хилда солиқлар жорий қилиш амалга оширилмоқда. Ўзаро савдо-сотиқ учун белгиланган барча баҳсларни, ўзаро тартибга солиш учун қабул қилинган инструкцияларини бекор қилиш, маълумоти ҳақидаги миллий дипломларни бир хилда тан олиш ва бошқалар жорий қилинди.

Ҳозирги пайтда Европа ҳамжамияти янада янги босқичга кўтарилди.

Интеграция Фарбий Европа капиталига ва асосий рақиблари АҚШ ва Япония билан тенг рақобат олиб бориш имкониятини берди.

1961 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт (ОЭСР) ташкилоти тузилиб, унга жаҳоннинг 24 та ривожланган давлатлари киради. Ташкилот ўз аъзоларини иқтисодий ўсиш учун имкониятлар яратишига таъсир кўрсатади. Бу мамлакатлар томонидан юритиладиган иқтисодий сиёсатни уйғунлаштиради. Халқаро капитал миграциясига таъсир кўрсатади. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш стратегиясини ишлаб чиқиб амалга оширадилар.

Ривожланган мамлакатлар доирасида янги интеграцион иттифоқ — бу Шимолий Америка уюшмаси бўлиб, у АҚШ, Канада, Мексикани бирлаштиради.

1991 йили Минск ва Алматидаги келишувлардан кейин собиқ Иттифоқ таркибига кирган мамлакатлардан асосий қисми биргаликда мустақил давлатлар ҳамкорлиги ташкилотини тузди. Буни 1992 йил Тошкентда ўтказилган йиғилиш яна бир бор тасдиқлади.

Бу йиллар давомида МДҲ мамлакатлари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатлари доирасида тенг ҳуқуқли шерикчилик асосида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар катта эканлигини кўрсатдилар. Лекин ҳали қабул қилинган қарорларни амалда бажаришни таъминлайдиган механизмлар чинакамига ишга тушгани йўқ.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё мамлакатларининг ҳудудий интеграциясини чуқурлаштириш учун жиддий ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги пайтда зарурий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилди, давлатларро кенгаш тузилди. Ҳамдўстлик дастурларини амалга ошириш учун ижроия кўмита, Осиё ягона иқтисодий макони яратиш жараёни кечмоқда.

Дунёнинг бошқа регионларида ҳам интеграция жараёни жадал суръатда юз бермоқда. Жануби-Шарқий Осиё давлатлари

ассоциацияси (АСЕАН), Тинч океан минтақаси ассоциацияси (АТЕС)га аъзо мамлакатлар ўртасида борган сари интеграцион ҳамкорлик кучайиб бормоқда.

Кейинги пайтларда ривожланаётган мамлакатларда ҳам интеграция жараёни у даражада чуқур, самарали бўлмасда, хўжалик алоқалари, уларнинг боғланиши рўй бермоқда. Турли регионал гуруҳлар умумий бозор, эркин савдо ҳудудлари, божхона, валюта муносабатлари бўйича ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган. Нисбатан йирик интеграцион гуруҳларга Лотин Америкаси интеграциясини киртиш мумкин.

Мусулмон мамлакатлари ўртасида иқтисодий интеграция шаклларида бири “Иқтисодий ҳамкорлик” ташкилоти ҳисобланади. Бу ташкилот 1964 йили Эрон, Туркия, Покистон иштирокида тузилган. Техника соҳасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиш мазкур интеграциянинг асосий мақсади ҳисобланади. Бу ташкилотга 1992—1993 йиллари Ўрта Осиё давлатлари ва Озарбайжон аъзо бўлиб кирди.

Булардан ташқари қатор ташкилотлар мавжудки, улар ҳам жаҳон хўжалигида интеграцион жараён жадал кетаётганини кўрсатади.

### **3-§. ЖАҲОН ХЎЖАЛИК ҲАЁТИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ**

Кейинги 15—20 йил мобайнида ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашувини кучайиши халқаро миқёсда унинг ҳаракатини чекланмаган бўлишини зарур қилиб қўяди. Натижада капиталнинг трансмиллий шакли ривожланади, жаҳон хўжалигида байналмилал sanoat ва банк корпорациялари ҳукмрон рол ўйнай бошлади.

Ҳозирги замон халқаро корпорация, концерн ёки концернлар уюшмаси бўлиб жаҳон хўжалигида бир ёки бир неча соҳада ҳукмронлик қилиши мумкин. Ҳозирги даврда 1 млрд. доллардан ортиқ оборотига эга 600 дан ортиқ улкан корпорациялар sanoat ишлаб чиқаришининг 1/3 дан ортигини, ташқи савдонинг ярмидан кўпи, яратиладиган технологияни деярли 80% ини назорат қилади.

ТМКлар кўпинча йирик олигополистик ёки монополистик корхона бўлиб, ишлаб чиқаришнинг диверсификациялашуви асосида мамлакатда ва чет элларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этади, натижада ҳам горизонтал, ҳам вертикал интеграция юз беради.

Ҳозирги босқичда Трансмиллий корпорациялар (ТМК) хўжалик алоқаларининг асосий субъектидир. ТМК лар ўз филиаллари “қиз”, “набира” компаниялари, таянч марказларини ўнлаб мамлакатларда ташкил етиб фаолият юритадилар. “Женерал

Моторс”, “Форд”, “Ройял-Датч-Шелл”, “Экссон”, “Тойота”, “Женерал Электрик”, “ИБМ”, “Хитачи” ва бошқалар 25 та энг йирик ТМК ларнинг олдинги сафида туради.

ТМК лар ядроси, одатда уни “она” компания деб аталади, чет элдаги бошқа компаниялар активлари устидан қисман ёки тўла назорат қилувчи компаниядир. Назорат ўрнатиш имконига эга бўлиш учун кўпинча 10% дан кам бўлмаган устав капиталига эгалик қилиш кифоя. “Қиз” компанияларида “она” компанияларнинг устав капиталидаги улуши 50%дан кўпроқ (XIX боб, 4 параграф).

ТМК лар ядроси бир мамлакатга ёки икки ва ундан ортиқ мамлакатга тегишли бўлиши мумкин.

*Миқёси ва фаолият юртиши жиҳатидангина эмас, балки капитали ва капитални назорат қилиш жиҳатидан ҳам байналмилал корпорациялар халқаро корпорациялар дейилади.* Улар кўпинча икки ва ундан ортиқ мамлакатларга тегишли бўлади. Ана шундай халқаро корпорацияларнинг энг улканлари “Роял-Датч-Шелл”, “Юнилевер”, “Арбед” ва бошқалардир.

*Капитали ва капитални назорат қилиши жиҳатидан, яъни унинг ядроси — “она” компанияни бир мамлакатга тегишли бўлган шакли трансмиллий корпорациялар дейилади.* Буларга мисол тариқасида АҚШнинг “ИБМ”, “Кока-Кола”, “Проктер энд Гембл”, Япониянинг “Тошиба”, Франциянинг “Томпсон”, ГФРнинг “Сименс”, Швейцариянинг “Нестле” ва бошқа кўплаб корпорацияларни кўрсатиш мумкин.

ТМКларнинг чет эллардаги филиалларининг асосий ташкилий шакллари қуйидагича бўлиши мумкин:

\*қиз компаниялар (subsidiary) — ТМК тизимига кириб, бош компания аксияларни ярмидан кўпини эгаси сифатида ҳал қилувчи овозга эга ва компания раҳбарини тайинлайди.

\*ассоциялашган компания (associate) — бу ТМКнинг чет элдаги корхонаси бўлиб, бош компаниянинг улуши 10—50% ўртасида бўлади. Бош компания унинг фаолиятини назорат қилмайди, лекин назорат қилишда қатнашади.

\*бўлим (branch) — чет элда ташкил этилган филиалнинг бир тури бўлиб, бош компания тўла эгалик қилади ёки қўшма корхона ҳисобланади. Бўлим бош компаниянинг бир йилдан кам бўлмаган фурсат фаолият юритувчи чет элдаги ваколатхонаси шаклида ҳам амал қилиши мумкин.

Ҳозирги пайтда ТМКлар тўғридан-тўғри капитал қўйишни устун қўяди.

Бунда улар чет мамлакатлардаги бир жойдан иккинчи жойга кўчириш қийин ёки кўчириш катта харажатлар билан боғлиқ ишлаб чиқариш ресурслари (омиллари)дан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Ана шу омилларга ТМКлар ўзларининг ресурслари (капитал, билим, тадбиркорлик қобилияти)ни қўшиб, бугун планета миқёсида юқори самарага эришишга йўналтирилган тармоқларини ташкил қилади.



ТМК доирасида айирбошлаш трансферт нархлари асосида амалга оширилади. **Трансферт нархлари** — бу бир компаниянинг бўлинмалари ўртасида бир-бирига сотадиган товар ва хизматларга қўйиладиган нархлардир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни шериклар ўртасида қандай тарзда олиб борилиши, битимлар (шартномалар) тузиш учун юридик статус асосий рол ўйнайди. Агарда айирбошлашнинг субъектлари бўлган бош(она) компания ва унинг чет эл филиаллари (қиз компания) мустақил юридик шахс мақоми — статусига эга бўлса, улар ўртасидаги ҳисоб-китобларда трансферт нархлари одатдаги ташқи савдо нархларидан фарқ қилмайди.

Агарда чет эл бўлинмалари бундай мақом-статусга эга бўлмаса, унда, айирбошлаш трансферт нархлари орқали амалга оширилади. У шартли ҳисоб-китоб қилиш характериға эға. Бу нархлар бўйича реал тўловлар амалга оширилмайди.

ТМКларнинг трансферт нархларидан фойдаланишнинг асосий сабаби, турли мамлакатларда фойдадан тўланадиган солиқларни фарқ қилиши, бож тарифларини табақаланиши, валюта курсларининг тебраниши, бош компанияларнинг молиявий аҳволи ва бошқалар. Албатта, улар кам харажат йўлини танлайдилар.

ТМКлар бутун жаҳон савдосининг таркибини сезиларли даражада ўзгартирадилар. Ягона стандартлардан фойдаланиб, халқаро корпорациялар ўз филиаллари товарларини ўз мамлакатларига импорт қилиш жараёнида тариф тўсиқлари таъсиридан қочиб қутулишади. Бунда кўпинча олиб келинган, фойдаланилган материалларга бож тўлашдан озод қилинади.

Ҳозирги пайтда ҳисобларга қараганда, ТМКларга жаҳон миқёсида яратилган ЯИМнинг 1/5 дан 1/4 қисми, бош компания билан уларнинг чет эллардаги филиалларига жаҳон савдосининг 1/3 қисми тўғри келар экан.

ТМКлар **арзон ресурслар** билан бирга ўз маҳсулотларини сотадиган **бозорларга ҳам эға бўлиши** натижасида улар ниҳоятда катта имкониятга эға бўлди ва жаҳон хўжалигининг муҳим таркибий қисмига айланди.

ТМКлар жаҳон хўжалигининг таркибий қисмига айлангач, халқаро савдонинг борган сари катта қисми йирик корпорациялар стратегиясига бўйсуна боради.

Шу билан бирга уларнинг монопол мавқеига эға бўлиши миллий ташқи савдо манфаатлари билан ТМК манфаатлари ўртасида қарама-қаршиликлар келиб чиқишига ҳам олиб келади.

Лекин, умуман олганда, ТМКлар инвестицияси ривожланаётган ҳамда ёш мустақил давлатлар тараққиётида катта аҳамиятга эға. Шу боисдан, Ўзбекистон иқтисодига ТМКлар учун капитал қўйиш истиқболли ҳисобланади.

Республикада «Моторола» (АҚШ), «Сименс», «Алкател» (Германия), «ДЭУ» (Жанубий Корея) ва бошқа етакчи чет эл компаниялари муваффақият билан фаолият юритмоқдалар.

Чет эллик инвесторлар иштирокида ўнлаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Кобул-Тўйтепа — Текстайлс» (Жанубий Корея), «Аснамтекстиль», «Катекс», «Элтекс», «Самжантекс» (Туркия), «Супертекстиль» (АҚШ) ва бошқалар мамлакатимизнинг тўқимачилик саноатини юқори поғонага кўтаришда муҳим роль ўйнамоқда.

ТМКларнинг асосий хусусияти — чет эллардаги филиаллари тўғридан-тўғри ёки портфел инвестициялар қўйилиши асосида ташкил этилишини ҳисобга олиб, трансмиллий корпорацияларнинг тадқиқотчилари инвестиция қўйишнинг қатор моделларини ишлаб чиқишди.

Америкалик иқтисодчи Жон Гэлбрейт ТМКларни келиб чиқишини технологик сабаблар билан изоҳлайди. Унинг фикрича, халқаро компанияларнинг чет элларда ўз филиалларини ташкил қилишларига сабаб четга экспорт қилинган мураккаб техника ва технология ва уларга талаб даражасида хизмат кўрсатишни зарурлигидир. Уларни ўрнатиш, таъмирлаш, зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ва ҳоказолар, мувофиқ равишда хизмат кўрсатиш тизимини ташкил қилишни талаб қилади. Бундай стратегия ТМКларнинг жаҳон бозоридаги улушини кўпайтиришга имкон беради.

**Монополистик устунлик (афзаллик) модели** иқтисодчи Стивен Хаймер томонидан ишлаб чиқилиб, кейинчалик Ч. Киндлебергер ва бошқа иқтисодчилар томонидан ривожлантирилган. Бу модел чет эллик инвестор маҳаллий инвесторга нисбатан ноқулай шароитда бўлади деган ғояга асосланади. Сабаби, биринчидан, мамлакатнинг бозорини маҳаллий инвесторга нисбатан яхши билмайди. Иккинчидан бу ерда уни маҳаллий инвесторга ўхшаб кенг алоқалари йўлга қўйилмаган. Учинчидан, қўшимча транспорт харажатлари қилишга мажбур ва таваккалчилик хатари катта. Шунинг учун унга қўшимча монополистик (яъни, фақат унга тегишли) имтиёзлар бериш керак. Бунинг натижасида у юқори фойда олиш имконига эга бўлсин. Бу уни бошқа мамлакатга инвестиция киритиб, таваккалчилик қилиб, ўз маблағидан ажралиб қолиш хатарига йўл қўйгани учун мукофот.

Чет эллик инвестор учун монополистик устунлик: маҳаллий бозордаги номукамал рақобатдан фойдаланиш (агар у оригинал маҳсулот ишлаб чиқарса); иқтисодий ресурслар бозоридаги номукамал рақобат (чет эл фирмасидаги замонавий технология, осон кредит олиш имконияти, катта тадбиркорлик тажрибаси бўлса); ишлаб чиқариш масштаби устунлиги (катта миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш ва кўп фойда олиш имконияти); давлатнинг чет эл инвестицияларини тартибга солиши (чет эл капиталига алоҳида имтиёзлар бериш) ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

**Маҳсулотнинг ҳаётий цикли модели** америкалик олим Раймонд Вернон томонидан ишлаб чиқилган. Бу моделга кўра ҳар

қандай янги маҳсулот 4 босқични босиб ўтади (кейинги пайтда баъзилар 5 босқичга бўлишади). I босқич – бозорга кириб бориш; II босқич – сотилаётган маҳсулот миқдорини ўсиши; III босқич – етуклик; (Беш босқичга бўлувчилар алоҳида IV босқич сифатида бозорнинг тўйинишини ажратишади.) IV (V) босқич – сотишнинг камайиши.

Маҳсулотнинг ҳаётий цикли халқаро миқёсда биринчи марта уни ишлаб чиқаришни бошлаган фирма учун бошқачароқ: I босқич – янги маҳсулотни монополь ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш; II босқич – шундай маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни пайдо бўлиши ва бозорга кириб келиши (ўз мамлакат бозорларига); III босқич – рақобатчиларни учинчи мамлакат бозорларига кириб бориши ва мувофиқ равишда шу маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошлаган пионер мамлакатда экспортни камайиши; IV босқич – рақобатчиларни пионер – мамлакат бозорларига кириб бориши (бўлиши мумкин бўлган босқич сифатида).

Технологик жиҳатдан илғор фирма янги рақобатчилар пайдо бўлишига яқин ўзининг ишлаб чиқараётган эски маҳсулотини ишлаб чиқариш патентини рақобатчиларига сотиб, ўзи бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаши ёки шу маҳсулотини чет элда ишлаб чиқаришни бошлаши мумкин. Бу маҳсулотни ҳаётий циклини узайтиради. Айниқса ўсиш ва етуклик босқичида одатда ишлаб чиқариш харажатлари пасаяди. Бу нархни пайсаятириш, экспортни кўпайтириш, шунингдек чет элда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

Экспортга нисбатан четда товар ишлаб чиқарган афзалроқ. Чунки, ўзгарувчи харажатлар пастроқ бўлиб, божхона тўсиқларини айланиб ўтиш имкониятлари мавжуд.

**Интернализация модели** инглиз-америка иқтисодчиси Роналд Коузнинг катта корпорациялар ичида алоҳида ички (инг. - internal) бозор мавжуд. У корпорация раҳбарлари ва унинг филиаллари (бўлимлари) томонидан тартибга солинади деган ғоясига асосланади.

Интернализация моделининг яратувчилари инглиз Питер Бакли, Марк Кессон, Ален Рагмен, Жон Даннинг ва бошқалар формал халқаро операцияларнинг асосий қисми аслида трансмилий корпорация деб аталмиш ниҳоятда катта хўжалик юритиш комплексларининг ички операцияларидан (фирманинг ички операциялар шаклидаги) иборат. Корпорациянинг интернационал таркибининг барча элементлари бош компаниянинг глобал стратегиясидан келиб чиққан ҳолда ягона уйғун механизм сифатида амал қилади. Бош мақсад, корпорация фаолиятдан бир бутун ҳолда фойда кўриш, унинг алоҳида бўғинларидан эмас.

ТМКларнинг юқорида кўрсатиб ўтилганидек, жаҳон хўжалигининг муҳим таркибий қисмига айланиши туфайли бутун дунё ягона бозорга айланиб боради.

**Жаҳон хўжалигининг ягона товар ва хизматлар, капитал, ишчи кучи ва билимлар бозори сифатида ифодаланиши глобализация деб аталади.**

Глобализация ўз моҳиятига кўра, юқорироқ даражадаги байналминаллашув ва уни янада ривожланишида ифодаланади. Ўз моҳиятига кўра бу дунё ўн минглаб ТМКлар учун ягона бозорга айланади. Улар фаолият юритишлари учун барча регионлар очиқ.

Иқтисодийetni глобаллашуви ҳар томонлама савдо барьерлари (тўсиқлари)ни бартараф қилиш билан бирга **ахборот** ва бошқа **хизматлар** кўрсатишга йўналтирилган савдо блокларни вужудга келиши билан характерланади.

Глобализация:

1. арзон моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг афзаллигига асосланган рақобатни технологиянинг устунлигига асосланган рақобат билан алмашинишига олиб келади;

2. ишлаб чиқаришни барқарор вертикал тарзда ташкил этишдан фаол равишда мослашувчан ихтисослашувга ва кичик корхоналар занжири тарзида ташкил этишга ўтилишига олиб келади.

*Ҳозирги замон корпорацияларининг асосий мақсади фойдани максималлаштириш эмас, балки бозорни максималлаштиришга уринишдир.* Акс ҳолда бошқа регионлардаги рақобатчилар чет эл бозорларидангина эмас, балки ўз бозорларидан ҳам сиқиб чиқаришлари мумкин. Буни айниқса 90-йилларда собиқ Иттифоқ таркибига кирган мамлакатлар айниқса, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар мисолида кўриш мумкин.

Жуда кўп товарлар бўйича жаҳон бозорлари аллақачонлар трансиллий корпорациялар томонидан бўлиб олинган. Бу шундай маънодаки, улар жаҳон мамлакатларининг маҳаллий бозорларида қатнашадилар ёки уларни аллақачон эгаллаб бўлишган.

Шундай қилиб бозорни максималлаштириш сиёсатининг иккинчи томони турли мамлакатларнинг жуда кўп фирмалари ўртасида бозор учун кескин рақобат кураши юз беришига олиб келади, жумладан миллий ва маҳаллий бозорлар учун ҳам. Бу глобализмнинг муҳим оқибати. У жуда кўп миллий компанияларнинг йўқ бўлиб кетишига ёки бемақсад баҳоли қудрат бирон бир фаолият юритишига олиб келади. Илгари уларга ўз мамлакатадаги бошқа миллий фирмаларгина рақобатчи бўлган. *Глобализация халқаро миқёсдаги рақобатни ички миллий бозорда ҳам оддий ҳодисага айлантиради.*

Хўжалик ҳаётини глобаллашуви натижасида жаҳон хўжалигига борган сари қатор муаммолар кўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Улар ҳақида дастлаб жаҳон ҳамжамияти 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошларида гап бошлаб, диққат қаратишни бошлаган эди. Кейинчалик бу муаммолар глобал (франс.

global — умумий, лот. globus — шар, бутун ер шарини қамраб олувчи) номини олди ва илмий адабиётларда иқтисодий тадқиқотларнинг махсус йўналиши сифатида “глобалистика” термини қўлланила бошланди.

Глобал муаммолар ҳақида кўпчилик тадқиқотчилар ҳамфикр. Уларнинг фикрича глобал муаммоларнинг турли-туманлигига қарамай, уларни жаҳон иқтисодиётининг бошқа муаммоларидан ажратиб турувчи умумий хусусиятларга эга. Булар қуйидагилар:

- умумжаҳон характерига эга, яъни бутун инсоният (ҳеч бўлмаганда унинг катта қисми) тақдири ва манфаатига дахлдор;
- инсоният ҳаёти, жамият тараққиётига хавф солади. Ҳатто кишилик жамияти цивилизациясига хавф туғдиради;
- ўзаро бир-бири билан боғлиқ;
- дунё ҳамжамиятини биргаликда фаолият юритишини талаб қилади;
- тез, кечиктириб бўлмайдиган қарор қабул қилишни зарур қилиб қўяди.  
Ана шу белгилар, хусусиятларга кўра, жаҳон тараққиётининг қуйидаги муаммолари глобал муаммоларга киритиладиган бўлди:
- қашшоқлик ва қолоқликдан қутилиш;
- қуролсизланиш ва жаҳонда ядро урушини олдини олиш;
- озиқ-овқат, табиий ресурслар (кўпинча алоҳида энергетика ва алоҳида хом ашё муаммоси сифатида кўрилади) муаммоси;
- демографик муаммо (У шуниси билан ажралиб турадики, ривожланган, ривожланаётган мамлакатлар олдида бир-биридан тамомила фарқ қиладиган масалаларни қўяди. Бутун дунё учун умумий бўлгани ҳолда айрим мамлакатлар учун ўзига хослиги билан ажралиб туради. *Масалан:* ривожланаётган мамлакатлар учун демографик муаммо аҳолини тез ўсиши бўлса, ривожланган мамлакатлар учун аҳоли миқдори деярли ўзгармагани ҳолда унинг таркибини қараб бориши, постсоциалистик мамлакатларда эса туғилишга қараганда ўлимнинг барқарор равишда ортиб бориши — аҳолининг депопуляцидир<sup>1</sup>);
- экологик муаммо;
- инсоний потенциални ривожлантириш муаммолари (постиндустриал тараққиёт инсонга бўлган диққатни ортишини талаб қилиши, айниқса иш кучининг сифати асосий рол ўйнаши, у ўз навбатида таълим-тарбияни янги поғонага кўтаришни зарур қилиб қўяди).

<sup>1</sup> Лот. populus — аҳоли, биологик маънода узоқ вақт давомида маълум бир ҳудудда авлодлар орқали ўзини-ўзи такрор яратиши, ишлаб чиқариши тушунилади. Депопуляция ана шу жараённи бузилишини билдиради.

Кишилик жамияти тараққиёти туфайли янги глобал муаммолар келиб чиқади. *Масалан*, ҳозир, дунё океанини тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш, космосни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш масалаларини кўрсатиш мумкин. Афсуски, халқаро терроризм ҳам ҳозирги пайтда глобал муаммолар қаторидан жой олди.

XX асрнинг 70 ва 80-йилларидаги, айниқса 90-йиллардаги юз берган ўзгаришлар глобал муаммоларни қайси бирини устун қўйиш масаласини ўзгаришига олиб келди. Агар 60—70 йилларда асосий муаммо ядро урушини хавфини олдини олиш бўлса, ҳозирги пайтда қайси муаммони асосий деб топиш бўйича бир фикр йўқ. Бир хил мутахассислар экологик муаммони биринчи ўринга қўйишса, бошқалари — демографик муаммони қўйишади. Учинчилари эса, қашшоқлик ва қолоқлик муаммосини қўйишади.

Глобал муаммоларни қай бирини устун қўйиш фақатгина илмий эмас, балки практик аҳамиятга эга. Турли тадқиқот марказларининг ҳисобларига қараганда инсоният бу глобал муаммоларни ечиш учун камида 1 триллион доллар (харид қобилияти бўйича) сарфлаши талаб қилинар экан. Бу жаҳон ЯИМнинг 2,5—3%дан ортиқ қисмини ташкил этади. Кўриниб турибди, маблағ сарфи қайси муаммони асосий муаммо деб қабул қилинишига боғлиқ.

**Шундай қилиб**, меҳнат тақсимоти ва кооперациясининг чуқурлашиб бориши, халқаро муносабатларнинг ривожланиб бориши билан жаҳон хўжалиги шаклланди, таркиб топди. Халқаро интеграция туфайли жаҳон хўжалиги янги босқичга кўтарилди. Халқаро байналминаллашув ва интеграция ТМКларнинг жаҳон хўжалигининг таркибий қисмига айланишига олиб келди. Улар ўз навбатида жаҳон хўжалигининг глобаллашувига олиб келди. Бу бир томондан миллий хўжаликларни ривожланишига, мавжуд ресурсларни ишга солишга, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, инфраструктурани ривожланишига олиб келса, иккинчи томондан шу мамлакат ва жаҳон миқёсида қатор муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамияти ана шу муаммоларни ечиш учун ҳаракат қилмоқда, янги йўлларини изламоқда.

### Асосий таянч тушунчалар

Халқаро меҳнат тақсимоти	Халқаро меҳнат кооперацияси
Жаҳон хўжалиги	Экспорт квотаси
Иқтисодий интеграция	Мамлакатларни ўзаро боғланиш концепцияси
Модернизация назарияси	Европа иттифоқи
Ихтисослашув коэффициенти	Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкилоти
Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти	Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви
Трансмиллий корпорациялар	
Глобал муаммолар	

## Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро савдо жаҳон хўжалигининг таркиб топишида дунёни иқтисодий ва ҳудудий жиҳатдан бўлиб олинишида қандай рол ўйнашини кўрсатинг?
2. Жаҳон хўжалиги эволюциясини иқтисодчилар қандай босқичларга бўлишди, уларнинг фарқи нимада?
3. Жаҳон хўжалиги таркибига кирувчи миллий хўжаликлар қайси жиҳатлари билан фарқланади? Марказий ва периферия давлатлари деганда қандай давлатларни тушунамиз?
4. Халқаро интеграциянинг кучайишининг сабаблари сизнингча нимада?
5. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисоди интеграцияси жараёнида тутган ўрнини изоҳланг.
6. Монополистик устунлик модели бошқа моделлардан қандай фарқланади?
7. Маҳсулотнинг ҳаётий цикли моделини тушунтириб беринг.
8. Интернализация модели асосчилари қандай гоёни илгари суришди.
9. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви тушунчаси билан глобал муаммолар тушунчасининг фарқи борми? Ўз фикрингизни асослаб беринг.
10. Қандай муаммоларни глобал муаммоларга киритамиз.

## ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

Ҳозирги пайтда ҳар бир мамлакат халқаро алоқалар: савдо, капитал, ишчи кучи миграцияси, ахборот, кредит ва инвестицияларсиз самарали ривожлана олмайди.

Шунинг учун иқтисодчилар халқаро иқтисодий алоқаларни ўрганиш, жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришларни, янги вазиятни таҳлил қилиш, тараққиёт тенденцияларини аниқлашга катта аҳамият беришади. Навбатдаги боб ана шу алоқаларни ўрганишга бағишланган.

### 1-§. ҚИЁСИЙ УСТУНЛИК (АФЗАЛЛИК) НАЗАРИЯСИ

Жаҳон хўжалигининг шаклланиши иқтисодиёт назарияси фани олдида мамлакатларни халқаро иқтисодий муносабатларда қатнашишининг фойдалими ёки йўқ эканлигини аниқлаш муаммосини кўяди. Иқтисодиёт фани бу масала билан узоқ вақтдан бери шуғулланиб келмоқда. Бу масалани биринчи бўлиб кўтарганлар *меркантилистлар* бўлиб, улар ташқи савдо сиёсатини юритиш масалаларини таҳлил этар эканлар, албатта, эътиборни бу муаммога қаратишлари зарур бўлган. Улар бойлик тўплаш учун давлат иложи борича кўпроқ ташқи бозорда товар сотиши, камроқ сотиб олиши зарур эканлигини таъкидлайдилар.

Меркантилистларнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг роли ҳақидаги ғояларини классик мактаб вакиллари давом эттиришди. А. Смит фикрича, агар бирон-бир бегона мамлакат бирон турдаги товарни ўзимизда ишлаб чиқаришга қараганда арзон нархда таъминлаш имкониятига эга экан, бу товарни улардан сотиб олиб, шу товарни ўзимизда ишлаб чиқариш учун сарфлайдиган меҳнатни бошқаларга қараганда устунликка эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфлаганимиз маъқул.

Қоидага кўра кўпроқ меҳнат сарфланган, қайта ишланган маҳсулотларни сотган маъқул. Экспортга целлюлоза чиқаргандан кўра қоғоз, металлга қараганда станок, ускуналар, хом нефтга қараганда бензин, мойлаш материалларини сотиш маъқул. Хуллас, қиммат товарлар, хизматларни сотиш, арзон тақ-

(Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. 1962, с. 333.)



чил молларни сотиб олиш афзал. Бошқача айтганда, ташқи савдони амалга ошириш мезони бўлиб нархлар юзага чиқади. Бунда оддий нарх эмас, балки ички ва жаҳон нархлари нисбати асосий рол ўйнайди. Бразилия кофе сотади, Саудия Арабистони нефт, Япония маиший техника сотади. Сабаби миллий хўжалик учун фойда келади.

Саудия Арабистони учун Бразилиядан кофе, Япониядан маиший техника, Япония учун Саудия Арабистонидан нефт, Бразилиядан кофе сотиб олган маъкул. Сабаби сотиб олинаётган товарни шу мамлакатда ишлаб чиқариш имконияти йўқ ёки ишлаб чиқарса қимматга тушади.

Адам Смит фикрича, халқаро савдони амалга ошириш шартини миллий нархлар билан жаҳон нархлари, уларни ишлаб чиқариш учун қилинган абсолют харажатлар ўртасидаги фарқдир.

Смит сунъий равишда савдони чеклашга қарши чиқиб, қаерда маҳсулот арзон бўлса, шу мамлакат билан савдо қилиш керак. Агар вино Францияда Португалияникидан кўра арзон, яхши сифатли бўлса, уни Франциядан сотиб олиш керак. Шотландияда вино учун узум етиштиришни нима кераги бор, чунки у ерда вино ишлаб чиқариш Португалияга қараганда 30 марта қимматга тушади, дейди.

А. Смит назарияси абсолют харажатлар принципига асосланади, яъни қаерда харажат кам сарфланса маҳсулотни шу ердан сотиб олган маъкул.

Қиёсий харажатлар устунлиги назариясини меҳнат тақсимотининг тугалланган модели сифатида Д. Рикардо ишлаб чиқди. Смит гипотезаси бу назарияда алоҳида бир кўриниш сифатида талқин этилади.

Д. Рикардо, агар харажатлар бўйича абсолют устунлик йўқ бўлса нима қилиш керак? Бунда мамлакат ўз товарининг маълум қисмини сотса бўладими? деган савол қўяди. Унга халқаро товар айирбошлаш учун харажатлар ўртасида абсолют фарқ бўлиши шарт эмас. Бунда харажатлар бир-бирига таққосланганда нисбий фарқ қилса бўлди. **Харажатлар нисбийлиги принципи—ўзаро манфаатлар принциpidир.**

Д. Рикардо халқаро меҳнат тақсимооти ва ишлаб чиқариш ихтисослашуви муаммоларини чуқур ўрганиб, давлатнинг экспорт ва импорт имкониятлари нисбатини таҳлил қилади. У халқаро ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва ўзаро манфаатли савдонинг зарурлигини, ҳатто ҳамма маҳсулотларни ўзи ишлаб чиқариш имкониятларига эга, иқтисоди юқори даражада ривожланган мамлакатлар учун ҳам зарур эканлигини асослаб беради. Бирон турдаги товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишдаги афзалликлар энг аввало табиий-географик шароитга боғлиқ. У ўзининг “Сиёсий иқтисод ибтидои ва солиққа тортиш” асарига Англия мовути билан Португалия виносини айирбошлаш бўйича мисол келтиради. Айтайлик, Англияда мовут ишлаб чиқариш йил давомида 100 ишчини талаб

этин. Шу мовут миқдорига Англия Португалиядан вино олади, агарда ўзи ишлаб чиқарса 120 ишчини жалб этиши керак. Португалияда эса шу миқдордаги мовут ва вино ишлаб чиқариш учун мувофиқ равишда 90 ва 80 кишининг меҳнати талаб этилади. Уларни таққосласак Португалияда мовут ишлаб чиқариш Англияга қараганда арзон ва лекин вино ишлаб чиқаришга қараганда қимматроқ. Бу Англия учун ҳам, Португалия учун ҳам мовутни винога алмаштириш афзалроқлиги, очиқ бозорнинг ёпиқ бозордан устунлигини кўрсатади.

*Очиқ ва ёпиқ бозор қиёсий (характеристикаси) таснифи*

Мамалакат	Бозор					
	ёпиқ			очиқ		
	Ишчилар сони					
	вино	мовут	жами	вино	мовут	жами
Португалия	80	90	170	60		160
Англия	120	100	220		200	200
Жами	200	190	390	160	200	360

Англия билан Португалияда ишлаб чиқаришни таққослар эканмиз, Португалияда ишлаб чиқариш Англияга нисбатан самаралироқ. Лекин Д. Рикардо бу ерда абсолют миқдорига қараб эмас, балки қиёсий самарага эътибор бериш кераклигини уқтиради. Бу мисолда ўзаро савдо ҳар икки мамлакат учун ҳам фойдали эканлигини кўрсатади. Португалия ҳар икки маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мутлақ (абсолют) устунликка эга. **Мутлақ устунлик (афзаллик) бир хил ресурс сарфлаш эвазига бир мамлакатда иккинчи мамлакатга қараганда кўп маҳсулот ишлаб чиқариш ёки бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш учун кам харажат қилишда ифодаланади.** Жадвал рақамларидан кўриниб турибдики, Португалия Англияга нисбатан ҳар икки маҳсулот вино ишлаб чиқаришда ҳам мовут ишлаб чиқаришда ҳам абсолют устунликка эга. Чунки, шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун Англияга нисбатан кам ресурс сарфлаётти.

Истеъмолчилар манфаатлари нуқтаи назаридан қаралса, Англия учун ҳар иккала маҳсулотни ҳам Португалиядан сотиб олиш маъқул кўринади. Мантқиқий жиҳатдан қарасак, Англия ўз ишлаб чиқаришини ҳаммасини ёпиб кўя олмайди. Демак Англия олдида муаммо турибди: қайси маҳсулотни ўзида ишлаб чиқаргани, қайси маҳсулотни Португалиядан сотиб олгани маъқул. Бунинг учун вино ва мовут ишлаб чиқариш учун ҳар икки мамлакатда сарфланадиган харажатлар таққосланади, қиёсий афзаллиги аниқланади.

Қиёсий устунлик (афзаллик) деганда бир мамлакатда яратилган маълум бир товарни иккинчи мамлакатга қиёслаганда нисбатан паст харажатлар (муқобил қиймат) билан ишлаб чиқариш тушунилади. Рикардонинг мисоли бўйича Португалия вино тайёрлаш учун 80 бирлик, Англия 120 бирлик, яъни Португалия

Англияга қараганда 40 бирлик кам харажат қилаяпти. Мовут ишлаб чиқариш учун эса Португалия Англияга қараганда 10 бирлик кам сарфлаяпти.

Португалияда мовутнинг винога нисбатан муқобил қиймати 90:80, яъни бир бирлик мовут ишлаб чиқариш учун винога қараганда 0,125 бирлик кўп, яъни 1,125 бирлик ресурс сарфлар экан. Муқобил қийматни винонинг мовутга нисбати тарзида ҳам ҳисоблашимиз мумкин. У ҳолда винонинг мовутга нисбатан муқобил қиймати 80:90, яъни бир бирлик вино ишлаб чиқариш учун мовутга нисбатан 0,11 бирлик кам ресурс, яъни 0,89 бирлик ресурс кам талаб қилинар экан. Демак, Португалияда вино ишлаб чиқариш учун мовутга нисбатан кам ресурс талаб қилинапти.

Энди Англияни кўрайлик. Англияда винонинг мовутга нисбатан муқобил қиймати 120:100, яъни бир бирлик вино ишлаб чиқариш учун мовутга нисбатан 0,2 бирлик кўп, яъни 1,2 бирлик ресурс сарфлар экан, Мовутнинг винога нисбатан муқобил қиймати 100:120, яъни бир бирлик мовут ишлаб чиқариш учун винога нисбатан 0,17 бирлик кам, яъни 0,83 бирлик ресурс сарфлаяпти. Демак Англияда винога қараганда мовутга кам ресурс сарфланар экан. Шунинг учун ҳар икки маҳсулотдан қайси бирини ишлаб чиқариш танланадиган бўлса, албатта Англия учун мовут ишлаб чиқарган афзал.

Ҳар икки мамлакат ўзаро манфаатли савдо олиб бориши учун мантиқий олиб қарасак, Португалия вино ишлаб чиқаришга ихтисослашгани маъқул, сабаби уни ишлаб чиқариш учун кам харажат сарф қилинади. Уни Англиядан олинадиган мовут билан алмаштиргани маъқул, чунки 100:120 (Англия) 90:80 (Португалия).

Д. Рикардонинг фикри бўйича Португалия, Англияга нисбатан мовут ва вино ишлаб чиқариш бўйича абсолют устунликка эга. Шундай қилиб, жадвал маълумотларидан шундай хулосага келиш мумкин, ташқи иқтисодий муносабатлар принциплари нуқтаи назаридан Португалия вино ишлаб чиқаришга ихтисослашса ҳар икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлар эди. Португалия Англияга нисбатан мовут ишлаб чиқаришга кам меҳнат сарфласа ҳам унинг учун ўз капиталини вино ишлаб чиқаришга сарфлагани маъқул. Чунки, Англия 100 киши меҳнати маҳсулини Португалиядаги 80 киши меҳнати маҳсулига алмашади. Шундай қилиб ҳар икки мамлакат вино ва мовутни ўзи ишлаб чиқарганда 390 бирлик ресурс сарфлаган бўларди. Ўзаро олди-сотти натижасида муқобил қийматдаги фарқ туфайли уларни ишлаб чиқариш учун 360 бирлик ресурс сарфланди, яъни 30 бирлик ресурс тежалди. Бир мамлакатнинг ўзида шундай қилиб бўлмасди.

Жадвалдан очиқ бозорнинг ёпиқ бозорга қараганда афзал эканлиги кўриниб турибди. Агарда, ҳар бир мамлакат ўзи ишлаб чиқариб, ўзи истеъмол қилса вино ва мовут ишлаб чиқа-

риш учун 390 киши талаб қилинарди. Ихтисослашган ташқи бозор нуқтаи назаридан қараганда, вино Португалияда ишлаб чиқарилса унга 160, мовут Англияда ишлаб чиқарилса 200, ҳаммаси бўлиб 360 киши меҳнати сарфланади. Ёпиқ бозор учун 390 бирлик меҳнат талаб этилса, очиқ бозор учун эса 360 бирлик меҳнат талаб этилади. Автаркия сиёсати натижасида аҳолининг турмуш даражаси пасаяди ва бошқа негатив ҳолатлар юз беради.

Д. Рикардонинг нисбий харажатлар устунлиги назариясига П. Самуэлсон баҳо бериб, агар илгари сурилган назариялар бўйича, худди “*гўзаллар маликаси*” конкурсига ўхшаган конкурс ўтказилганда, албатта Рикардонинг қиёсий харажатлар устунлиги назарияси ютиб чиқарди. Чунки у ўзининг изчиллиги ва мантиқий гўзаллиги билан ажралиб туради.

Лекин, Рикардо модели соддалаштирилган ҳамма мураккабликларни турли мамлакатларда ишлаб чиқариш потенциаллини фарқи, нисбий харажатлар ўзгаришини ҳисобга олмайди. Жамият тараққиёти натижасида нисбий харажатлар назариясига ҳам қатор ўзгаришлар киритилди, янги моделлар яратилди. Бу моделларда ишлаб чиқариш омиллари таққосланади.

Жаҳон бозориди борган сари қайта ишловчи саноат маҳсулотлари, хизматлар билан савдо қилиш ривожланиб боради. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва савдосида жаҳон нархларини ташкил топишида борган сари ана шу товарларнинг роли орттиб боради.

Мамлакатларда технология даражаси деярли бир хил, лекин ишлаб чиқариш омиллари фарқланади. Ишлаб чиқариш эса айнан ана шу омилларга боғлиқ.

Қайси мамлакат ўзидаги сероб омилдан самарали фойдаланса нисбатан устунликка эга бўлади.

Жаҳон савдосининг таркиби миллий хўжаликлардаги ишлаб чиқариш омиллари нисбати билан боғлиқлиги илгари сурилган назария швед иқтисодчилари Эли Хекшер ва Бертил Олин (Улин) назариясидир.

Хекшер-Олин талқинида ташқи савдо оддий унумдорлик (яъни аввало, табиий шароитлардаги фарқ туфайли)даги фарқ натижасигина эмас, балки ана шу омиллар нархидаги фарқ муҳим рол ўйнайди.

Миллий иқтисодиётдаги нарх билан жаҳон бозоридидаги нарх ўртасидидаги фарқса биринчидан, ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланиш даражаси ҳар хиллиги; иккинчидан, у ёки бу товарларга бўлган мамлакат ичидаги эҳтиёжлар сабаб бўлади.

Товар нархи ишлаб чиқариш омиллари нархи билан боғлиқ. Омиллар нархи эса ҳар бир миллий бозордаги уларга бўлган талаб ва таклифга қараб шаклланади. Ҳар бир омилнинг нархи ўзгариши билан ишлаб чиқариш омилларининг эгалари ўртасидаги даромад қайта тақсимланади. Харажатларда ҳар бир омилнинг улуши унинг нархлари асосида аниқланади.

Бир мамлакатда бир омил кўп, бошқасида етмайди. Бир омил нархи юқори, бошқаси арзон. Одатда ками қиммат, кўпи арзон. Агар мамлакат қайси ресурсга бой бўлса, ана шу ресурс асосий ўрин тутадиган товарларни сотишга ихтисослашуви фойдали бўлади. *Масалан*, қаерда иш кучи кўп бўлса, бу мамлакат кўп меҳнат талаб қиладиган маҳсулотлар: тўқимачилик, кийим-кечак, импорт қилинадиган (бутловчи қисмлар)дан буюм йиғиш ва шунга ўхшаш меҳнат сифими юқори товарлар ишлаб чиқаришга, агарда мамлакатда капитал кўп бўлса, капитал сифими юқори маҳсулотлар: машина, трактор, асбоб-ускуна, станок ва бошқалар ишлаб чиқаргани маъқул. *Масалан*: Жанубий Корея арзон ишчи кучи мўл бўлгани учун меҳнат сифими юқори кийим-кечак, автомобил, маиший электроника; табиий бойлиги — нефт кўп Яқин Шарқ мамлакатларида нефт сотиш асосий ўринда туради.

Дунёга донғи кетган швед пўлати, шу металлдан тайёрланган турли маҳсулотлар у ердаги темир рудасининг камёб хусусияти билан боғлиқ.

Хекшер-Олин назариясининг моҳияти қисқача қуйидагича ифодаланади: **мамлакат ишлаб чиқариш омилларидан қайси биридан самарали фойдаланса шу омилларнинг улуши кўп бўлган товарларни экспорт қилади, қайси ишлаб чиқариш омилли тақчил бўлса шу омил асосий ўрин тутган товарларни импорт қилади.**

Бу моделдан савдо стратегияси тузишда фойдаланилади. Омиллар устунлигини ҳисобга олиб экспортни рағбатлантириш чоралари кўрилади.

*Масалан*: турли имтиёзлар белгилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, маҳсулотларни янгилашга субсидия ажратиш ва ҳоказо.


Айтайлик, икки мамлакатда буғдой етиштирилсин. А мамлакатда буғдойнинг 1 тоннаси мувозонат нархи 200 доллар, В мамлакатда эса 100 доллар. А мамлакатда (Ўзбекистонда) буғдой В мамлакатга (Қозоғистонга) қараганда қиммат шунинг учун Қозоғистонга буғдойни экспорт қилиш фойда келтиради. (чизма а,б)

Жаҳон бозоридаги буғдойнинг мувозонат нархи 140 доллар/т.

Жаҳон нархи қанча юқори бўлса, Қозоғистондан шунча кўп буғдой экспорт қилинади. Натижада ички бозорда нарх кўтарила боради. Қозоғистонликлар талаби  $D$  қисқаради. Натижада жаҳон бозорида таклиф Қозоғистондаги ички бозорда талаб ва таклиф миқдорини ўзгариши билан аниқланади.  $S_n = S_A - D_A$  иккинчи томондан ўзбекистонликлар учун буғдой импорти қулай, фойдали. Жаҳон нархи ички бозор нархидан қанча арзон бўлса импортга шунча талаб ўсади. Лекин, мамлакатнинг ўзини ишлаб чиқарувчиларини ишлаб чиқариш ҳажми қисқариб боради. Натижада жаҳон бозорида 1 т. буғдойнинг нархи Ўзбекистон ички бозорида мувозонат нархи яъни нархни тушириши оқибатида талаб ва таклифнинг мос келиши даражасига боғлиқ. У ҳолда жаҳон бозорида талаб  $D_n = D_0 - S_A$ . Натижада

бизнинг мисолимизда жаҳон бозорида мувозонат нархи 140 доллар/т. бўлади.

### Эркин савдо туфайли олинган натижа



Бозордаги нархларнинг ўзгариши натижасида:

1. Истемолчилар ютуғининг ўзгариши	+ a + b + c	- e	- f
2. Ишлаб чиқарувчилар ютуғининг ўзгариши	- a	+ e	+ f + g

Натижа, соф умумий ютуқ	+ b + c	+ g
-------------------------	---------	-----

Бундай нархда Ўзбекистонда буғдойга талаб тақчиллиги билан  $80 - 20 = 60$ , Қозоғистонда таклиф ортиқчалилиги  $90 - 30 = 60$ ; тенг келади.

Жаҳон бозорида нарх юқори бўлса, таклифнинг ўсишига олиб келади ва натижада нарх тушади. Аксинча бўлса, таклиф камаяди, оқибатда нархнинг ўсишига олиб келади. Бу жараён доимо маълум бир мувозонатгача давом этади.

Талаб ва таклиф модели эркин савдо ҳар икки мамлакат учун ҳам манфаатли эканлигини кўрсатади. Буни келтирган чизмаларимиз ҳам кўрсатиб турибди.

Ўзбекистонда истеъмолчилар буғдойни 200 доллар эмас 140 доллардан сотиб олиш имкониятига эга бўлишгани учун кўрган ютуқлари миқдори  $a + b + c$  юзага майдонга тенг бўлади. Лекин ишлаб чиқарувчилар а майдонга тенг фойдаларидан ажрашади. Сабаби улар 200 доллардан сотишарди. Энди 140 доллардан сотишга мажбур бўлишади.

Қозоғистонда эса нархни 140 га кўтарилиши туфайли истеъмолчилар  $(e + f)$  юза майдон ҳажмига тенг миқдорда пуллари кўп сарфлашади. Сабаби аввал 100 доллардан олишган бўлса, энди эса 140 доллардан олишади. Лекин ишлаб чиқарувчилар  $g$  (учбурчак юзи)га тенг миқдорда фойда олишади. Умумий натижага қарасак ҳар икки мамлакат учун ҳам фойдали.

Хекшер-Олин назарияси эркин савдо ҳар икки мамлакат учун ҳам фойдали эканлигини, лекин мамлакат ичида аҳолининг маълум бир қисми ютса, иккинчи маълум бир қисми ютқазishiни кўрсатади.

**Ўзаро манфаатли** савдодан ҳар бир мамлакат қай даражада **наф кўриши импорт ёки экспортнинг ҳажмига ва жаҳон нархларига** боғлиқ.

Мисолимизда импорт ва экспорт ҳажми ҳар икки мамлакат ўртасида тенг. Шунинг учун фақат нархлар фарқи таъсир қилади.

Агарда экспорт қилувчи мамлакат нарх  $X\%$  га (жаҳон нархларига нисбатан) ўсса импорт қилувчи мамлакатда  $Y\%$  га тушса, у ҳолда бу мамлакатларнинг умумий ютуқдаги улуши куйидагича ҳисобланади.

$$\frac{\text{Экспорт қилувчи мамлакат}}{\text{Импорт қилувчи мамлакат}} = \frac{X}{Y}$$

$$\text{Ўзбекистонда нарх} \quad \frac{(200 - 140) \times 100}{140} = 42,8\% \text{ тушди.}$$

$$\text{Қозоғистонда эса нарх} \quad \frac{(140 - 100)}{140} \times 100 = 28,6\% \text{ га кўтарилди.}$$

Шу сабабли Ўзбекистон учун кўпроқ манфаат келтиради.

Таниқли иқтисодчи В. Леонтъев Хекшер-Олин назариясининг асосий хулосаларини ўзининг “ҳаражатлар — ишлаб чиқариш” модели (тармоқлараро баланс)га асосланган ҳолда АҚШ иқтисодиёти мисолида тадқиқ қилади. 50-йилларнинг маълумоти асосида АҚШ экспортида меҳнат сиғими юқори, импортида эса капитал сиғими юқори товарлар устун эканлигини кўрсатиб берди. АҚШ билан савдо-сотик қиладиган бошқа мамлакатларга қараганда капитал омили устун, иш ҳақи эса нисбатан юқорилиги билан Хекшер-Олин назариясига кўра, АҚШ капитал сиғими юқори товарларни экспорт, меҳнат сиғими юқори товарларни импорт қилиши керак эди.

Бу қарама-қаршилик иқтисодда “Леонтъев парадокси” деб аталади. Кейинги тадқиқотлар бу парадоксни шу давр учун бошқа мамлакатлар (Япония, Ҳиндистон ва бошқалар) учун ҳам хос эканлигини аниқлади. Уни тушунтириш учун қилинган ҳаражатлар Хекшер-Олин назариясини янада бойитишга, ривожлантиришга олиб келди.

1. Ишлаб чиқариш омиллари сифат жиҳатидан бир хил эмас. Айниқса меҳнат омили. У ўзининг сифати — малака даражаси жиҳатидан катта фарқ қилади. Шунинг учун саноат ривожланган мамлакатлар экспортида умуман меҳнат сиғими юқори бўлган товарлар эмас, балки юқори малака талаб қиладиган товарлар экспорти устун бўлади. Ривожланаётган мамлакатлардан эса юқори малака талаб этмайдиган меҳнат сиғими юқори бўлган товарлар экспорт қилинади.

2. Табиий ресурсларни ўзлаштириш ишлаб чиқариш жараёнида катта капитал талаб қилади. Табиий ресурсларга бой ривожланаётган мамлакатдан четга ундирма саноат маҳсулотлари экспорт қилинади. Бу тармоқларда эса бошқа тармоқларга нисбатан капитал сифими юқори.

3. Давлат томонидан юритилаётган иқтисодий сиёсат. Мамлакатлар импортни чеклаб, нисбатан тақчил ишлаб чиқариш омиллари интенсив ишлатилаётган тармоқларни қўллаб-қувватлаши орқали халқаро ихтисослашувга таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда саноати ривожланган мамлакатлар ихтиёридаги ишлаб чиқариш ресурслари таркибининг тенглашуви ва халқаро савдода ўхшаш товарлар ҳиссасининг ўсиши жаҳон савдосида янги тенденцияларни вужудга келтирди. Бу ўз навбатида уларни технологик нуқтаи назардан изоҳлашга қаратилган қатор янги назариялар юзага келишига сабаб бўлди.

### **Рақобатбардошлик назарияси**

XX аср, айниқса унинг иккинчи ярмидан бошлаб мамлакатлар ўртасида жаҳон бозори учун рақобат кучайди. Бунда ихтисослашиш, капиталдан унумли фойдаланиш эвазига ўртача харажатларни пасайтиришга эришиш мумкинлиги натижасида рақобатда устунлик ишлаб чиқариш концентрациясининг ўсиши, трансмилий корпорациялар вужудга келишига олиб келди. Америкалик иқтисодчи М. Портер халқаро савдони мамлакатлар ўртасидаги рақобатчилик нуқтаи-назаридан ўрганиб чиқди ва мамлакатнинг рақобатдаги устунлиги унинг етакчи фирмаларининг рақобатбардошлиги билан аниқланади, чунки жаҳон бозорида мамлакатлар эмас, балки товар ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи фирмалар рақобатлашади деган хулосага келди.

Унинг фикрича ташқи бозорни эгаллаш биринчидан, рақобат стратегиясини тўғри танлаш; иккинчидан, эса рақобатда устунликка олиб келувчи омиллар (детерминатлар) нисбатига боғлиқ:

**Фирманинг стратегияси:**

— Фирма фаолият юритаётган тармоқнинг таркибига (шу тармоқда фирма ишлаб чиқараётган товарга ўхшаш товар ишлаб чиқараётган фирма борми ёки пайдо бўлиши мумкинми, йўқми) боғлиқ.

— тармоқда фирманинг тутган ўрнига боғлиқ. Шундай қилиб Портер диққатни миллий даражага эмас, балки алоҳида корхоналар даражасига қаратади.

Фирманинг рақобатчилик стратегиясини мамлакатнинг рақобатдаги устунлиги омиллари билан қўшиб баҳо бериш керак. Бу детерминатларга қуйидагилар киради.

1. Ишлаб чиқариш омиллари (табиий, пул ресурслари, ишчи кучи ва уларнинг билими, малакаси даражаси, инфраструктура) билан таъминланганлиги.

2. Масштаб эффекти (корхона катталашиб бориши билан



ўртача харажатларнинг пасайишига олиб келувчи омиллар)дан фойдаланишга имкон берувчи ички талабнинг параметрлари.

3. Ухшаш ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, таъминловчи тармоқларнинг рақобатбардошлиги.

4. Хукуматнинг роли. (Юқоридаги уччала детерминантларга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин).

Бир-бирига таъсир этувчи детерминантлар миллий иқтисодиёт тармоқларида нотекис тақсимланиши натижасида бир-бирига боғлиқ тармоқларда рақобатбардош фирмалар ажралиб чиқади.

Имтиёзлар белгилаш орқали миллий иқтисодиётни ривожланишига таъсир этиш мумкин. Лекин у негатив самара бериши ҳам мумкин. *Масалан*, собиқ Иттифоқда бир хил товарларга ҳаддан ташқари паст нарх белгиланиши устун даражада четга хом ашё экспорти сақланишига олиб келди. Экспортчиларга автомашина, мебел сотгандан кўра металл, ёғоч сотган афзал бўлиб қолди. Четдан кенг халқ истеъмоли моллари, маккажўхори, асбоб-ускуналар сотиб олинган. У бюджет даромадларини тўлдирган, лекин техник, технологик қолоқликни кучайтирган.

Ташқи бозорга мўлжалланган рақобатга бардошли тармоқларни ривожлантириш учун имтиёзлар белгилаш мамлакатга фойда келтиради, лекин гоҳида кутилмаган натижа ҳам олиб келади. Экспортнинг ўсиши дунё бозорида таклифнинг ўсишига у ўз навбатида жаҳон бозоридаги нархларни пасайишига олиб келади. Нарх ўзгармаган тақдирда ҳам экспортга мўлжалланган секторга бошқа соҳалардан ишлаб чиқариш омилларининг оқиб ўтишига олиб келади. Натижада иқтисодиёт бир томонлама ривожлана бошлайди.

Экспорт қилинадиган товарлар учун зарур табиий ресурсларни қазиб олишни тезлаштириш хонавайрон қиладиган ўсишга олиб келиши мумкин. Бу феномен иқтисодиётда “**голланд касали**” деган ном олган.

Голландияда Шимолий денгиз тубидаги газ захираларини қазиб олишни кўпайтиришга эътибор қаратилиши унинг умумий саноат экспортини пасайишига олиб келди. Бунинг сабаби, Голландия фирмалари мустаҳкам ўрин эгаллаган анъанавий тармоқларга эътибор сусайиши оқибатида тушкунлик юз берди.

Англияда нефт қазиб чиқаришга ва уни экспортга қўшимча ишлаб чиқариш ресурсларини жалб қилиниши натижасида бошқа тармоқлар имконияти чекланади. Жумладан аниқ машинасозлик илгариги мавқеини йўқотади.

Бир тармоқда даромад ўсиши билан келгусида харажатлар таркиби ўзгаради, бу савдо структурасини ҳам ўзгаришига олиб келади.

Ишлаб чиқариш омилларининг ўсиши нотекис бўлади. Қайси мамлакат капитал ва малакали ишчи кучига эга бўлса, шу мамлакат ютади.

**Қиёсий харажатларнинг охириги варианты П. Самуэльсон томонидан ишлаб чиқилди.** У ишлаб чиқариш омиллари нархларини тенглаштириш тенденцияси ҳукм суриши омилларни бир мамлакатдан иккинчисига оқиб ўтишига сабаб бўлишини, ташқи савдо даромадларни тақсимланишидаги беқарорликни кучайтишига таъсир кўрсатишини математик ҳисоб-китоблар билан асослаб беради.

Ҳар бир мамлакат ўзининг дастлабки устуңлигини йўқотар экан, энди ишлаб чиқаришни такомиллаштириш орқали экспортнинг янги имкониятларини топишга ҳаракат қилади.


Кўриб чиқилган назариялар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Уларнинг ҳар бири халқаро савдонинг ривожланиши тенденциясини тушунтиришда ўзига хос ўрин тутади.

Меҳнат тақсимоти ва эркин савдонинг фойдалилигини аллақачонлар назарийетчилар ҳам, амалиётчилар ҳам тушуниб етишган. А. Смит шундай деган экан, ҳар бир тўғри фикр юритадиган оила бошлиғи учун асосий қоида бу бозордан арзон сотиб олиш мумкин бўлган нарсани ўз уйида тайёрлашга уринмасликдир. Ҳунарманд ўзига кийим тикишга ҳаракат қилмайди. Бунинг учун тикувчига мурожаат қилади. Фермер бўлса ҳар иккисини ишини ҳам бажармай шу ҳунар эгалари хизматидан фойдаланади. Ҳар бирига ихтисослашган меҳнатдан фойдаланиш ўзи шу нарсани ишлаб чиқаришдан кўра арзонга тушади. Шундай ҳолат жаҳон хўжалигига ҳам тегишли. Лекин, бу ерда соф иқтисодий алоқаларгина эмас, сиёсий ва ҳарбий рақобат, қарама-қаршиликлар мавжудки, оқибатда мамлакатлар ўз миллий ишлаб чиқаришини ҳимоя қилишга мажбур бўлади. Кўпинча давлат айрим товарларга экспорт имкониятлари, бошқа товарларга импорт учун қулай шароит яратади. Ана шу давлатнинг юритаётган ташқи иқтисодий сиёсатига кўра уни протекционизм ёки фритредерлик сифатида ажратилади.

Протекционизм (лотинча *Protectio* — ҳимоя демакдир) миллий хўжаликни чет эл рақобатидан ҳимоя қилади, чет эл бозорларига фаол кириб боришга шароит яратади.

Шунинг учун протекционизм ўзаро боғлиқ ҳолда ички ва ташқи иқтисодий сиёсат тизими орқали амалга оширилди.

Протекционизм капиталнинг дастлабки жамғарилиши ва мануфактуранинг вужудга келиши билан боғлиқ. Унинг назарий асоси меркантилистлар таълимоти бўлиб фаол савдо балансига эга бўлиш орқали мамлакатга олтин ва қумуш келишини таъминлайди. Кейинчалик давлатлар ўз саноятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди. Бу сиёсат кўпроқ ривожланаётган мамлакатларга хос. Маълумки, четдан кириб келаётган товарлар учун бож тўловлари белгиланади. У қандай натижага олиб келишини назарий жиҳатдан таҳлил қилиб чиқайлик.



Бож тўловлари қўйишнинг натижаси (соф йўқотишлар).

Истеъмолчилар ютуғининг ўзгариши	-a	-b	-c	-d
Ишлаб чиқарувчилар ютуғининг ўзгариши	+a			
Давлат даромадининг ўзгариши			+c	
Соф ютуқнинг ўзгариши ёки соф йўқотишлар		-b		-d

Ташқи савдо ҳар икки мамлакат учун ҳам ўзаро манфаатли бўлишига қарамай, ҳамма мамлакатларда турли тўсиқлар қўйишга уринишади. Кенг қулланадиган чоралардан бири бож тўловлари белгилаш ёки унинг миқдорини кўпайтиришдир. Натижада давлат маълум даражада даромад олади, юқоридаги чизма кўрсатиб турибдики, бу миқдор с тўртбурчак юзига тенг. Лекин умуман олганда ютқазилади сабаби истеъмолчилар нарх кўтарилиши эвазига a, b, c, d майдонга тенг миқдорда кўшимча маблағ сарфлайдилар. Ишлаб чиқарувчилар эса a майдонга тенг кўшимча фойда олади. Лекин жамият миқдоридаги соф йўқотишлар b ва d учбурчак юзига тенг миқдорда бўлади.

**Турли мамлакатларда импортга турли тўсиқлар қўйилишига сабаб сифатида қуйидаги далиллар кўрсатилади.**

- Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлаш лозим.
- Чет эл арзон иш кучидан ўзини ҳимоя қилиш.
- Энди оёққа тураётган миллий хўжалик тармоқларини ҳимоя қилиш.
- Миллий мудофаани мустаҳкамлаш.
- Чет эл фирмалари томонидан уюштириладиган “демпинг”га йўл қўймаслик.
- Давлат даромадларини кўпайтириш.
- Чет эл капиталини жалб қилиш.

Фритредерлик (инглизча Free trade — эркин савдо демакдир) йирик тадбиркорлар, монополиялар томонидан давлатни иқтисодийга аралашмаслигини талаб қилиб юритиладиган сиёсат.

Бу асосан Буюк Британияда XVIII асрнинг учинчи ярмида саноат тўнгарилиши даври билан вужудга келди. Жаҳон бозори давлатнинг ташқи сиёсатига ўзгартиришлар киритишга олиб келди.

Бир томондан эркин савдони, иккинчи томондан ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилади. Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида протекционизм ва фретредерлик доимо ёнма-ён амал қилади. Бу айниқса турли иқтисодий блоклар, иттифоқлар (ЕС, ОПЕК ва бошқалар) фаолиятида яққол намоён бўлади.

Европа иттифоқи — иттифоққа аъзо мамлакатларни ўртасида эркин савдони қўллаб-қувватласа, бу иқтисодий блокдан ташқарида эса протекционизм сиёсатини юритади.

Протекционизм ва фретредерлик ривожланган мамлакатлар томонидан халқаро валюта фонди ва бошқа халқаро ташкилотлар орқали ўтказилади.

### 3-§. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УНИНГ ТАРКИБИ

Умумжаҳон ҳўжалиги доирасида иқтисодий алоқалар турли шаклларда олиб борилади. Халқаро иқтисодий муносабатлар ўз ичига:

- халқаро савдо;
- ишчи кучи миграцияси;
- капитал миграцияси;
- валюта муносабатлари;
- фан-техника алоқалари ва бошқаларни олади.

#### Халқаро савдо

Халқаро алоқалар аввало халқаро савдо тариқасида бошланиб жаҳон бозорининг шаклланишига олиб келди. Жаҳон бозори эса ўз навбатида умумжаҳон ҳўжалигининг таркиб топишига олиб келди.

Халқаро савдо мамлакатлар ўртасида юз берадиган савдо-сотик муносабатлари бўлиб, улар товарларни четга чиқариш (экспорт) ва четдан олиб келиш (импорт) билан ифодаланади.

Халқаро савдо асосини халқаро меҳнат тақсимоти ва унинг чуқурлашуви, мамлакатларнинг у ёки бу товарни ишлаб чиқаришда тугган қиёсий устунлиги белгилайди.

Жаҳон бозори давлатларнинг ташқи иқтисодий сиёсатига ҳам катта таъсир кўрсатади. Унда фақат умумийгина эмас миллий манфаатлар ҳам ўз ифодасини топади.

Шунинг учун ҳам борган сари халқаро савдо-сотик ривожланиб бормоқда. Кейинги 15 йил мобайнида жаҳон мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотик 3 марта кўпайди.

Жаҳон бозорида савдо қилинадиган товарлар ассортиментти миллий бозорларга қараганда чекланган. Сабаби ҳар бир мамла-

кат ўзи ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлмаган ёки ишлаб чиқариш нисбатан кўп харажатларни талаб этадиган товарларнигина сотиб олади.

Мамлакатда ишлаб чиқарилган барча товарлар эмас, балки айирбошлаш мумкин ёки зарур бўлган товарларгина сотилади. Улар асосан асбоб-ускуна, кўмир, нефт, газ, металл, пахта, чой, дон, кофе, ёғоч, жун, табиий каучук, сут ва сут маҳсулотлари, сариёғ, тамаки кабилардан иборат.

Ундан ташқари, бу товарлар миллий бозорларга қараганда катта партия (тўда, тўп)ларда чиқарилади.

Жаҳон бозори миллий иқтисодиёт ривожига катта таъсир қилади. Бу ўз навбатида жаҳон бозорида ўзгаришлар юз беришига олиб келади.

Жаҳон бозорида кейинги йилларда содир бўлган ўзгаришлар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Узоқ вақт жаҳон бозорида АҚШ гегемонлик қилган бўлса, энди борган сари АҚШ ўзининг илгариги салоҳиятини йўқотиб бормоқда. Бир вақтлар АҚШ жаҳон экспортининг 1/3 қисмини ташкил этган бўлса, 80-йилларда 1/8 тушди. Ҳозирги пайтда 1/10 атрофида. Борган сари, бу борада Япониянинг ҳиссаси АҚШ га яқинлашиб бормоқда.

2. Сингапур, Жанубий Корея, Бразилия, Мексика, Хитой каби янги индустриал мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги ҳиссаси ортиб бормоқда.

3. ФТР натижасида халқаро савдонинг товар таркиби ўзгармоқда. Фан сигими юқори, мураккаб технологик маҳсулотлар экспорти электротехника, электр ускуналари, транспорт воситалари ҳиссаси ортиб борапти.

4. Айрим саноат тармоқлари, жумладан кимё саноати ниҳоятда ихтисослашиб бормоқда. Натижада, йирик экспортёрлар ўз навбатида йирик импортёрлар ҳам бўлади. Масалан, 1996 йили АҚШ нинг экспорти 848,7 млрд. доллар бўлгани ҳолда, импорти 956,0 млрд. долларни ташкил этди. Германия экспорти 604,1 млрд. доллар бўлса, импорти 576,3 млрд. доллар. Япония, Буюк Британия ва бошқа ривожланган мамлакатлар ташқи савдо обороти ҳам шу жараённинг юз бераётганини тасдиқлайди.

5. Кўпгина мамлакатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириб, ўзини-ўзи таъминлагани сабабли, жаҳон бозори товар обороти таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳиссаси камайиб бормоқда. Тайёр маҳсулотлар ҳиссаси эса ўсиб бормоқда. 1980—1996 йиллар ўртасида жаҳон экспортида тайёр маҳсулотнинг улуши 65% дан 78% га кўтарилгани ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 12% дан 9% га, хом ашё, металллар 5% дан 2% га, энергия манбалари 12% дан 5% га, қишлоқ хўжалиги хом ашёси 4% дан 2% га тушди. Ваҳоланки, II жаҳон урушигача товар оборотининг 2/3 қисмини озиқ-овқат, хом ашё ташкил қилган.

6. Ривожланаётган мамлакатлар экспортининг товар струк-

турасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Илгари асосан хом ашё, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 60-йиллардан бошлаб саноат маҳсулотлари айниқса, енгил саноат маҳсулотларининг ҳиссаси ўсиб бормоқда.

7. Жаҳон экспортида борган сари **хизмат кўрсатиш улуши ортиб бормоқда**. Агар 1996 йили 1980 йилга нисбатан товар экспорти 2,9 марта ўсган бўлса, хизматлар экспорти 3,3 марта ўсди. Бу табиий, чунки жаҳон бозорининг ривожланиши ўзига хос инфраструктуранинг ривожланишини объектив зарурат қилиб кўяди.

Миллий бозор бозор инфраструктурасиз ривожлана олмаганидек, жаҳон бозори ҳам мос равишда инфраструктурасиз ривожланиши мумкин эмас. Жаҳон бозори вужудга келишига мувофиқ инфраструктура ҳам шакллана борган. Халқаро алоқалар ривожланган сари инфраструктура ҳам ривожланиб, янги-янги турлари пайдо бўлмоқда.

Товар, фонд биржалари, аукцион хизматлари такомиллашиб, банк-молия, суғурта, консалтинг хизматларининг янги турлари шаклланди. Ташқи савдони олиб боришда моддий-техника базасини таъминловчи омборхона, махсус ускуналар билан таъминланган складлар катта аҳамиятга эга.

Товарларни бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга олиб боришда транспорт тизими (дарё, денгиз, ҳаво, темир йўл, автомобил)нинг ролини таъкидлаб ўтиришнинг ҳолати йўқ. Охириги йиллари қувур транспорти (нефт ва газ экспорти) ривожланиб бормоқда.

Борган сари ахборот билан таъминлаш, алоқа хизматининг аҳамияти ортиб бормоқда.

**Халқаро миқёсда хизматлар савдоси** товар савдосидан фарқ қилиб, ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

А) Хизматлар товарлардан фарқ қилиб, асосан ишлаб чиқариш ва истеъмол бир вақтда юз беради, товарга ўхшаб сақлаб бўлмайди. Шунинг учун хизмат кўрсатувчи билан истеъмолчи тўғридан-тўғри мулоқотда бўладилар. Товарлар савдоси эса кўпинча воситачилар орқали амалга ошади.

Б) Халқаро хизматлар савдоси товарлар савдоси билан боғланган, уни ўсиб боришига олиб келади. Четга товар чиқариш бозор ҳолатининг конъюнктурасини ўрганишдан бошлаб, уни ташиб олиб бориш билан тугайди. Фан сифими юқори товарлар, мураккаб технология жуда катта ҳажмдаги техник хизмат кўрсатишни, ахборот ва маслаҳат беришни талаб қилади. Жаҳон бозорида товарларнинг муваффақиятли савдоси ана шу хизматларга боғлиқ.

В) Хизмат сфераси давлат томонидан кўпроқ ҳимоя қилинади. Транспорт, алоқа, молия, суғурта хизматлари, фан, маориф, соғлиқни сақлаш анъанавий тарзда жуда кўп мамлакатларда қисман давлат тасарруфида ёки давлат томонидан қаттиқ назорат қилинади.

Г) Ҳамма хизматларни ҳам товарга ўхшаб халқаро ҳўжалик оборотига кенг жалб этиб бўлмайти. *Масалан*, шахсий истеъмолни қондирадиган коммунал, маиший хизматларни кўрсатиш мумкин.

Д) Борган сари комплекс хизмат кўрсатишни талаб этадиган туризм ривожланиб боради. Халқаро миқёсда маданий алоқаларнинг ривожланиши ҳам хизмат кўрсатишнинг ривожланишига олиб келади. Нагигада борган сари хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганларнинг сони ортиб бормоқда.

Е) Хизматлар бозорида ҳозирги пайтда инжиниринг хизматлари кўрсатиш алоҳида ўрин тутаети.

Инжиниринг хизматиға саноат, инфраструктура ва бошқа объектларни яратишда тижорат асосида турли инженерлик-маслаҳат хизматлари кўрсатиш киради. Лойиҳалашдан аввал тадқиқот ўтказиш, илгари сурилган гоани техник-иқтисодий асослаш хизматлари, сўнгра лойиҳалаш (лойиҳа, схема, бош режа, ишчи чизмалар тайёрлаш), ҳамда лойиҳалашдан сўнгги хизматлар (контракт-шартнома материалларини тайёрлаш ва бошқалар) киради.

Кейинги пайтларда инжиниринг хизмати лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган хизматларнигина эмас, бира тўласи объект қурилишини ҳам қамраб олмақда.

Одатда катта аҳамиятға эға объектларни халқаро миқёсда тендер - конкурс ўтказиш йўли билан бунёд қилинади.

Халқаро иқтисодий алоқаларни амалға оширишда транспорт хизмати кўрсатишнинг аҳамияти беқиёс.

Транспорт хизмати кўрсатиш — бу янги йўллар, транспорт, комплекс сервис хизмати кўрсатишни ривожланишигина эмас, балки халқаро интеграция занжирининг муҳим ҳалқасидир. Шунинг учун халқаро миқёсда бу соҳаға аҳамият кучаймоқда. Республикамизда ҳам чет эл давлатлари билан ҳаво, темир йўл, автомобил йўллари орқали алоқаларни кучайтиришни кўзда тутган ҳолда, янги-янги йўл қурилишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон БМТ нинг “Транзит юк ташишда ҳамкорликни ривожлантириш орқали савдони кенгайтириш” дастурини рўёбға чиқаришда иштирок қилмоқда.

Ўзбекистон Пекинни Истанбул билан боғлайдиган Трансосий магистралининг таркибий қисми бўлган Тажан-Сарахс-Машҳад темир йўлини қуришда фаол қатнашди. Ҳозирги пайтда “Трасека” лойиҳасини амалға оширишда фаол қатнашапти.

“Таъсис” дастури доирасида Европа Иттифоқининг техникавий ёрдамини амалға ошириш орқали “Трасека” лойиҳасини рўёбға чиқариш Ўзбекистонни коммуникация ва транспорт билан таъминлашдаги қийинчиликларни бартараф этишда гоат истиқболли аҳамиятға эға. Бу лойиҳа Марказий Осий мамлакатлари, Озарбайжон, Грузия ҳудуди орқали Қора денгиз бандар-

гоҳларига олиб чиқадиган Транскавказ магистралини вужудга келтиришни назарда тутати.

Ўзбекистон темир йўл қурилишида иштирок қилиш билан бирга Хитой ва Покистонга олиб борадиган Тошкент — Андижон — Ўш — Эргаштом — Қашқар автомобил йўлини жадал қурилишида асосий рол ўйнамоқда. Бухоро — Сарахс — Машҳад — Техрон ва Термиз — Ҳирот — Қандахор — Карачи автомобил йўллари қуриш, қайта таъмирлашда ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Кейинги пайтда жаҳонда товар савдосини борган сари хизмат кўрсатишнинг турли шакллари билан боғлиқ ҳолда олиб бориш кенг ёйилмоқда. Айниқса, “Интернет” орқали савдосотиқ олиб бориш кенгайиб бормоқда.

Халқаро савдо ўз доирасини фан-техника ютуқларини айирбошлаш, ҳамда интеллектуал товарлар, ахборот айирбошлаш билан бойитди.

Фан-техника янгиликлари маҳсулотлари “ноу-хау”лар билан айирбошлаш турли шаклларда амалга оширилади. У фан-техника ютуқларини айирбошлаш турли ихтиролар, янгиликлар, патентлар, лицензияларни сотиш, биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий ишлаб чиқариш тадбиркорлиги кабилардан иборат.

Турли соҳаларда ахборот хизматлари: фан-техника соҳасида илмий ахборотлар, халқаро компьютер “маълумотлар банки” орқали хизмат кўрсатиш кенгайиб боради. Соғлиқни сақлаш, маориф соҳасида қўлланиладиган янги илғор усуллар билан айирбошлаш жадаллашади.

Халқаро илмий-техник алоқалар қисман тижорат асосида, қисман бепул амалга оширилади.

Одатда, мамлакат четдан ихтироларни ишга солиш, қўлланилиши учун унинг патентлари, лицензияларини сотиб олади. Шу билан бирга, қатор мамлакатлар чет эл фирмалари ўз илмий-техник маҳсулотларини хайрия сифатида туҳфа қилиши ёки қисман ҳақ тўлаш йўли билан бериши мумкин. Бунинг учун махсус хайрия фондлари мавжуд. Улар таълим, фан ютуқларини бутун жаҳон миқёсида тарқатишга таъсир қилади.

Илмий-техник, технологик янгиликлар (ноу-хау), инжинринг хизматлари кўрсатиш инфраструктура объектларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қуриш, яратишни ўрганиш учун ўз мутахассисларини бу соҳадаги етакчи мамлакатларга юбориш кенг ёйилмоқда.

Илмий-техник маҳсулотларни товар сифатидаги тижорат аҳамияти ўсиб бормоқда. Халқаро миқёсда патент, лицензиялар савдоси ҳажми 8—10% ни ташкил этади.

Охириги йилларда технологик ривожланиш суръати тезлашди. Янги технологияларни мамлакатлар ўртасида ўзаро кириб бориш даражаси ва ишланаётган лойиҳаларни ихтисослашуви



даражаси ўсди. Халқаро илмий-техник ҳамкорликнинг янги шакллари вужудга келмоқда.

**Халқаро  
ишчи кучи  
миграцияси**

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, ишчи кучи миграцияси кенг ёйилди, яъни меҳнат ресурсларини бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб ўтиши кучайди.

Бунинг сабаблари турли-туман. Улардан энг асосийлари иқтисодий сабаблар бўлиб:

Ишсизлик даражасидаги фарқ.

Иш ҳақидаги фарқ.

Турмуш даражасидаги фарқ.

Шароитдаги фарқ ва бошқалар.

Одатда иш кучи камбағал мамлакатлардан бой мамлакатлар томон оқади. Четдан келган ишчиларни ишлатишдан манфаат кўрилмаганда иш кучи миграцияси бу даражага келмас эди.

Энг аввало, четдан келган иш кучи арзон. Ундан ташқари, айрим иш турлари борки, ривожланган мамлакатлардаги ишчилар уларни бажаришни кўп ҳам хоҳлашмайди. Қолаверса, бу мамлакатлар осонгина юқори малакали мутахассисларга эга бўлишади. Бундай мутахассислар тайёрлаш учун зарур бўлган маблағ тежаб қолинади.

Юқори малакали мутахассисларни ривожланган мамлакатлар томон эмиграцияси иқтисодий адабиётларда ақлларни оқиб ўтиши (drain of brain) деб аталади.

Умумжаҳон ҳўжалигида ишчи кучи миграциясининг жадаллашувиға қатор омиллар сабаб бўлади.

1. Транспорт ва алоқаларнинг ривожланиши иш кучини географик жиҳатдан кўчиб юришини осонлаштиради.

2. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётни ахборот билан таъминлаш турли мамлакатларни фан ва маданияти, билим ва малака мезонларини яқинлаштиради.

3. Трансмилий корпорациялар фаолияти фақатгина иш кучини географик жиҳатдан кўчиб юришигига эмас, жаҳон миқёсида қўллаш шароитларини ҳам тенглаштириш имконини яратди.

Миграция жараёнининг кучайиши халқаро меҳнат бозорини шаклланишиға олиб келди.

Ҳозирги пайтда, бир томондан, халқаро миграцион жараён бутун мамлакатларни қамраб олган бўлса, иккинчи томондан миграция жараёни борган сари кучайиб бормоқда. Иқтисодчиларнинг ҳисобига қараганда 90-йилларнинг бошларида иммиграцион ишловчилар 25 млн. кишидан кам бўлмаган. Агар уларнинг оилаларини ҳам ҳисобға олинса, у ҳолда бу кўрсаткич 3—5 мартаға кўпаяди.

Агарда АҚШ га иммигрантлар оқимини асосан Лотин Америкаси мамлакатлари, қўшни Мексикадан, охириги пайтда собиқ Иттифокдан келганлар ташкил этса, Фарбий Европа мам-

лакатларига Туркия, Португалия, кейинги пайтда Шарқий Европа мамлакатларидан борганлар ташкил этади.

АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари билан бир қаторда чет элдан иш кучини жалб шувчи янги марказлар вужудга келди.

Булар Яқин ва Ўрта Шарқ, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Жанубий Африка Республикаси ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Айниқса нефтга бой Араб Шарқи мамлакатлари, Саудия Арабистони, Бахрейн, Қувайт кабиларда демографик вазият ўзига хос бўлиб, бу мамлакатларда аҳолининг 60—75% ни иммигрантлар ташкил этади, ваҳоланки, 50-йилларда улар 5—10% ни ташкил этган.

Ҳозирги пайтда мураккаб муаммолардан бири иш кучининг нолегал миграцияси бўлиб, уни аниқ миқдорини айтиш қийин. Айрим маълумотларга кўра АҚШдаги яширин иммигрантлар миқдори 2—13 млн. киши атрофида.

Улар асосан малака талаб қилмайдиган, нисбатан маоши кам беобрў ишларни бажаришади.

Ҳозирги замон меҳнат бозорининг муҳим хусусияти — 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб миграция фаоллигининг су-сайишидир. Унга сабаб Ғарбий Европа ва АҚШ да, яъни ишчи кучини ўзига тортадиган асосий марказларда рақобат кураши кучайди. Бир вақтнинг ўзида иммигрантлар кучидан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмай қолди. Бундан ташқари, демографик муаммолар вужудга келди. Уларга сарфлан-диган ижтимоий харажатлар кўпайди. Натижада, ҳар бир давлат ишчи кучи миграциясини тартибга солишга ҳаракат қилишга тушди. Ҳозирги пайтда бу масалага халқаро миқёсда аҳамият берилмоқда.

### Халқаро капитал миграцияси

Халқаро муносабатларда капитал миграцияси муҳим ўрин тутди. Капитал миграцияси икки шаклда юз беради:

1. Четга тадбиркорлик капитали чиқариш ёки чет элда иқтисодий фаолиятини инвестиция қилиш;
2. Ссуда капитали чиқариш ёки халқаро кредит.

Ташқи иқтисодий алоқаларни биз кўпроқ товар экспорти ва импорти тарзида кўришга ўрганиб қолганмиз. Лекин ҳозирги замон иқтисодиётида махсус товар-капитал экспорти ва импорти муҳим ўрин тутди.

Четга капитал чиқаришнинг асосий сабаби хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви ва четдан олиниши мумкин бўлган фойданинг юқори бўлиши бўлса, капитал импорт қилаётган мамлакат учун эса четдан келган маблағ эвазига иқтисодий фаолиятини жадаллаштириш.

Капитал миграцияси бу маълум манфаатли мақсадга қаратилган пул маблағларини бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчишини ифодалайди.

Четга капитални тадбиркорлик (соҳибкорлик) капитали тарзида чиқариш икки хил: тўғридан-тўғри ва портфел шаклида чиқарилади.

Тадбиркорлик (соҳибкорлик) капитали чиқаришда узоқ муддатли чет эл инвестициялари савдо, саноат ва бошқа соҳаларга қўйилади.

Тўғридан-тўғри капитал чиқариш бу инвестиция миқдори чет эл корхоналарини назорат қилиш ҳуқуқини берадиган даражада капитал қўйишдир. Бу назарий жиҳатдан қарасак 50% дан ортиқ бўлиши керак. Лекин реал ҳаётда бу миқдор турли мамлакатларда турлича бўлиб, компаниялар капитали 20—25% ва ундан ҳам кам миқдорини ташкил этиши мумкин. Масалан, АҚШ да назорат пакети акционерлик капиталининг 10% гача қисмини ташкил этиши мумкин.

Портфел инвестиция эса капитал қўйилган корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини бермайди. Бунинг учун унинг миқдори етарли эмас.

Шундай қилиб, тўғридан-тўғри ёки портфел шаклидаги капитал чиқаришнинг фарқи қўйилган капитал корхона устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқини бериш ёки бермаслигига қараб аниқланади.

Ҳозирги даврда тўғридан-тўғри инвестиция ҳажми ортиб бориши кузатилмоқда. Бунда ривожланган мамлакатлар, биринчилар қаторида эса Япония, АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари туради.

Тадбиркорлик капитали чиқариш кўпинча бошқа мамлакатларда йирик концернлар ўз филиалларини “қиз”, “набира” компанияларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Бунинг натижасида концернлар ўз товарларини жадал суръатлар билан экспорт қилиш имкониятига эга бўладилар: божхона тўсиқларини енгиш осон бўлади, нисбатан арзон иш кучидан фойдаланиш мумкин бўлади, шу мамлакат бозорларини эгаллайди.

Кейинги пайтларда четга тўғридан-тўғри капитал чиқаришда ГФР ва Япония пешқадамлик қилишмоқда. Тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўсиш суръати АҚШ га қараганда 2 марта кўпроқ. Капитал қўйиш соҳаси учун рақобат кураши кескинлашиб бормоқда. Капитал экспортида давлатнинг роли кескин ортади.

Агар XX асрнинг биринчи ярмида капитал мустамлака ва қарам мамлакатларга чиқарилган бўлса, ҳозирги пайтда хусусий тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 70—75% ривожланган мамлакатларга тўғри келади.

Бунинг энг асосий сабабларидан бири ривожланаётган мамлакатларда қайта ишлаш саноатида капитал сифими юқори, ишчилардан юқори малака талаб қиладиган йирик миқёсдаги ишлаб чиқаришни яратиш имкони йўқлигидир.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг молиявий имкониятлари катта, ички бозор имкониятлари ҳам. Бу мамлакатлар ўртасида капитал миграцияси уларнинг капиталини байналмиллашувини кучайтиради, хўжалик алоқалари чуқурлашади.

Ривожланган мамлакатлар ўртасида капитал миграцияси бир неча даражада амалга ошади:

а) ҳозирги замон иқтисодиёти асосий марказлари бўлган АҚШ—Ғарбий Европа—Япония ўртасида;

б) алоҳида мамлакатлар ўртасида;

в) мамлакатларнинг бир турдаги тармоқлари ўртасида.

Капитал миграцияси макро ва микро миқёсда юз беради, яъни мамлакатлар ўртасида юз берганда мамлакатнинг статистик ҳисоботи ва тўлов балансида акс эттирилади.

Микро миқёсда, яъни корпорациянинг ички каналлари орқали кўпроқ ТМҚларнинг бош(она) компанияларидан филиаллари, иккиламчи (қиз) компанияларига, шохобчалари (невара) томон капитал ҳаракати тарзида юз беради. Миллий чегарадан бу капиталлар трансферт нархлари механизми орқали ўтказилади.

80-йилларнинг бошларигача капитал кўпроқ Ғарбий Европа мамлакатларига оққан бўлса, ҳозирга келиб АҚШ га кўпроқ йўлланмоқда.

Кейинги пайтларда нефт қазиб олувчи мамлакатлар (ОПЕК аъзолари) томонидан ривожланган мамлакатларга капитал чиқариш ўсиб бормоқда.

Мамлакатимизда чет эллик инвесторлар иштирокида ўнлаб қўшма корхоналар ташкил этилди. Кобул-Тўйтепа — Текстайлс” (Жанубий Корея), “Аснамтекстил”, “Катекс”, “Элтекс”, “Самжантекс” (Туркия), “Супертекстил” (АҚШ) ва бошқалар мамлакатимизнинг тўқимачилик саноатини юқори поғонага кўтаришда муҳим рол ўйнамоқда.

Дунё иқтисодида эркин иқтисодий зоналар алоҳида ўрин тутмоқда. Бу зоналарни ташкил қилиш бозор иқтисодиётининг очиқ иқтисод бўлишидан келиб чиқади. Бу зоналар алоҳида мақомга эга бўлади. Турли мамлакатлардаги бундай зоналарда хорижий ва миллий тадбиркорлар фаолияти учун қулай, имтиёзли шароит яратилган. Бу зоналар ўз фаолиятини йўналишига қараб турлича бўлиб эркин савдо зоналари, эркин бож ҳудудлари, эркин саноат зоналари, эркин “очиқ” зоналар, технология зоналари, комплекс зоналаридан иборат.

Турли мамлакатлар эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш билан турли мақсадларни ўз олдига қўяди. Буларга корхоналар фаолиятини фаоллаштириш, саноатни модернизация қилиш, ички бозорни юқори сифатли товарлар билан тўлдириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, экспорт ва импортни кенгайтириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, янги технологияларни ўзлаштириш, иқтисодий қолоқ ҳудудларни ривожлантириш, ишчи кучи малакасини ошириш ва бошқалар кирadi.

Бу зоналарда фаолият юритиш учун махсус имтиёзлар бериледи. Бу имтиёзлар бож тўлаш, солиқ тўлаш, назорат ўрнатиш ва бошқалардан иборат.

Халқаро иқтисодий алоқаларда ссуда капитали миграцияси алоҳида ўрин тутати. Бу алоқалар ссуда капитали бозори орқали амалга оширилади. Бу бозор жаҳон хўжалиги ташкил топиш жараёнида шаклланган.

**Ссуда капитали** экспорти ҳозирги замон халқаро кредитининг асосидир. Четга капитал чиқаришдан мақсад ссуда проценти шаклида кўпроқ фойда олиш. Албатта, капитал импорти қарз оловчи учун ҳам фойдали. Агар бундай бўлмаганда у маълум ҳақ тўлаш эвазига қарз олмаган бўларди.

Ссуда капитали бозорида ўтказиладиган операцияларнинг иқтисодий мазмунига кўра, иккига бўлиш мумкин: жаҳон пул бозори ва жаҳон капитал бозори.

Жаҳон пул бозорида қисқа муддатли кредит бериш амалга оширилади.

Қисқа муддатли кредит муомала сфераси асосан халқаро савдо учун бериледи. Капитал бозорида эса ўрта ва узоқ муддатли кредит бериледи.

Ўрта ва узоқ муддатли кредит асосан капитал кўйилмаларини молиялаштириш тарзида амалга оширилади. У асосан жаҳон миқёсида такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган.

Капитални ўзлаштиришнинг аниқ шаклига кўра капитал бозорини иккига: кредит бозори ва қимматбаҳо қоғозлар бозорига бўлиш мумкин.

Халқаро пул бозори туну кун тинимсиз ишлайди. Бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ҳар қандай конвертирландиган валюта тарзида сунъий ер йўлдошлари, халқаро теле-тайп алоқалари орқали бир лаҳзада анча-мунча пул кўчириш мумкин.

Бериладиган маблағ манбаига кўра халқаро ссуда: банк кредитлари ва тижорат кредитлари шаклида бўлиши мумкин.

Кредитлар хусусий фирмалар ва банклар, давлат идоралари, халқаро молия ташкилотлари (Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқалар) томонидан бериледи.

Халқаро кредит бериш икки йўналишда амалга оширилади:

А) Одатдаги ссуда капитали бозордаги талаб ва таклиф асосида шаклланадиган процент асосида бериладиган кредит. Бу кредитларни банклар, ТМКлар, молия корпорациялари беради.

В) Имтиёзли ёки текин бериладиган кредит. Бу кредитларга олиннадиган процентлар ниҳоятда паст бўлади ёки умуман процент олинмайди. Бундай кредитлар бой давлатлар, ўта йирик компаниялар ва халқаро ташкилотлар томонидан махсус халқаро дастурларни амалга ошириш учун бериледи. *Масалан*, Евро-

па тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистондан кичик бизнесни қўллаш учун 60 млн. долларлик кредит линияси очди.

Одатда, халқаро ташкилотлар томонидан бериладиган кредитларга фоиз ставкаси нисбатан энг паст бўлиб, йилига 7—9% ни ташкил этади. Шунинг учун мамлакатлар кўпроқ халқаро ташкилотлар орқали кредит олишга уринадилар.

Авваллари қисқа муддатли кредит асосий ўрин тутса, кейинги йилларда борган сари узоқ муддатли йирик кредитлар бериш тобора кенг ёйилмоқда. Бундай кредитлар кўпроқ йирик маблағ талаб қиладиган лойиҳалар учун берилади. Ҳозирги шароитда халқаро тўловлар балансидаги катта номувофиқлик халқаро молия тизимидаги асосий муаммога айланди. Ана шу номувофиқликни мувозанатга келтириш учун тўлов балансида танқислик бўлган мамлакатлар кредитдан фойдаланадилар.

Ривожланган мамлакатларнинг етакчи банклари бошчилигидаги халқаро кредит тизими ссуда капиталини тўлов баланси фаол бўлган мамлакатлардан тўлов баланси пассив мамлакатларга ўтишини таъминлайди. Албатта, бу жараён силлиқ кечмайди. У халқаро йирик банклар ўртасида рақобат кураши орқали юз беради. Авваллари дунёдаги 500 банкнинг асосий қисмини АҚШ банклари ташкил этган бўлса, кейинги пайтларда Япон банклари асосий ўринга чиқишди.

Халқаро кредит ва инвестицияларнинг тез ўсиши бир томондан, халқаро миқёсда иқтисодий алоқалар самарадорлигини ошириб, мамлакатлар ривожланишига катта таъсир ўтказса, иккинчи томондан капитал оқимини тезлашуви улар ҳаракатини назоратдан чиқиб кетиши сохта капитал билан реал капитал ўртасидаги фарқнинг ортишига олиб келмоқда. Бу эса тўлов баланси мувозанатини бузилиши ва валюта курсларининг кескин тебраниб туришига сабаб бўлмоқда.

2 ← Мамлакатларнинг барча иқтисодий муносабатлари уларнинг тўлов балансида акс этади. **Тўлов баланси** 4 асосий бўлимдан иборат:

1. **Савдо баланси** — товарлар экспорти: даромадлари ва импорт харажатлари;

2. **Хизматлар балансида** унда кўрсатилган хизматларга олинган даромадлар ва чет эл хизматларидан фойдаланганлик учун харажатлар кўрсатилади. Бу балансида молия хизматлари учун тўловлар дивиденд, процентлар ҳам ўз ифодасини топади. Бу балансида чет эл фуқароларидан ва давлатдан фуқароларга трансферт тўловлари чет эл активларини харид қилиш ҳам киритилади.

3. **Нотижорат операциялар баланси.** Бу баланс ҳамма турдаги бепул товарлар етказиб бериш, ёрдам ва хайрия пулларини кўчиришларни ўз ичига олади.

4. **Капитал ва кредитлар ҳаракати баланси.** Бу балансида давлат ва хусусий капиталларнинг ҳаракати, ҳамда олинган, бе-

рилган халқаро кредитлар нисбатини ифодалайди.

Йил охирида ҳар йили тўлов балансининг даромадлари билан харажатлари солиштирилиб, экспорт ёки импортнинг кўплиги аниқланади.

Агар импорт экспортга нисбатан кам бўлса, сальдо мусбат бўлиб, экспорт эвазига чет эл валютасида даромад олинади ва шу мамлакат ўз олтин-валюта резервини тўлдириш имкониятига эга бўлади.

Аксинча, импорт экспортга нисбатан кўп бўлса, тўлов баланси тақчил бўлиб, бу тақчилликни қоплаш учун чет эл валюталари керак бўлади. Бу тақчиллик четдан қарз олиш эвазига ёки мамлакат активларининг бир қисмини сотиш ҳисобига қопланиши мумкин. Агарда буларнинг иложи бўлмаса Марказий банк расмий резервларидан тўлдирилади. Ҳар бир мамлакатнинг расмий резервлари чекланган. Шунинг учун барқарор ва узоқ муддатли тақчилликни резерв ҳисобидан молиялаштириш, албатта уни камайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун мамлакат тўлов балансини мувозанатга келтириш учун тадбирлар кўриши керак.

Тўлов балансини давлат бир неча усуллар билан тартибга солади:

1. Бевосита назоратни амалга ошириш. Бунда импортни чеклаш, божхона ва бошқа йиғимлар, акцизлар, узоқ ёки қисқа муддатли капитал чиқариш назорати, чет эл инвестициялари бўйича даромадларни олиб чиқишни чеклаш, тақиқлаш каби-лар орқали амалга оширилади.

2. Дефляция<sup>1</sup> орқали. У ички иқтисодий вазифаларни ечишга қаратилган, лекин ундан тўлов балансининг аҳволини яхшилашда фойдаланилади. Чунки ички вазият ташқи муносабатларга албатта таъсир кўрсатади.

3. Валюта курсини ўзгартириш. Ҳар бир мамлакат объектив заруратдан келиб чиқиб, “сузиб юрувчи” (мослашувчи) ёки қатъий қайд этилган валюта курсини танлайди. >

### **3-§. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ ВА ВАЛЮТА ТИЗИМИ**

Турли савдо ва молиявий операциялар ўтказилганда мамлакатлар ўртасида валюта муносабатлари келиб чиқади. Мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқалар, жумладан товар оборотини ривожланиши кўп жиҳатдан валюта муносабатларига боғлиқ.

<sup>1</sup>Дефляция (анг. deflating). Нархнинг умумий даражасини барқарор равишда пасайтириш. Вақт бирлиги ичида нархнинг умумий даражасини пасайтиришнинг пропорционал суръати.

Халқаро миқёсдаги ҳамма иқтисодий алоқалар айланиб келиб пул — валюта орқали ифодаланади. **Валюта деб, ҳар бир мамлакатнинг миллий бойлиги билан таъминланган пул бирлигига айтилади.** Миллий валютанинг қадр-қиммати биринчидан, шу валютанинг товар билан таъминланиш даражасига, иккинчидан, бошқа валютага эркин алмаштириш даражасига боғлиқ.

Жаҳон ҳўжалигида иқтисодий алоқаларни яхши йўлга қўйилган валюта муносабатларисиз амалга ошириб бўлмайди. Миллий ҳўжаликларни байналмилаллашуви халқаро валюта муносабатларини ривожланишини тақозо қилади.

Халқаро валюта муносабатлари умумжаҳон ҳўжалиги иқтисодий алоқаларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Валюталар орқали жаҳон иқтисодиёти тўлов ва ҳисоб-китоб операциялари амалга оширилади.

Миллий валюталар тизими асосида халқаро валюта тизими шаклланади. **Халқаро валюта тизими деб, халқаро валюта муносабатларини ташкил этиш, тартибга солиш қонун-қоидалари мажмуига айтилади.** У халқаро битимлар орқали мустаҳкамланиб, давлатлар томонидан риоя қилинади.

Халқаро валюта тизимининг асосини миллий валюталар ташкил этади. Ундан ташқари, миллий ёки жамоа резерв валюта birlikлари (расмий равишда АҚШ доллари, Евро ва немис маркаси), халқаро ликвидлик активлари, валюта паритетлари ва курслари, валюталарни ўзаро алмаштириш шартлари, халқаро ҳисоб-китоб олиб бориш, валюта чеклашлари, валюта бозорлари, жаҳон олтин бозори ва бошқаларни ўз ичига олади.

Тарихан халқаро валюта тизими XIX аср охирида шаклланган. Бунда халқаро ҳисоб-китобларда кўпгина ривожланган мамлакатларда халқаро валюта сифатида олтиндан фойдаланилган.

Биринчи валюта тизими олтин стандартига асосланади. 1867 йили Париж келишувига биноан халқаро муносабатларда ягона тўлов воситаси сифатида фойдаланишга келишилди.

Олтин стандартига мувофиқ мамлакатларга олтинни эркин олиб кириш ёки олиб чиқиш, қоғоз пулларни олтинга алмаштириш, пул бирлигидаги олтин миқдорини эркин белгилаш ва чеканка қилиш назарда тутилган.

Тўлов балансининг тақчиллиги олтин билан ёпилган. Бир мамлакатдан олтинни иккинчи мамлакатга ўтиши автоматик тарзда тўлов балансини тартибга солади.

Олтин шундай товарки, уни ишлаб чиқариш чекланган, сабаби у табиатнинг ўзида чекланган. Шунинг учун олтин стандарти шароитида ҳукумат ихтиёрий равишда муомаллага қоғоз пул чиқара олмайди.

Барқарор пул муомаласи, валюта курси халқаро савдони ривожлантирди. Чунки халқаро савдонинг натижаси ноаниқли-



ги камаяди. Уни қандай бўлишини олдиндан тахмин қилиш имконини беради. Лекин, шу билан бирга, валюта алмашину-вини олтинга боғланиши осон манёвр қилиш имконини бермайди, айниқса тушқунлик ва инқироз пайтларида айрим мамлакатлар ўз банкноталарини олтинга айирбошлашдан воз ве-чишган.

XX аср бошларида олтин стандартидан фойдаланиш янги қийинчиликлар келтириб чиқарди. Ишлаб чиқаришни кенгай-тириш, товар массасини кўпайишига олиб келди. Бу ўз навба-тида муомалада пул миқдорини кўпайтиришни талаб қилади. Пул бирлиги олтин миқдorigа қаттиқ боғлангани олтин захи-раларининг ўзгариши сабабли пул бирлигида олтиннинг улуши ва расмий захиралар камая бошлади. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг кучайиши мамлакатда пул массасини ўзгарти-ришнинг мослашувчан механизмини талаб қилди. Бу эса олтин стандарти бўйича мумкин эмас. Натижада кредит пуллари бор-ган сари олтинни сиқиб чиқара бошлади. Бу жараён биринчи жаҳон уруши туфайли янада тезлашди.

Оқибатда халқаро миқёсда олтин стандарти ўрнига олтин девиз стандарти келди.

**Олтин девиз стандарти** олтин ва етакчи валюталарга асос-ланган. Етакчи миллий валюталар олтинни ўринбосар (девиз)-лари бўлиб, ҳисоб-китоб ишлари улар орқали амалга оширила-диган бўлди. Бу қарор 1922 йили Генуя конференциясида қабул қилинган. Янги тизим олтин паритетларини сақлаган ҳолда эр-кин тебранадиган валюта курслари тартибини ўрнатди.

Валюта тизимини тартибга солиш фаол валюта сиёсатини ўтказиш, халқаро қонун-қоидалар ишлаб чиқиш билан амалга оширилди. Натижада, валюта муносабатларида бирмунча бар-қарорликка эришилди. Лекин, 30-йиллардаги жаҳон инқирози бу жараёнга халақит берди. Иккинчи жаҳон урушидан аввал биронта мамлакат ҳам барқарор валютага эга бўлмаган.

Уруш пайтида бўлса барча мамлакатлар валюта муносабати-да қатнашишидан қатъий назар валюта чеклашларини кири-тиб, валюта курсини музлатдилар.

Валюта инқирозини яна қайтарилишидан хавфсираш, мам-лакатларни янги валюта тизимини ишлаб чиқишга ундади. Бу пайтда жаҳонда етакчилик Европадан АҚШ га кўчди. Мувофиқ равишда икки лойиҳа: америка ва инглиз лойиҳаси илгари су-рилди. Ҳар иккаласи ҳам олтин девиз стандартини қолдириш, эркин савдо ва капитал кўчишини, валюта курсларини барқа-рорлигини таъминлашга қаратилган.

◀ **1944 йили Бреттон-Вудс (АҚШ) валюта тизими** қабул қилин-ди. У олтин девиз стандартига асосланган бўлиб, олтин ва мах-сус мақом (статус)га эга АҚШ доллари ва фунт стерлинг иш-латиладиган бўлди. Икки йирик халқаро валюта кредит ташки-лотлари Халқаро валюта фонди ва Халқаро тикланиш ва тарақ-

қиёт банки ташкил этилди. Лекин ҳисоб-китобларнинг асосий қисми долларда амалга оширилгани учун бу валюта тизими кўпроқ “**олтин-доллар стандарти**” деб аталади. Бу тизим 70-йилларгача амал қилди. Халқаро валюта инқироzi туфайли борган сари долларнинг олтин билан боғланишини чеклаб, ниҳоят ўз кучини йўқотди. АҚШ долларини олтинга алмаштириш тўхта-тилди. Чунки бутун дунёга тарқалган долларни олтинга алмаш-тириш учун АҚШ нинг барча олтин захиралари ҳам камлик қиларди.

1976 йили Халқаро Валюта фонди аъзолари Ямаиканинг Кингстон шаҳрида ХВФ низомига ўзгартиришлар киритишди. Унга мувофиқ энди олтин жаҳон пули ролини ўйнамайдиган бўлди.

Олтин пул сифатида амал қилмай, баҳоси талаб ва таклиф асосида шаклландиган оддий товарга айланди.

Халқаро ҳисоб-китоблар учун махсус пул бирлиги — SDR (Special Drawing Right — махсус ўрин босиш ҳуқуқлари) жорий қилинди. У халқаро иқтисодий алоқаларда коллектив валюта бирликларидан фойдаланишни кўзда тутди. SDR махсус “валюталар саватчаси” орқали аниқланади. Бу саватчада доллар 42%, Фарбий Европа пул бирликлари (фунт стерлинг, франк, марка) — 45%, иена 13% ни ташкил этган. Лекин, у барибир жаҳон пулига айланмади.

Реал ҳаётда асосан АҚШ доллари кўпроқ ишлатилиб жаҳон пули вазифасини бажаради.

Европа ҳамжамияти халқаро ҳисоб-китобни тартибга солиш воситаси сифатида 1979 йилдан коллектив валюта “ЭКЮ”дан, 1999 йилдан эса “Евро”дан фойдаланилди. 2002 йилдан “Евро” реал пулга айланди.

Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳам бир неча коллектив валюталари бўлиб, улардан халқаро ҳисоб-китоб бирлиги сифатида фойдаланилади. Бу Араб валюта фондининг “араб ҳисоб динори”, Анд пакти мамлакатларининг “анд песоси”, “КФА” — француз франки амал қилган Африка мамлакатларининг пул бирлиги ва бошқалар.

Коллектив валюталар ҳисоб-китоб бирликлари сифатида миллий валюталар курсини таққослаш учун ишлатилади. Улар миллий валюталардан фарқ қилиб, банкнот ёки монета шаклида чиқарилмайди (ҳозир “Евро” бундан истисно). Улар фақат счётлар — ҳисоб рақамларига (book money) ёзилади.

Ҳар бир мамлакат ўз миллий валютасининг курсини ҳисоблашда ана шулардан хоҳлаган бирини танлаш имконига эга бўлади.

Халқаро валюта фонди халқаро муносабатларда валюталарни қай даражада эркин ишлатишга кўра “валюта конвертацияси” тушунчасини ишлаб чиқди. Унда икки нарсага:

1. Шу валютанинг халқаро ҳисоб-китобларда кенг ишлатилиши;

2. Асосий валюта бозорларида эркин алмаштирилишига аҳамият берилади.

Ана шундай эркин ишлатиладиган валюталар сифатида ХВФ 1986 йилдан ГФР маркаси, Франция франки, Япон иенаси, Англия фунтстерлинги ва АҚШ доллари кўрсатилди. Бу беш валюта халқаро ҳисоб-китобларда етакчи рол ўйнайди. Улар ХВФ томонидан кредитларни қайтариш ва уларга фоиз тўлаш учун қабул қилинади.

Шундай қилиб, валюталар конвертацияси олтин стандарти шароитида абсолют бўлса кейинги стандартларда нисбий конвертация сифатида кўриш мумкин, чунки абсолют конвертацияларда МБлар орқали олтинга алмаштирилган.

Хозирги пайтда иқтисодчилар валюталарни конвертация даражасига кўра 3 гуруҳга бўлишади, айримлар эса икки гуруҳга:

**1. Тўла конвертирланувчи валюталар.** Бунда миллий валюта ҳеч қандай тўсиқсиз ҳар қандай валютага эркин алмаштирилади. Пул ўтказиш бўйича ҳар қандай операциялар хоҳлаган пайтда амалга оширилади.

**2. Қисман конвертирланадиган валюталар.** Бунда валюта алмаштириш ёки пул кўчириш билан боғлиқ операцияларда маълум чеклашлар мавжуд. Бу чеклашлар субъектлар (резидент, норезидентга нисбатан ёки объектлар (жорий тижорат операциялари бўйича, капитал ҳаракати акс этадиган операциялар бўйича)га нисбатан, ёки ўзаро бўлиши мумкин. Масалан, ички конвертация бўлганда бошқа валютани миллий валютага шу мамлакатда сотиб олиш мумкин. Ташқи конвертацияда эса фақат хорижликлар миллий валютани эркин сотиб олиши мумкин.

**3. Конвертирланмайдиган валюта.** Бошқа валютага алмаштириб бўлмайдиган валюта конвертирланмайдиган валюта бўлади. Одатда иқтисоди жуда қолоқ мамлакатлар валютаси шундай валюталардир. Маълумки, халқаро ҳисоб-китобларда бир мамлакатнинг счётларини тўлаш учун шу мамлакатнинг валютаси бўлиши керак. Бунинг учун зарур валютани сотиб олиш керак. Валюталар олди-соттиси валюта бозорида амалга ошади. Валюта бозори расмий валюталар олди-соттиси умуман валюта битимлари тузиладиган марказлар бўлиб, улар жаҳон, ҳудудий, миллий бозорлардан иборат. Улар валюталар миқдори, сотиш ҳажми ва валюталар операциялари характери билан фарқланади. Жаҳон валюта бозорлари Лондон, Нью-Йорк, Париж, Цюрих, Франкфурт-Майн, Токио, Сингапур, Сянган, Бахрейнда жойлашган. Бу бозорларда жаҳон оборотида энг кўп тарқалган валюталар билан савдо қилинади.

Ҳудудий бозорларда эса шу ҳудудда кенг тарқалган валюталар билан савдо қилинади.

Маҳаллий валюта бозори эса деярли барча мамлакатларда бор.

Бозорда валюталар валюта курси, яъни валюта баҳоси бўйича сотилади.

**Валюта курси** — бу бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланишидир. Валюта курси икки хил ифодаланади. *Масалан*, биринчи, турли валюталарнинг АҚШ долларида, иккинчи америка долларининг ана шу валютадаги баҳоси ифодаланади: масалан, 1000 сўм-1 доллар, 1 доллар - 1000 сўм.

◀Валюта бозорлари икки турда: бошқача айтганда валютани тезда (икки иш куниди) етказиш, ҳамда муддатли контрактлар, яъни келажакда белгиланган муддатда валютани алмаштириш тарзида бўлади.▶

◀Валюта алмаштириш курси ҳам икки хил бўлиб, бири эркин сузувчи курс, иккинчиси қатъий қайд этилган курс бўлади.

**Эркин валюта курси** бозордаги талаб ва таклиф асосида шаклланади, давлат бунда валюта курси шаклланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

**Қатъий қайд этиладиган валюта курси**, одатда маълум бир муддатга ўрнатилади. Бунда гўё маълум бир валютага бўлган талаб ва таклиф ўзгармайди.▶

Валюта бозорида одатда улар соф ҳолда камдан-кам учрайди, улардан биргаликда фойдаланилади. Кўпинча бири иккинчисини тўлдиради.

Ҳозирги пайтда бошқариладиган эркин **сузувчи валюта курси** — **флоатингдан** кўпроқ фойдаланилади. Бунда давлат керакли томонга валюта курсини ўзгартириш учун валюта бозорида интервенцияни амалга оширади. Яъни бозорга маълум миқдорда валюта чиқариш орқали талаб ва таклиф нисбатини ўзгартиради.▶*Масалан*, Марказий банк бозорга кўшимча доллар чиқариб, сўмнинг курсини кўтариши мумкин ёки аксинча. Умуман бошқа валюталар бўйича ҳам шундай тарзда уларнинг курси ўзгаришига таъсир этилади.

◀Одатда валютанинг расмий курсидан ташқари **харид қобилияти паритети** — **паритет курси** ҳам ҳисобланади.▶

Авваллари, яъни олтин ва олтин-девиз стандарти тизимида валюта паритети турли мамлакатларнинг пул бирлигидаги олтин миқдори таққосланган бўлса, олтин асос бекор қилинган, харид қуввати таққосланадиган бўлди.

Инфляция суръати миллий валютанинг қадрини туширади. Ундан ташқари, ҳар бир мамлакатда қатор омилларнинг таъсири туфайли шаклланган нархлар, яъни миллий валютанинг харид қуввати ҳам фарқ қилади.

Шунинг учун валютанинг расмий курсидан ташқари валютанинг реал курси, яъни унинг харид қуввати — паритети ҳам ҳисобланади. Бунда 1 доллар, 1 марка, 1 фунт стерлинг, 1 франк, 1 сўм, 1 танга ва ҳоказоларга нима харид қилиш мумкинлиги аниқланади.

Харид қурби энг муҳим товарлар нархи бўйича ҳисобланади. Бу товар ва хизматлар турли мамлакатларда 1100 дан 3100 гача бўлиб, улар миллий валютадаги нархлар бўйича таққосланади. Натижада нархлар нисбатига қараб ҳисобланган валюта курси келиб чиқади.

*Масалан*, 1996 йили Хитойда ЯММ ҳажми 906,1 млрд. доллар бўйича дунёда 7-ўринда турган бўлса, харид қурби-паритети бўйича 4047,3 млрд. доллар бўлиб, 2-ўринни эгаллаган. Япония 5149,2 млрд. доллар бўлса, миллий валюта харид қуввати-паритети бўйича 2945,3 млрд. долларга тенг бўлган.

Бундан кўриниб турибдики, юаннинг харид қуввати-паритети иенадан кучли. 1 юанга Хитойда, Япониядаги 1 иенага қараганда деярли 7 марта кўп нарса харид қилиш мумкин.

Хитой юанининг харид қуввати долларга нисбатан расмий курсга қараганда 4,5 мартага ортиқ экан.

Валюта курсининг ўзгариши иқтисодиётнинг турли соҳаларига турлича таъсир қилади. Экспортга ишловчи корхоналар учун миллий валюта курсининг пасайиши қулай, импортга боғлиқ корхоналар учун эса аксинча.

*Масалан*, жаҳон бозорида пахта толасининг бир тоннаси 1500 доллар дейлик. 1 доллар = 900 сўм бўлсин. У ҳолда бир тонна толани  $1500 \times 900 = 1350$  минг сўмга сотган бўламиз. Доллар курси сўмга нисбатан ўзгарди. 1 доллар = 800 сўмга тушди десак, у ҳолда  $1500 \times 800 = 1200$  минг сўмга сотган бўламиз. Агарда аксинча 1 доллар = 1000 сўм десак,  $1500 \times 1000 = 1500$  минг сўмга сотган бўламиз. Кўриниб турибдики, сўмнинг долларга нисбатан курсининг пасайиши экспорт учун қулай.

Энди айтишлик четдан станок харид қиляпмиз. У 10000 доллар туради десак, валюта курси ўзгариши бўйича нархи қуйидагича ўзгаради:

$$\begin{aligned} 10000 \times 900 &= 9000000 \text{ сўм} \\ 10000 \times 800 &= 8000000 \text{ сўм} \\ 10000 \times 1000 &= 10000000 \text{ сўм} \end{aligned}$$

Демак, импорт учун сўмнинг долларга нисбатан қадрининг ортиши қулай экан.

Валюта курсининг ҳар қандай тебраниши икки оқибатга олиб келади: Экспортни ёки импортни қулай қилиб қўяди. 1. Четга экспорт фойдали ёки аксинча бўлиши мумкин. 2. Импорт товарлари қимматлашуви ёки арзонлашуви мумкин.

Экспорт-импорт кўламига қараб мамлакат иқтисодиётини валюта курсига боғланиши кучаяди.

*Мисол қилиб*, Япония билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни кўрсатиш мумкин.

1985 йили 1 долларга 262 иена олиш мумкин эди, 1988 йилга келиб атиги 123 иена сотиб олиш мумкин бўлиб қолди. Натижада Япония товарларининг доллардаги нархи кескин кўта-

рилди. АҚШда Япония ўз товарларини сотиш натижасида илгариги суммадаги иенага эга бўлиш учун ўз товарлари нархини икки баробарга кўтариши ёки нархи ўзгармагани ҳолда харажатларни икки баробар пасайтириш зарур бўлиб қолди. Товарларнинг нархи оширилса, Япония хариддорларини йўқотади. Шунинг учун у иккинчи йўлни, харажатларни пасайтириш йўлини танлади.

Валюта курсининг ўзгариши Япония туризмига катта зарар келтирди. Сабаби Японияга келган саёҳатчи илгарига қараганда икки баробар кўп долларда маблағ сарфлашига тўғри келади. Натижада жуда кўп америкаликлар Японияга эмас, бошқа юртларга боришни лозим кўрадилар.

Долларнинг иенага нисбатан алмашув курсини 1993 йилдан бошлаб тушиб бориши яна Японияда экспортга ихтисослашган корхоналарда қийинчилик вужудга келишига олиб келди. Биргина “ТОЙОТА” автомобил корпорацияси 60 млрд. иена йўқотишига олиб келди. Иқтисодчиларнинг ҳисобига кўра, 1 доллар 110 иенага тенг бўлса, 70% Япония фирмалари зарар кўриб ишлаши мумкин экан.

Валюта курси валюта бозорида жуда кўп омиллар таъсири туфайли шаклланади. Бу омилларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин: узоқ муддатли, қисқа, ўрта муддатли.

Айрим иқтисодчилар эса муддат жиҳатидан эмас, салмоғига кўра: фундаментал ва техник-психологик омилларга бўлишади. Бунда техник-психологик омиллар қисқа муддатли омилларга тўғри келади.

Фундаментал омилларга:

а) узоқ муддатли: мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳолати, меҳнат унумдорлиги даражаси, ЯММ ўсиш суръати, пул тизими;

б) ўрта муддатли: тўлов баланси ҳолати, бюджет тақчиллиги даражаси, узоқ муддатли капитал қўйилмалар ҳолати, инфляция суръати, пул-кредит эмиссияси, реал процент ставкалари, шу валютага бўлган ишонч, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш сиёсати, валюта сиёсати ва бошқалар киради.

Техник-психологик ёки қисқа муддатли омилларга бозорда кутилаётган ўзгаришлар, миллий ва халқаро миқёсда истеъмолчиларнинг таъби, диди ўзгариши, даромадларнинг ўзгариши, йирик банкирларнинг фикри, валюта дилерларининг фикри, сиёсатчилар, президентларнинг ўзгариши, чайқовчилик ва бошқалар киради.

Бу омиллар бир-бири билан мураккаб тарзда боғланиб, у ёки бу омил асосий рол ўйнаши мумкин.

Мамлакат яратган маҳсулотига қараганда кўп харажат қилар экан. Миллий валюта курси тушиб кетади. Ҳар бир мамлакат албатта ташқи ва ички мувозанатга эришиш муаммолари билан тўқнаш келади. Ташқи мувозанат деганда, валюта курсини бар-

қарорлаштириш ташқи ҳисоб-китобларни баланслаштириш кўзда тутилади. Ички мувозанатда эса ялпи талабни тўла бандликка мос келадиган даражада бўлишини таъминлаш назарда тутилади. Бир вақтнинг ўзида ташқи ва ички мувозанатни сақлаш ҳар бир мамлакат учун қийин.

Кўпинча ташқи балансга эришилса, мамлакат ичидаги муаммолар: ишсизлик, инфляция назоратдан чиқиб кетиши мумкин, иккинчи томондан, ялпи талабни давлат бюджети ва пул-кредит сиёсати орқали тартибга солиш тўлов баланси сальдосини, балансини бузади. У ўз навбатида қайд этилган валюта курси даражасини ўзгаришига олиб келади.

Иқтисодчиларнинг фикрига кўра, давлат савдо балансини барқарор бўлишини таъминлаш учун пул-кредит воситаларидан, ички ялпи талабни тартибга солиш учун эса бюджет сиёсатидан фойдаланиши керак. Лекин бу таклиф қайд қилинган валюта курси асосида иш юритадиган мамлакатлар билан, тўғри сузиб юрвчи валюта курси асосида иш юритадиган мамлакатлар учун бу муаммони ҳал қилишга бошқача ёндошиш талаб қилинади.

Бунда ҳукумат ташқи мувозанатга таъминлашни сузиб юрвчи валюта курси ёрдамида амалга ошириш имконини яратиш, макроиқтисодий тартибга солиш эса фақат ички ялпи талабни қўллаб туриши орқали эришиш мумкин. Макроиқтисодий тартибга солиш эса пул-кредит, бюджет сиёсатига суяниши керак.

Давлат бир томондан атайлаб пул таклифини кўпайтиради, процент ставкаси камаёди. Миллий валюта қадрсизланади. Бу эса мамлакатнинг ўз фирмаларини чет эл фирмаларига нисбатан рақобатбардошлигини оширади. Савдо баланси ҳолатини яхшилашга олиб келади. Миллий қорхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб ортади. Натижада иқтисодий ўсиш кучаяди. Оқибатда сузувчи валюта курсига асосланган пул сиёсати қайд қилинган валюта курсига қараганда миллий даромадга сезиларли таъсир кўрсатади.

Иккинчи томондан эса, давлат ички мувозанатни таъминлаш учун бюджет сиёсатидан ҳам фойдаланиши керак. Бунда ҳукумат харажатлари ортади ёки солиқлар даражаси камайтирилади. Бу тадбирлар ялпи талабни рағбатлантиради. Бунинг натижасида импорт ўсади. Савдо баланси (пассивлашади) ёмонлашади, миллий валюта қадрсизланади. Лекин бу ҳол процент ставкаларини ўсиши, оқибатда чет эл капиталини оқиб келишига имкон яратади. Миллий валютани маълум даражада, ҳеч бўлмаганда вақтинча бўлса ҳам қадрини мустақамлайди.

Эркин сузувчи (мослашувчан) ва қайд қилинган валюта курсларини иқтисодиётни барқарорлаштиришга таъсири турли вазиятларда ҳар хил баҳоланади. Бунда кўп жиҳатдан қайси омиллар: ички ёки ташқи омиллар шу пайтда иқтисодиётга кучли таъсир этишига боғлиқ.

Иқтисодчиларнинг фикрига кўра кўпроқ ташқи омиллар: капитал миграцияси, экспорт талаби тебранишлари кучайган шароитда сузувчи валюта курсларини қўллаш афзалроқ. Ички омиллар (сиёсий, иқтисодий барқарорлик ва бошқалар) роли кучайганда қайд қилинган валюта курсларининг аҳамияти ортади.

Сузувчи (мослашувчан) валюта курсларини ривожланган мамлакатларга, хом ашё экспорт қиладиган мамлакатларга тавсия қилинади. Ривожланган мамлакатларнинг хом ашёга талаби эса иқтисодий циклга боғлиқ, айни пайтда ички харажатлари ностабил бўлган мамлакатлар учун эса қайд қилинган валюта курслари асосида иш юритгани маъқул.

Охириги йилларда валюта муносабатларининг беқарорлиги туфайли уларни халқаро миқёсда тартибга солиш эҳтиёжи кучаймоқда. Шунинг учун ҳам ривожланган етти мамлакатларнинг иқтисодий алоқаларни тартибга солиш масалаларини ҳал қилишдаги роли ортиб бормоқда. Бунда шу мамлакатларнинг ҳукумат бошлиқлари ва молия вазирликларининг кенгаши алоҳида ўрин тутаяди.

Турли мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатини таққослашни таъминлашга имкон берадиган қатор кўрсаткичлар (индикаторлар) белгиланди. Булар ички миллий маҳсулот ўсиши, ички талаб даражаси, ишсизлик, инфляция, савдо ва тўлов баланси аҳволи, пул массаси ва процент ставкаларининг ўсиш суръати, товарлар нархи ва валюта курси даражаси, давлат бюджетининг ҳолати кабилардан иборат.

Умуман олганда, халқаро миқёсда турли-туман алоқаларни тартибга солиш, иқтисодий ҳамкорлик, иқтисодий ва умуминсоний муаммоларни ҳал қилишда ривожланган мамлакатлар муҳим ўрин тутгани ҳолда, борган сари жаҳон ҳамжамияти томонидан ташкил этилган турли халқаро ташкилотлар, чунончи БМТ, ХВФ, Жаҳон банки ва бошқаларнинг роли ортиб бормоқда.

### Асосий таянч иборалар

Мутлоқ (абсолют) устунлик	Ишчи кучи миграцияси
Қиёсий афзаллик	Халқаро капитал миграцияси
Рикардонинг қиёсий устунлик назарияси	Халқаро кредит
Муқобил қиймат	Тўлов баланси
Хекшер-Олин назарияси	Валюта, валюта курси
Леонтев парадокси	Флоатинг
Рақобатбардошлик назарияси	Валютанинг реал курси
Протекционизм	Ички баланс
Фретредерлик (очиқ бозор)	Ташқи баланс



## Такрорлаш учун саволлар

1. Қиёсий устунлик назариясининг мазмунини тушунтиринг.
2. Адам Смит ва Давид Рикардоларнинг абсолют устунлик ва қиёсий устунлик назарияларини тушунтириб бера оласизми, уларнинг фарқи нимада?
3. Хекшер — Олин назариясида асосий диққат нимага қаратилади? Рақобатбардошлик назариясидачи? Шуларга ўхшаш яна қандай назарияларни биласиз?
4. Леонтев парадоксини изоҳлаб бера оласизми?
5. Миллий хўжалик қачон протекционизм ва фретредерлик (очиқ бозор) сиёсатини қўлагани маъқул?
6. Жаҳон бозори таркибини изоҳланг. Жаҳон бозорида сўнги йилларда қандай ўзгаришлар содир бўлди? Хизматлар бозоридачи?
7. Ишчи кучи миграциясига қандай омиллар таъсир қилади?
8. Халқаро кредит нима? Халқаро капитал миграцияси деганда нимани тушунамиз?
9. Валюта курси нима? (унга) ва унинг ўзгаришига қандай омиллар таъсир қилади?
10. Валюта интервенцияси деганда нимани тушунамиз ва у ким томонидан ўтказилади?

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1-китоб, Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
- Каримов И. А.* Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил, 2 сентябр (2-китоб, 3—39-бет).
- Каримов И. А.* Ўзбекистон: иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, Ўзбекистон, 1995 (3-китоб, 135—366-бетлар).
- Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 1997 (6-китоб, 31—261-бет).
- Каримов И. А.* Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқ, 1997 йил 29 август (6-китоб, 324—346-бетлар).
- Каримов И. А.* Барқарор тараққиётга эришиш — устувор вазифа. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 1998 йил 25 феврал (7-китоб, 3—35-бетлар).
- Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза. 1999 йил 14 апрел (7-китоб, 370—404-бетлар).
- Бартенев С. А.* Экономические теории и школы. М.: “Бек”, 1996.
- Бизнес. Оксфордский толковый словарь. Англо-русский. Прогресс-Академия, М., 1995.
- Букина М. К., Семёнов В. А.* Макроэкономика, М., 1996.
- Борисов Е. Ф.* Экономическая теория. Курс лекций для студентов высших учебных заведений. М., 1996.
- Введение в рыночную экономику. Под редакцией А. Я. Лившица, И. Н. Никулиной, М., Высшая школа, 1994.
- Гукасян.* Экономическая теория: ключевые вопросы. М., Инфра — М., 2000.
- Казаков А. П., Минаева Н. В.* Экономика (Микро, макро и прикладная экономика), М., 1996.
- Курс экономики. Под ред. Райзберга Б. А. М., Инфра, М. 1997.
- Курс экономической теории. Под общей редакцией Чепурина М. А., Киселевой Е. А., Киров, “АСА”, 1995.

- Курс экономической теории. Изд. 4-ое. Под общ. ред. Чепурина М. А., Киселевой Е. А., Киров, “АСА”, 1999.
- Макконнелл К. Р., Брю С. Л.* Экономикс, 13-ье издание, М., Инфра—М, 1999.
- Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане (проблемные исследования в экономике”, Ташкент, 1998.
- Менкью Н.Г.* Макроэкономика. Пер. с англ. — М. Изд-во МГУ, 1994.
- Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 1999. Ташкент, 2000 г.
- Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000 г. Ташкент, 2001 г.
- Общая экономическая теория. Под общ. ред. Видянина В. Н., Журавлевой Г. П., М., Промо-Медиа”, 1995.
- Основы экономической теории. Под ред. Камаева В. Д., М., Изд-во МГТУ им. Н. Е. Баумана, 1996.
- Пезенти А.* Очерки политической экономии капитализма. М., 1976.
- Пол Хейне.* Экономический образ мышления. Пер. с англ., М., Новости, 1991.
- Робинсон Дж.* Экономическая теория несовершенной конкуренции, М., 1986.
- Самуэльсон П.* Экономика. В 2-х т., М., Алгон, 1992.
- Самуэльсон П., Нордхаус В.* Экономические науки, 1990, 1—12-сон.
- Словарь современной экономической теории. Общая редакция Дэвида У. Пирси. Перевод с англ., Инфра—М, 1997.
- Экономическая теория. Под научной редакцией Видянина В. И., Журавлевой Г. П., Гулямова С. С., Шарифходжаева М. Ш., Абдурахманова К. Х., Ташкент, Шарк, 1999.
- Экономическая теория. Под ред. Николаевой И. П., М., Проспект, 1998.
- Экономическая теория. Под ред. Сумцовой Н. П., Орловой Л. Г., М., ЮННТН, 2000.
- Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р.* Экономика, М., Дело, 1999.
- Хайлбронер П. Л.* Экономическая теория как универсальная наука (ТН ) Зима, 1, 1993.
- Ядгаров Я. С.* История экономических учений, М., Инфра—М, 2000.
- Ўлмасов А., Шарифхўжаев М.* Иқтисодиёт назарияси, Тошкент, Меҳнат, 1995.
- Ўлмасов А.* Иқтисодиёт асослари, Тошкент, Меҳнат, 1997.
- Смит А.* Исследование о природе и причинах богатства народов. М. Экономика, 1962.

- Денисон Э.* Исследование различий в темпах экономического рынка. М. 1971.
- Кейнс Ж. М.* Общая теория занятости процента и денег. М., Экономика, 1993.
- Сельское хозяйство в Узбекистане: частные, дехканские и ширкатные хозяйства в шилотируемых районах проекта по поддержке сельских предприятий. Отчет проекта под руководством М. Ланделя ECSSD.
- Минмакростат Республики Узбекистан Госдепартамент статистики. Основные показатели годовых отчетов сельскохозяйственных предприятий Республики Узбекистан за 2001 г. (Данные без фермерских, дехканских хозяйств и подсобного предприятия министерств и ведомств). Статистический бюллетень. Ташкент, 2002.
- Отчет о мировом названии 1998/99. Всемирный банк М. Весьмир. 1999.
- Доклад о мировом развитии 2000/2001.
- Всемирный банк М. Весь мир 2002.

## М У Н Д А Р И Ж А

Муаллифдан ..... 3

### **XII Б О Б. АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА АГРОБИЗНЕС ..... 5**

1-§. Аграр муносабатлар ва аграр сектор хусусиятлари..... 5

2-§. Ер рентаси, унинг турлари. Рента категориясига классификация ва неоклассик ёндашув..... 8

3-§. Аграр сектор муаммолари..... 18

4-§. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва агробизнес..... 26

## III бўлим

### **МАКРОИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ**

#### **XIII Б О Б. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ЎЛЧАМЛАРИ. ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ, ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ВА УНИНГ ҲАРАКАТ ШАКЛЛАРИ..... 36**

1-§. Макроиқтисодиёт кўрсаткичлари. Миллий ҳисоблар тизими..... 37

2-§. ЯИМ ва ЯИМни ҳисоблаш усуллари. Реал (ЯИМ) ялпи ички маҳсулот, (ЯММ) ялпи миллий маҳсулот. .... 42

3-§. Соф маҳсулот, миллий даромад ва шахс ихтиёридаги даромад..... 53

#### **XIV Б О Б. ЯЛПИ ТАЛАБ ВА ЯЛПИ ТАКЛИФ ..... 58**

1-§. Ялпи талаб ва унга таъсир этувчи омиллар ..... 59

2-§. Ялпи таклиф ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар ..... 63

3-§. Ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанати, AD - AS модели. .... 67

#### **XV Б О Б. ИСТЕЪМОЛ, ЖАМҒАРМА ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ..... 75**

1-§. Истеъмол ва жамғариш. Истеъмол ва жамғаришга мойиллик ..... 75

2-§. Инвестиция, унинг таркиби. Инвестицияга талаб ва таклифни мувозанатга келтириш..... 79

3-§. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватлаш..... 85

#### **XVI Б О Б. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ НАЗАРИЯСИ ..... 90**

1-§. Иқтисодий ўсиш ва унинг омиллари ҳақидаги назариялар..... 91

2-§. Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик.....	101
3-§. Иқтисодий ўсиш цикллари .....	104
4-§. Иқтисодий ўсиш моделлари .....	120
<b>XVIII Б О Б. МАКРОИҚТИСОДИЙ НИСБАТЛАР ВА МУВОЗАНАТ .....</b>	<b>138</b>
1-§. Мувозанатлик ва унинг турлари .....	138
2-§. Иқтисодиёт таркибининг шаклланиши.Иқтисодий мутаносиблик...	141
3-§. Таркибий ўзгаришлар ва уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари.....	146
4-§. Таркибий ислохотларнинг асосий моделлари.....	148
<b>XVIII Б О Б. ИШ КУЧИ ВА УНИНГ БАНДЛИГИ .....</b>	<b>153</b>
1-§. Иш кучи, унинг миқдор ва сифат ўлчами .....	153
2-§. Ишсизлик сабаблари ва турлари .....	157
3-§. Ишсизликнинг иқтисодий ва социал оқибатлари.....	163
4-§. Иш билан таъминлаш ва меҳнат биржалари.....	166
5-§. Филлипс эгри чизиги.....	169
<b>XIX Б О Б. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ .....</b>	<b>176</b>
1-§. Молия муносабатлари ва унинг моҳияти.....	176
2-§. Молия тизими: “Микро ва макро миқёсда молия”.....	185
3-§. Сугурта ва унинг молия тизимидаги ўрни.....	192
4-§. Молия бозори ва унинг Ўзбекистонда шаклланиши.....	198
5-§. Солиқлар ва уларнинг вазифалари.....	210
6-§. Давлат бюджети.....	220
<b>XX Б О Б. ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ПУЛ НАЗАРИЯСИ .....</b>	<b>232</b>
1-§. Пул муомаласи тўғрисидаги назариялар.....	232
2-§. Пул тизими. Монометалл пул тизимида пулнинг функциялари.....	236
3-§. Ҳозирги замон пул тизими. Пул агрегати ва унинг таркибий тузилиши.....	240
4-§. Пул муомаласи қонуни.....	244
5-§. Инфляция ва унинг сабаблари, турлари.....	247
6-§. Инфляциянинг иқтисодий ва социал оқибатлари.....	254
7 § Антиинфляцион чора-тадбирлар.....	257
<b>XXI Б О Б. КРЕДИТ ТИЗИМИ ВА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ .....</b>	<b>262</b>
1-§. Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва манбалари.....	262
2-§. Кредит турлари ва тамойиллари.....	266
3-§. Фоиз ва унга таъсир этувчи омиллар.....	269

4-§ Кредит ва банк тизими.....	273
5-§. Пул мультипликатори.....	281
6-§. Марказий банк ва унинг асосий вазифалари.....	285

## **XXII Б О Б. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБЛАШ.**

<b>ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РОЛИ .....</b>	<b>292</b>
--	------------

1-§. Иқтисодиётни тартиблаш зарурлиги, тартиблашнинг бозор механизми.....	292
2-§. Иқтисодиётни тартиблашда давлатнинг роли.....	296
3-§. Давлатнинг пул бозорини тартибга солиш.....	302
4-§. Иқтисодиётни тартиблашда фискал сиёсат.....	307
5-§. Макроиқтисодий тартибга солишнинг Кейнсча модели.....	312
6-§. Иқтисодиётни тартибга солишнинг монетар модели.....	318

<b>XXIII Б О Б. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА СОЦИАЛ СИЁСАТ .....</b>	<b>325</b>
--	------------

1-§. Тақсимот ва унинг шакллари. Бозор иқтисодиётида тақсимот.....	325
2-§. Аҳоли даромадлари ва уларнинг манбалари.....	330
3-§. Аҳоли даромадларининг табақалашуви.....	333
4-§. Турмуш даражаси ва унинг кўрсаткичлари.....	341

## **IV бўлим**

### **ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИНING ХАЛҚАРО АСПЕКТЛАРИ**

<b>XXIV Б О Б. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ .....</b>	<b>351</b>
---	------------

1-§. Жаҳон хўжалиги ва унинг таркиб топиши.....	352
2-§. Халқаро меҳнат тақсимоғи ва иқтисодий интеграция.....	361
3-§. Жаҳон хўжалик ҳаётининг глобаллашуви ва унинг оқибатлари.....	367

<b>XXV Б О Б. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР .....</b>	<b>376</b>
--	------------

1-§. Қиёсий устунлик (афзаллик) назарияси.....	376
2-§. Халқаро иқтисодий муносабатлар ва унинг таркиби.....	388
3-§. Халқаро валюта муносабатлари ва валюта тизими.....	399

**ДИЛОРОМ ТОЖИБОЕВА**  
**ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ**  
**ИККИНЧИ КИТОБ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2003

*Муҳаррир Г. Зокирова, К. Мусаева*  
*Бадий муҳаррир Г. Шоабдурахимова*  
*Техник муҳаррар Р. Бобохонова*  
*Мусаҳҳиҳ Ю. Бизаатова*  
*Саҳифаловчи Л. Цой*

Теришга берилган 15.01.2003. Босишга рухсат этилди 11.04.2003.  
Бичими 60x90  $\frac{1}{16}$ , Times UZ гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи  
26,5. Нашриёт-ҳисоб табоғи 29,2. Адади 1500 нусха. Буюртма № 4496.  
Баҳоси келишилган асосда

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси**  
**700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**